

Ҳамдам Содиқов


Олтин ўрда

# АМИР ТЕМУР

салтанатида

хавфсизлик


хизмати



ҲАМДАМ СОДИҚОВ

**АМИР ТЕМУР  
САЛТАНАТИДА  
ХАВФСИЗЛИК  
ХИЗМАТИ**

(тарихий бадиалар)



“ART FLEX”  
Тошкент — 2010

*Масъул муҳаррир:*  
Тарих фанлари доктори,  
профессор, Республикада хизмат кўрсатган  
ёшлар мураббийси **Назира Абдуазизова**

*Тақризчи:*  
Социология фанлари номзоди **Тошпўлат Матибоев**  
Ғоя ва дастур муаллифи: **Омадулла Убайдуллаев**

**Содиқов, Ҳамдам.**

**С75** Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати: (тарихий бадиалар): [3 қисмли] / Ҳ. Содиқов; масъул муҳаррир Н. Абдуазизова; ғоя ва дастур муаллифи О. Убайдуллаев. – Т.: «ART FLEX», 2010 – 436 б.

Ушбу китоб Соҳибқирон Амир Темур шахсининг янги бир қиррасини очади. Унинг давлат хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим омил — разведка ва контрразведка соҳасида олиб борган ўзига хос ва айни дамда одилона сиёсати, жанговар фаолияти асарда аниқ ва равшан ёритиб берилди. Саркарданинг эришган зафарлари, буюк давлатни барпо этишда унга ёрдам берган хавфсизлик хизматининг тутган ўрни асосланган тарихий фактлар ва воқеалар асосида баён этилади.

Асар Амир Темурни дунё тамаддунида ўчмас из қолдирган буюк давлат арбоби, иқтидорли ва енгилмас саркарда сифатида китобхонларга яна ҳам яқинроқ таништириш баробарида, уларга буюк аجدодимиз шахси билан боғлиқ қўшлаб маълумотларни етказиб беради.

Китоб кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

ББК 63.3 (5Ў) 4

ISBN 978-9943-301-80-1;

© «ART FLEX» нашриёти, 2010

## Тақризчидан

Тарих фанлари доктори, профессор Ҳамдам Со-диқовнинг диққатингизга ҳавола этилаётган китобини чин маънода темуршуносликда янги саҳифа дейиш мумкин. Бу китоб “Амир Темур ҳаётидаги гаройиботлар” китобининг тадрижий давомидир.

Муаллиф шу кунгача ҳали ҳеч бир талқиқотчи ёки ёзувчи қўл урмаган мавзунини кўтариб чиққан. Бу эса ёзувчи-талқиқотчидан улкан билим, чуқур таҳлил ва энг муҳими, дадиллик талаб қилади.

Китобда ҳазрат Соҳибқироннинг биз билмаган ва эшитмаган қирраларини кўрашимиз. Унинг буюклиги намоеън бўлмаган жиҳатлари, ёритилмаган ёки қалам урилмаган хислатларидан бохабар бўламиз.

Амир Темур туғма разведкачи бўлгани ёки замонавий тилда махфий хизмат пирларидан эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Ҳамдам Содиқов ана шу мавзу билан Амир Темур ғалабаларининг асосий томонини кўрсата олган ва ўз фикрларини асослашга муваффақ бўлган.

Биз бу китобда нафақат XIV асрда рўй берган воқеалар ва тарихий шахсларнинг кенг панорамасини, балки Соҳибқирон бобомизнинг инсоншунослик бобидаги бе-назир истеъдодини ҳам кўрашимиз.

Келинг, яхшиси ўзингиз буларни китобдан ўқиб, билиб олинг. Мен бир социолог олим сифатида Сиз, азиз ўқувчиларга ўз фикримни билдирдим, холос.

**Тошпўлат МАТИБОЕВ,**  
**Социология фанлари номзоди**



*Дунёдан бевақт кўз юмган мунис ва  
беозор ўғлим Шаҳзод Содиқовнинг  
(1998–2008) ёрқин хотирасига  
бағишлайман.*

*Муаллиф.*

## **БИРИНЧИ ҚИСМ**

# **ИЛОҲИЁТГА УЙҒУН РАЗВЕДКА**

## Разведкада ҳам беназир

Тарихдаги улуғ зотлар Баҳри Уммонда кезиб юрган баҳайбат кемаларга ўхшайди. Бир қараганингизда, бу кема кўзингизга яхлит ташлангани билан унинг ичида ва каю-таларида қанчадан-қанча тилсимли ҳодисалар юз беради. Ва бу кеманинг изидан мавжланган из қолади. Бу из ҳатто фазодан боққанда ҳам кўзга яққол ташланиши мумкин. Биз буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратларини дунёда неки энг кучли, энг жозибали, энг маҳобатли бўлса, ўшаларга қиёсланишимиз мумкин. Бу улуғ зотнинг ҳаёти ва фаолияти, жўнроқ айтганда, таржиман ҳоли бизга маълум бўлса-да, бироқ биз эслатган чўққи ёхуд улкан кема янглиғ, бу муҳташам сиймонинг номи билан боғлиқ биз билмаган, эшитмаган ривоятлар, ҳикоятлар ер юзи бўйлаб кезиб юрибди.

*Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири*

Чиндан ҳам Соҳибқирон вафотидан кейин олти асрдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида Шарқ ва Ғарб олимлари юзлаб асарлар яратишди, лекин Амир Темур шахси ҳамон тадқиқотчилар назаридан тушмаган. У ҳақида ҳамон ёзишмоқда, талай тадқиқотлар ва янгиликлар яратилмоқда.

Уларда биз Амир Темур сиймосининг янги ва янги қирраларини кўрмоқдамиз. Бу соҳада таниқли ёзувчи ва олим Пиримқул Қодировнинг “Амир Темур сиймоси” деб номланган илмий бадиасини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. *(Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2007 йил.)*

Бу китобда ҳали ҳеч ким қўл урмаган ва эътибор бермаган масалалар илмий теранлик ва бадийий маҳорат ила ечилган.

Пиримқул Қодиров тадқиқотчига хос зийраклик билан бир фикрни ўртага ташлаган, унга қўшилмасдан иложимиз йўқ. “Амир Темур мавзуси уммондай чексиз”. Биз ана шу уммондан кичик бир жилғани танлаб олдик.

У ҳам бўлса, Соҳибқирон яратган махфий хизмат — разведка ва контрразведка масаласидир. Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятидаги сирли воқеалар ана шу махфий хизмат билан боғлиқдир. Биз унинг разведкаси ва контрразведкаси тузилиши, стратегияси ва тактикаси ҳақида аниқ маълумотларга эга эмасмиз. Аммо Амир Темур ҳақида ёзилган китобларда бу ҳақда узук-юлуқ фикрлар берилган.

Фикримизча, Амир Темур махфий хизмати ҳақида энг холис маълумотларни Соҳибқироннинг замондоши Ибн Арабшоҳ беради. Унинг киноя ва ғаразга тўлиқ сатрларида Амир Темур махфий хизмати шахсий таркиби хусусида бебаҳо маълумотлар мавжуд.

— У, — деб ёзади Ибн Арабшоҳ, — ерларининг барча томонларига ўз айғоқчиларини тарқатиб, қолган мулкларига эса жосуслар қўйган эди.

Жосусларнинг буниси Қоҳирада, Муизияда бўлса, униси Дамашқда, Шамийсониядаги сўфийлардан бири эди. Улардан бири чаканафуруш бўлса, иккинчиси йирик савдогар, бадхулқ полвон ва бузуқи дорбоз, жафокор ва хунарманд, мунажжим ва ўз табиатида иш қиладиган, гапчиноз қаланларлару саёқ дарвешлар, денгизчи маллоҳлару куруқликдаги сайёҳлар, зарофатли мешкоблар, латофатли этикдўзлар, алвасти ва ҳийлакор Далла мисоли фирибгар кампирлар тажрибаси бўлиб, илм талабида мағрибу машриқни кезган, пайига тушган мақсад йўлида макру ҳийла маконида камолга етган, ўзининг нозик фириби ва даҳоси билан, сув билан олов, тўғрилиқ билан эгрилик ўртасида униб ўсган, макру ҳийлада Сосон ва Абу Зейддан ҳам ўтиб кетган, ўз ҳикмати баҳсида Ибн Синони ҳам мулзам қилган, икки муҳолифни бир-бирига бириктириб, икки душманни бир-бирига қўшган уддабурон кишилар эди.

Амир Темурни ёқтирмаган Ибн Арабшоҳ ўзи билмаган ва исгамаган тарзда ҳали ҳеч ким битмаган, қўл урмаган ва журъат этолмаган мавзунни ёритиб, келгуси авлод учун қимматли гувоҳликлар қолдирган.

— Жосуслар, — деб ёзади Ибн Арабшоҳ, — чор-атрофда бўлаётган ҳодисалар ва уларнинг хабарларини Темурга отказиб, манзилу шаҳарларни тавсифлардилар. Уларнинг

текис ва нотекис жойларининг суратини келтириб, уйлари ва диёрлари ўринларини чизиб кўрсатардилар, шулар орасида у жойларнинг яқин ё узок, тор ёки кенглигини, шаҳарлар ва қишлоқларнинг номларини, манзил ва паноҳжойлар номларини, ҳар бир жойнинг аҳлию бошчиқлари, амирлари, улуғлари, фозиллари, шарифлари, бойларию фақирларини, уларнинг ҳар бири исм ва лақабини, шуҳрати ва насабини, ҳунари ва воситаларини баён қилардилар. Натижада Темур ўз фикри билан шу нарсаларни яққол кўриб, тафаккури воситасида ўз ерлари билан бирга хориж жойлар устидан ҳам тасарруф юритарди.

Чиндан ҳам олганда Ибн Арабшоҳ ўз иқрорлари билан бошқа муаррихлардан қарама-қарши ўлароқ, Амир Темур разведкаси ва контрразведкаси хусусида қизиқарли фикрлар билдиради.

— Темур аскарлари орасида, — деб ёзади Ибн Арабшоҳ, — бутпараст турклар, оловга сажда қилувчи мажусий ажаллар, коҳинлару сеҳргарлар, золимлару мункирлар бор эди.

Соҳибқирон ана шундай бағри кенг бўлгани ва шунинг учун унга мусулмонлардан ташқари, насронийлар, зардуштийлар, буддавий ва бошқа динларга мансуб кишилар садоқат ила хизмат қилганини Ибн Арабшоҳ ажабланиш ила баён этади.

— Улар Тангридан ташқари ўзларига Темурни сардор ва ҳомий деб қабул қилганлар. Улар унинг билан ўзларича кибрланиб, бағоят фахрланардилар. Уларнинг куфурликлари ҳамда унга нисбатан муҳаббатлари шунчалик даражада эдики, башарти Темур пайғамбарлик ёки илоҳийликни даъво қилса, унинг даъвосини, албатта, тасдиқлардилар. Улардан ҳар бири Темурга нисбатан меҳрини восита қилиб, ўзларини Тангри таолога яқин тутардилар.

Ибн Арабшоҳнинг Амир Темур хуфиялари ҳақидаги фикрлари ҳам диққатга сазовордир.

— Улар дунёдаги турли ҳоллар ва етти иқлимнинг ҳар бир қарич ерида содир бўлган омонлигу хавф-хатар, адолату ҳақсизлик, арзонлигу қимматчилик, нохушлик ҳам

шифо топиш ва кейинчалик юз берадиган бошқа ишлар тўғрисида ҳукм чиқарадилар.

Ибн Арабшоҳ — Амир Темур разведкачилари ахборотлари хусусида сўз юритиб шундай хулосага келади.

Бу ҳукмда улар камдан-кам хато қилардилар.

Ибн Арабшоҳнинг яна бир иқрори ҳам диққатга сазовордир.

“У (одамларни) чалғитиш қобилиятига эга бўлиб, ҳаракатларида шиддатлик (асари) бор эди.

Агар унинг бошига бехосдан бир мушқул иш тушса, у ўзини гўё ушбу ишқалга марғуб кўрсатиб (аслида) уни даф қилишга киришарди.

Унинг (одамларни) чалкаштиришидан бир мисол шуки, агар унда бирор маконга нисбатан хоҳиш туғилса ёки бирон қавм майдонига тушишни истаб қолса, хуфиялик ва бекинишга юз қўйиб, қалбаки ҳаракат ва ўзини гўлликка солишни талаб этарди”.

Ибн Арабшоҳ Соҳибқироннинг разведка бобидаги маҳоратини тан олиб яна шуни ёзади: У ўз давлати арконларини, мамлакати аъёнларини, ўз мулоҳаза ва машварат эгаси бўлган кишиларининг бирортасини ҳам қолдирмай тўплардики, бола отанинг, ота эса боланинг ўрнини боса олмасди. Сўнгра уларга махфий тутган масаласини зоҳир қилиб, қайси томонга юриш ҳақида (улардан) маслаҳат сўрар ҳамда гап жиловини уларга ташлаб қўйиб: “Халқнинг хос қисми бу масалага чуқур қараб, бир кун билан бир йил орасидаги ишлар оқибатини кўзлаб гапирса, унинг гуноҳи йўқ. Майли, ҳар кимса хатонинг энг куйисигача йиқилса ҳам ёки савобнинг чўққисига кўтарилса ҳам — фарқи йўқ, ҳеч бири тортинмасдан гапираверсин. Чунки агар хато қилса, бу нуқсон эмас, агар мақсадга мувофиқ бўлса, унга икки ҳисса мукофот”, — дерди. Шунда ҳар ким ўз жидду жаҳдини сарфлаб, бу масалада мақсади ва меҳнатини кўрсатиб, ўз ижтиҳоди берган натижасини намойиш қилар, ўйлаган фикри Темур муродига мувофиқ деб тасаввур этарди. Шу тарзда ҳамма фикрлар тўпланиб, бир томонга қараб юришга иттифоқ бўлгач, ушбу мажлис (аҳли) тарқаларди. Кейин у ўзининг Сулаймоншоҳ, Камарий, Сайфуддин, Оллоҳод,

Шоҳ Малик ва Шайх Нуриддин каби яқин кишилари билан мажлис қуриб, масалани қайтадан ҳар томонлама бағоят пухта ўйлардилар ва ҳамма йўлларни диққат билан муҳокама қилардилар. Ниҳоят, бир томонга юриш қилиш тўғрисида иттифоқ воқеъ бўларди. Кейин Темур бу масалада ўзининг йўлбошловчи, раҳбару бошлиқларини чақириб, ўша (аввал) келишилган томонга йўл олиб (фақат) бошқа тарафга қараб тарқалишларини амр қиларди. Қачонки зулмат ўз чодирини бузиб, субҳ бошловчиси ўз байроқларини ёйғач ва жўнаш учун ногора чалиниб, одамлар ўз юklarини ортиб боришга келишилиб, амр қилинган томонга равона бўлганларида, Темур ўз мулозимларини чақириб, улар ҳам ўз юklarини ортиб, жўнай бошлаганларидан кейин — (одамлардан) ажралишларини ва бошқа томонга қараб юришларини амр қиларди. Масаланинг ойдинлиги (қайси томонга юришлик) жамоага фақат шу онда аён бўлар эди.

Одамлар у томонга кетса, Темур бу томонга, аскарлар фарбга юрса, Темур шарққа юрарди.

Муаррихнинг мазкур ёзганларидан шу нарса маълумки, Соҳибқирон разведкани устомонлик билан йўлга қўйган. Ибн Арабшоҳ Амир Темурнинг контрразведкачилик маҳоратини ҳам эслатиб ўтади.

“Агар унинг аскарлари ичида (душманнинг) хабарчиси ёки аскарнинг бориш-келишини кузатиб юрувчи киши бўлса, у дарҳол аскарларнинг юklarини ортиб қўзғалиб юра бошлаганини кўрган заҳотиёқ ўз махдумига қараб (қушдай) учиб бориб, унга ўзига маълум бўлган хабарни — яъни иттифоқ бўлган томонга қараб Темур аскарларининг отланиб жўнаганини ўз кўзи билан мушоҳада этганлигини изҳор қиларди. Шунда аскарлар жўнаган томон аҳли ўз эҳтиёткорлигини кўриб, бошқа томонлар эса ҳар хил кулфатлардан ўзларини бехатар сезардилар. Улар фақатгина Темур (кейин) қасд қилган томонни яқсонлаб, вайрон қилгандан ва улар устига ёнаётган олов азобидан алангаю чўғлар ташлаганидан кейингина воқиф бўлардилар. Шулар жумласидан: Темур Шомда бўлиб, душман аскарлари унга қарши турганда у ўз қўшини ҳалқасини бўшатди, деб итоат тарқатиб, озроқ орқага сурилиб че-

қинди ҳамда отларию одамларининг емишга муҳтожлиги учун ўзини энди Бағдод томонга жўнайди деган хабарни ёйди. Сўнгра бу ишнинг натижаси Миср аскарларининг мағлубияти билан тугади”.

Ибн Арабшоҳ гувоҳлигидан кўриниб турибдики, Амир Темур доимо сергак ва огоҳ бўлгани ҳолда ўз салтанати ва ўз яқинлари, лашкарбошилари орасида ҳам душман одамлари иш кўришини зинҳор унутмаган. Аччиқ тажриба, сабоқлар ва аламли жудоликлар уни шунга ўргатган. “Темур тузуклари”да Соҳибқирон ўзининг ўғитларидан бирида ички разведкага доир қизиқ мисол келтиради:

“Подшоҳ мажлис аҳлидан огоҳ ва ҳушёр бўлсинким, улар кўпинча айб ахтариб уни ташқарига ташийдилар. Подшоҳнинг сўзидан, ишидан вазирларга, амирларга хабар бериб турадилар. Масалан, шунга ўхшаш бир воқеа менинг ўзим билан рўй бергани, ўзимнинг хос мажлисимдаги бир қанча суҳбатдошларим вазирлар ва амирларнинг жосуслари экан”.

Амир Темур разведка ва контрразведка нақадар катта аҳамиятга эгалигини авлодларга ўз “Тузуклари”да аниқ ҳаётий мисоллар билан тушунтирган: “Давлат ишида талай олчоқ ёмон одамлар бордирки, давлат душманларини яхшилаб, унинг жон фидоларини турли макр-ҳийлалар билан хароб қиладилар. Чунончи, Амир Ҳусайн вазирларимдан бирини алдаб, давлатимнинг таянчи, икки кўли бўлмиш амир Идику Темур ва Амир Жоқуни менга қарши қўймоқчи бўлиб гап чиқарди. Мен унинг хиёнатини фаросатим-ла сезиб қолдим, шунинг учун улар хусусида айтилган ҳамма гапларни эшитмаганга олдим”.

Замонавий тилимизда ифвогарлик (провокация) ва ёлғон хабар тарқатиш (дезинформация) дейиладиган нарсалар Амир Темурнинг аччиқ тажрибасидан ўтган эди.

“Яқинларимдан баъзилари, — деб ёзади Амир Темур, — ёлғиз қолганимизда ва одамлар олдида улуғ ва эътиборли амирларимдан бўлган Амир Аббосга ҳасад ва душманлик қилиб, унинг ҳақида бўлмағур гапларни айтдилар. Ёлғон сўзлари шамоли билан ғазабим ўтини алан-

галатдилар. Натижада гапларини текшириб кўрмасдан ғазаб устида Амир Аббосни ўлимга буюрдим. Охир оқибатда уларнинг Амир Аббос ҳақида хиёнат қилганларини англадим ва қилган ишимдан ўкиниб, жуда пушаймон бўлдим”.

Амир Темур ўша хатодан кейин бир қарорга келади. Ҳукмдор ҳар қандай зўр, доно ва мутафаккир бўлмасин, хатога йўл қўйиши мумкин. Демак, унинг ўзини назорат қиладиган одамлари бўлиши керак. Бу одамлар ҳалол, покиза, адолатли ва ўлимдан кўрқмайдиганлар тоифасидан танланиши керак. Соҳибқирон шундай қилди. Фуқаро ва раият ишлари бўйича уни Носириддин Маҳмуд ал-Аромий, ҳарб ишларида эса Маҳмуд Шаҳоб Хуросоний назорат қиладиган, унинг нотўғри фармон ва қарорини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Ушбу сатрларни ўқийдиган ҳар бир китобхон бир ўйлаб кўрсин-чи, тарихда ўтган қайси подшоҳ, султон, хон ва бошқа ҳукмдорлардан ким ўзини тергаш, назорат этиш, амрини бекор қилишга ваколат берган? Донгдор Искандар Маҳдуний тўғри сўзни айтиб, унга дашном берган иниси Клитни жаҳл устида ўлдириб қўйганини эсланг-чи?

Ана шунда Амир Темурдек буюк зотнинг даҳолигига яна бир иқдор бўласиз. Соҳибқироннинг нақадар буюк инсон бўлганига яна бир бор тан берасиз.

Соҳибқирон ўз “Таржимаи ҳол”ида бу ҳақда шундай ёзиб қолдирган:

— Мен ўзимга адолатли ва раҳмдил тўрт вазирни танладим. Улардан иккиси Маҳмуд Шаҳоб Хуросоний ва Носириддин Маҳмуд ал-Аромий эрди. Бу икки вазиримга доимо мени кузатиб туришларини ва агар мен адолатсизлик қиладурғон бўлсам, дарҳол мени тўхтатишларини, кимнингдир ёлғон сўзларига ишонсам ёки бегона кимсанинг мулкига хиёнат қиладурғон бўлсам, дарҳол мени оғоҳлантиришларини таъкидлаб қўйдим.

Амир Темур ўзи танлаган яна икки вазир нима билан шуғулланишини ёзмаган бўлса ҳам, улар бевосита разведка соҳасида эканлиги маълумдир.



Разведка ва контрразведка Амир Темур салтанатида давлат сиёсатининг бош бўғини бўлгани ҳақида “Темур тузуклари”даги “Мулку мамлакат, сипоҳу раият аҳволидан хабардор ва огоҳ бўлиб туриш тузуги”да шундай қайд этилган: “Ҳар бир сарҳад, вилоят, шаҳар ва лашкарда хабар ёзувчи (хабарнавис)лар тайин қилинсинки, ҳокимлар, раият сипоҳ ўзининг ва ёт — бегона лашкарнинг хатти-ҳаракати ҳақида мени хабардор қилсин. Атрофдан кирган-чиққан ёт кишилар, ҳар мамлакатдан келган карвонлар ва ҳукмдорлик ҳақидаги хабарлар, қўшни подшолар, уларнинг гаплари, ишлари ва узоқ ўлкалардан бўлиб, менинг даргоҳимга юзланган уламо, фузало ҳақидаги батафсил хабарларни ростлик, тўғрилик билан менга ёзиб турсинлар.

...Ва яна амр этдимки, ушбу хабарларни кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой менинг арзимга етказиб турсинлар”.

Разведка хабарларини зудлик билан етказиш хусусида ҳам қизиқ кўрсатмалар берилган.

“Амр қилдимки, — деб ёзади Амир Темур, — мингта тезюрар туя минган, мингта от минган елиб-югурувчи кишини чопқунчи, минг нафар тезюрар пиёда ни (чопар) этиб тайинласинларки, турли мамлакатлар, сарҳадларининг хабарларини, қўшни ҳукмдорларнинг мақсадлари ва ниятларини билиб, ҳузуримга келиб хабар қилсинлар, токи бирон воқеа, кор-ҳол юз бермасидан бурун чора ва иложини қилайлик”.

Тарихдан маълумки, Амир Темурнинг келини Севинчбека эри Мироншоҳнинг Султонияда қилаётган бебошлиги ҳақида шахсан ўзи қайнотасига хабар етказган ва салтанат бошига келаётган хавф бартараф қилинган.

Ахборотнинг нима эканлигини Амир Темур яхши англаган. Ҳозир, бизнинг замонамизда “ахборотга эга киши дунёни эгаллайди”, деб бежиз айтишмайди. Соҳибқирон эса глобаллашув жараёни ривожланмасдан етти аср илгари ахборот нималигини чуқур англаган ҳолда иш кўрган. Ана шунинг учун ҳам у етти иқлим ҳукмдори бўлди. Жаҳонда мисли кўрилмаган салтанатни барпо этди ва унинг шухратини дунёга таратди.

Амир Темурнинг агентура тармоғи тўғрисида чет эл олимларининг айрим ахборотлари ҳам диққатга сазовор.

1402 йил 15 май куни Амир Темур Шарқий Рим империяси ҳукмдори — Византия императори Иоанн Палеолог номига ёзган мактубни асли миллати яҳудий Исҳоқ — Исаак деган мулозимига топшириб, уни Константинополга юборди. Бу мактубда Соҳибқирон 1401 йилда ўз хузурига келган Византия элчилари Франческо ва Александрлар номини тилга олган.

1401 йил августида Генуяга қарашли кемада Амир Темурнинг элчилари Византияга қарашли Пера шаҳрига келади. Бу элчилар орасида Доминикан тариқати аъзоси Франциск бўлган. Яна шуниси ажабланарлики, бу элчилар шарафига Перада Амир Темурнинг катта қизил байроғи кўтарилган.

Соҳибқироннинг махфий хизмати ҳақидаги гоят масъул мавзуга қўл урар эканмиз, биз мавжуд адабиётлар ва манбалар таҳлили асосида китобхонга Амир Темур фаолиятида разведка ва контрразведка қандай роль ўйнаганлигини аниқ факт, воқеа, шахслар ва мисоллар воситасида баҳоли қудрат баён этишга ҳаракат қиламиз.

## Устоз ва сипоҳ ўғитлари

“Амир Соҳибқирон мактабида ўз тенгқурларидан сабоқда ўзиб кетарди. Балоғат ёшига етгунча илм, адаб, хат ва суханворлик касб этди. Ундаги теран билим шифоатга пайванд бўлди ва шундан сўнг амирлик мансабини эгаллади”.

*Ҳофизи Абрӯ. “Зубдат-ут-таворих” асаридан*

Темурбек ўн бешга тўлганида Шайх Шамсуддин Амир Тарағойга шундай деди:

— Муҳаммад, мен сенга ўз иқроримни айтамен. Энди ўглингга бошқа сабоқ бера олмаймен. — У ҳайрат бармоғини тишлаган отага қараганча сўзида давом этди. — Барча билганимни унга жойладим.

Шайх бир вақтлар Ибн Синонинг устози аллома Нотилий унинг отаси Абдуллабекка иқрорини эслатди.

— Шундай аллома ҳам Ибн Сино ўн беш ёшга тўлганида унга бошқа билим беришга ожизмен деган экан. Бу ўхшашликка не дейсан?

Амир Тарағой чуқур хаёлга толди. Унинг хаёл кўзгусидан ўелининг болалиги билан боғлиқ ғаройиб воқеалар бирин-кетин ўта бошлади...

Ҳа, ўша, бундан ўн беш йил муқаддам кўрган туши ва унинг таъбири ҳам ғаройиб эди.

Фариштасифат киши унинг қўлига қилич бериб, тўрт томонга қараб силкитишни буюрди. Беихтиёр унинг амрига бўйсуниб қилични бир силкитди. Шунда шамшир ёғдусидан атроф ёришиб кетди. Тўрт марта шундай бўлди. У, Муҳаммад Тарағой, бутун оламини, машриқдан магрибгача қилич ёғдусида кўрди ва шу ҳолатда уйғониб кетди. Ўзини жуда енгил ҳис қилди. Қалбини эса қандайдир кўтаринки бир руҳ эгаллади. У ўзидаги бу ҳолатни пешин намозидан сўнг шу қаршисида ўтирган пирига билдирганда шундай жавоб олди:

— Сенга Тангри таоло бир ўғил ато қилғайки, шамшир билан жаҳонни фатҳ қилғай ва ислом динини бутун дунёга тарқатгай.

Бу таъбирни эшитганда у дастлаб ҳайрон бўлди. Чунки завжаси Такина хотун ҳомиладор эмас. Аммо пири келажакка ишорат қилганини сизди. Орадан бир йил ўтгач, шайх башорати амалга ошиб у ўғил кўрди. Унга исм танлашдан олдин пири ҳузуридан ўтмоқчи бўлди. Шайх Шамсуддин Фахурий Қуръони каримнинг 67-сураси “Ал-Мулк”нинг муборак оятларини ўқиётган эди. У “Темур” дея Муҳаммад Тарағойга қаради. Шайхнинг бу сўзи илоҳий тарзда чиққанини сизди у.

Ундан кейинги воқеалар ҳам Темурбекнинг оддий бола эмаслигини рўй-рост кўрсатди. У катгаларнинг суҳбатларини, айниқса, кекса баҳодирларнинг жангномаларини жон қулоғи билан тинглар, бошқа тенгдошларига ўхшаб ўйинқароқликни ёқтирмас эди.

Мактабга борганида ҳам улардан фарқли тарзда қобилияти ва илм олишга иштиёқи баландлиги билан домласини ҳайратга солди. Бир куни домласи шундай деди:

— Бу ўғлингни хуш-ҳофизасига кўра икки қўллаб хат ёзиши ҳам қизиқ. Ривоятларга қараганда, икки қўллаб хат ёзган киши дунёни кун чиқаридан кун ботарига қадар ҳукм ва фармонбардор бўлади.

Мулла Алибек шундай дея ҳазиломуз қўшиб қўйди.

— Муҳаммад, шу ўғлинг шунча йиллар давомида мендан таёқ емаган ягона боладир.

Мулла Алибек бир куни унга “Энди ўғлингни бошқа мактабга бер, менинг унга ўргатадиганим қолмади” деди ва Темурбекни шайх Шамсуддин Фахурий мактабига беришни тавсия қилди.

Темурбек бу мактабда ҳам ноёб қобилиятини кўрсатди. Шайх Шамсуддин ҳайит арафасида уни мактабига чақириб имтиҳонда қатнашиши зарурлигини айтди. У ниҳоятда ҳаяжонланган эди. Бунинг сабабини мактабда кўрди.

— Темурбек, — деди шайх, — “Аш-шамс” сурасидаги оятларни ўқи!

Ўшанда ўғли бир нафасда сурадаги ўн беш оятни ёддан ўқиб берганидан сўнг шайх унга ҳаяжон ичида шундай деди:

— Кўрган тушинг ва унинг таъбири қандоқ эканига иқрормисен? Ўн ёшлик боланинг Куръони каримни ёддан билишига гувоҳмисен? Умрим бино бўлиб бундай истеъдодни кўрмаганмен. Ё Аллоҳ! Темурбекни қизамиқ, чечак каби офатлардан сақлаб, ўз паноҳингда асра!

Шу воқеадан кўп ўтмай шайх Шамсуддин тавсиясига кўра Темурбек Кеш уламолари ўртасида имтиҳондан ўтиб “Ҳофизи Куръон” рутбасини олди. Ўн яшар боланинг бундай даражага эришуви бутун шаҳар аҳлини ҳайратта солди.

— У буюк уламо бўлади! Шайх ул-ислом! Эндиликда уни “Темурбек қори” деб атай бошлашди. Кеш шаҳрининг мадрасаси унга очилди. Бу мадрасада ориф ва олим Абдулла Кутб мударрис эди. Шаҳарнинг барча улуғларининг фарзандлари унда ўқишади. Тез орада Темурбек ўз қобилияти ва илмининг зўрлиги билан барчасини ортда қолдирди.

Шайх Шамсуддин Фахурийнинг хитоби Муҳаммад Тарағойни хаёл гирдобидан сиртга чиқарди.

— Ўғлинг Куръонни тамом ёд олган. Энди у ҳарб илмини ўргансин.

Муҳаммад Тарағой пирининг бу ўғитини ижрога қабул қилди, ўғлини эски қадрдон дўсти, узоқ йиллар мингбоши лавозимида хизмат қилган, ўзи каби тархон ёрлиғини олган Самир Тархон ҳузурига олиб борди.

— Қани, Темур, — деди ота ҳаяжон ичра, — хунарингни бир кўрсат-чи?

Улар Амир Тарағой яйловида Темурбекнинг чавандозлик санъатини кўришди. Икки лашкарбоши Темурбекнинг биринчи отдан учинчисига ва учинчи отдан иккинчи ва биринчисига сапчиб минишларини кузатишди. У отаси ва баҳодир дўстларидан олган сабоқларини қандай ўзлаштирганини намоёиш қилди.

— Самир, — деди Тарағой, — энди ўғлимни сенинг измингга топширгаймен. Унга қиличбозлик санъатидан сабоқ бер. Бой тажрибангни Темурбекка ўргатки, бу унга бир умрга асқотсин. Иккимиз не-не жанглари кўрганмиз, қанча-қанча қонимиз тўкилди. Уларда неча-неча қиличлар зарбини кўрмаган бу кекса бошларимиз.

— Ўғлинг таърифини кўп эшитганмен. Икки кўлида хат ёзармиш. Демак, у иккала кўлида ҳам қилич ўйнатишга қодирдир. Мен буни ўз зиммамга оламен, Муҳаммад Темурбек юз аскар ҳам бўлади, ҳали.

— Иншооллоҳ, иншооллоҳ!

Самир Тархон бақувват қўлларини дуога очди. У олтишдан ошган бўлса ҳам сочларида бирон оқи йўқ. Жусасидан куч-қувват ёғилиб турибди. Эллик аскар бўлганича бор. Бундай насабга ҳамма ҳам эришолмайди. Якка ўзи эллик рақибни эплашнинг ўзи бўлмайди. Муҳаммаднинг ўзи эса ўн аскардан нари ўтолмади.

Темурбек бу хабардан ниҳоятда қувониб кетди. Эртасига мадрасадаги сабоқлардан сўнг Самир Тархон даргоҳига йўл олди.

Чорбоғда Темурбек отасининг қадрони Самир Тархоннинг ўғитларини жон қулоғи билан тинглади. Сўнг машқ бошланди, қиличбозлик бобида у ўз маҳоратини

устозига намоиш қилди. Шундан сўнг Самир Тархон унинг ўнг қўлини баданига боғлади. Чап қўлига қилич тутиб ўзи билан жангга ундади. Темурбек устоз билан қилични уриштирди.

— Қаршингизда чинакам душман тургандек олишинг, амирзодам.

Икки ўртада олишув қизгин тус олди. Устоз ҳам, шогирд ҳам бир-бирларини синашди, ҳордиқ олишганда устоз сўз қотди.

— Чап қўлингизда кучингиз кўп экан, бу жуда яхши. Чунки жанг майдонида душман қиличлашар экан, рақибининг ўнг қўлини ишдан чиқаришга интилади. Бунга бир ўқ ё бир найза ҳамласи кифоя қилади. Шундай вақтда ўнг қўлни ишлатиб юрганлар қанчалик баҳодир бўлмасин, уларнинг ўликдан фарқи қолмайди.

Аmmo чап қўл билан ҳам қилич чопа билган кишилар бундай пайтда шошмайди. Иккинчи қўлни ишлатиш билан икки кишилик ўринни эгаллайди.

— Энди, амирзодам, ўнг қўлингизни синаймиз.

Олишув давом этди. Самир Тархон қаршисида илоҳий истеъдодни кўрди. Аллоҳ унга чиндан ҳам баҳодирликни ато этган кўринади. Унинг ҳақида эшитганларини ёдига келтирди. Шайх Шамсуддин, Амир Саййид Кулол башоратларида жон бор. Етти иқлим ҳукмдори. Уни пайғамбар ноиби қўллаб-қувватлайди. Чиндан ҳам унда қандайдир самовий қувват ва идрок мужассам.

## **Баҳоуддин Нақшбанд тавсияси**

Бутун ўлкага донғи кетган шайх Амир Саййид Кулол содиқ муриди Муҳаммад Тарағойнинг ўғлини очиқ чеҳра билан қаршилади. Ёнида давра куриб ўтирган муридларига уни таништирди.

— Бу йигит ҳофизини Қуръон. Мен унинг пешанасида улуғворлик кўрамен. У шундай мақомга етгайки, бундан илгари ҳеч кишига муяссар бўлмаган бўлмай. Мен

каби кекса одамга бу йигит шон-шуҳрат ва довруғини кўришлик имкони бўлмаса ҳам аҳли мажлисдан тирик қолгонлари Темурбек номли йигитнинг оламгирлигини кўргай ва эшитганлар бўлғай.

Муридлар ҳайрат ва ҳавас билан унга қарашди.

Амир Саййид Кулол тоқчадан етти кулчани олиб Темурбекка узатди.

— Кешга борганинга уларнинг ҳар биридан бир оз еб, қолганини сақлаб қўйгил. Келажакда дунёнинг етти иқлими сенки бўлғай.

Омин, Аллоҳу акбар!

Барча фотиҳага кўл кўтарди. Темурбек ниҳоятда ҳаяжонланиб кетди.

— У Соҳибқирон бўлади, — деди муридларидан бири.

— Тўғри айтдинг, Баҳоуддин, — деди Амир Саййид Кулол унга жиқий боқиб. — Темурбекнинг тақдирига огоҳ бўлишни сенга топширғаймен, бўтам.

Амир Саййид Кулолнинг солиқ муриди ва меросхўри Баҳоуддин Нақшбанд қўлини кўксига қўйиб бошини эгди. Сўнг Темурбекка хайрихоҳ нигоҳ ташлади.

— Темурбек, — деди у, — қўлингдаги етти кулча — бу етти иқлим, унинг устидаги талқон — униб ўсадиган авлод, майизлар эса давлат ва тожу тахт белгиси.

Бутун ислом оламида нуфузли тариқат давомчиси бўладиган Баҳоуддин Нақшбандийнинг чеҳраси нурли, сўзларида эса комил ишонч барқ урарди.

Темурбек унинг боши узра ҳам шундай нурни кўрди, қандайдир сеҳрли куч уни жойига миҳлаб қўйди.

— Ҳамиша уламо ва аҳли илм ҳамда шуароларнинг кўнглини кўтариб, уларга эҳтиром билан муомала қилгил! Агар сенга душманлик қилсалар ҳам гина қилма, озор берма, ҳатто кофир бўлса ҳам ҳурмат қил.

Темурбек бўлғуси буюк уламо, мусулмон дунёсининг донгдор алломасининг бу тавсиясини келгуси фаолияти учун дастур сифатида қалбига жо этди. Ва унга бутун умри давомида амал қилди.

## Махфий хизмат асоси

Темурбек ўз ҳаёт йўлини белгилашда, энг аввало, уламолар ва авлиёлар фатвосини олишни зарур билди. У ўзига маънавий устоз танлади. Тарки дунё қилиб хилватда яшовчи шайх Зайниддин Тайободийга қўл берди.

— Умримнинг охиригача пирим бўлинг. Тахтда бўламанми ё зиндонда, бошимга нима тушса ҳам доимо марҳаматингизни мендан дариф тутманг.

Шайх Темурбекка тикилиб оҳиста жавоб қилди:

— Адолатли бўл, ўғлим. Зотан фақат адолатгина улуг мақсадга нарвон бўлмай. Адолат йўлидан тоймай борган ҳар бир киши пайғамбар ноиби ҳам бўлиши мумкин.

Шайх Зайниддин алоҳида илтифот белгиси сифатида ўз белбоғини унга боғлаб, бошидаги тақясини ҳам кийгизди. Кейин қўлидаги узугини унга узатди. Бу узукда “Рости-русти”, яъни “Ҳақиқат адолатда” деган сўзлар ўйилган эди. Орадан анча йиллар ўтгач, ана шу узукдаги сўзларга Темурбек номи ва уч доира кўшилади. Бу муҳр ўйилган пайсалар олдида донгдор ва қудратли ҳукмдорлар ҳам бўйин эгади.

Темурбек энди Туркистон сари йўл олди. Етти ҳисор қўйини етаклаб, Хожа Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилди.

Дарвешлар ва қаландарлар Темурбекка эҳтиром кўрсатишди. Ислоом оламида катта нуфузга ва минглаб муридларга эга Яссавий ҳақида у кўп ривоятлар тинглаган.

Бир кунлик адолат юз кунлик ибодатга тенг. “Маккада Муҳаммад, Туркистонда Аҳмад” нақли бежиз машҳур эмас. Темурбек сағананинг хароб аҳволдалигини кўриб, кўнгли бузилди. Зим-зиё тунни чароғон, чўлни бўстон этишга қодир ҳазрат Яссавийга ҳурмат шуми?

Темурбек атрофини ўраб турган қаландарларга бир халта кепакий — олтин танга узатди.

— Ишим ўнгидан келиб, давлат қуши бошимга қўнса, сизларга бутун умрларингизни таъминлайдиган вақф берурмен. Шу улуг қабрга ҳазрат Яссавийга муносиб мақбара қурурмен.



— Фаришга омин десин. Омин, Аллоҳу Акбар!  
— Аллоҳу Акбар! — ҳайқиринида дарвешу қаландарлар.

— Қасамёд қилиб айтаменки, — деди Темурбек кўлини баланд кўтариб, — агар дуоларингиз қабул бўлиб, мартабам ошса, жангу жадалларда нимаики қўлга киритсам, сизлар улардан бебаҳра қолмайсизлар. Мен, Тангри қули Темурбек, Саййидлар, уламолар ва шайхлардан ҳеч қачон марҳаматимни ва давлатимни дариг тутмаймен.

— О, Темурбек! Ҳимматда хотамтой Темурбек!

Темурбек уни шодон олқишлаётганларга қараб улар келгусида унинг содиқ иттифоқчилари бўлишларини ўйлади. Шу ерда муқим ҳаёт кечирувчи қаландарлар ва жойдан-жойга кўчиб юрувчи дарвешлар Яссавий тариқатига бирлашган катта куч эди. Улар учун барча шаҳар, қалъа дарвозалари, исталган хонадон эшиклари очиқ. Дарвешлар ва қаландарлар ажойиб дарақчи, махфий айғоқчи, омманинг ташвиқотчиси ва кайфиятининг ташкилотчиси вазифасини ўтайдилар. Уларга сафдош Кубровия ва Нақшбандия тариқатлари ҳам унинг, Темурбекнинг иттифоқчилари бўладилар.

Темурбек, ниҳоят, ўзини енгил ва дадил сезди, қандайдир илоҳий туйғу қалбини қитқилаб ўтди.

## Заминлар

### Хожа Илғор қишлоғи. 1356 йил

Баҳор ўз ҳукмига кирган кун. Амир Муҳаммад Тарағой кўрғончасида ажиб бир байрам ҳукмрон. Тоғлардан ошиб тушган зилзол сувлар, Қарши даштидан эсган иссиқ ва қуруқ ҳаволар билан бу қишлоқда учрашиб унинг боғларига ажойиб тароват бағишлаган, қийғос очилган бодом гуллари, ўрик ва гилослар кишида қандайдир кўтаринкилик ҳамда ноаниқ хавотирлик уйғотади.

Узун ишқом ўртасидаги сунада тўкин дастурхон устида Амир Муҳаммад Тарағой Тархон, мударрис Абдулла Кутб, шайх Шамсуддин Фахурий ва Самир Тархон ўти-

ришибди. Бир чеккада эса эндигина йигирма баҳорини қаршидаётган Темурбек ўтирибди.

— Эртага мен Самарқандга борурмен. Қазағонхон ҳузурига. Шу сафардан олдин, пирим, сиздан оқ фотиҳа олмоқчимен.

Муҳаммад Тарағой сўзларини тинглаб ўтирган шайх бош ирғади.

— Мана бу устозлар фотиҳаси ҳам даркор, Муҳаммад.

Абдулла Кутб Темурбекка юзланди.

— Доимо маърифат шамини қўлингда ушлаб юр.

Самир Тархон қўшимча қилди:

— Доимо огоҳ бўл, ҳеч қачон душманни заиф билма. Ҳамма жойда ўз кўз-қулоқларинг бўлсин.

Шайх бош ирғади.

— Бу кўз-қулоқлар тариқат муридлари бўлади. Дарвешу қаландарлар сени доимо огоҳ қилади.

Темурбек устозларининг бу ўғитларини бир умр қалбига муҳрлади. Эртасига отаси билан Самарқандга борганида, амир Қазағонхон хизматига қабул қилиниб, хос навкарларга бош бўлганида, неча-неча фитналарни фош қилганида ана шу ўғитлар замиридаги чуқур ҳикматни ҳис этади. Мўғулистон ҳукмдори Туғлуқ Темурхон томонидан лашкарбоши — Сипоҳсолор лавозимига тайинланганда ҳам ҳар жойда, ҳар даврада ўз одамларининг — кўз-қулоқлар бўлиши нақадар муҳим эканлигини синовдан жуда кўп ўтказди.

## Чин муҳаббат соҳиби

Амир Муҳаммад Тарағой ўғли билан Самарқандга дўсти Амир Қазағон ҳузурига йўл олди. 1347 йилда Чигағой авлоди Қозонхонни енгиб, Самарқанд тахтини эгаллаган Қазағон Мовароуннаҳрда чингизийлар ҳукмронлигига чек қўйган, ўлкада маълум бир даражада тинчлик ўрнатган. Муҳаммад Тарағойнинг жанговар сафдоши.

Темурбек саройда ўзларига эътиборда ана шу дўстлик ҳурматини кўрди.

Амир Қазагон уларни шикорга таклиф қилди. Овга жуда ишқибоз бўлган ҳукмдор ота ўглининг чавандозлик ва мерганлик бобидаги маҳоратини синаб кўрди.

— Ўлжой, — деди у ёнидаги танмахрамига қараб, — Темурбек билан беллашиб кўрмайсанми?

Хушбичим навкар тасдиқ ишорасида бош ирғади. Иккови отларига қамчи уриб узоқлашгач, Қазагон дўстига маслаҳат солди.

— Муҳаммад, менга “Эллик аскар” керак. Куёвим Кутлуғ Темурдан хавфсираймен. Хос аскарларимга сардор лозим.

У эски сафдошига ўзига қарши суиқасдлар бўлаётгани ва бу фитналарда мўғул хони Туғлуқ Темурнинг қўли борлигига шаъма қилди.

Бу вақтда эса Ўлжой билан Темурбек овга астойдил берилиб кетишган эди. Иккови ҳам чавандозлик ва мерганлик бобида ўзаро беллашишди. Темурбек бир кийикни, Ўлжой эса иккитасини овлади. Ногаҳон Ўлжойнинг оти ҳуркиб чавандозни йиқитиб юборди. Бахтига юмшоқ майсаларга тушган Ўлжойнинг бошидаги дубулғаси учиб кетди, тимқора сочлари елкасига тушди.

Темурбек уни кўтариб қўйди.

— Лат емадингизми?

Ўлжой шаҳло кўзларини унга тикди. Йигит қаршисида ниҳоятда соҳибжамол қизни кўрди. Икки ёшнинг нигоҳлари ўзаро тўқнашди. Икковлари ҳам қалбларида ўтли ҳаяжон туйдилар. Бу муҳаббат ришгаси уларни бир-бирларига умрбод боғлашини ўшанда ким билибди, дейсиз?

— Мана сенга эллик аскар! — деди Муҳаммад Тарағой овдан қайтишган ёшларга қараб.

— Бу эса набирам Камолой, — деди Қазагон, — уни овдаги маҳорати учун Ўлжой деб атаймиз. Кел, Муҳаммад, шу икки ёшни бир-бирига қовуштирайлик.

Муҳаммад Тарағой бу гапларни эшитган икки ёшнинг кўзларида чақнаган шодлик ўтини кўрди.

— Мен розимен. Бахтли бўлишсин, — дея қўлини фотиҳага тортди.

— Тақдирнинг ўзи менга эллик аскарни инъом этди, — деди Амир Қазагон мамнуният билан.

Икки ёшнинг тўйи икки туркий қавмни бирлаштирди.

— Куёвим хос навкарларим сардори бўлади, — деди Амир Қазагон сарой аъёнларига, — унинг буйруғи менинг амрим дегани. У энди Темурбек!

Ўлжой-Камолой бобосининг бу амридан ғоят таъсирланди. У эрининг оддий йигит эмаслигини юрак-юрагидан ҳис этарди.

Ўз навбатида Темурбек эса рафиқасининг фақат шаҳло кўзлари, тимқора сочлари, умуман, ҳусни малоҳати билангина эмас, балки йигитлардек дадиллиги, ўз қадрқимматини тушуниши ва номуси учун курашга қодирлиги билан ҳам мафтун қилган эди. Темурбек унинг сиймосида гўзал ёрдан ташқари садоқатли дўст, бахтда ҳам, кулфатда ҳам ҳамшиша бирга бўла оладиган сафдошини кўргандек эди.

### **Ўзингдан чиққан бало Соли сарой. 1358 йил**

Амир Қазагоннинг пойтахти Соли Сарой атрофи овшикор учун қулай жой. Амир ҳар ҳафта овга чиқади, ҳар сафар ёнида Темурбек мингбоши ҳамроҳ.

Шикор доим ҳам беҳатар бўлмайди. Аҳён-аҳёнда дайди ўқлар ҳайвонлар тарафига эмас, овчилар томонига учиб қолади. Бунинг сирини фақат Темурбек билади.

Мўғулистондан савдо қарвони билан қайтган савдогар — тингчи унга ғоят муҳим хабар келтирди.

Қазагонга қарши фитна тайёрланган. Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхон Амир Қазагонхоннинг куёви Қутлуғ Темур билан махфий битим тузган. Унинг тиги Қазагонга қарши қаратилган.

— Қайнотангни йўқ қиласан. Унинг ўлдирилгани ҳақида хабар олишим билан Мовароуннаҳрга от қўяман. Сени жанубий вилоятларга хон қиламан. Бу менинг, Туғлуқ Темурхон сўзим!

Темурбекнинг қалби ларзага келди. Наҳот мартаба деб куёв ўз отасига тиф кўтарса?

Асли ойрот қавмидан бўлган Бурулдой ўғли Туғлуқ Темурни у яхши билар ва қариндош сифатида ҳурмат қилар эди.

— Суиқасд шикор маҳалида бўлади, Темурбек.

Тингчи яна муҳим ахборотни унга аста шивирлади.

— Амирзода Абдуллоҳ ҳам қайнотаси Хусрав Баёнқулихон билан фитнага қўшилган.

Туғлуқ Темурхон уни Самарқанд тахтига ўтказмоқчи.

Темурбек чуқур изтироб ила тингчига боқди. Наҳот ўғил ҳам тожу тахт дея падари бузрукворига бош кўтарса?

Яна бир фикр миясида чақнади унинг. Тахтни унинг ўзи ҳам эгаллаши мумкин-ку? Кейинчалик Темурбек ана шу ҳолатини ўз хотираларида шундай сўзлар билан муҳрлади.

— У айтарлик даражада қудратли ҳоким эмас эди, унинг қўлидан осонлик билан подшоликни тортиб олишим мумкин эди. Лекин менга қилинган лутфу карамга нисбатан кўрнамаклик қилмоқчи эмас эдим.

Амир Қазағон бу воқеалардан хабар топгач, вафотидан сўнг Темурбек Мовароуннаҳрни идора этажаги ҳақида васиятнома ёзиб қолдиргани ҳам бежиз эмас, ўғли Абдуллоҳни эмас, балки куёви Темурбекни. Бу ҳикматнинг ортида Темурбек фош қилган фитналар ётарди. Бу ҳақда у ўзининг “Таржимаи ҳол”ида камтарона тарзда шундай ёзган:

— Қазағонга тобе улус амирлари унга қарши кўтарилмоқчи бўлдилар; кўзғолончиларнинг бошлиғи Доғишмандча ўғлон номли бир шахс эди.

Бу сатрларни ўқиган киши беихтиёр ўйлаб қолади. Темурбек фитна ва унинг раҳбарини қай тариха билиб қолди? Бунинг сабаби фитначилар уни ўзларига яқин олиб, уни ҳам ўз сафларига қўшмоқчи бўлишганида эди.

— Мен, — деб ёзади Темурбек, — оғизда улар билан келишдим, лекин мақсадни амалга оширишдан бир оз тўхтаб туришни маслаҳат бердим, ўзим эса бу тарафдан Амир Қазағонни унга келаётган хавф ҳақида огоҳлантириб қўйдим.

Шундан сўнги воқеалар шиддатли тус олади. Фитначилар амирни ўлдириш учун кирганларида Қазағоннинг олдида Темурбекни кўрадилар ва шум ниятларини амалга оширолмай чиқиб кетишади. Амир Қазағон Темурбекдан маслаҳат сўраганида у фитнани барбод этиш режасини баён қилади. У фитначиларни мол-дунё билан қўлга олиш кераклигини уқтиради.

— Амир Қазағон, — деб ёзади Амир Темур, — маслаҳатимни маъқул топди ва уларга қўп моллар ҳадя қилди. Фитначилар амирнинг ҳадяларини ўзаро бўлишиш пайтида бир-бирлари билан жанжаллашиб қолдилар ва шу тариқа фитна ўз-ўзидан бузилди.

Ўша таҳликали йилларда ўзаро кураш авжига чиққан, фитнаю исёнлар одатга айланган кезларда Темурбек Амир Қазағоннинг чин маънода тингбошиси (разведка ва контрразведка бошлиғи) вазифасини адо этган. Бу расман мингбоши лавозимидаги одамдан барча амалдорлар ҳайиқишган.

Амир Темур ўзининг “Таржимаи ҳол”ида ўзи барбод қилган яна бир фитна хусусида хотира қолдирган.

— Бир куни амир Қазағон билан бирга Қамар деган жойга овга бордик. Ов жуда яхши бўлди, биз ўша ерда тунаб қолдик. Амир Қазағоннинг куёви амир Туғлуқ Темур Қазағонни ўлдириб, унинг мулкига эга бўлмоқчи бўлади. Бир неча фитначилар билан тил бириктиради.

Кечки пайт биз Қамарда тунаганимизда у қилич билан қуролланган етти нобакор билан келиб Қазағонга ҳамла қилади. Унинг олдида овчилардан бошқа кимса йўқ эди. Мен дарҳол отга миниб наъра тортиб “Аллоҳу Акбар!” дея фитначиларга ҳамла қилдим. Ул кеча зулматлиғ илдо кеча эрди, Амир Қазағон қоронғудан фойдаланиб отдан тушиб, катта бир тош орқасига беркинган эди. Тўполонни эшитиб бошқа овчилар ҳам йиғилди. Амир Туғлуқ Темур фитнаси учун қасос олиншидан кўрқиб, Мовароуннаҳр тоғларига қочди.

Амир Темур яна бир фитнани ҳам фош қилади. У Қазағоннинг қудаси Хусрав Баёнқули ва куёви — авф этилиб Самарқандга қайтган Туғлуқ Темур яна фитна тайёрлаб, Қазағонни ўлдириш режасини тузганидан хабардор бўлиб, ўз ҳукмдорини бундан огоҳ қилади.

— Мен, — деб ёзади Амир Темур, — Қазағонхоннинг намакхўри ва унга ўғилдек яқин эдим. Шунинг учун гофил бўлмасин деб, дарҳол уни бу воқеадан хабардор қилдим. Амир бунинг эвазига менга ёрлиқ тортиқ қилди. Унда у ушбу мазмунда ёзган эди: “Хат бердук ва аҳд қилдук: биздан сўнг Турон хиттаси (ўлкаси) Темурга таллуқ топгай”.

Демак, ўша 1358 йилдаёқ, Амир Темур тахтга ўтиришидан 12 йил аввалроқ, ўлка унга қонуний тарзда топширилган эди.

### Хиёнат Қарши. 1358 йил

Тингчи келтирган хабар Темурбекни ларзага солди. Амир Қазағон бир неча мулозими билан Жайхун дарёсидан ўтиб овга киришганида, фитначилар томонидан ўлдирилибди.

— Қотилларни аниқладингми?

— Ҳа. Амир Туғлуқ Темур ва Хусрав Баёнқули.

Темурбек изтиробларини яширмади.

— Во дари! Куёв билан куда бундай жиноятга қандоқ журъат этишди?

— Тожу тахт васвасаси шундай, Темурбек. Энди яна гафолар ва қонли урушлар бўлади. Халқнинг умиди ёлғиз Сиздан!

Темурбек шахдам юриб отга минди. Жайхун соҳилида қонга беланиб ётган жасадни кўриб, ичидан фарёд келди.

Қазағонни кўмишда яқинларидан ҳеч ким кўринмади. Дафн этиш маросимини Темурбек навкарлари билан ўтказди. 10 ёшида Ҳофиз Куръон унвонини олган Темурбекнинг тиловати бутун Жайхун соҳилини тутиб кетди. Фотиҳадан кейин Темурбек қабр устида онт ичди.

— Амир Қазағон менга отамдек қадрдон эди. Шунинг учун ҳам мен унинг қотиллари Хусрав Баёнқули ва амир Туғлуқ Темурдан қасос олишни ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламен.

У Қаршига келганда ўша қотилларни амир ул-умаро мансабига кўтарилган Абдулла ёнида кўрди.

— Эй, Темур Тарағой ўғли, — деди амалдорлар ўртасида мағрур ўтирган Абдулла, — шу кундан бошлаб сени мингбошилиқ вазифасидан бўшатдим.

Беклар ва амирлар юзларида мамнуният акс этди. Уларнинг кўпчилиги Темурбекдан аламзада эди, Қазағонга қарши уюштирилган фитналарни худди шу хуфия ишлар сардори, хос соқчилар бошлиғи фош қилганлигини улар яхши билишар эди. Куёв билан қайнота ўртасига хусумат уруғини сочган ҳам шулар эди.

Темурбек улар юзидаги тантана учкунларини кўрар экан, шу бети қораларнинг гуноҳларини кечириб уларга нисбатан марҳаматли бўлганидан афсусланди. Унинг бир оғиз сўзи билан Амир Қазағон уларни қатл этиши мумкин эди.

— Сен, — деди биринчи марта қайнотасини сенсираб Темурбек, — амирлик русумини билмас экансан.

Амир Абдулланинг юзига қон югурди.

— Мен, Абдуллоҳ валийга, сен тирранча ақл ўргатмоқчимисан? Амир ул-умарога бундай дейишга қандоқ журъат этдинг?

Темурбек унинг кўзларига виқорли назар ташлади.

— Сен лаёқатли бўлсанг, улуғлик, амир ул-умаро мақомига лойиқ иш қилмоқни ҳам билар эдинг. Алалхусус олий рутбалиқ бир мансаб эгаси қуйи рутбалиқ мансабдорлар олдида ҳайдаладими? Мабодо, бирор гуноҳ содир бўлганда ҳам кичик амалдорлар олдида жазо берилмаслигини билмасмидинг?

Абдулла кўзларини бир зум ерга тикди. Сўнг жаҳл билан қарсак урди.

— Ҳайданглар уни! Жазосини ўзим бераман.

Соқчилар қиличларини яланғочлаб Темурбекка ташланишди. Шу пайт қутилмаган воқеа юз берди. Бир ҳамладаёқ соқчилардан бирининг калласи учиб кетди. Бўғзидан қон фавворадек отилди. Иккинчисининг қўли осилиб, учинчисининг эса бўйни кесилди. Тўртинчисининг қўлидан қиличи учиб кетди. Темурбек бу қилични қўлига олди.



— Абдулла! Сен чиндан ҳам амир ул-умаро бўлсанг, мен билан олишасан. Бу мен, Темурбек сўзим!

Абдулла даҳшат ичра ҳайқирди.

— Ушланглар, ўлдилинглар!

Тахтда ўтирган Абдулла билан Темурбек турган жой орасидаги бир қанча масофани қилич билан тўсган беклар бўлса ҳам уларни ёриб ўтиб кетиш учун тўсқин бўлиб турганларни Темурбек икки қилич ҳамласи билан ерга йиқитди. Ваҳшат ила Абдуллага яқинлашди.

— Сен пайғамбаримиз ўғитларини унутибсан. Куёвларни пайғамбарлар ҳам сийлайди. Сен мени қилич билан сийладиңг.

Кўрқувдан ўзини йўқотган Абдулла Темурбекка илтижולי боқди.

— Менга айтган бугунги сўзларинг ва ҳақоратинг учун сени чопиб ташлардим. Аммо марҳум отанг ҳурмати сени ўлдирмайман, падаркуш!

Темурбек ўлдирилган соқчи ва амалдорлар таналаридан отилаётган қонга қараб хитоб қилди.

— Абдулла! Эр кишининг бахти қиличларнинг жангир-жунгири ва болталарнинг зарбидадир.

Тахтда ўтирган Абдулла мурдадек оқариб кетди.

— Сен, номард, мени кеткизмоқчи бўлсанг, қондош сифатида бир оғиз ўзимга айтсанг, кифоя эди. Чурқ этмай кетар эдим. Аммо сен ҳамманинг олдида мени шарманда қилиб ҳайдамоқчи бўлдинг. Буни мен ҳеч қачон кечирмаймен, қилич зарбасидан жароҳатлар битади, лекин тилдан етган заҳм ҳаргиз тузалмайди.

Шундай дея Темурбек қиличини қинига солиб ташқарига йўл олди. У ерда эса уни юзбошилар кутишар эди.

Темурбек атрофини ўраб келаётган аскарларга хитоб қилди.

— Навкарларим! Сизлар ким билан!

— Биз сен билан, Темурбек!

Бир зумда қаёқдандир пайдо бўлган дарвешлар ва қаландарлар ҳассаларини баланд кўтариб ҳайқиришди.

— Сен бизнинг султонимиз!

— Ислом қиличи!

— Шариат қалқони!

— Ҳақ дўст! Ё Олло!

## Триумвират Мовароуннаҳр. 1359 йил

Қотил Баёнқулихон ва падаркуш Абдулла ўртасидан ола мушук ўтди. 1359 йилда амир ул-умаро Абдулланинг одамлари Баёнқулихонни ўлдиришди. Чигатой улуси тахтига балоғат ёшига етмаган Темуршоҳ кўтарилди. Аммо у амир ул-умаро Абдулланинг қўлида кўғирчоқ эди.

Мовароуинаҳрда Абдуллага қарши кучли муҳолифат вужудга келди. Унинг ташкилотчиси Темурбек эди. Амакиси Ҳожи барлос ва Амир Баён сулдуз билан биргаликда Мовароуннаҳрни қўлга киритиш режасини тузишди.

Ана шу воқеаларда Амир Темур ўзини моҳир разведкачи ва контрразведкачи сифатида кўрсатди. Бу ҳақида Амир Темурнинг ўзи туркий тилда ёзган “Таржимаи ҳол”ида яққол гувоҳлик беради:

“Мен кўп аскар тўплаб Самарқанд тарафига юрдим. Йўлда Баён сулдузга дуч келдик, у ўз аскарлари билан менга қўшилди”.

Баён сулдуз замондошлари таърифига кўра аслида ҳарбий бўлишига қарамай, ҳалим, беозор одам эди. “Биз, — деб ёзади Амир Темур, — Шош ҳудудига яқинлашдик. Ундан ташқари, мен амир Ҳожи барлосни ҳам бизга қўшилишга кўндирдим... Биз учаламиз Самарқанд тарафга юрдик. Бу пайт Мовароуннаҳр ҳокими Темуршоҳ ўғлон бўлиб, уни амирлар Туғлуқ Темур ва Хусрав Баёнқули қўллар эдилар. Биз қонли жангдан сўнг Самарқандни қўлга киритдик ва у ердан Темуршоҳ ўғлонни ҳайдаб юбордик. Бундан кейин бутун Мовароуннаҳрни қўлга олдик. Биз учаламиз: мен — Темур, амир Ҳожи барлос ва Баён сулдуз дўстлик битимини туздик ва токи Баён сулдуз май ичиб ўлмагунига қадар Самарқандда тинч ҳукм сурдик”.

Темурбек 1357—1360 йиллардаги ҳарбий-сиёсий вазиятни ўзининг “Тузуқлар”ида шундай тасвирлайди: “Шу кезде Балх хони Мангли Бугай сулдуз эди. Хўжанд-

нинг ҳокими амир Боязид жалойир эди. Шибирғоннинг ҳокими Муҳаммад ҳожи эди. Кўҳистонни Бадахшон амирлари бошқарарди. Хутталон билан то ҳазрат Имом деган жойгача ерларнинг хони Кайхусрав Хутталоний эди. Самарқанддан то Сарикўлгача бўлган ерларнинг хони амир Ҳизр Ясовурий эди. Бу амирларнинг ҳаммаси ўз улусларида тўла ҳукмрон бўлиб, фақат биргина жасорат билан ҳокимиятни бундай кучли амирлардан тортиб олиб бўлмас эди. Бу ҳолда очикдан-очиқ куч ишлатиб бўлмаслиги менга аён бўлди, бунда фақатгина ҳийла ишлатиб, мақсадга эришиш мумкин эди. Ҳар бир амирга алоҳида бошқаларидан махфий равишда мактуб ёзиб, унда мен билан иттифоқ тузишни ва бирлашиб бошқа амирларни ҳайдаш, сўнг мамлакатда ҳокимиятни қўлга олишни таклиф қилдим. Уларнинг ҳар бири бошқаларидан махфий равишда мен билан иттифоқ бўлишга рози бўлди. Шу тариқа мен уларни бир-бири билан уриштириб қўйдим”.

Секин-аста Мовароуннаҳрда Темурбек, амир Боязид жалойир ва Ҳожи барлос ҳокимиятлари вужудга келди. Бу учлик — триумвират худди қадимги Римда — Цезарь, Помпей ва Красс каби вақтинчалик мурося бўлиб, улардан ҳар бири якка ҳокимлик сари интилар эди.

### **Амакининг сабоғи** **Темир дарвоза. 1360 йил**

Темурбек ғолиб лашкар билан Шахрисабзга қайтмоқда эди. Кайфияти баланд. Душманлари Баён сулдуз ва Туғлуқ Темур мағлуб бўлди. Амир Ҳусайн энди Бадахшонда ҳукмрон. Мовароуннаҳрнинг барча шаҳарларида Темурбек ҳукмрон.

Мана, узоқдан темир дарвоза кўринди. Лашкар хордиққа тўхтади.

Амир Азизуддин билан Темурбек чодирда суҳбат қилишди. Махфий хизмат бошлиғи сўнгги олинган хабарларни етказди.

Амир Ҳожи барлос билан амир Боязид жалойир махфий битим тузиб бизга қарши келаётган эмиш.

— Манба ишончлими?

— Текширилган. Ахборотни тасдиқловчи одам шурда.

Темурбек сергак тортди. Амир Азизуддин чиқиб кетгач, чуқур ўйга толди. Наҳотки ўз амакиси унга қарши қилич кўтарса?

— Ҳокимият учун ота болага, бола отасига қарши тиг кўтарган ҳоллар бўлмаганми?

Чодирга Азизуддин бир дарвеш билан кирди.

— Мадлоҳ Оташий? Муҳаммад?

Баҳоуддин Нақшбанднинг содиқ муриди бўлган дарвешни Темурбек яхши танирди.

— Пирим дуо саломларини сизга етказишимни сўрадилар, Темурбек.

Оташий Ҳожи барлоснинг элчиси билан тўқнаш келгани ва уни тоза ичириб махфий хатини ўқиганини айтди.

Уларнинг асосий кучлари Чигатой мавзесида тўпланмоқда, ҳожининг ўзи сизнинг йўлингизни тўсади.

Бу бебаҳо ахборот эди. Шошилинч чора кўриш лозим.

— Амир Хизр, Жоку барлос!

Бу икки амир Темурбекдан қисқа ва лўнда буйруқ олди.

— Қўшин етти қисмга бўлинсин. Амир Хизр ўнг қанот жавонғирга кўмондон. Шаҳрисабзлик аскарларга эса ўзим бош бўламен.

Лашкар ҳаракатга келди. Муҳаммад Оташий хабари тасдиқланди. Оққон Чигатой мавзесига яқин келганда Ҳожи барлос лашкари йўлни тўсгани кўринди. Икки ўртада шиддатли жанг бошланди. Темурбек асосий кучларни етти қисмга бўлди. Шаҳрисабздан келган содиқ аскарларини эса тўрт қисмга ажратди.

Ҳожи барлос қўшини сон жиҳатдан устун эди. Лекин уларнинг маънавий руҳий ҳолати Темурбекникидан баланд эмас.

Темур лашкари сафидаги дарвешларнинг хитоби атрофни ларзага солар, қиличларнинг жаранг-журунги, ярадорларнинг фарёдларини босиб кетар эди.

— Ислом шамшири Темурбек!

— Сенга зафар ёр!

— Ҳозирлар! Кўринг, Темурбек оддий сипоҳдек олдинда кетаяпти! Унга ўқ ҳам, қилич ҳам ўтмайди.

Чиндан ҳам Темурбек қўшинининг илғорида от чоптириб борар, дуч келган душманни отдан қулатар эди. Унинг важоҳати даҳшатли эди.

Амир Хизр ва Жоку барлос уни ҳавас ҳамда ҳасад ила кузатишар, лекин ўзлари унча жаҳд қилмай жангга аралашмай туришар эди. Шер олдида бўриларга не ҳожат? Ҳожи барлос эса янги-янги кучларни жангга солди. Уч кун давомида икки томон жанглари шиддат ила давом этди.

Учинчи кун жанг тугаб оқшом тушганда, Темурбек муҳим ахборот олди. Хуфтон намозидан сўнг уламо ва саййидлар Темурбек зафарини тилаб дуои фотиҳалар қилишгач, Оташий сўз бошлади.

— Бугун ганим гафлат уйқусида бўлади. Хужумнинг айни пайти.

Темурбекнинг кўзлари ўтдек чақнади. У ҳамлага шайланган шерга ўхшарди.

— Жоку барлос ва Хизр шайтонга огоҳ бўлинг. Авзойилари бузуқ.

— Наҳотки? Амир Хизрни мен туғишганимдан ҳам юқори кўямен. Жоку барлос эса болаликдаги дўстим.

— Ҳасад шундай ўтки, у барини ёндиради. Амакин-гизнинг макри Сизга сабоқ эмасму?

Темурбек бошини қуйи солди.

— Мен сизни тарк этурмен, Темурбек. Муҳим муаммолар чиқиб қолди. Сиз билан кабутарлар воситасида алоқа қилурмен.

Юзбоши ва мингбошилар Темурбек амри билан жангга шайланишди.

Оташий ахбороти бу сафар ҳам панд бермади. Тунда хужумни кутмаган Ҳожи барлос қўшини гафлатда қолди.

Тонг ёришганда жанг тугаб, галаба Темурбекка насиб қилди.

## Кутилмаган хиёнат Сардин. 1360 йил

Ҳожи барлос мағлуб бўлганидан сўнг Самарқанд ҳокими Амир Боязид жалойир ҳузурига қочди. Темурбек Хизр Ясовурийни илғорга юбориб, Жоку барлосга душман кетидан таъқибини давом эттиришни буюрди. У икки амирга қаттиқ ишонганидан Муҳаммад Оташийнинг шубҳасига эътибор бермади.

Икки амир ўзаро келишиб аскарлари билан руҳи тушган ва шарманда Ҳожи барлосга келиб қўшилдилар. Кабутар орқали келган бу хабар Темурбекни чуқур изтиробга солди. Қандай машъум сотқинлик! Кечагина бирга жанг қилган қуролдошлар бугун унга қарши бош кўтарса? Қайси гуноҳи учун? Амир Хизр ўз аскарлари билан Сардин қалъасида куч тўплаб унга қарши жанг қилмоқчи экан.

— Майли, шундай бўла қолсин!

Темурбек дарғазаб ҳолда душманга қарши дарҳол юришни буюрди. Лашкар жанг учун тайёр бўлмаса ҳам ўз кўмондони орқасидан юрди. Ҳизр аскарлари билан жанг қаттиқ бўлди. Кечаги биродарлар бугун бир-бирлари билан қирғинбарот бўлишди. Бундан ортиқ азоб борми ўзи? Бу жанг тафсилотлари Амир Темур ёзган “Таржимаи ҳол”ида шундай тасвирланади:

— Аввалига жанг суст борди. Гоҳ менинг аскарларим Амир Хизрни суриб борарди, гоҳ хоинлар ҳужумга ўтиб менинг сафларимни сиқиб борарди; шу ҳол бир неча бор такрорланди, ҳар иккала тараф ҳам қаттиқ чарчаган эди. Мен қулай фурсатни кутиб туриб, сараланган баҳодирларим билан хоинларга ташландим; бир қаттиқ ҳамлам билан улар ҳар тарафга тартибсиз равишда қочдилар.

Хиёнатчилар ўз жазоларини олдилар. Лекин бу ғалаба Темурбекка таскин бермади.

## Тузоқ

Амир Хизр билан жангдан сўнг орадан уч кун ўтгач, Амир Азизуддин ахборот олди.

Самарқанд ҳокими амир Боязид жалойир билан Ҳожи барлос ўзаро битим тузишди. Токи Темурбек тирик экан, бизда ҳаловат бўлмайди деган қарорга келишди.

Бу хабар Темурбекка жуда оғир ботди. Аммо эртасига унинг номига келган мактуб кўнглини ёритди. Бу мактубда Ҳожи барлос ва Амир Боязид жалойир шундай ёзишибди:

— Биз, буюк амир дўстларининг дўстлари, душманларининг душманлари Хўжандни кўлга киритишга қарор қилдик. Агар сен бизнинг дўстлигимиз ва садоқатимизга ишонгинг келса, бизга қўшил, бунинг ҳаммамиз учун фойдаси муқаррардир.

Буюк амир! Наҳотки амакиси уни шундай улуғласа? Наҳотки энди Ҳожи барлос унга тан бериб, дўстлашмоқчи бўлса?

— Бу ҳийла, — деди тўсатдан пайдо бўлган Муҳаммад Оташий, — уларга ишонманг. Улар бир маккор режа тузишган. Аммо мен бунинг тагига етаман.

Амир Азизуддин бош ирғади.

— Мен ҳам Оташий фикрига қўшиламен.

Темурбек хомуш қиёфада сўз қотди.

— Оташий! Сен Жоку барлос билан учраш. Мен уни кечирамен. Ҳузуримга қайтсин, болалик дўстим. Менинг қалбимда унга гина-кудурат йўқ.

— Сиз ғоят марҳаматли ва буюк қалб эгасисиз, улуг амир!

Оташий кўзида қалқиган ёш Темурбекни ҳаяжонга солди.

— Неки кўргулик бўлса, кўрармен. Аммо болаликдаги дўстларим хиёлати менга оғир.

Оташий эҳтиром ила унинг олдида бош эгди.

— Нақадар марҳаматлисиз, Темурбек! Мен олдингизда бош эгамен.

— Отларни эгарланг!

Темурбек дадил одимлар билан чодирдан чиқди.

— Биз айтилган манзилга борурмиз.

Шу пайтда Ҳожи барлос дўстлари даврасида айшу ишрат билан машғул эди.

— Жияним ўз оёғи билан тузоғимга тушадур. Чунки у соддадил ва беғубор. Темурбекнинг махфий жосуси мингбоши Мангухон аста шивирлади:

— Бу ишингиз яхши эмас. Темурбек жиянингиз, ахир, қон қонга тортадур.

Ҳожи барлос ҳушёр тортди. У чингизийлар авлодидан бўлган Мангухондан ўлғудай қўрқар эди.

— Жиян бўлгани учун мен мамлакат тизгинини унга топширишим керакми?

Амир Боязид жалойир эса кулиб кўйди.

— Чумчуқдан қўрққан тариқ экмас.

Эртасига Темурбек лашқари билан йўлга чиқди.

Ҳожи барлос ва Боязид жалойир уни зўр эҳтиром ила қарши олиб, унга тайёрланган ўтовга таклиф қилишди.

У орқасида турган Оташийга ўгирилиб қаради. Маддох маъноли бош ирғади.

Ўтовнинг ўнг тарафида амир Боязид жалойир ва сўл тарафда Ҳожи барлос ўтирди. Чорлов меҳмондорчилиги бошланди. Таомлар кетидан таомлар тортилди.

Темурбек амакисига, унинг хушомаду илтифотларига қараб, бу дунёда қандай одамлар бор эканлигини ўкинч ила ҳис этди. Бу икки амир уни ўлдириш учун ўтов атрофида қотилларни тайёрлаб қўйишган. Улар меҳмондорчилик тугаган заҳоти, ўтовдан чиқишлари билан унга ташланишади.

Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, Темурбек ўрнидан турди.

— Биз яна андак ўтирамыз, — деди Ҳожи барлос уни кузатаркан.

Темурбек чиқиб кетгач, амир Боязид Ҳожи барлосга маъноли нигоҳ ташлади.

— Ҳаммаси жойида, — деди у ва кутилмаганда ранги оқариб кетди. От дупури қулоққа чалинди.

Икки амир хавотир ичра ташқарига чиқишганда чўзилиб ётган қотилларнинг мурдаларини кўришди.



— Ўзи не гап?

— Темурбек ўз аскарлари билан лашкаргоҳни тарк этди, — деди мингбоши Мангухон. Унинг кўзларидаги истехзони ҳеч ким пайқамеди.

Темурбекнинг махфий хизмати бу гал ҳам ўз қудратини кўрсатган эди.

Маддох Оташий йигитлари режа бўйича иш кўришиб, қотилларни йўқ қилишган эди. Бу иш шунчалик усталик билан амалга оширилдики, ҳеч ким воқеанинг асл тагига етмади. Ҳожи барлос ва Боязид жалойир аскарлар лашкарбошилари ҳам Темурбекнинг тўсатдан кетиб қолиши сабабларини билишмади. Улар уч амир зиёфатида маълум режа бўйича Темурбек бирон жойга шошилишч жўнаб кетди деб ўйлашди. Ҳеч ким суиқасдни билмади.

Темурбек ўзининг “Таржимаи ҳол”ида ўша 1360 йилги вазият ҳақида очиқдан-очиқ шундай ёзади: “Шу йил аломатларига кўра хайрли эди: тўнғич ўғлим туғилди. Пайғамбарнинг шарафига мен уни Муҳаммад деб атадим. Ундан ташқари, менинг галабали жангларим бошлангани учун Муҳаммад исмига Жаҳонгир исмини ҳам қўшдим, ўғлимнинг туғилиши менга омад келтирди: амир Боязид жалойир ва Ҳожи барлосдан бўлак барча ҳокимлар мен билан иттифоқ бўлдилар. Бу икки кучли душмандан ҳийла ишлатиб ҳалос бўлиш йўлини топдим. Ҳожи барлоснинг қайнотаси унга қарши фитна уюштириб, унинг ўрнига ўз набирасини қўймоқчи бўлди. Ҳожи барлос қайнотасининг мақсадидан бохабар бўлгач, тезда уни қатл қилди”.

Амир Темур қайноғаси амир Ҳусайндан ҳам фойдаланиб, унинг қўли билан иттифоқдош рақибларини йўқотмоқчи бўлганини ҳам эътироф қилади. Ҳусайн унинг ёрдамида Бадахшонни босиб олади. Шу масалада Амир Темур ишонч бобида катта хатога йўл қўйганини тан олади: “Менинг хотиним Амир Ҳусайннинг синглиси эди. Мана шу қариндошлик алоқам туфайли мен унда Мовароуннахрга эга бўлиш истагини уйғотдим. Бу менинг катта хатоим эдим. Бу аҳмоқ одамнинг дўстлигини мен самимий деб тушунган эдим, ўша кезларда мен ҳали бу одамнинг феъл-атворини яхши билмас эдим. Унда тўрт

унсурга ўхшаб тўрт ёмон сифат мужассамлашган эди: булар — ҳасад, бахиллик, очкўзлик ва такаббурлик эди”.

Бу орада ташқарида пайдо бўлган янги бир куч учлар иттифоқига барҳам берди. Бу Мовароуннаҳрга бостириб кирган Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхон эди.

Босқин ҳақидаги хабар Темурбекни она маскан Хожа Илғор қишлоғига етаклади. Бемор отаси олдида ўтирган ўғил падари бузрукворининг ҳаёт шами сўниб бораётганини ҳис қиларди. Амакиси Ҳожи барлос юборган чопар мўғуллар Сайхунни кечиб ўтгани, барчани ваҳима босгани ҳақида гапирди. Сўнг Ҳожи барлоснинг мактубини топширди. Мактубда дуои саломдан сўнг шундай сатрлар битилганди: “Мазкур ойнинг аввалида Жете хони Туғлуқ Темур дарахт баргларидин, балки саҳро қумидин ҳам кўп лашкар бирлан мўру малах бўлиб Сайхундин биз тарафга ўтибдур. Ойнинг бирла Хўжанл ҳокими Боязид жалойир барча жалойирлари билан ва яна теварак-агрофнинг бир неча беги қўшилгон эрмиш. Алар жамулжам бўлиб, шу ужурда Насаф бирлан Кеш устига, сизу бизга қарши юриш бошлагон эрмиш. Элу улус сарсону саргардон, шаҳару қишлоқларимиз ер бирлан яқсон бўлмасдан туриб, жамъ бўлишимиз ва биргаликда ёғийни даф қилишимиз зарур. Улуснинг эмину омонлиги, раиятнинг рифоҳияти Сиз бирлан бизни шитоб бирлан отланишга даъват этадур. Шу мазмундаги мактуб Улжой Буга сулдуз, Муҳаммад Хўжа Аперди, Амир Кайхусрав, Амир Ўлжойту, Хизр Ясовурий ва бошқа бекларга ҳам жўнатилди. Ушбу мактубни олишингиз билан йигитларингизни жам этиб ва яна бир ойга етатургон озуқа олиб, Қўзимундоққа келишингиз лозим кўринадур. Қўзимундоқ лашкаргоҳ деб эълон қилинди. Вассалом”.

Муҳаммад Тарағой Тархон чуқур ўйга чўмди. У Туғлуқ Темурни болалигидан биларди. Унинг отаси Элхўжа ўғлон билан унинг отаси дўст бўлишган. Борди-келди қилишган. Баҳор мавсумида шу Туғлуқ Темур билан отаси Элхўжа ўғлон Кешга келар эди. Ўшанда у, Муҳаммад Тарағой Туғлуқ Темурхон кимлигини англаган.

— Ўғлим, сенга айтадургон гапим шулким, Туғлуқ Темурхон билан урушма. У билан келишиб Кешни сақлаб қол.

Муҳаммад Тарағой кўзларини беҳол юмди. Мўғулистон беку амирларини кўз олдига келтирди. Уларнинг орасида бир қадрдон дўсти бор эди, ўшани эслаб миясида яшиндек бир фикр чақнади.

— Амир Ҳамид! Ҳа, ўғлим, бу киши Туғлуқ Темурхоннинг маслаҳатчиси ва ишонган одами. У сени биледи ва ёрдам беради.

Темурбек отасининг унга нақадар ишонгани ва меҳрини қалбдан ҳис этди, ўлим тўшагида ҳам уни ва элини ўйлайди.

— Бир қарорга келишдан аввал ҳазрат Шамсуддиндан фатво олишни унутманг, Темурбек.

Бу отасининг васиятидек эди. У Кешга бора-боргунича отасининг айтган гаплари мағзини чақишга уринди.

Ҳожи барлоснинг ҳовлисидаги кўринишхонада у Шамсуддин Фахурий, бек ва амирларни кўрди. Салом алиқлардан сўнг Ҳожи барлос сўз бошлаб вужудга келган вазиятни қисқача баён қилди.

— Биз барча вилоятларга чопар юбордик, аммо Амир Муҳаммадхўжа ҳам, Ўлжойту ҳам, Хизр Ясовурий ҳам аниқ жавоб бермади. Фақат Амир Ҳусайн лашкари билан йўлга чиқибди. Сулдузлар, найманлар ва ясовурийларнинг сукут сақлагонлари майли-я, лекин амир Боязид жалойир мўғулларга қўшилиб кетганига нима дейсиз?

Ҳеч кимдан садо чиқмагандан сўнг у Темурбекка юзланди.

— Темурбек, сиз не дейсиз?

Темурбек отасининг ўғитлари мағзини чақиб бир қарорга келиб қўйганини билдирмади. У амакисининг унга қилган ёвузликларини эслади.

— Фикрим шулким, бизда Туғлуқ Темурхонга қарши тура оладиган куч йўқ. Боязид бунга яхши тушунибди. Биз мураса-ю мадора йўлини топишимиз даркор.

Темурбек фикран вазиятни чамалаб сулҳдан бўлак чора йўқлигини билар, лекин сулҳга Мўғулистон хони кўнишига ишонмас эди. Туғлуқ Темурхоннинг нияти Туркистонни Мўғулистонга яна қўшиб олишдир. XIII асрда иккига бўлинган Чигатой улуси ўртасида жиддий

тафовутларни бартараф қилишдек катта мақсадни кўзлаган. Шамсуддин Фахурий Темурбек фикрини қувватлади.

— Темурбек билиб гапирди. Сулҳдан ўзга чора йўқ.

Иттифоқчилар бир қарорга келолмай тарқалишди. Ҳожи барлос ўзлари ёлғиз қолишгач, жиянига маънодор боқди. Икки нигоҳ бир-бири билан тўқнашди. Ҳожи барлос жияни юрагидагиларни сезиб бошини эгди.

— Мен Хуросон томон кетишга қарор қилдим, — деди у оҳиста. — Ўзинг бу ҳақда қандай фикрдасан, буюк амир?

Темурбек амакисига кечиримли нигоҳ ташлади.

— Туғлуқ Темурхоннинг ҳузурига борсангиз икки фойда, бир зиён бордир. Хуросон томонга ўтиб кетишнинг эса икки зиёни, бир фойдаси бордир. Ўйлаб кўринг, амакижон.

Ҳожи барлоснинг юраги орзиқди. Оғир сукутга чўмди. Жияни билан хайрлашар экан, шундай деди:

— Хуросонга эртагаёқ жўнаймен. Сени эса Аллоҳга топширдим. Нима ўтган бўлса, кечир мени.

Темурбек паришон ҳолда отаси даргоҳига қайтди.

Муҳаммад Тарағой Тархон ўелини кўриб қувониб кетди. Ҳатто ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, лекин Темурбек бунга йўл қўймади.

Кешдаги кенгаш хусусида унга батафсил ахборот берди. Муҳаммад Тарағой Ҳожи барлоснинг қароридан ранжиганини яширмади.

## Муросага яширинган тактика

Ғузор. 1361 йил

Чингизхоннинг чевараси Туғлуқ Темурхон номидан келган ёрликни келтирган мўғул юзбошиси Ёндон Темурбек олдида бош эгди.

— Мен, Туғлуқ Темурхон, ҳоқон ўғли ҳоқон, сенга бутун элатинг ва лашкаринг билан менга қўшилишингни буюраман.

Юзбоши Ёндон кўйнидан яна бир мактубни олиб, Темурбек ёнида турган Амир Азизуддинга узатди. У номага кўз югуртиб, юзбошига бир ҳамён олтин ташлади.

— Мени кутиб тур.

Юзбоши қуллуқ қилиб чиқиб кетгач, у Темурбекка юзланди.

— Отангизнинг эски қадрдони амир Ҳамид сизга салом йўллабди ва ҳоқон ҳузурига қўрқмай боришингизни сўрабди.

Темурбек қаршисида ўтирган дарвешга юзланди.

— Маддоҳ Оташий! Зудлик билан пирим Абу Бакр Тайободий ҳузурига от чоптир ва бу мактубларни унга етказ. Жавобини кутамен.

Темурбек шундай дея чодирлан чиқди.

Амир Азизуддин Темурбекни холи жойга бошлади.

— Бу мўғул юзбошисини бир вақтлар мен ўлимдан қутқарганман. Ўшандан буён у менга астойдил хизмат қилади. Менда бир режа бор.

Темурбек уни диққат ила тинглаб, бош ирғади.

Юзбоши Ёндон кўюқ дастурхон устида обдон еб-ичиб ўтирганида Темурбек олдида қандоқ пайдо бўлганини сезмай қолди.

— Ҳар ой сенга улүфа берурмен, юзбоши.

Темурбек юз кепакий солинган халтачани олдига қўйди.

— Сана буни, — деди Азизуддин унга.

Халтачадаги олтин тангалар жиринги юзбошининг кўзларини ўйнатди.

— Эвазига не қиламан?

— Темурбекка кўз-қулоқ бўласан.

Юзбоши бош эгиб қўлларини кўксига қўйди.

Мўғулистон ҳукмдори Туғлуқ Тумурхоннинг хос соқчилари юзбошиси Ёндон энди Темурбекнинг хуфиясига айланди.

Алоқа кабутарлар воситасида.

Темурбек тонг маҳали пиридан мактуб олди.

— Тўртинчи халифадан (ҳазрати Али ибн Абу Толиб), унга тангрининг караму марҳамати бўлсин, бир киши сўрабдики, осмон — камон, ер — камон ипи, ҳодисалар ўқ бўлса, инсонлар ул ўқ-ёйларга нишон бўлса, отғучи

— Худойи таоло бўлса, унинг қудрати яна ҳам улуғ бўлсин, одамлар қаерга ҳам қочадилар? Халифа жавоб қилиб, одамлар тангрига қочсинлар, — дебдилар. Шунга ўхшаш сен ҳам ҳозир Туғлуқ Темурхоннинг олдига қочгил ва қўлидаги ўқ-ёйини тортиб олгил.

Темурбек бу сўзлар маъносини тушунди. У зудлик билан одамларини ўлканинг турли тарафларига юборди.

— Кимки, Жета аскарларининг зулмидан халос бўлишни истаса, Темурбекка ҳадялар юборсин. Бу ҳадялар Мўғулистон хонига тортиқ этилади.

Туғлуқ Темурхондан иккинчи ёрлиқ келганда Темурбекда мўл совға-саломлар ва катта бойлик тўпланган эди. Иккинчи ёрлиқ биринчисидан буткул фарқ қилар эди. Унда уруғчилик муносабатлари эслатилиб, маслаҳат учун унинг ҳузурига зудлик билан келиши лозимлиги уқтирилган эди.

Кабутар воситасида олинган хабарда эса юзбоши Ёндон Самарқанд ҳокими Боязид жалойир хон ҳузурига келгани ва Туғлуқ Темурхон ундан ғазабланиб, жаллодга буюрилгани ёзилган эди.

Юзбоши Амир Ҳамид ва Туғлуқ Темурхон ўртасида бўлган суҳбат тафсилотларини ҳам баён қилган эди. Хон Темурбек хусусида, отаси Муҳаммад Тарағой ҳақида илиқ гаплар айтибди. Амир Ҳамиддан Темурбекка душманлик қилган Боязид, Хизр Ясовурий, Ҳожн барлослар номини эшитиб ғазабланибди. Шунинг учун ҳам Боязид жалойирнинг кесилган бошини Самарқанд дарвозасига миҳлатишни буюрибди.

### **Ким шохида, ким баргида Хўжанд. 1361 йил**

Туғлуқ Темурхон олтину жавоҳирлар билан безатилган сандалга ўхшаш ўриндикда салобат билан чордона куриб ўтирарди. Тахт орқасида етти нафар чухра — соқчи учи ўткир узун найза кўтариб турибди. Кўринишхонада бир четда турган бахши билан эшик оғадан бошқа ҳеч ким йўқ. Темурбек тиз чўкиб хонга чуқур таъзим қилди.

Хон кўринишидан олтмишлардан ошган паҳлавон келбат, оқсарикдан келган. Нигоҳи овни мўлжаллаган бургут мисол. У Муҳаммад Тарағойнинг вафотини эшитган ва Темурбекка ҳамдард эканини изҳор қилди.

— Биз, сенга ўғлон, мингбошилиқ мансабини инъом этамиз.

Саройбон мулозим шу заҳоти унинг елкасига олтойи пўстин ташлаб, бошига тулки терисидан тикилган тумоки кийгазди.

— Куллуқ, хон ҳазратлари, — деди Темурбек икки кўлини кўксига қўйиб.

— Яна сенга, Тарағой ўғли, менинг маслаҳатчим даражасини ҳам беришга қарор қилдик. Ёнимда бўлурсен.

Темурбек олдига қошига кумуш қопланган эгар, тўқ қизил бахмалдан тикилган тилларанг попуклик от ёпиғи, кумуш узанги, қилич, чўқмоқ, амиркон филофли каркидон сопли пичоқ келтириб қўйдилар. Туғлуқ Темурхон марҳаматли нигоҳини ундан узмади. Унинг шаънига мақтовлар айтди. Сўнг унга “кетабер” ишорасини қилди. Темурбек яна бир бор хонга куллуқ қилиб, орқаси билан юриб кўриниш хонасидан чиқди. Ташқарида эса уни мўғул беклари табриклари кутарди.

Темурбек улар орасида юзбоши Ёндонни ҳам кўрди. Беклар унинг шарафига базм уюштиришди. Уларнинг кайфлари ошган бир маҳалда юзбоши Ёндон унга ишора берди. Улар маст-аласт мўғуллар орасидан ўтиб юзбоши чодирига келишди.

— Сизга муҳим хабарим бор, Темурбек, — деди у жиддий оҳангда, — Хоқон сизни синаб кўрмоқчи бўляптилар.

Темурбек ёнидан ҳамён чиқариб унинг олдига қўйди. Юзбоши чаққонлик билан уни қўйнига солди.

— Сананг, юзбоши, унда сизга икки баробар кўп улфа бор.

— Хоқон сизни қайноғангиз Амир Хусайнга қарши юбормоқчилар.

Темурбек кўлидаги қимматбаҳо узукни ечиб унга узатди. Ёндон кўзлари ёниб уни қўйнига солди.

— Яна нима гап?

— Ҳоқон, агар ишончни оқласангиз, бутун Мовароуннаҳр идорасини сизга топширмақчилар.

Темурбек ўйга чўмди. Амир Хусайн калтабин одам. Аммо унинг лашкарбошиси Кайхусрав Хутталоний ақлли ва тадбиркор.

Юзбошининг ахбороти чиндан ҳам бебаҳо эди.

— Ёндон, айт-чи, Мўғулистонда хоқонга қарши кучлар борми? Беклар, амирлар...

Юзбоши бошини қуйи солди. Темурбек ёнидан бир халтача чиқариб, ундаги олтинларни ерга тўкди.

— Агар уларнинг кимлигини айтсанг, шу олтинларнинг бари сеники.

— Бор, Темурбек. Уларни биламан.

— Бўлмаса, қулоқ сол. Шундай қиламиз.

У чиқиб кетгач, Темурбек қарсак чалди.

— Оташийни чорланг!

Маддоҳ бир зумда ҳузурида пайдо бўлди.

— Кайхусрав Хутталоний олдига чоп ва менинг илтимосимни унга етказ.

Чиндан ҳам юзбоши айтганлари ҳақиқат бўлди. Туғлуқ Темурхон унга амир Хусайнга қарши қўшин тортмоқчи эканлигини очиқдан-очиқ айтди.

— Темурбек! Сендан илтимос. Қўшинларимдан кимга қўмондонликни топширай?

Амир Ҳамид унга синовчан тикилди.

— Бу ишни менга топширсангиз.

Туғлуқ Темурхон ажабланиб амир Ҳамидга юзланди. У эса табассум ила Темурбекка боқди.

— Улуғ хоқон, Темурбек чиндан ҳам сизга содиқлигини изҳор этди. Унга ижозат берайлик.

Темурбек фармони олийга мувофиқ йўлга чиқди. Туғлуқ Темурхон уни кузатиш ва назоратда тутиш мақсадида ишончли саркардаси Мир Кичикбек билан бирга жўнатди.

Амир Хусайн кабутарлар орқали Темурбек юборган хабарни олган бўлса ҳам билганидан қолмади. Кайхусрав Хутталонийни асосий қўшинига бош қилиб жангга жўнатди.

Воқеаларнинг давомини биз Амир Темурнинг Мир Кичикбек қўл остидаги илғор гуруҳлари билан юзма-юз



келганида кўрамиз: Кайхусрав ўзига яқин баҳодирлари билан Туғлуқ Темурнинг тарафига ўтди... Хусайннинг ишини тугатиб ҳоқон Туғлуқ Темур Самарқандга келди ва у ерда Баён сулдузни қатл қилди. Шундай қилиб, Темурбекнинг ёзишича, у Мовароуннаҳрни ёмон одамлардан тозалаб, барча шаҳарларида тартиб ўрнатди. “Энди менинг бутун душманларим тугатилганидан сўнг мен ҳоқон Туғлуқ Темурнинг ўзи ҳам Мовароуннаҳрдан кетишини, мени эса Мовароуннаҳрда ҳокимлигимни тасдиқлашга маслаҳат бериб ундадим.”

Темурбекнинг махфий хизмати одамлари — юзбоши Ёндон тавсиясида кўрсатилган амиру бекларни қутқуга солиб кўзғолон кўтартиришди. Мўғулистон тахтига чингизий шаҳзода Тамликашонни ўтқозишди.

Туғлуқ Темурхон танг аҳволга тушиб Темурбекни ҳузурига чақирди. Девондаги барча амалдорларга қараб ўз фикрини билдирди.

— Мовароуннаҳр тахтига ўелим Илёсхожани тайинлай-мен. Сипоҳсолор этиб Темурбек тайинланади. Темурбекка бутун ўлкани топширишим керак эди. Аммо мана бу пўлат тахтада қадимги аجدодларимиз Качули Баҳодир ва Қобулхон ўртасидаги шартнома битилган. Бу шартга кўра, Качули Баҳодир, яъни Темурбек бобокалони аскарларнинг бош беги, Қобулхон, яъни менинг бобокалоним хонлик унвонини олиши керак. Темурбек сипоҳсолор ва ўғлимнинг бош маслаҳатчиси, унга барчангиз бўйсунинглар.

Темурбек турк ва мўғул хонлари даргоҳида расм бўлган тартиб қоидага биноан, тахт пойига чўк тушди ва хоннинг этагидан олиб юзига суртди. Қайтиб жойига борганида у Амир Беккичикнинг юзларидаги очиқдан-очиқ нафратни сизди.

Туғлуқ Темурхон нигоҳини Беккичикка қаратди.

— Мовароуннаҳрнинг соҳиб ихтиёрлиғи эрса амир Беккичикка юкланадур.

Аҳли мажлис бир овоздан қутловлар ёғдиришди.

— Азму қарорлари муборак бўлғай!

Амир Беккичик тантанавор тарзда Темурбекка боқди. Соҳиб ихтиёр катта лавозим — юрт ҳокими демакдур. Мамлакатда хондан кейинги иккинчи мартаба.

— Биз Мўғулистонга қайтурмиз.

Туғлуқ Темурхон икки кундан сўнг Мўғулистонга кетди. Энди юрт тақдири Илёсхожа ва унинг вазирига айланган Беккичик қўлига ўтди. Маишатдан бош кўтармайдиган янги хон барча ишларни вазирга топширди.

Илёсхожа отасига зид равишда Темурбекни ёмон кўрди. Отаси Мўғулистонга қайтиб кетгач, Темурбекнинг мақомини пасайтирди, сипоҳсолор, яъни мингбоши мансабига тайинлади. Такаббур, золим Беккичик билан юртда бебошликни кучайтирди. Биргина Самарқанднинг ўзида бир кечада 400 қизни ўғирлади. Жеталар қарши бўлганларни ўлдиришди, кўплаб кишиларни қул қилиб ҳайдаб кетишди. Яна бунинг устига Муҳаммад саллаллоху алайҳи васаллам авлодларидан бўлган саййидлардан етмиш кишини зиндонга ташлади. Илёсхожа уларни тутун билан бўғиб ўлдиришга ҳукм қилди.

Самарқанд аҳолисининг сабр-косаси тўлиб, Темурбекка нома юборди.

— Чор ёрлар ибратига амал қилиб, биз уламолар, сарбозлар ва халқ Сиз — куч-қудратнинг порлоқ юлдузига ваъда берамизки, мусулмонлар мол-мулки тугул, уларнинг қонуни-ю шону шарафи ва номусига ҳам очкўзлик билан тажовуз қилаётган манфур зўравонлар бўлмиш жеталарни қириш, ҳайдаш ва йўқотиш учун боримизни ва ҳаётимизни ҳам аямаймиз. Бу қасамни бузганлар Аллоҳ таоло қаҳрига учрасинлар.

Темурбек номани келтирган вакилларга тантанали ваъда берди:

Саййидлар ҳимояси учун жонимни ҳам аямаймен, қароримни аҳи жамоага маълум қилинг. Кўзғолонга тайёргарлик кўришин.

Темурбек жеталар зулмига чек қўйиш фурсати етганини пайқади. Бу борада шахсан ўзи дадил қадам қўймоғи даркор.

Ўзига ўхшаш ўн ва элик аскарлардан иборат олтмиш йигит билан зиндон томон отланди, қаршилиқ кўрсатганларни босиб, янчиб, ҳибсадаги уламоларни озод қилди. Бу билан у ўзини ўлимга маҳкум этди. Аммо у орти-

да қандай қудратли кучлар борлигини ҳам билган. Буни у Мўғулистон хонининг уни қатл этиш ҳақидаги ёрлиғини кўрганида яққол ҳис этди. Туғлуқ Темурхон фармони Илёсхожага етиб келмасдан унинг қўлига қай тариқа тушиб қолди? Ҳа, бу юзбоши Ёндоннинг иши эди. Ёрликни унинг тингчиси келтирди. Дарвешлар эса унга бутун ўлкага минглаб нусхаларда тарқатилган даъватнома-ни кўрсатишди.

Мусулмонларнинг ери, молу мулки, номуси ва жонига зулм, ситам қўлини чўзган чингизийларни даф қилишда барча аҳли ислом мол ва жонларини аямай Темурбекка ёрдамлашсинлар.

### **Саййидлар ваъдаси Самарқанд. 1362 йил**

Сипоҳсолор Амир Темур Илёсхожанинг буйруғига биноан зиндонга ташланиб ўлимга маҳкум этилган саййидларни ўз амри билан озод қилиши очикдан-очик жеталарга қарши кўзғолон кўтариш билан баробар эди.

Саййидларни Самарқанд аҳли шодон олқишлади, ҳамманинг оғзида Темурбек, дилида ҳам, тилида ҳам Темурбек эди. У бир кунда халқ қаҳрамонига айланди. Уни дуо қилаётганлар, ҳузурига келиб табриклаётганлар сон-саноксиз эди.

Самарқанд аҳли катта йигин қилиб, Темурбекка нома юборди. Унда халқ номидан Мовароуннаҳрда талончилик ва зўравонлик қилаётган чингизийлар — қароқчи жеталарга қарши кўзғолон ва босқинчиларни юртдан қувиш ишига бош-қош бўлиши сўралган эди.

Номани келтирган Саййид Темурбекка яна таъзим қилиб, шундай деди:

— Темурбек! Биз саййидлар, уламолар, Яссавия ва Нақшбандия тариқатлари муридлари сизнинг кўз ва қулоқларингиз бўламыз.

Ўша кунни оқшом Темурбекка Оташий Мўғулистон хони Туғлуқ Темурнинг Илёсхожага йўллаган шахсий мактубини олиб келди. Унда Темурбек хоинликда айбла-

ниб, лашкарбоши-сипоҳсолор мансабидан четлатилгани ва ўлимга ҳукм этилгани ёзилган эди.

Эртасига эса Илёсхожа Самарқандга юборган ёлланма қотиллар ушланди. Улар катта мукофот эвазига Темурбекнинг жонига суиқасд қилмоқчиликларига иқрор бўлишди.

Темурбек ўзининг жангу жадалларга бой жанговар ҳаёт йўлида Аҳмад Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбанд тариқатларининг кўп ҳолис хизматларининг гувоҳи бўлади. Тез орада хавfli рақиб Туглуқ Темур тўсатдан ўлиб қолади. Рақиблари бирин-кетин йўлидан суриб ташланаверади. Уларнинг барини Темурбек ўз “Таржимаи ҳол”ида Аллоҳнинг марҳамати деб битади. Унинг шаънига ҳамду санолар битган муаррихлар ҳам шундай ёзишади, ҳамма зафарлар унинг истеъдоди ва жасоратига боғланади. Ҳеч ким кўзга кўринмас, сирли жумбоқларга бой, бутун Магрибу Машриққа тўр ёйган қудратли Яссавий ва Нақшбандия тариқатлари фаолиятларини тилга олмайди. Сон-саноксиз тингчи — махфий дарақчиларга эга бу тариқатлар ҳали ҳеч бир ҳукмдор эга бўлмаган махфий хизмат тармоқларини Амир Темур учун сафарбар қилишган эди.

### Халқ ва уламолар фатвоси Самарқанд тоғлари. 1363 йил

“Тўғри йўллик халифалар, Аллоҳ таоло уларнинг жамисидан мамнун бўлсин, тутган йўлларига ва қилган ишларига мувофиқ Мовароуннаҳрдаги бутун аҳли ислом, сипоҳу раият ёхуд уламою машойиқ бўлсин, Амир Темурга иззат-икром кўрсатиб, уни Амир Темур қутби салтанати Олий деб атасинлар ва уни Аллоҳнинг қудрати — салтанат тахтига лойиқ кўрсинлар”.

*“Темур тузуқлари”дан*

Амир Саййид Кулол ҳузурига келган Темурбекни очиқ чехра ила қаршилади. Хожгон Нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган улуғ шайхи, қаршилиқ улуғ мутаффақир, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг пири Те-

мурбекка алоҳида илтифот кўрсатди. У билан келган олтмиш навкарни алоҳида жойлаштириб, ўз муридларини улар хизматига қўйди.

Амир Саййид Кулол Темурбек билан хуфтон намозини бирга ўқигач, ўзаро суҳбат қуришди.

— Сенинг порлоқ истиқболингни башорат қилганимда ҳам ҳеч қандай муболаға бўлмаган, Темурбек. Умри поёнига яқинлашган қария билганини пари ҳам билмас.

Амир Саййид Кулол уни ташқарига олиб чиқди. Тун зулматини ёйган Самарқанд узра беҳисоб юлдузлар порлар эди.

— Қара, бўтам, коинот нақадар чексиз. Юлдузларга боқ. Зухро, Миррих... қизиқ, уларда ҳам ҳаёт бормикан?

— Бу коинотда Аллоҳнинг қандай сиру синоати муржасам, Темурбек?

Сен Муштарий ва Зухро сайёраларининг бир-бирига ўзаро саодатли яқинлашуви, яъни “қирон” даврида туғилиб, соҳибқирон, яъни бахтли юлдузлар бир-бирига яқинлашганида туғилган бахт эгаси деган шарафли унвон соҳибидурсен.

Темурбек эҳтиром ила унинг сўзларини тинглар экан, вужудига алақандай илоҳий қувват кираётганини ҳис қиларди.

— Умр бўйи Аллоҳга талпиниб, чин юракдан унга ибодат қилганларга Соҳибби Карим ажойиб хислат ато этадур. У ҳам бўлса, келажак пардаси ортида яширинган ҳақиқатдур. Кўзимга Хоразм кўринмоқда, ўша ерга от солишинг даркор, бўтам.

— Яна нималарни кўраяпсиз, пирим? — деди ҳаяжон ичра Темурбек.

— Даҳшатли муҳораба, қон-қон, кесилган бошлар. Зиндон, ярқираган қилич, зафар туғлари... Бу сенинг катта зафар байроғинг...

— Агар зафар қозонсам, Самарқанднинг бир йиллик хирожини Сизларга, Аллоҳнинг суйган бандаларига инъом этурман, пирим!

Амир Саййид Кулол узун оқ соқолини тутамлаб ўйга чўмди.

— Расулulloҳ Ухуд жангига киришдан олдин “Ё, Або Муслим!” деб хитоб айлаганларида саҳобаларидан бири ул зот ким, деб сўраган эканлар. Шунда Расулulloҳ бу зот юз йиллардан сўнг дунёга келадиган паҳлавондир ва у менинг авлодларим шуҳратини тиклайдурғон соҳибқирондур деб айтган эканлар.

Сен ҳам жангга кирганда “Ё Балогардон, ўзинг ёрдам қил”, дея хитоб қилгин.

Темурбек бош ирғади. Эрталаб бомдод намозидан сўнг саф тортган навкарлар Амир Саййид Кулол ва унинг муридлари фатвосини олишди.

Хоразм сари йўл олган навкарларга қарши Хива ҳокими Тўкал баҳодир минг кишилик қўшин билан қарши чиққани ва ўртадаги жанг хусусида “Амир Темур тузуклари”да шундай ёзилади:

“Тўкал баҳодир минг отлиқ аскар олиб, менинг устимга келди. Олтмиш отлиқ йигитим ва йўлда менга қўшилган Амир Ҳусайн билан бирга минг отлиқ кишилик ғаним лашкарларига рўбарў бўлдим ва жангга киришдим. Бу жангда шундайин баҳодирлик қилиб, чидамлик кўрсатдимки, унинг минг кишисидан элик киши қолди, менинг олтмиш йигитимдан ўн кишигина қолди. Шундай бўлса-да, бу зафар мен томонда бўлиб, уларни қочирдим. Менинг зафар қучганим хабари Илёсхожа ва жета амирларига етгач, улар ҳайрон қолишди. “Темур ажаб эр киши экан, унга Тангрининг мадади етиб, бахту иқболи очилмиш”, деб ўзаро сўзлашибдилар”.

Чиндан ҳам Амир Темур душманларининг эътирофи диққатга лойиқдир.

Эй, бу сатрлар ўқувчилари! Тан олиб айтинг-чи, қайси бир замонда, қайси бир саркарда шундай оз аскар билан ўзидан ўн беш баробар устун рақибни мағлуб этган? Донғи оламга кетган Александр Македонский, Гай Юлий Цезарь, Помпей, Чингизхон, Боту, Наполеон Бонапарт, Суворов, Кутузов фаолиятида шундай воқеа бўлганми?

Олтмиш аскар билан минг аскарни енгиш? Бундай воқеа жаҳон ҳарбий санъати тарихида бўлмаган. Ҳамма гап Амир Темур ва унинг аскарларининг маънавий-руҳий камолоти ниҳоятда юқори даражада бўлганлиги

билан изоҳланади. Маълумки, оламшумул, улкан ишларни амалга ошириш учун фақат куч-қудратнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу куч-қудратга мос келадиган, уни буюк ишларга йўналтирадиган руҳият, маънавият, маърифат керак.

Жисмоний қувват юксак руҳий, маънавий камолот билан уйғунлашса, унга тенг келадиган куч-қудрат топилмайди. Бу хусусда Амир Темур камтарлик билан Қуръони каримга ишора қилади: “Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган. Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир” (*Қуръон, 2-сура, 249-оят*).

Ўша оламшумул ва ғаройиб ҳодиса, яъни тенгсиз жанг Қорақум саҳросида бошланди. Тўқал баҳодирнинг ғалабага ишончи комил эди, қаршисида бир ҳовуч аскар турибди. Бир ҳамла билан уларни йўқ қилади. Аммо у чучварани хом санаган эди. Унинг қаршисида ўн, йигирма, қирқ ва эллик Аскар мақомини олган олтмиш баҳодир турарди. Жанг жуда шиддатли ўтиб мўғуллар қириб ташланди. Жуда оз кишигина қочиб кетишга улгурди. Лекин Темурбекнинг ҳам талафоти катта эди. У эллик баҳодирдан ажради. Етти отлиқ ва уч пиёда баҳодирлари билан қолди. У рафиқаси Камолойни ўз отига мингаштириб Марв томон йўл олди.

Темурбек кимсасиз чўлда бир чўпоннинг уйида тунаганида эса ғалати туш кўрди. Тушида унга Муҳаммад пайғамбар кўринди. Расулulloҳ унга шундай деди:

— Сен менинг авлодларимдан етмиш кишини тутқунликдан қутқардинг. Шу жасоратинг учун сени мукофотлайман. Аллоҳ мўъжизакордир, энди сенинг етмиш авлодинг ҳоким бўлади.

У тушини рафиқасига айтганида Камолой фахр ила шундай деди:

— Илоҳим ўша кунларга мени етказсин, бегим. Агар мен кўролмасам, фарзандларим кўришсин, бегим.

У кўзига қалққан ёшларини артди. У ўзини бахтиёр сезарди. Тақдир унга шундай одамни, Аллоҳ назари тушган, пайғамбар қўллаб-қувватлайдиган зотни ёстикдош қилди.

Камолой комил пирлардан бирининг Темурбекка айтган гапларини яхши эслайди:

— Келажак пардаси ортидан, амир, сенга мадад кутилаётир. Пайғамбар оиласи сенинг тарафдоринг, ҳаётингни ўз муборак паноҳларига олмиш, ул зотнинг ноибларидан бири сенинг ноибинг ва йўлдошинг бўлғай. Бироқ у киши кимлигини фақат ўлимнинг олди-дан билғайсан, ҳолос.

Камолой яна шуни ҳам билардики, Темурбек эндиликда халқ қаҳрамонига айланган. Уни дуо қилаётганлар, унга юрт халоскори сифатида сиғинаётган мухлислар кўп, ганимлар ҳам етарли. Буни ўша куни тонг арафасида уларни тўсатдан босиб ҳибсга олган туркманлар ҳам тасдиқларди. Амир Алибек Жониқурбоний уларни ҳеч сўров-суриштиришсиз зиндонга ташлади.

Темурбек “Таржимаи ҳол”ида шундай ёзган эди:

— Мен хотиним, Амир Хусайннинг синглиси билан зиндонда оғир ва аламли эллик кунни ўтказдик, ўша чоғда Аллоҳ таоло номи билан қатъий қасамёд қилдимки, агар ўзим бу зулматдан халос бўлсам, ҳеч бир кимсани аввал айбини аниқламай туриб қамамайман, дедим.

Эр-хотин зиндонда ўтказган эллик кун давомида нималарни ўйлашгани ва орзу қилишгани бизга қоронғи. Лекин ўша уқубатли зиндонда Темурбек озодлик ва адолат ҳақида кўп ўйлагани аниқ. Бу ҳақда у “Таржимаи ҳол”ида шундай деган:

— Зиндондалигимда ниҳоятда оғир кунларни бошимдан ўтказдим. Ўша кунлар менга қайсидир маънода сабоқ бўлди, ҳаёт учун курашишим лозимлигини англади. Ўшанда шундай мулоҳаза қилдим: яхшиси, қаттиқ бир жасорат кўрсатиш керак, яъни ҳар қандай хавфдан қатъи назар, зиндондан кутулиш ва озодлик учун жанг қилиш керак; қандай қилиб бўлса ҳам ёруғ дунёга чиқиш керак.

Қамоқнинг эллигинчи куни ана шу жасорат юз берди. Темурбекни доимо қўллаб-қувватловчи ғойибий кучлар бу гал ҳам унга панд бермади.

Саҳарда гала-говур бошланиб, дарвешларнинг хитоби эшитилди.

— Ҳақ дўст, ё Аллоҳ!



Соқчиларнинг товушларини уларнинг зикрлари босиб кетди. Зиндон эшиги қия очилди. Ярқираган қилич кўринди.

— Аллюҳ сенга мададкор, Темурбек!

Мана у кутган, умид қилган курол.

Темурбек қиличини қўлига олиб, Камолойга ишора қилди. Соқчилар нима бўлаётганини ҳам билолмай гафлатда қолишди.

— Йўлимни тўсганнинг боши кетгай!

Соқчилар бошлиғи шамширини кўтарганча тўсатдан пайдо бўлган балога ташланди. Олишув қисқа ва шиддатли бўлди.

Соқчилар калласи учиб кетган бошлиқларининг бўғзидан фавворадек отилаётган қондан даҳшатга тушинди. Темурбек хотини билан эгарлоглиқ турган икки отга сапчиб чиқишди. Бу вақтда Амир Алибек Амир Муҳаммадбек Жониқурбонийдан келган мактубни ўқимоқда эди.

— Сен Амир Темурга нисбатан ноинсофлик қилибсан, уни қаттиқ таҳқирлабсан. Мен Амир Темурга катта ҳадялар юбораяпман, дарров уларни унга топшир. Кейин сенга таъкидлаб айтаманки, агар унинг олдида гуноҳингни озроқ бўлса ҳам ювмоқчи бўлсанг, дарров ундан узр сўра, сўнг ўз отингга миндириб, қўйиб юбор!

Алибек Жониқурбоний ўзи ишидан пушаймон бўлиб турганида қаршисида даргазаб Темурбекни кўрди.

— Тавбамни қабул қилинг, Темурбек.

Эгилган бошни қилич кесмас.

Амирнинг гуноҳқорона бош эгиб тургани Темурбекнинг шаштини қайтарди. Унинг қулоқларида ўзи эшитган ўғитлар яна янграгандек бўлди.

— Узрли бўл, ганимга ҳам, ҳагто кофирга ҳам!

Алибек қароргоҳида у Камолой ва акаси Хусайн ҳамда озод қилинган бошқа йигитлари билан икки кун ҳордиқ чиқарди.

## Аҳмоқ дўст

Алибек меҳмонларни кузатув оқшомида катта зиёфат уюштирди. Таомларнинг кети узилмас эди. Шўрва, ҳасил, кўзичоқ тандир кабоб бир-бирига уланди.

Камолой бахтиёр кўзларини эридан узолмас эди. Туркманлар эса наъкарча кийинган бу аёлга мафтунликларини очиқ-ойдин изҳор этишар эди. У Темурбекка қимиз тўла косани узатар, олдига турли-туман таомларни қўяр эди. Амир Ҳусайн эса бу бахтиёр эру хотинга ҳасадли нигоҳини қадарди. Улар нақадар бахтли! Нега унга тақдир шундай бахтни ато этмади? Унинг Темурбекдан қаери кам?

Амир Ҳусайн шароб тўла косаларни бирин-кетин бўшатар, лекин ғубори кетмас эди. Темурбек билан боғланган хотиралар кўз ўнгидан ўтаверган сари кўнглида ҳасад олови тобора алангаланиб борар эди. У бобоси Амир Қазағоннинг қароргоҳида Темурбекни беш йил муқаддам кўрган эди. Бобосига қилинган суиқасдларнинг олдини олиб, юксак ҳурматга эришган Темурбек унинг учун ҳам кўп яхшиликлар қилди. Ҳа, буни тан олмай иложи қанча? У ҳоким бўлган Ҳиротда исён кўтарилиб, ҳокимиятни амир Бакир эгаллаганидан сўнг Темурбек ёрдамга ошиқди. Уч юз сара отликлар билан Ҳиротни қўлга киритди.

Ўша йили Темурбек Амир Қазағонга уюштирилган навбагдаги суиқасдни ҳам бартараф қилди. Қамар қишлоғи атрофида катта ов уюштирилди. Кечаси эса Амир Туғлуқ етти навкари билан тўсатдан Қазағон қароргоҳига ҳужум қилди. Бундан хабар топган Темурбек дарҳол отга миниб унга ёрдамга шошилди. Қоронғуликдан фойдаланган бобоси фитначилардан бир харсанг тош орқасига беркинган. Темурбек фитначиларни чопиб ташлаб, Қазағонни халос этди. Кейин у Амир Туғлуқ ва Хусрав Баёнқулнинг яна бир фитнасини фош қилди. Бундай жасорат ва садоқати учун бобоси Темурбекка бутун ўлкага ҳукмдорлик ёрлигини тақдим этди. “Хат бердук ва аҳд қилдук: биздан сўнг Турон ўлкаси Темур-

га тааллуқ топгай” — деб ёзилган эди унда. Аммо бобоси Амир Туғлуқ ва Амир Хусравнинг сўнги суиқасдида шаҳид бўлиши бунинг амалга ошишига халал берди. Темурбек қотиллардан ўч олди.

Ҳа, Темурбек чин маънода садоқатли дўст ва ҳиммати баланд инсон эканлигига у, Амир Ҳусайн чин дилдан иқрор. Биргаликдаги жангларда уни Темурбек неча бор ўлим чангалидан қутқариб қолганига ҳам у жонли гувоҳ!

Темурбекнинг товуши Амир Ҳусайнни хаёл гирдобидан чиқарди.

— Фалати туш кўрибмен, рўпарамда бир шоти турганмиш. Унинг икки оёғи ерда турган бўлса ҳам, юқориси ҳеч нарсага суялмаган ҳавода муаллақ турармиш. Ўзимча, ажабо, бу шотининг тепаси бир нарсага суялмас ҳам йиқилмай турибди-я, деб ўйладим. Шунда ғойибдан овоз келди: “Эй, Темурбек! Юқорига чиқгил!” Мен эҳтиётлик ила оёғимни шотига қўйиб кўрдим. Маҳкам эканлигига ишонч ҳосил қилиб юқори чиқа бошладим. Лекин ўнг оёғимнинг ишламаётганини сездим. Шунда овоз яна эшитилди. “Нимага тўхтадинг?” Мен ўнг оёғим ишламаётганини айтдим. Овоз: “Бу сенга халал бермайди. Юқорига чиқавер”, — деди. Мен унга бўйсуниб юқорига чиқишга интиладим. Шунда бирдан ўнг қўлим иш бермай қолди.

Темурбек бошқа гапирмади. Барча ажабланиб тушнинг давомини кутса ҳам ундан садо чиқмади.

— Бехосият бу туш, — деди беихтиёр Амир Ҳусайн. У негадир хурсанд эди. Агар туш ўнгидан келса, Темурбек унинг ҳокимият сари йўлидан ғойиб бўлади. Катта ғов олиб ташланади.

Эрта тонг Алибек уларни элик туркманга қўшиб бой ҳадялар билан кузатганда ҳам шод кайфият Амир Ҳусайнни тарк этмади.

Темурбекни омад эмас, фалокат кутмоқда. Чиндан ҳам Амир Ҳусайн ўз таъбири ўнгидан келганига Сеистонда ишонч ҳосил қилди.

## Фалокат оёқ остида

Бухоро. Сенстон. 1363 йил

Темурбек рафиқасининг беморлигидан хавфсираб уни Бухорога элтишини айтганда Амир Ҳусайн эътироз билдирмади. Учрашув жойи белгилангач, улар илиқ хайрлашишди.

Темурбек содиқ навкарлари билан бир ҳафтада Бухоронинг Зандонасига етиб келишди. Бу Такина хотун юрти.

— Она юртимизга эсон-омон етиб келдик, Камолой.

Темурбек Амир Азизуддинга имо қилди.

— Ўша жойда мени кут.

Темурбек азим чинор тагида чўккалади. Камолой эрининг чехрасида маъюслик кўрди.

— Волидан муҳтарамам руҳига тиловат қилайлик.

Камолой Темурбекнинг мафтункор овозини кўп марта эшитган. Аммо бутунгиси фавқулодда сеҳрли ва жозибали эди. Улар бетларига фотиҳа тортгач, йўлга тушишди.

Ҳақимбой базознинг эшиги олдида уларни Амир Азизуддин ва мулозимлар кутиб олишди.

— Қадамларига ҳасанот, амирзодам, — деди Ҳақимбек Темурбекни кучоқлаб.

Катта меҳмонхонада улар дастурхон устида узоқ суҳбат қуришди.

Амир Азизуддин махфий хизматида синалган савдогар Ҳақимбой анчагина маълумотларни тўплаган экан. Темурбек айти шу ахборотлардан бохабар бўлиш учун айти шу жойга келганини ҳамма, шу қаторда Амир Ҳусайн ҳам хаёлларига келтиришмаган эди.

— Кеш, Самарқанд ва Бухоро нотинч. Ҳатто Соли Саройда ҳам безовталиқ, амирзодам.

— Кешда ҳоким ким? Гузорда-чи?

Амир Азизуддин ҳар бир лашкарбоши, ҳокимлар хусусида ахборотлар берди. Чиндан ҳам унинг хотираси

Темурбекниқидан қолишмайди. Зотан унинг махфий хизмат сардори вазифаси ҳам шуни тақозо этарди.

— Фузор ҳокими Тамуқа қавчин, — дели сирли жилмайиб.

У Ҳақимбек олдида Тамуқа унинг ишончли одами эканини айтмади. Махфий хизматдаги одамлар бир-бирларини билишлари мумкин эмас. Темурбек уни яхши тушунди.

— Фузорга одам юбор.

Азизуддин бош ирғади. Ҳақимбек эса ўзи тўплаган барча маълумотларни баён қилди. Аҳоли кайфияти, савдогарлар, лашкарбошилар турмуши ҳақида шундай тасвирлар бердики, натижада бутун ўлкадаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий вазият Темурбекка яққол гавдаланди.

Кечкурун Ҳақимбек уйига Фузор ҳокими тўрт навқари билан кириб келди. Тамуқа қавчин билан Темурбек кучоқлашиб кўришганда савдогар ҳайрон қолди. Ҳокимнинг кўзлари жиққа ёш эди. Бу не синоат?

Ҳақимбек баззоз Тамуқа баҳодирнинг отаси Муҳаммад Тарағой қўлида ўнбоши бўлгани ва улар узоқ йиллар қадрдон сафдош, биродар бўлишганини қайдан билсин?

Куюқ дастурхон устида улар кўп ва хўп дардлашишди. Келгуси режалар ишлаб чиқилди.

Эрталаб Темурбек йигитлари билан Фузор томон йўл олди. Бу ерда уларнинг сафига кўп йигитлар қўшилди. Амир Азизуддин атрофдаги одамлари билан алоқа боғлади. Темурбек эса навқарлари билан ҳарбий машқлар ўтказди. Шикорлар уюштирди. Бу орада Камолойнинг дарди ҳам енгиллашди.

Аваллари келишилгандек Темурбек ўз лашқари билан Амир Ҳусайн қароргоҳи томон йўл олди. Бу ерда эса уни янгилик кутарди. Сеистон ҳокими Малик Қутбиддин элчиси Амир Ҳусайн ҳузурда экан. У икки амирга ўз ҳокимининг мактубини узатди. Унда Сеистон ҳокими улардан ёрдам сўраган экан. Гап шундаки, лашкарбоши Малик Шужоҳ Сеистон пойтахти Зуранжни босиб олибди.

Амир Хусайн бу таклифга рози бўлгани шубҳали эди. Сеистон элчиси катта совға-саломлар юборгани аниқ.

— Малик бизга катта бойлик ваъда қилмоқда, Темурбек.

Дастурхон устида улар бўлғуси сафар хусусида узоқ тортишишди. Темурбек ўйлаб кўришини айтиб Хусайнни анча ранжитди.

Темурбек ҳар сафар душман кучлари тўғрисида зарур ахборотлар бўлмаса юриш қилмайди. Бўлғуси жанг майдонини танлашга ҳам кўп эътибор беради. Шунинг учун у Амир Азизуддин одамлари ахборот тўпламагунча розилик бермасликка аҳд қилди. Уч кундан сўнг Темурбек Амир Азизуддин билан махфий суҳбат қурди.

— Зуранж, — деди махфий хизмат сардори, — Сеистоннинг энг кучли қалъаси. Чор атрофи хандақлар билан тўсилган. Бешта темир дарвозаси бор. Жануби-ғарб тарафдаги иккитаси Дарвозайи нав ва Дарвозайи кўҳна бўлиб, улар орқали Форс вилоятига борилади. Шимол тарафдаги учинчи дарвоза Каргуя деб аталиб, Хуросонга олиб боради. Шарқ тарафдаги тўртинчи дарвоза Найшан деб аталади. У орқали Бустга борилади. Бешинчи дарвозани негадир Таом деб номлашган. Шаҳарнинг ташқарисида эса ўн учта дарвоза бор.

Темурбек бутун вужуди билан сардорнинг ахборотини тинглади. Азизуддин назаридан энг майда-чуйда тафсилотлар ҳам қочмагани уни мамнун этди. Урушда майда-чуйдаси бўлмайди.

Амир Хусайн ҳам ўз навбатида Темурбекнинг ахборотидан ҳайратини яширмади. Шунинг учун ҳам у ишлаб чиққан жанг режасига эътирозсиз қўшилди. Зуранжнинг шимол тарафдаги дарвозаси қаршисида Хусайн, кун чиқиш тарафдаги дарвоза қаршисида Темурбек, оралиқда эса Малик Қутбиддин лашкари жойлашади.

Зуранжга ҳужум шу режа асосида бошланди. Қалъа чиндай ҳам мустаҳкам экан. Мудофаачилар кучи ҳам кўп. Азизуддин ахбороти тўғри чиқди. Қамал бир ойга чўзилса-да икки томоннинг олишуви давом этар, ғалабадан умид камлиги аён бўла бошлади.

Амир Азизуддин хизмати эса ҳамон ишламоқда. Улар қалъадаги аҳвол мушкуллашгани, озиқ-овқат танқислиги хусусида хабарлар келтириб туришди. Улардан бири Темурбек диққатини жалб қилди. Тоғ тепасида катта булоқ бор. Қалъага сув тарнов орқали шу булоқдан келарди.

Тарнов бузиб ташлангач, қалъа мудофаачилари сувдан маҳрум бўлишди. Қамалнинг қирқинчи куни ҳал қилувчи жанг бошланди.

Темурбек йигитлари билан қалъа ичкарисига ёриб ўтди. Кўча жанглари қизиб кетди. Зуранж ҳокими Малик Шужоҳ ичкари қалъага яширинди. Амир Азизуддин шитоб билан ҳужумга бораётган Темурбекни тўхтатди.

— Ичкари қалъа хусусида менда маълумот йўқ, Темурбек. Фалокат оёқ остида, дейдилар.

Темурбек икки қўлида икки қиличини кўтарган ҳолда болалик дўстига ҳазил қилди:

— Қариб қолибсан, Азиз. Қани, аввалги жасурлигинг? Қани, олға, шунқорларим!

Азизуддин хавотир аралаш дўстининг орқасидан қараб қолди. Унинг кўз олиндида Малик Кутбиддин саройида икки амирга совға қилинган икки сандиқ олтин, дуру жавоҳирлар кўриниб кетди. Улар катта лашкарга етадиган бойлик. Ана шулар учун Темурбек жонини аямай жанг қилмоқда, Амир Ҳусайн эса орқада кузатувчи, жон сақловчи.

— Мамат, Абдулла, Мубошир! Тезда Темурбек ортидан қувиб уни ҳимоя қилинглар!

Бу сара навкарлар бир зумда ёнида ҳозир бўлиб буйруқ ижросига шошилди.

Темурбек ўзининг шахсий гвардияси ўн икки баҳодир билан жанг майдони ўртасида шердек олишар, дуч келган фанимларни отларидан ағдарарди. У икки қиличда жанг қилиб, душманни ваҳимага солар эди. Шунинг учун ҳам Сеистонлик мерганлар уни сафдан чиқариш учун ҳаракат қилишди. Бир камон ўқи ўнг оёғига, иккинчиси ўнг тирсагига санчилди. Лекин Темурбек майдонни тарк этмади. Жангни ғалабагача давом эттирди.

— Темурбек!

Кутлуғ Туркон оғо эса укасини маҳкам бағрига босди.

— Хайрият, соғ-саломат экансан.

Темурбек опасининг кўзларидан дув-дув ёгилаётган ёшларни кўриб кўнгли бузилди.

— Опажон, Тангри номидан қасам ичаманки, бу кўз ёшларингиз менга дуру гавҳар мисоли. Аллоҳ насиб этса, Сизга бир муҳташам қаср бунёд қиламанки, у асрлар оша номингизни авлодлар хотирасида қолдирғай.

Кутлуғ Туркон оғо укаси ёнида турган важоҳатли дарвешларнинг боши эгилганини кўрди.

— Иншооллоҳ, иншооллоҳ!

— Фаришта омин десин!

Довуд барлос унинг олдига келиб бош эгди.

— Менинг кўрғоним сизнинг уйингиздир, амирзодам!

Темурбек ўз-ўзидан ич-ичидан бостириб келаётган фарёдни ҳар қанча уринса ҳам яшира олмади. Бу фарёд унинг кўзларида кўринган ва қалққан кўз ёшларида ўз ифодасини топди.

— Укажон, менга ҳеч нарса керак эмас. Сени етти иқлим ҳукмдори, Соҳибқирон дейишади. Лекин сен, укажоним, мен учун инимсан. Мартаба, тожу тахт, ҳаммаҳаммаси сенинг бир тола сочинг ва азиз бошинг олдида бир мири менга.

Махфий хизмат бошлиғи амир Азизуддин эҳтиром ила бу аёл олдида бош эгди.

Орадан йиллар ўтади. Амир Темур Кеш шаҳрида суюкли опаси Кутлуғ Туркон оғога бағишланган Оқсарой қад кўтаради. Олтин ва ложувардлар билан зийнатланган муҳташам Дорул ибодат ва Дорул Саодат обидалари бутун инсоният учун муқаддас зиёратгоҳга айланади.

Амир Темур Шоҳи Зинда деб аталган машҳур қабристонда опаси Кутлуғ Туркон оғога атаб мовий кошинлар билан безатилган нодир мақбара қурдиради.

Аммо буларнинг бари олдинда эди. Кутлуғ Туркон оғо турмуш ўртоғи Довуд барлос билан бирга Темурбекни 48 кун ўз кўрғонида авайлаб асрайди. Бу кўрғонда Темурбек ўз одамлари — тингчилар билан келгуси режаларини ту-



зади. У ана шу ҳақда ўз “Тузуқлари”нинг “Салтанатим-нинг дастлабки даврларида қилган тўртинчи кенгашим” бобида шундай ёзади:

— Ўзим яширинча улус оралаб икки минг кишини иттифоқдош қилдим. Самарқанд узра салтанат байроғини кўтаргудек бўлсам, улар ёрдамга келадиган бўлдилар. Тунда Самарқандга пинҳона кирдим ва тўнғич опам Қутлуғ Туркон оғонинг уйига бориб жойлашдим. Кечаю кундуз фикр оғушида чора-тадбир изладим. Шу тариқа 48 кун яшириниб ётдим. Охири шаҳарликлардан биттаси менинг бу ерга келганимни пайқаб қолди. Сирим очилишига оз қолганида, ночор, кечаси ўзим билан қолган эллик отлик билан Самарқанддан чиқиб, Хоразм сари йўл олдим. Мен билан бирга пиёда кишилар ҳам бор эди.

Бу лўнда ва равон ёзилган сатрлар мағзига яширинган маънога эътибор беринг-чи. 48 кун давомида Самарқанд аҳлидан ҳеч ким Темурбек поччаси Довуд барлос қўрғонида яширин яшаганини билмаган. Бу хуфия ишларда Темурбек қандоқ устаси фаранг бўлганидан далолат эмасми? У камтарона тарзда “Кечаю кундуз фикр оғушида чора-тадбир изладим” деганида нимани тушуниш мумкин? Ўшанда Довуд барлос қўрғони Темурбек махфий хизмати учун дийдорхона ўзига хос бир штаб бўлгани аниқ. Кетар чоғида қандай қилиб ўзи билан келган эллик отлик ёнида пайдо бўлади? Унгача улар қаерда яшади? “Бир тўп пиёдалар” ўзлари ким эди?

Темурбек тарих учун қолдирган бу сатрларда унинг махфий хизмати қандай бенуқсон ишлаганини фаросатли ўқувчи илғамай иложи йўқ.

## Арсиф чўлидаги мўъжиза

Темурбек Гармсир қишлоғида икки ой мажруҳ ҳолда яшади. Бир кун у деворнинг соясида ўтирганида жуда оғир ўйга толди.

— Талаб йўлининг ибтидосидаёқ бир қўл, бир оёқдан ярадор бўлдим. Аммо кўзлаган муродлардан бирортаси ҳосил бўлмади. Энди қаноат ва фақирлик гўшасига чеки-

ниб, ўзимни қиргин уруш ва олишувлардан четга олганим маъкулмикин?

У шом намозини ўқиб кўзи уйқута кетди. Уйқусида Темурбекнинг қулоғига шундай овоз эшитилди:

— Ассабру мифтоҳул фараҳ!

Темурбек “Сабр омад калитидур” деган бу гапнинг маънисини дилидаги гумонларга жавоб эканини англади. Аллоҳ унинг далласи учун яна бир манзара ҳосил қилди. Бир чумоли унинг кўз ўнгида девор тепасига тирмашиб чиқа бошлади. У бир неча бор уриниб, деворнинг ўртасигача чиққанида қулаб тушар, лекин яна қайта тирмашиб, юқорироқ кўтариларди. Ниҳоят, чумоли девор тепасига чиқди. Темурбек ўзининг заифлик кайфиятидан уялиб кетди. Наҳот унда шу чумоличалик журъат ва матонат бўлмаса? Ўйлаб кўрса, у билан бирга озодлик ва адолат йўлида жон тиккан шахсий кўриқчилари — ўн, йигирма, эллик аскарлар ва асл шаҳзодалар Темур ҳожа ўғлон, Амир Азизуддин, Сиддиқ, Жоку, Идику барлослар бирга ҳамкор-ку? Улар ўз тақдирларини Темурбек билан боғлашган.

У ўзида қандайдир мўъжизавий қудрат ҳис этди. Буни унинг соғайишини кутаётган жанговар сафдошлари ҳам сезишди.

Темурбек сафарга отланишни буюрди. Йўл-йўлакай уларга ҳар агрофга тарқаб кетган аскарлар келиб қўшила бошлашди. Темурбекнинг эски сафдоши Қарончи Баҳодир юз чавандози билан пешвоз чиқди.

Сафлари тўлиб бораётган қўшин Арсаф чўлига етди ва шу жойда тўхтаб, ҳордиқ чиқаришга қарор қилди. Шу чўлда баҳодирлар овга чиқишганда бир воқеа юз бердики, уни Темурбек ўзининг “Таржимаи ҳол”ида мамнуният билан шундай ёзди:

“Бизга бир шер учради, мен бир мулоҳазани ўйладим: агар мен бу шерни ўлдирсам, демак, мен ҳамма ўйлаган ишларимда муваффақиятга эришаман, шу фикр билан шерга ўқ уздим ва уни ўлдирдим”.

Темурбекка содиқ иттифоқдош бўлган яссавия ва нақшбандия тариқатлари муридлари ҳам фаол иш кўриб, унга мадад кучлари юборишди.

Балх тарафдан амирлар Туғлуқ хожа барлос, Сайфуддин, Никуларий ва Тутак Баҳодирлар унинг хузурига келиб, унга ўз садоқатларини изҳор қилишди. Марв тарафдан эса Шер Баҳром йигитлари ҳам Темурбек олдида ер ўпишди. Кундуз ва Бадаҳшон ҳокимлари Али ва Маҳмудшоҳ Хобули аскарлари ҳам Темурбекка кўмакка келишди. Барча саркардалар иштирокидаги қурултойда чингизийларга қарши жангга астойдил тараддуд кўришга қарор қабул қилинди.

Темурбек хоқон Туғлуқ Темурхон ва унинг ўғли Илёс-хожа тарафида бўлган амирларга ўз номидан шундай мактуб йўллади:

Дунёдаги барча инсонлар гўёки бир бутун тандир. Агарда улардан кимда-ким бошқасига ҳужум қилиб, бало келтирса, бу инсон ўз танасини ўзи чопгани билан баробардир. Демак, бировнинг бировга нисбатан бўлган ҳар қандай душманлик ҳаракатлари ўта бемаъниликдир, урушнинг ҳеч кераги йўқ.

Темурбекнинг бундай тинчликсеварлиги ва сулҳ-парварлиги унга рақибларининг ҳам хайрихоҳлигини оширди.

Чингизийлар қўшинидаги Амир Саййид Ибн Айғу, Мангли Буға, Ҳайдар Андҳудий олти минг кишилиқ аскарлари билан Темурбекка қарши жанг қилишдан воз кечдилар. Амир Сулаймон, Жоку ва Муса эса бир ярим минг отлиқлари билан тўғридан-тўғри Темурбекка қўшилишди.

Кучлар нисбати тобора Темурбек тарафига ўзгариб борарди. Жангари чингизийларнинг ҳужуми ҳам барбод бўлди. Илёсхожа тўплаган ўттиз минг аскар энди кескин зарба бериш учун Жайхун соҳилида жам бўлди.

Темурбек ва Ҳусайн лашкари олти мингдан ошмаса ҳам жанг қилишга қарор қилди.

Темурбек руҳи баланд, ўзи томон келган душманга қарши жангга кирди. У ўзини гўё чекингандек кўрсатиб, Хутталон сари сурилди. Тўрт фарсаҳ юргандан сўнг тўхташга амр қилди. Жеталар галаба қилдик деган ўй билан душманнинг тўсатдан ҳужум қилиб қолишини кутмаган эдилар. Темурбек ҳамласи шиддатли бўлди. Чингизийлар

қўшинидаги икки амир Кайхусрав Хутталоний ва Туғлуқ сулдуз ўз аскарлари билан Темурбек тарафига ўтиб кетиши уруш тақдирини ҳал қилди.

Бу жанг Темурбекка катта сабоқ берди. Душманнинг улкан қўшини билан жанг қилишда қандай тузукка амал қилиш кераклиги аён бўлди. Бундай кучларни очиқ жангда енгиб бўлмасди. Бу ҳолда яхшиси аввалига душман кўплигидан қўрққан кишидек чекиниш керак. Сўнг душман гўё кучсизлигинга ишонганидан кейин уни ғафлатда қолдириб, тўсатдан қақшатқич зарба бериш керак.

Тошкўприк яқинидаги тўқнашувда ана шу тажриба қўл келди. Илёсхожа лашкарининг асосий кучлари жанговар марра эгаллаган. Айғоқчилар эрта тонгда ҳужум бўлишини маълум қилишди. Хуфтон намозини ўқиб бўлгач, Темурбек қулоғига овоз чалинди.

— Темур, ғалабанг муборак бўлсин!

Бундай башоратдан руҳланган Темурбек тонг отиши билан ҳужумга ўтмоқчи бўлди. Тепаликда турганча қўшинини кўриқдан ўтказаятганда ноғоралар чалиниб, чингизийлар чекина бошлади. Амирлар уларни қувиш керак, қўшин тепаликдан тушиши лозим, деган фикрга келишди. Аммо Темурбек бу ҳийла эканлигини пайқади. Туғма саркардалик истеъдоди ҳам шунга ундади. Чингизийлар режаси уларни тепаликдан зарбага қулай маррадан тушириш эди. Бу ҳийла иш бермай душман панд еди.

Илёсхожа ҳийласи иш бермагандан сўнг тўхташни буюрди. Лашкарбошилардан энг тажрибали туманбошиси Туғлуқ сулдузни олти минг сара қўшин билан Темурбекка қарши йўллади. Бу лашкар тоғ этагидаги текисликда марра эгаллади. Қоронғу тушиб қолган. Мўғуллар тоғ тепалигида турган Темурбек қўшинидан ҳайиқмай тун уйқусига кетди.

Темурбек саҳар пайтида уйқу ширин паллада тоғдан ёпирилиб қуондек душман устига ташланди. Жеталар отланиб сафланишга улгурмай қилич ва найзалардан тутдек тўкилди. Уларнинг илғор қисми тор-мор қилинди.

Илӛсхожа бу хабардан даргазаб ҳолда қолган асо-сий қўшини — 25 минг отлиқ пиӛдаси билан шахсан ўзи орқага қайтиб, тоғ тепасидаги Темурбек лашкарини тўрт тарафдан ўраб олишга қарор қилди.

### Хон билан юзма-юз Тошкўприк. 1363 йил

Мўғуллар тоғнинг гир айланасига жойлашди. Улар овга чиққан овчилардек Темурбекни ўлжа олиш учун астойдил ишга киришди. Тоғ тепасида порлаган беҳисоб гулханлар ёғдусида Илӛсхожа лашкарини тўрт тарафга тақсимлади.

1363 йил кузининг туни ўз ҳукмига кирди. Мўғулларни уйқу элитди. Темурбек худди шу фурсатни ғанимат билиб саҳар маҳали тўрт тарафдан ҳужум бошлади, оз сонли, атиги беш минглик қўшинни тоғдан тушиб, ўзидан беш баробар кўп лашкарга ҳужум бошлашини чингизийлар сира хаёлларига келтиришмаган эди.

Ҳужум марказида шахсан Темурбекнинг ўзи борарди. Унинг вазоҳати даҳшатли эди. Эллик аскарга хос жасорат ва маҳорат унинг жуссасидан ёғилиб турарди. Аскарлар ҳам ундан қолишмайди.

Илӛсхожа аскарлари бу зарбага дош бера олмай қочишга тушди. Овчилар энди ўлжаларга айланишди.

Темурбек қочиб бораётган Илӛсхожага қараб қичқирди. — Ҳой, йўл бўлсин!

Хон даргазаб ҳолда қочаётган жеталарга қараб дағдага қилди. Аммо улар ўз жонларини сақлаш учун отларини тобора елдириб боришарди.

Бу галаба қанчалик зўр бўлмасин, ҳали чингизийларнинг бели синмаган эди. Хўжанд томонларга қочиб борган Илӛсхожа захирадаги кучларини тўплай бошлади, унга Мўғулистондан отаси юборган мадад кучлари ҳам етиб келди.

## Изи йўқотилган сотқинлик

“Албатта, биз ўзимизгина ўликларни тирилтиурмиз ва уларнинг қилган амалларини ҳамда (қолдирган) изларини ёзиб кўюрмиз. Барча нарсани биз очиқ китобда яъни Лавҳул-Маҳфузда белгилаб кўйгандирмиз”.

*Қурбони карим “Ёсин” сураси, 12-оят*

Амир Азизуддин келтирган хабар Темурбекни сергаклантирди. Илёсхожа қўшини Тошариқда пайдо бўлибди. Уларнинг сафида тажрибали саркардалар Амир Ҳамид, Тўқ Темур, Қорахожа, Беккичик, Темурин Тўкалон, Сариф Баҳодур, Сангум Баҳодир, Туғлуқ Хожа, Куч Темур.

— Энг ёмони улар орасида бизга аввал хизмат қилган амирлар Туғлуқ сулдуз ва Кайхусрав Хутталоний турибди. Уларда йигирма минг аскар бор.

Темурбек дўстига маънодор боқди.

— Қарши чора кўрдингми? Бу икки амирни яхши биласан-ку?

Азизуддин кулиб бош ирғади.

— Темурбек! Мен ўзимизнинг амирлар, мингбошиларнинг кимлиги, кучли ва нозик томонлари ҳақида батафсил маълумотларга эгамен. Шунинг учун Туғлуқ сулдуз билан Кайхусрав Хутталонийнинг нозик томонидан ушлайдиган воситаларни ишга солдим.

— Менда ҳам бир гоё туғилди, Азиз. Тажрибамиздан билдимки, душманнинг улкан қўшини билан жанг қилишда қандай тузукка амал қилиш менга аён бўлди. Бундай кучларни очиқ жангда енгиб бўлмайди.

Саркарда душманга қай тариқа ҳужум қилиш ҳақидаги тажрибаларини Амир Азизуддинга айтиб берди. Улар жанг режасини обдан ўйлаб бир қарорга келишди.

Мўғулларнинг илғор қисми кўринганда кутилмаган ҳол юз берди. Темурбек лашкари жангга кирмай Хутталон сари юрди. Илёсхожанинг олти минг кишилик илғор қўшини буни сира кутмаган эди. Мағлубиятлардан сўнг

Темурбекдан чўчиб қолган мўғуллар рақибларини таъқиб қилишга журъатлари етишмади.

Темурбек тўрт фарсах юргандан сўнг тўхташга амр қилди. Амир Азизуддин юборган одамлар келгунча лашкар жанговар тартибни сақлаб турди.

— Ёғий хотиржам жойида турибли.

Бу хабардан сўнг Темурбек орқага юришни буюрди.

Мўғуллар тўсатдан қаршиларига бостириб келган душманни кўриб саросимада қолишди. Жанг бошланмай туриб эса яна бир ҳодиса юз берди. Мўғуллар сафидаги Туғлуқ сулдуз ва Кайхусрав Хутталоний аскарлари билан Темурбек тарафига ўтиб кетишди. Бу икки ҳодиса жанг тақдирини ҳал қилди.

Илёсхожа илғор кўшини қириб ташланганини эшитиб дарғазаб ҳолда машварат чақирди. Амирлар билан қай тариқа Темурбекни йўқ қилиш хусусида кенгашиб бир қарорга келишди.

Машваратда ҳеч ким Темурбекнинг одами уларнинг орасида борлигини ва у барча режани унга зудлик билан отказишини хаёлига ҳам келтирмади.

Илёсхожа юборган айғоқчи бўлинма тўсатдан пистирмага учради. Бу разведка бўлинма сара жангчилари билан жанг қизиб кетди. Темурбекнинг навкарлари устунликка эришган пайтда мўғулларга Искандар ўғлон Амир Юсуф ва Амир Ҳамидлар бошчилигидаги мадад кучлар етиб келди. Икки томондаги жанг ниҳоятда шиддатли бўлди.

Беккичикбекнинг оти яраланиб йиқилди. Уни қутқармоқчи бўлиб Амир Ҳамид билан Амир Юсуф жанг майдонига кирди.

Темурбекнинг ишораси билан захирада турган зирхли бўлинма жангга ташланди.

— Амир Ҳамидни тириклайин ушланг. Аммо жонига зинҳор озор тегмасун.

Тамуқа баҳодир бош ирғаб олға от сурди. У жанг майдонини ёриб Амир Ҳамиднинг отига шундай куч билан урдик, от йиқилди. Ёнида бораётган ўнбоши Жасур Амир Юсуфни от эгаридан кўтариб олди.

Темурбекнинг махсус вазифасини бажаришга ихтисослаштирилган бўлинмаси Илёсхожани тутишга ҳаракат қилди. Аммо унинг саркардаси Искандар ўғлон хонни қочиришга муваффақ бўлди, аммо ўзи Амир Ҳамид, Амир Юсуф қатори асирга тушиб қолди.

Темурбек асирлар орасида Амир Ҳамидга алоҳида ҳурмат кўрсатди. Бир вақтлар отасининг дўсти бўлган ва унга Туғлуқ Темурхон даврида кўп яхшиликлар қилган бу Амирга тасанно айтди. Ўз хонига жонини қурбон қилган Искандар ўғлонга ҳам илиқ сўзлар айтди.

— Бир саволимга жавоб берсангизлар, саркарда сифатида. Бугунги ғалабамни қандай талқин қиласизлар?

— Ўғлим, — деди Амир Ҳамид, — сизнинг енгилмас эканлигингиз ҳақидаги доврунгииз лашкар руҳини сўндирди. Сизнинг ҳар бир зарбангиз мингта оддий зарбага тенгдир.

Кеч кирганда Амир Ҳусайннинг илғор қисмлари хонни қуршаб олишга муваффақ бўлишди.

Илёсхожа ва Амир Беккичик қаттиқ олишувдан сўнг асир олинди. Бу жуда катта ғалаба эдики, у муаррих Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида шундай қайд қилинди:

— Илёсхожахон ва Беккичик ва Искандар ўғлон ва Ҳамилбек ва Юсуф Ҳўжабек асирга тушдилар. Аммо хонни бир жамоа ҳаводорлари ва кишилари ким, ани қўлга тушириб эдилар, таниб, беклардан хабар бўлгондан бурун Беккичик билан хонни отлантириб юборабердилар ва ўзгаларни боғлаб бекитдилар.

Ана шу сатрлардан кўришиб турибдики, хонни асирга олган Амир Ҳусайнда очкўзлик ғуруридан устун келган. У катта бойлик эвазига Темурбекни огоҳ қилмасдан Илёсхожа билан Беккичикни озод қилиб юборди.

Темурбек отасининг дўстлари бўлган Амир Ҳамид ва Искандар ўғлонни озод қилиб, совға-саломлар билан юртларига қайтаришни Амир Ҳусайндан талаб қилганида у бунга рози эканини билдирди. Лекин ўзининг хоинлигига гувоҳ бўлган бу икки амирни ўлдиришга буюрди.



Темурбек иттифоқдошининг феълини яхши билгани учун Амир Довуд билан Амир Сайфуддинни Хусайн қароргоҳи Соли Саройга юборди.

Амир Хусайн уларни ҳурмат билан кутиб олди. Сўнг уларнинг талабини бажара олмаслигини айтди.

— Навкарларим Боязид ва Имон бу икки амирни ўлдириб қўйишибди.

Ҳанг-манг бўлиб қолган амирлар нима дейишни ҳам билмай қолишди.

— Баъзан, — деди Амир Хусайн, — қуйи мансабдагилар олий лавозимдагилардан ҳам яхшироқ хизмат қилишади.

Бу бош кўмондон Темурбекка ва иттифоқдошлик бурчига очикдан-очик хиёнат эди. Амир Хусайн асосий рақиб мўғул хони эмас, балки Темурбек деб билгани аниқ эди. Шу мақсадда у Илёсхожа билан махфий келишув тузгани ҳам табиий эди. Буни кейинги воқеалар ҳам рўй-рост тасдиқлади.

### **Хон бўлган дарвеш Самарқанд. 1364 йил**

Темурбек чодирда ўтирган кишига синчков боқди. Чехраси таниш. Қаерда уни кўрганини эшлашга уринди. Кучли хотираси билан барчани лол қолдирадиган Темурбек бир вақтлар Амир Сайид Кулол ҳузуридаги мажлисни ёдига келтирди. Ушанда худди шу одам уни имтиҳон қилган эди. Янги ёзган ўн байг шеърини ўқиб, уни Темурбек ёддан айтишини сўраган.

*Қаро кўзларни ишқи то абад чиқмас бу кўнглимдан  
Бўлунмас ўзга тадбири, қазои осмондур бу.*

Темурбек беихтиёр ўша мисраларни такрор айтиб юборганини сезмай қолди.

— Офарин, Темурбек. Ахсанта, ахсанта!

Амир Азизуддин махфий хизмати вакилининг бу мақтовни саркардада ғурур уйғотди.

— Сизга муҳим хабарни олиб келдим. Пиримнинг таклифини.

Темурбек эртага чақириладиган қурултой қандай қарорга келиши хусусида айтилаётган таклифлардан қай бири мақсадга мувофиқ эканлиги хусусида бир фикрга аллақачон келган эди. Чигатой тахтига Қобилшоҳ ўтириши лозим.

Бир неча йил аввал у пири Амир Саййид Кулол тавсияси билан Абу Бакр Тайободий даргоҳида дарвеш кулоҳини кийиб, ғойиб сирларини ўрганганида Қобилшоҳ билан танишган ва бу танишув кейинчалик қалин дўстликка айланган эди.

— Ҳофиз эканлигинингни биламен. Аммо сен Қуръонни ёд билсанг ҳам уни қалбингга тўла жо қилмагансен. Мен бунни сенга ўргатамен.

Улар икковлари ёнма-ён туриб намоз ўқишганда, Аллоҳ билан мулоқотда Темурбек ўзини ўзга оламда сезар, ҳали дунёда кўп нарсани билмаслиги ва ғойиб сирларидан воқиф бўлиш учун астойдил ибодат қилиши зарурлигини анлаган эди. Табиатан художўй, чин маънода ўзини Аллоҳга бағишлаган Қобилшоҳ бу соҳада унга устоз бўлди.

Пир ҳузуридаси хизмати тугаб уйига қайтишга рухсат олганида Қобилшоҳ унга оға-ини тутинишганини айтиб узоқ фотиҳа қилди. Темурбек ўшанда чин дилидан шундай деган:

— Мен, оға, сизни худо хоҳласа, албатта. Чигатой тахтига ўтқазамен.

Тақдирни қарангки, ўшанда унинг чин дилидан айтганлари энди ижобат бўлмоқда. Яссавия ва Ҳожагон тариқатлари раҳбарлари Қобилшоҳ номзодини Чигатой тахтига муносиб топиб қурултойда уни ҳўллаб-қувватлашларини билдиришибди.

— Амир Хусайн ўзини хон қилиб кўтаришлари учун бор кучи ва олтинларини сарфламоқда, Темурбек.

Амир Хусайннинг бу ниятини Темурбек яхши биларди. Бир куни у дилидагини очиқ айтиб қўйган.

— Қачонгача биз кўғирчоқ хонларни кўтараверамиз. Ўзимиздан ҳам тахтга муносиблари йўқми?

Курултойда ҳам шундай гаплар айтилди. Амир Ўлжойту, Жоку барлос ва бошқалар ҳам шу зайлда фикр юритишди. Темурбек сукут сақлаб ўтираверди. Ҳамманинг нигоҳи унда.

Жоку барлос сўз олди.

— Биз Чигатой тахтига Темурбекни муносиб кўрурмиз.

— Тўғри! Тўғри!

— Темурбекни муносиб кўрурмиз.

Барчанинг ҳайқириғи Темурбекни ҳаяжонга солди. Аммо у келишилган режа асосида иш кўриши лозим.

— Биродарлар! Мен, Тангри кули Темурбекка ишончингиз учун ташаккур. Лекин бобокалонларимиздан қолгон ёсо ва юсун деган нарса ҳам бор. Биздан аввал ўтганлар доимо шуларга амал қилиб келишган. Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган одатдан бирдан воз кечиб бўлмас. Тарки одат амри маҳол.

Шундай дея у нигоҳини амир Ўлжойтуга тикди. Белгиланган ишора эди бу. Саркардалар орасида баобрў ва кекса Ўлжойту аста ўрнидан турди.

— Темурбекнинг фикрига қўшиламен. Эл-улусга ҳозирча гарданкашликка хотима бериб Чигатой наслидан эс-ҳушлик бир одамга гардан эгайлик.

Шу вақт курултой даврасига шовқин-сурон ила дарвешлар бостириб киришди.

— Мана сизга Чигатойнинг асл авлоди, — деди уларнинг раҳбари Мир Саййид Барака ёнида турган дарвешни кўрсатиб. — Мана сизга Мовароуннаҳр ҳукмдори!

Курултой қатнашчилари ҳайрат ила ёқа ушлашди. Термиз саидларидан шайх Мир Саййид Барака бу билан Чигатой улуси таназулга юз тутиб дарвеш ҳолига тушганини назарда тутмоқчими? Ё умуман босқинчи чингизийлар шуҳрати эндиликда барҳам топиб, юзи шувит эканлигини намойиш қилмоқчи ё мазах қилмоқчими?

— Сизлар унинг қаландар кулоҳига ҳайронмисиз? — деди эҳтирос ила шайх. — Ҳа, у қаландар, дарвеш ва ўзини Аллоҳга ибодатга бағишлаган инсон. Шунинг учун

ҳам мўмин мусулмонлар ундан паноҳ топишади. Тарки дунё қилган тақводор бу комил инсон фақат Аллоҳ билан мулоқот қилиб мол-дунё ё давлатингизга тажовуз солмайди, хотин-қизларингизга кўз олайтирмайди, баъзилар каби хасис ва очкўз бўлмай, барчага адолат қилади.

Амир Хусайннинг дами ичига тушиб кетди. Гап эгасини топган эди.

Мир Саййид Барака ҳеч кимдан эътироз эшитишга тоқати йўқ ҳолда баралла хитоб қилди:

— Қобилшоҳ! Сизни аҳли ислом Мовароуннаҳр ҳукмдори сифатида қутлайди.

Курултой қатнашчилари диққат билан давра ўртасида виқор билан турган Қобилшоҳга тикилгача жим қолди. Наҳот шундай нимжон, кўримсиз ва хароб кимса Чигатой тахтига ўтирса? Қизик, у қаландар кулоҳини ташлаб шоҳона кийимда тахтга чиқармикан? Унинг вазирлари амиру беклари ва ўз ҳарами бўладими? Худди шу саволларга жавоб тариқасида Мир Саййид Бараканинг хитоби баралла янгради.

— Аллоҳнинг ўзи бу комил инсонга ёрдам бергай. Бу хон тахтда ўтирса ҳам руҳи дарвеш бўлиб қолади. Қани, қасамёд қилинглар!

Курултой қатнашчилари нима дейишни билмай сукутда қолишди. Бу сукутни Темурбек бузди.

— Мен Тангри кули Темурбек Қобилшоҳга таъзим бажо айлаб, унга қасамёд қилурмен.

Қобилшоҳнинг нигоҳи унга қадалди. Ҳа, Темурбек ўз аҳдида туриб уни Чигатой тахтига ўтқазаяпти. Бунда буюк бир илоҳий маъно мужассам.

— Ким мени ҳурмат қилса, ким юрт озодлиги учун жонини тикса, мен каби Аллоҳнинг суюкли бандаси — Қобилшоҳга, Чингиз авлоди эмас, балки чин мусулмон ҳукмдорга қасамёд қилади!

Эътирозга ўрин қолмади. Курултой Қобилшоҳни хон қилиб кўтарди.

**“Жанги лой” жумбоғи**  
**Чиноз. 1365 йил**

Вафот этган Туғлуқ Темурхон тахтини эгаллаган Илѐсхожа 1365 йили ўттиз минг кишилиқ кўшин билан Сайрам ва Тошкент томон кўшин сурди.

Амир Азизуддин бу воқеадан олдин Илѐсхожа қароргоҳидаги одамларидан тегишли ахборот олган эди. Хон дарғазаб ва интиқом ўтида ёнмоқда. Урушга астойдил тайёрланган. Махфий хизмат одамларидан бири Илѐсхожа қандайдир афсунгарларни ҳам кўшинига олгани хусусида ёзган. Аммо улар қандай иш билан шуғулланишлари номаълум. Яна қизиқ хабар шуки, хон кўп миқдорда наमत қалпоқлар буюртирган.

— Илѐсхожа лашкаридаги юзбоши ғоят қизиқ хабар йўллаган.

— Ёндонми? — деди Темурбек қизиқсиниб.

— Йўқ, — деди махфий хизмат бошлиғи, — у биз асирликдан бўшатиб юборган юзбоши Сухе. У кетар олдидан ҳеч қачон Темурбекнинг ҳимматини унутмаслигини айтган эди. Шунда мен унга вақти келганда кутилмаган офат бўлса бизни хабардор қилишини илтимос қилган эдим.

— У нимани пайқабди?

— Хон Амир Ҳусайн лашкарига эмас, балки айни Темурбек лашкарига асосий зарбани қаратишни буюрибди. Кейин эса ёмғир чақиртира олувчи афсунгар ядачиларни ёллабди.

Темурбекнинг боши қуйи солинди. Демак, унда туғилган шубҳада чуқур асос бор. Аммо унинг ҳақ ё ноҳақлигини жанг кўрсатади.

— Машваратга саркардаларни чақир. Лекин бу ердаги гап шу ерда қолсин. Амир Ҳусайнга чопар юбор.

Эрталаб нонушта вақтида Амир Азизуддин янги олинган хабарларни Темурбекка етказди. Амир Ҳусайн амирлари ўзаро кенгашиб жеталар билан уруш бўлса ёлғиз умид Темурбекдан дейишибди. Ҳусайн жангга қодир эмас, у билан энди ишлаб бўлмайди.

Ҳозир Илӛсхожа Бод деган жойда тўхтаган. Унинг лашкари баронҗор ва жавонҗорларида амирлар Сангин Баҳодир ва Ҳожибек турибди. Илӛсхожанинг ўзи эса лашкар қалбида туради. У ўзининг синашта ва тажрибали саркардаси Қипчоқ Баҳодурни айғоқ — разведкага йўллабди.

Темурбек машваратни очиш арафасида одати бўйича Курьонга кўра куръа ташлади. Унда ушбу оят очилди:

— Аллоҳ сизларни кўп мамлакатларда ғалабага келтирди.

Курьоннинг “Тавба” сурасида 25-оятдаги бу сўзлар Темурбекка ишонч бағишлади. Машварат қатнашчилари ҳам унинг кўзларидан буни сезишди.

— Ўлжойту, Шер Баҳром, Пўлат Буғайир, амир Фарҳод, Малик Баҳодир ҳозироқ айғоққа жўнайди. Уларга Қутулмиш Салонжи Арлот раҳбарлик қилади. Вақт зик.

Амирлар чиқиб кетгач, Темурбек сўзида давом этди.

— Ўнг қанотга Соз Буға, чап қанотга Темур Хожа кўмондон. Амир Ҳусайн иккимиз икки тарафдан бир вақтнинг ўзида ёғийга ҳужум қиламиз.

Саркардалар маъқул ишорасида бош ирғашиди. Аммо Амир Ҳусайн эътирозга оғиз жуфтлади.

— Кучларимизни иккига бўлишнинг ҳожати йўқ.

Темурбек қалбидаги шубҳа илони яна бош кўтарди.

Амир Азизуддин унга маъноли боқди. Жанг арафасида икки кўмондон ўртасидаги режа бўйича ихтилоф хавфли эканини тушунган амирлар бир-бирларига қараб кўйишди.

Амир Ҳусайнда ўн икки минг, Темурбекда эса ўн мингга яқин аскар бор. Шунинг учун ҳам муроса кераклигини Темурбек англаб, ноилож обдан ўйланган режасига ўзгартириш киритди. Бу иш жанг тақдирига қандай мудҳиш таъсир кўрсатишини ўшанда ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмади. Баронҗорда Амир Ҳусайн турадиган бўлди, Жавонҗорда эса Темурбек. Баронҗорнинг канбулига Тилончи Орлот, хировулга Амир Ўлжойту Аперди, Шер Баҳром, Пўлат Буғо, Фарҳод Аперди ва Малик Баҳодир тайин этилдилар. Жавонҗорнинг канбулига амир Сор

Буғо қипчоқ, хировулига Темурхўжа ўғлон қўйилди. Гулга Амир Жоку барлос, Амир Сайфуддин, Амир Мурод барлос ва Амир Аббос қўшини билан тайин қилинди.

Машварат қарори билан барча қисмлар: баронғор ҳам жавонғор ҳам, гул ҳам душман устига бир вақтнинг ўзида барабар ташланадиган бўлди.

Жанг чошгоҳга яқин бошланди. Темурбек оддий навкар қатори бораётганидан, бир қўлида қилич, иккинчи қўлида болта кўтариб от сураётганидан лашкар руҳланди. Уларнинг бундай саркарда билан ғалаба қозонишларига нишончлари комил эди.

Аммо Амир Ҳусайн қўшинида бундай кайфият кўринмас эди. Шунинг учун ҳам Илёсхожанинг тажрибали амири Ҳожибек хужумга ташланганда Амир Ҳусайн лашкари бир зарбадаёқ сочилиб кетди. Илёсхожанинг бош амири Шамсуддин бу ютуқни ривожлантириш учун ўз аскарлари билан Амир Ҳусайн тарафига от қўйди. Аммо у тўсатдан Темурбек баҳодирлари қаршилигига дуч келди. Мўғулларнинг Шангум нўён турган баронғорини бир ҳамладаёқ янчиб ташлаган Темурбек иттифоқчисига ёрдамга ошиққан эди.

Амир Шамсуддин ўзига илдам яқинлашаётган Темурбекнинг ҳамласига дош беролмай чекинишга тушди. Зарба шундай бўлдики, мўғуллар орасида ваҳима кўтарилди. Ғалаба учун қулай фурсат туғилганини сезган Темурбек чопар юбориб Амир Ҳусайн зудлик билан ўзига қўшилишини тайинлади. Душман кўрқиб турганида унга яна хужум қилиш кераклигини тушунтиришни тайинлади. Пароканда бўлиб турган душманни енгил ва тарқатиб юбориш осон эди. Бироқ Амир Ҳусайн вақтида етиб келолмади. Жанг эса тобора қизиб борарди. Мўғуллар сафидаги саросималикдан фойдаланган Темурбек кучи оз бўлса ҳам ютуғини ривожлантиришга зўр бериб жанг қиларди.

Қоронғи туша бошлади. Икки тараф икки томон чекиниб тунашга ҳозирланди. Амир Ҳусайн жанг тугаганидан сўнг етиб келди. Унда хижолатдан асар ҳам кўринмас эди. Кун бўйи отдан тушмай ҳориган Темурбекнинг у билан тортишишга ҳоли ҳам йўқ эди.

1365 йил 22 май тонги отди. Куёш чарақлаб турибди. Жангнинг иккинчи кунни бошланди. Ана шунда махфий хизмат бошлиғи огоҳлантирган ҳодиса юз берди. Ёмғир ёғдиришга қодир афсунгарлар — ядачилар ишга тушди. Булутлар пайдо бўлиб, шивалаб ёмғир бошланиб тезда жалага айланди.<sup>1</sup>

Темурбек шунга қарамай карнайларни чалишга фармон бериб душман тарафга от сурди. Унинг ёнида зирҳли бўлинма борарди. Шиддатли тўқнашувда мўғуллар сафи сийраклаша борди. Лекин жала тобора кучайиб ҳужумга ҳалал бера бошлади.

Ана шундай шароитда камон ўқлар шу даражада ивиб кетдики, улардан душманга қараб ўқ отиш мумкин бўлмай қолди. Тўнлар, ҳатто этиклар сувга ғарқ бўлди. Лой ва балчиқ шу даражага етдики, оғлар лойга ботиб юролмай қолди. Лекин Жета қўшинлари бунга олдиндан тайёрлангани маълум бўлди. Улар бошларига “капанак” деб аталадиган ёпинчиқлар ёлиниб, устларига ҳам наमत жомалар кийган эдилар. Захирада турган жеталар паналаб ўз жойларида қулай фурсат келишини пойлаб турардилар.

Темурбек синалган лашкарбошилари Жоку барлос, Шер Баҳром, Оқ Буға, Идику барлос аскарлари ва жангларда чиниққан ўн, йигирма ва элик аскар мақомидаги хос қўриқчилари билан ўқ-ёй иш бермай қолган пайтда қилич, найза, чўқморлари билан Илёсхожанинг асосий кучларига ташланишди ва уларни чекинишга мажбур қилишди.

Темурбекнинг чопари Тобон Баҳодир чекинаётган амир Хусайнга қўмондон буйруғини етказди.

— Маслаҳат бундай кўринурки, бек, ҳужумни тўхтатмайлик, илгари келиб иттифоқ билан ҳамла қилайлик, душман чекинадурғон аҳволда!

Амир Хусайн чопарни сўкиб ҳақорат қилди.

— Сен менга буйруқ бергани келдингми?

Темурбек жанг тақдири қил устида турганини сезган ҳолда яна Малик ва Ҳамди деган ишончли одамларини Амир Хусайн олдига юборди.

<sup>1</sup> Ривоятга ўхшаш бундай ҳодисага Амир Темур Ҳиндистонда дуч келгани ҳақида ўз “Таржимаи хол”ида ёзиб қолдирган. Бир кишлоқда ёмғир қақирувчи кишини кўрган ва бундай ҳодисани ўз кўзи билан кузатган. (Муаллиф изоҳи.)



— Бек, илгари келсунлар, ўнг қанот очилиб қолмасин, бирга ҳамла қилайлик, фурсат бой берилмасин.

Чопарлар хабарини эшитиб, Хусайн уларни ҳам ҳақорат қилади.

— Мен магар қочибманми, мени илгари чорлайди?! Шунини яхши билинтки, агар сизлар душманни қочирсангиз ҳам, ўзингиз қочсангиз ҳам, менинг дастимдан қутилишингиз амри маҳолдур.

Темурбек лашкарининг ўнг қаноти ҳимоясиз қолди. Эришилаётган ғалаба мағлубиятга айланди.

Илёсхожанинг Амир Хусайнга қарши турган чап қаноти бўш қолдирилган томонга ёпирилиб кириб, ҳам биқиндан, ҳам орқадан зарбалар бера бошлади.

Амир Хусайн атайлаб Темурбекни мағлубиятга учрашини истаганини ана шу воқеалар тасдиқлади. Кейинчалик ана шу ҳолатни Темурбек ўз хотираларида шундай қайд қилди.

— Амир Хусайн менинг ютуқларимни кўролмай, ҳасад ичини кемириб, мени мағлубиятга учратиши ва ўлдиришига оз қолган вақтлар ҳам бўлди.

Илёсхожанинг бош амири ва бош вазири Шамсуддин сўнги захира кучларини жангга ташлади.

Жанг майдони ботқоқликка айланди, отлар тиззасигача лойга ботиб ҳаракат қилишга мажоли қолмади. Ядачилар кўзгаган жала селга айланди. Замондош муаррихлардан бири ёзганидек “Ёруғ кунда тўфон кўтарилиб, момақалди роқ бўлди ва анча ёмғир тўқдиким, олам тўла сув бўлди ва андоқ балчиқ бўлдиким, от еридан тебрана олмай ва отлику яйоққа мажоли ҳаракат йўқ эрди. Ва ўз ерларига ҳайрон бўлуб, ёмғир жиҳатидан бошларига капанак туриб эрдиларким, муҳолиф черики аларга етди, капанакларини ташлаб уруш қилдилар”.

Шундай оғир шароитга қарамай, Темурбек сўл қўлдан душманнинг ўнг қўл тарафига қаттиқ ҳужум қилиб уни чекинтира бошлади.

Темурбек уларни таъқиб қилишга асосий кучларини ташлаб икки минг навқари билан бир жойда тўхтаб жангни кузата бошлади. Уни Амир Хусайннинг хатти-

ҳаракатлари ташвишга соларди. У юборган чопарга Амир Ҳусайннинг жавоби ғалати эди.

— Ёғий билан чопишиб ўлишга розимен, лекин ботқоққа ботиб эрмас. Темурбекка ҳам айтиб қўй, обрў борида қўшинини йнгиштирсин.

Темурбек “жанги лой” мағлубиятини ҳеч қачон ёдидан чиқармай, бу жангда ҳалок бўлган ўн минг баҳодирларини ўкинч билан эслаб ўз хотираларида шундай муҳрлаган:

— Ана шу нарсаларнинг ҳаммаси Амир Ҳусайннинг касофати — менинг маслаҳатимга кириб Илёсхожага бараварига икки тарафдан ҳужум қилишга кўнмаганлиги туфайли юз берди. Жанг пайтидаги икки ҳокимлик ёмон якун билан тугашининг гувоҳи бўлдик... Амир Ҳусайн ҳеч қандай сабабсиз менинг амримга бўйсунмади ва мен унга камида ўн марта чопар юборган бўлсам ҳам олдимга келмади. Амир Ҳусайн менга нисбатан хоинлик қилаётгани аён бўлди.

## Разведкалар жанги

Рафиқасининг вафоти Темурбекни чуқур ларзага солди. Ўлжой Туркон оғонинг ўлими билан унинг бетакрор ёшлиги ҳам абадиятга кетди. Шу билан бирга унинг аҳмоқ дўсти — қаттол душмани Амир Ҳусайн билан қон-қариндошлик ришталари ҳам узилди. Икки томон ҳал қилувчи олишувга тараддуд кўра бешлади. Амиру беклар гоҳ у томон, гоҳ бу томонга ўтиб ўзаро манфаат изладилар.

Амир Темурдан юз ўгириб унинг рақибига эргашган Баҳром жалойир, Жоку барлос ва Шер Баҳромлар яна унинг ёнига қайтдилар.

Шундай вазият вужудга келдики, ким дўст, ким душман — билиб бўлмас эди.

Темурбек махфий хизмати билан душман айғоқчилари ўртасида кескин олишув бошланди.

Амир Ҳусайн жосусларининг қўли баланд кела бошлади. Уларнинг қутқуси билан Шер Баҳром хиёнат йўлига ўтди. Ясовурийлар қўшини Амир Ҳусайн тарафига оғди.

Темурбек разолат ва қабоҳат қуршовида қолди. Ана шундай кунларнинг бирида Амир Ҳусайндан бир мактуб олинди.

— Икки ўртада, — деб ёзган эди Амир Ҳусайн тақаббурона тантана билан, — номуносиблик қарор топса, улус ҳам, раият ҳам хароб бўладур. Сизнинг табиатингизда эса мўмин-мусулмонга яхшилик исташ, ғарибу ғурабога раҳм-шафқат қилишдек улуғ хислат мавжуд. Маслаҳатим шулким, лашкаримиз Чағонада тўхтайдур. Сиз эрсангиз Хузорга қўнинг, сўнг ҳар биримиз юз нафардан навқар олиб, Танги Чакчакда учрашайлик ва ўша ерда дўстлик ва содиқлик риштасини қайтадин боғлайлик. Шундай қилайликим, бундан кейин орамизда шубҳа ва ишончсизликка ўрин қолмасун. Иккимиз бир бўлсак, эл-юртда эмин у омонлик қарор топгай.

Темурбек машваратида амиру беклар бу таклифга розилик беришни маслаҳат қилишди. Ҳамма тарқагач, Темурбек ўзининг махфий хизмати раҳбарларини чақирди. Улардан ҳар бири тўтлаган маълумотлар асосида ўз фикрини баён қилди.

— Амир Ҳусайн сизни тузоққа тушириб йўқ қилмоқчи, — деди Амир Отламиш, — юз эмас уч минг лашкари билан сизни қуршаб олмоқчи.

Темур сергак тортиб, синашта хуфия ишлар сардори га саволомуз боқди.

— Манба ишончлими?

Отламишнинг чеҳрасида табассум ўйнади.

— Мутлақо ишончли, бегим. У Сароймулк хоним.

Темурбекнинг қалби орзиқиб кетди.

— Ҳусайннинг сеvimли рафиқаси, чингизий Қозонхон қизи Сароймулк хоним ақлда ҳам, хуснда ҳам бетакрор аёл!

Амир Ҳусайн кайф устида мақтанибди унга...

Темурбек сесканди.

— Аёл зотининг макри қирқ эшакка юк деб бежиз айтишмаган.

— Сароймулк хоним сизга ғойибона мафтун. У сизнинг ўлимингизни истамайди. Ҳусайн Кўрагон буни яхши биледи.

Темурбек содиқ тингчисига ҳайрат ила тикилди. Бу амирнинг хуфия ишларда устаси фаранглигига кўп гувоҳ бўлган. Гўзал канизақлар, айёр мастону мастоналар, савдогару жаллоблар — бари-бари унинг хизматида. Айтганини бажаришади.

Отламиш у билан ўз ҳаётини бирга боғлаган уч юз ўн уч аслзода сафдошларидан бўлиб, ҳали ҳеч қачон унга панд бермаган.

Шу пайт чодирда Амир Азизуддин кўринди. Унинг ишораси билан барча чодирни тарк этди.

— Одамларимиз орасида Амир Ҳусайн айғоқчилари бор экан.

— Уларни қўлга олдингми?

— Нега? Улар хотиржам юраверишсин. Биз уларни ёлгон ахборот билан таъминлаб хожаларига эсон-омон боришларига имконият яратурмиз, Темурбек!

— Бале, қулогим сенда.

— Биз зудлик билан Қаршини эгаллашимиз даркор.

— Қандоқ чора кўрдинг?

— Устомон бир айғоқчим карвонбоши. У Қаршидан ўтади. Унга ёлгон ахборот бердим.

— Ўз одамингга ҳамми?

— Илож қанча, Темурбек. У ҳам Ҳусайн айғоқчиси бўлиши мумкин. Бу шундай ахборотки, Қарши доруғаси Амир Мусо унга чиппа-чин ишонади ва гафлатда қолади.

— Энди менга қулоқ сол...

Бу гап ҳам унинг ахбороти ростлиги тасдиқланди.

Темурбек тузоқдан қутилганда уч юз содиқ аскари ихтиёрида қолган эди. Улар билан Жайхундан ўтиб Чохи шўробга келди. Ана шу жойда у ўз разведкачилари — тингчи, хабаргир, даракчи, жосус ва айғоқчиларидан ахборот кутди. Чунки у аниқ ахборотсиз ҳеч бир ишга қўл урмаган.

Бир ойдан сўнг унинг хузурига Маъсудбек шошиб кирди.

— Муҳим гап бор, Темурбек.

Маъсудбек ҳам Амир Отламишдек унинг содиқ хуфия ишлар сардори эди.

— Ҳусайн Кўрагон Самарқандни ҳам, Қаршини ҳам эгаллаган. У қаршида Амир Мусони ўн икки минг лашкар билан қолдирди. Ўзи эса Гумбази Лўлага келиб тушди.

— Лашкарнинг сони қанча?

— Тўққиз минг, Темурбек.

— Улар сафида одамларингиз борму?

— Бор. У ерда тўнгич ўғлим юзбоши бўлиб хизмат қиладур. Барча хуфия хабарларни у менга юборадур.

### **Разведкачи Темурбек Қарши. 1366 йил**

Қарши қалъасидаги бекларнинг хотирини жам қилиш учун бу ердан кўчиб, Хуросон томонга қараб йўлга тушдим. Амударёдан кечиб ўтганимда Хуросон томондан Қаршига келаётган карвонга дуч келдим. Карвонбошчиси менга совғалар тақдим этди. Мен ундан Хуросон амирларининг ҳол-аҳволини суриштирдим. Хуросон вилоятига кетаётганимни изҳор этиб, кетишларига рухсат бердим. Фақат карвонга айғоқчи қўшиб юбордим ва у хабар келтиргунича дарё соҳилига жойлашиб кутдим. Айғоқчи олиб келган хабарга кўра, карвондагилар Амир Мусога шундай дейдилар: “Темурни Амударёнинг нариги ёқасида кўрдик. Хуросон тарафига кетаётган экан”.

Бу гап Амир Мусо ва Амир Ҳусайннинг лашкарига етгач, ҳаммаси хурсанд бўлиб, ўйин-кулгу, айшу ишратга бериладурлар.

*“Темур тузуклари”дан*

Темурбек машварат қарорини хотиржам тинглади. У ўзининг синалган тингчи, хабаргир, даракчи, айғоқчи, жосус, хуфия деб аталадиган одамларининг ҳам ахборотларини диққат ила эшитди. Сўнг ҳузурига икки мулозимни чақирди. Уларга ички кийим ичидан совут кийишни буюрди.

— Абдулла, Мубошир! Сизлар билан мен болаликдан бирга бир қўргонда яшадик. Оталарингиз ҳам мен учун отадек эди.

Икки алпқомат йигит унинг олдида бош эгиб туришар эди. Иккиси ҳам Темурбек учун жонларини фидо этишга тайёр эканликлари унга маълум эди.

— Биз бугун ғоят мушкул ишга қўл урамиз. Жонимизни хатарга қўйиб...

— Биз тайёрмиз, Темурбек!

— Балки ўйлаб кўрарсиз. Ҳали не иш эканини билмайсиз.

— Сен бизнинг қиличимиз ва падарбузрукворимиз! Буюр!

Темурбек ҳаяжон ичра уларни кучоқлади

— Қаршига мен айтган пайтда яширин борурмиз!

— Биз тайёр!

Темурбек фармони билан қўшин йўлга тушди. Амударёдан кечиб ўтилгач, Ширкентда дам олишга рухсат берилди.

— Қўлаки нарвонлар ясалсин!

Бу буйруққа асосан лашкар йўғон арқонларни бири-бирига боғлашлари лозим эди. Бу нарвоннинг зиналари ҳам пишиқ арқондан қилинади. Уларни қалъа деворларидаги кунгура шинакларига отиб илинтириш мумкин. Муҳими, улар ёғоч нарвонларга ўхшаб овоз чиқармайди.

— Кетдик!

Абдулла билан Мубошир индамай Темурбек ортидан эргашишди. Улар болаликдан унга сўзсиз бўйсунушга ўрганишган. У ўл деса ўлишади. Хос соқчилар сифатида Темурбекни асрашади. Зарур бўлса, жонларини фидо этишади.

Хандақ сув билан тўлдирилган. Ой нурида кумушдек жилоланмоқда. Унинг тепасида қалъага сув олиб борадиган тарнов.

Темурбек отдан тушиб соқчиларига буюрди.

— Шу ердан жилмай мени кутинг.

Абдулла ҳайратини яширмади. Унинг беги нима қилмоқчи?

Темурбек тарнов орқали сув кечиб хандақ устидан ўтди. Қалъа деворига яқинлашди. Жимжитлик. Посбонлар ширин уйкуда.

Мубошир билан Абдулла ўз хожаларининг қалъа дарвозасига етганларини даҳшат билан кузатиб туришарди. Темурбек дарвозани тақиллатди. Бир, икки, уч!

Ҳозир посбон эшикни очади. Темурбекни ушлайди.

Абдулла камонни олиб дарвозага тўғрилади. У биринчи ўқ билан посбонни ўлдирди. У Мубоширга имлади. Шериги ҳам мўлжални олди.

Темурбек хотиржам дарвоза ёнида бир оз туриб, сўнг деворларни кўздан кечирди. Нарвон қўйиб арқон зиналар билан чиқса бўладиган жойларни белгилаб орқага қайтди.

Абдулла билан Мубошир ҳамон камон тортиб жангга шай туришар эди. Тақиллаган дарвоза очилиб, бирдан посбонлар чиқиб қолса, Темурбекка нима бўларди? Дарвоза қаршисидаги сув тўлдирилган чоҳдан ўтиб кутилиб кетишнинг иложи йўқ. Шунини била туриб Темурбек дарвозани тақиллатди-я! Бунинг учун шерникидек юрак керак.

— Кетдик!

Темурбек соқчилари ҳамроҳлигида уни кутиб шай турган қирқ йигити олдига қайтди. Улар саркардаларни буйруғини диққат билан тинглашди.

Қалъа деворига белгиланган жойдан арқон тўқилган нарвонлар учлари отилиб, қалъа кунгирасига илинтирилди, қирқ навкар девор устига кўтарилди. Темурбек тақиллатиб текшириб кўрган Фузор дарвозахонасига юқоридан шовқин кўтармай аста тушишди.

Посбонлар ғафлат уйқусидан бош кўтарганларида кеч бўлган эди.

Қалъа доруғаси Амир Мусо бу вақтда сеvimли ёстиқдоши Орзумулк билан маст уйқуда ётарди. У бурғи ва карнай овозларидан уйғониб кетди. Қулоғига Темурбекнинг гулдурак овози чалинди. Самарқанд ва Бухоро томонга қараган дарвозалар ланг очик. Навкарлари ўша тарафга қочишмоқда.

Не бўлди ўзи?

Жарчилар овози масалага ойдинлик киритди.

— Биз бир эл, бир юрт одамларимиз, ораларингда Амир Ҳусайннинг ёлғон ваъдаларига ишониб алданган

навкарлар кўп. Бир вақтлар Темурбек хизматида бўлганлар ўз хатоларига чин дилдан иқрор бўлиб тавба қилсалар, улар адолат учун курашаётганлар сафига яна қабул қилинганлар!

Амир Мусо гурзидек бошига урилган кутилмаган зарбадан гангиб қолди. У қўрқув ва даҳшатдан ҳомиладор хотини билан ўсмир ўғли Муҳаммадни ҳам унутиб, ўзини Самарқанд дарвозасига отди.

Тартибсиз қочаётган навкарлар қатори қалъани тарк этди. Ташқарида унинг етти минг навкари бўлиб, қочоқлар унинг паноҳига етиб бордилар. Тонг ёришгач, Амир Мусо мингбошилардан воқеа тафсилотларини эшитди. Темурбек лашкари кўп эмаслигини билди.

Темурбекка адовати аланга олган Мусо ўн мингдан зиёд қўшини билан қалъага қайтди. Аммо уларнинг хужумлари бекор кетди.

Қаршидаги воқеа тилларда дoston бўлиб, тарихга муаррихлар томонидан шундай ёзилди:

— Инояти илоҳийни кўрингки, бир кишигаким, ани иноятини хося қилса, анга андоқ журъат берурким, икки юз қирқ уч киши билан ўн икки минг кишини урушиб босқай (енггай) ва икки кунда аларнинг шаҳар ва қалъасини олгай... Ва бу сўз ялғон эрмас, анинг учунким, ул маъракада бўлгон кишилардин эшитиб ва кўрганлардин таҳқиқ қилиб битдук.

Бугун Мовароуннаҳр улуси бир ўзи разведкага бориб, афсонавий шижоат кўрсатган Темурбекка илоҳий кучлар мадад бераётганига яна бир бор комил ишонч ҳосил қилди.

## Соҳибқирон Балх. 1370 йил

Амир Ҳусайн эндиликда унга қарши очикдан-очик душманлик йўлига ўтди.

1366 йилда унинг синглиси Камолой — Ўлжой Туркон ого вафоти Темурбек билан уни боғлаб турган сўнги ришталарни ҳам узган эди.



Темурбек ўзининг асосий рақиби бўлган Амир Хусайннинг гоҳ дўст, гоҳ душман сифатидаги ишларини кўрди. Унга нисбатан гоҳ кечиримли бўлди. Гарчанд Хусайн унга очикдан-очик уруш эълон қилиб, Балхда енгилиб асирга олинганда ҳам унинг гуноҳидан ўтди. Аммо Амир Хусайннинг хундор душманлари уни Темурбекка билдирмасдан қатл этдилар. Энди унинг учун ҳокимият сари йўл очилган эди.

— Сизни буюк ишлар кутмоқда, — деди пири Мир Саййид Барака.

У Баҳоуддин Нақшбанднинг тавсияларини унга баён қилди. Темурбек қачонлардир Самарқандда Амир Саййид Кулол ҳузурда Баҳоуддин Нақшбанднинг айтган сўзларини эслади. Бу улуг аямома уламо уни доимо қўллаб-қувватлаб келар эди. Мир Саййид Барака тариқат раҳбари номидан унга муқаддас матодан ўралган саллани туҳфа этди. Саидлар эҳтиром ила унга ноғора ва олий ҳокимият нишони — байроқни топширди. Шаҳрисабз аҳолиси эса ўзининг буюк ҳамшаҳрига ажойиб шамшир туҳфа этишди. Темурбек ҳам саховат ва мурувват бобида улардан қолишмади. Амир Хусайннинг Балхда беркитган бой хазинасини амирлар, беклар ва содиқ навкарларига улашди. Дарвешу қаландарларга ҳам бой совғалар топширилди. Амир Хусайндан қолган ҳарамдаги гўзал аёллар, беҳисоб канизаклар баҳодирларга туҳфа этилди.

Темурбек диққатини Амир Хусайннинг суюкли хотини Сароймулк хонимга қаратди. Унинг латофати, мағрур нигоҳи ва жозибаси унга Камолойни эслатди. Назарида унинг Камолойни тирилиб олдига яна қайтгандек эди.

Темурбек ҳукмини кутиб турган аёл — Қозонхон қизи Сароймулк хоним Хусайн ҳарами юлдузи эди. Бу юлдуз унинг ҳаёт йўлини ёритади.

Мунажжимлар Темурбек Жидда юлдузи паноҳида эканлигини, бу эса узоқ умр, давлат ва қудратдан дарақ бериши, етти иқлим унга тобе бўлишини башорат қилишди. Дарвешлар, қаландарлар ҳаммаёқда уни Аллоҳнинг ердаги элчиси, ислом қиличи, мусулмонлар халоскори сифатида улуғлашди. Савдогарлар эса энди карвон йўллари тинч бўлади, дея Темурбекнинг ягона

мутлақ ҳукмдор бўлишини истаб, унга бойликлари ва карвонлари хизматини таклиф қилишди. Деҳқонлар эса янги ерларни ўзлаштириб, хувишлаб ётган экинзорларга сув чиқаришлари учун осойишталик барқарор бўлишини тилашди. Хунарманчлар ҳам шундай ниятда эдилар, қаттиққўл, адолатли ва бақувват ҳокимият зарур. Бунга фақат Темурбеккина қодир!

Вазиятнинг ўзи ҳам, халқ хоҳиши ҳам уни Чигатой тахтини эгаллашга ундар эди. Аммо узоқ иккиланишлар ва чуқур мулоҳазалардан сўнг Темурбек ўзгача қарорга келди.

У шу умрининг балоғат палласи яқинлашган пайтда фаолиятига ҳолисона баҳо бериб, тегишли хулоса чиқарди: ҳаётининг бетакрор йилларини юртини мўғул мустамлакачиларидан озод қилиш учун курашга сарфлади. Эндиликда эса яна мўғул ҳукмронлиги рамзи — Чигатой тахтига ўтириб Чингизхон идорасини давом эттирадимиз? Йўқ, асло. Демак, у шундай иш қилиши лозимки, Чингиз авлоди шарманда бўлсин, улар унинг, Темурбекнинг қўлида қўғирчоқ бўлсин!

— Ўзингизни хон деб эмас, амир деб эълон қилинг. Чунки Сиз фақат Мовароуннаҳр ҳукмдорлиги билан чекланмайсиз. Аллоҳ Сизга етти иқлим ҳукмдорлигини иноят этган.

Бу Маккадан келган Мир Саййид Барака фикри. Ясавия, Кубровия ва Нақшбандия тариқатлари муридлари ҳар жойда баралла хитоб қилишар эди. Улар атрофларига одамларни тўплаб тунги осмонда Темурбек юлдузи порлаб турганини айтишар эди.

— Соҳиб ул-қирон!

Бу юлдузлар султони демак.

Асрий чинорлар атрофида йиғилган қурултой қатнашчилари ерга тўшалган кигизга қараб туришганда Мир Саййид Барака Темурбекни улар олдига етаклаб келди.

— Темурбек! Халқдан сўранг-чи, улар Сизни ҳукмдор деб билишни ва сайлашни исташадими?

Минглаб ҳайқириқлар унинг товушини босиб кетди.

— Сен бизнинг султон!

— Соҳиб ул-қирон!

— Шариатпаноҳ, ислом қиличи!

Ноғоралар, карнай-сурнайлар садоси остида Темурбекни кигизга ўтказиб, осмонга баланд кўтаришди.

— Аллоҳу Акбар! — дея уч марта тепага кўтариб пастга туширишди.

— Биз, Саййидлар, жангчилар ва халқ Темурбекни амиримиз ва ҳукмдоримиз қилиб кўтардик.

Мир Саййид Барака гулдурос олқишлар садоси остида давом этди.

— Халқ номидан шуни айтаман сенга, Темурбек. Сенга фақат Аллоҳ иродаси-ю адолатгина қонун бўлсин. Ёдингда тут: Аллоҳ таоло иродасига риоя қил. Борди-ю адолатдан чекинсанг, мана шу кўз олдингда турган ҳокимият белгиси — кигиз парчасидан маҳрум бўлғайсен.

— Куч адолатда, Темурбек!

Қасамёд маросими якунида Мир Саййид Барака унга олтин камар, ҳашамдор қилич ва ёқут исирга топширди.

Энди халқ сайлаган ҳукмдор Темурбек расман Соҳибқирон Амир Темур дея улуғланадиган бўлди.

— Сиз нафақат Соҳибқирон, балки соҳиби зуҳур ҳам бўласиз, — деди Мир Саййид Барака кейинги сўзларига алоҳида ургу бериб.

Соҳиби зуҳур дегани адолатли ҳукмдор ва давлат арбоби эканлигини Темурбек яхши англади.

## Илоҳий нур

Амир Азизуддин Темурбек чодирига кирганда у Мавлонзоданинг қиссасини тингламоқда эди. У индамай Мавлонзоданинг ўнг тарафига ўтиб кўрпачага ўтирди.

Амир Темур ўзининг махфий хизмати сардорининг бетакаллуф ташрифларига кўникиб кетган ва унинг нима демоқчилигини яхши биларди. Унинг индамай Мавлонзода қиссасини тинглашга ўтиргани уни ажаблантирмади. Демак, суҳбат жиддий ва узоқ бўлади.

— Коинотдан келадиган илоҳий нур, — дея ҳикоясини давом эттирди Мавлонзода, — қайси ерга тушса, у жой

обод ва кўркам бўлади, ўша ердаги одамлар эса буюклик мақомига эришади. Арабистонда ҳам шундай бўлди. Муҳаммад пайғамбаримиз пайдо бўлди-ю, бутун дунё араб қавмини таниди. Унгача арабни ҳеч ким билмаган. Орадан 600 йил ўтгач, шундай нур мўғулларга тушди.

— Тақсир, — деди Азизуддин унинг гапини бўлиб, — демак Чингиз ҳақида ривоятлар тўғри экан-да?

— Ҳа, улуғ амир, — деди Мавлонзода, — мўғуллар орасида Чингизхоннинг бобокалони Бузанжархон Аланкува деган аёлдан илоҳий нур иштирокида туғилган, шунинг учун унга худо илоҳий қудрат бахш этган деган эътиқод жуда кенг тарқалган.

Соҳибқирон чехрасида истехзо кўринди.

— Келиб чиқиши жиҳатидан Аланкува Ўғузхон авлодидан Юлдузхоннинг қизи бўлган. Аланкувадан туғилган Бузанжархон Чингизхоннинг тўққизинчи бобоси.

Соҳибқирон чуқур хўрсиниб сўзида давом этди.

— Менинг ўн тўрт авлод олдин ўтган бобом ҳам, раҳматли отам айтганларидек, Аланкувадан туғилган Бузанжархон экан.

— Сиз илму урфонда беназир, Соҳибқирон, — деди ҳаяжон ичра Мавлонзода.

Амир Азизуддин дўстининг чехрасида барқ урган гурурни кўрди. У одатда олимлар мақтовини хушомадлардан устун кўяди.

— Билишимча, — давом этди Темурбек, — Аланкуванинг чехраси ойдек, гўзаллиги шу даражада эдики, кўрганлар ҳайрат бармоғини тишлар эдилар.

Мавлонзода эҳтиром ила бош эгди.

— Соҳибқирон, сизда момокалонингиз Аланкувадан қолган ирсий меросни кўраман. Чингизда бу мерос ёвузликка хизмат қилди. Сизда эса эзгуликка хизмат қилмоқда.

— Ҳақ гап, Мавлонзода, — деди Азизуддин, — лаънати Чингиз авлодлари ҳали ҳам бошимизга кўп балолар солмоқда.

— Чингизийлар, — деди Темурбек ўйчан, — туркий эллар орасида озчиликни ташкил қилган мўғул қавмини осмондан тушган олий руҳдан дея лоф уришди. Алан-

кувадан ўтган илоҳий қудрат фақат Чингизхонга эмас, балки бугун мўғул қавмига Тангри томонидан берилган, бошқа халқлар устидан ҳукмронлик қилишга имкон берадиган илоҳий маликлик деган мафқурани давлат сийсатига айлантиришди. Аслини олганда эса Чингизхоннинг онаси Озлун қўнғирот қабиласидан бўлган. Биз қўнғиротларни туркий қабила деб биламиз. Аммо мўғуллар қўнғиротларни мўғуллар деб ҳисоблайдилар. Улар қадимий ривоятларда, мўғуллар қабиласи катта бир дара ичидан чиқолмай қамалиб қолганда мўғуллар билан қўнғиротлар катта гулханлар ёққан эканлар. Темир тоғни эритиб, унинг асоратидан бирга қутулиб чиққан эканлар. Шу сабабли Егусей баҳодир қўнғирот қабиласининг қизига уйланган, ундан эса Чингизхон туғилган экан.<sup>1</sup>

— Гапизга қараганда, — деди Мавлонзода, — Чингизхон ҳам бизнинг турк элатидан экан-да?

— Ҳа, тақсир. У ҳам турк, лекин агар у бизнинг элатда яшаганида буюк сарқарда ва хоқон бўлолмас эди. Чунки ҳасадгўй ва мунофиқ беку амирлар унинг истеъдодини рўёбга чиқаришга йўл қўймас эдилар.

Мавлонзода ҳаяжон ичра ўрнидан туриб кетди.

— Кечиринг мени, Соҳибқирон. Аммо сизга раддия бермоқчиман.

— Гапираверинг, тақсир.

— Агар сиз айтгандек, Чингиз турк қавмидан бўлса, унинг ваҳшийлигини қандай изоҳлаш мумкин? Лаънати Чингиз Бухорони олгач, унинг минглаб одамларини ўлдирди. Самарқандга бостириб келиб, ўттиз минг қангли қавми йигитларини қиличдан ўтказди. Таслим бўлганларни Чингиз ўз қўшинига қўшиш учун бошларида кокил қолдириб, соч олдиришларини буюради. Кокил қўйиш баҳонасида ўттиз минг қангли йигитларнинг бошларини кесиб ташлашади.

— Гапларинг тўғри, Мавлонзода, — деди Соҳибқирон газаб ичра. — Мен сенга яна бир гапни айтмоқчимен. Лаънати Чингиз мақтанчоқлик билан шундай деган:

<sup>1</sup> Пиримқул Қодиров “Амир Темур сиймоси” китобида кенг ва ҳолис баҳо берган.

— Мен, Муҳаммад Хоразмшоҳ аскарларининг қадами етган ҳамма жойда энг кўп вайроналиклар ва қирғинлар қилдим, шунинг учунки, бошқа мамлакатларнинг халқлари менинг шону шуҳратим ва душманларим устидан эришган ғалабаларим ҳақида бир-бирларига ҳикоя қилиб юрсинлар<sup>1</sup>.

Мавлонзода чуқур эҳтиром ила унинг олдида яна бош эгди.

— Шунинг билинг, тақсир. Мен Чингиз ва унинг авлодларидан шундай ўч оламанки, улар тарих олдида шармисор бўлмай. Мен ўзимни хон демай, Чингиз авлодларини хон қилиб кўтарамен. Лекин улар кўлимда кўғирчоқ бўлади. Шу билан мен, лаънати Чингиз авлодини шармисор қилмаймен.

Мавлонзода ҳайрат ва эҳтиром ила Соҳибқироннинг оташин сўзларини тинглар эди.

— Биз ким, мулки Турон, Амири Туркистон, миллатларнинг энг буюғи, энг қадими, туркнинг бош бўғини...

Амир Азизуддин кўз қирини Мавлонзодага ташлади. У эса бош ирғаб чодирни тарк этди.

— Яна қандай шум хабар келтирдингиз, Азиз.

— Ахборот беришга мажбурман, Темурбек. Кўп нохуш хабарлар бор.

— Гапиравер, Азиз.

— Алоқа воситаларимиз фош бўлибди, ғанимлар ички сирларимиздан воқиф бўлишибди.

— Қандай қилиб?

— Улар кабутарларимизни қирғийлар воситасида уриб туширибдилар. Мингбоши Ёндоннинг хабар беришича, Мўғулистон хони Қамариддин Хоразм билан алоқа боғлабди. Олтин Ўрда уни ҳам ўз ҳимоясига олмоқчи.

Соҳибқирон ўйга чўмди. Илёсхожадан кейин Мўғулистон тахтини эгаллаган Қамариддин дуғлот қавмининг сардори эди. Уч йил муқадам у Кепақ Темурбек, Шер Аввалбек ва Ҳожибеклар билан қўшилиб Тошкентни босиб олди. Шунда махфий хизмати ишлаб чиққан иттифоқчилар ўртасига раҳна, ўзаро адоват солиш йўли би-

<sup>1</sup> Шу ўринда ҳозир кенг шуҳрат қозонган “Чингизхон” телесериалидаги воқеаларни эслаш даркор. Унда Чингизхоннинг Туркистон халқига келтирган фалокатлари хусусида оғиз очилмайди. У фақат одил ҳукмдор сифатида талқин этилади.

лан уларни тарқатиб юбориш режаси иш берди. Асосий ижрочи собиқ юзбоши Ёндон бўлди. У Соҳибқирон кўшини мингбошиси рутбасига кўтаришди. Ўзи Мўғулистонда бўлса ҳам унга, Темурбекка астойдил хизмат кўрсатмоқда. Қамариддин Тошкентни ташлаб кетган бўлса ҳам янги босқиндан қайтмайди.

Урганчда хуфияларимиз Олтин Ўрда хонидан Хоразмга махфий кўрсатма олиб келишди. Юсуф Сўфи ҳарбий тайёргарликни кучайтирмоқда.

Соҳибқирон чуқур хўрсинди. Қачонгача Олтин Ўрда Хоразмга зугум ўтказди? Нега сўфийлар унга қулларча тобе? Қани Хоразм шоҳларининг қадим шуҳрати ва гурури? Кўнғирот қавми сардорлари Оқ Сўфи ва Хусайн Сўфилар ўзларини хоразмшоҳлар эмас, Сўфийлар деб аташининг боиси недур? Балки улар Чингизхонга эҳтиром ила сифинганлари учун ўзларини унинг сўфийлари деб аташгандир.

Амир Азизуддин эса яқин ўтмиш ва ҳозирда содир бўлаётган воқеаларни ақл кўзгусидан ўтказа бошлади. Ҳозирда лаънати чингизийлар Чигатой улусини яна ўзининг қадимий номи билан атала бошлаган Турон давлатига қарши зимдан иш кўрардилар. Бу ишнинг бошида Олтин Ўрда ва Оқ Ўрдадаги ҳукмдорлар туриб, улар мустақил Турон давлатини йўқотиш пайига тушдилар. Бу вақтга келиб парчаланиб кетган Чингизхон салтанати ордан тушса ҳам эгардан тушмас қабилида қўлдан кетган мулкларини қайтариб олиш дардида ёнишарди.

Жўжихон улуси Олтин Ўрда ҳукмдори Ўзбекхон даврида (1312—1342) ўз номини ўзгартирди. Мусулмон динини қабул қилган Ўзбекхон Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўжихон номидан воз кечиб, бу улусни ўзбек улуси деб аташ ҳақида махсус фармон чиқаргандан сўнг мўғуллар ўзларини “ўзбеклар” деб атадилар. Талончи чингизийларни кўшни эллар, шу жумладан, Туронда ҳам шундай ном билан аташ одат тусига кирди. Турк мўғул қабилалари ўртасидаги муносабатларда ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Айрим мўғул беклари ўз она тилларини унутиб туркийлашдилар. Мўғул беки Тўқбуға шундай киши бўлиб, у ислом динини туркий тилда қабул қилган ва туркий китобларга ҳавасманд бўлган.

Олтин Ўрда ва Оқ Ўрдалаги мўғул беклари истеъдодли шогирдларга туркий тилда китоблар ёздиршишган.

Бир ярим асрлик ҳукмронлик даврида оз сонли мўғуллар ўз қабилаларини ҳам туркий номда атай бошлашган. Ўша даврда яшаган муаррихлар мўғуллар деб аталаётган турк қабилаларини шундай номлашган: Жалойир, Таттар, Меркит, Ойрат, Теленгут, Керант. Туркий қабилалар бўлган Кўнғирот, Сулдуз, Боёвут, Кингитлар ҳам мўғуллар деб аталган.

Чингизхон ва унинг ворислари аввалги бошқинчилар каби иш тутиб, маҳаллий халқларни мўғуллаштириш сиёсатини тутиб келишган, ўзларини мўғул деб атаган туркий қавм вакилларига имтиёзлар берилиб, юксак лавозимларга қўйилган.

Хоразмни бошқараётган кўнғиротлар қабиласига мансуб ҳукмдорлар Чингизхоннинг шахсини илоҳий билиб, унга сиғинишган ва ўзларини сўфийлар деб аташган, бу сўфийлар азалдан туркий бўлган кўнғирот қабиласини мўғул қавми деб ҳисоблашган ва чингизийларга садоқат билан хизмат қилишган. Хоразмда доимий яшаб тۇрувчи Олтин Ўрда вакиллари чизигидан чиқишмаган.

Ҳусайн Сўфи ана шундай ҳукмдор эди. У Олтин Ўрда хони вакили Элийғмиш ўғлонга итоат этиб, унинг фармойишларини садоқат ила бажарган. Шунинг учун ҳам чингизийлар Амир Темурга қарши Ҳусайн Сўфини қўйишди. Қадимий туркий шаҳар Сигноқни Жўжи улусига қарашли Оқ Ўрданинг марказига айлантирган Чингизийлар Хоразмни икки томонлама асоратда тутишган. Шимолдан Олтин Ўрда, шарқдан Оқ Ўрда Хоразмни қуршаган ҳолда уни Амир Темур салтанатини парчалашда асосий қурол сифатида билишмоқда.

Мавлонзода билан суҳбат тарих жумбоқлари нақадар чигаллигини кўрсатди. Амир Азизуддин Мир Саййид Барака Амир Темурга айтган гапларини эслади.

Тарихда Соҳибқиронлар ўтган. Лекин улардан ҳеч бири сиз каби ҳам Соҳибқирон, ҳам соҳиби зуҳур бўлмаган. Улуғ шайх бу билан ўтган икки йил мобайнида — 1371—1372 йиллар давомида бунёдкорлик билан машғул бўлган Амир Темурнинг яна Мўғулистондан бостириб



келган жета кўшинларини маълумиятга учратганини назарда тутди. Ўлдирилган Илёсхожа ўрнига хон бўлиб кўтарилган Қамариддин Талос воҳасига бостириб кирди. Сайрам ва Тароз шаҳарларини эгаллаб аҳолини талон-тарож қилди. Соҳибқирон зудлик билан босқинчиларга қарши от сурди. Қамариддин кўшинларини енгиб уларни пойтахти Олмалик шаҳригача қувиб борди. Бой ўлжалар билан Самарқандга қайтди. Яна қизгин ободончилик ишлари билан шуғуллана бошлади, аммо бу ерда ҳам уни фитначилар тинч қўйишмади. Сароймулк хонимнинг акаси Амир Мусо, Шайх Абдулвосий, вилоят ҳокими Зинда Чашм, Хизр Ясовурийнинг ўғли Исҳоқ ўзаро тил бириктиришиб Амир Темурни ов маҳалида ўлдирмоққа аҳд қилишади. Бу суиқасдни Амир Азизуддин хизмати барбод қилди. Соҳибқирон фитначиларнинг гуноҳларидан ўтди. Мана шу воқеалар Амир Темурни Соҳибқирон ва соҳиби зуҳур деб аташга асос беради.

Соҳибқирон билан суҳбатни чопар келтирган шошилинч хабар бузди.

— Хусайн сўфи лашкари Қиёт ва Хивакни босиб олди. Бухоро вилояти туманларига ҳам ҳужум бўлмоқда.

Азизуддин Соҳибқирон ҳозир бу хабарни эшитиб, дарҳол кўшинни ҳозирлаб урушга кетади, деб ўйлади. Аммо Амир Темурнинг буйруғи уни ажаблантирди.

— Мавлоно Жалолиддин Кеший Хоразмга элчи қилиб жўнатилсин. Мен можарони урушсиз бартараф қилишни истаймен. Мусулмонлар қони беҳуда тўкилмасин.

### **Макр ва садоқат Амударё соҳили. 1372 йил баҳори**

Махфий хизмат нозирини Муҳаммад Оташий Амир Темур чодирига яқинлашганда хос соқчилар бошлиғи унинг йўлини тўсди.

— Соҳибқирон ором олаяптилар.

Аммо сардор кўрсатган кумуш нишон — пайзани кўриб бош эгди.

— Мадлоҳ Оташий!

Амир Темур уни кучоқ очиб қаршилади. Дуодан сўнг Оташий мақсадга кўчди.

— Хиёнат содир бўлди, Соҳибқирон.

У қўйнидан мактуб чиқарди.

— Ўзинг ўқи!

Оташий мактубни аста очди.

— Сен унинг дағдағасидан кўрқма, биз бор кучимизни бирлаштириб жанг қилсак, ғолиб чиқамиз. Сен ўз кўшининг билан майдонга тушсанг, мен икки минг навкарим билан Темурнинг Туғбардорига ҳамла қиламен. Байроғини ерга қулатиб, бор аскарларимни сен томонга олиб ўтамен. Байроғи ерга тушган қўшин саросимага тушади, енгилган ҳисобланади. Биз биргаликда ҳужум қилиб, ёғийларни тор-мор этамиз! Дадил бўл!

Соҳибқироннинг кўзларида ғазаб учкунлади. Кайхусрав Хутталоний бу мактуби билан Хоразм ҳукмдорини жангга ундамоқда. Кайхусрав! Хоин! Яна хиёнат ва яна сотқинлик! Бундан бир йил муқаддам Амир Зинда Чашм, Саидлар авлодидан бўлган шайх Абулвайс, Хизр Ясовурийнинг ўғли Исҳоқ ва ўз қайноғаси Амир Мусабек ўзаро фитна тайёрлаб ов вақтида унга суиқасд тайёрлашган эди. Вақтида огоҳ бўлгани учун суиқасд амалга ошмади. Соҳибқирон Сароймулк хоним илтимосини ерда қолдирмай, Зинда Чашмдан бошқа барча фитначиларни кечирди. Энди эса саркардаси Кайхусрав унга катта хиёнат тайёрлабди.

— Қандай иш тутамиз, Оташий!

— Менда бир режа бор, Соҳибқирон!

### Махфий хизмат тузоғида Урганч. 1372 йил

Хоразм ҳукмдори Хусайн Сўфи қаршисида таъзим қилиб турган навкарга синовчан боқди.

— Сизга мактубим бор.

Хусайн шоша-пиша мактубни ўқиди. Сўнг ўрнидан кўзгалди.

— Сен шу ерда ўтиратур.

У ўзининг ҳомийси — Олтин Ўрда хони вакили Элийғмиш ўғлон жойлашган қасрга йўл олди.

— Кайхусравдан чопар келди, ҳазрат.

Элийғмиш мактубни ўқиб шодлигини яширмади.

— Мен ҳам беш юз сара навкарларим билан жангга чиқаман.

Хусайн Сўфи руҳланиб Кайхусравга жавоб мактубини ёзди. Аммо бу мактуб энг аввал Амир Темур қўлига тушишини билганда эди!

Маддоҳ Оташий чопар келтирган мактубни ўқиб, унга миннатдорчилик билдирди. Бу навкар Кайхусрав қўши-нида ишонч қозониб ўнбошиликка кўтарилган, ҳеч ким унинг тингчи эканлигини билмайди. Хоин Кайхусрав у билан юзлаштирилганда ҳайратини яширолмади.

Эртаси тонгда Амир Темур лашкари Амударёнинг катта бир ўзани “қовун сув”дан кечиб ўтиб жанг бошла-ди. Тор-мор бўлган Хусайн Сўфи Урганч қалъасига яши-ринди.

У мағлубиятга чидолмай юрак хасталигидан вафот этди. Унинг ўрнини эгаллаган Юсуф Сўфи Амир Темур билан сулҳ тузишга қарор қилди.

Кайхусрав Самарқандга келтирилди. Уни Амир Ху-сайннинг навкарларига топширишди. Икки йил муқаддам Балх жангида асирга олинган Амир Хусайнни Кайхусрав Темурбекнинг рухсатисиз қатл қилган эди. Шунинг учун ўлим ҳукмини Амир Хусайннинг собиқ навкарлари ижро этишди.

Юсуф Сўфи билан тузилган сулҳ шартларидан бири унинг жияни гўзал Севинчбекани Амир Темурнинг тўн-гич ўғли Жаҳонгир Мирзо билан унаштириш эди.

Тўйга тараддуд қизиган кунларнинг бирида тингчи-лар Урганчдан шум хабар келтиришди.

Барку Саройдан Урганчга қайтган Олтин Ўрда вакили Элийғмиш ўғлон Юсуф Сўфига дашном бериб никоҳни бекор қилишни буюрибди.

Хоразм ҳукмдори эса бундай шармандаликка барҳам бериш ўрнига Элийғмишдан узр сўрабгина қолмай унинг олдида тиз чўкибди.

Аркони давлат билан машваратда хонзода Севинчбеканинг Амир Темурнинг ўгли Жаҳонгир Мирзога унаштирилганини бекор қилингани ҳақида ахборот берибди. Шундан сўнг Хоразм лашкари Қиёт ва Хивани босиб олибди.

Қатл этилган хиёнаткор Кайхусравнинг ўгли Маҳмуд ўз аскарлари билан Юсуф Сўфига ёрдам берибди.

Энди уруш бўлиши муқаррар эди. Аммо Амир Темурнинг махфий хизмати қон тўкилишининг олдини олди. Хоразмда иш кўраётган тингчилар Олтин Ўрда вакили Элийғмиш ўғлон тўсатдан Барқу Саройга жўнаб кетганини хабар қилиб, Юсуф Сўфи ҳозир мушкул аҳволда эканини ва у Амир Темурдан жуда хавфсираётганини баён этишган эди.

Амир Азизуддин махфий хизмат арбоблари — ташқи разведка бошлиғи Амир Отламиш ва ички разведка раҳбари Фақиҳ Масъуд ал-Кужужоний билан бирга Амир Темурдан Урганчга элчи юборишни илтимос қилди.

Ҳар вақт муҳим ишларни кенгашиб ҳал қилувчи Соҳибқирон элчиликка ўз пири Мир Саййид Баракани бошлиқ қилиб юборди.

Урганчда элчи лавозимининг жорий этилиши вазиятини тубдан ўзгартириб юборди.

Олтин Ўрда тарафдорлари шаҳардан қочиб кетди. Юсуф Сўфи элчиларни самимий кутиб олди. Мир Саййид Барака, Амир Сайфиддин, Жоку барлос билан суҳбатда ўз ишидан пушаймон экани ва Амир Темурдек буюк саркарда ва ҳукмдор билан қуда бўлиш ўзи учун гоят шараф эканини изҳор қилди. Муаррих Шарафуддин Али Яздий бу воқеани тарихга шундай туширди.

Юсуф Сўфи ёмон қилмишларига пушаймон бўлди, даҳшат ва қўрқув мижозига ғолиб келиб, омонлик сўради. Омонлик ҳиди димоғига етгач, хонзоданинг зебу зийнатлари ва сепини ораста қилиш билан машғул бўлди. Олтин-кумушдан ишланган дуру жавоҳирлар билан безатилган турфа буюмлардан шу қадар кўп ҳозирладикки, ақл унинг саноғига етолмасди.

Амир Темур Урганчга юборган олтин-кумуш ва жавоҳирлар келинникидан ҳам ортиқ бўлди.

Жаҳонгир Мирзо ва Севинчбеканинг тўйлари Урганчда ҳам, Самарқандда ҳам зўр тантана билан ўтди. Бу тўй Хоразмни яна Турон билан бирлаштиргандек эди. Муаррихлар ёзишча, халқ бу тўйда хурсанд бўлиб “ғам оти гўё жаҳондин йўқ бўлди”.

Бу никоҳдан туғилган ўғил — Муҳаммад Султон Самарқанд тахтига валиаҳд бўлгани ҳам бежиз эмас. Севинчбека ақлда ҳам, ҳусну тароватда ҳам беназир бўлиб, тез орада Хонзода хоним дея улуғланади. Соҳибқироннинг севимли келинига айланади.

Хонзода хоним салтанат дахлсизлигини таъминлаш соҳасида шундай хизмат кўрсатдики, натижада Амир Темури уни “ўғлим” деб ҳам атайди.

Соҳибқироннинг махфий хизмати бу гўзал ва оқила аёлнинг ўз вақтида етказган ахбороти туфайли улкан фалокатнинг олдини олади.

## Махфий хизмат қалқони

Салтанат учун таҳликали кунларда Соҳибқироннинг кўз-қулоқлари бўлмиш дарвешлар, савдогару ҳунармандлар бари-бари махфий хизматнинг жонқуярлари бўлишди.

Ҳар жума намоз кунларида уларнинг вакиллари тариқат раҳбаридан йўл-йўриқлар олишади. Мана, бу гал ҳам муҳим гаплар бўлиши муқаррар.

Баҳоуддин Нақшбанд хонақоҳига тўпланганлар пирларининг ўғитларини диққат ила тингладилар.

— Темурибек Аллоҳ шамшири бўлиши керак. Сизлар эса унинг кўз-қулоқлари...

— О, Балогардон!

Баҳоуддин содиқ муридларининг садоқатли нигоҳларига қараб сўзида давом этди.

— Пирим, Амир Саййид Кулол менга Темурибекни ўз паноҳимга олишни буюрган эдилар. Доимо ундан огоҳ бўлишимни тайинлаган эдилар. Шунинг учун биз уни ҳимоя ҳалқасига олишимиз даркор.

Шундан сўнг Баҳоуддин муридларининг ахборотларини тинглай бошлади. Улар Амир Темур даргоҳида бўлаётган ишлар ҳақида, унинг мулозимлари ва лашкарбошилари хусусида билганларини гапирдилар.

Соҳибқирон ҳали ҳеч бир ҳукмдор қилмаган ишни қилди. У ўзини назорат қиладиган икки вазирни тайинлади. Саркарда Маҳмуд Шаҳоб Хуросоний ҳарбий соҳада, аллома Носириддин Маҳмуд ал-Аромий эса раият ишлари бўйича Соҳибқироннинг раис-нақиблари бўлдилар.

Соҳибқирон бу икки вазир доимо уни кузатиб туришлари ва агар у адолатсизлик қиладиган бўлса, дарҳол уни тўхтатишларини, кимларнингдир ёлгон сўзларига ишонса ёки фуқаролар мулкига хиёнат қиладургон бўлса, дарҳол уни огоҳлантиришларини буюрди.

Баҳоуддин Нақшбанд мамнун бош ирғади.

— Офарин!

Сўнг муридларига юзланди.

— Аллоҳ иноят қилган зот шундай иш қилади. Энди гапларимга қулоқ осинг.

Муридлар унинг сўзларини жон қулоғи ила тинглашди. Топшириқ қисқа ва лўнда эди. Ҳар бир қишлоқ, шаҳар ва хориж элларда ҳам салтанат ғанимларини аниқлаш ва кирдикорларини билиш даркор. Махфий режалардан ҳам.

— Ҳамма ерда маҳалла кўй, лашкарлар давраси, амалдорлар доираси ва аҳли тижоратда — барча ва барча жойларда Темурбекнинг кўз-қулоқлари бўлинг.

Баҳоуддин нигоҳини маддоҳларга қаратди.

— Сизлар эса Темурбекни кўча-кўйларда улуғланг, унга ҳамду санолар ўқинг.

Муридлар тарқалгач, у ёнида ўтирган Мир Саййид Баракага юзланди.

— Темурбек хусусидаги фикрларингизни билишга муштоқмен.

Мир Саййид Барака аста сўз бошлади.

— Темурбек сифатларининг энг аввали беғараз. Исломга қатъий роя қилади. Камбағал, бева-бечораларга кўп хайру эҳсон қилади. Халойиққа раҳмдил.

У исломга тааллуқли ишларни доимо кундалик ва дунёвий ишлардан устун қўяди, ҳақиқатгўй. Ваъда-сига вафодор. Саййидлар, уламо ва шайхларга бағоят эҳтиромли.

— Бир киши учун бу сифатлар кўп эмасми, тақсир?

Мир Саййид Барака устознинг сўзларида истеҳзо сезмади.

— Сиз Темурбек ёнидан жилманг. У қаерда бўлмасин, саройдами, жангоҳдами — барибир. Унга огоҳ ва яна огоҳ бўлинг. Темурбекнинг ганимлари кўп.

Икки уламо суҳбати узоқ давом этди. Унинг мазмуни тарих учун қоронғи. Аммо тез орада бўлиб ўтадиган воқеалар — Амир Темурга суиқасдлар барбоди, ички ва ташқи душманларнинг фитна-ю барча кирдикорларининг кетма-кет фош бўлиши — буларнинг барча-барчасида Соҳибқиронни ҳимоя ҳалқасига олган нақшбандия тариқатининг таъсири бор эди. Ўзига хос махфий хизмат вазифасини ўтовчи нақшбандийлар Соҳибқирон ганимлари пайини қирқаверади.

## **Фитна тўрлари** **Отбоши мавзеи. 1376 йил**

Мўғулистон хони Қамариддин ўз шодлигини яширолмади.

— Юзбоши Ёндон!

Қамариддин ўзининг хос соқчилари бошлиғига мамнун боқди.

— Темурбек чучварани хом санабди. Мен уни тирик-лайин тутишга қарор қилдим.

— Қудангизни-я? — кулди Ёндон.

— Бас қил! Бу менинг юрак армоним. Гўзал қизим Дилшод унинг асираси.

— Йўқ, у қонуний хотини, хон ҳазратлари.

Қамариддин унга ўқрайиб қаради. Ёндон тажрибали кўмондон. Ақл фаросати билан ўзгалардан фарқ қилади, шу сабабли қанча дадил гапирса ҳам уни кечиради.

Қамариддин унга синовчан боқди.

Ёндон унинг кўзларига тик боқди. Уларда самимият ва ишонч барқ урарди.

Қамариддин хандон отиб кулди.

— Қудамла бор-йўғи икки юз киши, Менда эса тўрт минг. Нима дейсан?

Темурбек икки юз йиғити билан ўн икки минг кишилик Амир Мусони енган, ҳазратим.

Қамариддиннинг кўзларида мудҳиш шуъла чақнади.

— Менда тўрт минг, Ёндон. Лекин Темурбек менинг тўсатдан қиладиган ҳужумимдан беҳабар. У асосий лашкарини ўғли Жаҳонгир Мирзо билан жўнатган. Отбошининг кириш ва чиқиш йўлларини тўсиб қўйгонмен. Қўрага қамалиб қолган бўрининг ўзи бўлади-қолади, Темурбек!

— Кулоқ сол, менга Ёндон, кечаси бориб араваларга ўт қўясан. Ўтдан омон чиққанларни эса биз беомон ўққа тутамиз. Уқдингми?

Ёндон тасдиқ ишорасида бош ирғади. У ташқарига чиққанида ёғаётган қор аста ёмғирга айлана бошлади. Айни пайт.

Ёндон кийимларини ўзгартириб, Темурбек қароргоҳи томон йўл олди. У мушукдек писиб, ҳар ёққа аланглаб борарди. Ҳаёти қил устида турганини яхши биларди. Лекин у бунга кўникиб кетган, ўн йилдан ортиқ у кимга хизмат қилаётганини яхши билади. Жонини хатарга қўйиб не-не балоларни бошидан кечирмади. Аммо мукофотлари шунга арзийди. Ойига минг от баҳоси маош олади. Қурумсоқ мўғул хони эса ойига икки отдан ҳам кам маош берарди. У ҳам узук-юлуқ.

— Тўхта!

Ёндон олдинда пайдо бўлган ўнбоши Сухени таниди. Соқчилар бошлиғи.

— Кимсан?

Сухенинг сўзи оғзида қолди. Кўкрагига қадалган ханжардан ер тишлади. Темурбек ўтов иқинида турган йиғитлар кутилмаганда пайдо бўлган одамни қуршаб олишди. Лекин унинг қўлида кўринган пайза-нишонни кўриб эҳтиром ила уни Соҳибқирон ҳузурига элтишди.



— Ёндон! Бу хизматингни ҳеч қачон унутмаймен!

Темурбек содиқ мингбошисига кўлидаги олмос узукни тақдим этди. Унда “Рости-русти” сўзлари ўйилган бўлиб, у Соҳибқироннинг энг ишончли одами рутбаси эканлигидан нишона берар эди.

Қоқ ярим кечаси бўлишига қарамай, Соҳибқирон чодирига барча амирлар зудлик билан етиб келишди.

— Қамариддин, — деди Амир Темур, — Отбоши кириш-чиқишига пистирма қўйибдур. Орқага йўл йўқ. Чиқишга туйнукдай ерни атайин бўш қолдирибдурки, араваларга ўт қўйилгач, ўзимизни ўша ерга урамиз. Шунда йўлнинг икки тарафида пистирмада турганлар бизни ўрдак отгандай сайд қилишадилар. Лекин айни шу туйнук бизга асқотади. Ҳозироқ душманга шабхун урамиз. Тез ишга киришинг...

Довул тобора кучайиб борарди. Амир Темурнинг йигитлари шу туйнукдай йўл орқали қамал ҳалқасидан чиқиб олишди.

Тонг отганда юзбоши Ёндон бошчилигидаги мўғуллар эмаклаб бориб Темурбек лашкаргоҳининг теварагига тизиб қўйилган араваларга ўт қўйдилар.

Қамариддин лашкари ур-сур билан ҳужумга ўтди. Аммо ҳеч ким уларга қарши чиқмади.

Лашкаргоҳ бўм-бўш эди.

Соҳибқироннинг махфий хизмати туфайли икки юз кишилиқ кўшин тўрт минг душманни доғда қолдирди.

## Жазо ўрнига марҳамат

Хўжаид. 1376 йил

Амир Темур чодирни ёнида турган соқчилар жулдур чопонли, серсоқол ва бели букилган одамга ажабланиб қарашди.

— Соҳибқиронга арзим бор, — деди у соқчиларга.

Ясовулбоши унга ўшқирди.

— Сен кимсанки, ҳозир Соҳибқирон оромини бузмоқчисен? Йўқотинг уни.

Соқчилар унинг устига ёпирилиб икки қўлидан ушладилар.

— Юр, девона.

Шу пайт қутилмаган воқеа юз берди. У бир зарб билан икки соқчини ағдариб ташлади. Сўнг важоҳат ила ясовулбошига юзланди. Унинг қўлида олтин пайза кўринди.

— Тез бўл! Вақт зиқ!

Жоку барлос унинг олдида бош эгди. Соҳибқироннинг шахсий муҳри ўйилган пайза олтин нишон фақат бир кишига берилган. Уни ҳеч ким билмайди. Бу даҳшатли сир.

— Марҳамат, тақсир.

Амир Темур чодирга кирган одамни кўриб, ғазабини яширмади.

— Нега ўзинг келдинг, Маъсудбек? Нима дегандим сенга, нега ўзингни ошкор қилдинг?

Темурбек оғир хўрсинди. Маъсудбек унинг салтанатидаги бош кўз-қулоғи. Унинг кимлигини ҳеч ким билмаслиги лозим. Лекин у бугун шахсан ўзи ҳузурига келибди-ми, демак жуда фавқулодда воқеа содир бўлибди.

— Қулоғим сенда, Маъсудбек.

У чуқур хўрсинди.

— Сен жуда кечиримли ва марҳаматли одамсен, Темур. Амир Ҳусайн мисоли сенга сабоқ бўлмабди.

— Муддаога кўч, Маъсуд.

— Менинг одамларимдан бири жуда қизиқ суҳбатнинг гувоҳи бўлишган. Эшит, Темур! Мен тингчим ёзиб берган ахборотни ўқиб бераман. Одилшоҳ жалойир ва шайх Муҳаммад Баён сулдуз Сотуқ Бугроҳон мақбарасини зиёрат қилиш баҳонасида сенга суиқасд тайёрлаган. Уларнинг гапларини йигитларим ёзиб олашган. Мана, ўқинг. Энди мен кетишим керак.

Маъсудбек эғнидаги либосларини ечди. Ясама соқолини олиб ташлади. Бир зумда бели букчайган чол навқирон йигитга айланди.

— Эртага айтилган жойга бора беринг, Темурбек!

Маъсудбек шундай дея чодирни тарк этди. Темурбек уни хомуш кузатиб қолди. Бу одам, болаликдаги дўсти неча бор уни ўлимдан асради! Бундан бир йил муқаддам

Туркистонда, Адан кўзи деган манзилда унинг чодирига шу Маъсудбек тўсатдан кириб келди.

— Амир Мусонинг чодирига кўп кишилар келиб кетмоқда, Темур. Бунда бир гап бор, чодирингда ухлама бугун.

Чиндан ҳам кечаси унинг чодирининг минглаб ўқлардан тешилиб кетди.

Мана бугун ҳам Маъсудбек уни огоҳлантириб кетди.

Шайх Муҳаммад Баён сулдуз билан Одилшоҳ жалойир ўртасидаги махфий суҳбатни ўқир экан, Темурбекнинг юзлари тобора тундлашиб борарди.

— Хўжандга борганда, менинг уйимда Амир Темур меҳмон бўлишини илтимос қилурмен. Ул зот отам ҳурмати илтимосимни ерда қолдирмайдилар. Зиёфат авжида эса...

Темурбек кулиб қўйди. Улар шоҳида юраверишсин. Биз эса баргида.

Тонг отиши билан Амир Темур ўз мулозимларига нонуштани Одилшоҳ жалойир уйида қилишини айтди, ўзи билан болаликдаги дўстлари Абдулла ва Мубоширни олиб кетди.

Одилшоҳ азбаройи хурсандлигидан унинг оёқларига йиқилди.

— Раҳматли падари бузрукворимизнинг руҳлари бағоят шод эрур.

Темурбек бу ерда авваллари ҳам кўп бор бўлган. Биринчи марта ўн беш йил олдин Амир Баён сулдуз тўйида иштирок этганди.

У оёғи тагига сўйилган кўчқорга бир зум тикилиб қолди. Бугун ўзини ҳам шундай кўчқордек сўйишмоқчи. Олий меҳмон шарафига карнай-сурнайлар чалинди. Дастурхон ғоят тўкин. Бирин-кетин тортилаётган таомларнинг кети узилмади.

Одилшоҳ ва Шайх Муҳаммад Баён сулдузнинг қўли қўлига етмайди. Улар меҳмоннинг ва унинг ҳамроҳларининг кўнглини овлаш учун ҳаракатлари чаққон.

Темурбекнинг ишораси билан Абдулла ташқарига чиқди. Мубошир эса хўжайинига маънодор кўз қисди.

— Фармони олийни эшитинг, шайх Муҳаммад сулдуз! Меҳмондорчилик учун Сизга ташаккур! Мен ҳар бирингизга йигирма бошдан қўй ва тўққизтадан от инъом этурмен.

— Бу жазо ўрнига марҳамат, — деди чодирда пайдо бўлган ниқобли киши.

У шундай дея ниқобини ечди. Барча уни таниди. Маъсуд Соҳибқироннинг кўз-қулоғи.

— Сиз ёллаган барча қотиллар жазосини олди.

Одилшоҳ бошини қуйи солди. Шайх Муҳаммад эса ўзини Амир Темура оёғига ташлади.

— Бизни кечиринг, олампаноҳ. Сиз нақадар кечиримли ва марҳаматлисиз.

— Адашмоқ бандасига хос нарсасиз. Адашғонингни англагон бўлсанг, катта давлатга эришғонинг шудир.

— Мингбоши Абдулла! Одилшоҳга тўққизу тўққиз инъомлар марҳамат қилинсун!

Одилшоҳ йиелаб юборди.

— Яхшиси, мени ўлдириб, олампаноҳ.

— Биласанми, Одилшоҳ Баъзан мурувват жаллод болтасидан ҳам ўткир таъсир қилади. Мен сенга бир воқеани айтиб берамен. Эрон шоҳи Нуширавон Одил Қайқубод ўғли қирқ йил подшоҳлик қилган. У чиндан ҳам одил подшоҳ бўлган. Бир куни унинг доно вазири Бузургжмеҳр Форс вилоят амири Митор хиёнат йўлига кирганини айтиб, уни тезда қамоққа олиш зарурлигини билдиради.

Эртасига Митор подшоҳ ҳузурига келтирилибди. Нуширавон унга қимматбаҳо совғалар, жуда кўп инъомлар берибди.

Вазир ҳайрон бўлиб ундан изоҳ сўрабди. Шунда Нуширавон Одил шундай жавоб берибди.

— Нечоғлик ўйламайин, дунёда лутфу эҳсон бандидан мустаҳкамроқ бир бандни тополмадим, кўнгилдан бошқа нозикроқ аъзони кўрмадим. Шунинг сабабидан унинг вужудидаги энг нозик аъзосига энг қаттиқ бандни солдим.

Ўртага сукут чўмди. Одилшоҳ билан Шайх Муҳаммад бошларини қуйи солганча Соҳибқирон сўзлари мағзини чақар эдилар.

## Тўхтамишнинг омад юлдузи Сигноқ, 1379 йил

Амир Темур ҳузуридаги давлат кенгашидан сўнг махфий хизмат раҳбарлари Амир Азизуддин, амир Отламиш ва Маъсудбек Соҳибқирон билан узоқ суҳбат қуришди. Асосий масала Оқ Ўрда ва Олтин Ўрдадаги вазият ҳақида бўлди.

— Биз, — деди Амир Азизуддин, — Тўхтамишни Оқ Ўрда тахтига ўтказдик. Аммо у бизнинг ишончимизни оқлармикан?

— Шубҳам бор, — деди Маъсудбек.

— Менда ҳам, — деди Амир Отламиш.

— Нима қилиш керак? — деди Амир Темур.

— Унинг ёнига “кўз-қулоқ”ларимизни қўйишимиз даркор.

— Кимларни тавсия қиласизлар?

— Ўрунг Темур ва Оқ Буга.

— Розиман.

\* \* \*

Тўхтамишхон Оқ Ўрда тахтига ўтирганча мулозимларига хайрихоҳ ва бахтиёр боқди.

Мана, ниҳоят, Оқ Ўрда тахти унга ўтди. У Ўрунг Темурга миннатдор назар ташлади. У кўп меҳнат қилди, қони тўкилди, садоқати билан Тўхтамишга беқиёс хизмат кўрсатди. Катта мукофотга сазовордир у.

Ўрунг Темур хон мукофотларини олар экан, унга шундай деди:

— Хон ҳазратлари! Амир соҳибқирон бизга кўп инъомлар ва зўр тарбиятлар қилдилар. Унинг бизга кўрсатган илтифоти ва ҳомийлиги ҳаққини бажо келтириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Ҳамиша ул зоти олий муруватини назарда тутиб, турли муносиб хизматлар билан унга яқинлашайлик ва холис муносабатларнинг асосини кулфатдан асрайлик.

— Шундай, ҳазрат, — бош эгиб бу сўзларни тасдиқ этди Оқ Буға, — соҳиби неъматнинг ҳаққини тан олишингиз баракати туфайли давлатингиз байроқлари кун сайин баландроқ кўтариллади. Жаҳон аҳли Сизнинг бу ишингизни маъқуллаб таҳсин айтади. Шу билан бирга, олам вазиятига ишонч йўқ. Агар, худо кўрсатмасин, кунларнинг бирида давлат эгаси яна тошга қоқиларкан, Амир Соҳибқироннинг ёрдамига таянса бўлади ва унинг давлати паноҳида қайта тикланиши мумкин.

Тўхтамиш ўйга чўмди. Ҳақ гаплар. Бошидан ўтказган кунлари ёдига тушди. Амир Темурнинг уч бор унга кўрсатган ёрдами ва мурувватларини эслади.

— Соҳибқирон мадади билан, — қўшимча қилди Ўрунг Темур, — иншооллоҳ, байроғингиз Олтин Ўрдада ҳам тикланажак.

Тўхтамиш дилидаги эзгу орзусини қитиқлаган бу гаплардин кўзлари чақнаб кетди.

Олтин Ўрда ҳам уники бўлади.

Оқ Буға ундаги ҳолатни пайқаб, сафдоши Ўрунг Темурга маънодор боқди.

Соҳибқирон махфий хизмати режаси ҳам шу эди.

## **Муртазо Айтаниннг махфий сафари Рязань. 1379 йил**

Буюк князь Олег олис Мовароуннаҳрдан келган савдогар Муртазо Айтани қабулхонасида қабул қилди. Салом-алик ва ўзаро соғ-саломатликларни суриштиргандан сўнг Муртазо Самарқанд лаганини унга тортиқ қилди.

Олег ҳарир мато ёпилган лаганини қизиқиш билан кўздан кечирди. Сўнг матони аста кўтарди. Хона олмосу гавҳарлар ва олтин ёмбилар шуъласидан ёришиб кетди.

Рязаннинг буюк князи бундай бойликни умрида кўрмаган эди.

— Бу Сизга Соҳибқирон Амир Темурдан туҳфа. Бегич ўғлон устидан қозонган ғалабангизга табрик сифатида қабул қилгайсиз.

Кутилмаган бойликдан эсанкираб қолган Олег бу ғаройиб меҳмонни нима билан сийлашни билмай қолди.

— Тушликни бирга қилсак, Муртазо.

— Бажону дил, буюк князь.

Боярлар тузаган дастурхон жуذا қуюқ бўлди. Кетма-кет тортилаётган асал шароб, ертўлада узоқ йиллар сақланиб келаётган мусалласларнинг кети узилмайди. Таомлар ҳам сероб. Балиқлар, қовурилган бузоқ гўшглари ва яна кўп тансиқ газаклар. Муртазо ширакайф боярларнинг ўзаро суҳбатларини жон қулоғи билан тинглайди. Кайфияти кўтарилган Олегнинг унга узатаётган қадаҳларидан хўплаб ўтираркан, бундан бир ой муқаддам Амир Отламишнинг чодирيدا ўтган суҳбатнинг барча тафсилотларини эсларди.

— Оқ Ўрдага Тўхтамишни қўйиб катта балодан қутулдик. Энди навбат Олтин Ўрдани синдириш. Бунинг учун эса...

Олегнинг хитоби уни хаёл оғушидан чиқарди.

— Темурбекка қандай туҳфа юборсак экан, Муртазо.

“Ов ўз оёғи билан тайёрланган тузоққа тушмоқда” — хаёлидан ўтказди у. Ҳарбий вазир Маҳмуд Шаҳобиддиннинг топшириғи тўфангсоз усталарни ёллаб Самарқандга етказиш эди. Москвада ва Рязанда ясалган тўфанг-тўп даҳшатли қурол. Бири олиб, бири қўйиб кўрсатган жасоратлари билан мақтанаётган Олегнинг мулозимлари сўзларидан Муртазо яқин икки йил ичида бўлиб ўтган воқеалар манзарасини тиклади.

Олтин Ўрда билан чегарадош Рязанга мўғуллар тез-тез ҳужум қилиб туради. Аҳолини талайди. Шунинг учун ҳам чегара атрофидаги деҳқонлар Рязанни ташлаб Владимир, Суздал ва Москва атрофига кетиб қолишмоқда. Ўтган 1377 йили Олтин Ўрда шаҳзодаси Аралша ўғлон Русга босқин қилиб Пьянка дарёси соҳилида боярлар кўшинини тор-мор қилди. Рязанга бостириб кирди. Олег қуршовдан зўрға чиқди. Шу йил эса Олтин Ўрда туманбошиси Бегич ўн минг кўшин билан Москвага юриш қилди. Хирожни тўламай қўйган князларга яна итоат ҳалқасини осишга интилди. Аммо Москва, Рязань князларининг бирлашган кўшини томонидан тор-мор қилинди. Олтин

Ўрда ҳукмдори Мамайхон бу мағлубиятдан ғазабланиб шахсан ўзи юриш бошлади. Переяславль, Дубок ва Рязанни вайрон қилиб талади. Аммо Ока дарёси соҳилида чегарада турган Москва, Рязань, Прон князлари лашкарига қарши жанг қилишга ботинмай орқага қайтди. У энди катта қўшин тўплаб Русни яна хирож тўлаши учун тормор қилмоқчи. Зиёфат тугагач, буюк князь меҳмонни кузатгани шахсан ўзи чиқди. Улар ҳовлининг четига чиқишганда эса Муртазо кулогига аста шипшиди.

— Эртага карвонсаройдаги хужрамга келсангиз, ғоят муҳим махфий гапим бор.

Олег тасдиқ ишорасида бош ирғади. Муртазо шаҳардаги дўконига қайтаркан, ўзига юкланган бағоят муҳим, махфий ва хавфли вазифасини бажара олишига умид ҳосил қилди. Агар бу вазифа адо этилса, Олтин Ўрда ҳукмдори Мамайнинг куни битади. Соҳибқирон Амир Темур кўзлаган режа амалга ошади.

### **Буюк князнинг буюк сир Коломна. Рязань. Куликово. 1380 йил**

Олтин Ўрда ҳукмдори Мамайхон жуда кўтаринки руҳда жанг бошлади. Унинг ғалабага ишончи комил. Рязань князи Олег ва Литва князи Ягайло билан битимга кўра, улар Москванинг буюк князи Дмитрий Донской қўшинини сўл қанотига зарба беради.

Москва полклари Куликово майдонида мўғуллардан жуда кўп нарсаларни ўрганишганини кўрсатишмоқда. Икки томондаги жанглар қизиб бормоқда.

Мамайнинг лашкарбошиларида безовталиқ кўрина бошлади. Олег билан Ягайло нега кечикишмоқда? Улар Москванинг қаттол душманлари экани маълум.

Узоқ йиллардан бери Рязань ва Москва князлари Русда етакчи ҳукмдор бўлиш учун курашиб келишмоқда. Литва ҳам шу мақсадда Москвага бир неча бор юриш қилган.



Мамай ҳам безовта бўлиб чопарларга Олег билан Ягайло турган Коломнага бориш ва уларга хужум бошлаш буйруғини етказишни тайинлади.

Бу вақтда Рязань князи Олег билан Литва князи Ягайло асосий жанг майдони Кулиководан 115 чақирим масофада бир-бирларига қараб туришар эди. Ягайло иттифоқчисининг ҳаракатларини сира тушунмади. Ахир у, Рязань князи ўз қўшини билан унга келиб қўшилиши ва Москва қўшинига орқадан зарба бериши лозим. Мамай билан шунга келишилган. У нимани кутмоқда? Сира тушуниб бўлмайди.

Аммо Рязань князи чодирда бемалол шахмат сураётган Муртазо Айтак ҳаммасини тушуниб турарди. Унинг гумашталари турли моллар, анвойи ичимликлар ва антиқа буюмлар билан савдони қизитишган. Рязанликлар жанг ўрнига савдо-сотикқа киришиб кетишган.

— Шоҳ! — деди Айтак филни илгари суриб, Олег эса тантанавор от билан филни уриб хитоб қилди.

— Шоҳ ва мот!

Муртазо атайин ютқазиб, шеригини хурсанд қилди. Ҳаммаси кўнгилдагидек бормоқда. Москванинг махфий иттифоқчисига айланган Рязань князи Олег лашкари билан Литва ҳамда Мамай қўшини ўртасида мустаҳкам кўрғон бўлиб турибди.

Москванинг буюк князи буйруғи билан Рязань йўлидан ўтаётганда қўшин ҳеч қандай душманлик ҳаракатига йўл қўймаслик ҳақида кўрсатма олди ва шунга риоя қилди. Мамай ёлғиз қолди. У саркарда нигоҳи билан жанг бой берилганини сездди. Тажрибали лашкарбоши Воевода Дмитрий Михайлович Боброк Волинскийнинг сара полклари жангга кириши билан Мамай чекинишга буйруқ берди. У захирадаги шахсий гвардиясини майдонга ташлашга юраги дов бермади. Мамай уни Олтин Ўрдага қайтиш йўлида Оқ Ўрда хони Тўхтамишнинг катта қўшини кутиб турганини юраги билан сезгандек эди.

Литва князи Ягайло орқасига қайтди. Дмитрий Донской юборган чопар Олег ҳузурига кирганда у ҳамон Муртазо билан шахмат сураб эди.

— Фалаба, буюк князь!

— Ғалаба, ғалаба!

Олег чопарни бағрига маҳкам босганча йиғлаб юборди.

— Рус халос бўлди Ўрдадан!

Лекин бунга ҳали юз йил бор эканлигини ғалабадан маст москвалик ва рязанликлар билмас эди.<sup>1</sup>

## Катта қимизхўрлик Хуросон. 1381 йил баҳори

“Йилқилар сутга кирди. Қимизхўрликни бошлаш пайти келди. Яйловдаги тўлиб етган йилқиларни Хоразм томонга ҳайдаш ва ўша тарафларда қимизхўрлик қилиш учун амр бердим. Мени уруш ҳаракатида эканимни душманга сездирмаслик учун, қўшиннинг кўчишига қимизхўрликни баҳона қилиб қўйган эдим. Шунинг учун Хуросон худудигача бўлган йўлларни оддий юриш билан юриб бордим”.

*Амир Темурнинг “Мен, фотиҳ Темур” қўлёзмасидан<sup>2</sup>*

Улкан лашкар катта қимизхўрликка боришини эшитиб, кайфияти кўтарилди. Оддий сипоҳдан тортиб мингбошию амир-бекларгача барча бўлғуси базм ҳақида гапиради.

Соҳибқирон чодириси эса махфий кенгаш ўзгача мавзуда белгиланди.

— Дунёни забт этиш учун ишни Хуросондан бошламоқ зарур.

Амир Азизуддин қаршисида ўтирган амир Отламишга маънодор кўз қисди. Махфий хизмат бошлиғи эса секин бош ирғади. Соҳибқирон яна сўзида давом этди:

<sup>1</sup> 1380 йилдаги жанг ва унинг оқибатлари ҳамон тарихчилар ўртасида мунозарали фикрлар уйғотгани хусусида муаллиф ўз фикрини эркин ифода этади. Унга ўзининг шахсий муносабатини билдиради.

<sup>2</sup> Бу қўлёзма француз олими Марсел Бреюнинг инглизчадан қилган таржимаси асосида Забихулло Мансурийнинг “Маним Темур жахонкушо” деб номланган форсий таржимасини ўрганиш асосида тадқиқотчи ал-Ҳож Абдурахмон Учқув томонидан тайёрланган. Қўлёзма Якубхўжа томонидан таҳрир қилиниб “Мен, фотиҳ Темур” деб номланган. Қўлёзма 1979 йили тайёрланган.

— Хуросон тупроғидан атир бўйи келармиш. Одамлари эса ё улуг шоир, ё донишманд, ё бўлмаса донгдор полвонлар бўлармиш. Абулқосим Фирдавсий ўзи битган “Шоҳнома”сида соҳибқирон Рустаму соҳибқирон Сухроблар ботирлигини кўп ва хўп мақтаганини ўқиганмен. Сен бунга нима дейсан, Оташий?

Мингбоши либосидаги Муҳаммад Оташий чехрасида истеҳзо ўйнади.

— Бу нобакор шоир сиз айтгандек, ёлгонни кўп ва хўп ёзган. Туронни босқинчи, Эронни эса мудрофаачи қилиб таърифлаган. Эрон паҳлавони Рустамни афсонавий паҳлавон Соҳибқиронвон — Турон полвонларига қирон келтирган ботир сифатида ҳамду санолар битган.

Соҳибқирон қаҳқаҳа отиб кулди. Оташий эса сўзида давом этди.

— Турон султони Маҳмуд Ғазнавий ўз юртини бадном қилган шоир асарини ёқиш ўрнига, унга бир туя кумуш ҳадя этганига ҳайронмен, Соҳибқироним?

— Шоирларга жазо йўқ, Оташий. “Шоҳнома” қандай ёзилганидан қатъи назар, у шоҳ асар. Сену биз бу фоний дунёдан боқийга кетамиз, аммо “Шоҳнома” асрлар оша яшайверади.

Амир Темур бир зум ўйга толди. Сўнг бошини кўтариб, сафдошларига синовчан назар солди.

— Қани, ўша шоирнинг ёзганлари ҳақиқатга қанчалар мослигини синаб кўрмаймизми? Бунга не дейсан, Отламиш?

Маҳфий хизмат бошлиғи тасдиқ ишорасида бош ирғади.

— Тилларда дoston Хуросонлик ботирлар билан ҳали шухрати ёйилмаган самарқандлик полвонларни тажрибадан ўтказсак ёмон бўлмайди, улуг амир.

— Сафаримиз режасини баён қил. Борадиган манзилимиз ҳақида нималарни аниқладинг?

Биринчи нуқтаи назаримиз Нишопур Хуросоннинг энг бой шаҳри. Тингчиларимиз маълумотларига кўра, Нишопурдан кириб чиқадиган карвонлар шарқда Чинга, Мағрибда Румга қадар боришади. Савдогарлари ол-

тинни санаб олсалар ҳам кумуш тангаларни санамай тарозига ташлашади. Нишопур тужжорлари қўлида бўлган ипак моллар шу қадар кўпки, Нишопурдан Самарқандга қадар тўшаса бўлади. Иккинчи нуқта Сабзавор. У ерда уч юз минг киши гилам тўқийди. Сабзавор дунёнинг энг катта гилам тўқиш марказидир.

Амир Отламиш қисқа, равон ва лўнда тарзда ахборот бераркан, Амир Азизуддин Соҳибқироннинг Хуросон томон юришини ҳеч ким билмаслиги, амиру беклар, лашкарбошилар ҳам бехатарлигини ўйлади. Ажабо, Соҳибқирон нега ўз яқин одамларини ҳам тўсатдан ғафлатда қолдиради? Бу, аччиқ тажриба маҳсули. Фақат махфий хизматгина бундан мустасно.

Амир Темур косадаги қимизни қўлига олиб, баланд кўтарди.

— Биродарларим! Келинг, мана шу қадахимизни катта қимизхўрлик учун кўтарайлик!

## **Турон — Эрон беллашуви Қавсия. 1381 йил**

Ҳижрий 782, мелодий 1381 йил март ойида Хуросон юриши бошланди. Лашкар Жайхундан кечиб Андхудга кўр ташлади. Соҳибқирон катта ишни бошлашдан аввал руҳий покланиш ва қувватланиш учун муқаддас жойларни зиёрат қилишини лашкар билади.

Мозорлар, масжиду мадрасалар шайхлари, имом хатиблари ва мударрисларига бой инъому садақалар улашди. Эрта тонгда лашкар Сараҳега яқинлашди. Турон лашкари кўтарган чангу тўзондан Эрон замин титради. Вилоят ҳокими Малик Муҳаммад Соҳибқирон ҳузурига пешвоз чиқиб унга қағъа дарвозалари калитларини топширди. Амир Кўхистоний унга бош ирғаб қўйди.

Соҳибқирон уларнинг кўз уриштиришганини илғади. Бу албатта, махфий хизмат иши.

— Саруполар келтиринг!

Малик Муҳаммадга табриклар ёғилди.

— Вилоят ҳокимлигини ўзинга топширғаймен. Ёрликни келтиринг.

Лашкар йўлида учраган Қавсия қутволи Паҳлавон Маҳдий ҳам шундай йўл тутди ва Соҳибқирон илтифоти-га сазовор бўлди.

— Бу ерда кучли одамлар кўп эмиш, — деди Амир Темур ёнида турган Амир Отламишга маънодор нигоҳ таштаб, — улардан бир нечасини чақиртириб келсангиз. Бир куч синашсам.

Паҳлавон Маҳдий амиру бекларга саволомуз қаради. Кўхистоний бош ирғади.

— Хижолат бўлманг. Менинг қасдим ўзимни бир синаб кўрмоқдур. Эски вақтдаги қувватим ҳали ҳам бормийўқми, билмоқчимен.

Маҳдий бош эгиб қалъа томон кетгач, Амир Азизуддин бош чайқади.

— Бекор қилаяпсиз, амирим. Сиз синовда енгсангиз, улуғлигингиз бир қадар ортмайди. Мабодо, улар енгса, биз хижолат бўламыз.

Амир Темур эғнидаги пўстинни индамай ечди. Чуқур нафас олиб кўкракларини керди.

— Бу Эрон — Турон мусобақаси, Азиз, унутдингми, Фирдавсийни.

Қалъа қутволи ўзи билан икки полвонни эргаштириб келди. Бири кўкраклари кенг, билаклари йўғон, бўйи Амир Темурга баробар. Иккинчиси паканароқ, лекин жуссаси пишиқ, билаклари бўртиб турган.

— Маҳдий, сен ҳакам бўласан. Полвонларингга уқтир. Мени амир деб аяб ўтиришмасин. Панжа мусобақасининг расми шулким, икки рақиб бирининг ўнг ёки чап қўлини эгиб, тиззасига қадар еткизгай, ўша қўли тиззасига тушган одам мағлуб деб эълон қилинади.

Паҳлавонлар бош ирғади. Лашкарбошилар, амиру беклар катта давра ҳосил қилишди. Бу ғаройиб олишув дарагини эшитган шаҳар аҳолиси ҳам улар ортидан жой олишди.

Мана, минглаб нигоҳлар икки рақиб олишувини зўр диққат билан кузатишмоқда.

Паҳлавон Маҳдий мусобақа бошлашга ишора бериши билан икки қўл панжалари бир-бирига туташди. Полвон Соҳибқироннинг қўлини эгиш учун бор кучини ишга солди. Аммо рақибининг қўли темир қозикдек тик турарди. У борган сари қўлидан кучи кетаётганини сизди. Ҳали ҳеч ким унинг панжасига дош беролмаган. Аммо Турон султони унга қараганда кекса бўлса ҳам темирдек метин экан. Бу темирни у букоямаслигини англади.

Полвон чуқур нафас олиб, ҳансирашга тушди. Кейин қўли секин-секин эгилиб тиззасига туша бошлади.

Томошабинлар ўргасида гулгула кўтарилди.

— Офарин!

— Ахсанта, ахсанта!

Полвон рақибининг темирдек панжасидан қутулганидан сўнг чуқур нафас олди.

— Рустами полвон экансиз, улуг амир!

Амир Отламиш Кўҳистонийга, у эса Амир Азизуддинга таажжуб ичра боқди. Чиндан ҳам Соҳибқирон дунёга қайта келган афсонавий Рустам бўлса-чи?

— Баҳодир Соҳибқирони Рустам!

— Ахсанта, ахсанта!

— Яшасин Соҳибқирон!

Иккинчи рақиб Амир Темур олдига келиб бош эгди.

— Йўлдош мендан кучли эди. Модомики шундай экан, сиздан енгилишим муқаррар.

Томошабинлар жунбушга келди. Олқишлар, табриклар кетидан ҳамду санолар...

Амир Темур икки полвонга икки ҳамён олтин ташлади.

— Ҳар қандай меҳнат рағбатлантирилиши лозим.

Полвонлар даврани тарк этишди. Уларни бутун шаҳар аҳолиси кузатиб кетди. Одамлар буюк Турон султони қўли теккан ўз баҳодирини бир нималар деб олқишлашар эди.

## Соҳибқирон иқрори Тайобод қиклоғи. 1381 йил

Тайобод қиклоғида Амир Темур пири Зайниддин Абу Бакр Тайободийни зиёратига борди. Устоз ва шогирд суҳбати ниҳоят самимий ўтди.

— Абдулмансур Темурбек!

Пир уни шундай ном билан улуғлади. Муридининг қалбига қўл солди.

— Пирим, -- деди мурид, — баъзан ўзимни ҳам идора қила олмай қоламен. Бир довондаги жанг сира эсимдан чиқмайди. Икки қўлимда қиличлар тутиб душман билан чопишардим. Назаримда, юртимизни қонга ботирган Чингизхон турарди, қаршимда. Мен унинг Ўтрор, Самарқанд, Урганчдаги қонхўрликларини эсладим. Бир кучимга ўн куч қўшилди. Қани, энди Чингизхон рўпарамга келса эди. Мен унга жанг нималигини кўрсатар эдим.

Абу Бакр Тайободий унинг ҳаяжонли сўзларини сукут ила тинглади. Унинг қарашидан шогирд руҳланиб сўзида давом этди.

— Ўша жангда отим билан қўшилиб барча вужудим қизил қонга бўялди. Бош-оёғим баҳор мавсумининг лозоридаги арғувон гуллар билан безалгандек кўриниб, мени қувонтирди. Ўша ҳолда паҳлавон Рустамдек юз ботирни муқобилимда кўрсам бир лаҳзада ўлдириб ташлар эдим. Демак, ўша ҳолда ҳеч қандай паҳлавон менга бас келолмаслигига инондим. Урушга қизиққаним шу даражада эдики, тамом вужудимни бир-биридан ажратиб ташласалар ҳам оғриқни сезмас эдим. Қаршимда юз минг отлик тўғаноқ бўлса ҳам ўтиб кетишга қудратим борлигини сезардим. Мастоналар каби офтобга қараб, дунёда мен каби яна бир қаҳрамон йўқлигига сен ҳам шаҳодат бера олсанг керак дея шивирладим. Кўзимни очиб қарасам, рўпарамда душмандан асар ҳам қолмабди. Шунда хафа бўлиб қолдим. Нега дейсизми? Чунки уруш тугаб қолибди.

Пир муридининг кўзида порлаган шуъладан сесканиб кетди. У чиндан ҳам Аллоҳ шамшири! Бу шамширга бу дунёда, бу борлиқда ва бу чексиз, ҳудудсиз коинотда ким қарши тура олади? Амир Темурнинг кўксидан эса сўзлар булоқдек отилиб чиқар ва уларнинг сеҳри кекса шайхни жойига михлаб қўяди.

— Ҳолбуки мен жангни яна ва яна давом этишини истар эдим. Қиличим зарбидан йиқилиб интраган фарёдларни эшитгим келарди. Баҳодирлигим ва хунармандлигимни душман кўзидан ўтказиб, уни ҳайратда қолдириб, таҳсин айтишга мажбур бўлишидан лаззатланишни истардим. Мен мазлум Туронни топтаб, уни Чигатоё улусига айлантирган Чингиз ва унинг авлодларини қиличдан ўтказмоқчи эдим.

Пир унга маҳлиё бўлганча тикилиб қолди. Муридига уни яна қайта таниётгандай қаради. Унинг қаршисида ўзи мутлақо билмаган, ўз ваҳми ва важоҳати билан қалбларни ларзага солувчи уруш тангриси турарди.

— Пирим, менга шуни айтнинг, нега баъзилар майхўрлик билан маст бўлишади, соатлаб телбаланишади, сўнг яна хумори тутиб нотавонлашишади. Ахир ақли расо инсон шу заифланиш, нотавонлик, телбаланишга, маст бўлмоққа ихтиёр қиладими? Нега қўлларига қилич олиб майдонга чиқмайди, жанг мастлигини ихтиёр қилмайди?

Шайх Тайободий бу саволга қандай жавоб беришни билмай гаранг эди.

— Пирим, дуо қилинг, мен Табири кули Темурни ажал тўшакда эмас, жанг майдонида кутсин!

Абу Бакр Тайободийнинг нурли кўзида ёш балқиди. У чиндан ҳам Соҳибқирон! Бу дунё ҳали унинг қандай оламғирлигини кўради. Етти иқлим сардорининг шону шуҳрати куёшдек Мағрибдан Машриққача таралгай. Кимнингдир хитоби унинг хаёлини бўлди.

— Ҳирот ҳокими Сабзаворга уруш очибди. Сарбадорлар ёрдамга муҳтож, Соҳибқирон!

Амир Отламишнинг бу хабаридан Амир Темур сергак торғди.

— Пирим, кетишга ижозат беринг!



Абу Бакр Тайободий қаршисида тиз чўккан икки амирга чин юракдан дуои фотиҳа берди.

## Ҳукми ўтмаган ҳоким Ҳирот. 1381 йил

Қамал қилинган шаҳар узра тўлин ой балқиб турибди. Соқчи бўлинма аскарлари гулхан атрофида исинишмоқда. Улар бири олиб, бири қўйиб ўтган кунги воқеаларни шарҳлашади. Ҳирот ҳокими Малик Фиёсиддин гурурга берилиб, Амир Темурнинг содиқ иттифоқчиси Хожа Али Муайяд устига қўшин тортиб, Сабзаворни қамал қилди. Бу билан у Соҳибқирон юзига оёқ босганини билса ҳам такаббурлик ботқоғига ботди. Узоқ йиллар сарбадорлар давлатини бошқарган Хожа Али Муайяд кўнгили равишда Сабзаворни Амир Темурга толширган эди. Эски қадрдони ва сафдоши сифатида унинг ҳукмига давлатини ихтиёрий ҳавола қилди. Соҳибқирон шоҳона илтифот кўрсатиб, унга Сабзавор ҳокимлигини тўхфа қилди. Унинг ихтиёрига ишончли одамлари ва навқарларини қолдирди. Малик Фиёсиддин Амир Темурнинг Сабзаворга зудлик билан от суришини хаёлига ҳам келтирмаган эди. У Соҳибқирон лашкари Сабзаворга ёрдамга жўнагани хабарини олиши биланоқ қамални тўхтатиб, Ҳиротга қайтди. Тунда шаҳарни ўраб олган лашкарга ҳамла қилди. Бу билан у гўё Соҳибқироннинг таслим бўлиш ҳақидаги таклифига жавоб қилгандек эди.

Сарбозлар орасида ўтирган Халил Ясовул соқчи бўлинмага Амир Темурнинг бир ўзи тунда қай тариқа Қарши дарвозасига бориб, уни тақиллатишдан ҳам кўрқмаганини завқланиб гапирди.

— Дадиллик шаҳар олади деб бежиз айтишмаган. Соҳибқирон жасорати унга салтанат келтирди. Мен ҳам жазм қилиб эртага бир жасорат кўрсатайки, ҳамма лол қолсин.

Ўнбоши Жасур кулиб юборди.

— Қаёқдан бундай жасур бўлиб қолдингиз, ясовул жаноблари?

— Мажбурман, ноиложман, Жасурбек. Эртага ё ҳаёт ё мамот дея жангга кираман.

— Салтанатни истайсизми? — кулиб деди баҳодир Ҳаким.

— Йўқ, мингбоши бўлмоқчиман.

Халил кўнгил кўйган қизи Зубайданинг отаси совчисига: “Қизимни кам деганда мингбошига берурман, ясовулни куёв қилмайман”, деганини айтиб берди.

— Иншооллоҳ, Зубайда сеники бўлади.

Соқчилар ўринларидан турдилар. Улар бу дарвеш лашкар суйган машҳур маддоҳ эканини билишади. Унинг ғаройиб қахрамонлик дostonларини кўп эшитишган.

— Ҳаммаси ўзингга боғлиқ, ясовул. Соҳибқирон шижоатни бағоят қадрлайдилар. Эртага шахсан ўзлари ҳужумга бош бўладилар. Чунки бир вақтлар йигитлик чоғларида озгина сипоҳ билан Ҳиротни забт этиб, унга Амир Қазағон муҳрини босган эдилар...

Соқчилар маддоҳ ҳикоясини жон қулоғи билан тинглашар ва ястланиб турган қалъага қараб-қараб кўйишар эди.

Бу вақтда эса Ҳиротнинг ҳашаматли уйларидан бирида савдогарлар кенгашмоқда эдилар. Мезбон Ҳотамбой куюқ дастурхон устида касбдошларига насиҳат қиларди.

— Қўл қовуштириб ўтиришдан фойда йўқ, биролари азишлар. Молимизни, жонимизни ўйласангиз, айтганимни қиласиз. Соҳибқирон сўзда собит ва адолатпарвар.

— Кафолатингиз борми?

Савдогарлар оқсоқолининг бу саволига Ҳотамбой бош ирғади. У кўйнидан чарм халтачани олиб, ичидан кумуш пайсани чиқарди.

— Кўринг, ўқинг, оқсоқол.

— Рости-русти. Куч — адолатда!

— Соҳибқирон муҳри! Муҳри!

Оқсоқол ва савдогарлар ўринларидан туриб, Ҳотамбойга таъзим қилишди.

— Амрингизга мунтазирмиз, хоҷам.

Ҳотамбой уларга Самарқанддан келган ҳужжатни кўрсатди. Унда бундай сўзлар ёзилганди.

— Кимда-ким кўриқлаб турган буржу бораларни ташлаб чиқса, унинг жонига омонлик берилади, кимки мазкур буйруққа хилоф иш тутса, ўзидан кўрсин!

Хотамбой яна бир ҳужжатни кўлига олиб ўқиди:

— Малик Ғиёсиддинга бориб айтингизлар. Ёвлашишни истамаса, ҳузуримизга келсун. Шаҳарни яхшиликча топширсун. Бу бирлан минглаб мўмин-мусулмоннинг молу жони омон қоладур. Шуни унутмасинларким, мусулмонларнинг уволи у бирлан бизнинг зиммамиздадур.

— Баракалло! Ахсанта!

— Ахсанта! Ахсанта!

Савдогарлар енгил нафас олишди. Энди жонлари, моллари омон қолади.

— Бизга, — деди таҳдид ила оқсоқол, — мусулмонлар жонлари ва молларини хатарга кўядиган ҳоким керак эмас.

— Шаҳарда ҳақиқий ҳоким биз!

— Олтину кумушларимиз!

Хотамбой мамнун бош ирғарди. Махфий хизмат бошлигининг режаси амалга ошади.

Ўша тун шаҳар кўча-кўйларида Амир Темурнинг буйруғи кўчирилган варақалар ёништирилди.

Саҳарда Амир Темур ҳужумни бошқариш ва жанг манзарасини кўриш учун келди. Жангчилар ҳисор фасилига етиб боришганининг гувоҳи бўлди, ҳисор фасилига чиққан биринчи сипоҳ Халил ясовулни таниди. Унинг ёнида бирин-кетин пайдо бўлган сипоҳлар мардлигидан мамнун бўлди. Қалъанинг буржу бораларида турган мудофаачилар жойларини бирин-сирин ташлаб кетишлари фармоннинг шаҳар ичида ижроси қабул қилинаётганидан далолат берарди.

Соҳибқирон ҳузурига тез орада асир олинган икки минг мудофаачини олиб келишди. Улар бошларини куйи солганча, ўлимни бўйниларига олиб, Турон султони ҳукмига кулоқ осишди.

— Мен сизларни авф этурмен, — деди Соҳибқирон, — сизлар мардларча жанг қилдингиз.

Асирлар кўзларида умид чақнади.

— Уй-уйларингизга кетаверингизлар. Раиятга етказинг. Кимки ўз уйидан чиқмаса ва қалъа фасилига бормаса, ўзи ва аҳлу аёли омонликда бўлади.

Соҳибқироннинг бу амри ва асирларга кўрсатган марҳамати тезда ўз самарасини берди. Ҳирот ҳокими қанча уринмасин, одамлар тўпланмади. Бирор кимса унинг амрига бўйсунмади.

Малик Фиёсиддин ноилож катта ўглини Искандар Шайхийга қўшиб, Соҳибқирон ҳузурига жўнатди. Улар Амир Темурга итоат айлаб, ўз ҳурматларини билдиришди.

— Маликка айтинг, — деди Соҳибқирон уларга марҳамат кўрсатиб, — ўртамизда қадимдан адоват бўлмаган. Аксинча, дўстлик муносабатлари барқарор бўлиб, қариндошлик билан мустаҳкамланган эди. Бўлиб ўтган воқеа мулк ишлари ва фалак ҳодисалари тақозосига биноан юз берди. Энди тортинмасдан зудлик билан биз томонга келсин.

Вакиллар кетгач, кўп ўтмай Малик Фиёсиддин Ҳирордан чиқиб Боғи Зоғонга келди ва Соҳибқиронга итоат изҳор қилди.

### Тўхтамишнинг хонлик сўзи Москва. 1382 йил

Куликово майдонидаги галабадан сўнг хотиржамликка берилган Дмитрий Донской Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг Москва томон келаётганини эшитиб, саросимага тушди. Тўхтамиш бу Мамай эмас. У кучли ҳукмдор Лашкари ҳам кўп. Нима қилиш керак?

Митрополит Киприан унга маслаҳат берди.

— Переяславлга боринг, ундан Костромага. Аскар тўпланг.

Дмитрий кўпни кўрган бу руҳонийга ишонар эди.

— Москва мудофаасини князь Остейга топшинг.

Дмитрий Донской шундай қилди. Буюк князнинг Москвани тарк этиши аҳолига ёмон таъсир қилди. Тўстўполон бошланди. Боярлар ва савдогарларнинг уйларига

хужум бошланди. Кўча-кўйларда бочкалаб ароклар, ша-  
роблар пайдо бўлди. Москва аҳолиси ичкиликка мубта-  
ло бўлди.

Князь Остей зўр қийинчилик билан кўзғолонни бос-  
тириб, тартиб ўрнатди.

Тўхтамиш Ока дарёсидан кечиб, Москва остонала-  
рида пайдо бўлди. Мўғуллар бой ўлжа илинжида шаҳарга  
хужум бошлашди. Узун нарвонлар деворларга тиркалди.  
Лекин кутилмаган воқеа юз берди. Тепадан куюқ тутун  
ичра гумбурлаган овозлар эшитилди.

Тўфанглар ишга тушган эди. Юзлаб мўғуллар ер тиш-  
лади, ўтсочар тўфанглар овози тинмади.

Тўхтамишхон ҳали бундай қуролга дуч келмаган эди.

— Ҳийла ишлатиш даркор, — деди унинг яқин  
маслаҳатчиси Элийғмиш ўғлон.

Муртазо Айтак унга маънодор боқди.

— Князь Симеонни ишга солиш керак, — давом этди  
Элийғмиш, — уни шаҳарга юбориб, тинч йўл билан тас-  
лим бўлишни таклиф этиш керак. Ўлпон олиб, ортимиз-  
га қайтамыз деб уларни ишонтириш лозим.

Нижний Новгород князи Симеон Кирдяпа Тўхта-  
мишхонга шундай истак билдирди. Аҳолига зарар етказ-  
майсиз. Ўлпон олиб ортга қайтишингизга Куръони кар-  
римни қўлга олиб олт ичасиз.

Тўхтамишнинг қисик кўзларида мудҳиш ўт чақнади.  
Лекин Элийғмиш ўғлоннинг кўз қисишидан хушёр торт-  
ди. Тап тортмасдан олт ичди.

— Бу менинг хонлик сўзим... Бор, Москвага!

Симеон қўлини кўксига қўйиб, чодирдан чиқди.

Тўхтамиш эса Элийғмиш ўғлоннинг ахборотини  
тинглади.

Нижний Новгород Кирдяпанинг отаси — Суздаль  
князи Дмитрий Константиновичга қарашли эди. У ўли-  
мидан бироз олдин ўгли Симеонга уни мерос сифати-  
да хатлаб берган эди. Бу қарорини тасдиқлаш учун Симе-  
онни Олтин Ўрдага ёрлиқ олишга юборди. Дмитриининг  
укаси Городец князи Борис ҳам ўрдага бориб, хондан  
ана шу шаҳарга эгалик ёрлиғини беришни сўради. Борис  
катта пора эвазига Олтин Ўрда хонидан ёрлиқни олди.

Симеон эса адолат истаб Москвага, опаси Евдокиянинг эри Дмитрий Донской хузурига келди. У Борисга қарши кўшин тортиб, Нижний Новгородни Симеонга олиб берди. Аммо бир йилдан сўнг Борис яна хон ёрлигини олиб шаҳарни эгаллади. Симеон эса яна қувғинга учради. У нажот истаб Олтин Ўрда хони хузурига келди.

— Князь сиздан ёрлик олишни ўйлаяпти, марҳаматли хон.

Тўхтамиш мийиғида кулиб қўйди.

Москва мудофааси раҳбари князь Остей хоч ўпиб қасам ичган Кирдяпага ишониб, дарвозани очди. Бир гуруҳ боярлар қимматбаҳо тортиқлар билан Тўхтамиш истиқболлига чиқди. Хонлик сўзига, князь Кирдяпа қасамига ишониб, шаҳарни мўғулларга топширди.

Тўхтамиш ўзининг нечоғли олчоқ хонлигини кўрсатди Чингизийлар бобокалонлари Чингизхондан ўрнак олиб, ваъдаларига сира вафо қилмас эдилар. Олтин Ўрда отлиқлари ва сипоҳлар дуч келган одамларни чоғиб, мисли кўрилмаган ваҳшийликлар қилишди. Москва обдан таланиб, ўт-аланга ичида қолди.

— Мен нима деган одам бўлдим?

Князь Симеон Кирдяпа шундай дея ўкириб йиғлади Муртазо Айтак унга тасалли берди.

— Тўхтамиш қандоқлигини билдинг, князь. Сен кимга хизмат қилишни ўрган.

— Кимга хизмат қилай? Кимга?

— Соҳибқирон Амир Темурга, князь. Фақат ўшагина инсон қадрини билади. Мен унинг одамиман.

Симеон кўз ёшларини артиб чуқур хўрсинди. Атрофда эса тантана.

Олтин Ўрда лашкари олган ўлжалари ва асирлар шунчалар кўп эдики, уларни ортиш ва боғлашга ҳам арқон етишмай қолди.

Тўхтамиш йўл-йўлакай Владимир, Звенигород, Можайск, Волок, Переяславль шаҳарларини ҳам талади. У рус князларига яна итоат ҳалқасини осди.

Дмитрий Донской мўғул ҳукмронлигини яна тан олишга мажбур бўлди. Ўғли Василийни Олтин Ўрда пойтахти Барку Саройга гаровга жўнатди.

## Қилич ва кафан Эрон. Калот қалъаси. 1382 йил

Амир Отламиш Сабзавордан келган чопардан муҳим хабар олди. Калот вилояти ҳокими Алибек Курбоний билан Мозандарон ҳокими Амир Вали бир-бири билан иттифоқдош бўлиб Сабзаворга лашкар тортишибди. Сарбадорлар раҳбари хожа Али Муайяд ана шу ахборотни етказиш учун содиқ навкарини чопарликка юборибди. Амир Отламиш ўз одамлари билан кенгашди. Алибек билан Валининг иккиюзламачи ва олчқлиги уларга маълум эди.

Бу хабар Амир Темурнинг қулоғига етган бўлса ҳам у зудлик ила чора кўришдан узоқ эди. Чунки унинг севимли қизи Оқа бегим тўсатдан вафот этгани Соҳибқиронни қаттиқ изтиробга солган ва у салтанат ишларига ҳам қўл силтаб, узлатга чекинган эди.

Амир Отламиш, Амир Азизуддин, Муҳаммад Оташий кенгашиб, Соҳибқироннинг опаси — катта бону Кутлуғ Туркон офони ишга солишга қарор қилишди.

Амирлар арзини тинглаган бу улуг аёл инисининг ҳузурига бориб, унга вазиятни тушунтирди.

— Агар бу ғусса ва кўнгил ҳасратлари билан тўлган воқеани тузатиб бўлсайди ҳамда дўст-яқинлардан айрилиш заҳрига қарши улар тарёк бўла олсайди, бир навъ жоиз бўларди. Бу оғир мусибатда ва зўр кулфатда сабру таслимдан ўзга чора йўқ. Шундай бўлгач, шарафли хотирларни ғам билан эзмоклик, дилни ғуссага тўлдирмоклик, подшоҳлигу салтанат ишларига халал етадиган ва душманларга фурсат яратадиган даражада мамлакату давлат ишларидан қўл тортмоклик — ақлдан эмасдур. Мамлакат ишларининг тадбирига машғул бўлиш керак ва ҳар томондаги душманларнинг адабини бериш лозим.

Опасининг бу насиҳатлари Соҳибқиронни сергаклантирди. Ўша кун у давлати арконни тушлик машваратга чорлади.

Машварат бир овоздан Алибек ва Вали исёнини бос-тиришга қарор қилди. Юриш режаси ҳам баён қилинди. Ҳамма жой-жойига тарқагач, Амир Темур ишораси билан махфий хизмат ходимлари унинг ҳузурда ҳозир бўлишди.

— Ҳозирги режа ҳақида овоза тарқатингиз. Амир Валига қарши юриш ҳақида.

Соҳибқирон Амир Азизуддинга нигоҳ ташлади.

— Туркман чўли эсингдами, Алибекнинг зиндонда 62 кун ётган эдик. Энди қасос олиш муддати етди. У ҳозир қаерда?

Муҳаммад Оташий жавоб берди.

— Алибек барча бойликларини Калот қалъасига яшириб, ўз аъёнлари билан ўша ерга қамалган. Теварак-атрофдаги аҳолини ҳам қалъага кўчирган.

— Унга бизнинг Мозандаронга, Амир Валибекка қарши юришимиз ҳақидаги режамизни ётказиш чорасини кўринглар.

— Демак, биз Калотга юрамиз, — деди Амир Отламиш.

— Ҳа, — деди Соҳибқирон, — бу сирни бирон амир, бирон саркарда билмасун. Ҳатто вазири аъзам Муҳаммад Довуд ҳам.

— Калот қалъаси хусусида, — давом этди Соҳибқирон, — барча маълумотларни тўпланг.

Амир Отламиш оҳиста жавоб қилди.

— Бизда маълумотлар етарли, улуғ амир. Теварак-атрофдаги вазият хусусида ҳам. Калотдаги тингчиларимиз Алибек аъёнлари орасида ҳам иш кўрмоқда.

— Мингбоши Ёндондан қандай хабарлар бор?

— У Тўхтамишхоннинг бизга нисбатан ғаразли ниятлари борлигидан хабар берди. Мўғулистон хони Қамариддин билан тил бириктириб, Мовароуннаҳрга босқинни режалаштирибди.

Хабарлар бир-биридан ташвишли эди. Соҳибқирон ўйга чўмди. Калот мустаҳкам қалъа. Уни узоқ муддатли қамал урушларисиз олиб бўлмайди. Нотаниш, қорли сўқмоқлардан ўтиш ҳам хатарли. Улар пистирмалар, тузоқлар учун қулай.



Амир Темур лашкари Мозандарон эмас, балки Калотга боришаётганини ярим йўлдагина билиб қолишди.

Алибек учун эса қалъа яқинида Соҳибқироннинг пайдо бўлиши сира қутилмаган воқеа бўлди. Унинг айғоқчилари топиб келтирган хабар ҳам қизиқ эди.

— Мозандарон деб адашиб, бу ерга келиб қолибмиз, ҳазрат Соҳибқирон чекинишни буюрдилар. Жарчилар шундай дейишди.

Алибекка жон кирди. Катта шодиёна бошланди. Карнай-сурнайлар чалиниб, ноғоралар гумбурлади. Қалъадаги қўшин бошлиқлари чекинаётган душманни таъқиб этишга қарор қилишди.

Улар отлиқ-пиёда бўлиб қалъа дарвозасидан чиқиб, бир фарсах масофада турган отлиқларни кўришди. Улар тахминан беш юзтача эди. Бой ўлжа илинжида улар томонга юришди. Отлиқлар эса чекина бошлади. Алибек қўшини уларни қувиб кетди. Бир ярим фарсахдан сўнг таъқибчилардан ўлжаларга айланишганини сезишди. Пистирмаларга қўйилган камончилар ўқлари нишонларга беҳато ура бошлади. Сўнг навбат отлиқларга келди. Жуда санокли одамгина қалъага етиб келди.

Оқшом тушганда қалъа чор атрофдан саноксиз лашкар билан қуршаб олинди. Алибек Жониқурбоний аҳвол жиддийлигини англаб, ҳийла ишлатишга қарор қилди ва ўз режасини баён этди.

Соҳибқирон ҳузурига келган элчини диққат билан тинглади. Алибек юборган мактубни ўқиди.

— Мен ўзимнинг ёмон қилмишларимдан уятлиман, лекин дарҳол бориб остона ўпишга дадиллик қилолмай турибмен. Бироқ агар ҳазрат Амир Соҳибқирон озроқ киши билан яқинроқ келсалар, оёқларини ўпиб, ўтмиш гуноҳларим учун узр сўрайман.

Алибек хат охирида уруш ҳаракатларини тўхтатиш ва аҳдномани имзолаш учун Соҳибқирон беш йигити билан Чуқур дара тарафдаги дарвоза ёнига боришни, ўзи ҳам беш йигити билан ўша жойга келажагини ҳам баён этган эди. Сулҳ ўша ерда имзоланадиган экан.

Соҳибқирон бу таклифга розилик билдирди ва шартнома лойиҳасини тузиш учун ўз элчисини унинг элчисига қўшиб, қалъа ичкарасига жўнатди.

Амир Азизуддин Соҳибқирон ёнига бир туркман навкарини олиб кирди. Бу навкар унинг хизматидаги одам эканини айтиб, у Алибекнинг махфий режасидан хабардорлигини айтди. Алибек ўз амалдорлари билан кенгашганда айтган гапларнинг барчасини айнан баён этди.

Махфий даракчи Алибек Чуқур дара атрофига пистирмалар қўйгани ва у ердаги камончилар Соҳибқирон ва унинг ҳамроҳларини ўлдириш ниятида эканлигини ҳам маълум қилди.

Соҳибқирон ўзининг махфий хизматиغا Чуқур дара пистирмаларини йўқ қилишни буюриб, ўзи белгиланган вақтда беш отлик билан ҳисор дарвозаси томон жўнади. Воқеаларнинг кейинги ривожини муаррих Низомиддин Шомий тарихга шундай битиб қолдирган:

“У йўл тор бўлиб, қўрқинчли дарадан ўтарди. Фитначилар ифлос нафси ва хиёнаткор табиатиға мувофиқ бевафолик ва маккорлик қилиш андишасида бўлиб, бир неча юз одамни пистирмаларда қолдирган эдилар. Улар билмадиларки, “Кимки ўз аҳдини бузса, бас, у фақат ўз зиёнига бўлур”. Улуғ тангри Амир Соҳибқиронни ўз паноҳида сақлаб, ҳимоя қилди“.

*Ҳар бир кишини сақласа парвардигор,  
Ўргимчак тўри бўлғай эшикда парда.*

Душманларга қулай фурсат топилмади ва у Аллоҳнинг паноҳида саломат ўз жойига қайтди.

Ёвуз нияти фош бўлган Алибекни саркарда Шайх Али қилич ва кафан билан Соҳибқирон ҳузурига олиб келди. Уч марта душманлик йўлига кириб Амир Темурга кўп талафот етказган Алибекни Соҳибқирон авф этди ва ўз мулозимлари сафига қўшди.

## Душман эътирофи ва Соҳибқирон ҳиммати Сеистон. 1383 йил

Соҳибқирон чодирода махфий кенгаш борарди. Унда жуда озчилик ҳарбий вазир Маҳмуд Шаҳобиддин, ташқи тингбоши (ташқи разведка) Амир Отламиш, ички тингбоши (контрразведка) Маъсуд Кўхистонийдан бошқа ҳеч ким йўқлиги ҳам кенгашнинг ғоят махфийлигидан далолат берарди.

— Сеистон ҳукмдори Малик Кутбиддин элик минг лашкар билан Хуросонга босқинчилик қилмоқчи.

Вазир Шаҳобиддин Соҳибқирон чехрасига бир зум чўккан ғуборни кўриб, сўзида давом этди.

Агар у Хиротни босса, Мовароуннаҳрга катта хавф туғилади.

— Таклифингиз?

— Мовароуннаҳрга Амир Сулаймоншоҳ ва Аббос Баҳодирни ўз туманлари билан жўнатиш лозим.

Соҳибқирон савол назари билан Амир Отламишга қаради.

— Тўғри. Гармсир ва Сабзаворда ҳам нотинчлик, — деди у қўлидаги қоғозга қараб, — Сабзавор ҳокими Шайх Довуд фитна йўлига кирибди. Сеистон ҳукмдори сизга қарши ҳийла ишлатиш ниятида. У ҳозир биз қамал қилган Зуранж қалъасида кенгаш қилмоқда. Менинг одамим ўша кенгашда қатнашмоқда. Бугун ундан ахборот оламан.

Маъсудбек унга кўшимча қилди.

— Олган хабаримга кўра, Сеистонлик бир мерган сизга, улуғ амир, суиқасд қилиш учун шу Зуранж қалъасида тайёрланмоқда.

Соҳибқирон ўнг қўли билан оёғида оғриқ сизди. Бу ўша, Сеистонда бундан йигирма йил аввал бўлган жангдаги захмлар асорати. Тошкентда Мош табиб қўлида даволанганда унинг айтган сўзлари ёдида тушди.

— Зўриққанингизда ва толиққанингизда оғриқ яна бошланишини сира унутманг, Темурбек.

Амир Азизуддиннинг кириб келиши билан кенгаш тугади. Соҳибқирон ҳамма чиқиб кетгач, унга сўз қотди.

— Яна қандай шум хабар?

— Ташқарига чиқайлик, дўстим.

Амир Темур болалик дўсти, уни неча бор ўлимдан қутқарган бу амирнинг сўзларини сира ерда қолдирмаган. Унга бутун бошли махфий хизматни бошқаришни ишониб топширган.

Улар баланд қум тепаликка кўтарилишди. Бу тепаликдан Зуранж қалъаси кафтдек яққол кўзга ташланарди.

— Иш жуда жиддий, Темурбек.

Амир Азизуддиннинг сўзларини диққат билан тинглаган Соҳибқирон у ишлаб чиққан режага ўз қўшимчаларини киритди.

Тун қоронғусида мукамал қуролланган икки минг аскар пистирмага қўйилди. Саҳарда эса Муҳаммад Султон бошчилигидаги авонгор қисм қалъа томон йўл олди. У режага мувофиқ жанг вақтида чекиниши ва душманларни пистирмагача олиб бориши лозим. Режа шундай эди.

Муҳаммад Султон қўшини озлигини кузатиб турган қалъа мудофаачилари дарвозани очдилар. Улар саф-саф тизилиб олға ташландилар. Икки ўртада шиддатли жанг бошланди. Муҳаммад Султон аскарлари астойдил урушдилар ва аста чекина бошладилар. Буни кўрган сеистонликлар ҳужумни кучайтирдилар, қалъадан яна кўплаб отлик ва пиддалар чиқа бошлади. Пистирмага келган Муҳаммад Султон жангчиларига душманга қарши кескин бурилишни буюрди. Пистирмадаги камончилар ишга тушишди. Минглаб ўқлар таъқибчилар устига дўлдек ёғилиб, улар сафи тутдек тўкилди. Оқшомгача чўзилган жанг сеистонликлар мағлубияти билан яқунланди. Улардан санокли кишилар қалъага чекиниб, жонларини омон сақлашди.

Амир Темур лашқари белгиланган жой қумтепалик ортида гулханлар ёқишиб, кечки овқатга унашди.

— Биз галабани нишонлаймиз, — деди Жоку барлос, — навқарларга рухсат берсангиз, Соҳибқирон.

— Йўқ, — деди қатъий оҳангда Амир Азизуддин, — душман худди шуни пойламоқда. Биз эртанги жангга жиддий таралдуд кўришимиз лозим.

Соҳибқирон бош ирғади ва барча саркардаларини машваратга чорлади ҳамда аниқ фармон берди:

— Мен лашкарнинг қул қисмини ўзимга оламен. Амирзода Мироншоҳ ўнг қанотнинг манғлоји, Хожа Сайфулдин ва Оқ Буға унинг ихтиёрида бўлади. Чап қанотга Амир Сари Буға ва Оллоҳдод жавобгар. Шай туринглар.

Чиндан ҳам кўп ўтмай қалъадан ўн мингдан ортиқ суворийлар чиқиб, улар устига от қўйишди. Аммо улар маст-аласт кўшинни эмас, балки шай турган сергак лашкар қаршисидан чиқишди. Улардан ҳеч ким қалъага омон қайтмади.

Тонг отгач қалъа дарвозалари ланг очилиб, улардан ўн икки отлик аста чиқди. Уларнинг қўлида оқ туғ — таслим бўлиш белгиси ҳилпиради. Улар Амир Темур турган жойга йигирма қадамча қолганда отдан тушдилар. Малик Қутбиддин Сеистоннинг совға-саломлари ва уч йиллик хирожини Соҳибқирон олдига тўкди.

— Биз осий бандаларнинг жону молидан ўтинг, Соҳибқирон. Сеистон ва унинг халқи қадамларингизга мунтазир.

У шундай дея оти тарафига юрди. Мулозимлари эса қуллуқ қилганча Соҳибқирон олдида қолдилар. Малик Қутбиддин қалъа ичкарасига кириб, кўздан ғойиб бўлди.

— Шоҳимиз сизни кутгани раиятга кўрсатма беришга кетдилар.

Мулозимлар орасидаги кекса амалдор шундай дея оқ туғни баланд кўгарди. Шу заҳоти қалъадан беҳисоб отлиқлар оқими селдек ёпирилди.

Малик Қутбиддин режаси бўйича улар Соҳибқиронни доғда қолдирмоқчи эдилар. Аммо улар махфий хизмат қудратини унутган эдилар. Ҳазаб отига минган Соҳибқирон икки қиличини яланғочлаб, уларнинг ўртасига ўзини урди. Душман худди шунни кутиб турганди. Шу пайт ўқ товуши эшитилди. Мерган отган ўқ Соҳибқирон отига тегиб, эгасини ерга ағдарди. Зудлик билан етиб келган танмахрамлирдан бири Соҳибқиронни кўтариб олди. Амир Темурни мўлжаллаб мерган отган ўқ унинг кўксига қадалди.

Танмахрамлар куршовга олган Соҳибқирон отга минди. Ўқлар унинг ёнидаги танмахрамларни бирин-кетин отдан ағдара бошлади. Қалъага бостириб кирган аскарлар уларга ўқ ёғдираётган мерганларни топдилар.

Соҳибқирон қўллари боғланган камончиларни диққат билан кўздан кечирди. Улардан бири унинг диққатини ўзига жалб этди. Чўзиқ юз, нигоҳлари совуқ. Негадир оёқларига оғриқ кирди. Ўша бундан йитирма йил муқаддам унга ўқ узиб яралаган камончини эслади, ўшанга ўхшаб кетади. Камончи ҳам Соҳибқиронга тикилганча сўз қотди.

— Ҳа, бу мен. Таниганимни сездинг, ўшанда сени ўлдиролмаганимдан афсусланамен.

— Агар мен сенинг қўлингга тушганимда нима қилардинг? — сўради Соҳибқирон.

— Тап тортмай ўлдираддим, — жавоб қилди камончи.

Ясовулбоши Халил қиличини қинидан суғурди. Аммо Соҳибқирон уни тўхтатди.

— Бу ифлоснинг қонига ҳалол қиличингни булғама, қўлини ечинглар.

Банди эса бақрайганча сўзида давом этди.

— Ўлдиравер мени. Аяб ўтирма.

Соҳибқирон унга қараб қўл силкиди.

— Кетавер, тўрт томонинг қибла.

Барча ажабланиб Амир Темурга қараб қолди.

— Нақадар марҳаматлисиз, Соҳибқирон, — деди Маъсудбек нафратли нигоҳини бандидан узмай ва ясовулбошига кўз қирини ташлади, — кузатиб қўйинг уни.

Ясовулбоши махфий хизмат сардорининг имосини тушуниб бош ирғади. Кутилмаган озодликдан гангиб қолган банди индамай йўлга тушди. Одамлар кўзидан нари кетишгач, ясовулбоши уни чошиб ташлади.

Лашкар эса ғалаба гуруридан маст ҳолда тантана қиларди. Соҳибқирон ҳам мамнун, лекин бу ғалаба кетидан келаётган жудалик ситамидан ўртанарди. Шу йилнинг ўзида унинг сеvimли опаси Қутлуғ Турқон оғо билан садокатли ёри, доимо у билан сафарларда от миниб ва қилич чопадиган Дилшод оғо вафот этди. Болалиқдан бирга ўсган жанговар сафдоши Жоку барлос ҳам дунёдан ўтди.

Бахт ва кулфат, муҳаббат ва хиёнат, висол ва жудалик ҳам доимо у билан ёнма-ён юради.

## Москванинг махфий жосуси

Москванинг буюк князи Василий Дмитриевич ва унинг яқин мулозими — ташқи ишлар раҳбари Тютчев ўртасида бўлиб ўтган суҳбат Амир Темур ҳақида бўлди.

— Темур ҳозир узоқда сафарда эмиш. Унга диққатни кучайтириш лозим. У ахир Олтин Ўрда орқасида. Ўрданинг қудрати ҳам, заифлиги ҳам унга боғлиқ.

— У ерларда одамларим бор. Вақти-вақти билан бизни вазиятдан хабардор қилиб туришади.

— Қандай одамлар?

— Ҳунармандлар, савдогарлар. Улар Гурганжда, Бухорода ва ҳатто Самарқандда ҳам яшайди. Ахборотларни эса Гурганж орқали юборишади. У ерда савдогарларимиз бор.

— Урушлар, исёнлар ва бошқалар ҳақида маълумотларимиз етарли. Аммо Темур элининг тафаккури ва фикрлаш тарзи қандай? Нега улар жанг қилишади ва нималарга интилишади? Уларнинг ички ва ташқи дунёси қандай?

— Нега бўларди, ўлжа учун-да. Халқ эса мўмин-қобил. Уларнинг барча айтганларига бўйсунди.

— Йўқ, мен боғдан келсам, сен тоғдан келаяпсан. Халқ бунёдкорликда кўринади. Унинг яратувчанлиги борми?

— Ҳа. Савдогарларимиз катта қурилишлар ва янги боғлар ҳақида гапиришди.

— Мен худди шуни гапираяпман сенга. У ёқларга одамларимизни юбориш керак. Темур юрти одамларининг тафаккурини билиб келишсин.

— Бундай одамларни топишнинг ўзи бўлмайди.

— Топ. Уларнинг тилини тушунадиган ва биладиган, қалбларига қўл солиб, ақлу идроклари, билиму тафаккурларини, ўй-мақсадларини англай оладиган кишиларни жўнат у ерга!

— Савдогарларимиз орасида бундайлар йўқ, давлатпаноҳ. Улар тилни билишади, лекин китоб ўқишмайди. Китобсеварлар топилади, аммо чет тилларни билишмайди.

— Сен уларни савдогарлар орасидан эмас, балки зо-  
дагонлар, боярлар хонадонларидан изла. Монастирлар  
хужраларидан ҳам ахтариб кўр.

— Монастирлардан дейсизми? Қизиқ, шу нарса хаё-  
лимга келмабди.

— Қидир, қидир. Тютчев. Тезроқ! Бир эмас, бир не-  
часини. Битгаси қоқилади, бошқаси етиб боради. Бош-  
қаси яна узоқроққа етади. У жойларнинг табиати биз-  
га қоронғи. Кимки топширигимизни бажара олса, унга  
шон-шарафлар! Тезроқ ўйла ва топ! Улар идрокли ва жа-  
сур бўлишсин! Темур ўлкасига юбориш учун энг зўрла-  
рини танла!

Князь Василий шундай дея боярлар ўтирган кичик  
палата томон юрди, унинг ёдига Барку Саройда ўтган  
йиллар, турли эллардан келган кишилар билан суҳбатлар  
ва Олтин Ўрда амалдорлари билан учрашувлар тушди.  
Биринчи бор Олтин Ўрдага борган кун унинг сира эси-  
дан чиқмайди.

Ботухон даврида Олтин Ўрда пойтахти Волга ирмоғи  
Оқтўба соҳилида эди. Ботухоннинг укаси Барку (Берке)  
эса Оқтўбанинг олд яланглигида янги шаҳар қурди. Ўзбек-  
хон эса пойтахтини худди шу Барку шаҳрига кўчирди. Чун-  
ки Барку Сарой Мўғулистон, Хитой, Ҳиндистон, Эронга  
борадиган, иккинчи тарафдан эса Крим, Ўртаер денгизи  
ва гарбий Европага элтадиган йўл ёқасида жойлашган эди.  
Бу шаҳарда яшаган кезлари Василий унинг деворлари, тў-  
сиқлари, хандақлари мутлақо кўринмаганидан гоят ажаб-  
ланган эди. Мағрур Жўжи улусининг пойтахти кони фой-  
да келтирувчи қулай манзилдан ярим дунё билан алоқа  
ўрнатган пойтахт чегараси, маркази қаерда эканлигини  
илгаш қийин, чунки Барку Сарой деворлари билан ўрал-  
маган. Мўғуллар такаббуруна нигоҳ билан қўшниларига ўз  
қудратларини кўз-кўз қилмоқчи бўлгандек, биз ҳеч ким-  
дан қўрқмаймиз, ҳеч бир лашкар олдимизга келолмайди,  
дегандек туюларди. Пойтахт аҳолиси юз йиллардан бери  
ташқи мудофаа деворисиз яшаб келади. Улар душман от-  
лиқлари туёғи пойтахт остонасига тегишини хаёлларига  
ҳам келтиришмайди, ҳамма бу ерга ўйлаб қадам босади.  
Чингиз авлоди пойтахтига бош уриб келишади.



Шаҳарда анҳор, қўл ё қудуқ суви ҳам йўқ. Сувни Оқ-тўбадан араваларда катта хумларда келтиришади. Пойтахтнинг ҳар кўчасида катта бозор учрайди. Бу ерда ҳамма нарса сотилади ва харид қилинади. Карвонсаройлар доимо одамлар билан гавжум. Мағрибдан Машриққа-ча бўлган ерлардан келган савдогарлар Барқу Саройдан сира аримайди. Бозорлардаги энг мўл мол — бу қуллар эди. Шаҳар гўё қуллар омборини эслатади. Зотан ана шу қул савдосидан тушган мўмай даромад Олтин Ўрда хазинасини доимо тўлдириб туради. Шу ердан олиб кетиладиган қуллар Қрим, Генуя, Венеция бозорларида сотилади.

Барқу Саройнинг жанубий чеккасида славян қуллар яшайдиган даҳа жойлашган. Улар ертўлаларда яшашади. Улкан қул савдоси қизийдиган шаҳардан озмунча қул ўзга ўлкаларга олиб кетилмаганми? Уларнинг кўпчилиги рус йиғит-қизлари эди.

Василий чуқур хўрсинди. Отаси Дмитрий Донской бутун умрини Русни қуликдан халос этишга қаратган эди.

Рус қуллари қаерларга ҳам олиб кетилмаган дейсиз? Хитой пойтахти Хонбалиқдаги хон хизматида турувчи бутун бир полк ана шу руслардан иборат. Князь Василий Миср султонида ҳам минглаб руслар хизмат қилишини эшитган.

Оқшом чўкканида унинг хузурига Тютчев шоғилиб кирди.

— Темур ўлкасига юбориладиган биринчи одамни топдим.

— Ким у? — қизиқиб сўради Василий, — ким экан у жасоратга шай зот?

— Туғишган укам, давлатпаноҳ. Троицада яшайди. Чет тилларни биледи. Иродали. Москва учун ҳар қандай жасоратга шай.

— Оти нима?

— Елизарий Тютчев.

Князь Василий ўзининг содиқ хуфия ишлари сардорини маҳкам қучоқлади.

— Раҳмат сенга, биродар. Бу фидокорлигингни мен ҳам, Москва ҳам сира унугмайди.

Василий унинг кўзларига тик боқди.

— Уканг Темур ўлкасида абадий қолишига тайёрми-сан? Унинг вазифаси оғир — жон ва умр талаб қилади.

— Тайёрман, давлатпаноҳ.

— Бўлмаса, эртага уни хузуримга чорла. Энди иккимиз унинг учун умрбод ибодат қиламиз.

## **Султон Муруднинг сўнги жанги ёхуд Амир Отламишнинг махфий топшириғи Косово майдони. 1389 йил**

Болқон ярим оролида кучайиб бораётган Усманийлар салтанати хусусида Амир Темур кўп хабарлар олди. Ана шу салтанатда ўз одамлари бўлиши кераклигини у яхши тушунди.

\* \* \*

Усмон султони Муруд ўғиллари — Ёқуб ва Боязидга васият қилди.

— Ҳеч қачон ота юртингиз Мовароуннаҳрга қилич кўтарманг. Билинг, биз бола турклармиз. Турон — Мовароуннаҳр эса ота турклар макони. Отага бош кўтарганинг косаси оқармайди ва ўзи ҳам ҳалок бўлади.

— Уқдик, ота.

Шаҳзодалар, бошдан оёқ совут зирх либосдаги Ёқуб ва Боязид бараварига шундай хитоб қилишди.

-- Бу жангда ҳалок бўлсам, юрагимни қоним тўкилган жойга кўмиб кетинглар.

Усмон набираси даҳшатли Муруд, фотиҳ Султон Муруддан бундай гапларни эшитиш ғалати эди.

— Бобокалонингиз Усмон қилич ва ақл билан яратган салтанатни эса Боязидга қолдираман.

Султон Муруд кўзида ҳасад ўти чақнаб кетган кичик ўғли Ёқуб ҳолатини сезиб, сўзида давом этди.

— Чунки Боязид менинг маслаҳатимга кулоқ осиб, Турон қизи Давлат хотунга уйланган. Уни Турон ботирлари руҳи кўллаб-қувватлагай. У Усмон султонлиги шуҳратини давом эттиришига ишонаман. Энди, жанг олди-дан ёнимга чўкка тушинг. Бобокалонларимиз руҳига бағишлаб тиловат қиламиз.

Султон Мурод ҳам пастга, гиламга тушиб, фарзандлари ёнига чўккалади. Узундан-узоқ тиловат қилди.

— Эй Аллоҳим! Насронийлар устидан ғалаба қилишимизга мадад бер! Майли, шу ғалаба учун менинг қоним тўкила қолсин. Омин, Аллоҳу Акбар!

Фотиҳадан сўнг Султон Мурод фарзандлари кўзларида қалққан ёшни кўрди.

— Ота!

Боязид қалбидан отилган нидо кекса саркардани ҳаяжонга солди. У ич-ичидан ўз фарзандларидан хурсанд бўлди. Улар бошқа шахзодалар каби тахт талашиб, бир-бирига қилич кўтармайди.

— Қарорим қатъий, Боязид, султон ўғлим!

Саф тортиб ўз ҳукмдорлари амрини кутиб турган турклар шодон хитоблар билан ўзлари билган ва севган саркардаларини олқишладилар.

— Болаларим!

Султон Муроднинг бу хитоби бутун майдонни босиб кетди.

— Бугун юртимиз тақдири учун, ота-оналарингиз, фарзандларингиз учун жанг қиласиз. Ҳаммага ҳам уйга қайтиш насиб этмас. Лекин шаҳид бўлганлар Аллоҳ даргоҳига ёруғ юз билан боради.

— Аллоҳ биз билан!

— Биз билан!

Лашкар ҳайқирғига улар қаршисида жанговар сафланган серблар қичқириклари жўр бўлди.

— Авлиё Георгий биз билан!

— Авлиё Денис мададкор!

Султон Муроднинг кўзлари серблар қироли Лазарнинг қаҳрли нигоҳига дуч келди. Мусулмонлар султони билан насронийлар қироли бу жанг иккиси учун ҳам сўнги жанг эканлигини билиб туришар эди.

Турк лашкари сафларидан бир неча дарвеш олдинга чиқди. Уларнинг сардори Маддох Оташийнинг янгроқ овози эшитилди.

— Маккада Муҳаммад, Туркистонда Аҳмад! Сизга мурожаат этамиз.

*Эй қоронғу кечани шамъи шабистон этгон,  
Бир лаҳзада оламни гулистон этгон,  
Бас, мушкул ишим тушибдур, осон этгил,  
Эй барчанинг мушкулин осон этгон.*

Барча кўзларини кўкка тикканча фотиҳага кўл очди. Бениҳоя руҳланиб кетган турк лашкари ҳаракатга келган серблар томон от сурди. Бу жанг интиҳосини фақат Болқон эмас, балки бутун Европа нафас ютиб кутмоқда эди. Чунки бу мухорабада насронийлар дунёси билан мусулмон дунёси тўқнашмоқда эди. Осиё ҳарбий санъати билан Европа ҳарбий санъати тўқнашмоқда эди.

Сербия қироли жангари Лазарнинг саркардалик маҳорати Султон Муродникидан сира қолишмайди. Унинг ўғли Стефан эса сербларнинг севикли шунқори эди.

Икки томон шер билан йўлбарс олишувини эслатмоқда. Ким зўр чиқади? Шерми ё йўлбарс?

Қиличларнинг жангир-жунгури, отларнинг ваҳший кишнаши, ярадорлар фарёди бир-бирига айқаш-уйқаш бўлиб кетган.

Туркларнинг бош кўмондони мухорабани назорати учун қулай жойда жанг манзарасини кузатар эди. Ўз умри давомида у неча бор душман билан қиличлашган, неча неча каллаларни учирган бу кўлларни. Аммо энди ким зўр чиқади? Бу кўллар навқирон ёшлик давридагидек бақувват эмас. Султон Мурод биринчи бор қиличини қиндан чиқармади. Шаҳзодаларнинг қатъий илтимоси билан жангга кирмади. Унинг ўрнига Боязид жангга кирган.

У серблар тўдасига арслондек ташланган. Аллоҳ унга беқиёс қудрат ато этган.

Фарзанди камолидан фахр туйғуси кекса саркарда қалбини қитиқлаб ўтди. Шогирдлари ҳам чакана эмас. Му- сулмонликни қабул қилган, унинг саройида вояга етган албан йигит Искандарбек ҳам шердек урушмоқда. Мана, унинг қўлидаги Исфaxon қиличи қирол Лазарнинг қили- чи билан тўқнашди.

Султон Муроднинг юраги дукиллаб кетди. Ҳа, ҳа, ҳозир у, Искандарбек ўзи ўргатган, ҳеч бир унга панд бермаган усулни қўллайди.

У азбаройи олишувга берилиб кетганидан яқинида содир бўлаётган жаранг-журунгни эшитмади, кўрмади. У фақат қирол Лазарнинг отдан ағдарилганини кўрди- ю ўзига яқин келган душманни кўрмади. Узун серб най- заси унинг кўксига санчилди. Султон Мурод бу найзани кўксидан суғуриб олганча ўзидан узоқлашган сербни ҳам кўрмай пойгакдаги гиламга йиқилди.

Серблар ҳам, турклар ҳам бир вақтда ҳалок бўлган ҳукмдорлари учун жангни янада қизитиб юборишди. Сербларга Стефан, туркларга Боязид кўмондон бўлиш- ди. Султон Муродни кўриқлаб турган янчарлар дуч кел- ган соқчини ўлдириб султонларига найза санчган серб кетидан қуволмай аламзада эдилар. Улар захирада, фақат султон рухсати билан жангга кириши мумкин бўлган шахсий гвардия билан майдонга отилишади. Доно сул- тон энг сара аскарларини ҳал қилувчи дамгача жангга солмас эди. Уларни Султон Муроднинг кекса сафдоши Ўрхонбей жангга бошлади. Ва худди шулар уруш тақдири- ни ҳал қилди. Қирол Лазарнинг ўғли Стефан, қизи Оли- вера асирга олинди.

Боязид қонга бўялган қиличинини кўтарганча гиламда юз тубан ётган отасига энгашди. Унинг очиқ кўзларини аста ёпди. Ҳа, ота илтижоси Аллоҳ олдида ижобат бўлибди.

— Ота! — Боязиднинг кўксидан аччиқ бир фарёд оти- либ чиқди.

— Ота, — деди у бўғиқ овозда, — табаррук қонингиз тўкилган бу гиламчани умрбод ёнимда олиб юраман. У

сизни ҳаминша менга эслатиб туради. Энг аввало кўксингизга тиғ санчган қотилнинг қонини оқизаман. Унга ўхшаб ҳоинларча тарзда эмас, яккама-якка жангда ўлдираман. Бу мен — султон ўглингиз қасами!

Боязид сукут сақлаб ўз ўлимини кутиб турган асирларга юзланди.

— Сенларни ўлдирмайман. Отамни ўлдирган ўша қотил билан яккама-якка олишувимнинг гувоҳи бўласанлар. Унинг насл-насаби қандай?

— Милош Обилич. Серб қаҳрамони, — деди асирлардан бири.

Боязид унга қаҳр ила тикилди.

— Қаҳрамон бўлса, мўйсафид отамни номардларча ўлдириб, жанг майдонидан қочармиди? Сен у яширинган жойга бор ва таклифимни етказ. Агар у сенлар айтгандек қаҳрамон бўлса, мен билан майдонга чиқсин ва олишсин. Агар мени ўлдирса, унга омонлик берилади. Бор, буйруқни бажар!

Мулозимлар унга от келтиришди.

— Шаҳзода Стефан ва бошқа асирлар гаровда қолганини унутма.

Боязид зирқираб оғриётган чап кўзини силади. Бугун у отаси ҳамда бир кўзидан ажради.

Ўрхунбой унинг олдига серб маликаси Мария Оливера Деспинани рўпара қилди. Ўн тўрт ёшли бу қиз чиндан ҳам гўзалликда бетакрор эди.

— Уни никоҳимга оламан, — деди Боязид.

Боязид ана шу никоҳ билан усмонли турклар салтанатига қандай балони олиб келаётганини ўшанда билмаганди. Қиз биринчи кечадаёқ ўз динида қолишини шарт қилиб қўйди. Кейин Боязиднинг қўли отаси қонига бўялганини рўкач қилиб, аллақандай сувни “муқаддас” деб таърифлаб, қўлларига қуяди. Ўша кечадан сўнг Боязид унинг измига тушиб қолганини сезмай қолади. Мария Оливера Деспина султоннинг яқин маслаҳатгўйига айланиб кетади. Боязид энг муҳим давлат ишларини мали-

ка билан маслаҳатлашадиган ва унинг фикрларига қулоқ осадиган бўлиб қолади. Мария султонни христиан дунёсига яқинлаштиради. Акаси Стефан султон гвардияси қўмондони ва Сербия қироли этиб тайинланади.

Бош малика Мария Оливера Боязидни ҳақ йўлдан адаштириб, охир-оқибатда Султон Мурод ўғитларини унуттириб, Мовароуннаҳр султони Амир Темур билан уриштиришга эришади. Ҳозир эса у галабадан маст эди. У лашкарни руҳлантирган дарвешга юзланди.

— Маддоҳ Оташий! Сенга пойтахтимда яшаш ҳуқуқини ва шунга яраша юксак амалдорларга хос мавқени берурман.

Муҳаммад Оташий таъзим қилди. Ҳа, энди Кичик Осиёда ҳам Соҳибқирон разведкаси тармоғига асос солинади. Амир Отламиш топшириғи бажарилади.

**ИККИНЧИ ҚИСМ**

***ХАЛҚ ҚЎЛЛАГАН РАЗВЕДКА***



## Кабутарлар разведка воситаси Дизак. 1388 йил

“Ёғийлар тарафида кабутар тарбиясига машғул одамлар кўп экан. Ҳар куни осмон тўла кабутарлар учади. Бу вақтсиз ўйинни текширишга бошладим. Бу кабутарлар мулоқот алоқасига ўргатилган бўлиб, ташқари билан алоқа ишларини қилиб турар эканлар. Мен буларни гафлатда қўяман деб уринсам ҳам улар хабар топиб чора топишар экан. Бу ҳолда ўзларига дўст мамлакатлардан ёрдам сўраб келишлари ҳам эҳтимолдан йироқ эмас эди. Кабутарларнинг одати уялари қаерда бўлса, ўз уяларига қайтиб келадилар. Агар элик тош ердан қўйиб юборилса ҳам ўз уяларини топиб келадилар. Бу хатарни кўтариб юбориш учун қийғирлардан фойдаланишга тўғри келди. Элчи кабутарларни қийғирлар ов қилиб алоқа ишларини кесиб ташлаш мумкин, мана бу тажрибадан кейин ҳар бир урушга қийғир ҳам олиб юришни аскарий лавозиматдан деб ҳисоблайдиган бўлдим.

... Мўғулларни шарқ тарафдан ҳамла қилишини эҳтимолдан йироқ тутмадим ва турли масофалар ўртасида кабутархоналар қурдим. Бинобарин энг аввалги машриқ хабарини ҳам кабутар орқали олдим. Иккинчи кабутардан олинган хабарга қараганда мўғул қўшинининг сони ўн-ўн икки туман экан.”

*“Мен — фотиҳ Темур” қўлёзмасидан*

Жойлардаги разведка ва кабутарлар хабарига кўра, Тўхтамиш қўшинининг манғулой қисми Элийғмиш ўғлон бошчилигида Хўжанд дарёсидан ўтиб, Дизакка қарашли Ачиқ мавзеига келиб тушибди.

Соҳибқирон чақирган ҳарбий кенгашда яқиндагина Олтин Ўрдан қочиб келган чингизий шаҳзодалар Кунча ўғлон ва Темур Қутлуғхон ҳам қатнашди.

— Ёғийнинг илғор қисми Дизак остонасида турибди, — сўз бошлади Амир Темур чодирида саф тортиб турган саркардаларига бирма-бир назар ташлаб, — эртами-кечми Тўхтамишхоннинг асосий кучлари ҳам

келиб қолади. Амирзода Мироншоҳ ва Умаршайх йўлга чиқибдурлар. Балху Бадахшон, Термиз, Хутталон ва Ҳисор лашкари ҳам ҳализамон келиб қолишади. Ҳозир ихтиёримизда анча-мунча лашкар бор. Бошқаларни кутиб ўтирмасдан бор кучимиз бирлан йўлга чиқаверсак. Чунки тезроқ бориб, Сайхундаги кечувларни беркитмасак бўлмас.

Саркардалар бир-бирларига маънодор қараб қўйишди. Соҳибқироннинг эски сафдоши Идику Темур сўз бошлади.

— Оз қўшин билан катта қўшинга бас келолмаймиз, аъло ҳазрат. Асосий кучлар етиб келишини кутайлик.

Бошқа саркардалар ҳам унинг фикрини қўллаб-қувватлашди.

— Ишни кечиктиришда, — деди Соҳибқирон, — офат қўпдир, биродарлар. Ақлли киши бугунги ишни эртага қўймайди. Чунки эрта ўз ишини ўзи билан бирга олиб келади. Эшитмаганмисизки, подшоҳларнинг биридан давлат қайтиб, замонанинг қўли уни иззат тахтидан хорлик тупроғига ирғитгач, ундан сўрабдилар: “Нега сен бу кунга қолдинг, мамлакатинг заволига нима сабаб бўлди?”

У жавобида: “Уч одат шумлигидан бахту саодат ипининг учини қўлдан бердим: биринчи — доноларнинг пандини кулоққа олмадим ва меҳрибон насиҳатгўйлар сўзидан юз ўгирдим. Иккинчи — нафсим нимагаки мойил бўлса, кўнглим у томонга рағбат қилса, оқибатини ўйламасдан у ишга киришдим ва нафсимни қондирдим. Учинчи — бу кунги қиладиган ишни эртага қолдирдим ва муҳим ишларнинг тадбирида сустлик қилиб орқага сурдим.”

Ҳарбий машварат Соҳибқироннинг раъйига қарши боролмади. Режа ишлаб чиқилди. Чингизий шаҳзодалар Кунча ўғлон ва Темур Қутлуғни йигирма минг қўшин билан душмани Дизакдан чекиниш йўллари тўсишга юборишга қарор қилинди. Юриш эртадан бошланадиган бўлди.

Саркардалар чодирни тарк этишди. Лекин Маъсудбек Соҳибқирон ёнида қолди. Ички айғоқчилик соҳибининг

муҳим гапи борлигини Амир Темур пайқади. Улар кўпинча, хуфия ишларни биргаликда маслаҳат билан ҳал қилишади.

— Режангизга бир қўшимча киритишни лозим кўраман, Темурбек. Бу икки чингизий шаҳзодаларга ишончим йўқ. Уларга ҳамроҳ қилиб Шайх Али Баҳодирни қўшиб юборсак.

Соҳибқирон ўзининг энг ишончли одами мулоҳазаларини диққат билан тинглади.

— Ўнбоши Жасурбек!

Чодирда Маъсудбек чақирган ўнбоши пайдо бўлди. У югуриб Соҳибқирон этагини ўлди.

— Гапир барча воқеани.

Ўнбоши гап бошлади. Бир асир мўғул ўзини Ўрусхоннинг ўғлиман деган. Шунда уни Ўрусхоннинг беклари бўлган Кунча ўғлон ва Темур Қутлуғга юзлаштиришган. Улар уни таниса ҳам у Ўрусхон ўғли Қўйричоқ эканлигини жўрттага тан олишмаган. Улар асирни Амир Темур ўрдасига юбориш таклифига ҳам қўшилишмай, уни шу ерда ўлдириб юборишни таклиф қилишган. Лекин Маъсудбек одамлари унинг жонини сақлаб Соҳибқирон девонига юборишган.

— Қолгани ўзингизга маълум, Темурбек.

Соҳибқирон бош ирғади. Қўйричоқ ўғлонни у катта ҳурмат билан кутиб олди. Ўз мулозимлари қаторига қўшди. У Олтин Ўрда билан қилинадиган катта ўйинда ҳали кўп асқотади.

— Мана бу мендан сента, юзбоши.

— Йўғе, мен бор-йўғи ўнбоши.

— Бугундан юзбошисен, — деди Амир Темур унга кумуш пайсани узатиб, — асосий вазифанг чингизий шаҳзодалар Кунча ўғлон, Темур Қутлуғ ва Эдиқуд Ўзбекка огоҳ бўлиш. Уларнинг ҳар қадамидан хабар бериб турасен.

Бошига қўнган бахт қушидан гангиб қолган Жасур эгила-эгила чодирдан чиқиб кетди. У энди ёддий юзбоши эмас, балки мингбоши ва ҳатто амирларга ҳам ҳукми ўтадиган қудратли шахс — кумуш пайса соҳибига, Соҳибқироннинг шахсий кўз-қулоғига айланган эди.

Маъсудбек билан Соҳибқирон ташқарига чиқишди. Қор гупиллаб ёғмоқда. Атрофда ажиб манзара ҳосил бўлган.

— Эсинглами, Маъсуд, болалигимиз. Биргаликда қўрғончада қорбўрон ўйнаганларимиз.

Амир Темур шундай дея қордан копток ясаб Маъсудбекка отди. У эса кулганча унга жавоб тўпини отди.

Соқчилар уларнинг болалардай ўйинларини ҳайрат ила томоша қилишар эди.

— Сен мени доим эшак қилиб минар эдинг, Темур.

— Ҳозир ҳам эшагимсан, Маъсуд.

Икковлари бир-бирларини кучоқлаб қорга ағанашди.

\* \* \*

Ярим тунда лашкар қор тепиб йўл солди. Аскарларнинг муаззам юриши ва гўзал тартибланиши билан руҳланганларидан замин ларзага келди. Соҳибқирон аскарларига қараб қувониб дилига бир шавқ тушдики, ўзини тия олмай бўғзидан узоқдан-узоқ бир наъра чиқди. Қўшин қалбидаги сарбозлар ҳам бирдан наъра тортиб юборишди. Ўнг ва сўлдаги жангчиларнинг ҳам наъралари янграб қўшинда улуг руҳ пайдо бўлди. Албатта, бу наъра лашкарнинг хурсандлиги ва ғалабага комил ишончидан далолат берарди. Оддий аскардан тортиб мингбошига қадар Соҳибқироннинг ўзлари қатори уруш руҳига кириб, барча каби душман томон от чолиб кетаётганидан, ўлимни писанд қилмаслигидан ғоят руҳланган. Қўшинда эр кишининг урушдаги маҳоратидан қимматбаҳо нарса дунёда топилмаслигига ишонч руҳи барқ урар эди. Кейинчалик Амир Темур ўша 1388 йил декабрида Тўхтамишнинг Элийғмиш ўғлон бошчилигидаги мўғулларга қарши жанги ҳақида, ўша пайтдаги руҳи ҳақида ўзининг таржимаи ҳолида шундай сатрлар битган:

— Менимча бутун дунёдаги хурсандчиликни бир тарафга қўйса, урушда олинадиган завқ-шавқ уни босиб кетади. Бир эр киши ўзини бошқа хушликларга машғул

қилар экан, ўз мардоналигини қўлдан бериб хотинлар сафига қўшилиб қолади. Лекин эр кишига хос бир хурсандчилик бор. У эса урушдир. Эркакликнинг жавҳари майдондан бошқа ерда кўринмайди. Қиличларнинг чакачак овози ва душман фарёдидан ҳам ўзга лаззат борми дунёда?

Бундай руҳли лашқарга Элийғмиш ўғлон лашқари бас келолмай тўзиб кетди. Уларнинг чекиниш йўллари ҳам тўсиб қўйилган эди. Қолган-қутганлари эса Сайхун соҳилига етиб келди, аммо дарё бўйида қўйилган пистирмаларга дуч келиб батамом қириб ташланди.

Тўхтамишхон Сабронни қамал қилиб турганида илғор қисми ва унга ёрдамга юборган қўшини тор-мор бўлганини эшитиб орқага чекинишга қарор қилди.

Соҳибқирон Олтин Ўрда хони изидан қувиб кетди. Йўлда учраган мўғул пистирмалари янчиб ташланди. Аммо Тўхтамишхон изи йўқолган эди. Шуниси ажабланарли бўлдики, гўё Тўхтамиш билан тил бириктиргандек Хуросонда Мохон ҳокими Ҳожибек Туркман билан Тус ҳокими ўзаро иттифоқ бўлиб исён кўтаришди.

Соҳибқирон лашқарининг бир қисмини Хуросонга юбориб, ўзи асосий кучлари билан тиниб-тинчимас бузгунчи қароқчилар уяси Мўғулистон сари от солди.

Икки қўшин оралигида ҳаракатда бўлган қоролулардан ташқари асосий алоқа кабутарлар орқали амалга оширилди. Кабутарлар эрта ва кеч учиб манзилларига хабарлар етказиб турди.

## Фош бўлган жосус

Куй шундай ажойиб эдики, барча бошларини қимирлатиб сеҳрли оламга шўнғиган эдилар. Муртазо Айтак ҳам бу куй жозибаси остида ўзини ўзга олам ичра ҳис этди. Аммо уни, табиатан зеҳнли разведкачи эътиборини меҳмонлардан бирининг ҳолати ўзига жалб этди. У куй таъсирида бошини эмас, балки оёқларини қимирлатар эди.

Муртазо кўнглида уйғонган шубҳани унинг мовий кўзлари ҳам кучайтирди. Тажрибали разведкачи фақат Фарб одамларигина завққа берилганида ўзларининг табиий майлларига эрк бериб қўйишларини яхши биларди. У ёнида ўтирган уламо Мавлоно Маҳмуд Ҳофизга юзланди.

— Мана бу қаршимизда ўтирган зот ким?

— Мўйнадўз Элбек Толибий, яқинда юртимизга келган.

— Шул зотни эртага менинг ҳузуримга чорласангиз.

— Бош устига, тақсир

Мавлоно Маҳмуд Ҳофиз Муртазо Айтатдек баобрў савдогар илтимосини бажону дил қабул қилиб эрта тонгдаёқ меҳмонни унинг уйига бошлаб келди.

Муртазонинг чорбоғи чинакам жаннатни эслатар эди. Анвойи гуллар, шаффоф сув отилаётган фавворалар, бирин-кетин тортилаётган тансиқ таомлар киши губорини тарқатиб, бу фоний дунё ташвишларидан холи этарди. Маҳмуд Ҳофиз эса давра амири бўлиб, суҳбатга жон киргизмоқда.

— Элбек! Сиз мендан Соҳибқирон қандай инсон деб кўп сўрадингиз. Айтамен. Сафарларнинг бирида Темурбек мени ўз суҳбатига олган эдики, кечаю кундуз мен унинг суҳбатида бўлиб, ёнидан жилмасдим.

Муртазо Элбекнинг кўзларида фавқулодда қизиқишни кўрди. Бу мовий кўзларда қандайдир савдогарга хос бўлмаган ўта қизиқиш.

— Темурбек лашкари бир кўрғон яқинига тушиб уни қамал қилди. Турган жойидан у жангга раҳбарлик қилиб ўз жангчилари маҳоратини томоша қилмоқ учун ўз чодирини баланд бир жойга ўрнатди. Жанг қизиб борарди. Темурбек ўз аскарлари аҳволини кўриб ёнидаги икки мулозимига “Мени чодир эшигига элтинглар” дея буюрди, ҳалиги икки одам унинг қўлтиғига кириб, эшик олдига олиб бориб тўхтадилар. Мен эса унинг олдида турардим. У ўша икки мулозимига бир нималар деб жанг майдонига жўнатди ва менга юзланди.

— Э, Маҳмуд! Бу ёққа кел!

Мен тезда унинг ёнига бориб, қўлтиғига кирдим.

— Э, Мавлоно Маҳмуд! Жисмимнинг заифлигига, кўрадиган тадбиримнинг озлигига қара, ушлай десам кўл, чопай десам оёқ йўқ менда. Агар одамлар мени ташлаб кетсалар, мен ҳалок бўламен, агар мени шу ҳолда қолдирсалар, азобланамен. Ўз танамни бошқариб на зарарли, на фойдали бир иш қиламен, на яхшилик келтираману на ёмонликни даф этамен.

Мен Соҳибқиронни бундай аҳволда ҳеч қачон кўрмаган эдим.

Мавлоно Маҳмуд шундай дея олдидаги косани кўлига олди. Бир симиришда уни бўшатди.

— Олинг, меҳмон, бу банияти шифони.

Муртазо кўлидаги косани Элбекка тутди. Уни қай тариқа ичаётганига эътиборни қаратди. Мавлоно Маҳмуд эса ҳикоясини давом эттирди.

— Темурбекнинг иситмаси кўтарилди. Чехраси мунгли тус олди.

— Қандай қилиб Тангри таоло бандаларни менга муяссар кўрди? Фарбу Шарқни даҳшатимга тўлғизиб, ҳайбатимни икки мағрибу икки машриққа овоза қилди? Подшоҳлару паҳлавонларни менга бўйсундириб, олдимда кирову қайсарларни хор қилди? Бу ҳаракатлар ҳаммаси Тангри таолонинг ҳаракатлари бўлиб, буларнинг барчаси унинг ишлари эмасму? Мен кимман? Мен бир касалманд, муҳтож кишиман, холос!

Кейин у йиғлаб юбориб, мени ҳам шундай йиғлатдики, енгларим кўз ёшларидан ҳўл бўлди. Бейхтиёр Темурбек ҳақида фурсча тўқилган икки байт шеърни эсладим:

*Ярим таналик киши жаҳон мулкига эга бўлди,  
Кўзингни очу худонинг қудратини кўр.  
Оёғи йўғу, аммо тахт унинг оёғи остида,  
Кўли йўғу, аммо бутун мамлакат унинг узугида.*

Мен уни таржима қилиб яна икки байт айтдим:

*Аллоҳ пинҳона ҳукми билан қудрат кўрсатди,  
Танининг бир қисми қуриган киши оламга эга бўлди.  
Кўли йўғи подшоҳлик унинг узугида,  
Оёғи йўғу тахт унинг қадами остида.*

Даврада оғир сукут чўмди. Мургазо ҳикоячининг гапларидан ниҳоят таъсирланган Элбекдан сира нигоҳини узмас эди. Унинг мовий кўзларида шундай ҳавас, шундай қизиқиш бор эдики, оддий савдогарга булар хос эмас.

Муртазонинг ишораси билан хизматкор косаларни тўлдирди.

— Келинлар, Соҳибқирон учун ичайлик.

Элбек косани ярим бўшатиб дастурхонга қўйгани Муртазо шубҳасини янада кучайтирди.

— Одатда Соҳибқирон учун қалаҳ кўтарганда уни охиригача ичиш даркор.

Элбек сергакланиб сир бой бермади.

— Бўлмаса, косамни тўлатинг.

Муртазо чехрасида кулги ўйнади.

Ҳа, бу Элбек дегани шохида эмас, балки баргида юрадиганларга ўхшайди. Шошма, ҳали ичаётган махсус тайёрланган шароб ўз кучини кўрсатади. Амир Отламишнинг махсус шароби нималигини ундан бошқа ҳеч ким билмайди. Ўликни ҳам тилга киргизворадиган шароб бу.

Навбатдаги таом палов эмас, балки чучвара эди. Бу ҳам синов таом. Элбек ниҳоят очилиб кетди. Зилол сув, кўкатлар ва рақс бошлаган гўзал қизлар хироми уни ғоят жунбишга келтирди. У ўзи ҳам билмаган ҳолда рақсга тушиб кетди. Оғзидан қандайдир ажнабий хирғойилар булоқдек отилиб чиқарди.

Амир Отламиш мўйнадўз Элбек аслида Москва зодағони Елизарий эканини аниқлаган Муртазога бу сирни ҳеч ким билмаслигини қаттиқ тайинлади. Маъсудбек идораси у билан шуғуллана бошлади.

Элбек кўп ўтмай Амир Темур девонига хизмагга олинди.

## Разведканинг бош хатоси

“Куликово майдонидаги жангдан кейин... юз йил давомида Россия бирор марта ҳам Олтин Ўрда билан йирик тўқнашувга борган эмас. Аммо шу вақт ичида Олтин Ўрданинг ўзи тор-мор бўлиб, тарих саҳнасида



гойиб бўлди. Бундан чиқдики, бизни кимдир ўзимизнинг иштирокимизсиз озод қилган экан-да? Ким у жўмард? Ким бўларди, айна ўша зот — кўп йиллар ноҳақ қоралаб келинган “буюк ва шафқатсиз” Амир Темур бизни озод қилган. Тўғрироғи, Олтин Ўрда зулмидан озод бўлишимизга олиб келган.”

*М. Арнольдov “Бир муҳораба сирини” мақоласидан.  
Москва, 2004 йил*

Амир Огламиш бениҳоя хурсанд. Олтин Ўрдадан келган хабар жуда қувончли эди. Унинг одами Тўхтамишхон лашкаридаги байроқдор зобитни қўлга олибди. Алоқа воситаларини ҳам белгилабди. Энди унинг юзи Соҳибқирон олдида ёруғ. Хатоларини оқлайдиган бўлди.

У Соҳибқирон билан қилган суҳбатини эслаб жунжикиб кетди

— Қандай қилиб душман Занжирсаройга бостириб кирди? Кўз-қулоқларинг қаерда эди деб сўраймен?

Кейин газабнок нигоҳини ички разведка раҳбари Маъсудбекка тикди.

— Тўхтамишнинг одамлари қай тариқа юртимизда иш кўраяпти ва ҳар нарсадан огоҳ? Қани, тингчи-ю хабарчиларинг?

Маъсудбек бошини қуйи солганча жим турарди.

— Тўхтамишнинг асл нияти ва кимлигини нега вақтида менга билдирмадинг?

Амир Азизуддин улар ўртасига тушиб Соҳибқирон газабини ўзига қаратди. У асосий айбни ўз бўйнига олиб, Занжирсарой атрофида Самарқанд, Қарши, Термез каби шаҳарлардек мустақкам қалъалар ва баланд девор йўқлигини рўкач қилди.

— Тўхтамиш масаласига келсак, бунга ўзинг айбдорсан, Темурбек.

Соҳибқирон бошини қуйи солди. Чиндан ҳам Азизуддин ҳақ. Бу йигит хусусида у алданди. Унинг риёкорона сўзларига алданди.

— Агар мени тутинган бир ўғлингиз ўрнида қабул қилсангиз, то умрим борича фарзанддек салоҳат билан хизматингизни қилгаймэн.

Соҳибқирон чуқур бир хўрсинди. Унинг ўзи бош айбдор.

Амир Отламиш ва Маъсудбек Азизуддин ишораси билан Соҳибқирон чодирини тарк этишди. Улар иккови бир жойга тўпланиб ўтган воқеаларни бирма-бир таҳлил қилишди. Иккови ҳам кенг тармоқли жосусларга эга. Ахборотлари кўп, лекин улар билан ўзаро алмашинишмайди. Ташқи разведка ва ички разведка ишлари мустақил тарзда олиб борилади. Айғоқчилар ҳам бир-бирини танимади. Аслида бош хато шунда эмасмикан?

Амир Отламиш ўкинч ила ўз одамлари Ўрунг Темур ва Оқ Буғаларни эслади. Улар доимо Тўхтамиш девонида хизмат қилиб унга насиҳатлар қилиб туришган.

— Амир Соҳибқирон сенга кўп инъомлар ва зўр тарбиятлар қилди. Унинг сенга кўрсатган илтифот ва ҳомийлик ҳаққини бажо келтириш сен учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Тўхтамиш улар гапига қулоқ соларди. Аммо энди Ўрунг Темур ҳам, Оқ Буға ҳам йўқ. Уларнинг вафотидан сўнг маслаҳатчилар ўрнига Соҳибқирон душманлари келишди. Улар Тўхтамишни ўртага олиб, унинг рутбаси Амир Темурниқидан баланд эканини, Пўлат китобга битилган Муқаддас аҳдномага биноан хонлик мартабасига фақат Чингизхон авлоди муносиб эканлиги, Қорачор Нўён авлодидан Амир Темур хонларга лашкарбоши бўлишдан юқорига кўтарилмаслигини уқтира бошлашди. Натижада аста-секин Тўхтамиш Соҳибқиронга қарши зимдан сўнг эса, очикдан-очик душманлик йўлига кирди. У Хоразмнинг собиқ ҳукмдори Сулаймон сўфи, Олтин Ўрданинг Хоразмда вакили бўлган Элийғмиш ўғлон бошчилигидаги эллик минг кишилик қўшинни Сигноқ ва Сабронни эгаллашга юборди. Шу билан бирга у 1385 йилда тўқсон минг кишилик қўшинни Амир Темурга тобе Озарбайжонни босиб олишга йўналтирди.

Элийғмиш ўғлон саркарда бўлган эллик минг кишилик лашкар сафида Хоразм аскарлари, руслар, черкеслар, қипчоқлар, бошқирдлар ва қримликлар бор эди. Бу лашкар Турон йўлбарслари томонидан тор-мор

этилиб, қолган-қутганлари Урал тоғлари томон қочди. Тўхтамишнинг ўн икки шаҳзода — ўғлон бошчилигидаги лашкари эса Табризни эгаллаб уни талон-тарож қилди.

Озарбайжонга ёрдам учун юборилган Мироншоҳ бошчилигидаги қўшин бу ўғлонлар лашкарини Дарбандда тор-мор қилди, минглаб асирлар олди. Улар орасида ўнбоши, юзбоши ва ҳатто мингбошилар ҳам бор эди. Амир Темур уларни қатл қилиш ўрнига улар асирликдан озод қилинишини айтиб, уларга шундай деди:

— Тўхтамишхон билан орамизда муносабат ота-болалик каби эди. Тўхтамишхон нега бундай нолойиқ ишларга қўл урди, нега Табризда минглаб бегуноҳ мусулмонларнинг умрига зомин бўлди? Бориб айтинглар, бундай ёмонликлар қилмасин, у билан аҳдлашганмиз, аҳдида турсин.

Асирлардан айримлари Тўхтамишхон ҳузурига қайтишдан бош тортиб, шу ерда қолишга истак билдиришди. Улар билан Амир Отламиш ва Маъсудбек алоҳида суҳбат қилишди.

Отламиш асли шошлик Ўқтой юзбошига диққатини қаратди. Бу йигитнинг юзидан шижоат ва алақандай фидокорлик нури кўринди. Ўқтой ота-онаси Шош — Тошкентда туриши, муҳтожликда яшашини, укасингиллари ҳам борлигини айтди. Айни муҳтожлик уни ёлланма аскар бўлишига сабаблигини билдирди. Амир Отламиш унга оиласига ҳар ойда Амир Темур қўшинида белгилангандек юз от баҳосида маош белгиланишини айтиб, у энди Тўхтамишхон ҳузурига қайтиб хизматни ихлос билан давом эттириши лозимлигини уқтирди. Хон ишончини қозониш ва унинг яқин мулозимига айланиши ниҳоятда муҳимлигини тайинлади. Очиқчасига у Соҳибқироннинг Олтин Ўрдадаги кўз-қулоғи бўлиши лозим. Тошкентдаги оиласи тақдири ва фаровонлиги энди фақат унинг ўзига боғлиқ.

Ўқтой қўлига Куръони каримни олиб Соҳибқиронга абдий содиқ бўлишга қасам ичди ва бошқа асирлар қатори Тўхтамиш даргоҳига йўл олди. У кетиш олдидан ўзи эшитган бир суҳбатни айтиб берди. Тўхтамишнинг яқин мулозими Амир Темур тўғрисида гап кетганда Тўхтамишга шундай деган:

— Бизда Чингизхон ўргатган бир одат бор. Берган ваъдангиз бир дарёни кечиб ўтгандан кейин ўз кучини йўқотади. Бобокалонимиз Чингизхон кўпинча шу одатга амал қилар эканлар. Сиз оқсоқ Темурга ваъда берганингиздан буён Ёйиқ, Тобол, Идил дарёларидан неча бор ўтдингиз. Берган ваъдаларингизнинг кучи аллақачон тамом бўлган.

Ўқтой ваъдасида туриб зарур ахборотларни юбориб турди. Мўгулистон хони Хизр Хожахон, собиқ хон Қамариддин ўз аскарлари билан Тўхтамишга кўшилибди.

Соҳибқирон Форс ўлкасида бўлганидан хабар топган Тўхтамиш барча кучларни Оқ Ўрдага тўшлаб Туронга тўсатдан хужум бошлади. Султон Қамариддинга бир туман аскар бериб Андижон ва Ўзганга юборди. Хизр Хожахонга эса Сайрам ва Тошкентга хужум топширилади. Хоразмнинг собиқ ҳукмдори Сулаймон Сўфи эса Бухоро ва Қаршига босқин қилади. Улар сафига Амир Темурнинг куёви Муҳаммад Мирак ҳам кўшилади. Унинг сотқинлиги махфий хизматга ўз вақтида маълум бўлмади. Ўшанда Мовароуннаҳр учун ҳалокатли вазият вужудга келди. Махфий хизмат оёққа турди. Шерозга даракчилар ўн етти кунда етиб бориб Соҳибқиронга ахборот етказишди. Отда бундан катта тезлик билан юриб бўлмас эди, чунки Самарқанддан Шерозгача бўлган масофани карвонлар икки-уч ойда босиб ўтардилар.

Соҳибқирон ўгли — Самарқанд ҳокими Умаршайх Мирзо мактубини ўқиб ҳаяжонга тушди. Мактуб ахборотида қуйидагилар баён этилган эди:

— Шаҳзодаи олий нажот амирзода Умаршайх Туркистонда юз берган аҳволдин воқиф бўлганларидан сўнг Андижон, Ўш, Ўзганд ва Ахсикат лашкарини олиб Туркистон тарафга қараб юрибдурлар. Лекин Хўжандга дохил бўлгонларидан сўнг маълум бўлибдурким, Жета кўшинлари Анқо тўра бошчилигида Тўхтамишга кўмак бермоқ ниятида Фарғона ноҳиясига қараб юриш бошлагон ва Чақишмон орқали Андижон устига йўл олибдур. Амирзода Умаршайх шу сабаб бўлиб, кўшинни орқага буриб Ахсикат дарёси бўйида душманнинг олдини тўсиб чиқибдурлар. Икки ўртада қаттиқ уруш бўлди. Ле-

кин Анқо тўранинг одами сон жиҳатидан ортиқ бўлғони сабабли амирзода Умаршайх енгилиб Андижон қалъасига яширинибдур.

... Ясси, Саброн ва Сигноқ тарафдаги қўшинлар ҳам ночор аҳволда. Амир Сулаймоншоҳ, Аббос Баҳодир, Темур Тош, Баротхўжа, Суюнч Темур Тўхтамишдан енгилиб Самарқандга чекинди. Тўхтамиш лашкари Хоразм орқали Бухорога бостириб кирган ва уни қамалга олган. Бир қисм лашкар эса Занжирсаройни эгаллаб уни обдан талаб ёндирган.

Разведканинг бир маълумоти унинг кўнглига бир оз таскин берди. Мингбоши Кўча Малик Хўжанд ёнида ўн уч йигити билан Анқо тўранинг 300 кишилиқ қўшинига хужум қилиб уларни тумтарақай қилибди ва минглаб асирларни озод қилибди.

Соҳибқирон ўшанда ўзи бир вақтлар олтмиш аскарлари билан Тўкал Баҳодирнинг минг йигитини тор-мор қилганини эслади. Ҳа, унинг лашкарида ўн, эллик, юз аскарлар бор. Токи улар тирик экан, Мовароуннаҳрни ҳеч қандай душман ғорат қилолмайди.

Амир Отламиш ана шу воқеаларни эслаб чуқур хўрсинди. Хуфия хизмат оқсамоқда. Маъсудбек ҳам шундай фикрда. Улар иккиси ҳам Соҳибқироннинг энг синашта ва энг содиқ кишилари эди.

— Соҳибқирон сизлардан хурсанд.

Амир Азизуддиннинг тўсатдан чодирларида пайдо бўлганини улар пайқамай қолишди.

— Амир Отламиш! Сиз ўн иккинчи даражали амир рутбасига кўтарилдингиз ва юз минг олтин кепакий билан мукофотланасиз. Амир Маъсудбек эса ўнинчи даражага муносиб кўрилди.

Амир Азизуддин тантана билан икки амирга Соҳибқирон ёрлиқларини топширди.

— Муҳаммад Миракни зудлик билан топиб Соҳибқирон хузурига жўнатишлар.

Амир Азизуддин чиқиб кетгач, Отламиш Маъсудга юзланди. У оҳиста сўз бошлади.

— Муҳаммад Мирак Термез атрофида юрибди. Уни қўлга тушириш қийин эмас. Фақат иккимиз иноқ бўлсак.

— Розимен.

Улар шароб тўла косаларни бўшатишди.

Маъсудбек қарсак чалди. Чодирда Усмонбек мингбоши кўринди.

— Дарҳол йигитларинг билан Муҳаммад Миракни тутиб ҳузуримга олиб кел.

Усмонбек бош эгди.

— Манавини йигитларингга улаш.

Минг олтин танга тўла ҳамён унга узатилди.

— Буниси эса сенга, — деди Амир Отламиш бошқа ҳамённи унга узатиб.

— Бош устига хоҷам, — деди Усмонбек хурсандлигини яширмай.

Умаршайх Мирзо қўшини Муҳаммад Мирак изини тополмай кўп саргардон бўлди. Термез, Хутталон даралари обдан текширилди. Аммо у сомон гарамига тушган игнадай ғойиб бўлган эди.

Кўйни олтин тангаларга тўлган тингчилар Усмонбек амрига мувофиқ жой-жойларига тарқаб иш бошладилар.

## **Сомонга тушган игна Ботуга довони. 1388 йил**

Амирзода Умаршайх Самарқанд мудофаасини амир Сулаймоншоҳга топшириб қўшинларни Темур қопуғ орқали Термез устига бошлади. Термез қопуғдан ўтганда Муҳаммад Мирак лашқари кўринди. Икки ўртадаги кескин жанг Миракнинг мағлубияти билан тугади.

Умаршайх мирзо қочган душманни изма-из таъқиб қилиб борарди. Вахш дарёсидан ўтди. Шу ерлик одамлар унинг Дарвозга кетганини маълум қилишди. Аммо у ерда ҳам унинг изи топилмади.

Умаршайх Хутталоннинг Қопчиғай деган ерида жойлашган Оқсаройда дам олиш учун тўхтади. Усмонбек йигитлари эса тиним билмай ҳар атропода изғир эдилар. Изқуварлардан бирининг омади чопди. У бир булоқ олдидан ўтганида от туёқларининг изига назари тушди. Излар янги эди. Бу излар уни бир яйлов устига олиб келди. Олисда отлар ўтламоқда.

Изкувар тўрвасидан дарвеш либослари ва кулоҳини олди. Курол-яроғини бутазорга яшириб, чодир томон кета бошлади. Йўл-йўлакай у хиргойи бошлади.

*Ўтган кунни яшнаб боғу саҳро лолазор эди,  
Сайрарди қушлар чаманга роса солиб гулгули  
Бугун эса бўстонда чақиртикан кўтарди бош,  
Гўё кўкармаган эди бу бўстонда бир гули.*

Чодирдан чиққан навкар унга салом берди.

— Йўл бўлсун, тақсир?

Навкар унга бош эгди.

— Хужрамизга марҳабо, тақсир.

Дарвеш чодир ичида бошдан-оёқ қуролланган ўн навкарни кўрди. Улар дастурхон устида мудраб ўтиришар эди. Дарвешнинг пайдо бўлиши уларни сергаклантирди.

*Хизрхўжаким, Жетади эрди хон,  
Қочиб кетди аз бима Соҳибқирон.  
На лашкар, на мулк анда қолди, на мол  
Черики бўлиб барчаси дастгир  
Ўғил-қизлари бари бўлди асир.  
Жета улуси бўлди бир йўли зеру забар.*

Навкарлар ажабланиб дарвешга тикилишди. У ниҳоят янги ахборотни уларга билдирмоқда эди.

Навкарлар унга тўрдан жой кўрсатишди.

Дарвеш фотиҳага қўл кўтарди. Сўнг аста яна ўз хиргойисини бошлади:

— Бу бир саройки, у албатта вайронликка юз тутгай. Демак, охират саройин тадоригини кўрган қавм бахтлидир.

Дарвеш бир чеккада қимматбаҳо либосда ўтирган кишини дарҳол таниди. У Соҳибқирон куёви Муҳаммад Мирак эди. Омад деб шуни айтсалар керак.

Навкарлар пиширилган қўй гўштини лаганларда келтиришди.

— Тақсир, ижозат берсангиз, биз чоғир ичсак. Узр.

— Банияти шифо, бўталарим.

Навкарлар ниҳоят шодон қиёфада маишатга берилишди.

— Хизр Хожaxon ҳақида қандай хиргойи қилдингиз, тақсир? — деди Муҳаммад Мирак.

— Жета хони Хизр Хожaxon тор-мор бўлиб болачақаси-ю, хазинаси — ҳамма-ҳаммасини ташлаб қочди. Султон Қамариддин ҳам изсиз йўқолди.

Дарвеш ҳанг-манг қолган суҳбатдошларига Амир Темур лашкарининг зафари ҳақида завқланиб гапирди. У ишгаҳаси бўғилиб қолган суҳбатдошларига эътибор ҳам бермай лагандаги гўшгларни ишгаҳа билан тушира бошлади. Кайфи ошган навкарлар ҳар ёққа чиқиб кета бошлади. Улардан бири дарвешга юзланди.

— Сизда гапим бор, тақсир.

Дарвеш индамай унинг ортидан эргашди.

— Қандай қилсак Соҳибқироннинг олдидаги гуноҳимизни ювамиз?

Дарвеш унинг қулоғига аста шипшиди.

Кўп ўтмай қўл-оёғи боғланган Муҳаммад Мирак Усмонбекнинг олдида ташланди. Сомонга ташланган игна ўз жойини топди.

## **Тўйга айланган қурултой** **Кеш. Оқёр мавзеси. 1390 йил баҳори**

Амир Отламиш ниҳоят дарғазаб эди. Наҳот у шундай алданди?

У Соҳибқирон олдида шундай изза бўлдики, Амир Темур уни қанчалик овутмасин, кўнгли жойига тушмади. Шундай бўлса ҳам йўлбошловчи — ғажарчи билан бўлган воқеа унга катта сабоқ бўлди.

У ўша воқеани — 1389 йил ёзида Анқо Тўра билан жангда қўлга тушган асир мўғулни кўз олдида келтирди. У Анқо Тўранинг катта қўшин билан Тўра Урунг деган манзилгоҳда қўниб турганини маълум қилди. Бу хабарга ишонган Амир Темур ўша заҳотиёқ Шайх Али Баҳодир билан Идику Темурни илғор қисм билан ўша ерга жўнатди.



Кейин асосий кўшин билан улар кетидан юрди. Тонгда эса маълум бўлдики, ғажарчи уларни йўлдан адаштирган экан.

— Бу нобакор мўғулни қаердан бўлмасин топиб хузуримга келтиринг.

Аммо уни топишолмай Соҳибқирон олдида Отламиш ҳам, Маъсудбек ҳам шарманда бўлишди. Мана энди, юзбоши Ўқтой орқали маълум бўлдики, бу мўғул Анқо Тўранинг хуфия хизмати одами экан. Махсус топшириқ билан атайин асирга тушган экан. Ҳийла бобида Анқо тўра улардан устун эканини исботлади. Демак, йўлбошловчи — ғажарчи танлашда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш ва янада хушёр бўлиш даркор. Унинг хотирига номи афсона Широқ келди. Бу сак йигити бир ўзи икки юз мингдан зиёд Эрон лашкарига ғажарчи бўлиб, уларни Қизилқумда ҳалок этмаганмиди? Бундай Широқлар душманлар сафида йўқлигига ким кафолат беради?

Маъсудбек унга Амир Темур даргоҳида, беку амирлар ва лашкарбошилар доираларида хориж одамлари борлиги ва улар устидан махфий назорат ўрнатганини гапириб, аксил-тинг (контрразведка) ишини кенгайтираётганини маълум қилгани бежиз эмас.

Мўғулистоннинг шарқий қисмига юриш бошланганда ғажарчилар танлашда ниҳоят қаттиқ тортишув бўлди. Амирзода Умаршайх кўшинига Баён Темур танланди. У Соҳибқироннинг ашаддий душмани бўлган Мўғулистоннинг машҳур амири, Илёсхожахонда бош вазир бўлган Беккичикнинг ўғли эди. У анчадан бери Амир Темур лашкарида бенуқсон хизмат қилиб келмоқда. Амир Усмон Аббос кўшинига эса амир Жалол ғажарчи бўлди. У Соҳибқироннинг эски қадрони, Туғлуқ Темурхон саройида вазир бўлган, Амир Ҳусайн томонидан хоинона ўлдирилган Амир Ҳамиднинг ўғли. Учинчи ва тўртинчи кўшин ғажарчилари ҳам Маъсудбек текширувидан ўтган кишилар эдики, натижада улар ўз вазифаларини бенуқсон бажаришди. Мўғулистоннинг ярмидан кўпи бўйсунди. Жангларда ҳам ўзларини кўрсатишди. Мўғулистон хонлари қароргоҳи Болиғ Юлдуз ҳам эгалланди. Аммо асосий душман сардорлари Анқо Тўра, Камариддин, Хизр Хожа ўғлон беиз йўқолди.

Амир Отламиш яна бир муҳим ахборот олди. Тўхтамишхон саройида нуфузли мансабни эгаллаган Ўқтой унга Олтин Ўрдада катта урушга тараддуд бораётганини хабар қилиб, Тўхтамиш руслар, литваликлар ва бошқа жойлардан аскарлар ёллаётгани тўғрисида аниқ маълумотларни юборган эди. Шу билан бирга у Тўхтамиш Мовароуннаҳрдан ҳар куни ахборотлар олиб турганига шаъма қилиб, Амир Темур мулозимлари орасида Олтин Ўрданинг одамлари фаол ҳаракат қилаётганига ҳам эътибор беришни сўраган эди.

Амир Отламиш билан Амир Азизуддин Маъсудбек иштирокида махфий кенгаш ўтказишди. Душманларни чалғитиш режасини ишлаб чиқишди ва у Соҳибқирон томонидан тўла маъқулланди.

Оқёрда қурултой чақириш хусусида жойлардан одамлар чақирилди. Барча жойлардан вилоятлар ҳокимлари, лашкарбошиллар ва беку амирлар тўплана бошлади.

Қурултой бошланган куни қизиқ воқеа юз берди.

Амир Темур вафот этган Суюрғатмишхон ўрнига Мовароуннаҳр хони этиб сайланган унинг ўғли Султон Маҳмудхон қарорини эълон қилди.

— Хон ҳазратларининг фармонлари билан қурултой кечиктирилади.

Ҳамма ҳайрон қолди. Соҳибқирон эса сўзида давом этди.

— Сизлар шунча йўл босиб даргоҳимизга келган экансиз, шундан фойдаланиб барчангизни тўйга таклиф қиламен.

Амир Темурнинг кейинги гаплари эса барчани шошилтириб қўйди. У тўнғич қизи — севимли ёри бўлган Камолой — Ўлжой Туркон оғодан қолган ёдгорлик — Султон Бахт Бегимни Амир Сулаймоншоҳга турмушга беришини айтди. Жангларда ўзини кўрсатган, салтанатга содиқлигини неча бор намоён қилган ва унинг йўлида жонини аямаган бу ботир саркардани ўзига куёвликка муносиблигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Сўнг ўғли Умаршайх Мирзонинг Суюнч Қутлуғ оғонинг қизи Ширинбекага уйланишини ҳам қўшиб қўйди.

Қурултойнинг бирдан тўйга айланиб кетиши махфий режанинг биринчи қисми эканлигини ҳеч ким билмас эди.

Тўйнинг иккинчи куни эса Соҳибқироннинг тўсатдан касалга чалингани ҳақида овоза тарқалди. Бу ҳам махфий режанинг иккинчи қисми — душманларни чалғитиш воситаси эканлигини ҳам махфий хизмат раҳбарларидан бўлак ҳеч ким билмади. Ўша куни оқшом эса Соҳибқироннинг чодирда давлат махфий кенгаши бошланди. Жуда тор доирадаги бу кенгашда икки муҳим қарор қабул қилинди. Биринчиси — Анқо Тўра, Қамариддин ва Хизр Хожaxonга қарши Умаршайх Мирзо бошлиқ қўшин жўнатиш, иккинчиси эса Олтин Ўрда билан жангга жиддий тараддуд кўриш эди. Саркардалар бу хусусда аниқ топшириқлар олишди.

### Тузукларнинг тутилиши Тошкент. 1390 йил

Амир Темурнинг ҳийласи ўзига панд берди. Сохта касаллик чинакам дардга айланиб уни тўшакка миҳлаб қўйди.

— Ўшанда фаришта омин деган экан, — деди у Амир Отламишга.

Ташқи разведка раҳбари унга қисқача ахборот берди. Тошкентга бутун салтанат ҳудудларидан лашкарлар келмоқда. Олтин Ўрда билан урушга барча нарса муҳайё.

— Фақат бир нарса етишмайди, — деди секин Амир Темур ва ҳорғин кўзларини юмди. У нима нарса экан?

Отламишнинг боши қотиб ташқарига йўл олди. Саркардалар ва қўшин безовта. Катта юриш олдидан Соҳибқироннинг ётиб қолиши боиси недур?

Амир Темур эса Тошкентга келган кундан бошлаб бир масала устида бош қотирар эди. У шу кунга қадар уруш жанг илмига қандай янгилик киритди? Искандар Маҳдуний ва Чингизхон каби нимани кашф этди? Мўғуллар Чингизхон яратган “Ясо”га амал қилиб, ундан чекинмай жанг қилишади. Бир ярим асрдан бери унга бирон янгилик киритилмади.

Соҳибқирон ўзича кулиб қўйди. Бу яхшиликдан дарак эмас.

Мўгул қонун-қоидалари энди янги замон талабларига жавоб бермайди. Буни у Амир Темур ўз тажрибасида синаб кўрган. Хўш, ўзи-чи, ўзи нималарга амал қилди? Ясогами? Ҳа, қисман. Аммо у асосан “Қуръони карим” оятларига амал қилди. Шунинг учун ҳам Қуръон Ясодан устун келиб у доимо чингизийлар устидан галаба қилиб келди.

Чингизхон ва унинг авлодлари навкарларни одам ўрнида кўрмаган. Улар маош олишмаган. Чингизхон Ясосига биноан ҳарбий юришларда аскарлар ярим оч аҳволда бўларди, чунки Чингизхоннинг айтишича, қорни тўқ този яхши ов қилмайди, қорни оч бўлса, жон-жаҳди билан ўлжага ташиланади. Маош билан қорни тўқ навкар ҳам яхши жанг қилмайди. Ўз навкарларини овчи итларга ўхшатган Чингизхон уларни фақат талончилик ҳисобига яшашга, урушда олинган ўлжалар билан бойишга ўргатар эди. Амир Темур эса ўз аскарларини фарзандларидек кўрди. Шунинг учун ҳам лашкар уни ўзининг падари бузруквори ўрнида кўради. Мана, ҳозир у хасталикка чалиниб ётиб қолганда лашкар ва халқ унинг ташвишида қолди. Бир шоир эса шундай байт битибди.

*Ҳазрат ғамидин барча жаҳон титрар эди,  
Танларда кўнгиллар билан жон титрар эди.  
Ул жоку жаҳон эрди, анинг ваҳмидин  
Айтмоққа оғизларда забон титрар эди.*

Халқ унинг соғайишидан умидвор бўлиб уйларида, масжидларда дуо қилмоқда. Икки юз минг лашкар ҳам ҳар намозда унга шифо тиламоқда.

Соҳибқирон чехрасига ним табассум қўнди.

Ҳа, у бекор яшамади. Бекор умрини отдан тушмай ўтказмади.

Хаёл уни яна ўша бетакрор ёшлик йилларига олиб кетди. Беҳисоб жангу жадаллар, маҳорат йўлида чеккан азобу ситамларга олиб кетди. Ана ўша жанглардаги қўллаган услуб ва усулларини эслади.

Ана шуларни чуқур таҳлидан ўтказса, бирон янгилик яратса бўлмасмикан? Масалан, кўшин тузилиши ва таркибини янада мукамаллаштиришнинг иложи йўқми? Ҳали ҳеч ким қўлламаган ва жангларда ишлатмаган усуллар ва воситалар йўқми?

Ҳозир Тўхтамиш ва унинг саркардалари уруш тажрибаларини ўзлаштирган ҳолда унга қарши жангга обдан пухта тайёрланишмоқда. Демак, у ҳам бу олчоқ чингизийларга қарши жангнинг янги бир усулини қўллаши керак. Мана шу, у Отламишга айтган етишмаётган нарса. Ҳа, худди шу!

Соҳибқирон ичидан босиб келаётган турғенни сезди. Кўтарилишга уринди, аммо кучи етмай яна кўзларини юмди.

Бу унга Аллоҳ ишорати! Тезроқ бўл, тезроқ улгур, ганимагсан эй суюкли бандам, деяётгандай бўлди.

У ҳеч қачон бундай оғир ётиб қолмаган, йигирма кундан бери беҳол. Ана шундай бошинг ёстиққа етганда кўп нарсаларни эслайсан. Изтиробли, ташвишли, уқубатли. Қувончлисиси кам.

У, Темурбек, олтмишга яқинлашаётган фаслда нималарга улгурди? Кўп нарсага. Лекин улгурмагани, қилолмагани ҳам кўп. Унинг яратган салтанати узоқ яшаши учун яна кўп ишларни қилиши лозим. Улгуролмаса-чи? Унда нима бўлади? Фарзандлари унинг чала ишларини поёнига етказа олармикан?

Соҳибқироннинг кўзлари чақнаб кетди. У Чингизхон васиятини эслади. Чингизхон шу васиятимга фарзандларим риюя қилса, мўғуллар салтанати минг йиллар яшайди, деган эди. Аммо унинг васиятини бажариш учун фарзандлари ҳам Чингизхондек улкан ҳаёт ва ҳарб тажрибасига эга бўлиши лозим эди. Чингизхон фарзандларига сабоқ бериши, ўргатиши, ўз ҳаётий мисоллари руҳида Жўжига ҳам, Чигатой ва Ўқтойга ҳам йўриқномалар қолдириши керак эди. Қуруқ васият бунга кифоя эмас.

Соҳибқироннинг миясида бир фикр ўтдек чақнади. У фарзандларига шундай йўриқнома қолдириши керак. Бу шундай ёзилиши керакки, уни ўқиган киши худди у сингари тажрибали ва эҳтиёткор бўлади.

Шу тариқа Тошкентда 1390 йилда келгусида донг таратувчи машхур “Темур тузуклари” яратиш гоёси туғилди.

## Қорасомондаги қурултой 1391 йил, январь

Қирқ кундан сўнг ўзига келган Соҳибқирон Аллоҳга беадад шукроналар айтиб оёққа турди. Иштаҳаси ҳам очилди.

Мулозимлар ва саркардалар Амир Темурда қандайдир ўзгариш сездилар. Унинг буйруқлари қисқа ва лўнда. Чехрасида қатъийлик ва ўта ишонч барқ уриб турибди.

Соҳибқирон мусулмонларнинг илтимосларига кўра ўзи қурдирган мачитга жума намозини ўқиш учун борди. Жуда қисқа муддатда қурилган бу мачит Эски Жўвада мағрур қад ростлаган.

Тошкентлик намозхонлар Амир Темур билан бирга Аллоҳга ибодат қилаётганларидан бениҳоя шод эдилар. Улар бу воқеани айтиб юришади, уларнинг авлодлари ҳам ўз авлодларига уни фахр ила етказишади.

Соҳибқироннинг пойқадами шаҳар учун қутлуғ келди. Тошкент хунармандлари маҳсулотларининг бозори чаққон бўлди. Машхур “Камони Шоший” ўқ-ёйлари, вазни енгил, лекин тиги кескир Шош қиличлари, эгаржабдуқлар, тақалар минглаб миқдорда харид қилинди. “Камончи”, “Ўқчи”, “Эгарчи”, “Тақачи”, “Оҳакчи” каби хунармандлар устахоналари номи билан аталган кўчалар пайдо бўлди. Тошкентнинг минглаб йигитлари кўнгилли тарзда Соҳибқирон ланкари сафини тўлдиришди.

Қаҳратон қиш чилласида Амир Темур йўлга чиқишни буюрди. Тадқиқотчилар нима учун совуқ шиддатига қарамай, сафарга чиқиш сабабларини шундай изоҳлайдилар. Гап шундаки, 200 минг кишилик кўшин Олтин Ўрда ҳудудларига етиб боргунча икки минг чақирим йўл босиши керак эди. Бу эса камида беш ой вақт та-

лаб қиларди. Шимол совуқларида қиш кунда Олтин Ўрда лашкари билан жанг қилиб ғолиб чиқиш амри маҳол эди. Шунинг учун Амир Темур Олтин Ўрдага ёз киргунча етиб боришни ва илиқ кунларда нафасни ростлаб Тўхтамиш билан ҳисоб-китоб қилишни режалаштирган эди.

Соҳибқирон Туркистонга етишганда лашкарга тўхташни буюрди. Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилиб ўтишга қарор қилди. Пири Мир Саййид Барака йўл-йўлакай унга Яссавий мўъжизаларидан гапириб борарди.

— Ҳазрат волидалари қорнида ётганларида ғойибдан товуш эшитгадилар. “Зикр айт”, дебди ўша товуш ва Ҳазрат вужудларида титроқ сезибдилар.

— Мен сени ўғил қилдим, — дебдилар пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом, — тўрт асрдан сўнг менинг издошим бўлиб халқни ҳақиқат йўлига даъват этурсен. Ўн тўрт минг мужоҳид эса сенга ихлос ила хизмат этур.

Кейин эса пайғамбаримиз умматларини тўплаб уларга шундай дебдилар:

— Мен бандаликни бажо келтирялман. Энди омонат ислом рамзини ким қабул қилиб ишгани давом эттиради?

Шунда умматлар орасидан Арслонбоб чиқибди. Унинг хоҳиш-истагини эшитган пайғамбаримиз Аллоҳ билан маслаҳатлашиш учун хилватга кетибдилар. Тангрининг розилиги билан омонатни — хурмо данагини Арслонбобга топширган эканлар. Орадан 477 йил ўтгач, Арслонбоб етти ёшга тўлган Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларини чўлда учратиб қоладилар.

— Омонатимни беринг, буважон, — дейдилар Ҳазрат Яссавий. Арслонбоб Тангрига шукроналар айтиб Ҳазрат босан изни ўпадилар ва омонатни унга эҳтиром ила топширадилар.

Соҳибқирон чуқур хўрсинди. Ёдига ўша бундан қирқ йилча муқаддам Туркистонга келиб Яссавий қабрини зиёрат қилгани ва қаландарларга берган ваъдасини эслади. У Яссавийга муносиб мақбара қуришга ваъда берган эди ўшанда. Нега уни вақтида амалга оширмади? Балки Сеистонда отилиб қўл-оёғини мажруҳлаган ўқлар шунинг жазоси эмасмикан?

Соҳибқирон зиёрат ҳовлисидаги қудуқнинг шифобахш сувидан ичар экан, улуг пирнинг руҳидан мадад сўради. Агар Тўхтамишни баргараф этиб эсон-омон юртига қайтиш насиб этса, Ҳазрат Яссавий қабри устига муҳташам мақбара қурдиришни астойдил ниёт қилди.

Ташқари совуқ бўлса ҳам ер қаърида нисбатан илиқ турган бу муқаддас қудуқ суви унга ажойиб бир энгил руҳ берди. Офтобачига олтин кўзачани қудуқ сувига тўлдириб олишни буюрди.

Лашкар йўлга тушди. Қор бўралаб ёғар эди. Аммо бу кўшиннинг шитоб билан илгарилашига халал бермади.

Ўтрор ҳам ортда қолди. Қорасомонга етганларида ёмғир аралаш қор хуружи кучайди. Соҳибқирон шу ерда кўр ташлашга амр берди. Гулханлар порлади. Кўшин ҳордиққа ҳозирланди. Юзлаб қўйлар, отлар сўйилди. Атрофни тандир кабоб ва палов ҳиди тугиб кетди.

Соҳибқирон чодирда тор махфий кенгаш бошланди. Амир Азизуддин, Огламиш ва Маъсудбек ҳукмдорга ўз ахборотларини беришди.

— Эртага қурултой чақирамиз, — деди Амир Темур, — мен саркардалар фикрини эшитмоқчимен.

Аммо эрталаб унинг режаси ўзгарди. Тўхтамишдан келган элчилар номаси унга топширишди.

Номада Соҳибқироннинг шаънига айтилган ҳамду санолардан сўнг Тўхтамишнинг ҳозирда қайси мамлакатлар устидан ҳукм юргизиб турганлиги ёзилиб кейин унинг пушаймони битилган эди:

— Кўндан бери икки ўртада ота-болалик муносабатлари давом этиб келар эди, лекин кейинги пайтларда нодонлик ва ғурур димоғимизни фатҳ этиб, бироз йўлдин адашдик, туз-намаклик ҳаққиға хиёнат қилдик. Оқибати эрса хайрли бўлмади. Икки орани ишончсизлик ва ёвлашиш пардаси қоплади. Шу ужурда қилмишимиздан пушаймонлик тортиб туруرمىз. Худо шохид, бундан буёғиға ҳад доирасидан чиқмасмуз, итоат ва хизматкорлик мақомида туруرمىз, албатта. Ҳазрат Соҳибқиронга банда эруرمىз, ҳар қандай фармонларига бўйин эгурмиз. Шу боис отифат ва иноятларини биз бандаларидан дариг тутмай, онинг густоҳлик ва жарималари устиға афв чизигини тортсалар.



Соҳибқирон савол назари билан Амир Отламишга қаради. У эса қўйнидан бир қоғоз чиқариб сўз бошлади.

— Ишончли одамим хабар қилади. Тўхтамиш барча кечув жойларига пистирмалар қўйган. Унинг буйруғига мувофиқ биз ўтадиган жойлардаги барча чорвадор аҳли зўравонлик билан шимолдаги Ўрол тоғи этакларига кўчирилган. У бизни озуқадан маҳрум қилишнинг барча чораларини кўрган.

Соҳибқирон ўйга чўмди. Отламиш эса сўзида давом этди.

— Тўхтамиш бизни рози бўлмаслигимизни билиб шундай чоралар кўрган. Элчилиги эса вақтдан ютиш ва чалғитиш воситаси, холос.

Соҳибқирон чуқур ўйга чўмиб хаёлга берилди. Сўнг Маъсудбекка юзланди.

— Лашкар элчи келганидан хабардорми?

— Ҳа, — деди контрразведка бошлиғи, — элчилик одамлари сулҳ хусусида кўп гапларни тарқатишмоқда.

— Масалан?

— Узоқ йўл босиб, Олтин Ўрдага етгунча жангчилар озиб-тўзиб чарчаб қолишади. Тўхтамиш аскарлари эса ўз юртида куч йиғиб дам олишмоқда.

— Сувсиз, озуқасиз Дашги Қипчоқдан беш ой юриб ўтишга ҳеч ким бардош беролмайди. Юриш борса-келмас йўлига айланмасмикан?

— Тўхтамишхон Туронга бостириб келганидан пушаймон бўлса, энди хатосини тузатсин, бизнинг мамлакатга етказган барча зарари товонини тўласин, иккинчи бундай қилмасликка онт ичсин, ана унда урушни ярашга айлантириш мумкин.

Эрталаб курултой қатнашчилари Амир Темурнинг сўзларидан сўнг Мир Саййид Барака маърузасини тинглашди.

— Соҳибқирон минг бор ҳақ, аҳли жамоа. Тўхтамиш уч бор Ўрусхон ва унинг фарзандларидан мағлуб бўлиб, ҳузуримизга қочиб келди. Биз они сафар сийлаб, ҳимоямиз остига олдик. Охири курул ва аскар бирлан бориб Оқ Ўрда тахтини, сўнг Олтин Ўрда салтанатини олиб бердик. Хўш, у бу яхшилик бадалига нима бирлан жавоб

берганини ўзингиз ҳам биласиз. Тўхтамиш алдамчилигини амалда кўрсатди. Яна қуюқ ваъдалар беради, эртасига эса товои ҳам тўламайди, сулҳнинг шартини ҳам бузади. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Биз ёлғончининг ваъдасига ишониб, неча марта алданишимиз керак?

Мир Саййид Барака қурултой қатнашчиларига синовчан разм солди. Кимлардир ҳавас, кимлардир завқ-шавқ, айримлар эса ҳўмрайган.

— Тўғри, қиш фаслида Олтин Ўрдага етиб бориш қийин. Совуқ, изғирин, қор бўронлари қаттиқ азоб беради. Лекин мен, кекса одам, Аллоҳ шамшири, шариат паноҳи Соҳибқирон билан, Сиз билан, шунқорларим шу азобларга чидаб олға борамен!

Унинг оташин нутқи қурултой қатнашчиларини жунбушга келтирди. Соҳибқироннинг суюкли набираси ўн беш ёшли Муҳаммад Султон даврага отилиб чиқди.

— Ҳазрат бобожон! Тўхтамишга ўхшаган тулкилар сўзидан қайтади, аммо йўлбарс изидан қайтмайди. Сипоҳийларимизнинг бари йўлбарсдир. Мен сиздан илтижо қиламен. Манглай қўшинларини менга ишониб топширинг. Ёғий билан биринчи бўлиб жангга кирмоқчимен. Турон учун, Сиз учун жон керак бўлса беришга тайёрмен!

— Тайёрмиз! — ҳайқирди барча.

Мироншоҳ Мирзо, Шоҳрух Мирзо каби ўғиллари ва набираси Пир Муҳаммад Мирзо ҳам навбатма-навбат шундай садоқат сўзларини айтишди.

Амир Отламиш ёнида турган Маъсудбекка аста шивирлади.

— Фикримча, тахт вориси шу Муҳаммад Султон бўлади. Қара, бир сўзи билан лашкарни оёққа турғазди.

Соҳибқирон набирасига поёнсиз меҳр ила боқди. Кейин у ўзи ёзган “Тузуқлар”да шу воқеани шундай битади:

— Фарзандларим ва набираларим мен учун жон фидо қилишга тайёр эканликларини билдирмагунча саркардаларим ва аскар бошлиқларим жанг қилишга рўйхушлик бермадилар. Фарзандларимнинг сўзларини

эшитгач, амирларим ва нўёнларимнинг жасурлиги тутиб, жангга шай ҳолатга келдилар.

Тўхтамишхон элчилари қурултой қароридан сўнг кетишга рухсат сўрадилар. Аммо Амир Отламиш уларга рухсат бермади.

— Улар бизга гажарчи бўлишади, — деди у Амир Темурга. Маъсудбек ҳам уни қўллаб-қувватлади.

Соҳибқирон кўз-қулоқлари — махфий хизмат дарғалари қарорига қаршилиқ қилмади.

Дашти Қипчоқ ларзага келди. Икки юз минг лашкар ва минглаб таъминотчи кучлар шитоб ила олға борарди. Ясси, Қорачиқ ва Саброн ҳам орқада қолди. Сўнг кимсасиз чўл бошланди. Совуқ ва сувсизлик тинкани қурита бошлади. Лекин бир ғоя, бир эзгу мақсад байроғи остида бораётган кўшинни ҳеч қандай куч, офат ва бало тўхтата олмас эди. Лашкар совуқни ҳам, чарчоқни ҳам билмай отда бардам бораётган падари бузрукворларига қараб ундан куч ва илҳом олишар эди.

### Соҳибқироннинг катта оши Улуғ тоғ. 1391 йил апрель

Амир Отламиш Ёйиқ дарёси соҳилида юзбоши Ўқтойдан муҳим хабар олди. У Тўхтамишхон ҳузурига Қорасомондан икки навкар келгани ва улар Амир Темур кўшини ҳақида батафсил ахборот беришганини ёзган экан. Соҳибқироннинг ишончли кишиси ва унинг яширин хизматчиси бўлган Ўқтой бу икки навкар Амир Эдиқуднинг одамлари эканини ҳам аниқлабди.

Бу ниҳоятда ташвишли хабар эди. Демак Тўхтамишнинг махфий хизмати уларни доғда қолдирибди. Соҳибқирон лашкарида душман одамлари иш кўрмоқда. Бу хабар контрразведка бошлиғи Маъсудбекни ҳам ларзага солди. Унинг одамлари Тўхтамиш даргоҳида ва кўшинида яширин иш кўришмоқда. Ишқилиб, улар, айниқса, юзбоши Ўқтой фош бўлмасин. Эҳтиёт чораларини кўрмоқ даркор.

Лашкар Улуғ тоққа етганида Маъсудбек ўз одамлари билан маслаҳатга тўпланди. Бу вақтда эса Соҳибқирон тоғ тепасида тикдирилган чодирда ҳордиқ чиқармоқда эди. Чор атрофда баҳор нафаси уфуриб турибди. Теварак-атроф ажиб манзара кашф этган. Лолақизғалдоқлар худди гиламдек тўшалиб ял-ял ёниб турибди. Кўм-кўк чучмомаларнинг хушбўй ҳиди атрофга таралган.

Соҳибқирон яқин мулозимлари билан тоғ тепасига чиқишга аҳд қилди. Тоза ҳаво ва табиат гўзаллиги унга қандайдир завқ бағишлади. Унда яратувчилик ҳисси жўш урди. Жаҳонгирлик билан яратувчилик унинг қон-қонига сингиб кетган.

Соҳибқирон бир жойга келганида тўхтаб қолди. Маҳобатли тоғ унга фоний ва боқий дунёни эслатди. Бу тоғлар неча минг йиллардан бери турибди. Не-не воқеаларнинг гувоҳи бўлмаган дейсиз? Бундан кейин ҳам салобат тўкиб тураверади. У-чи, у, Темурбек эса ўткинчи бир зарра, холос. Бу тоғлар кўрки ва салобати олдида у ким ўзи? Кел, яхшиси, мана шу тоғда ўзидан бир ёдгорлик қолдирсин. Бу шундай ёдгорлик бўлсинким, у Темурдан кейин ҳам, авлодларидан кейин ҳам унинг бу сафарини абадиётга муҳрласин.

Соҳибқирон амри билан муҳандислар ва сангтарошлар ҳузурига келишди.

— Мана бу майдончага қаранглар. Текис ва қулай. Шу жойда тоғ тошларидан минорага ўхшаш бир иморат қуришлар.

— Бош устига, Соҳибқирон.

— Оддий сипоҳдан тортиб амирларгача сизларнинг ихтиёрингизда ишлайди.

Улуғ тоғ этаги лашкарга тўлиб кетди. Навкарлару юзбоши, мингбошию амирлар тош ташишга, сангтарошлар эса уларни тарошлагга киришдилар. Соҳибқирон амри вожиб. Барча катта воқеа иштирокчиси бўлаётганидан воқиф. Чумолидай ўрмалаган икки юз минг лашкар қўлига қилич эмас, тош олиб тер тўкади.

Улуғ тоғ ўз тарихида бундай манзарани кўрмаган. Бир ҳафта ичида унинг бағрида тош минора қад кўтарди. Унинг деворида араб ва туркийда шундай сўзлар битилган эди:

**“Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

**Марҳаматли ва мурувватли Худованди Каримга шукрлар бўлсинким, Турон мамлакатининг султони ҳазрат Амвр Темур Кўрагон икки юз минг кишидан иборат қўшин билан Тўхтамишхонга қарши бораётиб, ҳижрий 793 йил жумоди ул-аввал ойининг йигирма учинчи куни шу ердин ўтаётиб, ўзидин ёдгор бўлсин деб, ушбу минорани бунёд этдилар.”**

Соҳибқирон минорани завқ-шавқ билан томоша қилди. Қўли гул усталар, меҳнаткаш қўллар, зукко меъморлару муҳандислар меҳнатига “офарин” дегиси келди. Ундаги кўтаринки кайфият ва бунёдкорлик завқи лашкарга ҳам ўтди. Улар ўз меҳнатлари, ўз қўллари билан бунёд этилган бу ёдгорликка эҳтиром ила боқишар эди. Ёдларига эса Амир Темурнинг “Қаердан бир ғишт олган бўлсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирганман”, деган сўзлари келар эди.

Соҳибқирон атрофида тизилган сафдошлари, амиру беклар, юзбошию баҳодирлар ва бошқа мулозимларига ўтиришни буюрди. Сўнг ўтган-кетганлар руҳига тиловат қилди.

Икки юз минг нигоҳ Ҳофизи Куръон рутбасини олган ҳукмдорга қадалган эди. Унинг ширали овози тоғу тошларда акс берар, гўё табиат ҳам маҳдиё эди Аллоҳ сўзларига!

— Аллоҳу акбар!

— Аллоҳу акбар!

Бу фотиҳа, минглаб овозлар Улуғ тоғни ларзага келтирди ва олис-олисларга таралди.

Бу бир ғоя, бир мақсад ва бир эзгу иш йўлида бирлашган лашкар наърасидан замин силкинди.

Бу вақтда пастликда баковуллар иши қизгин борарди. Қозонлар қайнамоқда. Ҳам қовурилган, ҳам қайнатилиб димланадиган таом — палов пишмоқда эди.

Лашкарга Соҳибқироннинг катта оши тайёрланмоқда эди.

**Маккор режа**  
**Қирққўл, Тўхтамишхон қароргоҳи**  
**1391 йил, май**

Алоҳида хизматлари учун кўшин байроқдори қилиб тайинланган юзбоши Ўқтой махфий кенгашдаги ҳар бир гални жон қулоғи билан тинглар эди. Энди унинг тақдири Амир Темур билан боғлиқ.

Олтин Ўрда хонининг хуфия хизмати бошлиғи Элийғмиш ўелон ахбороти уни ғоят қизиқтирди.

Элийғмиш ўелон! Соҳибқироннинг эски ва азалий қаттол душмани. Неча бор ундан енгилиб мағлубият аламини тортган. У ниҳоят интиқом ўтида ёнмоқда. Ўзининг кенг тармоқли жосуслик тармоғини Амир Темур одамлари орасида, айниқса, мўғул сипоҳлари ва зобитлари орасида ёйган. Мана бугун у Амир Темур лашкаридан қочиб келган навкарларнинг энг сўнгги хабарини айтмоқда.

— Оқсоқнинг лашкарида қаҳатчилик бошланган, — Элийғмиш ўелон бу сўзларга алоҳида тантанавор тус берди, — У уч ойлик озиқ-овқат олган эди. Фикримча, йўлда кўчманчи чорвадорлардан харид қилишни мўлжаллаган. Аммо биз ҳам анойи эмасмиз.

Ўқтой унинг нима демоқчилигини билар эди. Дашти Қипчоқда сурув-сурув чорвалари билан қишлайдиган минглаб кўчманчи чорвадорлар яшар эди. Соҳибқирон сафар режасида улардан дон-дун ва гўшт, ёғ сотиб олишни назарда тутган. Элийғмиш ўелон Амир Темур ўтадиган жойлардаги барча чорвадор аҳлини зўравонлик билан шимолдаги Урал тоғлари этакларига кўчириб юборди.

— Чўлоқ гўштсиз, нонсиз қолди. Ўрду бозорда бир бош кўйнинг баҳоси юз кепакий динорга, ўн олти манн бугдойнинг баҳоси ҳам юз динорга кўтарилган. Унинг кўшинидан одамлар секин-аста қочиб кетмоқда. Мана ҳозир ўшалардан бирини сизларга кўрсатаман.

Унинг имоси билан ичкарига Амир Темур лашкарида хизмат қилган мўғул ўнбошиси кириб келди. У Тўхтамишхонга таъзим бажо қилгач, Элийғмиш ишораси билан кўрган-кечирганларини сўзлай бошлади:

— Қаҳатчилик кун сайин кучайиб борди. Кўшунот, тумонот, хазоражот ва садажот бошлиқлари нима қилишни билмай қолишди.

— Тўрт юз минг кишини боқошининг ўзи бўладими? — хандон отиб кулди Тўхтамиш.

Кочоқ эса сўзида давом этди:

— Кейин Темурбекнинг буйруғи эълон қилинди. Ҳеч ким Ўрду ва лашкарда нон, кўмоч, тумоч, бўза ва шунга ўхшаш ун, бугдой ва арпадин пиширилатурғон таом истеъмол қилмасун, буламук бирлан кифоялансунлар. Эртасига эса ун ва дондан ўзбошимчалик билан овқат тайёрламаслик ҳақида мингбошидан буйруқ олдик.

— Буламук нима? — сўради Тўхтамиш.

— Суюк, кўкимтир, тахир бир таом. Буламукни пишириш қийин эмас экан. Олти манн шарбий ун билан олтмиш коса кўкат — ўтти қўшиб қориб туз қўшиб қайнатар эканлар. Аталага ўхшаш кўкимтир бу таом ўта тўйимли бўларкан. Ҳар бир сипоҳий бир кунда буламукдан бир коса ичиб, тирикчилик ўтказди. Лекин бу овқат тезда жонга тегаркан. Мана, мен шерикларим билан қулай фурсатни топиб қочдим.

— Сенга ўхшаганлар кўпми?

— Топилади, ҳазрати олийлари, — ялтоқланди олчоқ қочоқ, — айниқса, қудратингиз хусусида кўп гаплар тарқаб лашкарда безовталиқ кучайган. Тўхтамиш атайлаб бизни дашт ичига олиб кетмоқда. Худди бўри кўйларни...

Тўхтамишхоннинг қаҳқаҳасидан бошқалар ҳам астойдил кулишди. Лекин Элийғмиш ўғлон чеҳраси жиддий. У кечагина айғоқчисидан олган хабарни эслади. Амир Темур ов уюштиришга буйруқ берибди. Унинг кўрсатмаси билан тўрт томонининг ҳар бири олтмиш фарсахдан (180 чақирим) масофани қамраб олган жами кенглиги етти юз йигирма чақирим бўлган қамарғаси ташкил қилинган. Қирқ минг сипоҳий беинтиҳо даштни ўраб

олиб ва жар солиб у ердаги жониворларни чор атрофдан ўртага сиқиб кела бошлаган. Тигиз сафлар билан ўралган қамарга аста-секин кичрайиб унинг ичида минглаб оқ сайгоқлар, жайрон кийиклар тўпланди. Ов ниҳоят мўл бўлиб, лашкар гўштга тўйди ва бир ойлик озиқани захира қилди.

Чингизхон невараси шавкатли Ботунинг олтин тахтида виқор билан ўтирганини кўрган Тўхтамиш кулгидан тўхтади. У Элийғмишнинг жиддий юзидан аҳвол у қадар аянчли эмаслигини пайқади. Қарсак чалиб барчани чиқиб кетишга буюрди.

— Хўш, сенда не гап яна?

— Идикуга ишониш қийин, аълоҳазрат. Кунча ўғлон ва Темур Қутлуг билан улар бизга ўйин кўрсатишмоқда. Улар кимнинг қўли баланд келса, ўшанинг тарафига ўтиб кетишади.

Тўхтамишнинг қовоғи солинди. Қачонлардир у мана шу Идику Ўзбек, Эдикуд, Едигей номлари билан атрофга донг солган Дашти Қипчоқ саркардаси билан Амир Темур лашкарида хизмат қилган кунларини эслади. Ўшанда Темурбек уларга амир мартабасини бериб кўп саховатлар кўрсатган эди. Оғир пайтларда унга мададкор, чин маънода тутинган ота бўлган эди. Ўзи эса “Ислом йўлида сиз ота, мен фарзанд” дея онт ичган эди. Темурбек унга ишонч билдирди. Оқ Ўрда сўнг эса Олтин Ўрда тахтини олиб берди. У совға қилган от эса уни неча бор муқаррар ўлимдан сақлаб қолган эди.

— Ёйиқ дарёсининг уч кечув жойига уч туман аскар ва камончиларни пистирмага қўйганмиз. Улар шай туришибди, аълоҳазрат.

Элийғмиш гапларини тингларкан, Тўхтамишнинг тахт кўланкасини ёпиб қўйган виждон пардаси очилгандек бўлди. Зийрак Элийғмиш ўғлон назаридан бу ҳол қочмади. Тўхтамиш ўзига кўп яхшиликлар қилган Амир Темур олдида берган ваъдасини эслади, чоғи.

Тўхтамишхон сергакланиб разведка бошлиғига ўткир нигоҳини қадади. Қаердан билади у кўнглида кечаётганларини? Кўнглида эса кўп нарса кечмоқда. Айниқса, унинг тутинган отасига қилган ёмонликларини



алоҳида таъкидлаш даркор. Энг даҳшатлиси, Амир Темур уни “тутинган ўғил” деб биларди.

Эсида, бундан беш йил бурун у чингизий шаҳзода — ўғлонлар қутқуси билан Табризга — Амир Темурга тобе шаҳарга босқин қилди. Кўп ўлжалар олиб ўғлонларни хурсанд қилди. Кейин эса Озарбайжонни талаш учун қўшин юборди. Дарбандда бу қўшин Амир Темур ўғли Мироншоҳ аскарларига дуч келди. Қизиғи шундаки, улар жанг қилмай орқага қайта бошлайдилар. Буни ожизлик деб билган аскарлар уларга ҳужум бошлашади. Аслида эса Мироншоҳ отаси буйруғига кўра иш тутган экан. Амир Темур унга “Бизнинг Тўхтамиш билан аҳдномамиз бор, ота-бола тутинганмиз, шу аҳдномага амал қилишимиз керак, агар Тўхтамиш аскарлари ўзларини жанг бошлагандан тийса, сизлар урушмасдан орқага қайтинглар” деб тайинлаган экан. Дарбанднинг тор денгиз соҳилидаги жангда унинг қўшинлари Мироншоҳдан мағлуб бўлди. Минглаб одамлари асир олинди. Амир Темур уларнинг барчасини озод қилиб уларга шундай гапларни айтган:

— Тўхтамишхон билан орамизда муносабат ота-болалик каби эди. Тўхтамишхон нега бундай нолайиқ ишларга қўл урди, нега Табризда минглаб бегуноҳ мусулмонларнинг умрига зомин бўлди? Бориб айтинглар, бундай ёмонликлар қилмасин, у билан аҳдлашганмиз, аҳдида турсин.

Лекин Тўхтамиш аҳдида турмади. Аммо бобокалони Чингиз ўғитига амал қилди. Амир Темурнинг 1387 йил қиш фаслида Эроннинг жанубидаги Форс ва Шерозга қўшин тортиб кетганидан фойдаланиб етти ўғлон туманбошиларни етмиш минг аскари билан Мовароуннаҳрга жўнатди. Уларга Мўғулистон хони Хизр Хожахон ва Анқо Тўра қўшини ҳам қўшилди.

Амир Темур севган Занжирсарой босиб олиниб ўтда куйдирилди. Зарнуқ деган жойда Элйиғмиш ўғлон ўн минг аскар билан талончиликларга бош бўлди. Сигноқ, Саброн, Хўжанд, Ўзган, Андижон обдан таланди. Аммо Амир Темурнинг Эрондан зудлик билан етиб келиши унинг режасини барбод қилди.

— Оқсоқ Темур тирик экан, ҳеч қачон Олтин Ўрда тинч бўлмайди, аълоҳазрат.

Элйиғмиш ўғлон яширин режаларини, Миср, Москва, Литва билан тузилган битимларни, улардан келадиган мададларни, ҳатто турк султони Боязид даврасида ҳам ишлаётган одамлари ҳақида кўп ва хўп гапирди.

## Жанг билан разведка

“Дўсту душманлигига қарамай, ҳар жойда сипоҳийларни ҳурмат қилдим, чунки улар боқий мато бўлган жонларини фоний дунё моли учун сотадилар. Ўзларини маърака-майдон, ҳалокатга отиб, жонларини қурбон қиладилар. Агар ғаним сипоҳидан бирор одам ўз валинеъматига сидқидилдан хизмат қилиб уруш кунларида менга қарши қилич кўтарган бўлса ҳам, ундай одамга нисбатан лутф-марҳаматлар кўрсатдим, қошимга келганда, уни қадрлаб, ҳақиқат билан хизмат қилишига ишондим.”

*“Темур тузуклари”дан*

Улкан ордан кейин жангчилар гўштга обдан тўйиб, куч-қувватга тўлган учинчи кун жанговар кўрик ўтказилди.

Амир Темур қимматбаҳо ипакдан тикилган либосда, узун учли бошли кигиз бўрқда тепаликда мағрур қад ростлади. Жанговар мусиқа янграб аскарлар равон қадамлар ташлаганча уруш худосидек мағрур турган ҳукмдорлари томон эҳтиром ила борардилар. Худди ипга тикилган марвариддай сафланган лашкар фавж, турли-туман бўлиб ўз мурчилларидан кўрик майдони узра ҳаракатда. Биринчи бўлиб туманбоши амир Бердибек тумани саодат ва иқбол ила Соҳибқирон олдидан ўта бошлади. Амир шахдам одимлаб Амир Темур олдига яқинлашиб тиз чўкди ва унинг амру-фармониغا шай эканлигини билдирди. Ундан кейин куёви амир Сулаймоншоҳ, Аббос Баҳодир, Худододи Ҳусайний, Шайх Нуриддин, Шайх Темур сулдуз худди шу тартибда кўрикдан ўтишди.

Лашқарбошилардан ҳар бири Амир Темур олдиға келиб, отдан тушар, ер ўпиб таъзим бажо қилғач, мақтов сўзлари — ҳамду санолар айтиб, ўзини ва қўл остидаги аскарларни Соҳибқироннинг хайрли ишига содиқ эканини билдирарди.

Амир Темур бу гапларни айтаётган, унга садоқат билдираётган ўнлаб саркардаларни шахсан билар, узоқ йиллар давомидаги кўпдан-кўп жангларда синаган. Улар бетакрор ёшлигидаги ўртоқлари ҳам эди. Бебаҳо ва бетакрор ёшликдаги! Энди у олтмишни қоралаш арафасида ёшлик қадрини чуқур ҳис этди. Хаёл кўзгусидан ёшлигидаги воқеалар, манзаралар, орзу-умидлар билан тўлиб тошган, қувонч-ташвиш, ғалаба-мағлубият, висол ва жудоликлар ўтарди. Шундай улкан, лак-лак лашқарга бош бўлиб етти иқлим сардори бўлишини раҳматли падари бузруквори олдиндан қаердан билган?

Ўзидан, ишларидан, эришган самараларидан бахтиёрлик туйғуси илк бор қалбида ниш урди. Жангчилар, баҳодирлар, ўнбоши-юзбошиларга кўрикдан сўнг мукофотлар улашишга фармон берди. Агар оддий аскар олти динордан укулка олган бўлса, мингбоши, бек ва амирлар шоҳона ҳадялар билан сийланди. Мартабалари яна бир поғона ошди. Ўзининг махфий хизмати раҳбарлари Амир Отламиш ва Масъуд Кужижонийни эса алоҳида юксак мукофотлади. Ва уларнинг махфий ахборотлари ва режаларини эътибор ила тинглади.

Эртасига эса лашқар ва хизматчилардан иборат тўрт юз минг кишилиқ қўшин ва минглаб туялардан иборат карвон йўлга тушди. Туялар ва отлар туёқлари зарбидан Дашти Қипчоқ ларзага келди. “Қаердасан, Тўхтамиш!”, ҳайқирарди гўё Соҳибқирон лашқари...

Лашқарнинг илғор — манғулой қисмини тахт валиаҳди амирзода Муҳаммад Султон ўн нафар тажрибали амирлар билан бошқарганча илгарилаб кетди. Улардан ҳам олдинда Амир Отламишнинг йигитлари ўз ишларини бажармоқда эдилар. Бу кўтни кўрган, жанговар вазифаларга мўлжалланган ҳарбий разведкачилар эди. Улар душман кучини, манзилини, эгаллаган марраларини, яширин пистирмаларини аниқлабгина қолмай, душманга тўсат-

дан ҳужум қилиб уларда гулгула, ваҳима уйғотиш сўнг тўсатдан изларига қайтиш соҳасида устаси фаранглар эди. Улар Олтин Ўрда разведкасининг нозик ҳийла тўрларини олиб ташлашди. Улардан биринчиси гулханлар алдови эди. Тобол дарёси ёнида ўн етти гулхан ёқилган, лекин одамлар йўқ. Иккинчиси Муҳаммад Султон қурдирган кўприклар асосий қўшин илғори келганда буздириб юборилган. Учинчи тўр эса сохта пистирма. Тўртинчиси эса омонат овул ва унда мажбуран қавмидан ажратиб шу жойга ўрнаштирилган одамлар. Бешинчиси эса Тўхтамишхоннинг кузатувга қўйилган жосуслар бўлинмаси бўлди. Ва ниҳоят, олтинчиси дарёнинг уч кечувида Айғир ёлда, Буркажотда ва Хийматжотда қўйилган пистирмалар. Ниҳоят разведкачиларнинг еттинчи ва катта ютуғи Тўхтамишхон айғоқчисини тутиб, ундан Олтин Ўрда хони режасини аниқлаш бўлди. Бу режа ниҳоятда усталик билан маккорона тузилган эди.

Тўхтамишнинг илғор қисмлари ҳар замонда узоқдан ўзини кўрсатиб, Шимол томонга чекиниб борарди. Улар бир неча бор Амир Темур лашкарини ботқоқликлар ва чакалакзорларга бошлаб киришга уриниб кўрди. Аммо Соҳибқироннинг разведкачилари панд бермади. Улар ҳар бир янгиликни вақтида Соҳибқиронга етказиб турдилар.

Бу разведкачилар бошлиғи амир Мубошир Амир Темурнинг болаликдаги ўртоғи ва ёшликдаги дўст-биродари, сўнг эса шахсий соқчилар бошлиғи бўлган. У эҳтиёткорликни тadbиркорлик билан, мардлиқни жасорат билан уйғунлаштирган эди.

Разведкачилар бир тўқайзорда осмонга бўй чўзган тутун кўрдилар. Сўнг душманга назарлари тушди. Ўртадаги шиддатли жангда мўғуллар тор-мор бўлди. Қирқ киши асир олинди. Улар сўроқда Тўхтамиш лашкарининг илғор бўлинмасидан эканликларини ва йўлда яна шундай қоровул бўлинмалар борлигини айтиб беришди.

Соҳибқирон бу ахборотдан сўнг махсус вазифаларни бажарувчи бўлинма қўмондони Амир Жалолни ёнига чақирди.

— Сизлар қоровул бўлинглар, қачонки душман лашкарининг қораси кўринса ва агар улар кўп бўлса, узоқдан қорангизни кўрсатинглар ва шундай ҳаракат қилинглarki, улар алданиб илгари келсинлар. Дарҳол биз томонга хабарчи юборинглар.

— Бош устига, ота! — деди Амир Жалол.

— Эҳтиёт бўл, ўғлим.

Соҳибқирон унинг ортидан хомуш тикилиб қолди. Жалол унинг ҳомийси бўлган ва унга кўп яхшиликлар қилган Мўғулистон хони вазири Амир Ҳамиднинг ўғли. Жасур ва мулоҳазали йигит. Кўп оғир жангларда ўзини кўрсатган бу Амир Ҳамиднинг ўғли! Амир Ҳамид! Амир Ҳусайн томонидан хоинона ўлдирилган одам!

Соҳибқирон уни ўз фарзанди деб атаган ва доимо мушкул вазиятда унга ишонган. Садоқатни сотиб олиб бўлмайди. Амир Жалол юрагидан унга содиқ. Буни у неча бор намоёиш қилган.

Кўп ўтмай ундан одам келиб, душманнинг қоровул қисми жойлашган манзиллар хусусида хабар берди. Соҳибқирон эски ва синалган сафдоши Идику Темурга бир жамоа ўн аскарлар билан кўрсатилган манзилга боришни буюрди.

Идику Темур кўп сувлардан ва лой-у балчиқлардан ўтиб бир тепалиқда душман қоровулларини кўрди. Улар тоғ устида йўлни назорат қилиб туришар эди. Ўн аскарлардан иборат бир кичик бўлинмани улар қаршиси-га юборган Идику Темур иш жиддий эканлигини пайқади. У юборган бўлинма жанг бошлаб душман маррасини ишғол қилди. Идику Темур улар томон яқинлашаётган совут кийган кўшин келаётгани ҳақида улардан хабар олди. Яна узоқдан саф-саф тортган Тўхтамиш кўшинини ҳам кўришгани маълум бўлди. У дарҳол ёнида турган навкарига Соҳибқиронга бу хабарни етказишни топширди.

— Соҳибқиронга айт. Бизнинг ишимиз мушкул бўлди, оҳисталик билан қайтиш ва сувлардан ўтиш керак.

Бу Идику Темурнинг сўнгги сўзлари эди. У атрофида турган навкарлардан етти кишини танлади. Улар ўзининг тенгдошлари ва синашга сафдошлари эди.

— Сизлар эса орқага тез қайтинглар, — деди у қолганларга, — биз эса уларни сизлар сувдан ўтгунча қалғитиб турамиз.

Идику Темур сафдошлари — синалган баҳодирларига юзланди.

— Биродарлар! Биз кўп яшадик, кўп кўрдик. Аммо улар, — деди у сувдан кечаётган навкарларга қараб, — ҳали дунё кўрмаган ёнлар. Улар яшашлари керак. Биз душманни тўхтатиб турамиз.

Юздан ортиқ мўғуллар улар томон от чоғтириб келар эди.

— Камонлардан ўт очилсин!

Баҳодирлар бежиз ўн аскар мақомини олишмаганини душманга кўрсатишди. Мўғуллар беҳато отилаётган ўқлардан бирин-кетин қулай бошлади.

Баҳодирлар қиличбозликда ҳам, найзобозликда ҳам сарройи мўғулларнинг додини беришди. Айниқса, Идику Темур даҳшатли эди. Унинг оти қулади, лекин у навқари тутган отга яна сакраб миниб жангни давом эттирди. Амир Темур билан бир вақтлар олтмиш аскар билан минг кишилик Тўқал Баҳодир қўшинини ентишгани ёдида. Яна кўп жангу жадалларда у ҳозир ёнида жанг қилаётган баҳодирлар билан қанчадан-қанча ёғийларни ер тишлатишган.

Мўғул сардори атрофига ажал сели ёғдираётган етти баҳодирга бас келомаслигини тушуниб уларни ёшасига камондан ўққа тутишни буюрди. Бу вақтда бошқа маррада Амир Жалол ўттиз йигити билан уч юз душман билан жанг қиларди. Амир Ҳамиднинг ўғли тайинланган жойдан чекинмай мўғулларнинг барча ҳужумларини қайтариб турди.

Амир Темур эса болалик қадрдонидан хабар олиши билан йўлга отланишни буюрди. Амир Сайфулдин билан улар етиб келишганда етти баҳодирнинг илма-тешик жасадларини кўришди. Ҳар бир баҳодир танасида уч-тўрт ўқ.

Идику Темур эса паҳлавон келбати билан юз тубан ўнлаб ўликлар орасида ётибди. Танасида етти ўқ.

Соҳибқирон унинг танасидан ўқларни авайлаб суғурди. Қўллари билан кўкка тикилган кўзларини ёпди.

— Эй Аплоҳим! Менга ҳам шундай гўзал ўлим бергил!  
Тўшакда эмас, балки шундай жанг майдонида!

Амир Сайфуддин Амир Темурнинг кўзларида қалққан  
ёшларни кўрди. Хукмдорнинг кўз ёшлари ёғаётган ёмғир  
билан қўшилиб кетди.

### Яширин агент номаси Ҳарб санъатидаги кашфиётлар Волга бўйи соҳили. 1391 йил, июнь

“Тўхтамишхоннинг байроқдори мен билан тил  
бириктирган эди... Уруш авжига чиққанда байроқдор  
байроғини тубан тушириши керак эди... Жангу жадал  
ўти кўкка кўтарилганида, олов ёқиб таом пиширишни  
буюрдим. Худди шу пайт Тўхтамишхоннинг байроғи  
тубан бўлди”.

*“Темур тузуқлари”дан*

Атрофда катта байрам тантаналари. Шўх куйлар  
қўшиқларга уланмоқда. Аммо девон мирзаси чодирда  
сукунат. Элбек Толибий ўйчан мактуб битмоқда. Ҳеч ким  
уни безовта қилмайди Маъсудбекнинг хос мулозими  
катта ҳурмат ва эътиборга молик шахс. Контрразведка  
топшириқларини доимо удалаб келаётгани учун Маъ-  
судбекнинг алоҳида илтифотига сазовор.

“Давлатпаноҳим, олий ҳиммат князимга шуни маълум  
қиламанки, Темурбек ғолиб келиб Олтин Ўрданинг бели  
синди. Тўхтамиш қочди, лашкари тўзиб кетди. Мен кўп  
нарсаларнинг жонли гувоҳи бўлдим. Барчасини эрин-  
май, Сиз уқтиргандек бир бошдан ёзиб юбораяпман...”

Элбек хаёлга толди. Москванинг булок князи Василий  
Дмитриевич ҳаммасидан хабардор бўлиши лозим. У  
аста Кундузча жанги билан боғлиқ воқеаларни эслай  
бошлади.

Беш кун давом этган илғор қўшинларнинг ўзаро  
тўқнашувларидан сўнг Амир Темур Волга дарёсининг  
чап томонига қуйиладиган Қандирча деган дарё

соҳилида тўхтади. Сўнг қўшин кўригини ўтказди. Ўзини тўқнашувларда кўрсатган баҳодирлар ва саркардаларни тақдирлади. Амир Жалол, Шоҳ Малик, Тоғай Мерганларга вилоятлар ҳокимлиги ва Тархонлик ёрлигини берди. Ҳар бир жангчи ва бўлинма бошлиқлари ҳам муносиб тарзда мукофотландилар. Кейин эса лашкар тартиби тузилди.

“Темурбек бу сафарда ҳарбий санъат тарихида бир неча кашфиёт қилди, давлатпаноҳ, Биринчиси у кўп минг кишилиқ қўшин оч қолганда катта ов уюштириб озиқ-овқат масаласини ҳал қилди. Иккинчиси эса ўзига қулай маррада душманга жанг бериш усулидир. Гап шундаки, Тўхтамишхон Темурбекни ўзининг ёзги пойтахтига яқин келтирмаслик учун Сўх ва Қандирча дарёларидан ҳам ўтиб жангни янада шимолроқ ҳудудларда бошламоқчи бўлди. Аммо Темурбек Қандирча дарёсининг Сўхга қуйиладиган жойидан ўзига жанггоҳ танлади. Тўхтамиш эса душманини янада шимолроқ ҳудудларга эргаштиришга уришиб, ҳамон илгарилаб борди. Бироқ Темурбек Қандирчанинг Сўхга қуйиладиган жойи яқинида икки томони дарёнинг жарлик қирғоқлари билан ихоталанган катта майдонда, қоровултоғ яқинида кўр ташлаб чодирлар тикишга буйруқ берди. Тўхтамишхон эса режаси бузилганидан кейин орқага қайтди ва ўйдим-чуқур жойлар ҳамда дарё ҳосил қилган жарликлар орасидаги ноқулай жойда ясол тузишга мажбур бўлди.”

Ташқарида эшитилган товуш унинг хаёлини бўлди. Кимдир уни чақирмоқда эди. Элбек қоғозларини беркитиб ташқарига чиқди. Уни бир неча ясовулар кутиб турарди.

— Сени эрталаб Соҳибқирон кутадилар.

Элбекнинг юрагига ваҳима тушди. У ҳеч қачон Амир Темурнинг ҳузурда бўлмаган, фақат Амир Отламиш ва Маъсудбек билан кўришган. У шу кунгача ўзини жосус сифатида фош бўлганини, Маъсудбек ва Отламишнинг катта ўйинида бир кўғирчоқ эканини ҳам билмас эди. Элбек яна қўлига қалам олди.

“Темурбекнинг яна бир кашфиёти кўшинни жанговар тартибда янгича тузиш бўлди. У 200 минг аскарни етти қўл, яъни етти корпусга бўлдим, ҳанузгача ҳеч бир



саркарда бундай тартибда лашкар тузмаган. Биз Александр Македонскийнинг фаланга услубини, Гай Юлий Цезарнинг легионлар тартибини, немис рицарларининг чўчқа бурчаги усулини биламиз. Аммо Темурбек ўз ақли ва тажрибаси билан қўшинни шундай тартибда бўлдики, унинг даҳосига тан бермай иложимиз йўқ.”

Элбек ўзининг кўз ўнгида бўлиб ўтган воқеаларни хаёлига келтирди. Амир Темур лашкарни илгари тажрибада кўрилмаган тартиб билан сафга тизди. Аввал қўшиннинг марказ қисми етарли даражада мустаҳкамланмаган эди. Қанотларда ҳам, чаноқ ва қоровул қисмлардан бошқа ёрдамчи куч йўқ эди. Душман катта куч тўплаб қўл ё қанотлардан бирини синдирар, лашкар орқасига ўтиб олиб, қўшинга катта ташвишлар туғдирар эди. Амир Темур бу сафар қўшиннинг марказ қисмини етти қўлдан иборат қилиб тузди, қанотлар ҳам мустаҳкамланди. Амир Темур кашф этган янгича тартиб ва етти томондан ҳужум бошлайдиган қудратли қўллар улкан жанг пайтида Соҳибқиронга катта устунлик берди. Марказга Султон Маҳмудхон — Мовароуннахрнинг расмий хони шахсий қўли турди. Унга раҳбарликка амир Сулаймоншоҳ тайинланди. Иккинчиси Амир Темурнинг ўзига хос қўл қисми, уни Муҳаммад Султон бошқарди. Ун қанот қўл қисми Мироншоҳ ва Муҳаммад Хуросонийга топширилди. Ўнг қанот қанбулига амир Ҳожи Сайфуддин тайинланди. Сўл қанотга Умаршайх Мирзо, амир Бердибек қўйилди. Қўлларнинг орқасига йигирма минг захира куч, орқасидан хировул ва қоровул қисмлар ўрин олдилар. Тўхтамишхон эса ўз ўрнида эскича “Ясо” усулида қўшинни ясолга тизди, қалб, баронғор, жавонғор ва чаноқларни Жўжи улуси хонзодалари Тоштемир ўғлон, Бекёриқ, Бекпўлод, Али, Жунаид, Элийғмиш ўғлонлар, амирлар Али Ясовурий, Сулаймон кўнғирот, Наврўз кўнғирот, Исабек манғит, Кўка-Буға кабилар бошқарди. 18 июнь куни икки томон ўртасида ҳал қилувчи жанг бошланди.

Ўнг қанотдаги Ҳожи Сайфуддин тумани ташаббусни бошлаб чингизийларнинг сўл қанотига ҳужум бошлади. Унинг кетидан бошқалар ҳам эргашдилар. Ўнг қанотдаги

Мироншоҳ билан қўли бузургдан Муҳаммад Султон душманнинг марказ қисмига ташландилар ва уни чекинишга мажбур қилдилар. Жанг икки томонда ҳам шиддатли борди.

Элбек ўша қонли муҳорабада ўзи кўрган воқеаларнинг таҳлилини баён этишга уриниб, худди шуни тарих учун муҳрлашга қарор қилди.

“Давлатпаноҳ! Мен ёзаётган жангда икки томондан 400 минг киши иштирок этди. Рус тупроғида ҳали бунақа уруш бўлган эмас. Тўхтамишхон билан Темурбек унда ўз маҳоратларини синаб кўришди. Иккиси ҳам ўз тактикаларини намойиш қилишди.

Тўхтамиш сўл қанотдаги амирзода Умаршайх қўшинига зарба берди. Сўнг Шайх Темур Баҳодир қўшинларига қарши энг зўр саркардаси Тоштемир ўғлонни ташлади. Биринчи кун жангида Олтин Ўрдалиқлар бирмунча устунликка эришдилар. Иккинчи кун эса Темурбекнинг янги тактикаси ўзини кўрсатди. Учинчи кунда эса жанг ниҳоят шиддатли тус олган пайлада кутилмаган воқеа юз берди. Мўғуллар байроғи пастга тушиб кетди.”

Элбек мактубининг охирида яна шундай фикрларни қорозга туширди. “Давлатпаноҳ! Сиз Темурбек юрти одамлари руҳиятини аниқлашга алоҳида эътибор беришимни сўраган эдингиз. Мана шу жангда мен Темурбекнинг одамлар руҳини кўтариши усули, душманни руҳан синдириши йўлларини кашф этдим.

Биринчидан, Темурбек жанг олдидан лашкар кўз олдида икки ракат намоз ўқиди. Сўнг унинг пири Мир Саййид Барака ердан тупроқ олиб душман тарафга сочди. “Ёғий мағлуб!” дея ҳайқирди.

Иккинчидан, Темурбек мўғуллар қўшини руҳини синдириш учун улар байроғини ерга туширди. Байроқдор аслида Темурбек одами экан. Демак у разведка бобида ҳам кашфиётчи эканини кўрсатди”.

Элбек мактубига нуқта қўйганча чуқур ўйга толди. Ўзи ҳам разведкачи. Москва учун хизмат қилади. Мана, ҳозир у бир неча йилги айрилиқдан сўнг ўз она тупроғига қадам босди.

У қалбидаги туғённи босолмай ташқарига чиқди. Волга бўйида улкан тантаналар авжида. Лашкар беш ойлик сафар, жангу жадаллардан сўнг дам олмоқда.

Амир Темур ўз одатига хилоф равишда бу гал шароб ичишга расман ижозат берди. Волга дарёси эгилиб ўтадиган хушманзара дарадаги Тўхтамишнинг ёзги пойтахти Ўртубада Олтин Ўрданинг жуда катта хазинаси ўлжа бўлди. Поёнсиз яйловлардан юзлаб сурув қўйлар, минглаб от, биялар йиғилдики, улар тақсимлангач оддий навкардан мингбошигача катта бойга айланди. Асирлар ҳам ниҳоятда кўп. Улар тақсимланганда биргина Соҳибқирон улушига беш минг асир ва асиралар тушди.

Волганинг бепоён уфққа туташ баланд қирғоғидаги ям-яшил ялангликда беҳисоб чодирлар тикилди. Ҳар бир ўнбоши, юзбоши, мингбоши ва туманбошилар белгиланган аниқликда расмий унвонига тегишли чодир жойлаштирди. Чодирларнинг аксарияти доирасимон кигиздан иборат. Гоҳо арабий, иброҳимий чодирлар, эроний аъло дарпардалар кўзга ташланади. Хотин-қизлар учун ҳам алоҳида чодирлар қад кўтарган. Улар сариқ рангда бўлиб, олтин нақшлар ипак билан тикилган, ташқи томонига эса уқалар тутилган. Ҳаммасининг эшиги катта-катта, от билан ҳам кирса бўладиган. Чодирнинг ҳавосини янгилаш учун деразалари ташқарига очилган, ипак тизимча билан тортиб қўйилади. Унинг ҳарир пардалари куёш нурини тўсиб туради.

Соҳибқирон чодиргоҳи Ўрдага тикилиб, ўз ҳашамати билан барчасидан ажралиб туради. Унинг атрофига душмандан ўлжа туғлар, хазинадаги нодир буюмлар уйиб ташланган.

Базм жуда улкан миқёсда ташкил қилинган. Ғолибларга беш минг асир ва асиралар зиёфат давраларида хизмат қилмоқда. Баковулларнинг иши қизиган, қўли-қўлига тегмайди. Қўй гўштидан қовурма, от гўшти, палов, хамир овқатлар, чучук лочиралар.

Соҳибқирон буйруғи билан чодиргоҳининг олдига катта чоғир, шароб, қимиз тўла чирпитлар териб қўйилган.

— Ичинг, кўтаринг, шароб Соҳибқирон саломатлиги учун!

Қимматбаҳо либослардаги асир ва асиралар ғолиблар атрофида парвона. Машшоқлар, хонандаю созандалар ғалаба мадҳини куйлашмоқда. Севги-муҳаббатни тараннум этувчи куй-қўшиқлар бепоён ўрмонзорлар қаъридан ҳам акс садо бермоқда.

Лашкаргоҳ улкан саҳнагоҳга айланган. Бу ерда катта томоша бошланган. “Дашти Қипчоқдаги ғалаба” деб аталган театр кўйилмоқда. Унинг бош режиссёри Амир Темурнинг ўзи эди. Бу мусиқавий драматик томошада минглаб аскарлар иштирок қилишди.

Элбек чекка чодирлардан бирига яқинлашди. У ердан бир ҳазин қўшиқ қулоғига чалинди. Бу рус халқ қўшиғи эди.

Элбек катта чодир остонасига бориб ўша қўшиқни ижро этаётган кимлигини билишга қизиқди.

— Қандоқ хизмат буюрасиз?

Соқчилар бошлиғи унинг олдида бош эгиб, таъзим қилди.

— Бу ерда кимлар бор?

— Асира қизлар, ҳазрат. Бокира қизлар. Кўришни истасалар, марҳамат.

Ўнбоши чодирни очиб, уни ичкарига имлади. Элбек чодирда катта дастурхон атрофида ўтирган рус қизларини кўрди. Ашула тинди. Элбек қалбини тирнаган қўшиқни айтган қизни ахтарди. Бир-биридан гўзал қизлар эса унга ҳайрат ва қўрқув ила тикилишди.

— Ашулани давом эттираверинглар, — деди у бўғиқ овозда.

Соф рус тилида гапирган шоҳона амалдор либосидаги бу йигитга асиралар бир зум тикилиб қолишди. Кўзларида ёш билан ҳазин қўшиқни давом эттиришди.

— Буларнинг бари сеники. Ҳа, сеники.

Элбек остонада пайдо бўлган Маъсудбекни кўриб бош эгди.

— Улар Соҳибқироннинг сенга совғаси. Ҳа, ҳа, чиндан ҳам. Хизматларинг, бенуқсон ва холис хизматларинг учун муносиб мукофот.

Маъсудбек қўлини унинг елкасига ташлаб кўзларига қаттиқ тикилди.

— Уларни хоҳласанг жория, хоҳласанг чўри, хоҳласанг кул қил. Энди сен уларнинг хожаси!

Элбек куллуқ қилди ва унинг орқасидан эргашиди.

— Она юртингга келганинг билан сени қутлайман, Елизарий!

Элбек беихтиёр сесканиб кетди. Оёқларига қалтироқ югурди. Наҳотки у фош бўлди?

— Соҳибқироннинг махсус топшириғи бор сенга, Елизарий! Кўрқма, Элбек! Сен ҳамма учун ҳамон содиқ Мирзо Элбексан. Мендан бўлак барчага!

Контрразведка бошлиғи кулиб қўлини яна унинг елкасига ташлади.

— Юр, мен билан. Қароргоҳимда ҳаммасини тушунтириб бераман сенга. Амир Отламиш ҳам сени кутмоқда.

— У ҳам биладими? — деди бўшашиб ҳамон ўзига келолмаган Элбек.

— Ҳа. Биз иккимиздан бошқа барчага сен юзбоши Элбек Толибийсан.

Контрразведка бошлиғининг кейинги сўзлари унинг ҳушини жойига келтирди. Ҳа, кимлардир шоҳида, кимлардир эса баргида юради.

## Соҳибқирон ғазоби Бағдод. 1393 йил

“Мовароуннаҳр ва Хуросондан Маккаи Мукаррамага ҳаж ибодатини адо этишга бораётган зиёратчилар азалдан Ироқ ҳудудидан ўтадиган жойларда йўлтўсар ва қароқчиларнинг ҳужумларидан кўп азият чекканлар. Шунингдек, бу қароқчи ва йўлтўсарлардан нафақат Марказий Осиёлик тижорат аҳли ва савдо қарвонлари, балки маҳаллий савдогарлар ҳам кўп жабр-зулм кўрардилар. Шу боисдан ҳам Амир Темур Бағдодда турган пайтида маҳаллий савдогарлар нажот излаб Соҳибқиронга мурожаат қилдилар. Соҳибқирон тезда бу борада тегишли ишларни амалга ошириб қароқчи ва йўлтўсарларни

баргараф қилди ва Ироқ йўлларидаги хавф-хатарлар тугатилиб, осойишталик таъминланди”.

*Миср тарихчиси Муҳиддин Абдулқодир ал-Курайшийнинг  
«Ҳанафия табақалари хусусида порлоқ жавоҳирлар»  
китобидан*

Амир Отламишнинг ахбороти Амир Темурни ниҳоят ғазаблантириб юборди.

— Қачонгача бу салтанат тиканлари мени безовта қилади? Сенинг ва хуфия айғоқчиларингнинг кўзи қаерда эди, Маъсудбек?!

Махфий хизмат бошлиқлари гуноҳқорона бош эгишди. Улар Соҳибқирон ғазаби нақадар чексиз эканлигини яхши билишар эди.

Маккаи Мукаррамани зиёрат қилиб ҳаж ибодатини адо этиб ватанларига қайтиб келаётган ҳожилар қарвонига Ироқ худудларида қароқчилар ҳужум қилиб, улардан етмиш нафарини ўлдириб, мол-мулкларини талон-тарож қилганлар. Ўлдирилганлар орасида кўплаб уламою фузало, шу жумладан, машҳур аллома Нажмиддин ан-Насафийнинг ўғли, ҳадис ва фикҳ бўйича етук олим Аҳмад ан-Насафий ҳам бўлган. Ушбу қабиҳ қирпичоқ вақтида шафқатсиз ўлдирилган, таниқли уламою фузалоларнинг Амир Темур қалбига нақадар яқин эканлигини улар яхши билишар эди.

— Амир Отламиш Қавчин! Сени мансабингдан чет-латамен. Ҳозироқ Арник қалъасига жўна ва у ерда тартиб ўрнат!

Маъсудбек! Сенга Отламиш девонини топширамен. Амир ул-умарога айт. Бутун Мовароуннаҳр ва Хуросон барча шаҳару қишлоқларида аза очиб мотам тutilсин. Мен эса шахсан ўзим қотиллар устига қўшин тортамен ва уларнинг барчасини қатли ом қиламен!

Бу менинг, Тангри қули Темур сўзим!

Тонг отиши билан Амир Темур буйруғига шайланган лашкар йўлга тушди. Шитоб билан йўл босган лашкар Работи Хон мавзеига келганда Соҳибқирон тўхташга амр қилди. Бу жой қароқчилар тўхтайдиган бир манзил эди.

Шу ерда унинг амри билан машварат чақирилди. Маҳаллий аҳоли оқсоқоли — кадхудо ҳам у ерга таклиф этилди.

— Улуғ амир! Олдингизда олтмиш тош узоқликда катта бир чўл бор, мутлақо сув топиб бўлмайди. Бир дона гиёҳ ҳам ўсмайди. Алюҳ таоло ер юзининг бундан бўлак жойида бу каби ҳосилсиз чўл яратмаган. Сизнинг бу қадар улкан кўшинингиз бу чўлдан омон чиқолмайди. Бу чўлдан чиқолмай ташналикдан ҳалок бўлган кўплаб саркардаларни биламен.

— Бекорларни айтаяпсан, кадхудо. Мен бундан баттар жойлардан ўтганмен. Гапларинг мени йўлдан қайтаролмайди.

Кадхудо Соҳибқирон олдида бош эгди.

— Мен Сизга, улуғ амир, қароқчи ва йўлтўсарлар маконини топишга ёрдам берамен.

У бу атрофга даҳшат солиб турган қароқчилар Боер ўлкасида яшовчи қабила эканлигини айтиб унинг жуғрофий ўрнини кўрсатди. Бу қабила узоққа чўзилган кенг бир тоғликда экан. Деҳқончилик ва чорвачилик учун қулай жой бўлса ҳам қабила меҳнат қилишни истамас, касб-кори қароқчилик экан.

— Соҳибқирон, — деди кадхудо, — Сиз ўтган чўлларга ёмғир ёғади. Сув ҳам топилади. Аммо бу чўл мутлақо сувсиз.

Кадхудо қўлини шарқ томонга узатиб сўзида давом этди.

— Сиз шу тарафга икки кун юриб борсангиз, шимолдан жанубга чўзилган бир тоғни кўрасиз. Кўшинни ўша тоғ этагидан ўтказсангиз, сувсизликка дуч келмайсиз. Чунки, у тоғнинг этагидан оқиб турган сувлар кўп. Ундан кейин яна чўлга кирасиз. У чўлларда эса сув бор. Ўзим билан иккимиз биргаликда борсак, Сизни чўлнинг сувлик ерларига етказамиз.

Соҳибқирон мамнун бўлиб кадхудога қаради.

— Сиз у жойларни қаердан биласиз? Агар лашкаримни соғ-саломат чўлдан ўтишига ёрдам қилсангиз, катта мукофот сизники, отахон.

— Ўғлим икковимиз Сизга холис хизмат қиламиз. Чунки, қароқчилардан ҳамма безор.

Лашкар ўтиб бораётган тоғлар кўзга ҳар хил товланар эди. Яшил, сариқ ва тўқ қизил жилва бериб турса ҳам кўкарган дарахтлар кўринмас эди. Ҳолбуки, тоғдан оқиб тушаётган сувлар сероб. Улар анҳорлар ташкил қилиб қумлик чўлларга сингиб кетар экан.

Соҳибқирон ана шу жилғаларнинг бири олдида тўхтаб лашкарга дам олишга ижозат берди. Унинг кўзлари сув тубида товланиб турган сариқ тошларга тушди.

— Булар олтин эмас, балки дур муталло тошлар, — деди кадхудо. — Аммо биз кўрган тоғларнинг айрим жойларида олтин конлар ҳам бор.

Соҳибқирон уни ўз дастурхонига таклиф қилди. У ўғли билан ийманиб дастурхон четига ўтирди. Баковуллар бирин-кетин тортаётган таомлар ота-бола учун гўё сеҳрли бир тушдек эди.

Лашкар ҳордиқдан сўнг шитоб ила йўлга тушди. Кечга яқин тоғлар тугаб йўловчилар олдида бепоён саҳро гавдаланди. Шу жойда кадхудо улар билан хайрлашди.

— Мен ҳеч қачон Сиздек улуғ Амир билан бир дастурхонда овқатланганимни унутмайман, — деди кадхудо таъзим қилиб.

### Далиланинг далолати Боер ўлкаси. 1393 йил

Боер қабиласининг бошлиғи ҳузурига келган аёлни ку-вонч билан қаршилади.

— Қандай хушxabар бор, Мастога?

— Шероздан карвон келаяпти, сардорим. Аввал қўлларим-ни бойитинг.

Сардор бир ҳовуч олтин тангаларни унга узатди.

— Карвонда қимматбаҳо тошлар, олтину жавоҳирлар бор.

— Соқчилар кўпми?

— Юзгача, сардорим.



Сардор қарсак чалди. Бир оздан сўнг чўққи соқол барваста йигит унинг олдида ҳозир бўлди.

— Мингга йигитни олиб мана бу аёл билан карвонга хужум қиласан.

— Бош устига хожама!

Сардор аёлга кўз қисди.

— Ўлжанинг юздан бири ҳар галгидек сеники, Мастога.

— Бу гал юздан икки бўлсин, сардорим.

— Тулки, айёр Мастога! Айтганингдек бўла қолсин.

Аёл унга табассум ила бир кўзача узатди.

— Бу аёл Шероз шароби, сардорим. Энди мен борай.

Қабила йигитлари отларини эгарлаб шай туришар эди. Аёл чаққонлик билан отга минди.

Минг кишилик қўшин отларига қамчи уришди. Икки соат тинимсиз чопган чавандозлар тоғ четидаги дара олдида тўхташди.

— Кузатувчилар қўйинг. Карвон шу ердан ўтади.

Аёл отдан тушиб атрофга разм солди.

— Мен ҳозир келаман. Сизлар эса отларингизни чеккага олинглар.

Мингбоши бош ирғади. У бу аёлга қаттиқ ишонади. Синовлардан ўтган, уддабурон у. Доимо уларни керакли моллар билан таъминлайди. Ҳамманинг ҳожатини чиқаради.

— Карвон кўринди!

Кузатувчилардан бири унинг олдида ҳовлиқиб келди.

— Соқчилар кўпми?

— Аниқлаяпман.

— Улар юздан ортиқ!

Яна бир пойлоқчи югуриб келди.

— Бошдан-оёқ қуролли, зирҳли.

— Буйруғимни кутинглар!

Карвон уларга тобора яқинлашиб келарди.

\* \* \*

Соҳибқирон олдида бош эгган аёлга миннатдорчилик ила боқди.

— Вазифангни уддаладинг, Далила. Сен юксак мукофотга лойиқсан.

Далила эса унга қараб яна бир бор таъзим қилди.

— Сен мисрликсан, Далила. Энди юртингга бор. Ўша ерда сени улкан карвонсарой ва шоҳона қаср кутиб турибди. Бахтли бўл, синглим!

Аёл кетгач, Амир Темур унинг амрини кутиб турган амир Сайфулдинга боқди.

— Ов қопқонга тушди. Бошланг.

Бу вақтда мингбоши карвон соқчилари билан жанг бошлаган эди. Қизиги шундаки, зирҳли соқчилар талафот кўрмасалар-да, орқага чекина бошладилар. Кейин эса чекиниш бетартиб қочишга айланди.

Карвон ҳимоясиз қолди. Қароқчилар туяларга ташланишди. Беҳисоб ипак матолар, дуру жавоҳирлар сочиб ташланди. Қароқчилар ҳали ҳеч қачон бундай катта ва қимматбаҳо ўлжаларни қўлга киритишмаган эди. Улар бу улкан хазинани сардорларига элтиш учун ҳозирланганларида эса чор атрофдан отлиқлар уларга қуюндек ёпирилишди.

...Соҳибқирон асир олинган қароқчиларни қаттиқ сўроқ қилишни буюрди. Улар ўлим талвасасида тегишли ахборот беришди. Боер ўлкасини ўраб олган тоғларнинг барчаси минтақага олиб боради. Лекин у тоғлардан инсон ўтолмайди, фақат кийикларгина ўтиши мумкин. Тоғдаги хатарли жарлар, бетартиб ўрнашган қиррали тошлар одамлар юришига имкон бермайди.

Боер ўлкасига кириш учун икки тор йўл бор. Улардан ўтиш учун пиёда юриш керак.

Амир Темур буйруғи билан юздан ортиқ асирлар олдинга ўтказилди. Улар душман зарбасини ўзларида синаб кўришади. Зирҳли бўлинма улар орқасидан борди. Маълум масофа босилгандан сўнг бирдан чор атрофдан ўқлар ёғила бошлади. Лекин камончиларнинг ўзлари кўринмас эди. Олдинда бораётган асирларнинг барчаси ўлди. Қароқчилар дарахтларнинг қалин япроқлари панасида туриб ўқ ёғдиришда давом этишар эди.

Лашкарнинг олдинги дастасида бораётган Амир Темур бир қарорга келди. Дарахтларга қарата порох-боруд отилса қандоқ бўларкин? Ҳали бундай тажриба бўлмаган. Ана шу дарахтларга боруд билан ўт қўйилса, душманни инидан чиқариб бўлмасмикан?

— Мингбоши Латиф!

Муҳандислар бўлинмаси қўмондони от чоптириб ҳукмдор олдида тўхтади.

— Борудларни ишга солинг!

Бир лаҳзадан кейин боруд тўлатилган кўзачалар дарахтларга қараб отилди. Дафъатан қоп-қора тутун кўтарилди. Ўт-аланга қоплади. Дарахтларнинг заифлари куйиб йиқилаётган бўлса, танаси йўғонларидан даҳшатли ўт алангаланиб осмонга кўтариларди. Маълум бўлдики, чангал дарахтлари ёғли дарахтлар бўлгани учун ўт тез туташиб бир-бирига ўтмоқда. Бу ҳужумчилар учун ҳам, мудофаачилар учун ҳам қутилмаган воқеа бўлди. Чангалдаги ёнғин даҳшатли тус олди. Фазони қоплаган тутун билан қуёш нурлари тўсилиб атрофни зулмат қоплади. Жаҳаннам ўтини эслатувчи алангалар устидан биронта парранда учиб ўта олмас эди. Мудофаачилардан бирортаси тирик қолмади. Ҳарорат кучидан ҳужумчилар орқага тоғ тепаси томон йўл олишди.

Бу ҳол Соҳибқиронга яна бир тажриба бўлдики, кейинчалик Ҳинд юришида у жуда асқотди. Ҳар вақт дарахтли чангалзорларда уруш бўлиб қолса, ўт қўйиш йўли билан лашкарга йўл очиш мумкин.

Ёмғир ёға бошлади. Ўт ўчаётган бўлса ҳам ҳарорат баланд, қўшин юришига имкон йўқ.

Соҳибқирон ҳордиққа амр берди. Лашкар ўн кун давомида, то ўт ҳовури тушмагунча дам олди. Бу орада разведка бўлинмаси ўз иши билан машғул бўлди. Улар келтирган маълумотлардан маълум бўлдики, йигирма тош масофада бир яйлов бор экан. Лекин уларда биронта мол кўринмайди.

Лашкар чиндан ҳам бу яйловда бирорта ҳам қўй, эчки, сиғиру бузоқ ҳам кўрмади. Яна икки кунлик юришдан сўнг лашкар дарёдан чиқиб қолди. Серҳосил ерлар ястаниб ётибди. Лекин уларда на экин ва на ботқўзга ташланмайди.

Олдиндан юборилган разведка бўлинмасидан хабар келди. “Биз бир тоғлик минтақага етиб келдик. Тоғдан тўғридан-тўғри ўтиб бўлмайди. Айланиб ўтиш учун тор йўл бор. Аммо унда қароқчилар пистирмаси бўлиши

мумкин". Кейинги хабарда эса қароқчилар тоғ тепасида қулай марра эгаллаб тургани, у жойдан ўтганларни бемалол йўқ қилишлари мумкинлиги айтилган эди.

Жанг билан разведка қилишга ихтисослашган бўлинма кўмондони амир Жалол ўртага бир фикр ташлади.

— Пистирмаларни ўртадан кўтариб ташлаш учун уларни таъминотдан маҳрум қилиш лозим. Лекин аниқлашимча, тоғларда сув сероб ва нон дарахтлари кўп экан. Баллут деб аталадиган дарахт меваси бугдойга ўхшаш маза беради. Шунинг учун ҳам бу минтақада экин экишга зарурат йўқ.

— Хўш, нима таклиф қиласан?

Амир Жалол шижоат ёғилиб турган кўзларини Соҳибқиронга тикди.

— Йигирма нафар баҳодирларим билан шу жойдан ўтишга рухсат берсангиз. Душмanning кўринмаётгани уни яхшилаб беркинганидан далолат беради.

Бир чеккада турган Маъсудбек гапга аралашди.

— Душман шу минтақа одамлари бўлгани учун барча ўйдим-чуқурлар уларга маълум. Улар ўзларини мудофаа қилишда биринчи марта майдонга кираётгани йўқ. Аниқлашимча, биздан илгари эллик мартадан зиёдроқ бизга ўхшаш қўшинларни шу ерларда тўхтатиб алдаганлар.

— Қай тариқа?

— Масалан, имтиҳон учун озроқ кишиларни тош ташламай, ўқ отмай бемалол ўтказиб юборишган. Бундан хотиржам бўлган лашкарбошилар асосий кучлари билан ўтаётганларида қулай жойларда пайт пойлаганлар, устларига тош ташлаб олдинда ҳам, орқада ҳам йўлни тўсиб барча лашкарни нобуд қилишган.

Соҳибқирон қизиқсиниб луқма ташлади.

— Эй Маъсудбек! Аллоҳ таоло сенга шундай ақл ва истъдод берибдики, ҳар кимнинг заковатидан ортиқдур. Ҳали вужудга чиқмаган ишни олдиндан айтиб бера оласан. Аммо менинг тахминимча бу жойга ҳали бирон қўшин кирмаган бўлса керак, чунки бу минтақа одамлари ўзларига қарши келган аскарларни ўша биз кўрган ва ёққан чангалзордан қайтариб юборишган. Яна

ўйлашимча, агар мана шу жойдан бирон қўшин ўтиб ҳалок бўлган тақдирда уларнинг суяклари кўринар эди. Бирон асоратлари кўзга ташланар эди.

— Балки улар йиғиштириб олингандир.

Амир Жалол ўз сўзида туриб олди.

— Таваккалнинг боши кал, Соҳибқирон. Рухсат беринг.

— Майли. Фақат эҳтиёт бўл, ўғлим.

Амир Ҳамиднинг ўғли Амир Жалолнинг чеҳраси ёришиб кетди.

— Раҳмат, ота!

Фидойи бўлинма отларга қамчи уриб олға кетди. Барча уларни ҳаяжон ичра кузатиб турар эди. Мана улар ўтаяпти. Бир, икки, ўн, ўн олти. Бирдан тош думалаб тўрт аскар тошлар остида қолди.

Соҳибқироннинг миясида бир фикр ўтдек чақнади. Душман ўзини сездириб қўйди. Агар у уларнинг ўрнида бўлганида бундай беақл иш қилмасди. Ҳамма йигирма отлични ўтказиб, сўнг асосий қўшинга тош отарди.

Тўрт аскар ва отлар жасади йўлни тўсиб қўйган. Жасадларни олмай туриб йўл очилмайди.

Соҳибқирон буйруғини кутиб турган жанговар бўлинмага имо қилди.

— Маъбарнинг вазиятини кўринглар, ундан нарига ўтманглар. Қароқчилар фақат шу нуқтадан тош ташлайди, бошқа жойдан тошбўрон қилолмайди.

Бўлинма жасадларни йиғиштириб олишаётган бир вақтда, тоғдан юмалаб тушаётган тошларнинг даҳшатли товуши эшитилди. Аскарлар дарҳол орқага қайтди. Тошлар эса ўликлар устига тушди. Бу тажриба орқасида қароқчилар шу нуқтадан бошқа жойдан аскарлар устига тош ташлай олмасликлари аён бўлди.

Соҳибқирон нигоҳи тоғ устида нисбатан текис жойдан туриб бир кишининг ишорат қилаётганига тушди. Диққат билан унга тикилиб таниди. Амир Жалол! У мени вазиятдан огоҳ бўлганимни тушуниб ўнг томонга ишорат қилди ва бармоғини лабига қўйди. Унинг бу ишоратидан душман ўнг томонда эканлиги, баланд овоз чиқармаслик лозимлиги англашилди эди.

Демак, Амир Жалол маъбардан саломат ўтиб тоғ устига чиққан ва йўл топган. Соҳибқирон тоғ устида пайдо бўлган аскарларини душман кўрмаслиги учун эҳтиёт чора кўрди. Лашкарга тоғ тарафга кўп қарамасликларини тайинлади.

Амир Жалол чап тарафга ишорат қилди. Бу дегани яқинроқ келинг, душман ўнг томонда, баланд овоз чиқармаслик лозимлигини англатар эди.

Соҳибқирон ёнида турган мулозимига қаради.

— Амир Жалол турган жойга бор. У билан сўзлашиш имкони бўлмаса, ингичка узун ипни охирига аргамчи боғлайсан. Улар сени тепага тортиб олади. У ерда Амир Жалол билан сўзлашиб гапларимни етказасан...

Мулозим буйруқни бажаришга киришди. Соҳибқирон амри билан беш юз киши Амир Жалол турган жойга чиқиш таралдудини кўрди. Қароқчилар диққатини улардан чалғитиш учун бир қисм аскар шарқ томондан ўтишга ҳозирлик кўраётгандай ҳаракат бошлади.

Амир Жалол йигитлари сафига беш юз киши қўшилди. Уларга наstdан палахмон тошлари етказиб берилди. Чунки тошларни тошдан кўнориб олгунча душман қаршисида шошиб қолмаслик керак эди.

Тоғ устида нима қилиш кераклигини Амир Жалол яхши билди. Чиндан ҳам кўп ўтмай тоғ устида шовқин-сурон қичқариқлар ва аскарлар наъраси эшитила бошланди. Тоғ устидан ерга учиб тушаётган одамларнинг мудҳиш овозлари эшитилди. Бу одамлар ерга тушиши билан суяклари синиб янчилиб кетарди.

Маъсудбек Соҳибқирон чеҳрасида қандайдир ўзгариш сезди.

— Биласанми, Маъсудбек, уруш майдонида ўлим муқаррар. Бир урушда юз минг кишини ўлиши мени ажаблантирмайди. Фақат ҳозир кўриб турганим — тоғдан учиб тушиб ўлиш мен учун янгилик бўлди. Бутунгача аскарларим тоғда уришиб, тоғдан учиб ўлган эмаслар. Уруш майдонида қилич зарбаси билан, найзадан бадани тешилиб бир неча кунлар мажруҳликдан азоб тортиб ўлгандан кўра тоғдан учиб ўлиш нақадар тез! Бутун ...

Тепадан бир қичқириқ янграши Соҳибқирон сўзини бўлди. Амир Жалол тоғ душмандан тозалангани ва йўл очилгани ҳақида хабар берарди.

Разведка бўлинмаси раҳбари Амир Жалол Соҳибқирон олдига келганида лашкар хотиржам очилган йўлдан олға бормоқда эди.

— Жасоратинг таҳсинга лойиқ, ўғлим.

Ўн минг динор келтиринг!

Амир Жалол қўлини кўксига қўйиб миннатдорчилик билдирди.

— Мен ўз бурчимни бажардим, ота.

— Қани энди, сўйла, ўғлим.

— Мен ўн олти йигитим билан маъбардан саломат ўтиб олиб тоғ тепасига чиқдим. Душман охири лаҳзагача бизни пайқамеди. Улар икки қисмга бўлинган эканлар. Бири қўлларида қаргатумшук лўм, темирқалам, *беккурах билан тош қўйормоқда. Иккинчи қисм эса* тошларни жарлик лабига тўшлаб йўлга тош отмоқ билан машғул. Сиз йўллаган беш юз киши билан уларга ҳамла қилдик. Қароқчилар жуда урушқоқ ва жасур экан. Икки тарафдан ҳам талафот кўп бўлди. Ярадор бўлиб ётиб қолса ҳам қўлидан қуролини ташламай ўлди. Биздан ҳам, улардан ҳам кўп аскарлар тоғдан пастга учди. Биз душмanning юзтасини асир олдик, қолганлар ҳалок бўлди. Бўлинмамининг икки юз қирқ киши нобуд бўлди.

— Амир Жалол! Сенинг баҳодирлигингни кўп урушда синаганмен. Аммо бутун ўзингни баҳодиргина эмас, балки ихтиро соҳиби, ҳарб илми кашфиётчиси эканлигингни ҳам кўрсатдинг. Сенинг мартабанг оширилади. Бутундан Амир Отламини ўрнига махфий хизматим бошлиғи вазифасига ўтасен.

Қўшин йўлга тушди. Олдинда йўлбошловчи — ғажарчилар сифатида асирлар боришмоқда. Оқшомга яқин олисда тепалик кўринди. Разведка бўлинмаси йигитлари хабарчилардан дарак бўлмагач ўзлари олдинга кетишди.

Тепаликка яқин қолганда бирдан юракни гитратувчи қичқириқлар эшитилди. Сўнг ҳаммаёққа жимжитлик чўкди.

Соҳибқирон оти ҳуркиб кетди. Бирдан лашкар боши узра ўқ ёмғири сочилди. Икки ўқ Соҳибқирон совутига қадалди.

— Орқага!

Соҳибқирон шиддат билан отини орқага бурди. Ўқлар ҳамон визиллаб учмоқда. Асирларнинг кўпи ерда чўзилиб қолди. Қароқчилар ўз юртдошларини ҳам аяб ўтиришмади.

Ўққа нишон бўлмаслик учун вақтида ортга чекинган кўшин нафас ростлади. Бу уларни иккинчи бор ўққа тугилишлари эди. Асирларни яна сўроқ қилишганда улардан бири қизиқ ҳикоя қилди.

— Элимиз табиатан мерган. Болаликдан бошлаб ўқ отишни ўрганишади. Ўзлари ҳам ўқ-ёй ясайди. Ишлатиладиган ўқлар маҳаллий ёғли ёғочдан ясалади. Ёйнинг зеҳи тоғ эчкисининг ичагидан ясалади, кўп бақувват бўлади. Ўқ-ёй яшашнинг таомили, қонун-қоидалари бор. Уни ўқчининг ўзи идрок этиш билан соғломлаштириб олади. Ўқ-ёй билан одам ўртасида мулоқот ҳосил бўлади. Ўқларнинг училаги пайкон темир эмас, балки тошдан ясалади. Юртда топиладиган бир нав тошлар бор. Уни йўниб пайкон ҳозирлашади. Бу пайконлар теккан ҳамон темир каби баданга ботиб кетади. Ҳар йили ўқ отиш байрами бўлади. Ўлканинг барча ўқчилари ўзларининг ўқ отиш маҳоратларини кўрсатиб мусобақа қилишади.

— Юртдошларингизнинг ўқиға учрамасдан шу тепаликни айланиб ўтиб бўладими?

— Ҳа. Шимол томондан тепаларни айланиб ўтмоқ учун йўл бор, лекин хийла узоқ.

### Соҳибқирон ҳийласи Боер ўлкаси. 1393 йил

Машиваратга тўпланган саркардалар Соҳибқироннинг қисқа маърузасини диққат билан тингладилар.

— Биз бу ўлка аҳолисини, табиатини, урф-одатлари ва манзилгоҳларини яхши билмаганимиз учун панд едик,



жаноблар. Ҳали ҳеч бир ёғий бизни чекинтиролган эмас. Маъсудбек! Сиз тўплаган ахборотингиз билан бизни танишгинг.

— Бу халқ ўзини мусулмон ҳисобласа ҳам мажусий одатларга риоя қилади. Ҳар йили уч байрам нишонланади. Биринчиси янги йил байрами — Наврўз баҳорда, Ўт байрами кузда ўтади. Яна катгаси Ўқ отиш байрамидир. Ҳар бир қишлоқда ўт ёниб турувчи оташкада бор.

Маъсудбек ўз одамлари орқали аниқлаган барча маълумотлар тинглангач, сўз навбати ташқи разведка раҳбари Амир Жалолга келди.

Янги лавозимга тайинланганига бир ҳафта бўлар-бўлмас ўз ишига пухта тайёрлиги билинди. У махфий хизматга ҳарбийча шиддат олиб киргани маълум бўлди. Унинг режаси аниқ ва лўнда эди.

— Мен одамларимга хом гишт қуйишни буюрдим. Шу ерда икки бурж (қоровулхона) кўтариб унга беш юз кишини кўямиз. Душман ўқчилари бирдан шабхун урса улар қалқон бўлади. Кабутархона ҳам шу жойда бўлади. Мунтазам алоқа узилмаслиги учун. Кейин ўқлардан мудофаа учун темиртанлик сарбозлардан махсус гуруҳ тузиш лозим... Зирҳли қўшин эса олдинга ўтказилади. Отлиқлар ҳужумдан кейин улар ҳамла бошласа, қароқчи ўқчилар икки қилч ўртасида қолади.

Соҳибқирон мамнун бош ирғади. Лашкар ишга киришиб кетди. Икки кундан сўнг буржлар тайёр бўлиб уларга беш юз нафар аскарлар жойлаштирилди. Асосий қўшин йўлга тушди. Зирҳли аскарлар улар олдиндан ўтиб кетган эди.

Йўлларда тепалиқлар ва саёз сойлар учрарди. Ниҳоят йўлнинг учинчи куни темиртанлилардан душман кўрингани ҳақида хабар келди.

Пиёда аскарлар биринчи бўлиб ҳужумга ўтишлари, орқадан эса отлиқлар душманга зарба беришлари лозим. Жанг режаси шундай.

Соҳибқирон узун сопли болтасини қўлга олди. Бу демак отлиқларга ўзи бош бўлади. Қароқчилар ўқчилари пиёдаларни ўққа тутиш билан овора. Аммо тошдан ясалган пайконлар темиртанлилар ва зирҳли бўлинмага таъсир қилмас, бу эса боерлик қароқчиларнинг жазавасини кўзгатар эди.

Амир Темур отличлари қароқчилар орқасида пайдо бўлганини ҳам пайқамай қолишди. Ҳамла шу қадар шиддатли эдики, ўқчилар ўқ ҳам отолмай қўлларига қилич олишди.

Энг даҳшатлиси отличлар қўмондони эди. Узун сопли болтасини кўтарганча наъра тортиб келаётган бу паҳлавон келбат одамга дуч келган йиқилар эди. Болта зарбидан улардан ҳеч бири омон қолмади.

Қароқчилар учун майдон тор бўлди. Олға юришнинг ҳам, орқага қочишнинг ҳам имкони йўқ. Жанг кеч-га яқин тугади. Қароқчиларнинг кўпчилиги ўлдирилди, қолганлар таслим бўлди.

### Амир Жалолнинг ёллаш усули

Соҳибқирон лашкари ҳордиққа рухсат олди. Асирлар эса бир чеккада ўз қисматларини кутишмоқда.

Амир Жалол улар билан суҳбат курди.

— Мусулмон бўла туриб нега оташкадаги ўтга сиғинасизлар?

Сўзамол асир жавоб берди.

— Боболаримиздан қолган одат бу. Ҳар бир шаҳар ва қишлоқларда улар бор. Шаҳардаги оташкада бир мутавалли ва ўтгиз роҳиб бор. Улардан ҳар кун икки киши навбатчи бўлиб ўтни ўчирмай сақлаб туради. Ҳар оила ойда бир кун оташкадага текинга ўтин келтиради. Бу билан оташкада ҳисобида доимо икки йиллик ўтин захираси туради.

— Оташкadanинг вақфи борми?

— Вақф йўқ. Лекин ҳар йили биринчи ҳамалдан бошлаб етти кун байрамимиз бор. Бу байрам Худонинг етти муҳаррам фаришталари исмига қиёс. Ҳафтанинг етти кун эканлиги бар-чага маълум. Бунинг асоси ҳам шу етти фариштага мансуб. Етти кунлик байрам муносабати билан халқ закот ва садақаларни оташкада мутаваллисига келтириб беради. Шулар ҳисобига улар тирикчилик ўтказишади.

Амир Жалол ундан яна сўради.

— Намоз ўқийсизларми? Қани, бўлмаса қай тариқа ўқишни кўрсат-чи.

Асир юзини кунга қаратиб қўлини бир неча бор силтади. Лабининг учида нималарнидир пичирлаб қўйдида, “Шу бизнинг намоз” деди.

— Нега қиблага юзланмадинг?

— Нега? Мен қиблага қарадим. Қибла бу офтоб.

Амир Жалол қози аскарга юзланди.

— Бу одамларга мусулмон аҳкомларини ўргатинг.

Соҳибқирон машварат чақирди. Саркардалар шаҳарга қай тариқа бориш хусусида олий қўмондон режасини тинглашди.

— Сизлар турган жойнинг одамларигина эмас, балки тош-тупроқлари ҳам душмандир. Ҳар лаҳзада ҳужумга шай туринглар.

Амир Жалол қўшимча қилди.

— Душман ери бизни гафлатда босиб қолдирадиган бир минтақадир, сарбозлар уйқуга бормасдан туриб атрофимиздаги тепаликларга қоровул қўйиш керак. Чарчаган аскарлар қоровулликда ухлаб қолмасликлари учун уларни тез-тез текшириб туриш учун сайёр қузатувчиларни тайин қилишимиз лозим. Чарчаган аскар яхши ҳордиқ олгандан сўнг соқчиликка қўйилиши керак. Ҳозирги аҳволимизда тўла дам ололмаган навбатчи ухлаб гафлатда қолишини унутмаслик лозим.

Шундай кўрсатмалардан сўнг лашкар йўлга тушди. Пешинга яқинлашганда узоқдан Боер шаҳри кўзга ташланди. Уйлар бир-биридан узоқ жойлашгани учун шаҳар кенг кўринган экан.

Лашкарни яна бир ҳолат ажабга солди. Улар қарши-сида ердан кўтарилган майсалардек қалин сафларда сон-саноксиз, эркак-аёл аралаш қўшин кўринди. Бошдан-оёк қуролланган қароқчилар шиддат билан тўрт тарафдан ҳужум бошлади. Зирҳли бўлинмалар ва темиртанлилар биринчи зарбани ўзларига қабул қилишди.

Соҳибқирон эса отличлари билан ҳужумга ўтди. Кучни куч енгди. Отлиқлар туёқлари остида қолган қароқчилар қўшини тузиб кетиб пиёдалар қиличларига

рўпара келди. Жуда оз кишиларгина биёбонга қочиб кета олди. Майдон ўриб олинган майсалардек ўликлар билан тўлиб кетди.

Ғолиб қўшин шаҳарга кирди. Аммо у ерда ҳеч кимни учратмади. Боер шаҳри бўм-бўш эди. Фақат марказий майдонда жойлашган оташкадан тутун чиқиб турар эди. У ерда ўттизга яқин кўк либосдаги руҳонийлар кўринди.

Соҳибқирон улар билан суҳбатлашиб шаҳар аҳлининг бари урушга чиққанини аниқлади.

— Оташкадан бошқа барча уйлар бузиб ташлансин. Уламолар ва ҳожиларни ўлдирган қароқчилар маконининг кули кўкка совурилсин.

Амир Темур асирларга нигоҳ ташлади. Улардан энг сўзамоли ўртага чиқиб таъзим ила сўз қотди.

— Улуғ амир, бизнинг ўтинчимиз бор. Бизларни афв этиб ўз лашқарингиз сафига олсангиз. Садоқат билан хизмат қилишга онт ичамиз.

Соҳибқирон савол назари ила Амир Жалолга боқди. У эса маънодор бош ирғади. Соҳибқирон асирлар билан обдан иш олиб борилгани ва улар Амир Жалол томонидан унинг хизматига ёлланганини сизди.

Табиий мерган бўлган боерлик асирлар яхши камончилар бўлинмасини ташкил қилиши турган гап.

— Биз ўзимизга кўрсатилган одамгарчилик ва муомаладан сўнг шу қарорга келдик.

Сўзамол асир яна таъзим қилди.

Амир Жалол бош ирғади.

## **Қора Юсуфнинг қора иши Оқ булоқ. 1393 йил**

Лашқар дам олишга улгурмай яна қароқчи балосига дуч келди. Туркманларнинг Қора қуюнлилар қабиласи сардори Қора Юсуф Авник қалъасига ҳужум қилиб уни эгаллабди. Қалъа кутволи — бошлиғи Амир Отламишни асир олиб Қоҳирага, Миср султони Барқуқ саройига жўнатибди. Султон эса Отламишни Амир Темурнинг яқин қариндоши эканлигини била туриб уни зиндонга ташлатибди.

Хуросонда йўлтўсар ва қароқчиларнинг энг катта йўлбошчиси Қора Юсуф Амир Темур аскаридан 240 кишининг каллаларини ҳам Қоҳирага юборибди.

Миср султони билан Соҳибқирон ўртасидаги муносабатлар тарихи узун ва жиддий эди. 1382 йилда Мисрда ҳокимият тепасига келган Султон аз-Зоҳир Барқуқ бошлиқ черкас момолиқлари давлати таркибига кирган Сурия, уларга тобе Ироқ ва муқаддас саждагоҳлар макони Хижоз билан биргаликда қудратли кучга айланган бўлиб, Шарқдаги кўшни мамлакатлар учун ҳимоя вазифасини ҳам ўтарди. Шунинг учун қатор давлатлар момолиқлар давлатини эътироф этиб унинг ҳимоясига таянишган. Амир Темур салтанатининг кучайиши эса Миср қудратига раҳна сола бошлади.

1383 йили Синжар, Қайсария ва Такрийт ҳокимлари Миср султониға мактуб йўллаб хутбани унинг номи билан ўқиганларини билдирганда Барқуқ мағрурланиб кетди. 1388 йили эса Табризни босиб олган Қора Юсуф Мисрға мактуб йўллаб, масжидларда унинг номи билан хутба ўқиладганини билдирди ва ўзини Султоннинг Табриздаги ноиби этиб тайинланишини сўрагани ҳам Барқуқнинг ўзига ғурурини ошириб юборди. Ироқ ҳокими Султон Аҳмад ибн Увайс ҳам Мисрға тобелигини билдириб, унинг паноҳида Қора Юсуф билан биргаликда қарвонларни ва ҳожиларни талаб қарвон йўлларида қароқчилик ҳам қиларди. 1386 йили Амир Темур кўшинлари Табризни қамал қилиб, ундан Қора Юсуфни ҳайдаб чиқарганида Султон Аҳмад бир қанча араб сардорлари билан Амир Темурға қарши иттифоқ тузди ва унга бошчилик қилишни Миср султонида сўради. Яна бунинг устига Олтин Ўрда хони элчилари унинг даргоҳиға бош уриб келишди. 1391 йилги мағлубиятдан аламзада Тўхтамишхондан Амир Темурға қарши иттифоқ тузиш ҳақидаги мактубни олиб келишди. Мордин ҳокими ҳам Амир Темур таклифини рад қилгани ва биргина Миср султонини тан олажагини билдирувчи мактуб йўллади. Қайсария, Тўкат ва Сивас ҳокими Абул Аббос Амир Темурнинг ўзига бўйсунуш ҳақидаги мактубиға рад жавобини берди ва мактубнинг

бир нусхасини Барқуққа, иккинчисини Турк султони Боязидга юборди. Шу билан биргаликда Сивас ҳокими Амир Темур элчилари бошлиқлари — кибор расулларнинг бошларини кесиб, бу бошларни тирик қолган элчиларнинг бўйнига осиб, уларнинг ярмини Султон Барқуққа ва ярмини Турк султони Боязидга жўнатди. Бу икки султонга мактуб ҳам йўллаб, улардан Амир Темурга қарши шошилишч ёрдам кўрсатишни сўради.

Буларнинг бари Миср султони Барқуқнинг кибрини кўтариб юборди. У доимо ҳасад ва нафрат ила Амир Темур номини тилга оларди.

— Мен, — деган эди у элчилар олдида, — ундан қўрқмайман, чунки барча подшолар унга қарши мени қўллаб-қувватлайди, мен фақат ибн Усмон Боязиддан қўрқаман.

Шу тариқа 1393 йилга келиб Миср султони Барқуқ, Олтин Ўрда хони Тўхтамиш, Турк султони Боязид ва араб сардори Қози Бурхониддиндан иборат тўртлик иттифоқи вужудга келди. Бу иттифоққа Арник қалъасини эгаллаган туркманлар сардори Қора Юсуф ҳам қўшилди.

Соҳибқирон чақирган машварат вужудга келган вазиятни муҳокама қилиб бу иттифоқни бўлиб ташлаш режасини тузди.

Саркардалар бири олиб, бири қўйиб Амир Темурни ортиқча марҳаматда ва душманларга нисбатан юмшоқ кўнгилликда айблашиб, ундан кескин чоралар кўришни талаб қилишди.

Соҳибқирон эса уларнинг таъналарини хотиржам тинглар ва ўйлар эди. Куни кечагина Қора Юсуфнинг гумашталаридан Сариқ Усмон тоғ орасида катта қўшин тўплаб тор доиралар ва сўқмоқларни эгаллаб унинг йўлини тўсмоқчи бўлди. Бир ой жанг қилиб уни йўқ қилишди. Энди эса Қора Юсуф яна бош кўтарди. Амир Отламишни асир олди. Отламиш салтанатнинг барча сиру асрори унга аён қарииндоши, хуфия ишлари сардори. У энди Қоҳира зиндонида...

Қора Юсуфнинг маслакдоши, ҳамтовоғи Ироқ ҳокими Султон Аҳмад ибн Увайс жалойир ҳам

кўрнамаклик қилмоқда. Амир Жалол маълумотларига кўра, у бадахлоқ, фиску фужур ва бузукликка муккасидан кетган. Айни вақтда у ҳоким сифатида мамлакатни ёмон идора қилади. Ҳатто биродарларига ҳам зулм ўтказиб ҳарбий бошлиқлар ва амирларни муттасил таҳқирлайди, адолатсиз ва халққа раҳмсиз одам. Устига-устак Султон Аҳмад ўлгудек хасис. Худди Амир Ҳусайнга ўхшаб. Ўндан ортиқ сандиқларида олтину жавоҳирлар сақланади. Соқчилари момолиқлар. У ўз хавфсизлигидан ташқари мол-дунёсини қай тариқа кутқариш ҳақида мудом бош қогиради. Шу мулоҳазага кўра ўз иттифоқдоши Қора Юсуф ва Дамашқда ҳукм юригаётган момолиқлар билан доимий алоқада. Бир гуруҳ махсус навкарларни учқур отлар билан таъминлаб, улар зиммасига ўзи, оиласи ва бойликларини кўриқлашни, зарурат туғилгудай бўлса, қочишга тайёр туришларини буюрган. Ўз ҳудудлари доирасида пойтахт Бағдоддан юз қирқ чақирим масофада хабарчи кабутарлар билан ўз кузатувчиларини қўйганки, уларга душман яқинлашуви ҳақида Султонни ўз вақтида огоҳлантириш юклатилган.

Соҳибқирон фикри шиддат билан ишларди. Султон Аҳмад шавкатли сулолага мансуб бўлса ҳам табиати бузук. Жалойирлар сулоласи Ироқ, Курдистон ва Озарбайжондай катта мамлакатлар устидан ҳукм юргизишидан ташқари нуфуз ва эътиборда, у, Амир Темур мансуб барлослар билан бир қаторда турган, улар билан бордикелди қилган халқ.

Маъсудбекнинг хитоби Соҳибқирон ўйларини бузди.

— Бағдоддан элчи келди. Шайх ул-ислом Нуриддин Абдурахмон ал-Исфароний.

Машварат аҳли жим қолди.

— Ул ҳазратни ҳозироқ қабул қиламиз.

Мовароуннаҳрнинг расмий ҳукмдори Султон Маҳмудхон тахтда ўтирганча тасдиқ ишорасида бош ирғади.

Машварат қабул маросимига айланиб кетди. Элчи Султон Маҳмудхон билан Амир Темурга икки букилиб салом берди, қўнидан Султон Аҳмаднинг мактубини

олиб аввал кўзларига суртди, сўнг ўпиб ёнида турган шаҳзода Халил Султонга берди. У эса мактубни олиб тахт поясига кўтарилди ва бир оёғи билан тиз чўкиб уни икки қўллаб хонга узатди. Султон Маҳмудхон эса такаллуф билан уни ўнг тарафида ўтирган Амир Темурга узатди. У мактубнинг уёқ-буёғини айлантирган бўлиб, сал нарироқда ўлтирган вазири аъзамни имо билан чақириб, мактубни унинг қўлига тутқизди. Салом-алик ва ҳолаҳвол сўрашишдан кейин Амир Темур элчига ёнидан жой кўрсатди.

Элчининг одамлари эса Султон Аҳмаднинг қимматбаҳо совғалари солинган сандиқни тахт поясига қўйишди. Бутун маросим мобайнида аркони давлат ва саркардалар элчига кўрсатилаётган ортиқча мулозамат ва илтифотдан ажабланишганини яширишмади. Бунақаси илгари ҳеч кўрилмаган. Айримлар буни Султон Аҳмад жалойирнинг халифалик тахтида ўлтирганидан қидирсалар, бошқалар Соҳибқироннинг уламоларга бўлган юксак эҳтиромидан, деб билишди. Ахир элчи шайх ул-ислом-доруссалом — Бағдоднинг дин пешволарининг улуғи.

Мактуб мазмуни билан танишган хон, бош вазир, амир ул-умаро Соҳибқирон фикрларига қўшилган ҳолда жавоб хатини тайёрлашди.

Султон Маҳмудхон икки кундан сўнг элчини расман қабул қилиб унга жавоб хатини узатди.

— Ҳамма гап шу ерда битилгон.

Элчи таъзим ичра хон қўлидан мактубни олиб юзларига суртди.

— Энди андак бизга ҳам кулоқ осинг, тақсир, — деди Амир Темур унга синчков нигоҳини тикиб, — биз Султон Аҳмад аъло ҳазратларидин дилтанг эрмасмиз. Фақат онҳазратнинг Қора Юсуфни, ўша йўлтўсар қароқчини қўллаб-қўлтиқлаб тургонлари ва ҳатто ул бадқирдор бирлан кўшилиб, Озарбайжонни хавф-хатар гирдобига тортаётганларидин бир қадар таажжубда эруرمىз. Бу ишга Қора Юсуф, онҳазратдан бошқа Рум султони Боязидни ҳам тортиш ниятида юрибдур.



Султон Маҳмудхон бош ирғаб кўйди. Элчи чингизий шаҳзодалардан Суюрғатмишхоннинг бу лаёқатли ва Амирга ғоят содиқ ўғли ҳақида кўп эшитган. Отаси вафотидан кейин тахтга ўтиргандан бери Соҳибқирон измидан чиқмайди. Иккиси бир олманинг икки палласига ўхшайди. Уларнинг махфий хизмати ҳам чакана эмас. Ер тагида илон қимирласа ҳам билади. Амир Темур бераётган ахборот бу хуфия хизматнинг нақадар бениқсон ишлаётганидан далолат берарди.

— Қора Юсуфни Сиз ҳам яхши билурсиз, тақсир. У дину диёнатсиз бир шахс. У ҳатто ғайри дин гуржийлар бирлан ҳам оғиз-бурун ўпишгон. Султон Аҳмад билан Султон Боязидга нима бўлди ўзи? Икковлари ҳам аслзода, шавкатли подшоҳлар. Яна Қора Юсуфнинг кимлигини билатуриб-а? Ҳазрати олийларини кўп бор огоҳлантирғон, кўп нарсани уқтирғон эрдик. Фойдаси бўлмади. Аксига олиб Султон Аҳмад бирлан Қора Юсуф ўртасида дўстлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Шайх ул-ислом кўзларини ерга тикди. Билади, ҳам-масини билади.

— Султон Аҳмад, Султон Боязид, Султон Барқуқ ва биз барчамиз ислом оламининг сардорлари, бир турк қавмиданмиз. Афсуски, ҳасад, ўзгаларнинг иғвоси ва ичимиздаги шайтон бизни ўзлигимиздан оздириб қўймоқда. Фарб эса, фарангийлар, айниқса, Хитой бундан хурсанд. Агарда бир-биримиз бирлан ёвлашиб тепалашисак, аларга омад келадур, ёвуз ниятлари амалга ошадур. Наҳотки Султон Аҳмад, Боязид, Барқуқ буни билмаса?

— Билади алар, кўзларини ғурур ва кибр пардаси қоплагон аларнинг, Темурбек, — деди Султон Маҳмудхон қисик кўзларини катгароқ очишга тиришиб тиззасига мушт урди.

Элчи — шайх ул-ислом унинг важоҳатидан кўрқиб кетди. Назарида рўпарасида даҳшатли Чингизхон тургандек бўлди.

Орадан йиллар ўтади. Соҳибқирон каромати амалга ошади. Султон Аҳмад ўз ажалини иттифоқчиси, зоти паст ва диёнатсиз Қора Юсуф кўлидан топади. Султон Маҳмудхон эса аёвсиз жангда Султон Боязидни асир

олиб Соҳибқирон пойқадамига ташлайди. Фаранглар эса уларга офаринлар ўқийди.

Элчига рухсат берилди. Султон Маҳмудхон савол назари ила Соҳибқиронга тикилди.

— Биз Бағдод сари от қўямиз. Кейин навбат Мисрга бўлади. Қоҳирада зиндонда ётган Амир Отламишни озод қилиш керак. Маъсудбек! Амир Жалол!

Махфий хизмат бошлиқлари олдида ҳозир бўлгач, у буюрди.

— Далилага етказинг. Гап шундай...

### **Айғоқчи берган сабоқ Курдистон. 1393 йил**

Темурбекнинг сулокли набиралари Муҳаммад Султон билан Пир Муҳаммад Мирзо сафар чодирода ўзаро суҳбат қилиб ўтиришибди. Гап мавзуси беш йиллик юришдаги кўрган-кечирганлари ва боболарининг ишлари.

— Мозандарон ва Форс ҳечам тинчимайди-да, — деди Муҳаммад Султон, — Тўхтамишни энди тинчитиб лашкарга ҳордиқ берайлик деганимизда яна исёнлар бошланди.

Шаҳзода Пир Муҳаммад Мирзо тасдиқ ишорасида бош ирғаб инисининг сўзларига қўшимча қилди.

— Бир нарсага ҳайронмен. Кичик бир мамлакатда ҳар бир бурчакда бир подшоҳ. Унга кириш ҳам, чиқиш ҳам унинг рухсатисиз бўлмайди. Ҳамма ерда: қоровулхона, божхона, катта-кичик ҳокимлар ва тўралар. Миршаблар билан сипоҳийлар раиятдан кўп. Ер чопмай, экин экмай, хирмон кўтармай, ўша бечора халқнинг қонини зулукдай сўриб ётишибди. Шунга яраша эл-юрт муҳофазасининг удласидан чиқаётган бўлсалар ҳам майли эди!

— Булар ҳам етмагандай эл-юртлар орасида тинч-тотувлик ўрнига ҳамма ерда ўзаро уруш, ихтилоф ва исёнлар.

Шаҳзодалар шу ўринда жаҳон уламози Мир Саид Шариф Журжонийнинг Амир Темурга фатвосини эслашди.

— Саккизинчи юз йилликда чиққан дин янгиловчиси Соҳибқирон Амир Темурдирки, оламнинг турли эллари ва шаҳарларида дину-шариатни ривожлантириб, саййидлар ва уламони иззату икром қилади. Пайгамбар мулкани тасарруф қилади.

Бу фатвони боболари пирлари Зайниддин Абу Бакр Тайободийга юборганларида у мактуб ҳошиясига ўз фикрларини ёзиб Амир Темурга қайтариб юборган.

— Дину шариатга ривож берувчи Соҳибқирон Амир Темурга, Аллоҳ уни ҳамиша қўллаб-қувватласин, маълум бўлсинким, бу иш ул кутби салтанатга Аллоҳ таоло тарафидин берилгон жуда катта эҳсон ва буюк ёрдамдур. Дин янгилаш, шариатга ривож беришдек катта ишда Тангри таоло сенга ёрдам бағишламишдур.

Муҳаммад Султон ғурур ила инисига боқди.

— Бундан чиқди, майда-чуйда подшоҳлар, сон-саноқсиз беку ҳокимлар, қароқчию йўлтўсар босмачилар зулмидан мўмин-мусулмонларни бобомиз ҳимоя қилмаса, ким ҳимоя қилади?

Дунё обод, мўмин мусулмонлар тинч-омон ва фаровонликда яшашларини таъминлаш шу саккизинчи юз йилликда бобомиз зиммаларига тушганидан қанчалик фахрлансак арзийди.

Пирмуҳаммад бениҳоя меҳр ва ифтихор барқ уриб турган Муҳаммад Султон чеҳрасига боқаркан ичини ҳасад ўти тирнаб ўтди. Бобоси уни бежиз валиаҳд этмаган.

Кимнингдир овози шаҳзодалар суҳбатини бўлди.

— Бир одам сизни сўраяпти, амирзодам.

Муҳаммад Султон яловбардорига жавоб қилди.

— Кирсун!

Чодирда ўрта ёшли, келбат қомат бир одам кўринди. У шаҳзодаларга таъзим бажо айлагач, мақсадига кўчди.

— Темурбек юртимизда адолат барқарор қилмоқ мақсади билан келгонлар деб эшитдим.

Пир Муҳаммад инисига маъноли назар ташлади.

— Ҳа, шундоқ, — деди Муҳаммад Султон.

— Ҳокимлар, беклар ва закотчиларнинг дастидан бўларимиз бўлди. Темурбек аларнинг таъзирини бериб, мўмин-мусулмонни ҳимоя қилармиш деб эшитдик. Шу ростму?

— Орий, рост, рост — деди Пир Муҳаммад Жаҳонгир гурур ила.

— Ундай бўлса мени хизматингизга олсангизлар. Бу тарафларнинг катта-кичик йўлини мендин яхши билатурғон киши йўқ. Илтифотларингизни дариг тутмай, мени ғажарчи қилуб олсангизлар. Итоат ва инқиёд мақомида туришга сўз берурмен.

Шаҳзодалар бир-бирларига қараб кўз уриштиришди. Улар бу одам курд, чўпонлик билан кун кечирешини билишгач, уни йўлбошловчи — ғажарчи қилиб хизматга олишга рози бўлишди. Ўзини Жунайд деб таништирган одам азбаройи хурсандлигидан ўзини уларнинг оёқлари тагига ташлади.

— Вафодор итингиз бўлай, кеча-ю кундуз остонангизни қўриқлай.

Шаҳзодалар унга чопон, от ва камар тортиқ қилишди.

— Мана, иним, халқ шундай бизга садоқат кўрсатмоқда, — деди Муҳаммад Султон мамнунлигини яширмай.

Чодирда Маъсудбек кўринди.

— Бу одам ким?

Пир Муҳаммад билан Муҳаммад Султон жавобларини эшитган контрразведка бошлиғи норозилигини яширмади.

— Синалмаган отнинг сиргидан ўтма, деб бежиз айтишмаган. Таг-туғи, насл-насабини суриштирмай шундоқ масъул хизматга олиш...

— Сиз Аллоҳдан бўлак ҳеч кимга ишонмайсиз, биламиз сизни...

Маъсудбек ўта жиддий жавоб қилди.

— Касбим шунақа, амирзодам. Сиз айтгандай Аллоҳ ва Темурбекдан бўлак ҳеч кимга ишонмайман.

— Шарпангиздан ҳам шубҳалансангиз керак, Маъсудбек?

— Қандоқ ишонувчан ва беғубор одамсиз, амирзодам. Кўрқаменки, бу ҳали бошингизга кўп уқубат солади.

Пир Муҳаммаднинг энсаси қотди. Муҳаммад Султон эса кулиб қўлини унинг елкасига ташлади. Улар шу топда контрразведка бошлиғининг бу сўзлари аниқ бир

башоратга айланишини билишмас эди. Ўз ҳаётларида, ўз таналарида буни яқин орада синаб кўришларини ҳам.

Ғажарчи Жунайд ўз вазифасини яхши адо этди. Лашкарга бехатар ерларни кўрсатди. Сипоҳлар ва юзбошилар эътиборини қозонди.

Муҳаммад Султон унга яна катта эътибор кўрсатиб Иброҳимшоҳнинг мустаҳкам қалъасини ишғол қилишга тайинланган туманбоши Шайх Али Баҳодир хизматига юборди. Лашкар қалъага бешикаст етиб келди. Тош хотун қалъасининг ҳокими Иброҳимшоҳ ҳузурига элчиликка шу ғажарчи юборилди.

— Қайси бир ҳоким қалъасини қаршилик кўрсатмай топшурса унга тегилмасун, муфсидлар ва йўлтўсарларга шафқат қилинмасун.

Бу Амир Темурнинг лашкарбошиларга юборган фармонини элчи Иброҳимшоҳга етказиши лозим эди.

Иброҳимшоҳ қалъасидан ғажарчи бир тўда мулозимлар билан қайтди. Улар орасида қалъа ҳокимининг ўли Султоншоҳ ҳам бор эди. Тулпор отлар, анвойи матолар ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан Иброҳимшоҳ итоат билдирди.

Туманбоши Шайх Али Баҳодир Иброҳимшоҳ элчиларига зиёфат берди. Уларнинг совғаларини Муҳаммад Султон бобоси даргоҳига жўнатди. Тош хотун қалъасини ўраб турган лашкар ҳам катта базмдан четда қолмади.

Шайх Али Баҳодир Жунайдни алоҳида сийлади ва ўзи билан қирғовул овига таклиф қилди.

Сой бўйидаги пастқамликда Жунайд овга берилиб кетган туманбоши Шайх Али Баҳодирга қаратиб камондан ўқ узди.

Бу шундай кутилмаган ҳолда содир бўлдики, овчилар нима воқеа бўлганини ҳам сезмай қолишди.

Ўқ туманбошининг қоқ юрагига санчилган эди.

— Биз, курдлар нишонда ҳеч қачон янглишмаймиз. Ха-ха! — хандон отиб кулди у.

Жунайднинг шодон хитобидан овчилар ўзларига келар-келмай у отига қамчи босиб кўздан йўқолди.

Муҳаммад Султон Жунайд воқеасидан ларзага тушиди. Маъсудбекнинг огоҳ сўзлари қулоғида янгради. Контрразведка бошлигининг башорати орадан тўрт йил ўтгач ўз танмаҳрамини Жалолоддин унга бехосдан пичоқ урганида яна рўй-рост тасдиқланди. Пирмуҳаммад Мирзо ҳам орадан ўн йил ўтгач ишонган мулозими — вазири томонидан ўлдирилади. Одам балоси ичида, деб бежиз айтишмаган.

### Эллик аскар Темурбек Шероз. 1394 йил

Фурсат ҳукмдори Шоҳ Мансур кичик бир тепаликнинг устида жангни кузатиб турган Амир Темурнинг ёнида ўнтача танмаҳрамини кўриб миясига бир фикр келади. У икки юз кишилик зирҳли бўлинмаси билан худди ўша тепалик сари от сурди. Пастликда шиддатли жанг кетаётгани учун ҳеч ким уларга эътибор бермади.

Кўзлари қонга тўлган, бутун жуссасидан куч ва қувват ёғилиб турган Шоҳ Мансур рақибининг асосий кучлардан ажраб қолгани ва муҳофаза аскарлари камлигини кўриб бир ҳамла билан уларни йўқотишни кўзлади.

Фурсат чиндан ҳам қулай эди. Мансурнинг зирҳли аскарлари тепаликка куюндек ёпирилиб киргандагина Соҳибқирон вазият ниҳоят жиддийлигини пайқади. Беҳисоб жангу жадалларда кўзи пишиб кетган кекса саркарда кучлар тенг эмаслигини сезди. Душман кўп. Икки юздан ортиқ. Ўзи эса атиги ўн киши, рутбаси ўн аскар бўлган танмаҳрамлари билан. Улар юз душманни ўлдиради. Ўзи эса эллик аскар рутбасига эга. Демак, юз эллик душманни даф қилиш мумкин. Қолган душман бемалол уни ўлдириши мумкин.

Наҳот унинг паймони си тўлган бўлса?

Яна бир фикр унинг миясида ўтдек чақнади. Ахир у, Аллоҳдан ўзига ўлимни тўшақда эмас, балки жанг майдонида тилаган эмасмиди?

Соҳибқирон ўзида фавқулодда куч ва хотиржамлик туйди. У мажруҳ ўнг қўлидаги қилични баланд кўтариб ўзи томон яқинлашган душман суворийсига ҳужум қилди. Қиличлар тўқнашди. Темурбек шунда шу мажруҳ қўлида қандайдир куч пайдо бўлганини ҳис этди.

— Ё балогардон! — дея наъра тортди ва душманнинг қалласи учиб кетганини кўрди. Баҳоуддин Нақшбавд - балогардоннинг руҳи ўзи билан ҳамдам эканлигига иқроп бўлди. Бу эса саркарданинг кучига қуч қўшди.

Темурбекнинг наъраси олис-олисларда акс садо берди. Шоҳ Мансур бирин-кетин қулаётган аскарларини кўриб отига шитоб ила қамчи урди.

Темурбекнинг важоҳати даҳшатли эди. Унинг тилларда дoston бўлган болтаси дуч келганни отдан йиқитар эди. Ўнг қўлида қилич, чап қўлида болта билан ўзини ўраб олаётган суворийларни янчиб, ўлдириб бораётган Темурбекда у, Шоҳ Мансур ўз ажалини кўргандек бўлди.

У ўзига рўпара келган танмаҳрамлардан иккисини отдан қулатди. Бир йигити Темурбекнинг ўнг қўлидаги қиличини учуриб юборди.

— Тамом! — шодона ҳайқирди Шоҳ Мансур.

Унинг иккинчи йигити эса Темурбекнинг чап қўлидаги болтасини ишдан чиқарди.

— Айни фурсат!

Шоҳ Мансур қуролсиз қолган Темурбекнинг бошига қилич урди.

Соҳибқироннинг содиқ танмаҳрами Қори ясовул қалқони билан унинг иккинчи зарбини қайтарди, лекин ўзи ҳам душман отган ўқдан қулади.

Темурбекнинг атрофида фақат уч киши: Таваккал бовурчи, Одиля ахтачи ва Омоншоҳгина қолишди. Уларнинг атрофи ўликлар билан тўлиб кетган. Ниҳоят улар ҳам отдан қулашди. Шоҳ Мансур ваҳшиёна қийқириқ ила Темурбекнинг бошига оғир Исфаҳон қиличинини урди. Темурбекнинг дубулгаси қилич шаштига дош берди. Шоҳ Мансур отда чайқалиб кетди. Дами ўтмаган қиличга солган кучи унинг ўзига қайтди. У орқага сурилган отини

силтаб яна қиличини қуролсиз рақибига қаратди. Шу вақт бирдан майдон узра янтраган ҳайқириқ унинг отини ҳуркитди.

— Аллоҳумма ансур Темурхон! Ё Аллоҳ, Темурбекка зафар ато эт! — дея ҳайқирган отлиқ Шоҳ Мансурнинг ҳушини бошидан учирди.

Чехрасига қараганда араб, найза билан қуролланган отлиқ кўзлари даҳшатли эди. Яна бир ҳайқириқ Шоҳ Мансурни гангитди.

— Мансур! Ўз тенгинг билан олишмайсанми?

Темурбек тепаликка кўтарилган Шоҳрух Мирзони кўрди. У елдек учиб Шоҳ Мансур билан қилич уриштирди. Тепаликда бирин-кетин Амир Сулаймоншоҳнинг суворийлари пайдо бўлди. Улар Шоҳ Мансурнинг зирҳли бўлинмасини босиб янчиб Соҳибқирон атрофини ҳимоя халқасига олишди. Шоҳрух Мирзо, Соҳибқироннинг художўй ўғли, беш вақт намозни сира қанда қилмай доимо қўлида қилич эмас, Қуръони каримни ушлаб тоат-ибодатдан бош кўтармайдиган кенжатоғи бир зарб билан Шоҳ Мансурнинг калласини учуриб юборди. Темурбек шунда Шоҳрух Мирзонинг қўлини илоҳий куч бошқарганига иқрор бўлди.



**УЧИНЧИ ҚИСМ**

**ЖАҲОННИ ҚАМРАГАН  
РАЗВЕДКА**

## Муқаддима

Бу китобга муқаддима ёзишда бейхтиёр XV асрда яшаган Ҳирот шоири Абдуллоҳ Хотифийнинг “Темурнома” достонига битган хотимасини эсладим. У хамсанавис бўлиб, навбатдаги достон “Искандарнома” ўрнига “Темурнома” ёзган.

— Мен, — деб ёзади у, — рўзгор саҳифасида Искандардан қолган бирон ёдгорликни кўрмадим. Дўстларим менга Искандар ҳақида афсона сўзлагандан кўра, ҳақиқий ғалабалар ҳақидаги “Зафарнома”ни назм ипига тизишни маслаҳат беришди.

Абдуллоҳ Хотифий ўтмишдоши Абулқосим Фирдавсийнинг Турон тарихини сохталаштириб Эрон шоҳларига ҳамду сано ўқиган “Шоҳнома”сига танқидий ёндашган ҳолда гурур ва фахр ила шундай деган:

— Агар Фирдавсий қадимги Эрон шоҳлари, бошқа шоирлар Искандар Зулқарнайн ҳақида ёзган бўлсалар, мен подшоҳларнинг энг улуғи ҳақида достон ёздим.

Қандай ажойиб эътироф! Мен аслини олганда учинчи китоб билан бу мавзуга хотима қўйишга ҳуқуқим йўқ деб ҳисоблайман. Бу хотима эмас, балки муқаддимадир. Чунки Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳоншумул шуҳратининг яна бир қирраси — унинг разведка бобидаги фаолияти ҳанузгача илмда ҳам, адабиётда ҳам ёритилмаган. Дунёни қамраган унинг разведкаси кўлами, таъсири ва фаолияти самаралари Шарқ ва Ғарб давлатлари олимлари ва давлат арбобларининг у ҳақида битган ва битаётган китобларида ҳам ўз аксини топмоқда.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Шу ўринда ҳозир кенг омма ўртасида машҳур “Чингизхон” телесериалини эслайлик. Унда чин тарих сохталаштирилгани сир эмас. Ғаразли мақсадларда Чингизхон шахсини ижобий баҳолаган ижодкорлар нимани ўйлашди? Кимларнинг буюртмасини бажаришди? Бу уларнинг виждонига ҳавола.

Хитой, Эрон, Туркия, Миср ва Европа махсус хизматлари, хуфя идоралари ва махфий ташкилотлари архивларидаги ҳужжатлар ва яширин ёзишмалар тилга кирганда биз Амир Темур шахси хусусида бебаҳо маълумотларга эга бўлармидик?

Соҳибқирон ҳақида XV асрдаёқ яратилган хорижий адабиётлар ҳам бу ўринда айрим тасаввур беради. Амир Темурнинг шахсий соқчиси бўлган немис зодағони Иоганнес Шильтбергер (1380–1440) хотиралари Баварияда кенг шухрат топиб, 1460 йилда Аугсбергда нашр қилингани ҳам диққатга лойиқ. Бу китобга қизиқиш шундай кучли эдики, натижада у XV асрдаёқ тўрт марта, XVI асрда олти марта қайта чоп этилди. 1458–1464 йилларда Рим папаси бўлиб христиан дунёси раҳнамоси Пий I тарихий асарининг бутун бир бобини Амир Темурга бағишлаганини тасодиф деб бўладими? Флоренция ҳукумати бошлиғи канцлер Почжио Браччиоллини (1380–1459) биринчи марта Амир Темур ҳақида махсус илмий тадқиқот яратгани-чи?

Тадқиқотчилар ҳақли равишда ёзишгандек, Амир Темур XV–XVI асрларда Европада сиёсий доираларда, католик черкови, муқаддас инквизиция каби энг қудратли мустабид кучлар доирасида машҳур бўлган, у ҳақда Рим папаси Пий II 1513 йилда, папа Лев ва папа Клемент VII саройига келган Джовио, испан қироли Филипп II мулозими, географ Ортелий, Муқаддас Рим императори Карл V нинг муаррихи Педро Мехсиялар ёзишган. Бу асарларда Соҳибқирон айни вақтда воқеалар ва даврлардан ташқари турувчи ҳам афсонавий ҳам реал шахс сифатида талқин қилингани ҳам эътиборга лойиқдир. Англия қироличаси Елизаветанинг сарой шоири Кристофер Марло (1564–1593) 1590 йилда “Буюк Тамерлан” драмасини нашр қилди. Соҳибқирон ҳаёти эркин баён этилган бу асарда Амир Темур паҳлавон жангчи, юксак иродали ва енгилмас саркарда сифатида кўрсатилган.

Франциянинг Марказий Осиё тадқиқотлари институти директори Винсений Фурньо фикрича, Амир Темур мавзуи Ғарбий Европада Клавиго ва Женкинсонларнинг сафарномалари эълон қилинмасдан бурун, шунингдек, Ибн Арабшоҳ, Шарафуддин Али Яздий сингари

тарихчиларнинг асарлари таржима қилинмасидан олдин тарихий ва адабий мавзу сифатида мавжуд бўлган деган фикри ҳам тадқиқотчиларни ўйлантиради. Бу даврни, Фурньо 1500–1580 йиллар деб таърифлайди. Бу таърифда чуқур тарихий ҳақиқат ёғибди.

Нима учун Соҳибқирон ҳаёти давридаёқ унга қизиқиш катта бўлган? Нега Европа унга шунчалик қизиққан? Нега ҳозиргача Амир Темур ҳақида қизғин баҳслар давом этмоқда? Нега жаҳондаги буюк шахслар ҳақида ёзилган ва ёзилаётган асарларда Амир Темур шахси алоҳида ўрин эгаллайди? Шу кунга қадар бирон тарихий шахс ҳақида, хоҳ у Александр Македонский, Гай Юлий Цезарь, Ганнибал, Канишка, Чингизхон бўлсин, хоҳ Гитлер, Муссолини, Сталин бўлсин, бундай тадқиқотлар, бундай асарлар дунё юзини кўрмаган ва бундан кейин ҳам кўрмагай?

Бу масала авлодлар ҳукмига ҳавола. “Амир Темур жаҳон тарихида” китоби муаллифлари (Тошкент, 2001, масъул муҳаррир Ҳ.Кароматов. Муаллифлар жамоаси: С.Саидқосимов, А.Аҳмедов, Б.Аҳмедов ва бошқалар) ҳақли равишда ёзганларидек, Европа олимларининг Амир Темур шахси ва унинг фаолиятига қизиқиши бундан 500 йил аввал бошланган эди. 1553 йили Италиянинг Флоренция шаҳрида Перондино деган олимнинг “Скифиялик Тамерланнинг улугворлиги” деб номланган илмий тадқиқот асарининг эълон қилиниши бундан кейинги асарларга кенг йўл очди. Мишель Монтеннинг (1553–1592) “Тажрибалар” китоби бунинг ёрқин далилидир. Францияда Амир Темурнинг тарихий шахси бўйича икки хил анъана мавжуд бўлган: қатъий тарихий манбалардаги маълумотларга асосланиб, академик фан шуғулланадиган жиддий тарихий методологияга таянса, адабий афсоналарда у хаёлий персонаж сифатида намоён бўлади.

Винсений Фурньо фикрича, Амир Темурда уни Марказий Осиё тарихидаги фавқулодда ёрқин шахсга айлантирган қатор фазилатлар бўлиб, шулардан бири — унинг фатҳ этмаган ёки тасарруфига олмаган ҳудудлардаги машҳурлигидир. Бунда гап Марказий Осиёдан анча йи-

роқ Хитой, Эрон, Ҳиндистон, Яқин Шарқ, Усмонли турклар салтанатидаги маданиятлар ҳақида бормоқда. Фарб маданиятига энг аввало адабиёт ва мусиқа соҳаларига сингиган Амир Темур мавзуси ушбу жаҳоншумул шуҳратнинг энг буюк кўринишларидан биридир. Европа маданияти турли фалсафий асотирларда, насрий ва шеърӣ асарларда, театр учун ёзилган пьесаларда, опера либреттоларида ушбу мавзуга катта ўрин ажратди. Бу ишлар тарихшунос олимларнинг илмий асарлари ёки уларнинг таржималари юзага келгунича ёхуд улар билан айна бир вақтда рӯй берди. Француз адабиётида Амир Темур мавзуси турли жанрлардаги асарларда бирон-бир фикрни тасдиқлаш, қиёслаш ёки ўхшашликни топиш учун хизмат қиладиган ибратли образ шаклида намоён бўлади. Олимларнинг фикрича, француз ёзма тилида Амир Темур муҳим роль ўйнаган Марказий Осиёлик ягона тарихий шахсдирки, ҳатто унинг исми у ерда умумлашма сўзга айланиб кетган.

Амир Темурнинг ҳаётлигидаёқ ўз давлати билан Фарб ўртасида алоқа ўрнатгани ҳам кўпчиликини ажаблантирган. Чунки, на ундан олдин, на ундан кейин ҳеч ким Фарбий Европа билан бундай бевосита алоқаларни ўрнатмаган. Яна бир ҳол диққатни жалб этади. “Қирол Куёш” сифатида донг таратиб Францияда XVII асрда олтмиш йил ҳукмронлик қилган Людовик XIV олисидаги Амир Темурга “Ўзбек қиролига икки мактуб” ёзган, лекин улар жўнатилмай қолган. Ажабланарлиси шуки, француз ҳукмдори Амир Темур вафотидан икки аср кейин шу номаларни ёзганки, бу ҳол Соҳибқирон абадиятидан ёрқин далолат беради. Француз олими Фурньо Марказий Осиё орқали Фарб томон турли даврларда ва турли шахслар томонидан амалга оширилган юришлар кўпинча асоссиз равишда ҳамда Марказий Осиё ҳудуди ва унинг ортидаги ҳудудларни билмаслик оқибатида Амир Темур номи билан боғлаб келинганини таассуф билан таъкидлагани бежиз эмас. Европалик тадқиқотчилар Соҳибқирон ҳақидаги маълумотларни XV асрда яшаган Византия тарихчиси Лаоник Калкондил ёзган “Юнон империясининг таназули” ва “Турклар салтанатининг

қарор топиш тарихи” китобидан олишгани ҳақида фикрлар бор. Бу асар 1583 йилда ёзилган бўлиб, унинг 14 бобдан иборат биринчи жилди батамом Соҳибқиронга бағишланиб, у Темур, Тамерлан, Тамбурлан деб тилга олинади.

XV асрдан европалик олимлар ва сиёсий-диний арбобларнинг Шарққа бағишланган китобларида Амир Темур тарихи олдинга чиққанини ҳам тасодиф деб бўлмайд.

Гап шундаки, Амир Темурнинг расмий ва махфий хизматида бўлган қатор шахслар унинг ҳаётлигида ва вафотидан сўнг ҳам ўз фаолиятларини давом эттиришган. Соҳибқироннинг биз билмаган, эшитмаган ва ўқимаган фаолияти хусусида қимматли фикрларини ёзиб қолдиришган. Соҳибқирон яратган давлатчилик ва саркардалик мактаблари самараларидан оммани баҳраманд этишган.

1996 йилда чет эл тадқиқотчиларининг Парижда эълон қилинган Амир Темур ва Темурийлар ҳақидаги тадқиқотлари библиографияси рўйхатига 450 асар киритилган эди. (*Амир Темур жаҳон тарихида. Т, 2001, 212—213-бетлар.*) Ўшандан буён, айниқса, Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги нишонланганидан сўнг яна юзлаб асарлар яратилгани кўшилса, бу рўйхат мингга яқинлашади. Амир Темур ҳақидаги ҳоғиралар ва бадий асарлар Шарқ ва Ғарбнинг 33 мамлакатида — АҚШ, Англия, Франция, Австрия, Аргентина, Бельгия, Германия, Испания, Канада, Ливан, Малайзия, Миср, Португалия, Руминия, Сурия, Тайван, Туркия, Чехия, Хитой, Эрон, Япония ва Ҳиндистонда, шунингдек, Россия, Украина, Арманистон, Озарбайжон, Гуржистон ва Туркменистонда нашр қилинган ва ҳозирда ҳам чоп этилмоқда. Бу асарларда Амир Темур ҳаёти ва қилган ишлари, унинг жанговар сафдошлари ва сиёсий фаолиятининг серқирра томонлари очилиб бормоқда. Соҳибқирон ҳақида унинг замондошлари, ёру дўст ва мухолифлари хотиралари ҳам эътиборга сазовордир. Асл тарихий манбалар, оғзаки ҳикоялар ва ривоятлар ҳам — уларнинг барча-барчасида буюк Соҳибқироннинг мураккаб шаклу шамойили бор бўйи билан рўй-рост гавдаланади.

Кимлардир холис, кимлардир ғазаб-нафрат, кимлардир ғараз ва адоват ила унинг ҳақида ёзишган ва ёзишмоқда. Лекин яна ва яна Соҳибқирон билан боғлиқ биз билмаган кўп сиру асрорлар намоен бўлмоқда. Шулардан энг муҳими дунёнинг Шарқу Ғарбини, Шимолу Жанубини қамраган Амир Темурнинг махфий хизмати, унинг раҳбарлари, ёрқин намояндалари, кўзга кўринмас ва камтар вакиллари ҳақидаги ҳақиқатдир. Бу ҳақиқат зарралари Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб улмақдур фи тарихи Таймур” (“*Темур тарихида тақдир ажойиботлари*”) асарида кўзга ташланади. Соҳибқиронни тан олса-да, аммо унга ҳасад билан қарайдиган Ибн Арабшоҳ Амир Темур махфий хизмати ходимларини ҳам таърифлашда қора бўёқларни аямаган. Лекин уларнинг маҳоратига тан берганини ҳам унутмаслик лозим. Бу муаррихнинг Амир Темур махфий хизмати географиясига оид фикрларини ҳам тан олиш лозим. “Унинг аскарлари ичида одам аъзолари-ю ажинларига қараб фол кўрувчи одамлар ва ёлғончи завожирлар ҳам бўлиб, улар қўй куракларига қараб фол очар, ва унда кўрган нарсалари билан дунёдаги турли ҳоллар ва етти иқлимнинг ҳар бир қаричида содир бўлган омонлигу хавф-хатар, адолату ноҳақлик, арзонлигу қимматчилик, нохушлигу шифо топишлик ва кейинчалик юз берадиган бошқа ишлар тўғрисида ҳукм чиқарардилар ва (бу ҳукмида) камданкам хато қилардилар”. Бу эътирофдан маълум бўладики, Соҳибқирон виждон ва эътиқод эркинлигида ҳам ниҳоят бағрикенг бўлган. Разведкаси фаолият доираси ҳам кенг бўлган. Ахборот кўлами ҳам дунёни кенг қамраган. Амир Темурнинг одамлари ичида Ибн Арабшоҳ ёзишича, “Олижаноб, ибодатли, ҳимматли кишилар ҳам кўп бўлиб, улар эзгуликларида чексиз манбалар бўлиб, бу (хайрликлар) булоқларининг кирим ва чиқимлари бор эди. Асирни озод қилиш, ноқисликни тўлғазиш, ёнгинни ўчириш сувга ғарқ бўлаётганини кутқариш, ўзгаларга хайру эҳсон кўрсатиш, бошига кулфат тушганга (ёрдам) қўлини чўзиш у (кишилар) одатларидан бўлиб, бунини ёхуд тилаш ва шафоат сўраш билан, ёхуд бадал беришу сотиб олиш йўли билан имконлари борича ва қудратлари етгунча адо этардилар”.

Соҳибқирон ўз хизматидаги одамларига, хусусан разведкачиларига улкан ваколатлар бергани ҳам манбаларда кўрсатилган. Хусусан, испан элчиси Клавихо эсдаликларида бу ҳолат қайд этилган. Карвон йўлларида жорий этилган ёмчилик хизмати қатъий ҳарбий интизомга бўйсундирилган. Ҳар 30 чақирим масофада бир неча ём отлари билан аравакаш — ёмчи хизматда ҳозир турган. Агар бирон сабаб билан ём отлари бўлмаё қолса, у ҳолда агент истаган йўловчининг, ҳатто давлат арбобининг ҳам отини олиб қўйиш ҳуқуқига эга бўлган. Клавихо ёзишича, ҳатто Амир Темурнинг ўғлини ҳам отдан тушириб агент ихтиёрига беришган. Ким бўлишидан қатъи назар барча Соҳибқиронга ахборот олиб кетаётган одамга бўйсунуши шарт. Агар у буйруққа бўйсунмаса, ўлдирилган. Одамсиз йўлларда ҳам отлар шай турган. Шундай тез юриш туфайли Амир Темур салтанатида ахборот тезкор эгасига етказилган.

Шу ўринда беихтиёр ҳозирги замонда, глобаллашув жараёни кучайган бир даврда пайдо бўлган нақлни эслайлик. Ким ахборотга эга бўлса, у дунёни идора қилади. Қарангки, буюк Соҳибқирон XIV асрдаёқ бу ҳақиқат тагига етган ва уни амалга оширган. “Темур тузуклари” ҳам замонасидан илгарилаб кетган фикр-ғоялар мажмуаси бўлганини ҳам эътироф этиш лозим.

XVIII асрда яшаган инглиз ҳарбийси Вильям Дэви эътирофи ғоят эътиборга сазовордир. У узоқ вақт бегона кўзлардан сир сақланган ва махфий ҳужжат сифатида хазинада ётган “Темур тузуклари”нинг асл нусхасини қўлга туширган ва инглизчага таржима қилган эди.

Атоқли адиб ва синчков олим Пиримқул Қодировнинг “Темур тузуклари” китоби махфий ҳужжат бўлгани ҳақида билдирган фикр ва мулоҳазалари тарихий ҳақиқатга тўла мос келишини алоҳида таъкидлаган ҳолда у яратган асардаги (“Амир Темур сиймоси”. Тошкент, 2007) маълумотлар ва тахминлар билан ўқувчини яна бир бор таништиришни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Ўз даврининг биринчи ҳарбий низоми деб тан олинган “Темур тузуклари” асари махфий хизмат стратегияси ва тактикалари бўйича ҳам жиддий қўлланма



бўлиб, Пиримкул Қодиров таъбири билан айтганда Соҳибқироннинг кашфиёти эди. Бу кашфиёт ганимлар кўлига тушса, улар Амир Темурнинг ҳарбий санъатидан, разведка бобидаги маҳоратидан унинг авлодларига қарши урушда фойдаланишлари мумкин эди. Шунинг учун “Темур тузуклари” кам нусхаларда кўчиртирилади, фақат энг эътиборли темурийларга ўқишга берилади, улар эса асарни махфий сақлайдилар.

Умуман салтанат ва сулола асосчисининг ёзиб қолдирган васиятлари ва дастуруламалини махфий сақлаш одати туркий халқларнинг ҳукмдорлари орасида қадимдан мавжуд бўлган. Бундай анъана Фарбда ҳам ўзига хос шаклда мавжуд бўлганини македониялик Александр ва унинг устози Аристотель орасида бўлиб ўтган ёзишмадан билиш мумкин. Халқ орасида машҳур Аристотель ҳарбий санъат сирлари ва давлатчиликка оид билимларини кўпчилик орасида ҳам ёймоқчи бўлганида Александр унга шундай эътироз билдиради: “Бизга берган сабоқларингизни кўпчилик орасида эълон қилишингиз тўғри эмас. Бизга берган билим ва тарбиянгизни бошқаларга ҳам берсангиз, бизнинг улардан нима фарқимиз қолади? Ҳолбуки, мен сиздан олган олий тарбия ва билимим билан қўл остимдаги одамлардан устун бўлишни истайман.”

Нақадар очиқ ва адолатли таъриф! Бугунги кунда АҚШ, Россия, Англия, Япония, Франция ва бошқа давлатлар инсоният учун нақадар фойдали кашфиёт, ихтиро ва тадқиқот натижаларини ва илмий тафаккур дурдоналарини яшираётган айни бир замонда бундан икки минг йил аввал яшаган Александр Македонский сўзлари нақадар долзарб янграйди?!

Амир Темур худди аллома Арасту — Аристотель каби ёш авлодга берган бебаҳо таълим ва тарбиядан бегона кучлар гаразли мақсадларда фойдаланмаслиги учун “Темур тузуклари” узоқ вақт махфий сақланган. Амир Темур давридан бошланган одатга биноан Бобурийлар ҳам “Темур тузуклари”ни махфий сақлайдилар ва фақат шаҳзодаларга ўқишга берадилар. Шу сабабдан то XVII асрнинг бошларигача тарихий манбаларда “Темур

тузуклари” ҳақида маълумотлар учрамайди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг ўғли Ҳумоюнга ёзиб қолдирган васиятномаси ҳам унинг авлодлари томонидан сир тутилган. Шу фактдан келиб чиқиб, фараз қилиш жоизки, Шоҳ Жаҳон “Темур тузуклари”нинг аслияти билан бирга форсий таржимасини ҳам ўз авлодлари учун махфий сақлаган. Амир Темурнинг улкан салтанатни бошқаришда ва оламшумул зафарларга эришишда орттирган бой тажрибаси, ўз авлодларига ички сирларини очиб ёзган сўзлари, донишмандлик билан берган маслаҳатлари, ҳарбий санъат ва махфий хизмат моҳиятини кўрсатувчи тузуклари — ҳаммаси бобурийлар салтанатида давлат сирлари ҳисобланган. Бу сирлар рақиблар ихтиёрига ўтса, улардан бобурийларнинг ўзларига қарши курашда фойдаланишлари мумкинлиги ҳисобга олинган. Мана шу сабабларга кўра, 1637 йилда Шоҳ Жаҳон “Темур тузуклари”нинг форсча таржимасини таҳрир қилдириб, нуқсонларини бартараф эттирганидан сўнг то 1779 йилгача бирорта тарихий манбада “Темур тузуклари” ҳақида ахборот учрамайди. Бобурий Шоҳ Олам II инглизлар томонидан асир олингач, Ҳиндистонда хизмат қилган Вильям Деви асрлар давомида шоҳ хазинасида сақланган “Темур тузуклари”нинг “Султония” деб аталадиган нодир нусхасини қўлга туширади. Араб тили профессори майор Уайт билан биргаликда уни 1783 йилда Оксфордда форсча матн, инглизча таржима ва изоҳлар билан китоб ҳолида нашр этади. Бу китоб дунёнинг турли мамлакатларига кенг тарқалади. Оксфорд нашри кейинчалик ҳеч бир ўзгаришсиз 1785 йилда Калькуттада, 1868, 1963 йилларда Техронда, 1890 йилда Бомбейда қайта нашр қилинди. Худди шу нашр 1787 йилда Парижда чоп этилди. Бу китобга биринчи бўлиб ҳали номи чиқмаган тўпчи офицер Наполеон Бонапарт ўз диққатини қаратди. Франциянинг бўлғуси императори “Темур тузуклари”ни ўз фаолияти учун дастуруламал деб билди. Уни синчиклаб ўрганган ҳолда Франция армиясини ҳам худди Амир Темур кўшинидек ташкил қилишни ўйлади. Генерал Бонапарт Миср султони билан жангларда, Италия кампаниясида, Пруссия, Австрия,

Испания ва Россия билан урушларда “Тузуқлар”га риоя қилган ҳолда Амир Темур тактикасини ишга солди ва ғалаба қозонди.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур шахси, унинг серқирра фаолияти ханузгача фанда ҳам, адабиётда ҳам марказий ўринни эгаллаб турибди. Соҳибқирон ҳаётлик даврида нечоғлик машҳур бўлган бўлса, вафотидан кейин ҳам Шарқу Фарбда янада шуҳрат қозонди. Унинг буюк, бетакрор ва ёрқин шахси, қудратли иродаси ва кенг қамровли, тобора илгарилаб борувчи ҳаракатлари ўз довруғи таъсирини тобора кучайтириб, бир қатор мамлакатлар ва давлатлардаги миллион-миллион халқ оммасининг оинги ва шуурига ўрнашиб қолди.

Соҳибқироннинг давлат арбоби, ташкилотчи ва бунёдкор, сиёсатчи ва дипломат сифатидаги кўп қиррали таржимаи ҳолини, унинг ички ва ташқи сиёсати доирасига кирган халқлар тақдири билан чамбарчас ҳолда ўрганишга жаҳон олимларининг қизиқиши тобора ортиб бораётганлигининг сабаби ҳам мана шунда.

Яна бир далил диққатга лойиқ XVIII аср ўрталарида Англияда “Рим империясининг таназзули ва ҳалокати” деб номланган китоб нашрдан чиқди. Унинг муаллифи камтар бир тадқиқотчи Эдвард Гиббон (1737—1794) номи бирдан машҳур бўлиб кетди. Бу китобнинг бир бо- би махсус Амир Темур шахсига бағишланган эди.

“Амир Темур, — деб ёзган эди у, — дунёни забт этиб, унга ҳукмрон бўлиш мақсадини кўзлаган эди. Авлодлар хотирасида ҳурмат қозониш унинг олижаноб қалбининг иккинчи истаги эди... Унинг васиятлари Европага нотанишлигича қолди”. Гиббон Амир Темурни шафқатсизликда айблаган муаррихларга эътироз билдириб бу тадбир адолатли интиқом бўлгани, душманларнинг қаршилиги Амир Темур шуҳратини янада оширганини ёзиб, уни оддий бекдан Осиё ҳукмдоригача кўтарилишини ажабтовур бир ҳодиса эканлигига урғу беради.

Фридрих Шлоссер (1776—1861) ўзининг “Ялпи тарих” китобида ҳам шундай фикрлар билдириб, Соҳибқирон шахсига юксак баҳо беради: “Омадли жангчи, дунёнинг ягона ҳукмдори, тактик ва стратегик билимларни уйғунлаштирган зот”.

Яна бир атоқли тарихчи Георг Вебер “Умумий тарих” китобида “Буюк саркарда, ҳукмдор ва қонуншунос Амир Темур инсон сифатида ҳам, ҳукмдор сифатида ҳам Боязиддан юқори турар эди”, деб таъриф қилади. Таниқли рус тарихчиси Т.М.Грановский (1813–1855) уни жаҳон тарихининг буюк арбоблари қаторига қўшиб Соҳибқиронни “Ҳориб чарчаш нималигини билмайдиган фаолият соҳиби”, деб таърифлайди. Шуниси қизиқки, бу баҳони анча илгари турк тарихчиси ва шоири Мустафо Али Абдулла Фолиб ўғли (1541–1600) Амир Темурга берган эди. Соҳибқиронни ёмон кўриб унга ғаразли қарашда бўлган кўпгина турк олимларига қарама-қарши ўлароқ у холис тадқиқотчи сифатида ўз давридаёқ Амир Темур турк империясига сиёсий ва маданий жиҳатдан ижобий таъсир кўрсатганини эътироф этган. Мустафо Алининг ёзишича, Султон Боязид даврида (1389–1402) Туркияда шариат тартиб қондалари қўлланилмас эди. Чунки Боязид Серб маликаси Мария Оливера таъсирида бўлиб, Европа руҳи салтанат ичра кира бошлаган эди.

Мустафо Али ўттиздан ортиқ асарлар муаллифи бўлиб, уларнинг орасида энг машҳури “Тарих мазмуни” китобидир. У турк шаҳзодаси Салим ва бошқа султонлар девонида дафтардор — котиб сифатида ишлаган. Мустафо Али “Тарих мазмуни” китобининг учинчи ва тўртинчи бобларини Амир Темурга бағишлаган. У Амир Темурнинг Йилдирим Боязиддан ҳар томонлама устун эканлигини айтиб, унинг мусулмон амирлари орасида энг кучлиси эканлигини, ислом дунёсини сиёсий ва диний жиҳатдан бирлаштиришда буюк хизматини алоҳида уқтиради. Амир Темурга “Нафақат Соҳибқирон, балки Соҳиби зуҳур” дея юксак баҳо беради. Рус тарихчиларидан академик В.В.Бартольд Соҳибқиронни “серғайрат қурувчи” сифатида кўради. Генерал-лейтенант М.И.Иванин ва генерал А.Снесарев ҳам ўз навбатида Амир Темурга юксак баҳо бериб унинг ҳарб санъати ва разведка соҳаларидаги фолиятини чуқур таҳлил қилишади. Россия империяси генерал штаби генерал-лейтенанти Иванин ҳарбий академияда Амир Темур тактикасини ўрганиш учун махсус курс маърузаларини киритиш ташаббусини кўтаргани

ҳам бежиз эмас. Генерал А. Снесарев ҳам Амир Темурнинг саркардалик, ташкилотчилик фаолиятини ўрганишга ғоят қизиқиб қараган йирик ҳарбий арбоб ва шарқшунос сифатида кўлигина европалик тадқиқотчиларнинг Ғарбдаги буюк ва машҳур саркардаларни осиелик лашкарбошиларга қарама-қарши қўйиш йўлидаги ноҳолис уринишларига кескин зарба берган эди. У Европа тарихнавислиги на-мояндаларининг “Осиенинг ҳақли равишда шухрат қозонган ҳарбий йўлбошчиларини камситиб” Амир Темур каби атоқли саркардаларни “мамлакатни шафқатсизларча вайрон этган”, “қонхўр”, “телбанамо” кимсалар қаторига қўшишларини гаразгүйлик, ғайри илмий тарзда бир ёқлама ёндашиш деб қаттиқ қоралади. А. Снесарев мана шу буюк зотларга ҳолисона ёндашиш йўлидаги уринишларни, “Европада ҳатто илмийликни даъво қилувчи матбуотнинг бу масаладаги нафратомуз руҳи”га йўл қўймасликка, тарихий ҳақиқат тамойилларига амал қилишга чақирди. Амир Темур ҳақида “туҳматсиз ва таҳқирсиз” ҳолисона атрофлича фикр юритиш зарурлигини таъкидлади.

Академик Н. И. Конрад ҳам шундай руҳдаги фикрларни илгари сурган ҳолда ҳали ҳеч кимнинг хаёлига келмаган фаразни илгари сурди. У Соҳибқирон сиймосида икки буюк саркарда: Александр Македонский ва дунёда беш юз йил ҳукм сурган улкан салтанат ижодкори Канишка руҳи намоён бўлганини айтди: “Ҳа, янглишганим йўқ, — деб ёзди у, — айни Искандар ва Канишканинг руҳи — антик даврда эски дунёнинг марказий зонасида аниқ шаклланган ва ўрта асрларда зўр бериб гуркираган чинакам жаҳоншумул ғоя Амир Темур қиёфасида яққол ифодаланди. Буюк Амир Темурнинг ўзи тушундимми ё тушунмадимми, айтиш қийин, бироқ мазкур буюк ғоя туғилган ерда вояга етган Амир Темурда ва унинг ғояларида бу руҳнинг таъсири сезилмай қолмади”. (“Амир Темур жаҳон тарихида” Т., 2001, 211-б.)

Соҳибқирон фаолиятига доир ноёб маълумотлар Италия уламози — католик черкови роҳиби Бертрانو де Мигнанеллининг 1415 йилда латин тилида ёзилган “Темурланг ҳаёти” асарида ўз аксини топгани ҳам диққатга лойиқ. Унда Амир Темурнинг 1400—1401

йилларда Мисрга юриши ва Дамашқ қамалига оид фактлар, замондеш гувоҳлар эсдаликлари ўрин олган.

Соҳибқирон фасолиятининг биз билган ва билмаган қирралари Хитой ёзма манбаларида: хатлар, расмий хужжатлар ва элчиларнинг ҳисоботларида акс этган. Айниқса, 1395 йилдан 1404 йилгача Амир Темур саройида Хитой элчиси бўлган Фу Аннинг ҳисоботи жуда бой далилларга асосланган материалларни ўз ичига олади. Бу ҳолатга Япония олими Кадзуо Еноки ўз диққатини қаратиб, Фу Аннинг барча ҳисоботларини инглиз тилида нашр этган. Япон олимлари Кадзуо Енокининг Мин сулоласи давридаги Хитойнинг Амир Темур ҳамда Темурийлар билан ўзаро дипломатик муносабатларига бағишланган асарлари, Едзи Манунинг “Амир Темур Кўрагоний. Темурийлар генеалогияси”, Гори Хансдининг “Темур ва император Юн Ле”, Хироши Ватанебенинг “Мин даврида мусулмон мамлакатларидан келган элчилар ва хирож тўловчилар миссияси рўйхати” кабиларда Амир Темурнинг давлат ижтимоий-сиёсий қурилиши, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, маъмурий тизим, ҳарбий юришлар, дипломатия, дин, фан, маданият соҳасидаги кўпқиррали фаолияти ёритилган.

АҚШ олими Морис Росати ҳам Соҳибқирон хусусида қизиқ фикрлар, факт ва таҳлилларга бой “Чен Хо ва Темур: уларнинг ўзаро муносабатлари” асарини эълон қилган. Унда Тайбей олими Шу-ухунинг XV аср бошларида Жануби-шарқий Осиё ва Ҳиндистон атрофларига тўрт марта денгиз экспедицияси уюштирган ва ҳатто Хурмуз бўғозигача етиб борган машҳур адмирал Чен-Хо тўғрисидаги қарашлари таҳлил этилади. Бу экспедициялар Форс кўрфази, Қизил денгиз ва ҳинд давлатларининг Амир Темурга қарши ҳарбий иттифоқини тузиш мақсадида амалга оширилганлиги ҳақида кўпчиликка номалум факт — хулоса ва тахминлар берилган.

Шуни қомил ишонч билан айтиш мумкинки, жаҳон тарих адабиётида замонлар ўтиши билан Амир Темур шахсини бир ёқлама, тор ва бир хил тарзда талқин этишдан иборат дастлабки кўникмалардан уни чуқур,

кенг ва атрофлича идрок этиш жараёни кучайиб бормоқда. Жаҳон тарихшунослиги ва шарқшунослиги фанларида мустақил илмий йўналиш — “Темуршунослик” шаклланди. Парижда нашр қилинаётган, дунёда ягона махсус “Темурийлар” журнали фикримизнинг ёрқин далилидир. Ўзбекистон олимлари ҳақли равишда уқти-риб ўтганларидек, “Амир Темур ва унинг замони тарихига бағишланган асарларнинг ҳозирги замон муаллифлари ўрганилаётган муаммонинг турли жиҳатлари хусусида ҳар хил фикрлар айтаётганликлари табиий. Бироқ, қандай бўлмасин, тарих фанида жаҳон тарихининг энг буюк сиймоларидан бўлмиш Амир Темурнинг кўп қиррали жўшқин фаолиятининг барча жиҳатларини, ҳамма хусусиятларини тўла-тўқис ва атрофлича ёритишга интилиш кучайиб бораётганлиги кўриниб турибди.” (*“Амир Темур жаҳон тарихида” Т., 2001, 214—216 б.б.*)

Ўзбекистонда ривожланиб бораётган темуршунослик фанида ҳам шундай жараён кучайиб бораётганини таъкидлаган ҳолда шуни дадил айтиш мумкинки, унда янгича йўналишлар пайдо бўлмоқда ва Соҳибқироннинг оламшумул фаолиятининг янги қирралари тобора кўзга ташланмоқда. Жаҳонни қамраган Амир Темур разведкаси жумбоқларини ечиш тарих ва келажак учун жуда муҳимлигини уқтирган ҳолда бу узундан-узон муқаддимага нуқта қўямиз ва ҳикоямизни давом эттирамиз.

## Дажладаги дажжоллар Бағдод. 1393 йил

Ҳижрий 795 йил шаввол ойининг 13-куни (1393 йил 22 август) Амир Темур лашкари Бағдод сари юриш бошлади. Чексиз биёбонлар ва довонлардан ошиб Кавроқўрғон ҳисорига етди. Султон Аҳмад иттифоқчиси бўлган туркман Муҳаммад сардор қўшини билан қарши чиқди. Бир кун давом этган жангдан сўнг туркманлар қочишга тушди.

Лашкар йўлда давом этиб, Шайх Иброҳим Лак куббаси номи билан машҳур бўлган шайхи раббоний

Иброҳим Яҳёнинг муқаддас мазорига етганда тўхташга амр бўлди. Соҳибқирон одати лашкарга маълум. Муқаддас қадамжоларни сира четлаб ўтмайди.

Мозор машойихлари, қорилар ва жорубкашлар Ҳофизи Куръон рутбасидаги Амир Темур тиловатидан жунбушга келдилар. Улар ҳукмдорлари Султон Аҳмадни бирон марта ҳам бу мазорга келганини эслолмайдилар. Соҳибқирон ҳожатмандларга садақалар, машойихларга эса бой хайру эҳсонлар улашаётган мақалда эса бир гуруҳ мўйсафидлар болалари билан келиб қолишди.

— Сиз бизларни Султон Аҳмад зулмидан қутқозишга келаётганингиз учун биз авлодларимизни оёгингиз остида қурбон қиламиз.

Амир Темур чиндан ҳам уларнинг ниятлари жиддий эканлигини кўрди. Мўйсафидлар қўлларида ўтқир пичоқлар ялтилади.

— Тўхтанлар! Чиндан ҳам қурбонлик керак бўлса, болаларингизни эмас, балки қўйларни бўғизлайсиз.

Соҳибқирон ишораси билан мулозимлар мўйсафидлар олдига ўнга қўчқор етаклаб келишди.

Қурбонликдан сўнг қариялар Соҳибқиронга ўз дардларини баён қилишди.

Дажла бўйидаги аҳоли устига Султон Аҳмад катта солиқлар солган. Қурбоқчилик келиши сабабидан ва чорваларга келган офат туфайли халқ солиқларни тўлай олмаган. Султон Аҳмад гумашталари эса солиқ тўловчининг ўғли ва қизи бўлса уларни зўравонлик билан олиб кетибди. Йиғит-қизлари йўқ хонадон соҳибининг кўзларини ўйиб олибди.

— Султон Аҳмад мусулмонлик даъвосини қилади, ammo халқнинг ўғил-қизларини солиқ бадалига олиб кетибгина қолмай, гўзаллар, чиройи муносиброқ бўлган хотин-қизларнинг ҳеч бири унинг назаридан омон қолмаётир. Қайси жойда бир гўзал хотинни кўрса, зўрлик билан эридан тортиб олиб, саройида бир неча кун сақлаганидан кейин ҳайдаб юборади. Бечора хотин эрининг юзига қараёлмасдан ва уйига боролмасдан сарсон-саргардон бўлиб, бузилиб кетади.



— Бағдодда шунинг учун фоҳишабозлик кучайиб кетган. Аъёнлару бой-бадавлатлар кеча-ю кундуз ичкиликбозлик ва маишат билан банд. Бузуқбозлик авжида.

Қариялар шундай ҳасратлар қилишди.

Соҳибқироннинг кўзларида газаб ўти кўринди. У ҳеч қачон зўравонликни, айниқса, хотин-қизларга зўрликни кўтара олмас эди. Бунинг сабабини аркони давлат яхши биледи. Бир куни у ўн беш ёшида кўрган воқеасини уларга айтган эди:

— Бир куни дарё бўйида дам олиб ўтирган эдим. Қўлида тиркаш эгар камарини ушлаган бир турк сувга яқинлашиб келди. Бир оз ўтгандан сўнг бир нотаниш чўри ҳам сув олгани шу ерга келди. Турк аёлни кўриши билан унга ташланиб зўрламоқчи бўлди. Аёлнинг қичқиригини эшитиб, унинг қариндоши югуриб келиб уни туркдан ҳимоя қилмоқчи бўлди. Лекин турк кучли экан, бу халоскорни эгар камари билан боғлаб қўйди, аёлни эса ўз камари билан боғлаб, менинг кўз ўнгимда зўрлаб, разил мақсадини амалга оширди. Мен бу томошага аввал кулдим, сўнг мулоҳаза қилиб бутун дунёдаги шундай тоифа разил зolimларнинг илдизини қуритишга қарор қилдим.

Соҳибқирон Амир Жалолга қариялар билан суҳбатлашишга ва зарур ахборотларни олишга имо қилди. Сўнг саркардалари билан машварат қилди. Бағдодни олиш режаси пишитилди.

Халил мингбоши разведка бўлинмаси билан отларга ўтирди. Шаҳзода валиаҳд Муҳаммад Султон илғор қисмга бош бўлиб улар ортидан жўнади.

Ҳижрий 795 йилнинг 21-шавволида (1393 йил 1 сентябрь) Амир Темур лашкари Бағдод остоналарида пайдо бўлди. Шаҳзода Мироншоҳ ўнг қанот қўшинлари билан шаҳарни ўнг тарафдан қуршаб олди. Сўл тарафни шаҳзода Шохрух бошчилигидаги қўшин эгаллади.

Амир Жалол разведкачилари муҳим хабар олиб келишди. Султон Аҳмад Бағдодни ташлаб кемаларга тушиб Дажланинг нариги тарафига ўтиб кетибди. Кемаларни эса ёндириб юборибди. Шаҳарда унинг ноиби қолибди. Унинг ихтиёрида ўн беш минг отлиқ ва ўн минг пиёда

сарбоз бор экан. Урушга жиддий тараддуд кўрган. Амир Жалол лашкари билан тўқнашувда унинг оила аъзолари ва амалдорларнинг кўпчилиги асир олинган. Бағдод дарвозалари энди очиқ. Бағдод ноиби қолган кўшинлари билан Дажланинг ғарб қирғоғига ўтиб олган.

Соҳибқирон қисқа кенгашдан сўнг лашкарни дарёнинг нариги соҳилига ўтказишга қарор қилди. Ҳайқириб оқаётган Дажла дарёсига қараб у бундан бир неча йил муқаддам Илёсхўжа, Қамариддин ва Анқо тўрани қувиб боришганида Ардиш деган дарёдан ўтишганини эслади. Улар кема бўлмаганда солу-гупсарлар билан дарё кечишган.

Муҳандислар бўлинмаси ишга тушди. Эртасига Дажладан кечув бошланди. Кечувнинг учинчи куни разведкачилар Султон Аҳмаднинг “аш-Шамс” деб номланган кемасини топиб келишди. Амир Темур шу кемада яқин мулозимлари билан дарёдан ўтиб олди. Бағдод аҳолисидан бир гуруҳ одамлар Соҳибқирон қаршисига пешвоз чиқишди. Улардан биринчиси тарихчи олим Низомиддий Шомий эди. Кейинчалик у “Зафарнома” китобида ана шу воқеани шундай қаламга туширди:

— Амир Соҳибқирон илтифот қилиб, бу бошқалардан илгари келишни мақтов билан қарши олиб, эътибор кўрсатди ва шундай деди: “Худо сенга ўз раҳматини йўлласинки, бу шаҳардан менинг олдимга биринчи бўлиб чиққан киши сен бўлдинг”. Бундан мақсад шулки, ўша ҳолатда шаҳар дарвозасидан чиқиб назар солганимда, Дажла дарёси юзини ундан ўтиб келаётган ғолиб аскарлар туфайли саҳродан фарқ қилолмадим. Таажжуб қилиб, “Ахир булар қандай тоифадурларки, ўзга халқлардан салобат ва ботирликда шижоат ва жувонмардликда мумтоздирлар” дедим ва билдимки, бу Аллоҳ томонидан қўллаб-қувватланган Амир Соҳибқирондир; унга тобе бўлган кишилар, ҳамма сипоҳийлари куч-қудратининг зўрлиги ва ўта жасурлиги билан бошқа халойиқдан устунлик касб этганлар.

Бағдоддаги Султон Аҳмад ноиби оила аъзоларини озол қилиш ва бож тўлаш шарти билан ўз ихтиёри ила таслим бўлди. Хазинасидаги беш юз эллик минг мисқол олтин

(2640 килограмм) ва икки юз минг мисқол кумушни голибларга тақдим этди. Бағдоднинг нуфузли амири бўлган ноиб Амир Темур шарафига зиёфат берди. Сўнг ўзининг хусусий хазинасидан бир олтин табақда жавоҳиротларни унга тақдим этди.

Соҳибқирон Бағдодда тартиб ўрнатишга киришди. Ислом ва шариат қоидаларини фуқаро тарафидан адо этилишига эътиборни қаратди. Шаҳарда шароб кўп бўлиб, эркаклар майхўрликка муккасидан кетгани учун бу номуносиб турмуш тарзи мулозим ва навкарларга юқишидан хавфсираб барча хонадонлардаги шаробу майларни мусодара қилиб, Дажлага тўкиб ташлашга амр қилди.

Соҳибқирон Бағдоднинг диққатга сазовор жойларини: азиз авлиёларнинг хоки-поклари, масжиду мадрасаларини бориб зиёрат қилди. Уламолар ва шуаролар билан суҳбатлар ва мушоиралар уюштирди. Бағдоднинг кўҳна шуҳрати, халифа Хорун ар-Рашид замонини эслатди. Шунда Тўхтамурод Шоший Бағдоддаги тошкентлик аллома Абу Бакр Қаффол аш-Шоший билан боғлиқ машхур воқеани ҳикоя қилди. Мажлис аҳли бу ҳикояни диққат билан эшитди.

У оддий инсон эди. Тирикчилиги ҳунармандчилик. Ҳаваси ва ишғиёқи илм. У ҳунармандчиликда ҳам, илмда ҳам, назмда ҳам шуҳрат қозонган. Унинг ҳикояси бўйича, ислом оламида Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби “имом” даражасига эришган кўтлаб буюк алломалар орасида бу камтар ҳунарманд — Имом Абу Бакр Қаффол аш-Шоший алоҳида ўрин эгаллайди. Замондошлари “Ҳазрати Имом” деб улуғлаган бу зотнинг тўлиқ исми — Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қаффол аш-Шоший бўлиб, араб манбаларида унга алоҳида ҳурмат бажо келтириш учун номига “катта”, “улуғ” маъносини ифодаладиган “ал-Кабир” сўзини қўшиб ёзадилар. У устачилик бобида тенги йўқ ҳунарманд бўлгани учун эса “ал-Қаффол” яъни кулфчи, кулфсоз деган ном билан ҳам эъзозланган. Ривоятларга кўра, у митти кулф ва вазни бир доник калит ясаб кишиларни ҳайратга солган. Яна айрим ривоятларга кўра, у ҳатто

пашшанинг оёғига кишан-қулф ясаган. (Россияда бургага қулф ясаган “Иван чалақай”га ўхшаб у Шарқда жуда катта шўҳрат қозонган.) Машҳур араб муаррихи Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний ўзининг “ал-Ансоб” (Насабнома) асарида шундай ёзди: “Ал-Қаффол — қулфсозлик касбига нисбат берилган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қаффол аш-Шоший Шош аҳлидан бўлиб, қулфсозликда шўҳрат қозонган. У ўз замонасининг имоми (пешвоси) бўлиб, фикҳ, ҳадис, усул, тилшунослик илмлари бўйича тенги йўқ олим эди. Қаффол аш-Шошийнинг номи Мағрибу Машриққа ёйилган”. Шош — Тошкентга шўҳрат келтирган бу инсон 904 йилда Тошкентда хунарманд оиласида дунёга келган. Ўша вақтда Шош — Тошкент Сомонийлар давлатининг Бухоро ва Самарқанд каби йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларидан бири бўлган. Араб муаррихи Ибн Ҳавқал Шош воҳасини шундай таърифлаган: “Хуросон ва Мовароуннаҳрда бу каби жомеъ масжидлари кўп, обод ва фаровон қишлоқлари, қурилган иншоотлари кўп бўлган ўлка йўқдур”.

Ана шу даврда Шош вилоятнинг пойтахти, воҳада жойлашган 50 та шаҳарлар ичида энг йириги — Бинкат ҳам гуллаб-яшнаган. Шош воҳасида Мовароуннаҳр бўйича жуда кўп миқдорда пул айланган. Бунга вилоятлар томонидан Сомонийлар давлати хазинасига келиб тушган солиқлар миқдорини солиштириш орқали амин бўлиш мумкин. Тарихий маълумотларнинг кўрсатишича, Фарғона IX асрда 280 минг кумуш дирҳам, Уструшона — 50 минг, Шош эса 607 минг дирҳам тўлаган. Воҳада темир ва мисдан турли буюм ва асбоблар, эгар-жабдуқлар, ип ва ипак газламалар ишлаб чиқарилган. Шош хунармандлари томонидан ясалган камон, ўқ-ёйлар нафақат Мовароуннаҳрда, балки бутун Шарқ мамлакатларида “Камони Шоший” номи билан машҳур бўлган.

Шош йирик илм-маданият маркази сифатида кўпга олим ва шоирлар яшаган шаҳар эди. Араб тарихчиси Абу Мансур ас-Саолибий “Аср аҳлининг фозиллари ҳақида

замонасининг дурдонаси” асарида Абу Муҳаммад ал-Мотронийни “Шошдан чиққан шоир, у жойнинг шон-шуҳрати ва ягона кишиси” дея эътироф этган. Шошлик шоирлардан Абу Омир Исмоил ибн Аҳмад аш-Шоший Сомонийлар саройида юксак обрў-эътибор қозонган. Шош фикҳ йўналишининг йирик намояндаларидан бири — Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ал-Ҳусайн ибн Умар аш-Шоший араб манбаларида “ал-Кабир” (Катта имом) деган ном билан улуғланган.

Абу Бакр мана шундай шароитда Тошкентда илм олди, ҳунар ўрганди. Самарқандда ҳам таълимини оширди. У фикҳ — қонуншунослик илмига меҳр қўйди. Уни пухта ва астойдил ўрганди. Ўша даврда мерос тақсимоти, савдо-сотик олди-берди каби сон-саноксиз жанжалли масалаларнинг адолатли, тўғри ҳал қилиниши қонуншуносликка боғлиқ эди. Буни ҳал қилиш учун ғоят фаросатли, юксак дид, илм-маърифат бобида атрофлича хабардор, замонасининг барча масалаларини ўз фикр доирасига сиғдира оладиган кишигина қонуншунос бўлиши мумкин эди. Абу Бакрда буларнинг барчаси мужассам эди. У фалсафа, мантиқ каби фанларни ҳам ўрганган. Ҳижоз, Дамашқ, Бағдоддаги етук олимлар сабоғини олди. Машҳур олим Табарий (839—923) унинг қонуншунослик ва тарих соҳасидаги устози бўлган. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий Шарқда донғи кетган “Элчилар ва подшоҳлар тарихи” китобининг муаллифи эди. Абу Бакрнинг иккинчи устози эса Абу Ҳасан ибн Абу Мусо ал-Ашъорий (873—941) бўлиб, у ислом фалсафасининг етук намояндаси эди.

Абу Бакрнинг яна бошқа устозлари ҳам ўша юксалиш, Шарқ Ренессанси даврининг таниқли олимлари бўлишган. У пайғамбаримиз ҳадисларини чуқур билибгина қолмай уларга амалда ҳам риоя қилган. Катта ва кичик ёшдагиларни ажратмасдан, улардан илм олган, ўрганган. Натижада устозлари сингари аллома даражаси ва мақомига эришган. Араб олими Ибн Халликон ўзининг “Машҳур кишилар вафоти ва замондошлар ҳақида хабарлар” асарида Шошийга берилган таъриф бу жиҳатдан эътиборга сазовор.

Қафғол аш-Шоший ҳадис илмини билган, тилшунос шоир. Ҷша вақтда Мовароуннаҳрда у кишига тенг келади-ган олим йўқ эди. Бу киши Хуросон, Ироқ, Ҳижоз, Шом ва бошқа ўлкаларга саёҳат қилиб ҳамма ерда ҳам ном таратди. Абу Бакр ҳар гал араб халифалиги пойтахти Бағдодга келганида атрофида олим-у шоир, уламо-ю машойихлар тўпланиб қизгин баҳсу мунозаралар авж олган. У сўнги бор Бағдодга келганида ноҳуш воқеанинг устидан чиқиб қолади. Халифалик шарқий Рим империяси — Византия билан уруш ҳолатига тушиб қолган эди. Қачонлардир атрофни ларзага солган улкан салтанат — халифалик анча заифлашиб унинг душманлари ҳаракатга келган эди. Византия императори Никифор (963—969) салтанат ерларини бирин-кетин босиб ола бошлади. Шомнинг шимолий қисми римликлар мулкига айланди. Ҳарбий хатар эндиликда Бағдодга ҳам кўланка солди. Император Никифор араб халифасига йўллаган мактубда ана шу хатар яққол акс этди.

— Биз шердек отилиб, — дейилган эди бу дағдағали мактубда, — ўз ерларимизни фатҳ этдик. Дамашқ эса ота-бобомиз маскани эди, биз бу диёр мол-мулкига эга бўламиз. Мисрни ҳам қиличимиз билан эгаллаймиз. Ҳижоз, Бағдод, Шероз, Рай, Хуросон, Қуддус, Шарқу-Ғарбнинг барчасини фатҳ этамиз.

Бу мактубда жангари император араб халифасига бир вақтлар Рим ерлари бўлган, ҳозир эса Бағдод халифалиги эгаллаб турган ўлкаларни тинчлик билан осонликча унга қайтариб беришни талаб қилган эди. Араб тилида шеърӣй — назмда битилган бу мактуб аслида чинақамига бир ультиматум — талабноманинг айни ўзи эди. Ғолибнинг мағлубга юборган қаъий талаби эди.

*Дамашқдур ота-бобомиз юрти,  
Унинг заминига мен соҳиб ўзим.  
Мисрни фатҳ этгум шамишим билан,  
Чексиз саҳроларда кулар юлдузим.  
Ундан сўнг Маккага қараб йўл олсам,  
Тундек босиб борар ботир қўшиним.  
Қуддусга йўл олиб толмасман йўлда  
У ерда тиклагум муқаддас устун.*

Халифа Мутилиллоҳ (946—974) ва унинг мулозимлари танг аҳволда қолишади. Нима қилиш керак? Халифаликда Шарқий Рим империясига дош келадиган ҳарбий салоҳият йўқ, қанча-қанча донгдор саркардаларни тормор келтирган Никифорга бас кела оладиган саркарда ҳам топилмайди. Айни шу ҳолатда Римни шаҳтини тушириб масалани мураса-ю мадора йўли билан ҳал қилиш лозим. Бунинг учун зукко дипломат керак. Мактубга муносиб жавоб битадиган одам керак.

Халифанинг боши қотди. Наҳотки шундай бир улкан салтанатда, қанчадан-қанча олиму фузалолар яшайдиган пойтахтда шундай одам топилмаса?

Сарой аҳли шунда Бағдодда айни шу кунларда машҳур Абу Бакр Шоший меҳмон бўлиб тургани ва угина бу мушкулотни ҳал қилиши мумкинлигини халифага билдиришади.

Халифа ҳузурига чақиртирилган Абу Бакр масала моҳиятини теран ақли билан англайди. Бағдод халифаси у билан суҳбат мобайнида унинг заковатига тан беради ва унга жавоб мактубни ёзишни ундан илтимос қилади. Халифа билан Тошкент олими ўртасида бўлиб ўтган суҳбат ва унинг мазмун-моҳияти бизга қоронғи. Суҳбат мавзуси бирон адабиёт ёки манбада учрамайди. Лекин шуниси аниқки, улар ўртасида қандайдир битим ё шартнома тузилган. Шундан сўнг Абу Бакр император Никифорга жавоб мактуби ёзишга киришади. У ўша мактуб вазнида ва ўша тарздаги услуб ва қофияда жавобни битиши керак эди. Ўша даврда Византияда ва араб халифалигида шеърятга қизиқиш ва ҳурмат катта эди. Давлатлар ўзаро алоқаларидаги дипломатик ёзишмалар шеърлар ва қасидаларда ўз аксини топган.

Имом Қафқол аш-Шоший 148 байтдан иборат мактубни тезда ёзиб, халифага элтади. Бу мактубда унинг бор билими, заковати, шеърят бобидаги маҳорати ва дипломатик истеъдоди ўз аксини топган эди. Нейматулло Муҳамедовнинг ёзишича, бу жавоб мактубнинг 74 байти Тожиддин ас-Сабкийнинг асари орқали бизгача етиб келган. Биз учун шуниси муҳимки, Имом Қафқол аш-Шоший мактуби Рим пойтахти Константинополда катта шов-шувга сабаб бўлади.

Шош — Тошкент олими Византия императорининг бу дағдағали гапларидан газабланди. У мусулмон сифатида муқаддас Маккага дахл солаётган насроний саркардага миллий ғурурини баланд кўтарган ҳолда шундай жавоб йўллайди:

*Қудрат-ла қувдик биз сизни Рум сари,  
Туяқуш мисоли қочдингиз нари.  
Қочдингиз қонталаш кирпи сингари,  
Бизларни Муҳаммад бошлар илгари.  
Пайғамбар хурмати қирмадик сизни,  
Бизларда бор эди шиддат ва қудрат.  
Шом ерин фатҳ этдик бўлиб зарурат,  
Мисрни, Қайравон ва Андалусни ҳам.  
Бошингиз мажжақлаб, зўр келдик ҳар вақт  
Байт — лаҳм хароба шаҳарлар қатор.  
Искандарияда бўлди зафар ёр,  
Қуддус, Урушиолимда ғалабамиз бор!  
Сизларни енголдик биз мардонавор,  
Илм ва ирфонимиз қадимдан машҳур...  
Бемаза шеърингиз бўлмагай манзур,  
Бизнинг ашборимиз дурдона мақбул,  
Билгувчи одамга бағишлар ҳузур.*

Муаррихлар ёзишича, Константинополда император мулозимлари ёқа ушлашиб ўз ҳукмдорларига шундай дейишган:

— Бунга ёзган киши ким ўзи, қайси юртдан экан, халифаликда биз бундай зот борлигини билмас эканмиз?

Оддий аскардан лашкарбоши даражасига кўтарилган ва ўз жасорати билан Рим тахтини эгаллаган Никифор ўз мулозимлари фикрларини диққат ила тинглади. Улар орасида унинг душманлари ҳам кўп. Шу билан бирга Бағдодда Маъмун академиясида таълим олган Рим аслзодалари ва олимлари ҳам унга қарши мухолифатда. Шуниси қизиқки, нега бу жавоб мактубини битган одам ана шу ҳолатга эътиборини қаратган ва нима сабабдан у императорни бўлғуси хавф-хатардан огоҳ қилмоқда? Демак, араб халифалигида шундай кучлар



борки, улар унга, Никифорга хайрихоҳ. Мактубни ёзган киши ниҳоятда хушёр ва ақли. Унга яхшилик тилаб огоҳлантирмоқда. Унинг байтларида шон-шуҳрат, тахт ва бойлик васвасаси ҳукмдорларга қандай офат келтириши, муҳаббат ва хиёнат, жасорат ва сотқинлик, дунё лаззати ва охират азоби ҳақида шундай фикрлар бор эдики, улар бутун умрини жангу-жадалларда ўтказган лашкарбоши қалбини тирнаб ўтди.

Константинополь зодагонлари ўзининг фотиҳлик ниятидан воз кечишга мажбур бўлган императорга ажабланиб қарашди. Лекин император Никифор Бағдодга юриш режасидан қайтганини расман эълон қилди.

Мавлоно Муҳаммад Қозининг “Силсилат ал-Орифин” асарида қизиқ бир ривоят келтирилади:

“Айтурларки, Шайх Абу Бакр Муҳаммад Қаффол Ғазо шаҳрига борган йилларидан бирида бағдодликлар тарафида туриб, румликлар билан урушганлар. Бу урушда бағдодликлар енгилиб, кўплари, жумладан, Шайх ҳазратлари ҳам румликларга асир тушган эканлар. Асирларни кўздан кечирган Рум султони Ҳазрати Шайхга қараб шундай дебди:

— Сен бағдодликларга ўхшамайсан. Ростини айт қаерликсан? Шайх ҳазратлари шундай жавоб берибдилар:

— Мен Шошдан бўламан. Рум султони айтди:

— Сен менинг хатимга ибрий тилида гўзал жавоб ёзган киши эмасмисан?

Шайх ҳазратлари айтдилар:

— Худди шундай.

Рум султони Шайх ҳазратларига қараб деди:

— Тавротни биз учун араб тилига ўтириб бер! Агар бу ишни бажарсанг, сени ва бошқа асирларни озод қилиб, кўпгина инъом ҳам берурмен.

Шайх ҳазратлари айтдилар:

— Жуда яхши. Фақат шартим шуки, Таврот қандай нозил бўлган бўлса, ўша нусхани менга келтириб бер, уни араб тилига таржима қилиб бераман. Аммо ҳозир қўлларингизда бўлган Таврот таҳрир қилинган нусхадир. Бу нусхани эса мен араб тилига таржима қилмайман.

Рум султони бу гапларни эшитиб, дарғазаб бўлди-да, шундай деди:

— Агар таржима қилмасанг, сени ва бошқа асирларни ҳам ҳалок қилгум. Шайх айтдилар:

— Нима хоҳласанг қил, аммо мен Тавротни Ҳақдан нозил бўлган нусхасинигина араб тилига таржима қилурмен.

Ниҳоят, Рум султони уламо ва мамлакат оқсоқоллари билан кенгашди. Улар Шайх ҳазратларининг шартларини бажаришга розилик берди, шундай дедилар:

— Майли, сен айтган нусхани етказурмиз, уни таржима қилгил, аммо биз ундаги Муҳаммадга бағишланган мадҳларга келганда, улардан кўз юмиб ўтармиз...

Алқисса, шайх ҳазратлари Аллоҳ таоло иноятларига шукроналар айтиб, Тавротнинг нозил қилинган нусхасини тезлик билан араб тилига ўгиришга киришдилар...

Таврот араб тилига ўгирилгач, Рум султони шайх ҳазратларига кўп тухфалар бериб, бошқа асирларни ҳам озод қилибди ва ўз мамлакатларига жўнатибди.”

Умуман олганда, Қаффол аш-Шоший ҳаёти давомида мусулмон дунёси бўйлаб сафар қилган, энг машҳур олимларга шогирд тушиб, улардан илм ўрганган. Машҳур уламолар билан суҳбатлашган Қаффол аш-Шоший диний илмлардан ташқари дунёвий билимларни ҳам чуқур ўрганган. Шунинг учун ҳам халқ уни Ҳазрати Имом — Хастимом деб улуғлаган.

Халифалик осмонидаги булут тарқади. Рим кўшини халифалик ҳудудини тарк этди. Имом Қаффол аш-Шоший ўз жавоб мактубида билдирган башорати кўп ўтмай амалга ошди. Император Никифор сарой фитнаси қурбони бўлди. Империяда бошбошдоқлик бошланди.

Ривоятларга қараганда, халифа Шошийга берган ваъдасига мувофиқ ўз хазинасида сақланаётган муқаддас Усмон Курьонини унга топширган ва бу Курьон Тошкентга олиб кетилган. Ривоятга кўра, халифа нима қилиб бўлса ҳам Курьонни қайтариш учун бор кучини ишга солган. Курьон эвазига Абу Бакр Шошийга бир

сандиқ олтин ваъда қилинган ва кўрсатилган. Бу ривоят қанчалик тўғри ва ногўғри эканлиги бизга номаълум. Аммо шуниси аниқки, Имом Абу Бакр Шоший ўша X аср охирида икки буюк давлат ўртасидаги урушнинг олдини олиб буюк инсоний илмий ва сиёсий жасорат кўрсатди. Минглаб одамлар, мусулмонлар ва насронийлар қони тўкилишининг олдини олди.

Тарих унинг буюк башоратини ҳам тасдиқлади. Византия ўз муаммолари билан банд бўлиб мусулмон дунёсини унутди.

Шошийнинг яна бир башорати ҳам бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. У ўша X асрдаёқ, минг йил бурун шундай деган эди:

— Фирқаланиш айни азобдир.

Шоший пайғамбар ҳадисларини бир тартибга келтирган ҳолда ана шу ҳолатга эътиборни қаратган эди. Яъни мусулмон дунёсида турли мазҳабларга бўлиниш, сунна ва шиа муҳолифати, бизнинг замонамизда рўй бераётган диний экстремизм, сепаратизм ва террорчилик нималарга олиб келишини билгандек эди. Унинг илмий меросида “Қисқа иборали ҳадислар тўплами” асарида ана шу фикр бош ўринни эгаллаган. Расулуллоҳ калималаридан тўпланган бу китобда у ҳадисларни шундай тартибда келтирган:

*Амаллар ниятларга боғлиқдир.*

*Маслаҳатгўй омонатдордир.*

*Карам соҳиби бўлишлик тақводир.*

*Куръон дардларга даводир.*

*Дуо, у ибодатдур.*

*Яхши савол илмнинг ярмидур.*

*Жамоат билан бирга бўлишлик раҳматдир.*

Маъна шу қисқа иборалардан кўриниб турибдики, Қафқол аш-Шоший тўплаган ҳадислар содда, тушунарли ва раван ёзилганлиги билан ўқувчи қалбига етиб боради. Уларда ислом дини аҳқомларидан ташқари одоб-ахлоқ, илм-маърифат, таълим-тарбияга доир ҳикматлар кенг ўрин олган.

Имом Абу Бакр тафсир, ҳадиси калом, фикҳ, ислом ҳуқуқшунослиги асослари, шеърят ва тилшунослик бўйича ўзидан ниҳоят бебаҳо, нодир мерос қолдирган.

Шайх Абу Исҳоқ ат-Шерозийнинг ёзишича, “Имом Абу Бакр ал-Қафғол аш-Шошийнинг кўплаб асарлари мавжудки, ҳеч бир киши ҳали шунча асарларни тасниф этмаган. У фақиҳлар ичида биринчи бўлиб, “ал-Жадал ал-Ҳасан” (Яхши баҳс-мунозара) бўйича асар ёзган. Шунингдек, унинг “Фикҳ усуллари китоби”, “Рисола шарҳи” асари, “Пайгамбарлик далиллари”, “Шариат гўзалликлари” каби асарлари ҳам ислом дунёсида машҳур.

Имом Абу Бакр Шоший 976 йилда ўз она шаҳарлари Шош — Тошкентда вафот этдилар.

— Хотирангизга балли, Тўхтамурод, — деди Соҳибқирон, — айтинг-чи, ўша Куръон ҳозир қаерда?

— Билишимча, турк султони Боязид хазинасида сақланар эмиш.

— Биз, албатта, иншоолло, насиб этса, бу Усмон Куръонини қўлга киритиб, Самарқандга элтурмиз.

Тўхтамурод Шоший бош ирғади. У ўн йилдан сўнг Амир Темур нияти амалга ошишини ўшанда билмаган эди. У Соҳибқироннинг яна бир башорати — расадхона қуриш орзуси ҳам Улуғбек замонасида рўёбга чиқишини хаёлига келтирмаган. Амир Темур билан у халифа Маъмун замонида қурилган Яҳё ибн Мансур расадхонаси қолдиқларини кўришганида Соҳибқирон шундай деган эди:

— Биз ҳам Самарқанди фирдавсмонандда шундайин бир расадхона қурурмиз. Борди-ю, бизга насиб этмаса, қобил фарзандлардин биронтаси бунинг уддасидан чиқур, албатта.

Ушанда, Соҳибқирон орзусига фаришталар омин деганини ким билибди, дейсиз?

## Бобил султони кибри ва аллома қони Қоҳира. 1393 йил

Кўҳна Бобил — эндиликда Миср султони Барқуқ тахтада виқор ила ўтирганча элчининг сўзларини тинилар эди.

— Бундан илгари Чингизхоннинг бахтли уруғидан бўлган ҳамкор подшоҳлар ўша мамлакат ва унинг маликлари билан гоҳ-гоҳида низолашиб турганлар. Охири элчилар ва ёзишмалар пайдар-пай бориб келиб, ўртадаги кечмиш сулҳ билан анжом топарди. Бу маъни олам аҳлининг амну омонлигига сабаб бўларди. Бахтли подшоҳ Абу Саъид баҳодирхон Ҳақ таоло раҳматига қовушгандан кейин Чингизхон наслидан номдор подшоҳ қолмади.

Султон ал-Малик аз-Зоҳир Сайфиддин Барқуқнинг нигоҳи титраб кетди. Чингизхон! Оламини титратган зот! Қани энди унинг донғи ва муносиб авлоди? Элчи айтгандек, Чингиз наслидан номдор подшоҳ қолмади.

— Сўнгра ҳар турли тоифалар маликлари пайдо бўлди, жаҳон аҳволи абадийлигини йўқотди, нотинчликка юз бурди. Ҳозирда эса Чингизхон наслидан ҳамкор подшоҳ ҳазратларининг адолат сояси мамлакат тахтини мушарраф қилиб, у ислом соҳасини муфсидлардан пок қилди ва бугун сизларга ҳамсояликка етиб келди.

Барқуқнинг кўзларида ғазаб ўти учқунлади. Ҳамсоя дейдими? У Буржийлар сулоласи асосчиси Султон Барқуқ чўлоқ Темурга ҳамсоя бўладими? Унда Черкас-Кавказ қони жўшиб кетди. Қачонлардир, аниқроғи тўққиз ёшида уни кулфурушлар юртидан ўғирлаб кетиб Кафа бозорида сотишди. 1364 йилда эса мана шу Қоҳира бозорида уни амир Эл-буғро сотиб олди. Амир маърифатли ва адолатли одам экан. Ҳалол хизмати, укуви ва идроки билан эътиборини тортди. Амир уни мактабга юборди. Қоҳирада илм ниҳоят кадрланишини яхши тушунгани учун яхши ўқиди ва тенгдошлари ўртасида етакчи бўлди. Мактабни битиргач, синовларда ўзини кўрсатгани учун уни Султон

ал-Шараф саройига хизматга олишди. Саройда у кўпгина юртдошларини учратди. Черкаслар момолик — мамлук сифатида масъул лавозимларда хизмат қилишар эди. Сарой соқчиларининг кўпчилиги ҳам черкаслар эди. Барқуқ Миср султони ўғилларининг мураббийси лавозимида ишлади. Ўзи тарбиялаган шахзода Султон бўлди. Барқуқ учун мансаб эшиклари кенг очилди. Қудратли амалдорга айланди. Шогирди қазо қилгач эса черкаслар уни султон тахтига кўтаришди.

Ха, бундан ўн бир йил муқаддам, 1382 йили у. Султон аз-Зоҳир Барқуқ Миср ҳукмдори бўлиб янги сулолага асос солди. Қудратли салтанатни барпо этди. Худудларини кенгайтирди. Ўзга эллар ҳукмдорлари унинг остонасига бош уриб келадиган, оёғини ўпадиган бўлишди. Мана, ҳозир ҳам ҳузурида Олтин Ўрда хони Тўхтамиш, туркман сардори Қора Юсуф, Ироқ ҳокими Султон Увайс мулозимлари бош эгиб туришибди. Унинг салтанати таркибига кирган Сурия, унга тобе Ироқ ва муқаддас саждагоҳлар макони Хижоз билан биргаликда катта кучга айланган, қатор мамлакатлар ва амирликлар унинг, Барқуқ давлатини эътироф этиб, ҳимоясига умид бoғлаган ҳолда остонасида ер ўпмоқда. Синжар, Қайсария ва Такрийт ҳокимлари ўзларини султон Барқуқ ноиблари сифатида билиб унинг номига хутба ўқишади, номидан тангалар зарб этишади. Мана, бу ҳузурида виқор билан турган оқсоқ Темур элчиси эса унга тобелик эмас, ҳамсоялик таклиф қилмоқда.

— Эндиликда, — дея сўзида давом этди элчи тилмочи, — вазифа шулки, ҳамсоялик ҳаққига риоя қилиб, дўстлик эшигини очайлик, токи бундан буён ҳар икки томондан элчилар бориб келиб турсинлар, ҳар икки мамлакат савдогарлари учун йўл очиб қўйилсин ва бу маъни халқ осойишталигига ва йўлларнинг эминлигига сабаб бўлсин.

Барқуқнинг қошлари чимирилди. Ҳамсояликдан ташқари оқсоқ Темур унга дўстликни ҳам таклиф қилмоқчими?

Бундан етти йил муқаддам Амир Темур қўшинлари Табриз шахрини қамал қилиб, унинг ҳокими Қора

Юсуф билан жанг қилди ва уни ҳайлаб чиқарди. Ўшанда Қора қуюнлилар сардори Қора Юсуф Ироқ ҳокими Султон Аҳмад ибн Увайс билан ҳузурига ёрдам сўраб келишди. Ўртада Амир Темурга қарши қаратилган битим тузилди. Шунга мувофиқ икки йилдан сўнг унинг ёрдами билан Қора Юсуф Табризни қайта эгаллади. Туркман сардори унга мактуб йўллаб Табризда унинг номи билан пул зарб этиб, масжидларда унинг номи билан хутба ўқиладганини билдирди ва ўзини Султон Барқуқнинг Табриздаги ноибни этиб тайинлашини сўради.

Султон Барқуқ куни кеча ҳузурига келган Мардин ҳокими Маждиддин Исо элчисидан эшитган хабарни эслади.

Оқсоқ Темур Мардин ҳокимидан ҳузурига келишни талаб қилувчи мактуб йўллабди. Лекин ҳоким ўзини Султон Барқуқ ноибни эканлигини ёзиб, Амир Темур ҳузурига бора олмаслигини билдирибди. Бундан газабланган Темур унга иккинчи мактубни йўллаб унга таҳдид билан шундай ёзибди:

— Сенинг ерларинг устидан ҳукм юритишга Миср султонининг ҳеч бир ҳаққи йўқ.

Мактубга қўшиб қимматбаҳо сарпо, олтиндан ишланган буюмлар, жавоҳирлар ва кўпдан-кўп динорлар ҳам юборибди.

Бу хабар Барқуқнинг Амир Темурга нисбатан юрагидаги адоват чўғини алангалатди. Ёдига ўша унутилмас 1388 йил воқеалари тушди. Амир Темур Табризни эгаллаб, Қора Юсуф лашкарини тор-мор қилди. Ироқ ҳокими Султон Аҳмад ҳам мағлуб бўлиб пойтахти Бағдодга чекинди. Қора Юсуф ва Султон Аҳмад унинг даргоҳига бош уриб ёрдам сўрашди. Барқуқ Халаб ноибни Ялбуға ан-Носирий бошчилигида катта қўшинни жўнатди. Бу вақтда Амир Темур озгина лашкарини қолдириб ўзи Мовароуннаҳрга кетган эди. Қора Юсуф ёрдамчи куч билан Табризни қайта эгаллади. Мамлуклар галаба қилганларидан шод бўлиб Султон Барқуққа хабар йўллашди. Қора Юсуф эса Табризда хутбани Барқуқ номига ўқитди. Унинг номидан кумуш танга — дирҳам зарб этиб уларни Мисрга жўнатди.

Бу вақтда Барқуқ ўз ғалабаларидан кеккайиб Миср иттифоқчиси — Қайсария, Тўқат ва Сивас ҳокими Абул-Аббосга мактуб йўллаб, ундан ўзига итоат этишни талаб қилди.

1391 йилда эса Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамишхон ўз элчиларини Қоҳирага жўнатиб Султон Барқуқ билан иттифоқ тузишини маълум қилди. Бруссадан — Усмонли турклар салтанати пойтахтидан Султон Боязид элчилари ҳам ташриф буюришди.

Қоҳирада Амир Темурга қарши қаратилган Боязид, Барқуқ, Тўхтамиш, Қози Бурҳониддин, Султон Аҳмад, Қора Юсуф ўртасида иттифоқ тузилди ва ўзаро шартнома ишлаб чиқилди. Бу шартномада Амир Темур билан алоқаларга, шартнома — битимларга йўл қўймаслик алоҳида кўрсатилган.

— Абул-Аббосдан шошилинч чопар!

Ясовулбошининг хитоби Барқуқни хаёл гирдобидан чиқарди. Кўринишхонада Қайсария, Тўқат ва Сивас ҳокими Абул-Аббосдан юборилган чопар кўринди. Шартномага кўра улар зудлик билан қабул қилинади.

Чопар тахт олдида тиз чўкди. Олиб келган тўрвасини пойгакда ағларди. Ундан қонга бўялган икки калла думалади.

— Оқсоқ Темур элчиларининг бошларини Сизга келтирдим, Султонларнинг Султони!

Чопар ҳукмдори юборган мактубни ҳам узатди. Барқуқ унга тез кўз югуртирди. Мактубда ҳоким Амир Темурга қарши жанг ҳаракатларини бошлагани ва ундан ёрдам кутаётганини ёзилган эди. Амир Темур элчиларини ўлдириш билан у бевосита Турон султониغا уруш эълон қилган эди.

Барқуқ ясовулбошига каллаларни кўрсатиб амр қилди.

— Оқсоқ Темур элчисининг ҳам калласини олиб ташланг. Шу менинг жавобим чўлоқ Темурга!

Сарой мулозимлари донг қотишди. Аркони давлат аёнлари Султон Барқуқнинг бу фармони асрий одатларга хилоф эканини англагар эди. Барчанинг нигоҳи Қоҳира қозикалони Ибн Халдунга қадалди. У эса афсус-надомат



ила бош чайқади. Буни кўрган Султон Барқуқда черкас — кавказ қони жўш урди.

— Ҳозироқ кўз ўнгимда буни бўғизла! — дея ҳайқирди у хотиржам турган Амир Темур элчисини кўрсатиб.

Ясовулбоши имоси билан ҳозир турган жаллод ишга киришди. Сова шаҳрининг машойихларидан ва аслзодаларидан аллома шайх Хожа Солмон Савойй тахт ўнгидаги пойгакда зангори гилам устида барчанинг кўз ўнгида бўғизланди.

— Мен оқсоқ Темурдан кўркмайман, — деди овозини баландлатиб Барқуқ, — чунки барча подшоҳлар унга қарши мени қўллаб-қувватлайди. Бу каллани қолганларига қўшиб Султон Боязидга жўнатиб. Мен фақат ундан шавкатли турк султони Боязид Мурод ўғлидан ҳайиқаман.

Ўртага мудҳиш сукунат чўкди. Хуфия ишлар сардори — разведка раҳбари Тенгиз савол назари билан Ибн Халдунга боқди. У қозикалон нигоҳида султон ишидан норозилик ифодасини уқди. Ўзи ҳам шундай кайфиятда эди.

Барқуқ қайсар ва чўрткесар. У ҳозир нима иш қилиб қўйганини билмади. Элчини ўлдириш азми гуноҳ. Бунинг устига ислом дини уламози, донгдор шайхни.

Сарой аёнлари жой-жойларига тарқаб кетишгач, Тенгиз Ибн Халдун кетидан мадраса томон борди.

— Султон ақдан озса, нима қилмоқ керак, тақсир?

Қозикалон хуфия ишлар сардорига маъноли боқди. Улар бир-бирларини сўзсиз яхши тушунишди.

Улар Ибн Халдун қароргоҳи Одилия мадрасасига бирга кириб боришди.

— Бир неча йил муқаддам, — деди Тенгиз бақувват қўлларини бир-бирига ишқаб, — Бу қўллар Сайфиддин Барқуқни зиндондан чиқариб тахтга кўтарган эди. Аммо у энди буни унутиб, биз билан ҳисоблашмай қўйди.

Ибн Халдун маъқул ишорасида бош ирғади.

— Аллома Савоййнинг қатл қилиниши яхшилиқка олиб келмайди, Тенгиз. Бир вақтлар Чингизхон элчисини Хоразмшоҳ Муҳаммад ибн Кутбиддин қатл этган ва ўртада уруш бошланган эди.

— Ҳа, — деди Тенгиз чуқур ўйга чўмиб, — бу уруш хоразмшоҳлар сулоласига хотима берган эди. Бугунги воқеа эса Буржийлар салтанати ҳалокатига сабаб бўлмаса эди деб кўрқаман.

Ибн Халдун чўчиб атрофга аланглади. Бундай хавфли суҳбат бегона кулоққа чалинса нима бўлади?

Хуфия ишлар сардори унинг ҳолатини пайқади.

— Чўчиманг, тақсир. Яхшиси менга Амир Темур ҳақида яхшилаб билганларингизни гапириб беринг.

Ибн Халдун салтанатдаги қудратли бу шахсга дилидагини айтишга қарор қилди.

### **Разведкачи матонати Дашти Карбало. 1393 йил**

Амир Жалол ўз одамларидан олган ахборотга суяниб Султон Аҳмад жалойир қочган манзилгоҳ ҳақида аниқ хабарни Соҳибқиронга етказди.

— Менга шу ишни бажаришга рухсат берсангиз, ота! Соҳибқироннинг кўзлари чақнаб кетди.

— Ижозат берамен, лекин амир Отламишдек сендан ҳам ажраб қолишдан кўрқаман. Шунинг учун сен билан Усмон баҳодир ва Айбож ўғлонни юборамен. Эҳтиёт бўл, ўғлим.

### **Муаррих ҳикояси**

Дашти Карбало замини қонга бўялди. Усмон баҳодир мардлик ва мардоналик кўрсатди, шу орада унинг қўли яраланиб мажруҳ бўлди. Улар тўхтаб туришни маъқул кўрмадилар, душманларни қувлаб кўп нафису нодир нарсаларни олиб қайтдилар. У кунлари ҳаво ғоятда иссиқ. Карбало дашти сувсиз эди. Ҳароратнинг зўрлиги ва кучли ташналикдан одамлар ҳалокат ёқасида эдилар. Аббос ўғлон ва Жалол баҳодир бир гуруҳни сув излашга юбордилар. Минг бир машаққат ила келтирган сувлари икки ичим миқдоридан ортиқ эмас эди. Бир ичимини

Айбож ўғлон ичди ва амир Жалолга қараб: “Ташналикдан ҳалок бўлаяпман, бу миқдор билан ташналигим қонмайди. Агар қолган бир ичим сувни ҳам менга бағишласанг, ғоятда сахийлик ва бениҳоят жувонмардлик бўлғай” деди. Амир Жалол унга жавобан деди: “Мен Амир Соҳибқирон ҳазратдан бир ҳикоят эшитганман. У ҳикоят қуйидагича: сафарда бир ажамлик ва бир араб йўлдош бўлиб қолади. Улар ҳам худди шундай бир кунга мубтало бўладилар, сувсизликдан ҳалокат ёқасига етадилар. Арабнинг озгина суви бор экан. Ажамлик унга қараб дебди: “Арабларнинг муруввати ва жувонмардлиги жаҳонда маълум ва машҳурдир. Бир ичим сув бериб, мени ҳалокатдан ҳалос қилсанг нима бўлади?!” Араб ўйлаб туриб: “Агар бу сувни сента берсам, мени ташналик ҳалок қилишини аниқ билиб турибман, аммо арабларга хос бундай саховатлилик ва гўзаллик хислати йўқ бўлиб кетишини истамайман. Шунинг учун жонимни фидо қилиб бўлса-да, арабларнинг бу марҳаматлилик номини ёдгор қолдиришни ихтиёр айладим” — дебди-да, ўз нафсининг ҳиссасидан кечиб, сувни ажамликка берибди. Шундай қилиб арабларга нисбатан яхши ном замона саҳифасида боқий қолибди”. Амир Жалол: “Мен ҳам шунга эргашиб, ўз ҳиссамдан кечаман, токи бу карамлилик ва гўзаллик номи чиғатойга нисбатан боқий қолган”, деди-да, сувни унга берди. Улар қайтишиб, Амир Соҳибқирон ҳузурига келгач, бу ҳикоятни унга арз қилдилар. Амир Жалолнинг бу қилган иши Амир Соҳибқиронга ғоятда мақбул бўлди. Шу муносабат билан унинг отаси амир Ҳамидни кўп эслади ва унинг хавфу хатар чоғларида кўрсатган жонбозликларини тилга олди. Амир Жалолнинг кўнглини кўтариб, юқори даражада меҳрибонлик кўрсатди ва: “Сен ўз ҳиссангдаги сувни Қиёт наслидан бўлган ўзбекка берган экансан, чиғатой улусида бу карамлилик ёди боқий қолгусидир” — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёронлари шундай шариф ва мурувватли тоифадирларки, ўзлари бир нарсага муҳтож бўлатуриб, ўзга бир кишининг ўша нарсага муҳтожлигини юқори кўядилар.

## Зиндонбанд резидент Қоҳира. 1394 йил

Қалъа зиндонбони черкас Таймураз ўлимга маҳкум этилган маҳбусларни бирма-бир кўриқдан ўткази бошлади. У бўйнига олган оғир вазифани нима қилиб бўлса ҳам бажаришга қатъий жазм қилган эди.

Таймураз кеча карвонсарой соҳибаси Далила уюштирган зиёфатни эслаб тамшанди. У умри бино бўлиб бундай тўкин дастурхон, бир-биридан тотли таомлар, анвойи ичимликларни кўрмаган. Шаҳарнинг баобрў корчалонлари, савдогару амалдорлар учун безатилган базмхонадаги маишат сира ёдидан чиқмайди. Гўзал раққосалар хироми, бир-бирига уланган куй-қўшиқлар, кўнгилни эритган тотли висол онлари...

Далила унга, оддий бир зиндонбонга шундай илтифот ва эътибор кўрсатдики, уни таърифлашга сўз ожизлик қилади. Олтинлар-чи, олтинлар!

Таймуразнинг киссаси уларга тўлди. Энди у бадавлат одам. Яна ҳам бадавлат бўлади, ўз иши, ўз корхонаси, ўз савдо карвонига эга бўлади. Агар...

Мушук текинга офтобга чиқмайди. Аммо, у, Таймураз анойилардан эмас. Қўлига қўнган омад қушини сира учириб юбормайди.

Таймуразнинг юраги ҳовлиқиб кетди. Мана, ниҳоят керакли нусха топилди. Ҳа, ўхшайди! Агар ишлов берилса, айни ўзи бўлади, кўяди.

— Мен билан юр, — деди у маҳбуста ва жаллодларга юзланди, — буларни эса қатлгоҳга элтинлар. Хукм бугундан қолмай ижро этилсин.

Таймураз ўлимни бўйнига олиб қўйган маҳбусни ўз бўлмасига олиб кирди.

— Яшашни истайсанми? Бўлмаса, кулоқ сол, гап бундай...

Омон қолганидан довдираб қолган маҳбус унинг сўзларини эшитаркан, юзида умид учқунлай бошлади ва у аста-секин борлигини қалқитган қувончга, қутилмаган шоду хуррамликка айланди. Омад деб шуни айтсалар керак. Таймураз эса елкасидан тоғ ағдарилгандек ўзини

енгил ҳис қилар эди. Ниҳоят, унга ҳам омад кулиб боқди. Яхшиям, бахтига зиндонга Амир Отламиш ташланибди. Унинг донгдор Амир Темурга яқин қариндош эканлиги эса нур устига нур. Бундай имконият ҳаётда бир марта берилади. Уни қўлдан чиқариш ғирт аҳмоқнинг иши.

Таймураз чуқур хўрсинди. Элликни қоралаб қолгандагина у ўзини нақадар аҳмоқ ва гўл бўлиб юрганини пайқади. У ўттиз йил хизмати давомида қанчадан-қанча сафдошлари, ўзи каби мамлуқларнинг мансаб зинапояларидан кўтарилгани, қанча-қанчаларнинг бойиб бадавлат бўлиб кетишгани, ҳашаматли яшашининг гувоҳи. Улар қай тариқа бунга эришишди? Сира сўраб суриштириб кўрмабди. У, Таймураз, нега мингбоши, жуда бўлмаса бир амалдор бўлолмади. Унга, тажрибали ва моҳир жангчига тупуришди. Бир зиндонга бош қилиб, ундан қутулишди.

Яхшиям, Далила унинг кўзини очди. Энди у нима қилишни ва кимга астойдил хизмат қилишни билади.

Қоҳира нотинч. Сайфиддин Барқуқ эсини еб қўйганга ўхшайди. У Амир Темурга қарши урушга киришмоқчи. Сичқонни ўлгиси келса, мушук билан ўйнашади, дейишганча бор. Балки, кимларгадир бу уруш керакдир. Аммо зинҳор Таймуразга эмас. У энди ўзини, фақат ўзи ва оиласини ўйлайди. Ўғилларини уйлаш, етилиб турган қизларини узатиши керак. Буларнинг ҳаммасига эса пул даркор, пул! Ана шу пул дея у ўзини ўққа-чўққа урмоқда. Бугунги қилаётган қалтис ва хавфли юмуши ҳам шу пул, мўмай пул илинжида қилинмоқда.

Далила хурсанд бўлади. Айтган олтинларини беради. Далила! Пул фариштаси!

Таймураз қалъадан чиққанида қоронғу тушган эди. Аммо карвонсарой чароғон. Далиланинг хужрасида бой дастурхон ёзилган. Жорияларнинг қўли қўлига тегмайди.

Таймуразнинг кўриниши билан улар жой-жойларига тарқалишди.

— Амрингизни бажардим, бекам.

Далиланинг чехраси ёришиб кетди. Таймураз унга ҳавас билан тикилди. Ёши қирқдан ошган бўлса ҳам сира тароватини йўқотмаган. Ҳамон жозибали.

Далила хитой чиннисидан ишланган пиёлага шароб тўлатиб унга узатди.

— Банияти шифо!

Таймураз пиёлани бўшатиб, товланиб турган узумга қўл узатди. Далила эса чарм халтани унга кўрсатди.

— Ўн минг динор. Санаб олинг.

Таймуразнинг қўллари титраб кетди. Халтадаги олтин тангаларни санай бошлади. Кўчадан топсанг ҳам санаб ол.

— Тенгизни қўлга олинг. Мен саройда нима бўлаётганини, султон нималарни қилмоқчи экани — ҳамма-ҳаммасидан хабардор бўлишим керак.

Таймураз ўзи энди пиёлани шаробга тўлатди. Бугун тўйиб ичса бўлади.

— Ҳар бир ахборотингизга ҳақ алоҳида тўланади.

Таймураз бош ирғади. Жория бедана кабоб келтиргунча у икки пиёлани бўшатган эди.

Жория унга учинчи пиёлани узатди.

— Бу Кафхоз мусалласи, бегим.

Таймураз ширакайф кўзларини ундан узмай пиёлани қўлга олди. Унинг мастона қараши Далиланинг назаридан қочмади.

— Жориям ёқдимми?

Таймураз хандон отиб кулди. Унга ишвали боқиб турган жориядан ҳирсли нигоҳини узмай жавоб қилди.

— Аллоҳ менга шундай дилбарни ва бир бурда нонни ато этса, бу дунёдан норизо ўтмасдим.

— Хоҳласангиз жориям Нигина сизники бўлади, Таймураз.

— Нима? Ростданми?

— Бу ҳаммаси ўзингизга боғлиқ.

Таймуразнинг кўзларида шахвоний ўт чақнади.

— Буюринг, барча юмушингизга тайёрман!

Таймураз қўлидаги пиёла қалқиди. Нигина эса унга шўх нигоҳ ташлаб хонани тарк этди. Олтиндан, шаробдан ва гўзалликдан маст Таймураз унинг ортидан эргашди.

Далила эса тегишли манзилгоҳга нома битди. У гоят қисқа ва лўнда эди.

— Ўлжа қопқонга ўзи тушди.

## Турк разведкасининг режаси Брусса. 1394 йил

Султон Боязид махфий хизмати бошлиғи Қўйлиқ-бейнинг ахборотини эътиборсиз эшитди. Унинг бутун хаёлини Константинополь эгаллаган. Константинополь! Шарқий Рим империясининг минг йиллик пойтахти! Қўхна дунё жаҳонгирлари Цезарь, Помпей, Август, Диоклетианлар шон-шавкати, тимсоли, афсонавий бойликлар хазинаси. Уни шоҳ шаҳар ва денгиз маликаси деб ҳам улуғлашади. У, Султон Боязид ана шу маликага уйланиши, қаршилик қилса забт этмоғи лозим!

Боязид хаёлчан Қўйлиқбейга нигоҳини қаратди. Олтимишларни қоралаган бу мулозим отаси Муроднинг шахсий гвардиясида хизматни бошлаган эди. Жуда кўп жангу жадалларда бирга бўлган.

— Сайфиддин Барқуқ катта юмушни бўйнига олди. У Темурбекка уруш очмоқчи, султоним.

— Чўлоқ тулкигами?

Қўйлиқбей таъномуз бош чайқаб сўзида давом этди.

— Барқуқ Амир Темурдан, — дея кейинги сўзга урғу бериб, — мактуб олибди. Унда Темурбек Миср султонининг унга юборилган элчиларини ўлдирганликда айблаб, қотилларни ўзига топширишни талаб қилган. Бағдод ҳокими Аҳмад ибн Увайсга бошпана берганини эслатибди.

— Жавоби қандай бўлибди?

— Султон Барқуқ жуда катта кетиб, Темурбекни худосиз деб атабди. Ўзини эса ҳар қандай тажовузкорликка қарши ислом динининг ҳомийси деб эълон қилибди.

Боязид ўзини кулгидан тўхтата олмади.

— Сайфиддин ҳомий! Ха-ха-ха! Мана шу зоти паст мамлук Барқуқ!

Қўйлиқбей эса сўзида давом этди.

— У зиндонда ётган Амир Темур қариндоши амир Отламишни озод қилишни рад қилибди ва урушга ўзи шахсан Бош кўмондон бўлишини билдирибди.

Боязиднинг миясига бир фикр чақмоқдек урилди. Сопи ўзидан чиқмоқда. Барқуқ унинг режасига мос иш тутмоқда. Шарқда пайдо бўлган рақиб Темурни, оқсоқ сахро тулкисини ўзи даф қилмоқчи.

— Барқуқ ўзини фақат амир ул-мўмининга, яъни Сизга итоат этишини билдирибди.

— Жуда соз! Айни муддао! Биз унга мадад берурмиз.

Боязид мамнун ҳолда қўлларини ишқади. Отаси Мурод ўғитини эслади. Туронга ҳеч қачон қилич кўтариб борма! Бу қилични у эмас, Барқуқ кўтариб боради. Отаси васияти бузилмайди. Сих ҳам, кабоб ҳам куймайди.

— Биз Мисрга элчи юбориб ўз фикримизни баён этурмиз. Элчи қилиб эса мени қозихонага чақирган қозимиз Муҳаммад Оташийни тайинлаймиз. Ҳа, ҳа, янглишмадинг, ўша дадил уламо Оташийни!

Кўйлиқбей ўша воқеани эслаб кулиб кўйди. Зап воқеа бўлган эди ўшанда! Бутун шаҳарда алғов-далғов бўлган кун!

Брусса шаҳри қозиси Оташий бир беванинг аризасига кўра жавобгар шахс сифатида маҳкамасига султон Боязидни чақиртирди. Шариат қозиси дини ислом қонун-қоидаси бўйича барча подшо ҳам, оддий фуқаро ҳам бирдек тенг эканлигини уқтирди. Ўшанда Боязид барча сарой аъёнлари эътирозига қарамай, маҳкамага бориб даъвогар аёлнинг арзини тинглади. Талабини қондиришини яъни бева аёлнинг ерини унга қайтариб беришини, зўравонлик қилган амалдорни жазолашини айтди. Кейин оддий фуқародек қози ҳурматини жойига кўйиб, қозихонадан чиқди. Бутун шаҳар кўчалари одамларга тўлиб кетган. Ҳамманинг оғзида шу гап. Ҳали тарихда ҳеч кўрилмаган воқеа? Йилдирим Боязиддек донгдор султон оддий бир қози амрини бажарса-я?! Бу жуда нозик сиёсий ўйин эканлигини ўшанда ким билибди, дейсиз? Бу воқеа жуда катта галаба келтира оладиган шухратдан ҳам катта шавкат келтирди султонга. Тамагир қозилару, порахўр амалдорлар пайтавасига қурт туширган воқеа бўлди ўшанда! Айримлар эса буни Косово майдонида кўрсатилган жасорати ҳурмати учун султон Оташий ҳузурига борди, деган фикрга боришди.



— Барқуққа етказилсин. Биз унга икки юз минг лашкар юборурмиз. Оқсоқ Темурга қарши бораверсин.

## Буюк князга сиғинган гуржилар Москва. 1394 йил

Тинимсиз ёгаётган ёмғир Василий Дмитриевичнинг кўнглини хира қилди. Тютчев унинг ҳолатини пайқаб, зарур ахборотни унга қай йўсинда етказишни ўйлади.

— Гапиравер. Шум хабарларга кўникиб кетганман.

Тютчев донгдор боярлар яширинча Олтин Ўрда хонига катта ҳақ эвазига қурол-яроғ сотганини айтди.

— Қандай қуроллар? — қошлари чимирилиб деди Василий.

— Чегараларимизни қўриқлаётганларга юбораётган қуролларимиздан катта обозни.

— Қандай муттаҳам боярлар?

— Сиз уларни яхши танийсиз. Коломнада яшовчи боярлар...

Василий уларни яхши танирди. Улар донгдор бўлса ҳам очқўзликларини яхши биларди.

— Уларни ҳибсга ол. Мен бу оқсуякларни ўзим суд қиламан. Халойиқ олдида қаттиқ жазога тортаманки, ҳамма билсин, рус тупроғида бундай ишни ким қилса, хоҳ бояр, хоҳ савдогар барибир аяб ўтирилмайди.

— Обозни қайтаришга муваффақ бўлдик. Маҳаллий аҳолининг ўзи ёрдам берди.

— Ҳа, — деди чуқур тин олиб Василий, — юрт бошига иш тушганда аслзодалар эмас, оддий халқ туриб беради. Молини ҳам, жонини ҳам аямайди. Яна қандай хабаринг бор?

— Грузиядан элчилар келиб ҳузурингизга киришни сўрашмоқда.

— Мақсадларини аниқладингми?

— Елизарийнинг ахборотига кўра грузинлар Темурбекка қарши қўзғолон тайёрлашмоқда. Шунинг учун биздан ёрдам сўраб келишган.

— Фикринг қандай?

— Сичқоннинг ўлгиси келса, мушук билан ўйнашади. Ҳозир Темурбек Олтин Ўрдага қарши урушга тайёрланмоқда. У Тўхтамишхондан буткул норози ва уни даф қилиб ўрнига бошқа кишини қўймоқчи. Шундай вазиятда грузинларга ёрдам бериш ва Темурбек қаҳрини ўзимизга қаратиш ғирт аҳмоқлик. Темурбек айни пайтда бизнинг табиий иттифоқчимиздир.

Василий Дмитриевич бош ирғади. Тютчев эса сўзида давом этди. Уларни ноумид қайтариш ҳам бўлмайди. Шундай қилиш керакки, сих ҳам, кабоб ҳам куймасин.

— Ана шуни ўйлаб кўр, Тютчев. Элчиларга айт, тушликни бирга қиламиз.

Буюк князнинг овқатхонасида грузинлар ўзларини таништиришди. Георгийнинг жияни шаҳзода Константин, епископ Давид, Андроник, Табидзе ҳаммаси етти киши. Уларни узун стол атрофига ўтқозишди. Тютчев Василий рўпарасига юзма-юз ўтирди. Меҳмонлар олдига қумуш қадаҳлар қўйилди. Асалдан, узумдан тайёрланган шаробу майлар кетма-кет қўйилди. Балиқлар, беданалар, ўрдак гўшгларидан тайёрланган таомлар бирин-кетин торгилди. Узоқ сақлангани учун ўткирлашган шаробу майлар ва лазиз таомлардан элчиларнинг гаплари-ю, мезбонларнинг тиллари ечилди. Тютчевнинг яширин мақсади ҳам шу эди. Шаҳзода ва епископ дардларини баён қилишди. Грузинлар Темурбекка қарши уруш учун ёрдамга муҳтож. Москва қўшин ва қурол-яроғ берса.

— Истиқлол истилога қараганда узоқ вақтни, улкан сабру қаноатни ва катта меҳнатни талаб қилади. Сизлар қўзғалишга шошилманг. Аста-аста куч тўланг. Юз йилдан кўпроқ тараддуд кўриб сўнг Куликово майдонида галабага эришиб, қаддимизни ростладик. Сизлар одамларни жангга эмас, меҳнатга чорланг. Экинги, ўринг, қуринг, савдони йўлга қўйинг.

Буюк князь меҳмонларнинг ҳафсаласи пир бўлганини кўрса ҳам сўзида давом этди.

— Биламан, грузинлар қизиққон, шошқалоқ лекин жасур халқ. Ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам ураверади. Майли, жангари йигитларга ҳам имкон беринг. Босқинчиларга жой-жойида зарбалар бериб, унга ором беришмасин. Тютчев!

— Лаббай, давлатпаноҳ!

— Чегарага мўлжалланган обоздаги қурол-яроғлардан уч минг кишига етадиганини биродарларимизга ажрат. Энди эса грузинлар учун қадаҳ кўтарайлик!

Василий қадаҳини баланд кўтарди. Сўнг маст-аласт бўлиб қолган элчиларни Тютчев билан бирга тарк этди.

— Елизарийга Москва грузинларга ёрдам беришдан бош тортганини етказ. Бу ишдан Темурбек хабардор бўлсин.

— Ақлингизга тасанно, давлатпаноҳ! Бир ўқ билан икки қуённи ураяписиз.

### Гуржи шоҳининг макри Гуржистон. 1394 йил

Амир Азизуддин чопар келтирган хабарни ўқиди. Гуржистонда кўзғолон бошланибди. Кабутарлар етказган хабарлар ҳам бир-биридан ташвишли. Олтин Ўрда хони Тўхтамиш гуржилар билан иттифоқ тузибди. Унинг элчилари Қоҳирага жўнабди. Турк султони элчиси Мисрга кетибди. Қора Юсуф ҳам Барқуқ томон лашкари билан йўл олибди. Тўхтамишхон элчилари Польшада Краков шаҳрида зўр ҳурмат ва эътибор билан кутиб олинди. Литва ҳукмдори Ягайло ҳам Олтин Ўрдага мадад беришини айтибди. Гуржистон элчилари Москвага кетибди. Яна ўша Гуржистон! Диндан қайтган Букротнинг ўғли Георгий руслардан ёрдам сўраш учун буюк князь Василий ҳузурида.

Георгий! Ўн икки минг аскарни ҳалок қилган маккор Георгий!

Амир Азизуддин ўша бундан саккиз йил муқаддам Гуржистон дарасида рўй берган фожиани эслади.

1386 йили Соҳибқирон Гуржистон пойтахти Тифлисни қамал қилди. Гуржилар қаттиқ қаршилик кўрсатишди. Шундай пайтлар бўлдики, қаёқдандир пайдо бўлган гуржилар тўсатдан ҳужумлар уюштириб Соҳибқирон аскарларини мағлуб этди. Шундай воқеалар бўлдики, Амир Темур аскарлари бир муддат шаҳардан

чекинишга ҳам мажбур бўлди. Энг ажабланарлиси шуки, хужум қилган гуржилар Хоразмшоҳ Жалолиддин байроғини кўтариб олишган эди. Юз эллик йил аввал ўзларига ҳукмдор бўлган Султон Жалолиддин хоразмшоҳ байроғи остида астойдил жасорат билан жанг қилишди. Соҳибқирон уларнинг мардлигига тан берди.

— Биласанми, Азиз, Жалолиддин Мангуберди ҳақида асар ёзган Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насафий гувоҳлик беришича, Жалолиддин Тифлисни биринчи бор эгаллаганида шаҳар аҳолисини исломга киришга чақирибди. Ким исломни қабул қилса ўшанга омонлик ваъда қилибди. Қаршиларни эса қиличдан ўтказишни эълон қилибди. Сен бунга нима дейсан?

Тифлис шаҳри атрофига тўфанлар ва манжаниқлар келтирилди. Муҳандислар бўлинмаси барча воситаларни ишга солди. Энг жангари четинлар, ўлимдан сира қўрқмайдиган зирҳли бўлинмалар гуржилар қаршилигини синдириб қулагилган тош деворлар узра Тифлисга бостириб кирди. Шоҳ Букрот бошчилигидаги ашаддий гуржи бўлинмаси қалъа ичига яширинди. Узоқ қаршиликдан сўнг Букрот таслим бўлди. У шаҳарда бошланган қирғинни тўхтатишни, бунинг эвазига у ва унинг халқи мусулмонликни қабул қилажagini айтди.

Соҳибқирон унга ишонди. Машҳур Букротлар сулоласининг бешинчи вакили тантанали тарзда исломга ўтди. Букрот V бутун халқи ҳам ислом динини қабул қилишини эълон қилди ва унга бу ишни тинчлик, кези келса зўрлик билан амалга оширажаги учун унга қўшин беришни ва у юртига улар билан қайтишини илтимос қилди. Ана ўшанда Маъсудбекнинг махфий хизмати кўпол хатога йўл қўйди. Тифлистан яширинча чиқиб кетган гуржи айғоқчисини пайқамади. Кейинчалик маълум бўлишича, Ягнаташвили деб аталган Букротнинг айғоқчиси шоҳнинг ўғлига юборган махфий номасини олиб кетган. Бу номада Букрот гуржи халқини сақлаб қолиш ниятида мусулмонликни қабул қилгани ва катта қўшин билан юртига кетаётганини маълум қилиб у кўрсатган тоғ дарасида пистирмалар тайёрлаб туриш ва унинг ишорати билан Амир Темур қўшинига хужум

қилишни тайинлаган эди. Амалда ҳам шундай бўлди. Тор дарада икки томондан қуршаб олинган қўшин батамом қириб ташланди. Буқрот ва унинг ўғли Георгий гуржи аҳолисини қатли ордан сақлаш учун баланд тоғликлар томон олиб кетди. Соҳибқирон ўз аскарлари учини олиш учун 1387 йили Озарбайжон ҳукмдори шайх Иброҳим қўшини билан Гуржистон томон юриш бошлади. Буқрот ва Георгий қўшинлари қириб ташланди. Ўзлари зўрга қочиб қолишди.

Ўша вақтда Луристондан келган ташвишли хабар Гуржистонни батамом бўйсундириш ишига халал берди. Бу атайин уни гуржилардан чалғитиш учун қилингани Азизуддинга аён бўлди.

### **Соҳибқиронни чекинтирган гўзаллик**

Эроннинг Жануби-Ғарбидаги Луристонда Амир Темур аскарларидан 150 киши ўлдирилибди. Фур ўлкасида ҳам шундай мудҳиш воқеалар юз берибди. Лашкар интиқом учун йўлга тушди. Амир Азизуддин ўшанда лашкар сафида Табаристонда бўлди.

Аниқланишича, Табаристон халқи эр-хотин чангалда ҳаёт кечирар экан. Ҳаракат ва машғулотларининг аксари гуруч экиш. Гуручларининг ранги қирмизи бўлар экан. Бу ернинг кишилари ҳайвон терисидан кийим кийган ҳолда сочлари узун, ҳар одамни елкасида бир болта ёки эгри тўқмоқ бўлар экан. Буларнинг юриш йўллари чангал бўлгани учун йўлларида тўсқинлик берадиргон дарахт шохларини кесиб, йўл очиб кетишлари учун болталари хизмат қилар эди. Эгри тўқмоқлари жуда хатарли эдики, унинг зарбаси ҳар қандай йўлбарсни ҳалок қилар эди. Бу иқлимда шер билан йўлбарс кўп экан, аммо йўлбарснинг адади беҳад зиёд. Табаристон хотинлари ҳам, эркаклари каби баланд қоматлик бўлар экан, улар сигир, хўкизларини боқиб юриб, ҳайвон билан бемалол сўзлашар эдилар. Ҳайвонлар эмас, бутун паррандаларга ҳам инсонга сўзлаган каби сўзлайдилар. Сулаймон алайҳиссалом

хайвон, парранда билан мулоқот қилгонлари каби, бу хотинлар ҳам, қушлар ва ҳайвонларга сўзлайверадилар.

Табаристонликлар ўзларини “дев” наслидан деб эътиқод қиладилар. Шунинг учун умароларининг исмлари “дев”дан бошланади. Баъзилари “оқ дев” наслиданмиз дер эдилар. Азизуддин Соҳибқиронга ерлик халқ ва ҳукумати билан дўстона алоқада бўлишни таклиф қилди. Улар билан урушмаслик ва йўлдан ўтувчи эканликларини эълон этишди. Улардан фақат одам ва отларнинг озикасидан бошқа талаблари йўқлигини билдиришди. Мабодо булар билан ўртада душманона ҳаракат пайдо бўлиб қолса улар кўп хатар етказди. Дўстликка эътимод қилганларидан кейин улар лашкарнинг ҳамма талабларини ҳозирлаб бердилар. Бу ерда буғдой йўқлиги учун аскарлар ҳам ўшалар каби гуруч едилар. Қизил гуручдан бошқа найшакар ҳам бор экан. Ерликлар найшакарни суви билан гуручни қўшиб ейишар экан.

Табаристон сигир-ҳўкизларининг катталиги инсонни даҳшатга солади. Бу ҳайвонларнинг ёнига хотинларидан бошқа одам яқинлашолмайди. Хотинлари уларнинг тилларини билади. Улар билан яхшигина муомала қилади. Эркаклари эса ҳўкиз, сигирларга яқин боролмайди. Агар бирор киши яқин борса, бу ҳайвонлар ҳамла қилиб, ўлдириб қўяди. У ернинг ўйинларидан бири ҳўкиз урушидир. Бунни ҳам хотинлар идора қилади. Уруштиришдан олдин ҳўкизларини ясатадилар, кўркамлаштириб ҳўкизларни бир-бири билан урушга соладилар. Бир неча дақиқа урушгандан кейин, ҳўкизнинг бири ўлади ёки иккиси ҳам ҳалок бўлади.

Бир куни дарё лабидан ўтиб бораётганда оқариб кетган одам суякларини кўришди. Ўликларнинг кўмилмасдан жасадлари чириб, суяклари қолишининг сабабини сўрашди. Ерликлар жавоб бердилар. “Бундан тўрт йил илгари дарё йўли билан бизнинг юртимизга ўғрилик учун келган қисқа бўйлик кишиларнинг суяклари бу. Улар бир неча кема ва қайиқлар воситаси билан Обисукун (Каспий) денгизининг шимолий минтақаларидан келган эдилар. Силоҳлари қилич, найза, ўқ-ёйдан иборат эди. Биз болта билан эгри тўқмоғимизни қўладик. Кўп

кишилари ўлгандан кейин қолганлари кема, қайиқлари билан қочиб қутулдилар. Шундан буён ўша ўғрилардан ҳеч ким биз тарафга келиш учун журъат қилолмай қолди. Уларнинг қолдирган жасадларини кўмишга ҳам ҳожат йўқ эди. Бу суяклар ўша ўғриларнинг суяклари” дедилар.

Табаристонда катта шаҳар кўринмади, ҳаммаси кичик бозорчалардан иборат эди. Исфакон каби ортиқча сувларни ташқарига чиқармоқ учун захоблар қазилган. Бу ерда ҳам қудуқ қазимас эканлар. Захоблар чиқиндисини ирмоқларга туширилиб, ундан дарёларга оқизиб юборилар экан. Обисукун денгизининг соҳилларида денгиз жониворининг сўнгаллари кўринар эди. Бир соҳилда териси тангасиз бир балиқнинг ўлиги қирғоққа чиқди. Катталигини ўлчаб кўришди — олти газ экан. Табаристонликлар бу териси тангасиз балиқни гўшти бемаза деб эмас эканлар. Истеъмол қилиш учун териси тангали балиқни овлар эканлар. Бозорларда ҳам шу танга балиқлар сотилар экан.

Табаристон аҳолисининг бирмунчаси гиёҳлардан ҳозирланган ёки қуритилган дориларни сотиш билан машғулдилар. Маҳаллий савдогарлар фикрича, Табаристондан йигирма минг хил дори чиқади, деб айтиш мумкин. Шу билан ҳам у ерни дунёда “дори маркази” деб аташса бўлади. Ироқи Ажамда кўриладиган кўп дориларнинг марказий манбаи Табаристондир. Шунини ҳам эслатиб ўтиш керакки, Табаристонда шу қадар дорунинг кўпчилигига қарамасдан ҳавонинг нобоплиги, сувларининг захоблиги, минтақа рутубатининг зиёдалиги билан чангал ерларига хос касаллик учраб туради. Одатан хушҳаволик чангалларда бир кимса ўлимдан бошқа касалликка учрамайди, аммо Табаристонда кун ора иситмага учраб қолади. Шу билан оёқдан қоладилар. Уларнинг сўзига қараганда ҳавоси бундан ҳам ёмон чангаллар бор эмиш, у тарафга мутлақо юришмас эканлар. Билмасдан бориб қолганларнинг кўплари касалдан туролмай ўлганлари кўп бўлган экан. Бу сўзлар лашкарга дарс бўлди. Ўшандай хатарлик чангаллардан эҳтиёт бўлиб юрадиган бўлишди.

Табаристоннинг Чилдара деган жойида уларга айтдиларки, агар хоҳласангиз жануб билан юриб, Қасрхон номли исмоилийларнинг қасрини томоша қиласиз. Булар

шиа мазҳабидан бир фирқадур. Бу фирқа тарихдан уч юз йил муқаддам Ҳасан Саббоҳ номли бир оламнинг қўл остида ривожланган ва исми ҳам исмоилия деб шуҳрат топган. Табаристоннинг жанубида Аламут номида ўнларча қалъа ясаб, ўзига тобеъ бўлганларни ўрнаштирган. У исмоилиялар ўз имомининг амрига, мунозарасиз ҳолда, итоат қилишдан бошқа шаръий таклиф йўқ деб ўргатган. Ҳар бир Исмоилий Ҳасан Саббоҳ тарафидан ижод қилинган бидъатларни ўрганиш-ўргатишдан бошқа шаръий амрлар ижросига бефарқ. Ҳасан Саббоҳнинг ихтироларидан энг кучлиси алдов-макрдир. Айёрликка моҳир бўлган муридларини ўзга мамлакатларга юбориб, бидъатларга қарши турувчи нуфузли кишиларни ўлдириб келмоққа маъмур қилар эди...

У ислом аҳкомларини, шу жумладан, намозни бекор қилишга амр берган.

Ҳасан Саббоҳдан кейин, унинг орқасида қолган кишилари имом деб ном кўтариб, унинг бидъатларини давом эттирганлар. Мўғуллар бундан юз йил илгари Аламут қалъасига ҳамла қилиб бу қалъадан бошқа қалъаларини бузиб ташлади. Ана шу 11 йил мудофаага чидаган қалъанинг номи “Қасри хон” экан. У қалъа шу қадар мустаҳкам эдики, ўн бир йил ичида бузиш имкони топилмади.

Лашкар эҳтиёт чораларини кўриб, “Гил” қавмининг юртига етди. Бу ернинг халқи билан табаристонликлар орасида қомат жиҳатидан фарқи бор эди. Диний жиҳатдан ўзларини мусулмон атасалар ҳам, ўлкаларидан ўтадиган “Сафид руд” деган дарёни ўзларига муқаддас деб биладилар ва яхши-ёмонликларни шу дарёдан деб ақида қиладилар.

Гилоннинг улуғ ва марказий шаҳрини Рашт дейдилар. Сафид руднинг дарёга қуйиладиган оғзининг Шарқ томонида Лаҳижон деган бир шаҳар бор. Бу ердан дарёга қараб юрилса, Гутам деган бандарга борилади. Бу бандар Обисуқун дарёсининг улуғроқ бандарларидан ҳисобланади. Ул бандларда икки юздан кўпроқ кема тўхтаганини кўришди. Булар Гилондан ҳар турли мол юклаб атроф жанубга кетади. Гилондан ипак ва ипак



тўқима моллари билан гуруч кўп чиқарди. Аскарлар сифатли анбар бўйли гуручдан истеъмол қилиб, кўп завқланишди. Ипакчилик ишининг тараққийси шу қадар эдики, бутун дунё бозорини тўлдиради эди. Халқининг эркак-хотун ҳаммаси оқ кияр, қиш кунлари бўлса, теридан кийинар эдилар.

Амир Темур форсча таржимаи ҳолида (Мен, фотиҳ Темур) шундай ёзди:

“Мен шу қадар шавкатим билан Гилон хотинларидан қочганимга ва улар мени қочирганини эътироф этмай туролмайман. Чунки Гилон хотинлари оппоқ жисмга молик бўлиб, қошлари қароликда жозибадор бўлар экан. Баъзиларининг кўзлари сув рангида, кўк бўлиши яна ҳам инсонни ҳайрон қилади. Агар, дунёни биҳишт (жаннат) деб, бу хотинларни ҳур деб таъриф қилсам муболаға қилмаган бўламан. Уларнинг бўйига ярашган тўлиққина жисмларини гавҳар каби порлаб туриши ҳар кимни ҳам ўзига жалб этмай қўймас эди. Сизларга аввалроқда арз этиб ўтганим каби, шаҳарда турмаслик, хотинлар билан кўп алоқа қилмасликка аҳд қилганим ёдларингиздадур.

Шу билан бирга Мовароуннаҳрдаги хотинларимдан бошқа хотинлар билан алоқа қилмоғим ҳам аҳдимга хилофдир, мен бу билан ўз аҳдимда содиқ қолмоққа тиришсам ҳам, қўшин мен қилгонни қилолмайдур, хоҳ-нохоҳ бу хотинларга боғланиб қолгудек бўлсалар, қўшиннинг руҳи бузилиб, иликлари сустлашиб қолмасин деган эҳтиётда ўрдугоҳни бу шаҳардан узоқда, одам йўқ жойда турмоғига амр бердим. Ўрдугоҳдан шаҳарга кириб хотинлар билан алоқани имконсиз ҳолда четлатдим. Мана шу тадбир катта қўшинни хотинлардан қочган маъносини берадир.

Гилон хотинларини гўзаллаштирган омили балиқ гўшти билан анбар бўйлик гуручдан деб баҳо беришларига унамадим. Нимага деганда эркаклари ҳам шу нарсани тановул қилур эдилар, аммо уларда бу чирой йўқ эди. Менинг таъбиримда бу хотинларда табиий бир хислат бор эдики, ўша нарса буларни гўзаллик омили эди. Гилон — пойтахт танилган бир шаҳар. Ундан кейин Испаҳбадон деган шаҳардир. Бу ернинг одамлари (эркак-хотин)

дунёга келганидан рихлатига (вафотига) қадар оқ кийим кияр, ҳатто ётадиган тўшаклари ҳам оқ бўлар экан.

Биз Гилонни хурлар тўлган бир мамлакат деб таъриф қилсак, Испаҳбадонга унинг гўзаллари деб эътибор берилса арзийди. Бу ерни эркаклари ҳам хотинлари каби чиройлик бўлгани учун “Хур гилмон” каби эдилар. Булар ҳаммасини кўзлари сув ранги каби кўкдур. Бу шаҳар халқи чет одамлар билан аралашмаган. Шунинг учун ҳаммалари бир хилда сақланиб келганлар.

Испаҳбадон исми қадим замондаги бир улуғнинг номига қўйилган экан. Булар пилла парвариш қилиш, унинг маҳсулотидан ипак тайёрлаб, ипаклик тўқима молларини ҳозирлаш билан ҳаёт кечирарканлар.

Гилондаги каби гуруч экадиган деҳқон ҳеч қаерда йўқ. Катта-кичик, эр-хотин ҳаммаси ипакчилик қилади. Уларнинг тўқимачилик ишхоналарини кўрдим. У ерда нозик панжалик, хусн-жамол соҳибаси бўлган хотинлар параниён (шоҳи атлас каби ипак матоларни параниён дейдирлар) тўқимокда эдилар. Тўқиб чиқарган латиф ипак матоларидан, тўқувчининг ўзи гўзалроқ эди. Кўзим бу томошада экан, фикримдан Жалололдин Румийнинг маснавийси варақ-варақ ўтар ва унинг ёзгани: “Маснуъ аз соний зеботараст” (яъни ясалган нарса ясовчидан гўзалроқ) деган сўзининг хатолиги зоҳир бўлиб турар эди. Агар Румий ҳаёт бўлса эди, уни Қуниядан Испаҳбадонга юборар эдим, токи мен кўрган ишхоналарни кўриб, соний гўзалми, маснуъ гўзал, ўз хатосини ўзига кўрсатар эдим. Испаҳбадон хотинларининг нозик панжаларидан ўтиб чиқаётган матолар латиф ва мулойим бўлса ҳам руҳсиз-жонсиз эди. Ўз томошачисини кўриш ва уни жалб қилиш учун фитнеслик кўзи ҳам йўқдир. Уларнинг кўзларига боққан донгдор қаҳрамонлар эс-хушларини йўқотиб қўйишлари мумкин эди. Мен Испаҳбадонда икки кундан зиёда турмадим”.

Амир Азизуддин дўсти Амир Темурнинг кунора ўз таржимаи ҳолини, кўрган кечирганларини ёзиб боришидан хабардор эди. Бир куни у Азизуддинга ўзи ёзган хотираларини кўрсатди. Уларда жуда қизиқ воқеалар ва уларга шарҳлар битилган эди.

Луристон ва Ғур ўлкасига юришлар ҳақида Амир Темур ёзган хотиралар унга жуда қаттиқ таъсир қилди.

Амир Азизуддин ўткир нигоҳи билан Соҳибқирондаги кузатувчилик ва чуқур таҳлил маҳоратига тан берган эди. Азиз китобхон! Воқеалар ривожини давом эттиришдан аввал, келинг, Амир Темур битган ана шу хотиралардан баҳраманд бўлайлик.

### **Луристондаги саргузаштлар (Соҳибқирон кундалигидан) 1394 йил**

Луристон султони Атобек Афросиёб бин Юсуфшоҳ божхона ходимлари аскарларимиздан 150 кишини бож тўламаганлари учун ўддирибди. Ана шу одамлар ўчи учун юришга отландик. Йўлда учраган хуфия одамларимиз бизга Луристон тарафдаги тоғларнинг баландлиги, одам ўтиши қийинлиги, Атобек Афросиёб бин Юсуфшоҳнинг турган жойи шундай баланд тоғлар орқасида эканлиги, хатарлик сойлар, жилғалардан ўтиш қийинлиги, бизнинг юз минг кишилик қўшинимизни юз нафар Атобек Афросиёбни аскарлари мағлуб қила олиши каби сўзларни сўзлар эдилар. Халқнинг қомати икки зироъдан баландроқ бўлса ҳам бир тоғда туриб наъра тортсалар, нариги тарафдаги тоғнинг тошлари ларзага келиб юқоридан пастга қараб юмалаб кетади, дедилар. Улар бир юз эллик йил умр кўрадилар.

Яна бир кишининг сўзича, агар Афросиёб бин Юсуфшоҳ ўз пойтахти Ҳусайнободдан ташқари чиқмаса, сизни у билан уришмоғингиз, муҳораба қўшинингизни Ҳусайнободга етказмоқнинг ўзи мумкин эмасдур. Баъзи ўрмонликлардан кундузи чироқ ёқиб ўтилмаса бўлмайдиган минтақалар бор дея қадимги фотиҳларни санаб, Искандардек бир подшоҳ Луристонга келолмади, сиз нечук Афросиёбга бориб уришасиз? деб ачиниш билдирар эдилар.

У, мени қайтариб турганлар, тарихдан хабарсиз авом одамлар эди. Искандарнинг Луристонда зарур иши йўқ

эди — бормади. Луристонликлар менинг бир юз эллик нафар отлиғимни ўлдирмаган бўлса, мен ҳам Луристонга бормас эдим. Улар билан уришмоқни қасд қилмас эдим. Мен Дажла ва Фрот дарёлари ўртасида турган вақтимда Луристон тўғрисида баъзи тадқиқотлар ўтказганман, унда мен, Луристон йўли билан Форсга бормоқчи эдим. Луристоннинг ғарбидаги олтмиш тошлик тоғ йўлидан ўтиш имконсизлигини билган эдим. Мана шу сабабдан ҳеч бир қўшин ғарб тарафдан Луристонга кирмаган. Буни тарихларда ўқиганман. Луристонга кирган қўшин моли амирни тасарруф қилибгина қолмай Ҳусайнободни ҳам тасарруф қилиши мумкин.

Мен ёз фаслининг ярмида Луристонга жўнадим. Агар Луристонга бормаганимда Мовароуннаҳрга қайтмоқчи эдим. Илгари ҳам айтган эдим. Ватанимдан чиқиб, Астрободга, ундан Мозандаронга борганимда ҳам йўл устида ҳамма жойга кабуатархоналар таъсис қилган эдим. Ҳукуматим бор жойларни ҳаммаси билан алоқалашиб турмоғимга имкон бор эди. Катта ўғлим Самарқандла бўлса ҳам алоқалар узлуксиз таъмин қилинар эди. Агар Луристон воқеаси туғилмаганда Шайх Умарни Форс султони қилмоқчи эдим. Ва Мироншоҳни ўзим билан Мовароуннаҳрга олиб кетар эдим. Луристон воқеаси ўртага тушгандан кейин бу фикрларимдан мувақатан воз кечдим. Луристон худудидан ўтганимдан кейин қўшин, аскар тартибида йўл босди, орқа ва олдимизни эҳтиётлик билан қоровуллар орқали кузатиб бордим. Бир кун кунботар вақтида бир жойга етиб келдик. Ундан нари бир довон бор эди. Табиий, довондан эҳтиётсиз ўтмас эдим. Бу ерда бир неча адад кулба билан бир дона тоштегирмон бор эди ва бир неча дона ўтлаб юрган қўй, эчкилардан бошқа нарса йўқ эди.

Бошига катта бир қалпоқ кийган, баланд қомат, узун оқсоқоллик кекса одам кўринди. Қалпоғининг атрофига шоли похolidан ўраб катта ўрама қилиб олган эди. У одамни олдимга олиб келишларини буюрдим. У одам кўп яшаган бўлса ҳам ўқдек қомати билан ҳузуримда ўзини кўрсатди. Одатан, мени уруш либосида кўрган ҳар бир одам бир оз даҳшатланар эди. Бу кекса одам ҳеч

бир ҳайиқмади. Менга зўрға тушунадиган лаҳжаси билан: “Нима ишинг бор?” деди. Мен ундан минтақанинг номини сўрадим. Чол киши: “Бу ерни Ийзатегурмон дейдурлар”, деди. Унга айтдим: “Мен билишимча, Ийза моли амир шахрининг иккинчиси бўлса керак”, дедим. Кекса киши бармоғи билан бир нарсага ишора қилиб: “Ўша кўриниб турган тоғнинг орқаси моли амир шахридир ва уни ҳам Ийза дейдилар”.

Аммо бу ерни Ийза тегирмон дейишади. Мен ундан бу ерда нима иш қилишини сўрадим. Кекса одам ўзининг қийин лаҳжаси билан тегирмончилик қилишини айтди. Қанча замондан бери тегирмончилик қилиб турганини сўраганимда эллик йил бўлганини билдирди. Ва ёши юз йигирмага кирганидан хабар берди. Мен ишонмасдан қайта сўрадим, яна ўша жавобни берди. Ёнимга яқинроқ келганидан кейин “Оғзингни оч, тишларингни кўрай”, десам, чол аччиғланиб, “Мен от эмасманки, тишларимни кўрасан”, деб кўпол ҳазиллашди. Тишларини кўрдим, таажжубландим. Чунки, икки қатор тишлари садафдек ярқираб, бирорта тиши тушмаган эди. Ундан сўрадим: “Сен қандай сув ичасан, тишларинг оппоқ ва соғ турибдир?” — дедим. Чол ариқдаги сувни кўрсатиб: “Шундан ичаман”, — деди. Сен тегирмончилик қилмасдан олдин нима қилар эдинг, деганимда у: “Мен ўша тоғда ҳаёт кечирар эдим”, — деб бир тоғни ишорат қилди. Биз билан кўшни қабила орасига низо тушиб қолиб, ўз жойимда туролмай қолдим. У жойни ташлаб келиб, бу ерда тегирмончилик қилмоқдаман”, — деди. Энди бир оз суҳбат юришди, қисқа-қисқа саволларимга жавоб бериш билан бошқа нарсаларни сўраш мавқеи ҳам келиб қолганидан фойдаланиб: “Луристон султони Атобек Афросиёбни танийсанми?” — сўраб қўйдим. Унинг чеҳрасида нафрат туси кўринди. Қисқа маънолик қилиб: “Ҳа, у бегонани танийман”, — деди. Мен унга бироз муқаддима билан: “Атобек Афросиёб, катта оталаридан тортиб бир юз олтмиш йилдан буён Луристонга султонлик қилиб келди. “Нечук сен уни бегона деб атадинг? — дедим. Чол тумтайибгина жавоб берди: “Афросиёб Луристонлик эмас, ота-

боболари ҳам луристонлик эмас, бошқа жойлардан Луристонга келиб қолган”, — деди.

У кекса киши рост айтар эди. Мен Луристонга борганимда бир юз олтмиш йил илгари Атобек Абу Тоҳир исмли бир киши Луристонга келган ва у ерда салтанат қурган эди. Ундан кейин ўгли Атобек Ҳазорасп подшоҳи бўлди. Ундан кейин Атобек Такла салтанатга етишти. Мен Луристонга дохил бўлган кунга қадар Атобеклардан 9 киши у ерда салтанатга етушган эдилар. Буларнинг охиргиси Афросиёб бин Юсуфшоҳ эди.

Кекса одам сўзида давом этиб бундай деди: “Отанинг айтганига қараганда, 160 йил аввал келган Абу Тоҳир жуссаси кичик бир одам экан, ерликлар уни гўдак деб гумон қилар экан. Бу кунда отам кексалиқдан қимирлаёлмай ўлтириб қолганлар. Агар имкон бўлса эди, ҳузурингизга олиб келиб сўзларини ўз оғзидан англатар эдим”, — деб афсус қилди.

Мен ундан Абу Тоҳирни кўрган отаси ҳаётда борлигини билдим ва отасининг ёштини сўраганимда бир юз етмиш ёшда, деб хабар берди. Ундоғ бўлса отанинги зиёрат қилмоғим лозим бўлди. 170 ёшлик одамни кўриш вожибдур”, — дедим.

Кекса одамнинг йўлбошчилигида бир қанча навкарларим билан бирга 170 ёшлик кишини зиёрати учун йўлга тушдик. Ниҳоят бир уйга кирдик. Бир қари одам орқасини деворга суяб оёғларини узатиб ўлтирар эди. Бошида тук йўқлиги кўринар эди. Бироқ узун соқоли бор эди. Бизларни олиб борган кекса одам отасига мени таништириб, зиёрат қилишдан мақсадни ўз тилларида билдиргандан кейин, қари одам оғзида тиши йўқлигидан қийналиб гапира бошлади.

Мен, ўгли ёрдамида: “Атобек Абу Тоҳир Луристонга келганини ўз кўзинг билан кўрганмисан?” — деб савол қилдим. Қари чол тасдиқлаб, бундай деди: “Мен уни ва ўгли Ҳазораспни, набираси Таклани ва бошқа авлодларини ҳе, ўша тоғнинг орқасида яшаган замонларимда кўрганман. Пуштқухдан бу ерга келиб қолганимдан кейин уларни кўрмадим ва нима қилишларини ҳам билмайман”, — деди. Мен “Қари чол, ўзининг бир юз

етмишга кирганини қандай исбот қилар экан”, деб берган саволимга бундай жавоб берди: “Тўғри, мен сиз айтган каби саводсиздурман, ҳисоб-тарихларини ҳам билмайман. Фақат ҳар йили юртга дастлаб қор ёғқон замон баллут дарахтига ханжарим билан бир чизик чизиб қўяман. Мен Пуштқудан келадиган куним чизикларни санаганимда бир юз йигирма адад эди. Бу ерга келганимдан кейин ҳисоб йўқолмасин деб, у адирни устидаги баллут дарахтига 120 ни чиздим, сўнгра ҳар йили дастлаб қор ёғиши билан яна бир чизик қўяман. Мени оёғим юришдан қолгандан буён ҳар йили ўғлим бориб, бир чизик чизиб келади. Йўлингиз устида ўша баллут дарахтига кўзингиз тушар, санаб кўрсангиз 170 чизик мавжуддир” — деди.

Мен ундан қайси динда эканлигини сўраганимда “Диним худонинг динидур”, деб қисқа жавоб берди. Мен унинг динини жазм билмоқ учун: “Худонинг дини кўп, сен шу динларнинг қайси биридасан?” — деб сўрадим. Чол жавоб берди: “Худонинг бир неча дини йўқдир, худо бирдур, дини ҳам бирдур” — деди.

Мен у одамнинг орзусини билмак учун: “Ҳеч қандай орзуларингиз борми?” — деб сўрадим. Бир юз етмиш ёшлик одам ҳеч қандай орзуси йўқлигини билдирди. Сўнгра унинг ўлимдан кўрқиш-кўрқмаслигини сўрадим. Қари киши кулиб: “Эй яхши йигит! Ўлим кўрқадиган нарсамидурки, инсон ундан кўрқмай?” — деб менга пичинг ташлаб қўйди. Мен унга: “Эй дунёнинг узоқ йилларини бошидан кечирган одам, мен бир мусофирман, мусофирни ҳар бир сўзи сарзаниш қилинмайди. Иложим бўлса эди, ёнингда туриб бир юз етмиш йил ичида кўрган-билганларингдан сўраб, ҳаёт учун дарс олар эдим”, — дедим.

Қари одам жавоб берди:

— Сен ўз ишингдан қолмагил, мен кечирган йиллар ва мен билан бирга бўлган бу кўзларим тоғлар, жилғалар, баллут дарахглари, тоғларнинг ваҳший кўй сурувларидан бошқа нарса кўрмаган, бундан ҳаёт дарси чиқадими?

Унинг бу сўзи юрагимда “Инсоннинг узоқ яшаши ҳамма нарсадан хабарсиз қолмоғига боғлиқми? деган бир савол пайдо қилди. Қари кишининг уйдан ташқарига

чиққанимдан сўнг бир юз йигирма ёшлик ўғлидан “Исминг нима?” деб сўрадим. У ўз исмини “Гаё” деб билдирди. Унга: “Мен Хусайнободга бормоқчиман, менга йўл кўрсатувчи бўлиб борасанми?” деб савол бердим. Гаё жавобни шундай бошлади: “Хусайнободга ушбу йўлдан бормоқчи бўлсангиз, отларингизни бу ерга ташлаб кетмоқдан бошқа чора йўқдир, нимага деганда довондан от билан ўтмоқ мумкин эмас. Бутун сарбозларингиз довондан пиёда ошмоғи керак. Бундан бошқа яна бир йўл бор. Фақат масофаси узоқ. Унда ҳам “Саймара” деган дарёнинг монёлиги бор. Лекин дарёнинг гузари бор. Сарбозларингизни гузардан ўтказа оласиз”, — деди. Мен ушбу узоқ йўл билан қанча вақтда Хусайнободга бориш мумкинлигини сўрадим. Гаё жавоб берди: “Ёлғиз отлиқ одам ўн кунда борса ҳам, сиз билан қўшун бирга бўлгани учун ўн беш кунда Хусайнободга етиб борасиз” — деди. Йўлнинг қайси тарафидан ўтишини сўраганимда Гаё бармоғи билан ишорат қилиб Жануби-Ғарбни кўрсатиб, Хусайнобод ўша жойда. Агар пиёда борсангиз уч кунда етиб борасиз”, — деди. Ва илова қилиб, агар отларни қўйиб кетмоққа кўнглингиз бўлмаса, йўлингиз шундай бўлиши керак, — деб ҳавода Шимол, Шимоли-Ғарб ва Жануби-Ғарбни чизиб кўрсатди, ҳавога чизилган бу шаклдан маълум бўлдики, кўриниб турган тоғларни айланиб ўтиб, Хусайнободга бормоғим лозим экан. Илгари ҳам шу йўл ҳақида маълумот олган эдим. Аммо икки йўлнинг ҳеч бирини жазм қилмаган ва Ййза тегирмонига боргандан кейин узоқдир-яқиндур икки йўлдан бирини тутмоққа жазм қилган эдим. Кеча қоронғулигида менинг сал олдинроқ юборган талойиъларимдан бир қисми қайтиб келиб йўл жуда торлиги, отлиқ ўтиш имконсизлигидан хабар беришди. Мен ўз афсарларим билан кенгашиб олганимдан кейин талойиъ афсарига хабар бердим. Ўша турган жойингизда хушёрлик билан йўлни кузатиб турунглар, эртаси кун чиққандан кейин қайтиб келинглар”, деб амр бердим.

Биз бу муддат ичида юрадиган йўлимизни қисман қарор қилиб, довондаги одамларимиз бизни орқа томондан кузатувчи вазифасини адо қилмоғига қарор бердик.



Қари отасига қараб туриш учун қўшниларидан бирини тайин қилиб, хотиржам бўлган Гаё эртаси бомдод вақти билан сафарга ҳозир бўлиб келди. Мен бу кекса одамнинг садоқатига ишониб қолган эдим. Унинг сўзларида, ҳаракатларида ва берган машваратларида хийладан асар кўринмас эди. Олдинги талойиё бўлагини жўнатганимдан кейин: “Гаёга от ҳозирлаб берсалар йўлга тушсак”, — дедим. Лекин Гаё ўз оёқларини кўрсатиб менинг отим шулардур, бу отларим жуда тез ҳаракат қилади. Бошқа отга ҳожат йўқ, деган маънони билдирди.

Гаё рост айтар эди. Ийза тегирмонидан чиққанимиздан тортиб отлиқлар билан баробар ҳаракат қилиб, барчамизни ҳайратга солди. Бораётган йўлимиз бошқа тоғ йўллари каби чуқур, кўрғон, сой тепаларидан ўтилар эди. Фақат Луристон тарафга қўшиндан илгари ҳеч қандай йўлчини ўтмоғига ижозат бермас эдим. Токи бизнинг кетиб турганимиздан Атобекни хабарсиз қолдирмоққа уринар эдим. Баъзан тоғ йўлида қаршимиздан чиққан йўловчиларга дуч келар эдик. Улар бизнинг орқа тарафимизга кетиб тургани учун монёлик бермас эдик. Бир кун аср пайтида узоқдан бир турли овоз эшитилди. Бу овозни Гаёдан сўрадим. У, — “бу товуш Саймара дарёчасининг бу ердаги овозидур”, деб жавоб берди. Шундан кейин биз олдинга қараб юрганимиз сари шовванинг овози тошларга шундай акс садо берар эдики, худди биз унинг ёнида тургандай сезардик ўзимизни. Уруш майдонининг шовқин-суронига ўрганиб қолган отларимиз боруд (порох) портлашидан ҳам чўчимас эдилар. Бироқ қулоқларига янгидан эшитилган шовванинг овозига кўникиб олгунча, ярим кечадан ўткунча, олдиларидаги хашакларини тишламас эдилар.

Менинг ватанимда Сайхун Жайхун деган катта дарёлар бўлса ҳам, унда бундай шоввалар йўқ, кемаларни суриб юриш имкони бордир. Аммо Луристондаги Саймара дарёси оқими тез ва нишоб бўлганидан кема юргизиш имконсиз эди. Дарҳақиқат мен учун бу сувдан топилган ҳайбатлик овоз бир янгилик бўлиб қолди.

Эртаси бомдод вақтида йўлга тушиб, шоввага яқин бордик. Тузукроқ кўриш учун отдан тушиб ерга қадам қўйи-

шим билан сувнинг шиддатлик оқимидан ерлар ларзага келгандек сезилди: ёнимдаги Гаё билан сўзлашсак ҳам бақириб сўзлашмоққа мажбур бўлган эдик. Унинг сўзига қараганда ҳозир сув камайган вақти экан, агар баҳор вақти — тошқин пайтларида бўлса, сувнинг ҳайбатида тоғдаги тошлар юмалаб тушар экан, сўзининг исботи учун кўриниб турган тоғларга бармоғи билан ишорат қилди.

Бир куни таъминотчиларим йўлдан отлиқ ўтиб бўлмайдиган жойга бориб қолганларининг хабарини бердилар. Дарҳол буни Гаёдан сўрадим. Гаё жавоб берди: “Баллут дарахтларидан иборат бир тоғлик чангал бор. У ерга чиқилгандан кейин тушишда пиёда бўлуб, отларни етаклаб олмоқ лозимдур”.

Олдимиздаги чангал Астробод, Мозандарон ва Ги-лон чангалларидан қалинроқ эди. Дарахтлар баллут дарахтигина эди. Гаё баъзи дарахтларни кўрсатиб: “Шу дарахт минг йил умр кўрган”, — деб гувоҳлик берар эди. Биз отларни тизгинидан етаклаб олганча юқорига тирмашмоқда эдик. Тоғнинг ерлари тупроқлик бўлгани учун отларнинг туёғи сийғонмас эди. Баъзан чангал айиқлари кўриниб қолар эди. Бизни кўриши ҳамон қо-чиб кетар эди.

Тоғнинг тупроқлари устида бирор карвонни у ердан ўтганлигини исботловчи излар йўқ эди. Бундан бу тоғдан ўтаётган мусофирларнинг биринчиси биз бўлсак керак, деб ўйлар эдик.

Гаё менинг йўл юришдаги хаёлларимни уйғотмоқ учун: “Бу тоғдан ўтмасак, Хусайнободга етолмаймиз, аммо бу тоққа чиқмоғидан тушмоғи қийинроқдир”, — деб огоҳлантирди. Пешин вақтида тоғнинг устига чиқдик. Энди йўлнинг усти дарахтлар билан қопланган баландлигидан пастга тушмоғимиз лозим эди. Энкайиш шу қадар эдики, отлар арқон билан боғланмаса мункиб кетмоғи кўриниб турар эди. Сарбозларга амр бердим, отларни бўйнидан арқон боғлаб, арқоннинг бир учини ўзлари ушлаб олгач, ўзларини дарахтга яқин тутиб юрсинлар, агар отни юмалаб кетиши аломати кўринса, дарҳол арқоннинг учини дарахтга ўраб олинсун, деб буюрдим. Биз тоғ тепасида эканимизда сувимиз тугаб қолган эди. Аммо паст тарафда бир сой оқиб тургани

кўриниб турар эди. Сувсизлик сарбозларгагина эмас, отларга ҳам таъсир етказган эди.

Кун ботган вақтда отлиқларимни бари тоғ тепасида эдилар. Аммо ўн тўрт кечалик ойнинг ёруғидан фойдаланиб, ҳалокатлик тоғдан тушиб олдик. Ҳар қанча эҳтиёт қилган бўлсак ҳам элликка яқин от тоғдан кулаб кетди. Сарбозлардан юзтачаси мажруҳ бўлган эди. Ярим кечада тоғдан тушиб бўлиб, осмон тўла юлдузларга қарадим. Вақтни ярим кечалигига ишора берувчи сукунатлик фазода жимжитликдан бошқа аломат йўқ эди. Шундоғ бўлса ҳам ўрдутоҳни ҳимояси билан машғул бўлиб ухладим. Бомдоддан сўнг Гаё билан бироз сўзлашиб олгандан кейин ухламоқчи бўлдим.

Гаё ўз сўзида давом этиб: “Биз эртага бомдод вақти билан Ҳусайнободга кириб бормоғимиз учун ўртада қолган йўлни шиддат билан босмоғимиз керак”, — дер эди. Мен ўрдутоҳнинг аҳволидан хабардор бўлганимдан кейин истироҳатга бордим.

Хабаргирлар бир туркум аскарларни Ҳусайнобод тарафдан бизга қараб келаётганини кўрибдилар. Мен Гаёдан: “Бу қўшин кимники бўлмай?” деб сўрадим. У жавоб берди: “Қўшинингизни Ийза тегирмонида кимдир кўргандур. Ҳусайнободга бормоқчи бўлиб турганингизни ҳам ҳамма одам билгандир. Йўлингизни ўзгартирганингиз ҳам ҳаммага маълумдир. Ийза тегирмони билан Луристон Ҳусайнобод орасида мана шу йўлдан бошқа йўл йўқ эканлиги ҳам Афросиёб бин Юсуфшоҳга маълум. Бу атрофларда унинг қўшинидан бошқа қўшин йўқдир. Бинобарин, сизнинг олдингизни тўсиб келиб турган қўшинни Атобекнинг қўшини деб қатъий ҳукм қилаверасиз”, — деди. Мен Атобек қўшинларининг одатини билиб, унга қараб мудофаа тадбирини кўрмоқчи Гаёдан сўрадим. Гаё айтди: “Мен хийла муддатдан буён Атобекнинг аскари ҳолатидан хабарсизман. Аммо шунчалик биламанки, у хоҳласа Пайронванд тоифасининг бутун одамларини ўз қўшинига сафарбар қила олади. Фақат уларнинг ҳаммаси пиёда”, — деди.

Гаёнинг сўзлари тўғри эди. Мен Ийза тегирмонида эканман, бутун воқеани Атобекка етказишгани аниқ эди.

Атобек ўз юрти ҳудудининг жугрофий нуқталаридан огоҳ бўлгани учун мени қайси йўл билан Ҳусайнободга кириб боришимни яхши билиб турар эди. Фақат Луристон атобеги катта хатога йўл қўйди, у ўзининг тоғлик ва мустаҳкам ерини қўйиб пиёда қўшин билан мени истиқболимга югурди. Ҳолбуки, мен дарё бўйида, сувлик кенгликда тоғ этагида ўрдугоҳ қурган эдим.

Луристон атобеги қўшинининг қораси кўринмай туриб ўрдугоҳимизни йиғиб олдик. Олдинги бўлинма ҳам биз билан бирга уруш тузумига иштирок этмоқда эди. Бу вақтда ўз қўшинимни тўртга бўлдим. Ўнг, сўл, қалб деган нуқталарга уч ҳисса қўшинни эргаштирдим. Қолган бир қисми эса қўшин орқасида захира — эҳтиёт учун сақланди. Мен бу тартибларни кўриб бўлганимча Атобек қўшинининг қораси кўринди. Улар тоғ этагидаги бир бўғоздан чиқиб кетмоқда эдилар. Узоғдан уларнинг сипоҳларига назар солдим, найза кўринмаганидан маълум бўлур эдики, уларнинг қўлида қилич ва болталар бор.

Улар фақат уруш тузумини кўрмай бизга яқинлашиб келар эди. Душман сарбозларининг барчаси баланд қоматлик кишилар бўлиб, ораларида оқсоқоллик кишилар ҳам бор. Уларнинг беларво илгарилаб келишлари кўрқмасликларини кўрсатар эди. Бизга яқинлашганларидан кейин палахмон билан бизни тошбўронга тутдилар. Менинг аскарларим тошбўронга биринчи дафъа тутилмаган. Илгари айтиб ўтганимдек, Сабзавор амири Али Сайфуддин аскарлари ҳам шиддатлик тошбўрон қилган эдилар. Уларнинг қўлларида найзалари ҳам бор бўлишига қарамай ҳужум қилиб бориб, галаба қозонган эдик. Одатда, душман тараф тошбўронга тутиши ҳамон тездан от суриб бориб ҳамла қилмоқ лозимдурки, уларнинг палахмон қуроллари бутунлай ишламай қолади. Шунинг учун, умумий ҳамлага амр бердим. Гаё билан ғажарчинни майдон орқасига жўнатдимки, ўлимга учраб кетмагай. Ўзим узун соплик болтани чап қўлимга олиб, душман жабҳасига боргунча ўнг қўлим билан отнинг жиловини тутиб бордим.

Менинг сарбозларим палахмондан қилинган тошбўронга қарши отларини устига ётиб олиб, отни суръат

билан чоптириб душманнинг устига ўзларини еткузиб бориш билан душманга кўпроқ талафот бердилар.

Сизлар менга: “Сизнинг ҳам кўлингиздан палахмон билан тош ёғдуриш келмайдими?” — деб савол берарсизлар. Мен шундай вақтда бу ишни фойдасиз деб билганим учун сарбозларимга уни амр қилган эмасман. Зотан, уришмоқ душманни мағлуб қилмоқдур. Вақтни фойдасиз ишларга сарф этиб, аскарни чарчатишдан нима фойда чиқади. Агар менинг кўшиним Луристон атобеги билан ўн кун тош огишсалар қатъий бир натижага эришмас эдилар. Фақат мен тарафдан бир шиддатлик ҳамлани вужудга чиқмоғи Луристон атобеги кўшинини пароканда қилмоқ демак эди. Барча отлиқларим, шу жумладан, ўзим ҳам тўрт оёқ от суриб, душман тарафга бормоқда эдик. Ҳаммамиз отнинг устига ётиб олган ҳолда йўлни кўрмоқ учун гоҳ-гоҳ бош кўтариб олар эдик. Мен аскарнинг олдида ҳар доимгидай фидокорлик билан от чоптириб борар эдим. Мен ўз жонимни бошқа бир сарбознинг жонидан азиз деб ҳисобламас эдим. Шарқдан ғарбгача ҳукм сурмоқда эканман, бу кун ҳам ўз жонимни бир аскарнинг жонидан ортиқ деб эътиқод қилмасдим. Шу билан бирга ўлимдан ҳам кўрқиб турмадим. Шу сабабдан ажал мени йўқлаб келмаган бўлса керак. Киши нақадар ўлимдан кўрқса унга ўлим шу қадар тез келди. Маълумдурки, урушда голиблик ҳам бор, енгилиш ҳам бор. Илгари ҳам айтиб ўтиб эдим. Бир қалъани олишда жабҳанинг орқасида ўрин тутаман. Аммо аҳамиятсиз урушларда майдоннинг аввалида турмайман. Мен шунча урушда иштирок этиб бу услубларимдан пушаймон бўлмадим. Нима деганда менинг бу усулим сарбозларимни ҳадди аъло даражада ботирлик ва фидокорлик билан душманларга қарши курашишларига сабаб бўлади.

Луристон атобеги сарбозларига етиб олганимизча бир мунча сарбозларим ва отларим нобуд бўлишини сезар эдим. Ҳамла қилинар экан, бундай талафотларга тоқат қилмоқ зарурийдир. Унингсиз душманга етиб олмоқ ҳам имконсиздир. Бизнинг аскарларимиз душман аскарига етиб олган вақтда сарбозларимнинг қилич ва болта ургандаги қичқириқлари майдонни кучли бир жунбушга киргизган эди.

Қизиққанымдан мен ҳам сарбозларга қўшилиб қичқирар эдим, аслида, майдонда қичқирмасак экан деган умид билан уларга “қичқирмангиз” деб нидо қилолмадим. Чунки мен ўзимни туюлмаб қичқирар эканман, уларни ман этиб бўлмас эди. Яна бир тарафдан майдондаги ҳамла қилиб турганларни совутиб қўймаслик ҳам лозим эди.

Атобекнинг пиёдаларига етганимдан кейин ўнг қўлимдаги отнинг жловини бўйнимга ташлаб, ўнг қўлим билан қилични ғилофдан сугурдим. Луристон сарбозлари ҳам қилич, гурзи ва болта билан қуролланган эдилар. Биздан кўрқмасликлари билиниб турар эди.

Улар найзалари билан отларимизни нобуд қилиб қўйса, узун қоматлик одамлар билан пиёда урушмоққа мажбур бўлар эдик. Чап томонимда Луристон сарбозларидан бири бизнинг отлиқларимиздан бирига гурзи ҳавола қилиб, отдан йиқитди. Токи мен етиб борганимча иккинчи гурзи билан уни ўлдирди. Аммо менинг болтам унинг белига тушди. У, Луристон сарбози бир фарёд қичқиргани билан ерга йиқилди. Бир оздан кейин отларнинг туёғи остида янчилиб кетди. Ўнг томонимда бир қилич зарбаси менга ҳавола бўлди. Душман қиличи менга етмай туриб, тезлик билан солган қиличим Луристон сарбозининг қўлини танасидан ажратиб ташлади. Иккинчи ҳамлага тоқат қилолмай ўтириб қолди. Отлиқлар туркуми уни отга бостириб ўтиб кетдилар. Менинг ўнг-чапдаги аскар бошлиқларим ўз вазифаларини яхши билсалар ҳам, дарҳол, душманнинг истиқоматлик ва журъатлик эканлигини билдириб, хабар бериб қўйдим. Ҳамда тадбир билан Атобек қўшинининг орқасидан ҳамла қилмоқларини тавсия қилдим. Ўзим уруш билан машғул бўлсам ҳам тез-тез душман қўшини орасидан Афросиёб бин Юсуфшоҳ — Луристон атобегига таъқиб назарини ташлаб турар эдим. Аммо уни кўролмас эдим, чунки унинг ажратиб турувчи аломати йўқ эди.

Луристон сарбозларида зирҳ, совутлар йўқ эди. Бошларига қора ёки хурморанг кигиздан қилинган катта қалпоқ кийиб олган эдилар. Қалпоқлари катталигидан бошларига гўё қозон кийиб олган каби

кўринар эди. Уларнинг қалпоқлари болта дамани тутолмаса ҳам қилич зарбасини тўса олар эди. Йигитлик даврларимда сарбозларни уруш майдонига хос либослар билан кийинтиролмаган эдим. Сарбозларга хос либослар ҳозирламоқ оғир қиймат билан тайёр бўлур эди. Қўлимда етарлик бисотим ҳам йўқ эди. Аммо салтанатим кенгайган сари урушлардан тажриба орттирдим. Урушга қатнашган сарбозларга ҳарбий кийимлар ҳозирламоқ зарурлигини тушундим. Мен аскарларга темир либослар лозимлигини тушунганимдан кейин Исфахон, Рай, Занжон, Тошканд ҳунармандларига сарбозлар учун зарур андозаларда уруш кийими ясамоқни буюрдим. Ўша вақтдан буқунгача Эрон ва Мовароуннаҳр ҳунармандлари қўшимига зирҳ, қуфтон, миғфар каби уруш кийимларини узлуксиз ясаб етказиб турадилар. Шундан сўнг лашкарбоши ва сарбозларимнинг ҳаммаси темир кийимлар билан урушга қатнашадилар. Шу сабабли ўқ, қилич, найзалар уларга ниҳоятда керак бўлади.

Луристон сарбозлари мажруҳ бўлгандан кейин қайтиб урушга қатнашолмас экан. Менинг аскарларим оғир мажруҳ бўлиб қолмасалар, урушдан тўхтамас эдилар. Муҳим нуқталардан бири шулки, Луристон атобегини мен ҳалигача кўрмаган бўлсам ҳам, у ҳеч бир орқага сурилмади.

Кейинги тадқиқларимдан маълум бўлдики, Луристон халқи урушдан орқага силжимоқни ўзларига уят деб ҳисоблар эканлар. Улар ҳар бири урушда ўз турган жойларидан орқага силжимасдан ҳаммалари ўлиб биттунча урушиб, мағлуб ёки ғолиб бўлишни шиор қилган экан.

Уруш давомида менинг ўнг-чап қўл аскарларим Атобек сипоҳини орқасидан айланиб, бир-бирларига қўшилиб олмоққа муваффақ бўлдилар. Тезлик билан бу хабар менга етиб келган ҳамон, қалбдаги ҳамламни шиддатлироқ қилиб юбордим. Икки қанотим ҳам орқадан ҳамла бошлаб юборди. Бир вақт кўрсам қўлида гурзи ушлаган узун қорасоқол, кигиздан қилинган катта қалпоқ кийган отлик бир одам: “Темуршоҳ ким?” — деб нидо қилди. Мен “Темуршоҳда нима ишинг бор?” деб жавоб қайтардим. “Мен, Темуршоҳнинг ўзи билан урушмоқчиман” — деди.

Унинг ким эканлигини сўраганимда: “Луристон атобеги Афросиёбдурмен” — деди. Унинг туриши сўзининг ростлигига далил эди. Атрофидаги луристонликлар унга эҳтиром билан қўл қовуштириб турар эдилар.

Мен унга жавобан: “Сен билан урушмоққа ҳозирман, сарбозларингга айт, майдонни кенгроқ очиб қўйсин”, — дедим. Унинг амри билан сарбозлари бир оз орқага сурилди. Майдон очилди. Мен ҳам ўз сарбозларимни майдондан узоқлашиб туришларига амр бердим. Шу ҳолда қўшин орқасидаги қисмларда уруш давом этиб турар эди. Сарбозларим Луристон қўшинини ичкарига ўтолмайдиган қилиб, кичик парчаларга бўлиб ташлаб, таслим бўлишларига мажбур қилиб бормоқда эди. Фақат Атобек билан мен турган жойда муваққатан уруш тўхтаган эди. Атобекни ўз қаршимда кўрганим ҳамон унинг қомати ва оёқлари луристонликлар каби катта бўлмаганини кўриб, унинг Луристонга ташқаридан келганлигига амин бўлдим. Атобек қичқириб: “Эй Темуршоҳ, сен иккови қўлингга силоҳ ушлабсен, мен эса бир қўлимда силоҳ қўлаймен, сен ҳам бир қўлинггаги силоҳингни ерга ташлагин, иккимизни силоҳимиз баробар бўлсин”, — деди. Мен жавоб бердим: “Эй Атобек, Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибонлик қилиб, икки қўлни бергандурки, иккисидан ҳам истифода этсун деганидур. Бунинг бирини ишлатмаслик куфрони неъматликдур. Шундоғ бўлса ҳам сенинг талабингга мувофиқ иккимиз баробар силоҳлик бўлмоқ учун бир қўлимдаги силоҳни бир четга қўймоққа ҳозирдурмен. Яна, сен ўзинг айтгин, қайси қўлимдаги силоҳдан сарфи назар қиламан?” — дедим.

Атобек: “Ўнг қўлинггаги силоҳингни қўйгин”, — деди. Мен: “Хўп бўлғай, мана ўнг қўлимдаги қиличимни филофига солиб, чап қўлимдаги болта билан сенинг урушингга ҳозирдурман”, — дедим. Луристон атобеги мени ҳам ўзи каби, ўнг қўлида яхши жанг қилади, деб хаёл қилгани учун, ўнг қўлимдаги қуролни ишлатмаслигимни талаб қилган эди. Менинг ўнг қўлим мажруҳ бўлгандан буён чап қўлимда кўпроқ жанг қилганимдан ҳам хабарсиз эди. Ўнг қўлимда қилич уролсам ҳам, хатни чап қўлимда



ёзар эдим. Мен қиличимни ғилофига солганимдан кейин, Атобек узангига таяниб қаддини ростлаб, отига “ҳай” берди. Ўша кунини мен Луристон халқининг гурзибозликдаги маҳоратига қойил бўлдим. Улар, бошқа аслаҳалардан кўра гурзидан яхши фойдаланишар экан. Атобек ҳам шу сабабдан қўлига гурзи олган эди. Отига “ҳай” берганча каттагина бир қавс шаклида от ўйнатиб менга қараб келди. Атрофда уруш ғавғоси қулоққа кириб турар эди.

Икки томоннинг лашкарлари ва саркардалари икки кишининг орасидаги уруш оқибатига мунтазир турар эдилар. Атобек менга яқин келиб, гурзини ҳавола қилди. Мен отимни юганини юқорига тортдим. Отим, икки оёғи устида тик турди. Атобек менинг бошимни мўлжаллаб урган гурзиси совутга тегмай танам бўйлаб тушиб чап оёғимга тегди. Мен ўз отимни икки оёқ устида турганидан фойдаланиб, от икки қўлини ерга қўйиши баробаринда узун соплик болтамни душманга қараб солдим. Мен илғари ҳам айтиб ўтган эдим. Отни икки оёқ устида турган чоғида, отнинг икки қўли ерга тушар ҳамон қилич ёки болта ишлатилса, инсон кучи билан отнинг кучи бир-бирига ёрдамчи бўлиб, урилган зарба икки ҳисса шиддатланиб душманни нобуд қилади, деб эдим. Урган болтам Атобекнинг сонига тушган эди. Бу зарба шундай шиддатлик эдики, Луристон атобегининг йўғон сўнгагини кесиб кетди. Афросиёб бин Юсуфшоҳнинг гурзиси қўлидан тушиб ўзи эгарининг қошига мункиб қолди. Бу аҳволни кўрган луристонликлар менга ҳамла қилсалар керак, деб ўйлаб қиличимни суғуриб қўлимга олиб аскарларимга майдон ўртасига юришни буюрдим. Атобек сарбозлари билан менинг сарбозларим орасида ўлик-тирик орасидаги бир жасадни таллашиб, қўрқинчли тўқнашиш юз берди. Луристонликлар фақат Атобек жуссасини майдондан чиқариб кетмоққа тиришар эдилар. Менинг сарбозларим эса, уни асир қилмоққа уринар эдилар. Оқибатда сарбозларим ниятларига етишди.

Атобекнинг жароҳатига тездан муолажа қилмоқ учун жуссани жабҳа орқасида табибларга топширишларини бутун аскарый қисм бошлиқларига хабар бердим. “Мени

Луристон халқи билан ҳеч бир алоқам ва адоватим йўқ. Луристон тупроғидан умидим ҳам йўқ. Фақат Атобекнинг бир юз эллик нафар отлиқларимни ўлдириб юборгани учун Атобекка адаб бермоқ қасди билан келганман. Мана ҳозир Атобек қўлимга асир бўлиб тушди. Мана шу бурчимни адоси учун тоғ орқасидан бу ерга қадар келган эдим. Луристон халқи билан урушмайман. Улар ўз тирикчиликларини қилаверсинлар” — деб буюрдим. Луристон халқи бизнинг жарчиларимиз сўзига аҳамият бермай урушни давом эттиравердилар. Мен луристонликлар бизнинг сўзимизга тушунмаган бўлсалар керак, деб жабҳа орқасидан Гаёни келтиришга буюрдим. Гаё келгандан кейин луристонликларга яхшироқ кўринсин деб отга миндириб, Луристон халқи томон йўллаб, юқорида айтган мақсадни уларга эшиттирдим. Гаёнинг сўзига тушуниб туриб ҳам яна урушни давом эттиришди. Мен Гаё орқали Атобекнинг қолдиқларига шундай хитоб қилдим: “Сизлар мен билан уришмас эдингизлар, Атобек уришмоғларингизга амр берди, сизларга амр берган Атобек бўлса асир тушти. Энди нима учун урушасизлар? Агар Атобекни асир олганимга адоват қилиб турган бўлсангизлар, мен билан уришиб, ғалаба қозонолмайсизлар. Мабодо ғалаба қозониш имконларингиз бўлганда, мен Атобекни ўлдириб юбораман. Уни менинг қўлимдан тирик ажратиб ололмайсизлар” — дедим ва илова қилдим: “Модомики, бу урушларингиздан фойда йўқ экан, майдонда ўлик қолдиришларингизни нима фойдаси бор? Яхшиси шуки, қуроолларингизни ташлаб, ўз ишларингизга кетаверинглар, сизларни асир ҳам қилмайман, бож ҳам олмайман. Агар уруш давом этса, менинг сарбозларимни нобуд бўлишига сабаб бўлсангизлар, у вақтда сизларга қиладиган муомалам душманлик қилганларга қилинган муомалам каби бўлади. Яъни сизлардан тушган асирлар фидя (товон) тўлайди ёки кул қилиб сотилади. Юрт халқи эса, уруш чиқимларини мажбуран тўлайди”, деган сўзимни Гаё уларга англади. Улар ўзаро кенгашга киришди. Айтган сўзим уларга қор қилган каби кўринар эди. Уларнинг орқасидан бир оқсоқол одам Гаё орқали шундай деди: “Бизлар тўққиз нафар киши

сизга таслим бўламиз. Бизларни ўлдириш, қул қилиб сотиш ихтиёри сиздадур. Фақат Атобекни озодлигини бахш қилмоғингизни шарт қиламиз” — дедилар. Мен Гаё орқали жавоб бердим: “Атобекни озод қилиш учун минг одамни бадал берсалар ҳам қабул қилмайман. Бу талабларинг мутлақо амалга ошмайди. Аммо Атобек қаттиқ яраланган. Захмининг сабаби билан ўлиб қолса, сизларга жасадини бераман. Қайси ерга олиб бориб кўмсанглар кўмаверасизлар. Агар захмидан тузалса, у вақтда Атобекни ўшал сарбозларимни ўлдирган жойига олиб бориб ўлдираман. Жасадини ҳам сарбозларимнинг жасади ёнига кўмаман. Токи сарбозларимнинг руҳи ўз қотилларидан интиқом олганим билан роҳатлансин”, — дедим. Сўнгра Гаё орқали сўрадим: “Булар ҳозироқ силоҳларини ташлаб кетишга рози бўладиларми ёки бирортасини ҳам тирик қўймай хотун-болаларини асир олайми?” — деб сўрадим.

Луристонликлар ҳануз қатъий жавоб беролмас эдилар. Бироқ менинг отлиқларим атрофни ўраб, илгарилаб кетмоқда эдилар. Бу ҳолда қочиб қутулмасликларини тушундилар. Силоҳларини ерга ташлаб таслим бўлдилар. Таслим бўлган луристонликлар жилгадан қайтиб, тоғ томонга ўтиб кетдилар. Уруш бутунлай тамом бўлди. Офтоб ботгандан кейин совуққина шамол тоғдан эса бошлади. Ўшал куни урушда чап оёғим зарба еган бўлса ҳам эсиб турган шабадага ўзимни тутиб турай деб хаймадан ташқарига чиқдим.

Шу ҳайбатлик майдонни қайси бир жойларида гоҳ-гоҳ соя каби бир нарса силкиниб қўяр эди. Мен буни майдонда чала ўлган бирорта жасаднинг ҳаракатидур ёки бирорта отнинг бошидур, деб гумон қилар эдим.

Одатича, урушда ўлган ўликларни икки тараф намояндалари йиғиштириб олиб, кўмиб юборар эдилар. Майдонда фақат отларнинг жасади қолиб, турган жойида чириб, оппоқ оқарган сўнгаги бу майдоннинг тарихий шоҳиди бўлиб қолар эди.

Мен томоша қилиб турган кечанинг ой шуъласидаги манзараси менга сурур бахш этар эди. Чунки, нариги тараф мен билан куч синашди — мағлуб бўлди. Мен чуқур

ўйга чўмдим. “Эй Темур, кучинг етса, шунча ўликдан бирини тирилтириб кўр-чи!” деб ўз-ўзимга танбеҳ берар эдим.

Мен шу тафаккурда эканман, куннинг исиши билан бирга кўпчилик бўри улутани каби, узоқдан бир товуш келар эди. Гаёни чақиртириб: “Ҳали тузуккина совуқ тушмай туриб бу ернинг бўрилари улумоқдами?” — деб товуш тарафга ишорат қилдим. Гаё фикримни рад этиб бундай деди: “Булар бўриларнинг товуши эмас, Луристон халқининг навҳа — мотам товушидир. Улар тоғнинг этагига жамланишиб олади. Ўз уйларига боришдан хижолат бўлишади: чунки халқлари улардан: Атобек қани, ўлган бўлса нимага жасадини олиб келмадинглар, деб талаб қилишади. Бериладурғон жавоб ғайри мусбат (исбот этилмаган) бўлгани учун юртга қайтолмай умидсизлик билан ачиниб йиғлайдилар” — деди.

Ҳақиқатда эса Луристон халқи яхши урушган эди. Уларни урушдаги вазиятларида айблаб бўлмас эди.

Шундай шижоатга молик бўлган қаҳрамонлар йиғига илтижо этишларига таажжубландим. Буни англаган Гаё изоҳ берди: “Ўз раисларидан айрилмаса, бу халқнинг эркак жинси йиғламайди. Бугун Атобекни кўлдан берганлари сабаби билан эркак одамлар йиғламоқдалар” — деди.

Мен дарҳол Гаёни Атобек асир ётган хаймага бориб унинг аҳволини ўз кўзи билан кўриб келишга буюрдим. Гаё тезлик билан бориб кўриб келди: “Атобекнинг аҳволи анчагина тубандир, захмидан қонни тўхтатишга ҳар қанча уринган бўлсалар ҳам, қон тўхтамасдан оқиб турибдир” — деди. Мен ҳам табиблардан сўраган эдим. Улар шундай дедилар: “Атобекнинг сон суяги чўрт кесилган. Уни боғлағувчи ҳақимлар у кесилган оёқни бир-бирига жуфтлаб боғлаб қўйган бўлса ҳам суяклар бир-бирига чайлашиб битгунча ҳеч бўлмаса, бир ой қимирламай ётмоғи лозим”, — дедилар. Ҳолбуки, шу куннинг ўзидаёқ уни неча марта бир жойдан иккинчи жойга кўчиришди. “Биз бу ердан кўчганда Атобекни ҳам бирга олиб кетамиз. Вазиятни мана шу ҳоли хастанинг бир ой қимирламай ётишига муссада қилмайди”, — деганимни эшитган Гаё: “Ундай бўлса, унинг ўлиши муқаррар”, — деди.

Мен Гаёга: “Атобек ўз ўлимига ўзи сабаб бўлди. Аввалам менинг сарбозларимни ўлдирди. Бугун эса, танбатан (яккама-якка) урушмоқни унинг ўзи талаб қилди. Ниҳоят болтамнинг зарбасига сазовор бўлди” — дедим. Мағлубларнинг мотам товушлари кечанинг бир вақтигача қулоғимда жаранглаб турди, тонгга яқин ухлаб қолибман. Эртаси ўликларимизнинг дафнига машғул бўлдик. Бир тарафдан қўшиннинг қайтмоғига ҳозирлик кўрдик. Биз ўзимиз тушган дарахтлик тоғдан қайтиб кетмоғимиз лозим эди. Қиёмдан ўтгандан кейин Атобекнинг жон берган хабари келди. Офтоб ботишига яқин бир вақтда жасадни Луристон халқига топшириб бермоқларини буюрдим. Бу хабарни эшитган луристонликлар улф муваффақиятга эришган каби хурсанд бўлишиб келиб, Атобек жасадини олиб кетдилар.

Луристон урушига қатнашган сарбозларим бутун уруш ғаниматидан (ўлжасидан) маҳрум эдилар. Чунки, Луристонда ўлжа учун молларни ҳайдаб кетишга кетадиган меҳнат сотилгандаги пулига арзимаيدди. Сўнг вақт куз фасли бўлиб қолгани учун мол ҳайдаш билан умрни зое ўтказиб, қишнинг шиддатли соғуғида бу ерда қолмоқнинг фойдаси йўқ эди. Луристонга келишдан мақсад Атобекни жазолаш эди. Уни жазоладик. Энди сарбозни ғаниматдан маҳрум қолгани ҳолда қайтмоқдан бўлак чора йўқ эди. Ойнинг 16-куни бомдод вақтидан бошлаб дарахтлик тоққа чиқа бошладик. Бутун отликларимни тоққа чиқарганимча ўзим тоғ этагида қолдим. Қўшинни довонга илаштириб бўлгандан кейин охириги отлик мен бўлиб тоққа чирмашдим. Мен Луристон халқи биздан ўч олиш учун тоғ йўлини пойлаб туриб, тоғ устида бир фитна туғдирмасин деб ўзим орқада қолдим, ва ҳамма йўлларни текширишдан ўтказдим. Луристонликлар Атобекнинг жанозасини Хусайнободга етказиб дафн қилиш билан овора бўлганликлари учун бизни таъқиб эта олмадилар. Улар ўз султонлари жасадини қутқазиб олиб чиққан қаҳрамонликларини собит қилмоққа машғул эдилар. Биз, отларимизни тўғридан-тўғри тоғ бошига чиқаролмаслигимиз учун, йўлларда илон изи шаклинда эгри-бугри бурилишлар пайдо қилиб довонга чиқиш

йўлини осонлаштирмақ учун ойнинг 16—18-кунларини кечирдик. Тоғнинг ярмидан ўтгандан кейин отларга арғамчи боғлаб, юқорига тортиб чиқариш учун йигитлар арқоннинг бир учини белига боғлаб олиб, бир учини отларига боғлаб юқорига тортар эдилар. Отлар арқонлар ҳимояси билан юқорига қараб тўрт оёқ сачраб ўрмалай бошладилар.

Қўшиндаги бир неча дона ҳачирлар отдан кўра осонроқ тепага чиқарилди. Чунки ҳачирлар талага чиқар вақтда нафаси бўғилиб, тутилмайди. Отлар эса юқорилагани сайин нафас олишга қийналмоқда эди. Баланд довон, тоғ тепаларига юк билан чиқмоққа ҳачирдан яхшироқ тўрт оёқлик ҳайвон йўқдур. Тоғдан ошмоқ уч кун давом этди. Икки юзтача одам ўлди, бир мунча отлар ҳам нобуд бўлгандан кейин тоғ теласига чиқиб олдик.

Бу вақтда ҳаво ҳам хийла совуқ бўлиб қолган эди. Саймара дарёчасидан ўтганимиздан кейин уч кун ёмғир ёғди. Биз Гаёнинг истиқоматгоҳи Ийза тегирмонига борганимизда ёмғир тўхтади. Куз совуғини олиб келган уч кунлик ёмғир ҳавосидан сарбозларим орасида хасталик бошланди. Уларни иссиқ сақламоқ учун дарахтларни кесиб бошпана ҳозирлатдим. Бу билан дафъатан совуққа маъруз қилмоқдан сақланиб олдик.

Менга йўл устида самимият билан хизмат қилиб ёрдамлашган Гаёга Форс сафари олдида турганимни баён қилиб, мендан нима истамоқчи эканлигини сўрадим. У: “Эй Амир, Пуштикуҳ одамлари Пайронванд тоифасидан бўладилар. Менинг сизга йўл бошлаб борганимни кўрдилар. Сиз кетгандан кейин мени қари отам ва барча бола-чақаларимни ўлдириб, ўч олишлари мумкин”, — деб ҳасратланди. Мен унинг чораси учун Форсга кўчиб кетмоғини маслаҳат бердим. Гаёнинг кўзи ўз ватани тупроғидаги биргина тегирмонда эди. Жавоб берди: “Мен шу тегирмонни шунчалик юргузиб олгунча кўп заҳмат чекдим. Форсга кўчиб кетгудек бўлсам, бу тегирмон нима бўлади?” — деди. Мен унга ўз фикримни баён қилиб “Сен ўзинг ва оилангни сақламоқ учун Форсга кўчиб кетмоқни мувофиқ кўрсанг, мен сенга Форсдан экинга ер, яхши жойда тегирмон олиб бериб,

ҳаётингни фаровон таъминига лойиқ чораларни кўриб бераман” — дедим. Гаё рози бўлиб оиласи билан Форсга борди. Унга яхшигина бир қитъа ер олиб бериб, икки минг динор олтин пул берганимдан кейин, видолашар эканман, Гаё: “Сиздан яна илтимосим бор” — деди. “Мен сиз билан, юз ўпишмоқчи эдим” — деди. Мен унинг талабига ижозат бериб, ёнимга чақирдим. Гаё ёнимга келиб манглайим билан юзимдан ўпиб видолашди. Ундан айрилганимдан кейин, яна қайтиб кўришолмадим. Аммо мен шу воқеани ёзиб турган кунларимда ҳаёт эди. Фақат отаси 170 ёшларида вафот этганди.

Мен Форсга қайтганимдан кейин Мовароуннаҳрдаги ўғлим Шайх Умар кабутар воситасида Чин мамлакатидан бир киши элчи ҳайъати номидан келганлиги ҳақида хабар берди.

## **Қуроллар разведкаси** **Ғур — Афғонистон. 1394 йил**

Гуржистондаги кўзғолон бостирилгач, Миср томон юришга ҳозирлик кўрила бошланди. Хуфия, даракчи, тингчи, хабаргир, айғоқчи, жосус деб номланадиган разведка-агентура тармоғидан келаётган хабарлар бири-биридан ташвишли эди.

Султон Барқуқ Бағдод ҳокими Аҳмад ибн Увайс аскарлари билан Дамашққа етиб келибди. Дамашқда Миср султони Йилдирим Боязид элчиси ва Тўхтамишхон одамлари билан учрашибди. Сўнг бирлашган кўшин Бағдод сари юришни бошлабди. Шунингдек, мамлуклар давлати ерлари билан чегаралош бўлган туркман сардорлари ҳам Султон Барқуққа итоат этишларини билдиришибди.

Ички ва ташқи разведканинг умумий раҳбари Амир Азизуддин бу хабарларни умумлаштириб, шундай хулосага келди.

— Брусса, Қоҳира ва Мосулдаги ишончли кишиларимиз уруш бўлмаслигини, бу ишлар бир ўйин эканлигини билдиришмоқда. Бағдодни қайтариб олиш билан Барқуқ Қоҳирага қайтиб кетади. Аммо Тўхтамиш

катта урушга жиддий тайёрланмоқда. Ўқтой бу ҳақида хабарлар етказиб турибди.

Соҳибқирон дўстининг ахбороти хусусида ўйланиб қолди. Шу вақт Амир Жалол кириб келиб яна бир хабар олиб келди. Ташқи разведка раҳбари махсус вазифа билан жўнатилган 250 навкар Ҳиротдан Кобулгача чўзилган Ғур ўлкасида ўлдирилганини маълум қилди.

— Менинг сипоҳларимни ўлдирганлар Ғур Гилзойилари эканлигини қайдан билдинг?

Амир Жалол оҳиста жавоб қилди:

— Майдонда бирор нишон қолдирмай кетишлари камдан-кам бўлади. Мен ўша қатлгоҳга бордим. Урушдан қолган асбобларни диққат билан кузатдим. Бир Талвордан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Бу қуроллар фақатгина гилзойилар урушида қўлланилади, — Амир Жалол ошпичоқ шаклидаги қуролни кўрсатди. Сўнгра гилзойиларнинг шаклу шамоёйили ҳақида гапирди. Гилзойилар баланд қоматли кўрқмас кишилар. Сарбозларингизни бирортасини қолдирмай ўлдириб кетгандай, урушга кирганларидан кейин душманларининг охириги нафарини ҳам тугатмагунча урушдан қўл тортмайдилар.

Соҳибқирон кўзларида алам акс этди.

— Сарбозларим гафлатда қолган, жой вазиятидан хабарсиз бўлганлар. Зотан айғоқчилар йўл-тоғларнинг вазиятини яхши ўрганиш, қайси бир жойларда душман пистирмалари борлигини билиш, атрофдаги ҳолатларни ўрганиш учун қўшиндан олдин юбориладилар. Тингчи, хабаргирлар гафлатда қолиб ўзини душман қўлига туширмаслик учун имкони борича душманнинг ҳийла ва тadbирларига қарши хушёрлик ва зийраклигини ишлатмоқлари лозим эди.

Шундай вазифаларни била туриб душман қўлига тушиб қолмоқлик, душман тарафнинг хушёрлигининг аломатидир. Бундай душман ўз рақибини қандай қилиб мағлуб этишни ҳам уддасидан чиқа олади. Мен, сарбозларим маҳв бўлган ерни ва жуғрофий томонларини, гилзойиларнинг аслаҳа ва ҳийла ишлатиш йўлларини тадқиқ этмоқ учун йўлга чиқаман. Изчиларни тайёрла, ўғлим.



Ғур ўлкасига юриш бошланди. Хуросон изчилари ўз ишларида маҳоратли эканликларини кўрсатдилар. Бу изчилар таҳқиқни тамомлаб, шундай хулосага келдилар: “Биз йигирма беш тош ерга қадар изидан бордик. Улар Искандар томонга эмас, Ферузободга кетган. Отларни чанқатиб қўймаслик учун сувлик минтақалардан йўл солганлар. Сизнинг аскарларингизни нобуд қилган Гилзойи халқи, Абдол Гилзойи кишилари бўлиши керак. Бу ҳодиса унинг қўмондонлиги остида ижро этилгани эҳтимолдан узоқ эмас”.

Соҳибқирон саркардаларига юзланди.

— Одатим бўйича менга итоатда бўлган ва ҳукуматлар ўртасидаги эҳтиромни сақлаганларга қарши нотўғри ҳаракат қилмайман, уларнинг дилини оғритмайман ҳам. Онт ичиб айтаманки, бу кунга қадар бирор кишига қасддан ва атайин ўринсиз озор етказмадим. Шу билан бирга менга қарши хиёнаткорлик, қабиҳлик қилгувчиларни жавобсиз қўймадим. Шунинг учун биринчи навбатда мен, Тангри қули Темур Абдол Гилзойининг қилган ишига лойиқ жазо бермоғим керак, чунки гилзойлар аскарларимни қандай ғафлатга солди. Уларни нима учун ҳаммасини ўлдирди?

Амир Жалол унга шундай жавоб қилди.

— Гилзойлар қарвонларнинг молларини талаш мақсадида бу минтақаларга келгану одамларимизнинг от ва сипоҳларини кўриб ўлжа олмоқ учун дағаллик ва хиёнаткорликларини ишга солганлар.

### **Дўстга айланган душман (Соҳибқирон кундалигидан)**

Мен Гилзойларни жазолаш ниятида йўлга тушиб, унинг юртига кириб бордим. Бу юртнинг табиати ва халқнинг урф-одати билан ошно эмас эдим. Бу ўлканинг ҳар бир дарахти ҳатто бир дона тоши кўзимга душман бўлиб кўринар эди. Ерлик одамлар узун бўй, қаро кўз, сариқ сочлик кишилар эди. Улар узун, энлик шол — жун газламага ўраниб, ёки елкаларига ташлаб олиб юрардилар.

Буларни ўша минтақага яқин тоғлик ерларда яшайдиган, Патан тоифасидан, эҳтиёж юзасидан шаҳарга кирган кишилар, деб танитдилар.

Бу жойга бир неча нафар йўл билгувчи кишиларни хизматга олдим ва бир неча аскарний таъминотларни (озик-овқат, ем-хашак) ҳозирламоқ учун олдинга йўлладим. Бундан ташқари олдимизда турган қишнинг совуғидан сақланмоқ учун аскарларни иссиқ либос, кигиз-наमतларнинг ҳам чорасини кўрмоқ лозим эди. Шунинг учун лавозимотчиларга тайин қилдим. Ҳар жойда пўстин, кигиз каби нарсалар кўринса, сотиб олмоқни буюрдим, чунки бу минтақада кигиз ҳам, пўстин ҳам ортиғи билан топилар эди.

Мен кўриб турган талбирлардан хабарсиз бўлган хизматчилар мени огоҳлантириш учун: “Абдол Гилзой турган жой (Ферузобод) жуда қаттиқ совуқ бўлади, бизлар етиб боргунча у ерни совуғи бошланади. Кўшинни совуқдан сақлаш учун талбир кўрилиши зарур” — дедилар. Мен уларга “Шундай катта бир ўт ёқаманки, қўшин совуқдан қийналмайди” — десам, улар менга ҳайрат билан назар ташладилар. Чунки, улар менинг “ўт ёқиш” киноямни ўтин ёқиш деб тушунган эдилар. Менинг “ўт ёқиш”даги киноям ойдинлашмаган эди.

Менинг шимолни қоралаб юриб турган йўлим Маҳмуд Фазнавийнинг Ҳиндистон еридаги Сумнотни фатҳ қилишда қўлланган йўл эди. У йўлнинг ҳар жойларида Султон Маҳмуд Фазнавий ва Чингизхон ҳамда машҳур қўмондонларнинг хатиралари кўзга чалиниб турарди. Баъзи тоғларнинг чўққисида номаълум бонилар (қурувчилар) тарафидан бино қилинган қалъалар ҳам кўриниб турарди. Буларни қурилиш тарихи ва кимлар томонидан қурилгани номаълум эди.

Йўл бошлагувчи хизматчиларимиз бир жойга келганимизда: “Бу ер Бомён деб аталади” — дедилар. Бу жой қадим замонларда дунёнинг энг буюк бутхоналаридан бўлган эмиш. Катта-катта бутларнинг асари кўринар эди. У ноҳияни тошчи усталарининг маҳорати шу қадар эдики, уларнинг уста қўллари билан тарошланган бутлар баржасталигини сақлаб турар эди. Бутларни

синдириб ташлаш учун ҳам кўпгина усталар узоқ муддат ишлаганлари, кейин бузилганлиги билиниб турарди.

Мен кўриб турган Бомён одамлари бутпараст бўлмасалар ҳам бутлар айни ҳолда сақланиб қолган. Мени бу бутларни синдиришга ҳам вақтим йўқ эди. Синдиришга қасдим ҳам йўқ эди.

Мен ўз ҳаётимни ҳаёт кураши деб атадим. Жонсиз нарсаларнинг уруши, курашига вақт сарф этмадим. Шунинг учун жонсиз тошлар билан урушмоқни шаънимдан узоқ деб биламан. Мен ўз курашларимда юз минглаб душманларни тупроққа кўшиб юбордим. Аммо бирор ўлик қабрини кавлаб, ўлик жасадини лаҳаддан ташқарига чиқариб куйдириш каби ҳаракатни қилмадим. Бундай ишлар ким тарафидан қилинган бўлса, унинг мардлик шаънидан узоқлиги деб биламан.

Бомёнга етганимдан кейин йўлимиз бир минтақага бордики, у минтақа ўша фаслда анчагина совуқ эди. Сарбозларга илиқ кийимлар аввалдан ҳозирланиб кўйилгани учун улар совуқдан озор чекмас эдилар. Бирор жойга туришга ҳожат бўлса, отлар учун муваққат оғил ясаб, ҳайвонларни совуқдан сақлаб турар эдик. Отларнинг емак озиқаларини сариштасини кўриб олганимиз учун беташвиш бўлсак ҳам олдимиздаги қаттиқ совуқнинг андишаси йўқ эмас эди. Ўзимча, “Ферузободга етиб, шаҳар ичига кириб олсак, совуқдан у қадар қийналмаймиз”, деган умидда эдим.

Мен Самарқандга ўғлим Шайх Умарга ёзган мактубимда икки муҳим вазифани кўрсатган эдим. Бири, гилзойлар мени талай аскарларимга ўлим жазоси бериб, каттагина беадаблик қилганликлари сабабидан уларни жазоламасдан туриб, Мовароуннаҳрга боролмаслигим, Мовароуннаҳрда эса, Чин ҳукуматининг элчилари менга мунтазир тургани учун уларга менинг узримни билдириб қўйиш. Мен қайтиб боргунча кутадиларми ёки юртларига қайтиб кетмоғни муносиб кўрадиларми? Ҳар ҳолда бизнинг ҳукуматимиз тарафидан уларга яхши иззат-иқром билан дўстона муомала қилинсин, нимага деганда, бир подшоҳнинг элчисига ҳурмат ва эҳтиром билан қараш ўша подшоҳни эҳтиром қилмоқ демакдур.

Бир султон бошқа султонни хурматлаб, иззат-икром қилур экан, ўз улугворлигини комил исбот қилганидур”, деб тавсия қилган бўлсам, иккинчи нуқтасида ҳеч бўлмаганда йигирма минг аскарни Бадахшон йўли билан Кобулистонга келиб, сўнгра Ғур ўлкасида бизларга қўшилмоғини буюрган эдим. Бадахшон шоҳи мен билан дўст бўлгани учун аскарларимни унинг тупроғидан мушкулсиз ўтмоғини тушунар эдим.

Аmmo Кобулистонда қаршиликка дуч келиб қолишимиз мумкин эди. Буни ҳал қилмоқ аскарбошиларнинг вазифаси бўларди.

Менинг аскарларимни нобуд қилган Гилзойи босмачилари ўзларини Ферузободга бориш учун танлаган йўллари уларнинг оз миқдордаги одам ва ҳайвонларини ўтиб кетмоғи учун емак, сув билан таъмин қила олган бўлса, мен қўл остимдаги қўшинни ўтказиб олишим учун лавозимат нарсалар иложидан оз эди. Борди-ю Искандар йўли билан Ферузободга юрсамчи? Аскар ва отларга озиқ-овқат, ем-хашак бемалол топилар эди. Йўл ва таъминот масалаларидаги бундай қийинчиликларни ҳисобга олган Баржанд ҳокими ажралиш вақтида ҳам мени Ғур ўлкасига бормоқдан қайтармоқчи бўлиб: “У ерда қўшинингиз хатарли аҳволда қолади” — деди. Мен унга жавобан: “Инсон хатардан кўрқса, муваффақиятга эриша олмайди”, — деб рад қилдим. Олдиндаги етмиш тошлик сувсиз, биёбон йўлини кесиб ўтмоқ учун Баржанддан йўлчи одамларни бирга (ҳамроҳ) қилиб олдим. Ҳисобимизга қараганда, бу 70 тош (тахминан 350 км) йўл орасида ўн жойда сув топилар эди. Бу билан от ва аскарларимни таъминламак мумкин эди.

Агар бизнинг бу сафаримиз ёз фаслида бўлганда фалокатдан бошқа натижа чиқмас эди. Куз ва совуқ фасл бўлгани учун у хатарларни хавфи оз эди.

Қўшин олдида хабар олиб бормоқ учун икки даста аскарни ҳозирлаб, уларга илгари гилзойилар қўлида қатл бўлган ўртоқларидан ибрат олишларини тавсия қилдим. Орқа тарафни кузатиб бориш учун бир бўлинма ҳам тайинладим.

Илгари олган маълумотимдагидек, шитоб билан юрган карвон 70 тош йўлни 14 кунда боса олиши мумкин экан, отлилар бўлса етти кунда босадиргон йўлни тўрт кеча беш кундузда босиб Искандарга етиб боради. Искандар шаҳрида тарихдаги Искандарнинг овозасидан асар ҳам йўқ эди. Бир қиссадан бошқа нарса эмас эди. Искандарнинг қалъасидан ҳеч бир асар кўрмадим. Бу улуг номга эга бўлган шаҳар Ҳиндистон йўли устида бўлмаганида аллақачон йўқ бўлиб кетган бўлар эди.

Ҳиндистонга қатнайдиغان Мовароуннаҳр, Бадахшон, Кобулистон карвонлари у ердан тўхтовсиз ўтиши, Ҳиндистондан келадиган карвонлар ҳам шу йўлдан юриб тургани учун бу қисса ҳамон оғиздан-оғизга ўтиб келишига сабаб бўлган.

Ферузобод шаҳри кўзга кўрингандаёқ бу шаҳар уруш учун яратилган эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Шаҳар бир тепаликка қурилган. Унга борадиган одам бирдан-бир юқорига қараб кетадиган бошқа йўл билан боролмас эди. Йўл эса, хусусан, ёш болалар ва кексаларни юриши учун машаққатли эди.

Шаҳар ҳисорини йўниб ишланган тош билан қўтарган эдилар. У ерларда тош кўп бўлгани учун Ғур халқи ўз уй-жой, биноларини ҳам тошдан қилар эканлар. Тош йўниб ишлайди-ган усталар ҳам кўп экан. Тош ишлари билан машғул бўлиш ерлик халқнинг маҳаллий санъатларидан ҳисобланаркан. Қадим замонда Бомён бутларини тарашлаган тош йўнувчиларни ҳунарлари ўз авлодларига мерос бўлиб қолган экан.

Ферузобод кўзга кўринганда ҳаво хийла совуқ бўлиб қолган эди. Аммо ерда қор йўқ эди. Мен бу тепаликда тошдан барпо қилинган ҳисорни кўриб фикрга чўмдим. Ҳисорнинг бу кўриниши Ферузобод муҳосарасини хийла чўзилиб кетишини кўрсатар эди. Шаҳарни боруд (порох) ва бошқа йўл билан бузиш мумкин эмас эди. Бу ҳолда шаҳарга қандай кириш йўллари йўладим. Маълумки, тепадаги шаҳарга биттагина йўл билан чиқиб бориш иложсиз эди. Бошқа бир йўл солиб бориш ҳам осон иш эмас эди. Мен шу ҳақда ўйга толиб турган бир пайтда тепалик остида турган қўшинга кўзим тушти. Абдол

Гилзойи мен билан шу ерда урушмоққа тайёрланиб тургани маълум бўлди.

Гилзойилар қўлидаги талвор деган силоҳини жуда ҳам хавфлик деб таъриф қилганларида унинг кескир ва оғирлигини ҳам баён қилиб, талвордан зарба еган киши иккинчи оёққа туролмайди, деган эдилар. Қўшинимда талвор силоҳи ишлатилмаган бўлса ҳам, найзадан яхши фойдаланилар эди. Бизнинг қўшинни отлиқ бўлиши ҳам улуг афзаллик эди. Гилзойиларда от йўқ эди. Пиёда урушмоққа мажбур эдилар. Бу вақтда бизнинг қўшин отда найза ишлатиб, гилзойиларнинг талворларини ишдан чиқаришлари аниқланар эди.

Қўшинни ўнг-сўл икки жаноҳ билан ўртадаги қалб қисмларига тақсимладим. Сарбозлар найзаларини қўлларида тутсинлар, пайти келиши билан биринкетин найза билан ҳамла қилсинлар, деб буйруқ бердим. Лашхарбошиларимга: “Бу кунги урушни эрта қўймай, душманни йўқ қилмоғимиз керак, агар душман қўшини илож топиб тош қалъаси ичига кириб олгудек бўлса, бир-икки йил қамал қилиб турмоғимизга тўғри келади. Гилзойилар шу минтақанинг одамлари бўлгани учун совуққа қарши ўтин, емак-ичмаklarини тош қалъалари ичига етарлик қилиб, жамғариб олгандурлар.

Уларни қалъага кириб олишлари биз учун бир неча йиллик урушни орттиради. Шунинг учун уларни шаҳарга кириб олишларига йўл бермаслик чорасида бўлишимиз лозим. Бу мақсадга эришмак учун ўзимизга етадиган талафотларга аҳамият бермасдан бугунни ўзида бу урушга хотима беришимиз керак” — дедим. Сўнгра ўзим ҳам сарбозларим каби қўлимга найза олдим, ҳамла бошлаш амрини бердим.

Қўшин гилзойиларга қараб илгарилай бошлади. Гилзойилар эса, ўз қўшинига бир доира шаклини берган эдики, садри ислом муҳожидинлари (ислом дини бошидаги мужоҳидлар)га пайравлик услубида эди. Бу шундоғ эдики, Гилзойи аскарларининг юзи доимо биз тарафда, орқаси ўз-ўзига қараган бўлур эди. Шунинг учун биз қайси тарафдан ҳамла қилсак, уларнинг юзига дуч бўлиб, ҳеч вақт уларни орқасига етолмас эдик.

Кўшинимнинг қўлидаги найзалар душманга санчилгандан кейин яна ҳужум қилиш учун душман жасадидаги найзани суғуриб олиш лозим эди. Бу ҳолда душман зое кетган фурсатдан фойдаланиб қолиши мумкин эди. Шунинг учун сарбозларни бир неча донадан найза билан қуроолантирмоқ лозим эди. Аммо бир неча найзани сарбознинг ўзига кўтармоқ хийла оғир тушарди. Бу кўшиннинг тез суръат билан ҳаракат қилишига халал ҳам берар эди. Ўтмишдаги ароба юрадиган жойларда захира ўқларини юклаб олиб юрган бўлсам ҳам найзаларни юклаб турган эмас эдим. Шунинг учун бугунги урушда қатнашаётган сарбозлар бир донадан найза билан силоҳлантирилган эди. Агар шу бир донадан найзаларини қўлдан берсалар, гилзойиларнинг хатарлик талворлари олдида силоҳсиз бўлиб қолардилар. Мен гилзойилар устига от солдириб борганимда улар тошбўрон қилиш ёки ўққа тутишларини назарда тутган эдим. Улар эса бу икки талбирдан бирини ҳам қўлламадилар. Маълум бўлишича, гилзойий қўмондони тошбўрон билан ўққа тутишни фойдасидан хабари йўқ эди. Бу ҳолни кўриб, душман сарбозларига яқинроқ етиб борганимизча шовшмасдан, секин ҳаракат қилдик.

Душман билан орамизда эллик газ масофа қолганда, узангини қимтиб, отларга “ҳай” берганимизда, отлар учар қушдек ҳаракатга келдилар. Дафъатан найза билан ҳамла қилганимизда ҳар бир найзамиз душман сарбозининг кўксига тегиб орқасидан тешиб чиқар эди. От билан одам кучи бирлашганда ҳамланинг натижаси шундай бўлиши табиийдир.

Мен ўз олдимдаги душман сарбозларидан бирини мўлжаллаб найзам билан унга ўқталдим. Шу пайтда ҳеч қутилмаган бир воқеа юз берди. Душман тарафидан менга қаратиб нимадир ташланганини сездим. У нарса эса қуфтонимни темирларига тегиб, жаранглаб овоз бериб, силжиб ерга тушди. Чаққонлик билан урган найзам у одамни кўксига санчилди. Дарҳол найзамни унинг кўксидан тортиб олдим. Тезлик билан иккинчи душманга ҳамла бошладим. Шу пайтда аскарларимнинг от устидан мункиб, ерга тушаётганларини кўрдим. Диққат билан

душман ишлатаётган қуролга кўз ташладим. Гилзойилар ниманидир менинг аскарим устига ташлаб, уларни от устидан ерга тупроқда ағдараётганликларини кўрдим. Бу қандай қурол экан, деб ўйладим, у силоҳ ўроқ шаклида бир ҳалқа бўлиб, ҳалқанинг бир чеккасидан ингичка занжир боғланган, занжирнинг бир учи гилзойининг қўлида, яна бир учи келиб менинг сарбозларимнинг баданига санчилади. Сўнгра, у гилзойий ўз қўлидаги занжирни тортиб сарбозларимни отдан ағдариб, талвори билан ҳалок қилади. Гилзойилар бу силоҳни ишлатишда шундай маҳоратликдурларки, отилган занжирлик ҳалқа хато қилмасдан бир аскарни бутунлай нобуд қилади. Талворлари ҳам ҳақиқат ўткир ва хатарлик. Бир зарба билан аскарни иккига бўлиб ташлайди. Гилзойиларнинг бу сирли силоҳидан ўша дақиқада воқиф бўлдим. Дарҳол аскарларимни орқага чекинишларига қарор қилдим. Чунки, душманнинг бизга қарши ишлатаётган қуроли ҳеч бир кўрилмаган ва эшитилмаган бўлиб, ундан ўзимизни қандай мулофаа қилишни ўйлаб кўриш учун майдондан ташқарида дурустроқ кенгашмоқ лозим эди.

Бизнинг найзаларимиз гилзойининг баданига етмай туриб, улар отган ҳалқа бизнинг сарбозларимизни ишдан чиқариб, нобуд қилмоқда эди. Бунинг маъноси: бизнинг қўлимиздаги қуролларимизни ишдан чиқарилганини билдирар эди. Мана энди Баржаид минтақасидаги икки юз эллик нафарлик отлик аскарларимнинг биронтаси қолмай нобуд бўлганини ҳақиқати очилган эди. Душманнинг менга отган ҳалқаси билан мен ҳам йиқилишим керак эди. Фақат устимдаги қуфтон монеълик қилиб, у ҳалқа менинг жасадимга санчилмади, акс ҳолда ерга тушиб кетди. Агар қуфтон бўлмаганда мен ҳам ерга йиқилган ва бир талвор зарбаси билан икки нимта қилинган бўлар эдим.

Карнай овози ва байроқларни силкитиш ишораси билан бутун аскарни кейинга чекинишга амр берилди. Икки жаноҳ билан қалбадаги қувватлар орқага чекинар экан, бутун аскарларга темир либос тезлик билан кийдирилиши лозим экан, деган фикр хаёлимдан ўтди.



Гилзойлар қўлига тушган аскарларимни ҳаммасини ўлдирганини ўз кўзим билан кўрдим. Уларнинг ақидалари бўйича қўлга тушган душман дарҳол ўлдирилиши керак экан. Уларда асир сақлаш одати йўқ экан. Ҳозирги соатда устун бўлиб турган қўшин яна бир соатдан кейин мағлуб бўлиши эҳтимолдан холи эмас. У ҳолда асир бўлган душман ҳар бири бир қувватга молик бўлиб, бизни ўлдиради. "Душмандан дарҳол интиқом олинса, кесилган бошдан ун чиқмайди" деб масал сўзлашар эдилар. Мен бўлсам қўлимга тушган асирларни исён қилишмаса ўлдирмайман. Урушдан кейин улардан фидоя олиб, озод қиламан.

Мен орқага чекингандан кейин гилзойларнинг сарбозлари ўз сафларини бузмай турардилар. Ҳол тили билан бизга "Қани, яна ҳамла қилмоқчи бўлсанглар, сизларни яхши кутиб оламиз" дер эди. Мен дарҳол лашкарбошиларимни тўплаб, кенгаш бошладим. Мажлисни бошлаш билан сўзимни шу мазмунда бошладим: "Мен ўлимдан кўрқмас баҳодир йигитларимга бир ишорат қилсам, охирги нафарлари қолгунча улар амримни бажарар, бунинг учун жоң фидо қилишларига ишонаман. Аммо, бундай ўринсиз фидо қилишдан фойда чиқмайди. Мен уруш бошланишидан илгари сизларга ҳар қандай талафотларга қарамай урушни бартараф қилиш керак" — деб эдим. Мақсадим урушни тўхтатмай давом эттирмоқ эди. Ундан муродим, аскарни мақсадсиз ажал қўлига топширмоқ эмас эди. Уруш бошланмасдан олдинги режа ва тахминларимга, қўлимиздаги силоҳларимиз, аскарларимизнинг ғайрат ва маҳорати билан душманни енгамиз, деган фикр бор эди. Уруш давомида маълум бўлдики, бу душманни, биз ўйлагандай осонлик билан маҳв қилмоқ мумкин эмас экан. Уларнинг қўлидаги хатарлик талвор, занжирлик ҳалқаларни ишдан чиқармоқ учун ҳар бирингиз ўз фикрларингизни билдирсангиз, урушда галабани сақлаб қолсак, деб кенгашни бошладим. Қани, ҳар ким фикрини сўзласин, кенгашайлик" дедим.

Зобитларим орасидан Латиф мингбоши сўз олди: "Эй Амир, сизда боруд бўла туриб, нима учун гилзойларни,

талвор ва ҳалқасидан андиша қиласиз? Нима учун уларга қарши боруддан фойдаланмаймиз?” — деди. Мен унинг фикрига яхши тушунмай бундай жавоб бердим: “Ўғлим, боруд ҳисорларни очмоқ учун фойдаланилади. Агар бир Ферузобод шаҳрини муҳосара қилган бўлсак, ўзимизни қалъа остига олсак, у вақтда ҳисорни бузмоқ учун нақаблар кавлаб, боруд ишлатмоқ мумкин. Майдон ерида боруд ишлатмоқ ноқобилдур”.

Латиф мингбоши қирқ ёшлардаги йигит эди, менга қараб туриб: “Агар мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, гилзойларни оёғи остида боруд портлатардим” — деди. Мен, яна унинг мақсадини англамай: “Сен гўдаклардай бемулоҳаза сўзлама, ўзинг яхши биласанки, биз уларнинг оёқларини тагига нақаб қазиб боролмаймиз. Улар бутунги ўрунларини ўзгартишса биз кавлаган нақаблар бекор бўлиб қолаверади. Сўнгра, биз яна улар қаерга кўчса, ўша ергача оёғи остини мўлжаллаб нақаб кавлаб юраверамизми? — дедим.

Мингбоши жиддийлик билан: “Эй Амир, мен сизга нақабдан баҳс қилмадим, гилзойларнинг оёғи остига нақаб кавлаб бориб бўлмаслигини ҳамма билади. Аммо борудни халта ё кичик кўзага ёки мешга жойлаб, пилта қўйиб, ўт туташтирган ҳамон гилзой аскарларининг оёғи остиларига ташлаб, портлатиб юбормоқ керак”, — деди.

Мен боруд билан қалъаларни бузиб юрган кунларимдан бери боруддан уруш майдонида яна қандай фойдаланишни фикр қилиб юрар эдим. Шу кунгача бу ҳақда шундай қарорга келмаган эдим. Бугунги талафот билан у хаёлимдан мутлақ кўтарилган эди. Латиф мингбошининг бу гапи диққатимни жалб этди. Ўз-ўзимга: “Бу ишни имтиҳон қилиб кўрганда фойдаси бўлмаса зарари ҳам йўқ-ку!” дедим-да, бир халта борудни тўлдириб, бир фатила ўрнатдик, Латиф мингбоши фатилага ўт туташтиргандан кейин бир тарафга қараб отди. Борудни отар вақтда: “Гилзой аскарларини шу ерда турган, деб фараз қилайлик” — деди.

Чармдан қилинган борудлик халта ерга тушган ҳамон портлаб, бир мудҳиш овоз фазога кўтарилди. Синов

амалиётидан кейин Латиф мингбоши: “Агар шу хилда бир мунча халтани борудга тўлдириб, гилзойлар оёғи остига отсак, улардан бир мунчаси ўлади, қолганлари даҳшатга тушиб, ўз сафларини бузиб, гангиб қолади. У ҳолда уларни тамоман нобуд қила оламиз” — деди.

Дарҳол бир мунча чарм халталарни ҳозирлаб, кун кеч бўлмасдан туриб, Фур подшоҳининг устига ҳамла бошлашни буюрдим. Ўша куннинг ўзидаёқ борудларимизни гилзойларга қарши ишга солдик. Сарбозларим фатилаларга ўт туташтириб, душманга отдилар. Баъзи фатилалар қисқа бўлиб қолғони учун мўлжалга боргунча портлаб кетиб ўзимизга зарар етказди. Шунини ҳам эслатиб ўтмоғим лозимки, шу вақтгача борудни шағал тошлар билан бирга халтага тўлдириб ёки кўзачага жойлаб, фатилалар орқали ўт қўйиб, душман қўшинига зарба бериш тажрибаси қилинмаган эди. Бу урушда қилган тажрибамиз, қутулмаган бир муваффақият пайдо қилиш билан, қўшинини чекиниш ҳолатидан ҳужумга ўтказди. Иккинчидан, душман сарбозларини боруд отилгандаги ҳайбатли овоз билан кўрқитиб, шу дамда пайдо бўлган саросималикдан фойдаланиб, ҳамла қилсак, уларга қўлларидagi кўрқинчли силоҳларини ишлатишга фурсат бермай туриб, кўрғондай мустаҳкам бўлган ҳалқа шакли сафларини паришон қиламиз, деб ўйлаган эдим, чиндан ҳам душман аскарлари бизнинг портлаган борудимиз ҳайбатидан даҳшатга тушдилар. Доира шаклидаги сафларини бузиб саросима бўлиб қолдилар, юз берган бу аҳволни кўрганим ҳамон, ўз қўшинимни ҳужумга ўтишга амр бердим. Аскарийларга шу жумладан боруддан фойдаланишни ташвиқ қилган Латиф мингбошига кун қоронғулашмасдан майдон урушини тугатиб, шаҳарга кирмоғимиз керак. Агар шундай қилмасак, кечаси совуқда қолган аскарлар ҳалок бўлмаса-да, эртага мушкул бир ҳолга тушиб қолишига сабаб бўламиз, деб огоҳлантирдим.

Абдол Гилзой аскарларининг тузиб турган доиравий сафлари уларни енгилмас қўшин қилиб кўрсатар эди. Боруддан кейин, доиралари бузилиши билан уларнинг заиф аҳволлари билиниб қолди. Сўнгра душман

кўшинидаги қаллоб (ҳалқа) ўлчовлари ҳам бирмунча кишилардан иборат эканлиги билиниб қолди. Ҳозир менинг аскарларим гилзойи ҳалқаларини душманнинг бугун қувватини қандай қилиб ўртадан кўтариб ташлаш йўларини яхши билар ва шу мақсадда ҳужумга ўтган эди. Ишни қилич, найзалар билан бошлаб, гилзойиларнинг саросима, пароканда бўлган қувватини ўлдириш, мажруҳ қилиб ишдан чиқаришга киришганларида, гилзойиларнинг ҳалқа ҳимоялари аввалги каби ҳалқа отолмас, то ўзини англаб, ростлаб нишонга олиб бўлгунча фурсат беролмай, найза санчилар, қилич билан ағдарилар эди. Энди менинг аскарларимни гилзойиларнинг ҳалқа, талворларидан отдан йиқилиб икки нимта бўлаётгани кўринмас эди. Уруш шу тартибда бизнинг ғолибиятимиз томон кўчди. Бу вақтда тепаликдаги тош билан ясалган қалъаларига кириш силоҳшурлик нуқтаи назаридангина эмас, кўшиним аскарлари ва отларини совуқ шиддатидан зарарсиз сақлаб қолиш учун ҳам зарур эди.

Ферузобод қалъасининг ташқарисида қолиш шахсан мен учун аҳамиятсиз эди. Менинг кигиздан қилинган чодирим совуқ таъсирини ўтказмаслиги муқаррар бўлса ҳам кўшин бошлиғи ўзининг ғамида бўлмай, кўшин аскарлари ғамида бўлмоғи лозим эди. Агар кечаси аскарларим бошпанасиз саҳрода қолсалар, отлари билан ҳаммасининг жони ҳалокат остида қолди, деган гап эди. Мана шу нозик масалага мен қанчалик аҳамият берган бўлсам, мағлубиятга учраган гилзойи ҳам бизни бир илож қилиб саҳрода қолдириш, қалъа йўлини тўсиб олиш фикрида эди.

Майдондаги ишлар бизнинг фойдамизга қараб юргани ҳамон (отлиқларим билан гилзойи кўшин ўртасида қизғин урушлар давом этиб турган вақтдаёқ) бир мунча сарбозларни ёнимга олдим, халталарга тўлдирилган борудларни кўтариб, Ферузобод қалъасига борадиган тепаликка от кўйдим. Гилзойиларнинг биздан олдинроқда, қалъага қараб юрган аскарларига етиб олиб, олдини тўсиб, қалъасига киргизмаслик учун шиддат билан отни қамчилаб илгарिलाган эдик, отларимиз нафас ололмай қолдилар.

Пастдаги майдонда бўлаётган уруш гилзойларни тангликка солиб қўйган эди. Бизнинг тепадаги қалъаларига от солганимизни кўрса ҳам гилзой қўмондони бир қисм аскарини бизнинг йўлимизни тўсишга юбора олмади. Гилзой қўмондони шаҳардан ташқарига чиқиб бизни қарши олиши унинг уруш тартиб-қондасидан бутунлай хабарсиз эканлигининг далили эди.

Ҳаммага ўхшаб мен ҳам баҳодирликни уруш ютуқларининг омилларида деб биламан. Аммо шуни билиш керакки, баҳодирлик деганда кучгина кифоя қилмайди. Уруш кишилари кучлик юракка ҳам эга бўлмоғи даркор. Шу билан бир вақтда қўмондон уруш санъатидан хабардор бўлиши, ақл-идроклик бўлмоғи ҳам лозим. Агар шу урушда гилзой қўмондони Ферузобод қалъасини мустаҳкамлаб олганида қишнинг совуқ ойларида қўшинимиз шаҳар қамали билан овора бўлиб совуқда қийналар эди. Қўшинимизни барбод бўлиши муқаррар эди. Аммо гилзой қўмондони қўшинидаги талвор билан ҳалқалик қуролига ишониб, шаҳар ташқарисидаги майдонда бизни қарши олдию, ўз бошига зўр балони тилаб олди. Майдон уруши бошланганида, унинг тадбири тўғри бўлиб кўринган бўлса ҳам, биз тезлик билан унинг силоҳларига барҳам бериш чорасини кўра олдик. Натижада гилзойлар аскарларининг сафи бузилиб, бизнинг қалъага томон илгариламоғимизга йўл очилди.

Мен Ферузобод қалъаси остига борганим ҳамон ўзим билан бирга борган аскарларни учга тақсим қилдим. Тезлик билан қалъа остига етиб бориб аскарларга бир неча чуқур қазиларни буюрдим. Иккинчи бўғинга чуқур қазиб турган аскарлар устига қалъа устидан тош ташлатмаслик учун ҳушёр бўлиб туришни тайинладим. Учтинчи дастани орқа тарафдан хабардор бўлиш, пастдаги гилзойларнинг бизни устимизга ҳужум қилиб қолиш эҳтимолини кутишга тайин қилдим. Ҳисор устидан кўринган бир неча кишини дарҳол нишонга олдик. Маълум бўлишича, бизнинг бу ерларга етиб келишимизни гилзойлар ҳеч бир хаёлга келтирмаган эканлар. Гур подшоҳи бизнинг бу ерларга келишимизга имкон бермайди, деб ўйлаган эканлар.

Нимага деганда шаҳар дарвозасини беркитиб олган бўлсалар ҳам бизга қарши жиддий кураша олмадилар. Бироқ мен шаҳар ичига кирганимдан кейин қаттиқ қонли урушга дуч келишимни ўйлаб, унинг чорасини ўйладим.

Мени жиддий фикрлашга мажбур қилган нарса гилзотийлар қўлидаги бир уриб, икки нимта қилиб ташлайдиган талвор силоҳи ва уни ишлатувчи одамлар — шу шаҳарлик кишилар экани эди. Улар ўз шаҳарларини охирги қатра қонлари қолгунча мудофаа қилиб, бизга шаҳар ичида қийинчилик туғдиришади, деб ўйлардим. Шунини ҳисобга олиб, Латиф мингбошига хабар юбордим. “Биз тарафдан қачон қарнай овози билан ёрдам сўралса, икки минг отлик аскар билан қалъага, бизга ёрдамга келасиз” деб тушунтирдим. Сўнгра ўз ёнимдаги аскарларга уқтирдим: “Шаҳарга кириш ҳамон баланд овоз билан азон айтасизлар, чунки гилзотийлар қондасида азон айтилмоқ сулҳ ишорати ҳисобланади”. Бир туркум аскарларга амр бердим. Шаҳарга кирганимиздан кейин кўчаларга тарқалиб, бутун халққа жар соласизлар. “Кимки бизга қарши урушмасдан ўз жойларида тинч ўтирса, шаҳар халқи қатли ордан, талон-тарож қилмоқдан сақланилади” деб халқни огоҳлантирасизлар, — дедим.

Бу тавсиялар берилгандан кейин Ферузобод дарвозаси остига қўйилган боруд портлатилди. Ҳайбатлик бир овоз билан ерлар ларзага кириб, шаҳар дарвозаси отилиб, тўкилиб тушди. Сарбозлар азон айтиб шаҳарга кирдилар. Жарчиликка тайинланган бўлинмалар шаҳарнинг маҳалла-маҳалласига кириб, менинг эълонимни халққа билдирдилар. Азон айтиш билан жарчининг овози яхши натижа берди. Биз билан урушмоқ учун ҳозирланиб, қўлларида ушлаб турган талворларни қинга солдилар. Қўшиним шаҳарга кириши билан подшоҳ қасри ва аскарлар турадиган лойиқ бир жойни ишғол қилишлари лозим эди. Бу ишларни ҳам муваффақият билан бажараётган эдилар.

Мени ўзим қалъада қолмас эдим. Чунки пастда гилзотийлар билан бўлиб турган уруш ҳали тўхтамаган эди. Гилзотийларнинг сони тобора камайиб бораётган бўлса ҳам, таслим бўлмас эдилар. Шундай пайтда баҳодир

одамлар устидан лаёқатлик киши қўмондонлик қилганида мен ҳарчанд ғалаба қозонолмас эдим. Абдол Гилзойининг лаёқатсизлиги уларнинг шикастига сабаб бўлиб, тун қорайган чоғда майдондаги уруш хотима топди. Бизга тўрт юздан ортиқ асир тушмади, Гилзойининг қўшинлари ўлиб тугади. Майдондаги уруш тамом бўлганидан кейин хотиржамлик билан шаҳарга кириб, подшоҳ қасрига қадам қўйдим. Абдол Гилзойий оиласини қасрдан чиқариб, шаҳардаги уйлардан бирига жойлаштирган экан. Шаҳар халқига омонлик хабари эълон қилинганидан кейин шаҳарда ҳеч қандай интизомсизлик сезилмади. Шаҳар тинчлигидан бутунлай хотиржам бўлганимдан кейин қаср ичини ҳам бирма-бир кўздан кечирдим. Одамларимнинг яшашига халал бергудек бир иш кўрмаганим учун уйларга чироқ ёқулсин, оташдонларга ўт ёқиб, аскарларга яшашга топширилсин, деб ижозат бердим. Ўзим ташқарига чиқдим. Сарбозларнинг яшаш жойларини кўздан кечирдим. Мажруҳларни жойлаштириш учун масжидларни ва шаҳар ичидаги кенгроқ жойларни ишғол қилишни амр этдим. Тезлик билан шаҳарда мавжуд ўтинларни ёқиб иситиш чораларини кўриш ва иссиқ таомлар ҳозирлаб, аскарларни тўйдиришга буйруқ бердим.

Отлар учун иссиқ офилхоналар тайёрлаб, мажруҳлар, аскарлар ва ҳайвонлардан хотиржам бўлганимдан кейин қасрнинг бир хонасига жойлашдим. Толор (қасрдаги подшоҳлар турадиган махсус бир уй) ўртасида бир манғалда ўт ёқилган эди. Толорни ичи бир нечта чироқ билан равшан ёритилган эди.

Абдол Гилзойининг юзи ва чап қўли ярадор бўлган экан. Уни менинг ҳузуримга олиб кирдилар. Менга хабар берганларидай унинг бадани найза зарбасидан тешилган экан, у ўзининг мажруҳлиги ва асирлигига қарамай ғазаб билан ўшқириб: “Мени нима учун бу ерга олиб келтирдинг?” деб менга қаради. Мен унинг сўзига эмас, пўписасига жавобан: “Баржанд минтақасида менинг сарбозларимдан икки юз элик нафарини ўлдирган одам қандай одам эканлигини шахсан кўриб билмоқ учун” — дедим.

Абдол Гилзойий аччиғи билан жавоб берди: “Ўша киши менман, агар сен бугунги урушда ўт ишлатмаганинга

бутун сарбозларингни ўлдириб ташлардим, сени кесилган бошинг, шу соатда кўз олдимда турган бўлар эди” — деди.

Мен унга: “Сен шерюрак, журъатлик киши бўла туриб ҳолингдан беҳабар аблаҳ бир киши экансан, айтаётган жавоб сўзларинг ҳам шу сифатингдан гувоҳлик беряпти. Агар сенда ақл-идрок бўлганда сени бир ишорат билан ўлимга амр берадиган одам олдида бу хилда сўзламас эдинг” — дедим.

Абдол Гилзойи ўзига ишонган ҳолда гапирди: “Мен шикаст еган, мажруҳ бўлган бўлсам ҳам сендан кўрқмайдиган одам эканлигимни билдириб қўйиш учун сўзладим. Ишонмасанг, сарбозларингга буюр, мени кўз олдингда талвор билан парча-парча қилиб ташласинлар. Нақадар азоб-уқубат кўрсам ҳам сенга ёлбормаслигимни билиб ол!” — деди.

Мен айтдим: “Мен сени ялинмаслигингни, жаҳолатинг билан қайсарлигингни бирлашганини тасдиқ қиламан. Агар сен менинг 250 нафар сарбозимни ўлдирмаганингда сен билан ишим ва гаразим бўлмас эди. Баржандан бу ергача бир юз ўттиз тош (тахминан 650 км) йўл босиб, овора бўлиб келмас эдим. Қани, гапир, сен сарбозларимни нима жинояти учун ўлдирдинг? Ҳолбуки, улар ўз йўлларида ўтиб кетмоқда эдилар. Сенинг ҳудудингда бетартиблик қилганлари йўқ эди-ку! Ё сенда чаён табиати борми, кўринган бегуноҳга ниш ураверасан?”

Абдол Гилзойи менинг сўзимни эшитгандан кейин ўзининг мажруҳлиги ва жисмидаги аламини унутди. Оғзини катта очиб, тишининг оқи кўрингунча кулиб, жавоб берди: “Мен Амир Темур деб жаҳонга шухрати билан танилган бир одамнинг сарбозларини ўлдирганимда қандай лаззат ҳис қилар эканман, деб ўлдирдим”, — деди.

Мен унга: “Эй Абдол Гилзойи, мен бугун сени асир қилдим, пойтахтингни бўйсундирганимдан кейин шаҳарни қатли ом қилиш, аҳолининг мол-амволини талон қилишга буюрмасдан, ман этдим. Бутун аскарларим, амалдорларимдан тортиб оддий сарбозларгача уқтирдимки, халқнинг жони, моли,



номусига тегилмасин, эҳтиром қилинсин, аскарий кишиларим ҳеч кимга хиёнатли иш қилмасун” — дедим. Абдол Гилзойнинг чехрасида менга қарши нафрат ва таҳқир аломати зоҳир бўлди ва бундай деди: “Бу гапларни ўз шон-шухратингни меникидан ошириб кўрсатиш учун миннат қилиб сўзлаётган бўлсанг, халқимни қатл ва гарот қилишга амр этсанг шуни билиб қўйки, шаҳардаги гилзойлар шу кечадаёқ сарбозларингни биронтасини қўймай, ўлдириб юборади” — деб ўзини ва халқининг жасоратини айтиб мажруҳ вужудини тетик тутиб туришга интилди.

Мен Абдол Гилзойга айтдим: “Сен шариат амрига хилоф ҳолда икки юз эллик нафар аскаримни бегуноҳ ўлдирганинг, давлатлар орасидаги кўшничилик ва уруш қонунларига қарши жаллодлик қилганинг учун яна бир марта ўлимнинг тасдиқланади. Сенга шундай ҳукм берилишига қарамай, баъзи шартларимни қабул қилишинг шарт билан ўлимдан қолдирмоқни лозим топаман. Бунинг учун тубандаги шартларимни қабул қилишинг керак:

1. Менга ҳарбий харажатларим сарф-чиқимини тўлови учун маълум миқдорда ҳар йили хирож тўлаб турасан;

2. Бундан кейин ҳар ишда, хусусан, давлатни хорижий ишларида менга итоат қиласан;

3. Гилзой халқини менинг қўшинимда хизмат қилишларига тарғиб қиласан.

Ушбу шартларимни қабул қилсанг сени ўлимдан озод қиламан. Фур мамлакатининг ҳаммаси бутунлай ўз ҳукминга боғлиқ бўлиб қолади. Ҳатто сендан кейин бу ўлкаларингни ворисларинг эгаллаб туришига кафолат берилади. Мабодо шартларимни қабул қилмасанг, ўз ўлимнинг ўзинг тасдиқлаган бўласан” — дедим. Абдол Гилзой ўйламасданоқ жавобини берди: “Шартларингни ҳеч бирини қабул қилмайман. Бинобарин, мени тезлик билан ўлдирмоққа амр бер! Гилзой подшоҳ ўзига ўхшаган бир одамга хирож тўлаб, унинг шартларига итоат қилиб яшамайди” — деди. Мен Гилзойга хотиржамлик билан: “Мен сени дарҳол ўлимга буюрмайман. Фазабингдан

тушиб, балки ҳордиқ олиб, тузукроқ фикр юритишинг учун эртага тонг отгунча муҳлат бераман. Унда ҳам шартларимни қабул қилиб, мусбат жавоб бермасанг, сўнгра бошингни жудо қилмоққа буюраман” — дедим.

Абдол Гилзойи жиддий, қатъий ҳолда гапирди: “Сен менга минг йил муҳлат берсанг ҳам шартларингни қабул қилмайман, бундан яхшироқ жавоб ололмайсан. Мен сенга хирож тўлаб ҳаёт кечирмоққа, сенга бўйсуниб сени ҳукминг остида яшамоқни хоҳламайман. Фур ўлкаси биргина Ферузободга соҳиб эмас. Бу мамлакатда шундай тоифалар борки, сен ўзингни тезроқ бу ердан олиб қочмасанг, сендан менинг ўчимни олиш учун кўшинингни еб юборадилар. У ҳолда бу мамлакатдан қочиб ҳам қутула олмайсан” — деди.

Эртаси тонг отганда, ҳаво шу қадар совуқ бўлдики, ходимларидан бири темирга теккан экан қўли ёпишиб қолибди. Агар биз кечаси Ферузобод шаҳри ташқарисида қолганимизда аскарлар билан отларнинг кўпчилиги ҳалок бўлурди. Куёш кўтарилганидан кейин Абдол Гилзойини илиққина тунаган еридан олдириб келиб такрор сўрадим: “Ҳа, ўзингни тирик сақлаб қолмоқ учун бирор фикрга келдингми?”. Фур подшоси жавоб берди: “Мен ўз фикримни ўтган кечаси очиқ-ойдин сўзлаганим учун бошқа фикр қилмасдан ухладим. Такроран айтаман, мен сенга хирож тўламайман, итоат ҳам қилмайман. Сўз ҳам, фикримнинг хулосаси ҳам шудир” — деди. Мен ўз мақсадимни очиқ баён этиш учун айтдим: “Мен келаси йили ёки сўнгроқ Ҳиндистонга юриш қилмоқчиман. Ҳиндистонга бормоқ учун сенинг мамлакатингдан ўтмоқ Хуросон ва Зобилистон йўлларида кўра қулай. Бундай бир ҳаракат учун улуғ бир кўшин ўтадиган йўл сендай гаюр қўмондон ва ботир сарбозлари бор мамлакатда бўлгани яхши. Шунинг учун менга дўстликни аҳд қилсанг, сени ўлдириш лозим эмас. Мақсадим, дўстлик шартини қабул қилсанг, сени жаллодларга топшириш йўлини тутмайман. Қолаверса, Ҳиндистон урушидан тушган ғанимат (ўлжа)лардан сени ҳам баҳраманд қиламан” — дедим.

Абдол Гилзойи ўзининг аввалги сўзида мустаҳкам турганини такрор қилиб: “Мен сенга хирож бермайман. Итоат ҳам қилмайман. Шундай бўлса-да, сен билан дўстлик шартномасини имзолашга тайёрман” — деди. Мен сўзимни дўстлик ҳақида бошладим: “Ундай бўлса, дўстликка ярашадиган муомала усулларини билсанг керак?” дедим ва сўнг бир оз очиқча сўзлашга ўтдим: “Ундай бўлса мени сарбозларимга душманларча ҳамла қилмайсан, зарурат пайдо бўлган вақтларда ўз ёрдамнингни дариг тутмайсан” дедим. Ғур подшоҳи: “Ҳа, албатта, мен бу ишларни бажараман” — деди. Мен унга қатъий ишонч билдирмоқ учун айтдим: “Мен сени гапларингга ишонаман. Шунинг учун сендан шартнома васиқасини имзоламоқни ҳам талаб қилмайман. Сендан бошқа билан шу хилдаги келишувга имзо олганимдан ташқари кафолат учун уни ўғилларидан бирини гаровга олиб турар эдим. Сен эса, ўз сўзингга эга бўлғувчи одамдурсан. Сенга ўхшаш сўзида қатъий турадиган кишилардан бундай шартлар талаб қилинмайди” деган эдим, Абдол Гилзойи: “Хўп, ундай бўлса, сен билан дўст бўлдик. Буни тасдиқлаш учун қўлингдаги гилзойи асирларни озод қил!” деб талаб қилди. Мен дарҳол: “Гилзойи асирлар озод қилинсун!” — деб амр бердим.

Сўнгра дўстликнинг биринчи машваратини қилиб ундан: “Самарқандга тезроқ етиб бориш учун қайси йўлдан кетмоқни маслаҳат кўрасан?” деб сўрадим. Ғур подшоҳи бундай жавоб берди: “Фаслнинг совуғи бошланди, ерлар музлади. Кобулистон, Ғур, Бадахшон йўлларидаги доволар беркитилди. Шундай пайтда Самарқандга бориш зарур бўлса, Ҳирот, Хуросон йўли билан жўнайсан. Бошқа йўллар бу қиш фаслида юриш учун хатарли” — деди.

Мен унга айтдим: “Қўлимдаги улуғ қўшинни бир жойда бир неча кун тўхтатиб туриш юрт-халққа оғир тушади. Бу тўғрида фикринг қандай?”.

Ғур подшоҳи айтди: “Ҳирот ва Хуросон йўлидан юрсанг аскарларга озиқа, отларга егулик топилади” — деб жавоб берди.

Мен ундан яна бир муҳим нарсани сўрадим: “Сен ботирликка лойиқ бир кишисан. Сарбозларингга амр берсанг, менинг аскарларимга ҳалқа ташламоқни ўргатсалар” — дедим.

Фур подшоси жавоб берди: “Сен ҳам аскарларингга амр берсанг, боруд ясаш ва ишлатиш усулларини мени сарбозларимга ўргатишса” — деди.

Мен унга “Ундай бўлса, на сендан ва на мендан бу ишлар талаб қилинмайди, дедим ва: “Орамиздаги дўстлик сени саломатлигингга эҳтимом билан қарашга ундайди. Бизни табиблар сизларнинг табибларингиздан моҳирроқ. Шунинг учун уларнинг қўли остида шифолашмоғингни мувофиқ топаман”, — деб қўшиб қўйдим. Унинг розилигидан сўнг ўзимнинг хусусий табибларим муолажасига топширдим.

Шу кун Ферузободда бир хабар келтирувчи етиб келганидан хабар бердилар. Сўзлашларига қараганда, у одам тахтадан қилинган узун кавуш кийиб, қорларни устидан ўтиб келган эмиш. Мен у одамни кўзим билан кўрмагунимча бу сўзга ишонмаган эдим. Хабаргир бўлиб келган одам узун бўйлик, қарочехра, Фур тоғларида яшовчи одамлардан эди. У одамга кўзим тушган пайтда у таъриф қилинган тахта кавушини қўлида кўтариб турган эди. Қўлидаги иккита текис тахтани қорга ботиб қолмаслик учун оёғига боғлаб олиб, қор устида бемалол юриб кетар экан. Бунини тахта кавуш дер эканлар. Мен тахта кавушни биринчи марта кўриб турганим учун Абдол Гилзойи изоҳ берди. Булар яшаган тоғ тарафларида қор кўп ёғиб, йўллар тўсилиб қолади, шундай вақтларда бу минтақа одамлари ушбу тахта кавушда юриб ўз ишларини бажарадилар”, — деди.

Хабаргирнинг қўлида Абдол Гилзойига аталган бир мактуб бор эди. Мактуб минтақа ҳокими томонидан Абдол Гилзойига ёзилган бўлиб, мазмуни: “Темурбекнинг йигирма минг аскари келаётганда қор тушиб йўл тўсилиб қолди” деган маънода эди.

Мен Абдол Гилзойига айтдим: “Ушбу қор билан тўсилиб қолган йигирма минг аскар менга қарашлик, ўғлим Шайх Умар қўли остидаги аскарларимдур. Мен

уларни тезлик билан етиб келмоқларини талаб қилган эдим. Қорга тўсилиб қолишибди” — дедим. Гумонимча у минтақа халқлари менинг қўшнимга ажнабийлик назари билан қараб, камчиликларига ёрдам беришга тортинган бўлсалар керак. Сен улар дуч келган қийинчиликларни бартараф қилишлари учун бирор бир тадбир кўриб, ёрдаминг билан дўстлигимизни амалда кўрсатсанг” — дедим. Ғур подшоҳи бундай деди: “Агар вужудимдаги жароҳат азоби монелик қилмаганда ўғлингга ёрдам бериш учун ўзим етиб борар эдим. Бунга қудратим етмагани учун у ердаги ҳокимга менинг ўрнимга ўғлингга куч-қудрати етган қадар ёрдам бермоғини талаб қилиб хат ёзаман” — деди.

Шу вақтни ўзида бир котибни чақиртириб ёздирди: “Минтақаларингизда қор билан тўсилиб қолган йигирма минг аскар бизга қарашлик дўстларимизни аскарларидур. Уларга дўстона муомала камчиликсиз ҳолда кўрсатилсин. Уларга кераклик озиқа, отларига ем-хашак, истиқоматлари учун кигизлик чодирлар ва бошқа лавозимот эҳтиёжлари таъминлансин, бу нарсаларнинг қиймати ҳар қанча бўлса Ғур подшоҳи кафилширки, Амир Темур хазинасидан қиймати адо қилинғай” деган маънода эди.

Сўнгра мен ўз тарафимдан Шайх Умарга бир нома ёздим. Ўтган воқеаларни тамоман зикр этдим. Жуда қаттиқ қонлик урушдан кейин Абдол Гилзой билан дўст бўлганимни, ўзга минтақа ҳокими тарафидан кўрсатилган муомала шу дўстликнинг натижаси эканлигини билдириб, тез кун орасида Ҳиротда мулоқотда бўлишимизни билдирдим.

Икки номани ўша тахта кавушлик чопарга бериб жўнатдик. Ғур подшоҳининг сўзига қараганда, мактубларимиз тўрт ёки беш кун орасида ўз жойига етиб борар экан.

Дўстлигимизнинг мустаҳкамлигини намунаси сифатида Абдол Гилзой менга хос бир зиёфат берди. Зиёфатдан кейин, дўстлик нишонаси деб бир қилич тақдим этди. Табибларимизнинг муолажасидан мамнунлиги кўриниб турарди. Табибларимизнинг гувоҳлик беришича, унинг жароҳати оғир бўлса ҳам шифо топишининг имкони бор эди.

*“Мен, фотиҳ Темур” қўлёзмасидан*

## Кўхи Қофлагги разведка Самарқанд. Дағшти Қипчоқ. 1394 йил

Соҳибқирон чодирода тор доирадаги кенгашда Тўхтамиш кучлари, захиралари ва пистирмалари ҳақида тўпланган маълумотларни аниқ текширувдан ўтказишга қарор қилинди.

— Мўғулларнинг шарқ тарафдан ҳамла қилишлари эҳтимолдан узоқ эмас, — деди Амир Жалол. Унинг ўзи ҳам мўғул қавмидан бўлгани учун кенгаш қатнашчилари унинг сўзларига диққат билан қулоқ солишар эди.

— Шунинг учун турли масофаларда кабутархоналар қурилди. Машриқдан олинган хабарга кўра, мўғуллар сони ўн икки туман атрофида. Кабутар олиб келган хабардан сўнг душманнинг қайси йўлдан келишини биламиз. Аммо ...

Амир Темур ташқи хизмат раҳбарининг мулоҳазаларини тинглар ва ўйлар эди. Амир Жалол Дағшти Қипчоқни яхши билади. Мўғулларнинг ҳийлалари ва жанг тактикалари ҳам унга таниш. Шунинг учун уни илғор туманга бош қилиб Тўхтамишхон кучлари илғори турган Дарбандга юбориш зарур. Асосий кучлар учун эса Обисукун (Волга) дарёси қанорида озиқ-овқат ва ем марказини бино қилиш даркор. Тўхтамиш билан урушга жиддий қараш лозим. У ҳам бу олишувга жуда пухта тайёрланаётгани ҳусусида ахборотлар етарли.

Соҳибқирон барча масъул саркардалар, аруз лашкар, амир ул-умаро ва ҳарбий вазир фикрларини ҳам тинглаб бўлгач барчага рухсат берди.

Унинг ёнида Маъсудбек, Амир Азизуддин ва Амир Жалол қолишди.

— Менга яна қандай таклифларингиз бор?

Маъсудбек кўйиндан харита чиқариб белги қўйилган нуқталарни кўрсатди.

— Тўхтамиш мана шу жойларга худди аввалгилардек пистирмалар қўйган. Чалғитувчи туманларни тайёрлаб асосий кўшин манзилгоҳини сир тутиш чораларини кўрган.

— Лашкарнинг умумий сони қанча?

— Йигирма тумандан ошади. Литвадан, Ўрусия, Малахия ва бошқа ўлкалардан яна аскарлар тўпламоқда. Черкас, лезгин, чеченлардан ҳам ёлланма лашкар тузган. Гуржи, осетин, арманилар ҳам етарли. Мисрдан юборилган мамлуклар Тўхтамишни жуда ишонган тоғи.

Амир Темур харитадаги чизиклар ва белгилар билан қизиқди. Сўнг ўзининг тугал хулосасини айтди.

— Амир Жалолга синалган баҳодирларимдан иборат бир туманни топширамен. Унинг асосий вазифаси ...

Амир Жалолнинг бутун вужуди қулоққа айланди.

— Сенга жуда қийин бўлади, ўғлим.

— Ишончингизни оқлайман, ота!

Амир Жалолнинг кўксидан отилган бу нидо Соҳибқирон қалбини илиқ меҳрга тўлдирди.

1394 йил декабрида Амир Жалолнинг хабаргир — разведка тумани манзил томон юришни бошлади. Ҳамма нарса ҳисобга олингандек эди. Озиқ-овқат, ем-хашак, намат, тақалар етарли захира қилинган.

Дашти Қипчоқни яхши биладиган ғажарчилар бошлиғи Элбек йўл азобининг нималиги хусусида яхши хабардор. Маъсудбек унга, Амир Жалолга уни қўшиб бергани ҳам бежиз эмас.

Қор устида юриш азият бермаса ҳам баъзи жойларда қўлмак сув, тойғоқликлар отларга қийинчилик туғдирганда отлар оёғи остига кигиз солишни Элбек ўргатди. Бир ҳафтадан сўнг шиддатли совуқ шамол бўлганда ҳам Элбек чидам бобида матонат кўрсатиб барчага намуна бўлди. Буража деб аталувчи бу шамол совуғи юзга урилса, темир қизитиб босилгандек оғриқ беради. Офтоб чиқса ҳам унинг шиддати кесилмас эди. Кўз очиб юмгунча қулоқ-бурунга шамол тегса қорайиб кетади. Жангчилар минган отининг тизгинини бир билагига, етак отнинг тизгинини яна бир билакка ўтказиб олиб, қўлларини қўлтиқларига тиқиб совуқдан сақланишга ўрганишди. Отларнинг оёқларига илашган қорлар қотиб музлаши билан шиша устида юргандек сийғана бошлади. Баъзан бир-икки от йиқила бошлаб, ўрнидан туролмай қолди ҳам. Отлиқлар пўстинга ўралган бўлса ҳам қулоқ-бурунларига

урилган шамолдан азият чека бошлади. Буража икки кундан кейин тўхтади. Лекин совуқ шиддати пасаймади.

Амир Жалол ёнида хотиржам бораётган Элбекка сўз қотди.

— Бу кетишда отлардан ажраб қолмасак дейман.

— Яна озгина юрсак, ўрмонга етамиз, амирим. Ўша ерда исиниб отларга ҳам дам берамиз.

Чиндан ҳам оқшомга яқин узоқда қора ўрмон кўринди. Лашкарга қувват кириб отлар ҳам илдамлаб кетди.

Осмонни қора булут қоплади. У тобора куюқлашиб даштдаги қорлар ҳам кўзларига қора кўрина бошлади. Мовароуннахрнинг жангларда синашта баҳодирлари умрларида бундай ғалати ўрмонни кўришмаган эди. Болта, арра-ю тешалар ишга тушди. Хайма-ўтову чодирлар ва отлар учун вақтинча оғиллар ясалди. Бу ўрмон дарахтлари ҳўл бўлса ҳам яхши ёнар, тафти иссиқ.

Гулханлар атрофида одамлар узоқ йўл азобини унутишди. Пишаётган гўшт, қайнаётган қозонлар иштаҳани қитиқлайди.

Амир Жалол ҳодирда овқатланар экан, Элбекка ҳурмат ила қараб қўйди. Қип-қизил пишган гўштни унга илинди. Элбек жавоб тариқасида ўзи билан олиб юрадиган ўрдак шаклидаги кўзачадан аллақандай суюқлик кўйиб унга узатди.

— Совуқдан зўр даво бу.

Амир Жалол косачадаги бу суюқликдан бир ҳўплаб юзи бужмайиб кетди.

— Олов-ку, бу, олов...

Элбек хандон ташлаб қулди.

— Нафас олмай кўтаринг, амирим!

Амир Жалол у айтгандай қилди. Танасини куйдирган иссиқликдан ҳузурини яширмади.

Элбек бу ичимликнинг шифобахш сифатларини таърифлаб кетди. Сухбат аста асосий мавзуга кўчди.

— Тўхтамиш қайси йўл билан Дарбандга боради? Оловли ердан қандай ўтади? Ер остидан ёғ булоқдай қайнаб чиқадиган оташдан ўтиш мумкин эмас-ку!

— Биладан, — деди Элбек, — бу ўтни шу вақтгача ҳеч ким ўчиролмаган. Қишин-ёзин ёниб тураверади.



Дарбанднинг жанубида Хазар Обисукун денгиз қирғоғидаги бу минтақани Боб ул-атвоб деб аташади.

Амир Жалол қизиқчилик қилиб сўз қотди.

— У ўлканинг халқлари бахтли экан, доимо олов ёниб турса, биздек совуқдан титрамас экан.

— Қўйсангиз-чи, амирим. Совуқ балоси каби ўт ҳам зўр офатлардан бири. У ўт ёнига одамлар боролмайди. Борганлар эса нобуд бўлишади. Алангаси осмон бўйлаб ўрмалаб туради. Уни сув сепиб ҳам ўчириб бўлмайди. Баъзи одамлар уни оташкада — олов уйи дейишади.

Амир Жалол ўйланиб қолди. Унга таниш Дашти Қипчоқ ўлкаси икки дарёнинг ўртасига жойлашган, кенлиги икки юз тош масофани эгаллайди. Жилғалари билан ҳисобга олинса жуда бепоён, халқи ҳам кўп. Жанубдаги Доғистонни ҳам унутмаслик керак. Унинг тоғлари орасида осмоннинг юлдузича кўп қабилалар яшайди. Дўстлар ҳам, душманлар ҳам бор. Тўхтамишнинг айғоқчилари ҳам анойи эмас.

Улар лашкардан хабар олгани иссиқ ўтовдан ташқарига чиқишганда қор ёға бошлади. Ҳаво хийла юмшаган.

Тонг отиши билан ўн минг отлиқ туман йўлга тушди. Туманнинг олди-орқасига хабар олувчи — разведкачилар дасталари чиқарилди.

Ҳавонинг юмшоқлиги, отларнинг сирпанмасдан юришлари соясида суръат билан илгарилаётган отлиқлар кайфияти кўтаринки. Улар тезроқ манзилга етиб олиш иштиёқида. Пешинга яқин булутлар тарқаб офтоб чиқди. Унинг нурлари оппоқ қор устига тушиши билан кўзлар қамашиб кетди.

— Ғилдираксиз арава! — қичқирди кимдир. Олдинда юзларига қора ниқоб тутган одамлар ғилдираксиз араваларда олға кетар эдилар.

— Бунинг оти — чана, — изоҳ берди Элбек, — ҳамма юзига шундай қора ўрасин.

Лашкар шу билан кўз қамашишидан қутулди.

Олдинга кетган хабаргирлардан бир отлиқ уларга яқинлашди. Унинг хабарига кўра отлар ўз йўлларини билалмай қолибдилар. Қўшиндаги йўл биладиган отлар итлардан ҳам зийрак. Нима учун улар тўхтаб қолгани

хунук воқеа. Албатта, ёғиб турган қор миқдорининг кўплигидан отлар эски йўлни ҳидлаб топишдан маҳрум бўлишган.

Амир Жалол туманга тўхташга амр берди. Атрофга қараган лашкар оч бўриларнинг ярқираган кўзларига назар солди. Улар увиллайди. Отларга яқинлашади. Ўқларга ҳам парво қилмайди.

Аксига қор ҳам тўхтаб, совуқ кучайди. Вақтинча қурилган оғилларга отлар жойлаштирилди. Қор устига тикилган чодирлар атрофида оч бўрилар изғимоқда. Соқчилар бўрилар билан олишиб зир югуришади. Вазифасини адо этганлар ўрдугоҳдаги энг иссиқ жой — оғилларга кириб исинишади.

Амир Жалолдан тортиб мингбошию юзбошиларни ҳам босди. Совуқнинг шиддати, озиқ-овқат ва ем-хашак захираларининг камайиб қолгани уларни, чиниққан ва кўпни кўрган баҳодирларни ҳам ташвишга солар эди. Элбек билан ёнма-ён турган Амир Жалолнинг нигоҳи порлаб турган Жади юлдузига тушди. Ҳаво ёриша бошлади. У шарққа қаради. Қоронғи. Шимол тарафда эса тонг шафағи.

— Тонг шафағи шимолдан чиқадими? — сўради у Элбекдан.

— Қиш ойининг баъзи кечаларида кутб шафағи Қофқозиянинг шимолида кўринади, ажабланманг.

Чиндан ҳам кўп ўтмай шафақ ҳам йўқолиб атрофни зулмат босди.

— Мен, — деди чуқур нафас олиб Амир Жалол, — ўзимни ҳеч нарсадан кўрқмайдиган инсон деб ҳисоблардим. Бироқ ҳозир шу ерда мени ваҳшат қопляпти.

Шу пайт юзини кўркув қоплаган мингбоши Латиф унинг ёнига келди.

— Эй, амир, нима бўляпти ўзи?

— Ихтиёримиз кўлимиздан чиқди, Латифбек. Ҳар нима бўлса ҳам Аллоҳдан. Офтоб ўз еридан чиқмаса, қиёмат қойим бўлишини биламан, холос.

— Демак, маҳшаргоҳнинг ҳисобига ҳозирланмоқдан бошқа аҳамиятли иш қолмабди-да!

Аммо уларнинг интизорлигига қарши офтоб ҳам чиқмади, қиёмат ҳам ошкор бўлмади. Чодирга кирган

Амир Жалол билан Элбек бир муддат ҳордиққа ётишди. Орадан бир қанча вақт ўтгандан сўнг кун ёришиб кетди. Офтоб нури саҳрони ёритиб юборди. Лашкар отларга миниб йўлга тушишга буйруқ олди. Саҳронинг текислиги кўз иллаган жойга қадар кўриниб турибди.

Отлар пишқириб икки-уч тош юргач узоқдан одамлар кўзга ташланди. Сўнг ўша жойдан отлиқлар кўринди. Улар аввал олдинга юборилган бўлинмачилар экан.

— Калонага ўрнашдик, — деди улар, — сизлар учун жойлар, озиқаю ем-хашақлар, отларга оғиллар тайёрладик.

Бу хабар яшин тезлигида лашкар ўртасига тарқади. Отлар ҳам, одамлар ҳам муқаррар ҳалокатдан қутулганлари ва нажот эшиклари очилганидан Аллоҳга шукроналар айтиб олға одимлашди.

Калона анчагина катга қишлоқ экан. Элбек бу қишлоқ оқсоқоли билан ўз тилида гаплашди.

— Биз Кўҳи Қофга яқинлашибмиз. Ундан ҳеч ким, ҳатто семурғ ҳам ўтолмас эмиш.

Амир Жалолнинг Калона оқсоқолининг Семурғ ҳақидаги баҳсидан завқи келди.

— Тоғ ошиб юрмоқдан бошқа йўл йўқми, Элбек? Шунга сўра-чи?

Оқсоқол унинг гапларига жавобан шундай деди:

— Эй, Амир! Манзилингизга Табар томонидан ўтилади. Йўлнинг кенглиги баъзан бир газ бўлса, баъзан ярим газ келади. Табар девонининг бошланишидан тоғнинг учига қадар илон изи каби айланиб тоғ бошига чиқилади. Тоғнинг бошига чиққан одам тоғнинг олди-орқаси ва дарё юзини бемалол кўра олади. Тоғнинг орқаси Кавказнинг шимол минтақалари, Қипчоқ ўлкалари, тоғнинг олди Кавказ тоғларининг жанубий минтақалари ва Хазар дарёсидир.

Амир Жалол Элбек билан маслаҳат қилиб разведка дастасини олдинга юбориш ва Амир Темур кўрсатган манзилдаги даракчилар билан алоқа ўрнатишга қарор қилди. Разведка дастасига синашта зобит юзбоши Фотиҳ Фурийни бошлиқ қилиб тайинлади. Бу одам афғон бўлиб Фур подшосининг содиқ йигитларидан, чарчаш, кўркув, укубат нималигини билмайдиганлар тоифасидан эди.

Асосий кўшин Калонада қолиб уларни кутади.

Элбек оқсоқолнинг уларни айиқ овига таклиф қилаётганини айтди. Амир Жалол бунга рози бўлди. Оқсоқолнинг айтишича, айиқ қиш кирмасдан аввал сахро ва тоғларда юриб баллут, ўрмон асали каби ўзи яхши кўрган озиқаларни кўп миқдорда йигиб, инига келтириб кўяр экан. Қишда бу нарсалар йўқлиги учун ташқарига чиқмай қиш уйқусига кирар экан. Унинг уйқуси узун ва жуда қаттиқ бўлгани учун сахройи ҳайвонлардан “рассо”, “ҳад” деган сичқон турлари унинг уйқусидан фойдаланиб айиқ захираларидан ер экан. Бу ҳайвонларни овламоқчи бўлган тулкилар қиш совуғидан кўрқмай ташқарига чиқиб айиқ унгурини топар экан. Бу унгури тулкидан бошқа кимса тополмаслиги учун бу ернинг халқи тулки изига қараб бориб айиқ маконини аниқлар экан.

Амир Жалол билан Элбек қўлларида таёқ кўтарган қишлоқ овчилари билан айиқ унгурига қараб йўл олишди.

Овчиларнинг икки баҳайбат ити айиқ унгурига кириб кетди. Итларнинг баланд овозидан уйғонган айиқ бўкирди. Ичкаридан оғиз-бурни қонаган тулки отилиб чиқди. Орқасидан баҳайбат кулранг айиқ кўринди. Айиқнинг бўйи шу қадар баланд эдики, овчилардан бири олдига яқинлашганда унинг бўйидан анча юқори турар эди. Овчилар таёқлари билан унга ҳамла қилишди. Айиқ бўкирар, қўли билан таёқдан ўзини ҳимоя қилишга уринар эди. Овчилар таёқлари остида жони узилган айиқнинг териси шилиб олиниб, гўштлари ўртада тақсимланди. Ўша куни барча гўштга тўйди.

Калона қишлоғида туришганининг еттинчи куни Фотиҳ Ғўрий бошчилигида разведкачилар қайтишди. Улар муҳим хабар олиб келишган эди.

Қандайдир кўшин билан жанг бўлган. Шайх Али Баҳодир бош туман катта талафот кўриб Боб ул-атвотга чекинган. У ёрдамга муҳтож..

Амир Жалол буйруғи билан лашкар ҳаракатга келди. Шимолдан жанубга йўл бошланди. Маҳаллий тилда “ШинҒория” дейилган Кавказ тоғлари минтақасида Тўхтамишга ёрдамга келган кучлар жамланмоқда.

Лашкар кечаси билан юриб Қож ўрмонига етди. Нукул қарағайлардан иборат бу ўрмон узра ёввойи ўрдаклар овозлари эшитилар эди. Амир Жалол хузурига мингбошиларни чорлади.

— Эрта уруш куні бўлади. Қўшин яхши дам олсун. Ўрдугоҳнинг тўрт тарафига қоровуллар қўйилсун.

Мингбошилар бу қарорни маъқуллашди. Қож ўрмони атрофида лашкар ҳордиққа кетди.

Офтоб найза бўйи кўтарилгандан кейин лашкар сафланди. Уларнинг тетик ва бардамлигини кўрган Амир Жалол руҳланиб шундай хитоб қилди.

— Бугун уруш кунидир. Олдимизда турган душман Тўхтамиш ва унинг иттифоқчиларидир. Мақсадимиз галаба қилиш. Чекинишга йўл йўқ. Тўхтамиш бизнинг мусулмон ўлкамизни барбод, молларимизни талон-тароҳ, мусулмонларини асир қилмоқ қасдида яна қўшин тортди. Биз ўз жонимизгина эмас, юртдаги қариндошларимизнинг омонлиги, эркин ҳаётини ҳам ҳимоя қиламиз. Яна Амир Темур шарафи учун ҳам жанг қиламиз. Соҳибқиронга жон фидо!

— Жон фидо!

Минглаб овозлар ҳайқиригидан ўрмон ларзага келди. Бир ғоя, бир мақсад сари жипслашган навкар, сипоҳ, зобит, мингбошилардан иборат синашта лашкарга ҳеч қандай куч бас келолмас эди. Бу лашкар жуда кўп синовлардан ўтган, не-не жангу жадалларда бой тажриба орттирган малакали қўшин эди.

Пешинга бориб узоқдан Шайх Муҳаммад Идикунинг отлиқлари кўринди. Пиёдалар ҳам. Ўн минглик тумандан уч минги омон қолибди.

— Биз душманларнинг ҳарбий аробалари туфайли енгилдик, — деди туманбоши ва бўлган воқеаларни Амир Жалолга ҳикоя қилди. — Тўхтамишга қўшилиш учун келган қўшинда Миср ва рум аскарлари ҳам бор. Қуроллари мукамал. Камончиларда арбалет дейиладиган хавфли қурол кўп. Энг даҳшатлиси ҳарбий аравалар.

Амир Жалол билан Шайх Муҳаммад қўшинлари қўмондонлари оқшомда қурултойга йиғилишди. Қурултой очишдан мақсад душман аробалари ҳужумини тўсиш

ёки мутлақо тўхтатиш учун тадбир топмоқ эди. Бунинг учун биринчи чора аробага қўшилган отларни ишдан чиқариш бўлар эди. Мана шу отларни қандоқ қилиб ўлдириб, ишдан чиқариш чораси муҳокамага қўйилди. Мажлисда иштирок қилганлар орасида Шохрух Мирзо хос кишиларидан бўлмиш Отобек деган кўмондон ўрнидан туриб ўз фикрини билдирди. Отларни ўлдириш учун илгариде Абдол Гилзойининг қаллоб андоз аскарлари қўлланган усулни қўллаш лозим. Луристонда қўлланган бу усул барчага маълум, ҳақиқатда аробаларнинг отларини порох-боруд билан ишдан чиқариб юбориш мумкин эди. Фақат борудларни солмоқ душманга отмоқ учун илгари қўлланган чармдан камчилик бор. Буни тушуниб турган Отобек: “Биз бу дафъа чарм қўлламаймиз. Унинг ўрнига Шомдан олинган минглаб кўзачаларимизни ишга соламиз”, — деди Унинг бу сўзи дуруст бўлса ҳам тажрибадан ўтказиб бўлгандан кейин, тўғри топилса, шу йўсинда боруд ҳозирлашга қарор қилиниб қурултой якунланди.

Ўша кеча Шайх Муҳаммад Идику билан Амир Жалол узоқ суҳбат қуришди. Уруш режаси тузилди. Тонг отгач боруд синови ўтказилди. Латиф мингбоши ташаббуси билан Ғур ўлкасида орттирилган тажриба асосида иш кўрилди. Кун пешиндан ўтганда душман қораси кўринди. Олдинда келаётган аробалар икки саф қилиб йўлланган. Шунга яраша Амир Жалол боруд отадиган аскарларини икки сафга тизди. Кўзачалардан бир нечтаси хуржунга солиниб, аскар минган отга юкланди. Улар қатор сафга тизилиб, ҳозир бўлгандан кейин, “Кўзадаги борудларни от устига ташлаш учун мўлжалга оласизлар. Мақсадимиз араваларни эмас, отларни ишдан чиқариш”, — деб буюрилди. Душман тараф уларни диққат билан кузатиб турарди. Борудчилар ўз жонларидан кечиб туриб аробага яқин бориб кўзачаларни ароба отининг устига отдилар. Боруд тушган ҳамон отлар ўлди, аробалар мутлақо ишдан чиқди. Боруднинг овозидан сесканиб кетган отлар шу қадар кўрқдики, аробалар бирдан тўхтаб, орқага қайтди. Шу билан аробаларнинг иккинчи сафи урушга кирмади.

Амир Жалол душман аробаларига боруд отиб турганлар орасида бир аскарнинг палахмонга боруд кўзачасини кўйиб отганини кўрди. Унинг кўлидаги палахмоннинг палласи оддий палахмон палласидан бир оз каттароқ эди. Боруд кўзаси унинг палахмонига бема-лол ўрнашар эди. Буларни кўргандан кейин аскардан: “Боруд кўзасини палахмонга солиб от” деб ким айтди?”, — деб сўради у. Аскар жавоб берди: “Кўзанинг ҳажми тошнинг ҳажмига баробар экан, тош отадиган палахмон кўзани ҳам отаверади, деб ўйлаб ўзимча отавердим”.

Кечга яқин уруш аробалари очиқ саҳрога тарқаб кетиб, буюк бир қавс, яъни ярим ҳалқа шаклини вужудга келтирди. У қавснинг учи кенгайиб илгари келмоқда эди. Маълум бўлдики, улар лашкарни икки томонидан ис-канжага олмоқчилар. Шу йўсин билан лашкарни ҳар тарафдан ўраб келиш мақсад қилинганини Амир Жалол яхши пайқади.

Аробаларнинг олдинга ўрнатиб кўйилган ўроқ шаклидаги ўткир тиглари, отларнинг суръати билан шундай офатлик ҳолга кўчган эдики, унинг қаршисига келган от, одамни экинзордаги бугдойни ўрган каби қирқиб-ётқизиб кетар эди. Унинг олдида отлиқ аскар бугдой пояси ўрнида бўлиб қолган эди. Аробаларнинг устидаги тахта қалъа ичкарасида қўлларига темир тортқичлик камон — арбалетлар билан ўқ отмоқда эдилар. Бу камонларнинг ўқи ишорат бормоғи қадар узун бўлиб, шиддатлик пружина қуввати билан отилгани учун теккан одамки, жисмига ботиб кетарди. Бу қуролнинг таъсири кучли бўлса-да, кўзандозлар от устида туриб, кўзаларини палахмон билан отиб, душман аробаси ва отлари устига тушириб ҳалок қила бошладилар.

Амир Жалол икки мингбошига “Кўзандозларни ёнингизга олиб душман аробаларини шарқ томонга ўтишига йўл берманг. Ароба йўлларини тўсмоқ учун кўшинда бор бўлган занжирлар билан арғамчиларни олиб, душман йўлига қозиқ қоқиб, занжир ва арғамчилар билан тўсиб монеълик беринг! Бундан бошқа ҳар қандай чора бўлса қўллаб, душман аробасининг дамини кесишга ҳаракат қилинг! Чопиб келиб турган отнинг оёғига

бир нарсани тўсиб қўйиш билан шаштидан қайтариш чорасини кўринг!” — деди. Шимол ва жанубдан мудофаани Шайх Муҳаммад Идику бошқарди. Булар ўз вазифаларини яхши адо қилиб, ғарбга шарқ тарафдан ҳужум қилган аробаларни ишдан чиқаришди.

Бу куннинг урушидан мўғулларнинг ишонган кучи аробалари экани билинди. Агар уларнинг аробалари ишдан чиқса, пиёда сарбозларни осонлик билан енгиш мумкин.

Бу урушда Амир Жалол насроний аскарларга дуч келди. Уларнинг насронийлиги шундан маълум бўлдики, уруш майдонида “Ишшу”, “Юхан” деб хайқаришар эди. Аробалар ишдан чиққандан сўнг, душман отлиқлари ва пиёдаларини енгиш қийин бўлмади. Юзлаб асирлар олинди. Уларни сўроқ қилишдан кейин кўп нарса ойдинлашди. Тўхтамишнинг асосий кучлари Кавказда экан. Темир девордан ўтилса тўғри ўша жойга борилади.

Амир Жалол мағлуб этилган қўшин Рум, Миср, Литва томондан келган ёлланма аскарлар бўлиб, улар сафида мўғуллардан ташқари бошқа халқлар вакиллари ҳам бўлганини аниқлади.

Вазифа бажарилган эди. Душманнинг эҳтиётда сақлаган зарбдор кучи энди Амир Темур қўшинига хавф соломас эди.

### **Контрразведка хатоси ва разведка ютуғи Терек соҳили. 1395 йил**

Соҳибқирон қишнинг сўнгги кунларида Олтин Ўрда хони билан ҳал қилувчи жанг режасини тасдиқлади. Махфий хизмат раҳбарлари душман лашқари сони, захиралари ва саркардалари ҳақида ахборот беришди.

Ҳарбий разведка бошлиғи Амир Жалол ўз одамлари орқали Тўхтамиш саркардаларидан айримларини ўз тарафига оғдиргани ва улар ҳал қилувчи вазиятда ўзларини намоён қилишларини айтди. Лашқарбошилар, чингизий



шаҳзодалар ва кўшин кайфияти хусусида тўхталди. Асли ўзи мўғул қавмидан бўлгани учун унга кўп нарса аён эди.

— Тўхтамишхоннинг обрўси аввалгидек юқори эмас. Кўпгина саркардалар унга яширин мухолиф. Кўшинда ягона руҳий бирдамлик йўқ. Аслзода хонзодалардан ҳар бири ўзбошимча иш тутади.

Ички хавфсизлик хизмати бошлиғи Маъсудбек лашкар руҳияти баланд экани, лашкарбошилар садоқати собитлиги ва кўшиндаги маънавий-руҳий ҳолат ҳақида ахборот берди.

Ҳарбий вазир эса Олтин Ўрда хони лашкарининг сони, захиралари ва жангга ҳозирлигига оид тўпланган маълумотларини баён қилди. Тўхтамишхон ўточар қуролларга эга эмаслигига алоҳида урғу берди. Тўхтамиш кўшинида мўғул, татар, рус, осетин, черкас, лезгин, гуржилар бор.

Амир Темур лашкарида эса Мовароуннаҳр баҳодирлари, узоқ йиллар давомида Соҳибқирон билан ёнма-ён жанг қилиб келаётган ўну эллик аскарлар даражасидаги маҳоратли жангчилар қатори эндигина жангу жадаллар шукуҳида тобланаётган жангчилар ҳам кўп.

Бу икки саркарда ўртасидаги олишувни узоқ Константинополдан Мисргача, Москвадан Литвагача — барча-барча ҳукмдорлар кузатишар эди.

Амир Темур ва Тўхтамишхон жанги XIV асрнинг энг йирик муҳорабаси эканлигини улар яхши билишган. Икки саркарда ҳам урушга пухта тараддуд кўришган ва ўзларича махфий режалар тузишган бўлса ҳам, лекин ҳеч бири ҳали бўлғуси жангда қандай тасодифлар бўлиши мумкинлигини хаёлларига ҳам келтиришмаган.

Бу жангда икки саркардагина эмас, балки яна икки жанг тизими, икки стратегия ва икки тактика тўқнашмоқда эди. Чингизхон “Ясоси” Амир Темур яратган ҳарбий низом — “Тузуқлар” билан тўқнаш келган эди. Соҳибқирон яратган “Тузуқлар” Қуръони карим ва Муқаддас “Ҳадислар” заминига қурилган бўлса, кўчманчи чингизийлар “Ясоси” ваҳший расм-русумлар, шафқатсиз ва кўр-кўрона тартиб-қоидаларга асосланган эди.

Амир Темурнинг лашкарбошилари ўз ҳукмдорлари тузган “Тузуқлар”га риоя қилган ҳолда кези келганда ўз ҳолларича ташаббус кўрсатишлари ва ўзларича жанг услубини ўзгартиришлари мумкин эди. Ҳеч қандай офат, фалокат ва қутилмаган тасодифлар ҳам уларни гангитиб қўя олмас эди. Ана шу омишлар жанг тақдирини ҳал қилади.

1395 йил 28 февралда Амир Темур лашкари Шимолий Кавказда ҳаракатларни бошлади. Тўхтамишнинг улкан қўшини ҳам худди шу жойда аввалроқ қўр ташлаган эди.

Жангларда чиниққан ва тажрибали саркардаларга эга бўлган Темур лашкари Чеченистон-Ингушетия худудига шитоб билан бостириб кирди. Терек дарёсига қуйилувчи Сунжи ирмоғининг ўнг қирғоғида жанговар марраи эгаллади. Олтин Ўрда хони Тўхтамиш мўғуллар, литваликлар, ўрислар, чеченлар ва Кавказнинг бошқа қавмидан ташкил топган 200 минг кишидан зиёд қўшинини Терек дарёсининг сўл қирғоғи бўйлаб жойлаштирди.

Икки томон ҳал қилувчи жангга астойдил ҳозирлик кўра бошлади. Бу муҳораба ва унинг тафсилотлари ҳақида рус йилномалари, Кавказ халқлари олимлари, Абдураззоқ Самарқандий, Ибн Арабшоҳ ва испан элчиси Клавиҳо ёзиб қолдирган маълумотлар диққатга сазовордир. Икки томоннинг кучи қарийб баробар эди. Бу қўшинларга раҳбарлик қилувчи саркардалар салоҳияти ҳам деярли тенг келарди. Аммо Амир Темур устоз, Тўхтамишхон эса шоғирд эди.

Апрель ойида иккала томон уч кун давомида бир-бирини кузатиб юрди. Ниҳоят, 14 апрелда икки давлат ва икки саркарда тақдирини ҳал қилувчи жанг бошланди.

Отлиқлар ҳаракати учун яйлов ва чўл, яширин ҳаракатлар учун ўрмон, ботқоқлик, дарё ва кўприклари мўл бўлган бу жой Тўхтамиш учун қулай эди. Олтин Ўрда хони урушга пухта тайёрланиб, катта қўшин тўплаган ва қудратли иттифоқчиларга суянган эди. Унинг қароргоҳида Миср султони элчиси Тулуман, Литванинг улуф князи ва Туркия султони вакиллари кузатувчи сифатида қатнашардилар.

Тунда Тўхтамишхон сохта ҳужум уюштириб, Темур лашкарига гулгула солишга уриниб кўрди. Худди шу кеча Соҳибқирон кўшинидаги мўғул хонзодаси — Тўхтамишнинг душмани Ўрисхон ўғли Кенжа ўғлон кўмондонлигидаги туман — 10 минг отлиқ Тўхтамиш тарафига ўтиб кетди. Бу кутилмаган хиёнат Амир Темурнинг жанговар маррасини анча заифлаштириб, мўғул лашкарини кучайтирди. Бу воқеа Соҳибқирон контрразведкасининг жиддий ва кечирилмас хатоси эди.

Эрта тонгда хоин Кенжа ўғлон тумани Бек Ёриқ ўғлон, Оқтой Довуд Сўфи туманлари биргаликда Темур кўшини сўл қанотининг авангорига ҳужум бошлади. Беаёв жангдан сўнг улар бирдан орқага чекинишди. Худди шу пайтда Соҳибқирон машғум хатога йўл қўйиб, захира қисмлардан анчасини душманни таъқиб этишга жўнатди.

Чекинаётган мўғуллар ўз кўшинлари марказига етиб олгач, қўққисдан тўхтаб таъқиб қилувчилар устига ҳужумга ўтди. Олтин Ўрда лашкари зарбдор қисмларининг кучли зарбасидан Мовароуннахр кўшини бўлиниб кетди. Мўғуллар марказга ёриб кириб, Соҳибқирон атрофидаги кўшинни қириб ташлашди. Амир Темур қароргоҳи томон яқинлашаётган Олтин Ўрда суворийлари шитоб билан ҳаракатланиб, рўпара келганларни отдан қулата бошлашди.

Соҳибқирон ҳаёти хавф остида қолди. Тўхтамиш жанг бошқарувини қўлдан чиқарган устозига кетма-кет янги-янги кучларини ташларди. Ҳарбий ташаббус шу тариқа Олтин Ўрда хони қўлига ўтди. Амир Темурнинг танг аҳволини кўрган саркардалар зудлик билан унинг ҳимоясига ошиқишди. Узоқ йиллар давомида Амир Темур билан жуда кўп урушларда қатнашган баҳодирлар, доимо танг вазиятларда ҳам ўзини йўқотмай мустақил иш тутишга кўниккан, жавобгарликдан чўчимайдиган саркардалар, бутун ҳаётини жангларда ўтказиб бахтини фақат шунда кўрувчи беку амирлар бу гал ҳам панд беришмади. Улар жанг ҳалқасини чамалаб, ўзларича мустақил ҳаракат бошладилар. Шайх Нуриддин Сабуқа отлиқларига отдан тушиб, камонлардан душманни ўққа тутишга буюрди. Амир Муҳаммад Озод ва унинг укаси

Алишоҳ пиёда аскарлар билан араваларни бир-бирига боғлаб Соҳибқирон атрофида ҳимоя ҳалқасини вужудга келтирди. Бу Самарқандда 1365 йилда мўғулларга қарши қўлланган баррикада услуби эди. Араваларда ўтирган жангчилар ҳали ҳеч ким кўрмаган қурол — “ўтсочар найзалар”ни ишга солишди.

Амир Худододи Хусайний пиёдалари билан Кенжа ўғлон ва Оқтой лашкарининг орқасидан ўққа тутди. Захирада турган Муҳаммад Султон аскарлари шиддатли ҳужум бошлади.

Саркардалардан Муҳаммад Озод, укаси Алишоҳ, Оллоҳдод, Вафодор кабиларнинг ҳар бири тўфанлар ўрнатилган араваларни бир-бирига боғлаб, ҳукмдор атрофида ҳимоя ҳалқасини ҳосил қилишди. Худди шу жойга Мовароуннаҳр лашкарининг янги қисмлари кела бошлади. Аммо улар мушкул вазиятни ўзгартира олмадилар. Мўғуллар ҳужумни тобора кучайтириб, Темурни асир олишга уринишарди.

Жангнинг биринчи куни асосий диққат Соҳибқирон ҳаётини асраб қолишга қаратилди. Мўғулларга қарши захирада турган ўтсочар қуроли сара қисм ташланди. Улар аравалардан туриб Темур томон интилаётган душманга тинимсиз ўқ ёғдиришди. Қўл жанги ҳам қизиб кетди. Темурнинг суюкли набираси Муҳаммад Султон марказий туманнинг катта қисми билан қарши ҳужумни кучайтирди. Аммо унинг ҳамласи янги-янги қисмлар билан кучайган душман қуршовини ёриб ўтолмади.

Жангнинг биринчи куни сўнггида амир Худододи Хусайний чап қанотдан туриб, Кенжа ўғлон ва Оқтой раҳбарлигидаги мўғуллар орқасига ўтиб олишга ва уларга кескин зарба беришга эришди. Жаҳоншоҳ ва амир Хожжа Сайфуддин қўмондонлигидаги қисмлар пистирмадан Тўхтамиш лашкарининг чап қанотига ҳужум қилишди. Уларнинг бу ҳаракати жангда ғалабага эришувига озгина қолган Тўхтамишнинг режасини бузиб юборди. Аммо ташаббус барибир мўғуллар қўлида қолди.

Жангнинг иккинчи куни Тўхтамишнинг Исабой ва Бахши ҳожи қўмондонлигидаги туманлари Соҳибқирон кўшинининг ўнг қанотига ҳужум бошлаб, Ҳожи Сайфуд-

дин туманига зарба беришди. Бу шундай кучли ҳамла бўлдики, Соҳибқирон жангчилари чекина бошлашди. Қалтис вазиятда туманбоши Сайфуддин чекинаётган отличларни кўриб, қолганларга отдан тушиб пиёда жанг қилмоқни буюрди. Шахсан ўзи намуна кўрсатиб, отидан тушди ва қалқонини кўтариб, душманга ўқ уза бошлади. Жангчилар унинг агрофида тўпланишди. Чекинаётганлар ҳам орқага қайтиб, ёвга ўқ ёғдиришди. Шу орада Соҳибқироннинг саркардалари бўлмиш Жаҳоншоҳ баҳоқир ва Темур ҳожи ўз туманлари билан ёрдамга етиб келишди. Темурнинг набираси Рустам ўз тумани билан қарши хужумга ўтди. Икки томон кураши кечгача давом этса-да, ҳеч ким ғалабага эришмади.

Жангнинг иккинчи кечаси Соҳибқирон разведкаси режаси амалга ошди. Тўхтамиш қароргоҳида туманбоши Оқтой жанжал кўтариб, хондан туманбоши Исабойни унинг қўлига топширишни талаб қилди. У Исабой туманбоши Амир Темур қўшинида хизмат қилувчи укаси амир Эдикуд билан махфий алоқада бўлгани сабабли атайлаб чекинганини рўқач қилди, уни хоинликда айблади.

Тўхтамиш оғир аҳволда қолди, чап қанот қўшинидаги зарбдор куч — Исабой ва Оқтой туманлари жанг майдонидан кетиб қолса, аҳволи чатоқ бўлишини пайқаб, уларни яраштиришга уринди. Аммо Оқтой таклифи қабул қилинмаса кетиб қолишини очиқ айтди ва шундай қилди ҳам. Аввалдан келишиб олинганидек Амир Темур разведкаси режаси иккинчи босқичи амалга ошди. Тўхтамиш қўшинининг чап қаноти асосини ташкил қилган Оқтой, Ёрлик ўғлон ва Тоштемир ўғлон туманлари жанг майдонини ташлаб кетишди. Натижада ташаббус Мовароуннаҳр лашкарига ўтиб, Соҳибқирон муҳораба жиловини қўлига олди.

Душман саркардаларининг ҳал қилувчи вазиятда Соҳибқиронга ёрдам учун жанг майдонини ташлаб кетиши Амир Темур ҳарбий разведкасининг режаси бўйича амалга ошди. Бу Амир Жилолнинг катта ютуғи эди.

Учинчи кунги жанг икки саркарда мўғул Ёглибой ва Мовароуннаҳр баҳодири Усмонинг яккама-якка олишувидан бошланди. Икки саркарда жанги шиддатли ва давомли бўлди. Усмон Баҳодир рақибини отдан кулатди. Ана шундан сўнг Ёглибойнинг калласини олиш учун олишув қизиб кетди. Мўғул саркардаси жасадини 800 жангчи ўликлари тагидан чиқариб олишди. Унинг туғга қадалган қонли калласини кўрган Олтин Ўрда лашкарининг руҳи тушиб кетди.

Амир Темур умумқўмондонликни қўлга олиб, лашкарини бутун майдон бўйлаб ҳужумга бошлади. Соҳибқирон олдинги сафда икки қўлида икки қилич билан олға борар, дуч келган рақибни кулатиб, кенг майдон узра Аллоҳ номи билан наъра торгарди.

Унинг важоҳати даҳшатли эди. Тўхтамиш ва унинг аскарлари ваҳимада орқа-ўнгига қарамай қоча бошлади. Уларнинг бир гуруҳи Дон, Днепр ва Қримга, бошқалари Марказий Кавказ тоғлари сари қочди. Тўхтамиш эса Волганинг қуйи қўлигига қочиб, Булғория, сўнг Литвадан паноҳ истади.

Терек соҳилидаги улкан маҳораба Кавказ халқлари ўртасида асрдан асрларгача ривояту дostonларга айланди. Оғиздан-оғизга кўчиб юрди. Муаррихлар эса Терек жангининг сиёсий оқибатлари ҳақида кўп ва ҳўп ёзишди.

Амир Темурнинг Терек соҳилидаги ғалабасидан бир йил ўтгач, Туркия султони Боязид Мурод ўғли Никополь остонасида, Дунай соҳилида Европа салбчиларининг Венгрия қироли Сигизмунд бошчилигидаги юз минг кишилик сара қўшинини тор-мор қилди. Шарқий Рим империяси пойтахти Костантинополни қамал қилди. Шу тариқа Шарқда пайдо бўлган икки турк саркардаси бутун Европани кишанлашга қодир кучга айланди.

## Махфий агент иқрори

Москванинг буюк князи Василий Тютчев келтирган номани диққат билан ўқиди ва хаёлга толди.

— Давлатпаноҳим! Шунингизга қувонч билан хабар қилманки, Темурбек ғолиб келиб Олтин Ўрда тақдири

ҳал бўлди. Тўхтамиш қочди, лашкари ҳар қаёққа тўзиб кетди. Барку Саройнинг кули кўкка совурилди.

Шуни сизга маълум қиламанки, баланд ҳиммат давлатпаноҳ, Темурбек инсониятга худди Чингизхон каби худонинг қаҳрими ўзида ифодалаган куч сифатида юборилганки, унинг олдини тоғлар ҳам тўсолмайди, дарёлар эса тўғаноқ бўлолмайди. Айтишларича, у туғилган кунда осмондан уч юлдуз тушиб, уч бор момақалдироқ гулдираган. Темурбек океан тўбларидан тортиб бутун дунёни забт этишга киришган. Ҳозиргача у қадим Оссурия, Бобил подшоҳликларини, Севастия, Арманистон, Гуржистонни эгаллаган. Темурбек Иккинчи Римни ҳам, шавкатли Византияни ҳам истило қилмоқчи. Мен узоқ йиллардан бери унинг девонида ишлаб, шунга иқроманки, Темурбек чиндан ҳам буюк ва қудратли инсон. Мен Москва учун, Русь учун унинг қудратидан фойдаланиб келдим. Олтин Ўрдани мағлуб қилиш учун Темурбекка астойдил хизмат қилдим. Ўтган умримга сира ачинмайман.

Буюк князь Василий Дмитриевич номадан бош кўтариб Тютчевга бош ирғади.

— Елизарий учун бекорга ибодат қилиб юрмабмиз. У вазифасини уддалабди.

Тютчев гурур ила бош ирғади.

— Биз, бутун Москва аҳли бир жон, бир тан бўлиб ибодат қилайлик.

Митрополит Киприан ҳам тасдиқ ишорасида бош ирғади. Куликово қаҳрамони, машҳур саркарда Владимир ҳам шу фикрга қўшилди.

— Эй жиян, сен жуда доносан. Тўхтамишдек буюк саркардани енгган Темурбекка қанча ибодат қилсанг арзийди. Марҳум отанг, — деди Киприан, — Тўхтамиш Москвада пайдо бўлганида, унга қарши чиқолмай қочган эди. Темурбек эса хонинг белини синдирди.

— Амаки, — деди Василий ўйчан, — мен муқаддас хочни келтирганман.

— Бу санам, — деди Киприан, — мўъжизакор Биби Марьям хочи ҳар қандай балони даф қилгай.

Муртазо Айтоқ чодир атрофини ўраб турган соқчиларга ўз муҳрини кўрсатди. Соҳибқироннинг уч доирали нишонини кўрган соқчилар унга таъзим қилишди. Ойтоқ ҳамроҳи князь Кирдяпани чодир томон бошлаб, хос муншийига бир нималарни шипшиди:

— Соҳибқирон кутаяпти уни.

Князь Симеон Дмитриевич Кирдяпа эҳтиром ила чодиргоҳга қадам босди. Бу ерга келаверишда бутун Идил, Дон бўйларида қад ростлаган катта-кичик чодирларни кўриб, улардаги ҳашамат, бойликдан кўзлари қамашган эди. Аммо номи даҳшат ила тилга олинадиган Амир Темур қароргоҳи уни ғоят лол қолдирди. Тўртбурчак шаклдаги бу чодирнинг эни юз қадам, баландлиги уч найза, кўшк шаклидаги гумбазини кўк рангли ва одам танаси йўғонлигидаги ўн икки дона олтин устун кўтариб турибди. Чодир деворларида катта-кичик ёқут, забаржад ва гавҳарлар порлаб анвойи нур таратмоқда. Қимматбаҳо гиламлар гўё лов-лов ёнади. Тўрдаги кўрпачаларда чор-дона қуриб ўтирган саркардалар олдида ноз-неъматларга тўла хонтахталар. Олтин лаганлардаги қовурилган гўштлар, кумуш қадахларда жилоланган шароблар, Симеон умрида кўрмаган ажиб лавҳалар...

Князь тиз чўкиб таъзим бажо келтирди.

— Қани, дастурхонга марҳамат. Меҳмон атойи Худо демишлар.

Ғулом обдаста кўтариб, қўлига сув қўйди. Бошқаси сочиқ тутди. Симеон саркардалар қаршисидаги, девонбегги кўрсатган кўрпачага торгинибгина ўтирди.

Қоидага кўра, Темурбекнинг саломатлиги учун қадах кўтарган одам сўнгги томчисигача ичиши керак. Князь Симеон бунинг уддасидан чиқа олди, кейин иштаҳа билан таомлардан тановул қилди.

Шундагина Темур унга марҳаматли нигоҳини қаратди:

— Қани энди арзингни сўйлагил.

Симеон анча тетик, бардам кайфиятда ўз ҳикоясини бошлади. У Мовароуннаҳрнинг сахий офтоби ва беҳисоб



гулханларидан қорайган Темурбекнинг юзига, оқ оралаган соқолига разм соларкан, қаршисида бутун Осиё ва Оврупога донғи кетган даҳшатли ҳукмдорни эмас, балки буюк жангчини кўрди. Бировларнинг арз-ҳолига қулоқ осувчи дардқаш ҳамсуҳбатни ҳис қилди. Шундан дадилланиб, Олтин Ўрда хони унинг ота мерос Нижний Новгород ва Суздаль князлигини Москвага туҳфа қилганидан сўнг узоқ йиллар Москва князи билан тортишгани, аммо ожиз бўлганини гапирди. Симеон Москванинг узун қўлларидан ҳеч қаерда нажот топмаганини ўқинч ва чуқур ҳасрат ила сўзлади.

Ўттиз ёшлардаги бу навқирон ўрис баҳодирининг дарбадарлик, омадсизлик, мағлубият ва жудоликларга тўла қиссасини тинглар экан, Соҳибқирон беихтиёр ўз ёшлигини эслади. Симеон нимаси биландир унга тўнғич ўғли Жаҳонгирни, 29 ёшида оламдан ўтган, суюкли Ўлжойдан кўрган биринчи фарзандини ёдига солди. Ўзи ҳам қачонлардир тожу тахт учун курашда ҳукмдорлардан паноҳ ва нажот истаган, кимларгадир ишонган ва қўп панд еган эди.

— Масковда не гаплар ҳозир, ўғлон? — деди Темур мулойим оҳангда.

Унинг шафқат ва хайрихоҳлик билан қилаётган суҳбатидан Симеоннинг кўнгли тоғдек кўтарилиб, ҳеч нарсани яширмай бор ҳақиқатни айтди. Москва ваҳимага тушган. Буюк князь Василий Дмитриевич мулозимлари, боёнлар, Митрополит Киприан бошчилигида ибодат қилмоқда. Владимирдан Биби Марьямнинг мўъжизанамо санамини Москвага келтириб, черковларда ёшу қари ибодат қилмоқда. Куну тун Худога илтижо этиб Темурбек ҳақиқа ибодат қилишмоқда. Буюк князь Василийдан тортиб, Москванинг барча фуқароси черковларда нола қилмоқда.

— Насронийлар Худони энди эслашибдур-да, — деб кулди Темурбек.

Сўнг унинг ҳар бир сўзини қоғозга тушираётган мирзога юзланди:

— Мен, Тангри қули Темур, буюрамен, Туманбоши Кутлуғ Темур!

— Шу ердамен, Соҳибқирон!

— Дашти Қипчоқдаги ҳукмронлигингни хайрли ишдан бошла. Князга анинг ота мерос мулкани қайтариб бер.

— Бош устига, Соҳибқирон.

— Сен, рус амири, бизга кўрсатган хизматларинг учун, — деди Темур ўткир нигоҳини Нижний Новгород ва Суздальнинг собиқ князи Симеон Кирдяпага қадаб, — Москвага менинг номимдан борасен ва шаҳарни эгаллайсен!

Кутлуғ Темурхон ва Симеон таъзим ила чодирни тарк этишгач, Мир Саййид Барака ўрнидан турди.

— Соҳибқироннинг бугунги муруватлари менга тарихда бўлиб ўтган бир воқеани эслатди. Насронийлардан бири шаҳар ҳокимидан ноҳақ жабр кўради ва нажот истаб халифа Умар даргоҳига отланади. Ироқ йўлида кета туриб чанқаб қолади ва бир уй эшигини қоқади. Ҳовлига кирганда кўзи лойдан гувала ясаётган бир чолга тушади. У насроний саломига алик олиб, у билан кўришади. Ҳол-аҳвол сўрайди. Чанқоғи қонган насроний дардини айтади. Шунда чол унга халифанинг вақти зиқлигини, унинг дардини ўзи ҳал қила олишини айтади. Гувалага хат битиб унга узатади ва шаҳар ҳокимига элтишини тайинлайди. Ҳоким гувалани қўлга олганидан сўнг тиз чўкади. Халифа амри вожиблигини айтади. Шу дақиқадан бошлаб насроний ҳоким қилиб тайинлангани ва ўзи шаҳардан бадарға қилинганини билдириб саройни тарк этади. Ана шундагина насроний гувала ясаётган чол нақ халифанинг ўзи эканлигини англайди. Ислолдаги адолат кучига тан бериб мусулмон бўлади.

— Аллоҳнинг шамшири, шариат қалқони Темурбекка ҳамду санолар бўлсин!

Соҳибқирон сафдошларининг вафо ва меҳр тўла нигоҳларига қараб шундай деди:

— Муҳаммад алайҳиссалом ва унинг чорёрларига, барча саҳобаларига Тангри таолонинг салаотлари бўлсин! Эй Фафур, эй Раҳим, эй Жалол, эй Карим! Мен Тангри кули Темурнинг гуноҳларини ўз фазлу караминг ила кечиргин!

## Резидентнинг янги қиёфаси Қоҳира. 1395 йил

“Миср заминида менга жуда яхши”.

*Амир Отламишнинг Амир Темурга йўлаган  
мактубидан*

Сайфиддин Барқуқ анчадан бери кўрмаган эски сафдоши Таймуразни танимай қолди. Зиндони каби юзи заҳм ва сўниқ одам ўрнида тўлишган ва қадди ғоз Таймураз қаршисида хотиржам турибди. Аввалларидек таъзимнавоз ва мутелигидан асар ҳам қолмабди.

— Амир Отламишнинг аҳволи нечук?

Таймураз сергак тортди. Лекин безовталигини билдирмади.

— Дуруст.

Тенгиз унга маъноли қараб қўйди. Барқуқ қўлидаги қоғозни кўрсатиб важоҳат ила унга буюрди.

— Амирга мана бу хатга монанд жавоб ёзишни буюр. Миср заминида менга жуда яхши муносабатда бўлсун.

Тенгиз эса сирли жилмайиб кўшимча қилди.

— Бу бизнинг оқсоқ Темур талабига жавобимиз бўлади.

Таймураз дўстининг сирли ишорасини пайқаб бош ирғади.

— Ёздирамиз, ёздирамиз олампаҳо!

Кечқурун Далила Амир Темурнинг Отламишни озод қилиш талаби ёзилган мактубни олди.

— Жавоб мактубни эртага оласиз, — деди у олтин тангалар тўла ҳамённи Таймуразга узатиб. У ўзида йўқ хурсанд ҳолда уйига кетди.

Далила тақдирнинг ўзи етказган имкониятдан мамнун эди. Жавоб мактуби баҳонасида у зарур ахборотни етказди.

Қоҳира узра тонг отганда Амир Отламишнинг Амир Темурга мактуби тайёр бўлди. Далила бозор томон йўл олди.

Улкан майдонни эгаллаган бозор аста-секин жонланмоқда. Бир томонда газламалар, ёнида жавохирфурушлар, гиламфурушлар расталари. Сабзавот, мевалар, нонларнинг хилма-хиллари. Куш сутидан бўлак барча нарса мухайё. Пулинг бўлса ҳаммаси хизматингга тайёр. Бозорнинг чеккаларида эса ошпазларнинг қўли-қўлига тегмайди. Эрта тонгдан қозонларда шўрва пишмоқда, тандир сомса ва кабобларнинг ҳидлари атрофни тутган.

Далила кабобпазлар растаси томон бурилди. Ундаги энг катта ва шинам кабобхона шаҳарда донғи чиқаётган Қамчибекники. Ундан ҳеч қачон одам аримайди. Бойлар ҳам, камбағалу ўрта ҳол, мешкобчию мардикор, дарвешу қаландарлар ҳам худди шу кабобхонага келишади. Чунки Қамчибек насияга ҳам кабоб тортаверади. Қирқ ёшлар чамаси хушқомаг, сертакаллуф ва саховатли Қамчибек эшиги барчага очиқ, у доимо мижозлар олдида парвона. Ҳол-аҳвол сўрайди, кўнгил овлайди, ҳамлард бўлади ва ҳожатмандлардан саховатини аямайди.

Қамчибек сайёҳлар, шаҳарга келган меҳмонларни хуш кўради, берилиб суҳбатларини тинглайди. Саргузаштлар, турли-туман ривоятлар ва узунқулоқ гапларга ишқибоз.

Унинг даргоҳига қаландарлар ва дарвешлар серқатнов. Кабоблар уларга текин. Малдоҳлар ва машшоқлар унинг кадрдон мижозлари. Уларнинг куй-қўшиқлари, ҳазин оҳангдаги дostonлари бозорга келганларни ўзига жалб этади. Азиз ва мўътабар мижозлар учун алоҳида жойлар бор. Хуфия суҳбатдошлар учун махсус хоналар мавжуд.

Далила ана шундай хоналардан бирининг доимий мижози. Бугун ҳам у ўз жойини эгаллади. Барра қўй гўштидан махсус дориворлар қўшиб арча ўтида пиширилган кабоб билан нонушта қила бошлади.

Кўп ўтмай унинг ёнида оқ яктак кийган Қамчибек кўринди.

— Ёқимли иштаҳа, азизам!

Далила атрофга сергак нигоҳ ташлади. Сўнг ёнига ўтирган Қамчибекка рўмолга ўралган нарсани узатди.

— Танишиб чиқинг. Кутиб ўтираман.

Қамчибек эҳтиром ила унга таъзим қилиб баланд овозда миннатдорчилик билдирди.

— Зап зиравор бу, раҳмат.

Далила эса нонуштани давом эттирди. Мижозлар кўпайиб бормоқда. Бозорчилар эрта тонгдан тўйимли овқатга ўрганишган. Кабобнинг кучи пешин намозигача етади. Савдога ҳам куч-қудрат керак.

Қамчибек лабларида табассум билан Далилага яқинлашди.

— Совғангиз менга бағоят манзур. Камина ҳам сизга арзимас бир тухфа берурмен. Лутфан қабул қилсангиз.

У қўлидаги кимхобга ўралган нарсани узатди. Сўнг кўлини кўксига қўйиб нари кетди.

Бозорда бир гуруҳ дарвешлар кўринди.

— Қамчибек!

Бозор оқсоқолининг хитобидан у чалғиди.

— Элчи жаноблари келяптилар. Кутиб олинг.

Қамчибек узоқдан бир гуруҳ савлатли кишиларни кўрди. Турк султони Боязид элчисини у дарров таниди. Тавозе ила уларни қарши олди.

Элчи алоҳида бўлмага ўтирди. Мулозимлар эса ташқаридаги жойларга ўтиришди.

Қамчибек шахсан ўзи элчига хизмат кўрсатди. Кейин ёнига ўтириб ҳол-аҳвол сўрашди. Элчи ҳам унга жавобан кабобни мақтаб иштаҳа билан тановул қила бошлади.

Мижозлар билан одатдагидек ҳол-аҳвол сўрашиб келган Қамчибек элчи олдига қайтди.

— Самарқанд нонига қалайсиз?

Элчининг нигоҳи бир зум титради.

— Жуда хуш кўраман.

Қамчибек қўлида кумуш пайза кўринди.

— Танимадинг-а мени Муҳаммад? Кўрқма, бизни ҳеч ким эшитмайди, Маддоҳ Оташий!

Элчининг кўзлари ҳайратдан чақнаб кетди.

— Отламиш?!

Қамчибек айёрона табассум ила бош ирғади.

— Ҳа, бу мен. Зиндондаги Отламиш Қавчин.

Муҳаммад Оташий тура солиб ўзини унинг кучоғига отди.

— Хайрият, соғ-омон экансиз, хожам. Худога минг қатла шукур!

Резидент билан хабаргир суҳбати узоқ давом этди. Бу суҳбат келгусида воқеалар ривожига қандай катта таъсир этишини Миср султони билса эди!

## Макка ва Мадина даъвати Кобул. 1398 йил

Маъсудбек келтирган хабар Темурбекни хавотирга солди. Пир Муҳаммад Мирзо ўз ҳолича Ҳиндистон устига юриш бошлаб, Синд дарёсидан кечиб ўтибди. Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавваранинг кўзга кўринган уламоларидан Саййид Муҳаммад Мустафо ва Кашмир подшоиси Искандаршоҳнинг элчилари унга мактуб йўллашибди.

Маъсудбек баланд овоз билан биринчи мактубни ўқиди. Саййид Муҳаммад Маддоний шундай ёзибди:

— Менинг ҳукуматим ва икки муқаддас шаҳарнинг жорубкашлари сизни пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафонинг саккизинчи юз йилликдаги вакили деб биладурлар, сизнинг тез муддатда Ҳиндистон мамлакатида ҳам ислом асосларини мустаҳкамлайдурлар деб ишонадурлар ва шуни сиздан кутадурлар.

Соҳибқироннинг кўзларига ёш қалқди.

— Наҳотки?

Маъсудбек иккинчи мактубни ўқиди. Кашмир подшоиси шундай ёзибди:

— Кашмир ва Ҳиндистон мусулмонларини ҳумоюн қанотларингиз остига олиб, кофирларнинг таъди ва зулмидан ҳимоя қилишингизни зорланиб сўрайдурлар.

Маъсудбек қўйнидан яна бир мактубни чиқарди.

— Мироншоҳ Мирзо шундай ёзибди.

“Сониян, марҳум Султон Фирузшоҳ ушбу омонат дунёдин чин дунёга кўчиб ўтганларидан сўнг, Маллухон ва онинг ҳозирда Мултонда ҳукмфармонлик қилиб ўлтирган оғаси Сортоқ ва аларнинг гунаҳгарлари марҳум Фирузшоҳнинг набираси Султон Маҳмудхонни тахтга

миндирдилар. Локин ихтиёр онинг илкида эрмас. Тамом ҳокимият ўшал ғайридин кофир Маллухон бирлан Сортоқнинг ихтиёрида эрур. Шундин бери ислом дини асосларига путур етиб, кофирларнинг иши ривож топмиш. Аҳли мўмин ва мусулмон таҳқир ва таъди остида қолмиш. Аларнинг арз-доли бетиним келиб турибдур. Мусулмон аҳли мусулмонни ҳимоя қилиши ҳам фарз, ҳам суннатдур. Шу важдин биз Кобулу Зобул ва Ғазнанинг бор лашкарини тўплаб кофирлар устига ғазот урушини очиб, Ҳиндистондай улуғ мамлакатда ислом динини қайтадин тиклашга қасд қилдик”.

Темурбек ўйга толди. Набираси Пир Муҳаммад яхши ижрочигина эмас ва балки яхши ташаббускор ҳам чиқиб қолди. Унинг бу ташаббусини қўллаб-қувватлаш керак.

— Андаробдан хуфиямиз Радха муҳим хабар олиб келди. У Амир Жалол ҳузурида сизнинг қабулингизга мунтазир.

— Чорла уни!

Радханинг келтирган хабари чинакамига хатарли ва ташвишли эди. Андаробда Пир Муҳаммад Мирзонинг саркардалари амирзода Рустам ва Бурхон ўғлон аскарлари ҳиндларнинг Сиёҳпуш қавмидан мағлубиятга учрабди. Қалъа атрофида турган аскарларга ярим кечаси улар ҳужум қилиб кўпларини ўлдиришиб, от-уловларини ўлжа қилишибди. Тонгда эса Бурхон ўғли кўрқоқлик қилиб жанг майдонини ташлаб қочибди. Икки ўртадаги жангларда амир Ҳусайн сувчи, Давлатшоҳ жевачи ва Одина ҳалок бўлибди.

— Лашкар сизга мунтазир, Соҳибқироним.

Мусулмонликни қабул қилган ҳинд аёли Радха анча йиллардан бери Амир Темурга хизмат қилиб келади. Унинг илтижоли кўзларига қараб Соҳибқирон бош ирғади.

— Эртадан от солурмиз Андаробга. Амир Шоҳмалик! Арузлашкар! Лашкар ҳозир бўлсун!

Шундай қилиб ҳижрий 801 йил муҳаррам ойининг 12-санаси сешанба куни (мелодий 1398 йил 24 сентябрда) Амир Темурнинг Ҳиндистон сафари бошланди.

## Хоразмшоҳ изидан Синд соҳили. 1398 йил, сентябрь

Соҳибқирон лашкари Синд дарёсини кечиб ўтиб, Жору чўлида тўхтади. Бу жойни Чўли Жалолий деб аташар экан. Сўнгги хоразмшоҳ Султон Жалолиддин Мангуберди 1221 йили 21 ноябрда Чингизхон қуршовидан чиқиб, шу жойда паноҳ топгани учун шундай номланар экан. Шу жойда бепоён чўлда лашкар қисқа фурсат дам олди.

Соҳибқирон чодирда энг сўнгги ахборотларни олди.

— Жазира ҳокими Шаҳобиддин Фирузшоҳ душманлик тўнини кийиб, жангга ҳозирланмоқда.

— Маллухон урушга тараддудни кучайтирган. Бир юз йигирма олти жанговар филларини урушга шай қилган.

Соҳибқирон лашкарбошиларига қарата қисқа йўриқномалар берди.

— Шу кунгача биз урушган ўлкаларда филни учратмаганмиз. Энди эса муҳолифларимизнинг асосий қуроли бўлган бу махлуқларга дуч келамиз. Фил шундай ҳайвонки, ҳўкиз бўлиб шохи йўқ, от бўлиб туёғи йўқ, кўкат ейдиган ҳайвон. Сузмоққа шохи, тепмоққа туёғи бўлмаган бу ҳайвондан қўрқмаслик керак. Филнинг урушга лойиқ нарсаси йўқ, фақат жуссаси катта, хартуми узун. Бир қилич зарби ила хартумини кесиб ташлаш ё жароҳатлаш мумкин. Урилган қилич ёки найза билан филнинг қорни ёрилади. Шунинг учун сипоҳларингизга фил билан урушмоқ усулларини ўргатиб кўясизлар. Яна шунини айтиш лозимки, аскарларимиз филнинг оёқлари остига тушиб қолишдан эҳтиёт бўлсинлар. Кучли қиличбозларимиз бир зарба билан филнинг тиззасини ишдан чиқаришлари мумкин. Яна уларга шунини ҳам билдириб қўйиш лозимки, улар ишлатиб юрган тепувчи отлар, шохи билан сузувчи ҳўкизлар филдан ҳам хатарли. Фил устига кжава ортиб, унинг ичида бир неча ўқчилари ҳам бўлади. Булар сизларга қараб келар экан, уларнинг хавфи арава устида келиб турган ўқчилар хатаридан озроқ. Чунки аравани йўқотмоқдан филни йўқотиш осондир.



Маъсудбек эса унга кўшимча қилди.

— Йўлимизда яна икки бало борки, у ҳам бўлса илонлардир. Яна биттаси ўлат ва вабодир. Ҳиндистон вабоси ўз халқига таъсир қилмайди. Аммо четдан келганларга дарров таъсир қилади. Шунинг учун дори-дармон ва малҳамларни кўпайтириш керак.

## **Соҳибқироннинг янги унвони ёхуд Паноҳ истаган зардуштийлар Ҳиндистон. 1398 йил, октябрь**

Соҳибқирон ўзининг чодирда Радханинг арзини гинглади.

— Биз жойлардаги одамларимизга Сизнинг келишингиз ҳақида ахборот бериб, ким жабр кўрган бўлса, адолат истаса Амир Темур уларга ёрдам беражагини барчага билдиришни тайинлаган эдик. Мана, ҳозир Яздо қабиласига мансуб зардуштийлар даргоҳингизга бош уриб келишди.

— Чақир уларни, қизим.

Радханинг кўзлари чақнаб кетди. Соҳибқирон уни биринчи марта шундай атади. У ташқарига чиққач, Маъсудбек лўқма ташлади.

— “Куч — адолатда” шиорингиз бу ерда ҳам ўз кучини кўрсатибди. Даҳосиз, даҳо!

Радха билан кирган киши таъзим бажо қилиб Соҳибқирон пойини ўпди.

— Шаҳаншоҳим, Сизни Ахурамазданинг ўзи йўллабди бизга.

Ёши олтмишларга борган бу одамнинг нурли чехраси кишини ўзига беихтиёр жалб этарди. У форс тилида гапирар эди. Бундан икки аср муқаддам уларнинг бобокалонлари Эрондан Ҳиндистонга кўчиб шу диёрда муқим ўрнашиб қолишган экан. Ўзини “Занту” — қабила бошлиғи деб атаган бу одам қабиладошлари ҳинд амалдорларидан жафо чекаётгани ва динлари таҳқирланаётгани хусусида арз қилди.

— Улар бизни нажас деб атаб одам қатори кўришмайди. Ҳиндлар наздида нажас деб аталиш очлик билан ўлишга тенг. Йўқ, бизлар аҳли китобларданмиз. Куръони каримда хабар берилгандурки, китоби бор қавмлар нажас эмасдур. Бизнинг китобимиз эса энг қадимги “Авесто” дир.

Соҳибқирон мадрасада устози Абдулла Қутбнинг бундан икки минг йил муқаддам яшаган зардушт ва унинг маслакдошлари хусусида айтган фикрлари ёдига тушди. Зардуштийлик дини тарихда биринчи илоҳий ваҳий орқали келган дин ҳисобланади. У исломга қадар Ўрта Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган дин бўлган. Зардуштийликнинг ёзма манбаларида айтилишича, Ахурамазда ўзининг яратувчи ягона худо эканини имонли зот — шоир ва қоҳин Зардуштга билдириб, уни пайғамбар этиб, одамлар орасидан танлаган.

— Шуниси қизиқки, — деган эди Абдулла Қутб, — Зардушт ўша вақтда қирқ ёшларда бўлган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга ҳам қирқ ёшларида ваҳий келган. Бу тасодифми ёки қонуниятми?

Зардушт Ахурамаздани ўзи учун худо билиб, унинг хабарини ўз уруғи орасида одамларга билдиришга илоҳий ваколат олади. Лекин одамлар унинг сўзларига ишонмайдилар. Пайғамбаримизга ҳам Макка аҳли ишонмаганини ўйлаб кўринг-чи? Зардушт ўз юртини ташлаб кетишга, ҳижрат қилишга мажбур бўлади. Пайғамбаримизга ҳам шундай қисмат тушганига нима дейсиз?

— Шаҳаншоҳим, — дея сўзини давом эттирди Занту, — биз сизга қўлимиздан келганча ёрдам беришга бел боғладик. Чунки биз сиз билан юртдошимиз. Зотан динимиз Хоразмда туғилган. Абу Райҳон Беруний юртида. Машҳур “Ҳиндистон” асарини ёзган аллома дунёга келган Хоразмда.

Соҳибқирон қизиқиши ила Зантуга қайта разм ташлади. Зиёлига ўхшайди. Унда тадқиқотчилик ҳаваси уйғонди.

— Бир саволим бор, Занту. Сиз номини тилган олган Беруний ўз асарида шундай сатрлар битган: “Подшо Доро ибн Доро хазинасида 12 минг қорамол териси-

га тилло билан битилган китобнинг бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун Абистоннинг бешдан уч қисми йўқолиб кетди. Абисто 12 наск эди, мажусийлар қўлида 12 наск чамаси қолди”. Айтинг-чи, нега Арастудек алиманинг шогирди Искандар Маҳдуний шундай улуг китобни куйдирди? Бунинг сабаби недур?

Занту ажабланиб суҳбатдошига тикилиб қолди. Соҳибқирон эса унинг ҳайратидан завқланиб сўзида давом этди.

— Сизларнинг таълимотингизга кўра дунё 12 минг йиллик тарихга эга. Бу тарихнинг ҳар бири 3 минг йилдан давом этади ва тўрт даврга бўлинади. Учинчи даврда дунёни сув босган ва Ийим пайғамбар одамлар, жониворлар ва ўсимликларни йўқ бўлиб кетишидан сақлаб қолган.

Занту ҳаяжонини яширмай хитоб қилди.

— Тўғри. У Куръонда тилга олинган Нуҳ пайғамбардир. Ийим даврида инсонлар бахтли яшаганлар, касаллик, кексалик ва ўлим нималигини билишмаган.

Соҳибқирон яна суҳбат жиловини қўлга олди.

— Зардуштдан сўнг дунё тараққиётида тўртинчи давр бошланиб, унинг ҳар минг йиллигида инсоният учун уч нафардан халоскор юборилади. Ўшаларнинг номларини биласизми?

Зантунинг чехраси фавқулодда нурли тус олди. Лаблари ниманидир пичирлади.

— Шаҳаншоҳим! Ўша халоскорлардан бири сиз бўлсангиз керак. Шунинг учун саволларингизга жавобни кейин берсам. О, Ахурамазда! Додимиз сента етиб бизга муносиб састарни юбординг. Састар, састар!

— Зардуштийларда састар юрт ҳукмдори дегани, — деди Соҳибқирон Радхага.

— Янги унвонингиз муборак бўлсин, — деди кулиб Маъсудбек.

## Брахман башорати Деҳли. 1398 йил, декабрь

Жовун дарёсидан кечиб ўтган лашкар унинг нариги соҳилида кўр ташлади. Пуштайн Бахалий деб аталган тепаликда Соҳибқирон бўлғуси жангни кузатиш учун қўмондонлик кузатувини бошлади. У разведка маълумотларини тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилди.

Маллухон ўн минг отлиқ, йигирма минг пиёда, бир юз йигирма занжир жангчи филларни сафлаган. Филларнинг ҳар иккала тиш суякларига махсус қиличлар кийдирилган бўлиб, улар бу қиличларни суқишга ўргатилган. Бундан ташқари филнинг устига кунгурали тахт ўрнатилган бўлиб, унда беш-олтита ўқ отувчилар ўтирибди. Ҳар икки филнинг орасида тўп ва тўпчи турибди. Филларга совут ҳам кийдирилган. Фил қаторлари орасидан “ёнар кўзалар” отувчи раъдандозлар ва кўп мартаба сакраб учувчи — темир учли узун портловчи ўқ отувчилар ўрин олган.

Филлар лашкарнинг марказий қисмига ҳужум бошлаганда лашкарбошилар Соҳибқироннинг йўриқ-ўғитлари нақадар тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилишди. Марказ ва ўнг қанотда вазият оғирлашди. Илгари бунақасини кўрмаган аскарларни кўрқув босди. Отлар бўкириб келаётган филлардан кўрқиб орқага чекина бошлади.

Амир Темур филларнинг ҳужуми кутилаётган чизик бўйлаб чуқур хандақлар қаздириб, темирчиларга ўткир тигли учбурчак шаклидаги темир санчқилар ясаттирган эдики, улар қандай ҳолатда ҳавога отилишидан қатъи назар ерга тушгач, бир қирраси албатта тикка туриб қоларди. Отлиқлар эса уларни филлар келиши тахминланган йўлларга қадаб чиқишган. Похол ортилган юзлаб ҳўкизу туялар ҳам ҳозирланган.

Соҳибқирон амрини кутаётган тўпчиларга ишора қилди. Похолларга ўт кўйилди. Тўфанларнинг гумбурлаши билан ёнаётган туя ва ҳўкизлар филлар томон югура кетди.

Ҳинд аскарлари ва филлари ёниб келаётган бу подадан довлараб қолишди. Филлар ловуллаб келаётган туя-хўкизлар зарбидан, ердаги темир санчқилар оғриғидан бўкириб ҳинд лашкари сафини янчиб кета бошлади. Ўт оғушида қолган туялар ва хўкизлар бўлса душман сафларини ёриб кириб улар билан аралаш-қуралаш бўлиб кетдилар. Аскарлар, филлар бир-бирларига аралашиб кетишди. Қиличлар зарби, найзаларнинг шақир-шуқури, филбонларнинг фарёди бутун майдонни тутиб кетди.

Ҳиндларга қарши жангнинг иккинчи палласи — маънавий-руҳий ҳужум бошланди. Карнай-сурнай, бурғу ва катта-кичик ноғоралар овозлари янгради. Бутун қўшин жунбушга келди. Шаҳзода Пирмуҳаммад Мирзо қиличи билан филга ташланиб хартумини кесиб ташлади. Ўн олти яшар шаҳзода Халил Султон эса филбонни йиқитиб унинг филини худди сигирдек ҳайлаб, бобоси қароргоҳига олиб келди.

Жанг кечгача давом этди. Султон Маҳмуд ва Маллухон Деҳли ичкарасига кириб яширинишди.

Соҳибқироннинг олий ўрдуси Лаби ҳовузи Хос деган мавзеда жойлашди.

Ҳарбий разведка Деҳлида катта қўшин мавжудлиги, озиқ-овқат ва қурол-яроғ захиралари ҳам мўллигини маълум қилди.

— Биргина бугдой — гуруч ўн минг манидан ортиқ, — деди Маъсудбек.

— Душман ниманидир мўлжалляпти, — қўшимча қилди Амир Жалол Ҳамид.

Соҳибқирон шахсан ўзи Деҳлини яқиндан кўришга отланди.

Қалъа ҳисори устида турган шоп мўйловли темир қаллоқ кийган ҳинд соқчилари ўзлари томон яқинлашаётган Амир Темурни кўришди.

Соҳибқирон ёнига келиб тушган ўқ танмаҳрамлири сергаклантирди. Темурбек эса завқи жўшиб ёнидаги навқаридан камонни олиб, ҳисордаги соқчилардан бирини мўлжалга олди. Шунда беихтиёр устози Самир Тархон йўриқлари ёдига тушди.

— Доимо қуролингиз билан бир жон, бир тан бўлишга интилинг, амирзодам. У хоҳ қилич, хоҳ найза, гурзи, болга ё камон бўлишидан қатъи назар.

Кекса саркарданинг бутун вужуди камон билан уюшганини сизди. Ёйни тортган қўли сира титрамади.

Ҳисор устида юзидан ўқ еган соқчининг фарёди кимнингдир хитоби билан қўшилиб кетди.

— Темурубек!

Ҳисор устида қуролсиз аргувоний кийинган бир киши кўринди. Унинг гулдурак овози яна янгради. Тилмоч Соҳибқиронга унинг сўзларини таржима қилди.

— Дехли қамалини тўхтатиб ортингга қайт, бўлмаса қаҳримга учрайсан. Сенга бошқа сўзим йўқ.

Амир Азизуддин унинг сўзларига изох берди.

— Бу одам ҳиндларнинг бош уламиси брахман Гони Хурга. Бу муқаддас ўт дегани. Уни сеҳр-жодуга уста ва буюк башоратчи дейишади. Ҳушёр туриш даркор.

Худди унинг гапларини тасдиқлагандай ер остидан гулдурак эшитилиб зилзила бошланди. Шаҳардан ваҳимали қичқириклар ва фарёдлар садоси бир-бирига қўшилиб кетди.

Лашкар сафида ҳам ваҳима бошланди. Зилзила брахман сеҳри туфайли деган овозлар эшитилди.

Соҳибқироннинг кўксидан бир нидо отилиб чиқди.

— Кўркманглар, ботирларим. Мен сизлар биланмен.

Лашкар шундан сўнг унинг ҳайбатли наърасини эшитди.

— Аллоҳумма ансур Темурхон! Ё Аллоҳ, Темурхонга зафар ато эт! — деган наъра зилзила гулдураги билан қўшилиб кетди. Ва бирдан сукунат чўкди. Зилзила тўхтади. Лашкар қалъа яқинида уруш худосидек ҳайбат ила қотган Соҳибқиронга кўркув ила боқишди. Ажабо, Соҳибқирон наъраси брахман жодусидан ҳам кучли экан.

— Соҳиб ул-қирон!

Минглаб овозлар қалъа деворларини тешиб юборгудек эди.

— Соҳиб ул-қирон!

— Адолат шамшири!

— Аллоҳ шамшири!

Ҳисор устида яна брахман кўринди.

— Темурбек! Дарҳол қамални тўхтат. Бўлмаса яна қаҳримни кўрсатаман. Умринг қисқаради. Агар Деҳлига кирмай орқангга қайтсанг, йигирма бир йил яшайсан. Ҳозир ёшинг 63 да. Сўзимга қулоқ солмай шаҳарга уруш билан кирсанг, атиги етти йил умринг қолади.

Соҳибқироннинг чеҳраси бир зум паришон тус олди. Кейин унинг ўрнини қатъий шиддат эгаллади.

— Эй брахман! Билгилки, ўлим менинг эски ошнам, бир-биримизга улфат бўлиб қолганмиз. Ёшлигимдан ажал гоҳ олдимда, гоҳ ёнимда юради. Агар сен мени кўрқитмоқчи бўлсанг ўлимдан ҳам даҳшатлироқ сўз топ.

Ҳисордан брахманнинг товуши эшитилди.

— Бу жудолик доғи бўлади. Энг суюкли ва энг қадрдон яқинларингдан яқин келажакда жудо бўласан.

— Яқинларим?

Темурбекнинг чеҳраси важоҳатли тус олди. У қўлини лашкар томон кўтариб ҳайқирди.

— Эй брахман! Менинг энг суюкли ва энг қадрдон яқинларим мана шу сен кўриб турган лашкарим! Улар билан ўттиз йилдан бери жангу жадалларда биргамен. Ўт келса ўчириб, сув келса симириб, тош келса кемириб келмоқдамен.

Лашкар қалқиб кетди. Оддий сипоҳдан тортиб мингбошиларга қадар барча-барчанинг қалбларидан ўтли нидо отилиб чиқди.

— Сен бизнинг отамиз!

— Соҳиб ул-қирон!

— Шариат қалқони!

— Ислом қиличи!

Ҳисор жимиб қолди. Яна атрофни лашкарнинг мағрур олқишлари ларзага келтирди.

Шаҳардан қочган Султон Маҳмудхон ва Маллухон жойларда кучларни тўплаб кенг фронт бўйлаб ҳужумга тараддуд кўргани аниқланди. Деҳлида эса барча ҳиндлар қуролланган ҳолда қўзғолон кўтаргани ҳужумга бир ишора эди.

Амир Темур чорбоғда ўтказган икки кун ичида ҳиндлар шаҳарга бостириб кирган лашкар билан жанг қилиб, уларни чекинишга мажбур қилгани ҳам пухта ўйланган режанинг бир тугуни эди. Шу тариқа Амир Темур разведкаси гафлатда қолди. Бу хатони тузатишга эса жангу жадалларга тўла ўн ой вақт кетди.

Соҳибқирон Деҳлини эгаллашда асирга олинган брахманни ҳузурига чорлади.

— Етти йил умрим қолганини қайдан биласен?

— Эй, улуғ амир, сен менинг сўзларимдан кўрқдингми?

— Сен мени қандай ирода ва ақидага эга эканлигимни: ўлимдан кўрқмаслигимни, урушдаги жасурлигимни билганингда бу беҳуда гапни айтмасдинг.

— Эй, амир, сен уруш майдонида ўлмайсан. Билки, шу иқлимда ҳаммага маълумки, брахманлар умр бўйи нафсини ўлдириб, ҳайвоний ҳавойи ҳаваслардан парҳез қилишади. Брахман ваъз қилган усулдан чиқмай юрган бўлса, у одам келажакни кўра оладиган истеъдодга молик бўлади.

— Хўш, ўзинг келажакнингни қандай кўрасен? Қай тариқа ўласен?

Брахман Соҳибқироннинг бу даҳшатли саволига қандоқ жавоб беришини кутаётган мулозимларга қарата шундоқ жавоб қилди.

— Кўз, улуғ амир, ҳар нарсани кўради, лекин ўз вужудини кўролмайди.

Амир Темур ўйланиб қолди. Сўнг кулимсираб атрофидаги саркардаларига қаради.

— Бу брахман рост айтаяпти. У зўр нуқтани топди.

Брахманнинг чеҳрасида кўркув ҳам, даҳшат ҳам кўринмас эди.

— Сен, озодсен, ҳиндларнинг улуғ уламоси. Бориб ибодатингни қилавер.

Брахман таъзим ила чодирни тарк этди. Соҳибқирон эса чуқур ўйга чўмди.



## Ғафлатда қолган разведка ёхуд Муҳаммад Озоднинг жасорати Деҳли. 1398 йил, декабрь

Тонг отганда Деҳли дарвозалари очилиб ундан Маллухоннинг вазири Фазлуллоҳ Балхий бошчилигидаги Деҳли уламолари, Саййидлар ва амалдорлар кўринишди. Қўлларида қимматбаҳо тортиқлар.

Олий ўрдуда улар Соҳибқироннинг этагини ўпишди.

— Султон Маҳмудхон ва Маллухон тунда шаҳарнинг жанубий дарвозасидан чиқиб кетишди. Шаҳар сизнинг пойқадамингизга мунтазир.

Вазиятнинг бундай тус олиши Соҳибқирон ва унинг мулозимларини ўйлантириб қўйди. Наҳот шундай кучли шаҳар шундоққина таслим бўлса? Аммо калитлар турибди. Шаҳарнинг таслим бўлгани аниқ.

Вазир эса сўзида давом этди.

— Қози аскар Носириддин Умар ҳазратлари Деҳлининг Жомеъ масжидида ҳазрат Соҳибқироннинг номига хутба ўқисалар.

Амир Темур мулозимларининг енгил нафас олганликларини кўриб ўзининг амру қарорини эълон қилди.

— Таклифингизни қабул қиламен. Индинга шаҳарга кирамиз. Аҳолига омонлик берурмиз. Лашкар шаҳарга киритилмайди. Аҳолига зиён-заҳмат етказилмайди.

Бу фармонга мувофиқ лашкар шаҳар дарвозаларидан бир фарсах нарига олиб кетилди ва белгиланган манзилларга жойлаштирилди.

1398 йилнинг 20 декабрида Деҳли Жомеъ масжидида Амир Темур номига хутба ўқитилиб, расман Ҳиндистон Соҳибқирон измига ўтди.

Вазир Фазлуллоҳ Балхий бу воқеа шарафига Амир Темур ва унинг саркардаларини Султон Маҳмудхоннинг шаҳар четидаги чорбоғига базмга таклиф қилди.

Соҳибқирон унга йўқ дея олмади. Амирлару саркардаларнинг ҳам майллари ҳордиқ чиқаришда эканлиги, ўзи ҳам тўпланиб қолган чарчоқларидан ёзилишни истади. У Деҳли муҳофазасига синалган лашкарбошиси Амир Муҳаммад Озодни бош қилиб тайинлади.

— Улуғ амирлар шаҳар халқини ўз ҳимоясига олсунлар, Муҳаммад.

— Бош устига, Соҳибқирон!

Чорбоғдаги сокинлик ва осойишталик Соҳибқиронга ёқди. Базм жуда кенг миқёсда ташкил этилган эди. Саркардаларнинг қулф-диллари очилиб кетди. Вазир Фазлуллоҳ ва унинг хизматкорлари улар атрофида гирдиқапалак ва сертақаллуф.

— Бу ерга ҳеч ким киритилмасун. Чорбоғдан чивин ҳам ўтмасун. Бугун бир дам олайлик.

Дастурхонлар чиндан ҳам шоҳона безатилган. Чор атрофда гулдасталар хушбўй ҳидлар таратмоқда. Гул юзли қизлар меҳмонларга нозик ишвалар билан май ва шароблар тутади. Турли-туман анвойи таомлар биринкетин тортилмоқда. Гоҳ ҳазин, гоҳ шўх куй-қўшиқлар одамларни ўзга сеҳрли оламга чорлайди. Нозик бадан раққосалар хироми, хушовоз созандаю хонандаларнинг дилларни эритувчи куй-қўшиқлари бир-бирига уланади. Хуллас, сеҳрли, ширали олам...

Одатда жиддий ва камгап Маъсудбек ҳам, ўта босиқ Амир Жалол ҳам бу оламга кириб кетишди. Амир Азизуддин ҳам борлиқни унутгандай эди.

Биргина Соҳибқироннинг чеҳраси жиддий, бир мунча паришон. У брахман сўзларини унутолмас эди. Нимага асосан у дадил башорат қилди? Қизиқ, брахман ҳозир қаерда?

— У Деҳлида, — деди Азизуддин.

Деҳлида эса бу вақтда таҳликали вазият вужудга келмоқда эди. Шаҳар дарвозалари олдига юзлаб аскарлар тўплана бошлади. Ниятлари шаҳарга кириш. Муҳаммад Озод уларни орқага қайтаришга уринди. Кимлардир бу аскарларни йўлдан ураётгани унга равшан бўлди. У зудлик билан чорбоғга чопар юбориб вазиятдан Амир Темурни

огоҳлантирмоқчи бўлди. Аммо чопарнинг чорбоғга киритилмагани унинг шубҳасини янада кучайтирди. Ярим тунда эса ўн мингдан зиёд аскарлар шаҳарга бостириб келди. Муҳаммад Озод ва унинг навкарларини улоқтириб ташлаб Деҳли ичига ёриб киришди.

Шаҳарда талон-тарож ва хунрезлик бошланди. Бу очикдан-очик Амир Темур фармонини бузиш, яъни исён эди.

Муҳаммад Озод шахсан ўзи чорбоғ томон от солди. У тажрибали саркарда сифатида душман қандайдир режа бўйича иш кўраётганини сезди. Соҳибқироннинг ҳам ҳаёти хавф остидалиги аниқ.

У шитоб ила от чоптириб бораркан, лаблари бир гапни такрор-такрор айтарди.

— Ишқилиб кечикмай. Кечикмай!

Муҳаммад Озод чорбоққа етганда бир оз енгил тортди. Базм авжида. Бугун иккинчи кун ҳам у давом этмоқда. Дарвозадаги соқчилар унинг йўлини тўсдилар.

— Подшойи олам мени ҳеч бир зот ҳар қандай зарур юмуши бўлганда ҳам безовта қилмасун деб ўзлари буюрганлар.

Амир қанча гапирмасин, соқчилар унга қулоқ осмадилар. Муҳаммад Озоднинг шубҳаси туғён урди. У Чорбоёда ҳинд аскарларининг кўплигига эътиборни қаратди. Қиличини яланғочлаб дарвозабон соқчиларни улоқтириб ташлаб, ичкарига от солди. Унга ёпирилган ҳиндлар эса кўп эди. Аммо йигирма аскар рутбасидаги Муҳаммад Озод ҳинд навкарларини тўзитиб, қаср айвонигача чекинтирди. Қаёқдандир пайдо бўлган кўриқчилар унга ташланишди. Қиличларнинг жангур-жунгури, ярадорлар фарёди чорбоғни тутди.

Соҳибқирон амирлари билан айвонга чиққанида Муҳаммад Озоднинг бир ўзи ўндан ортиқ ҳиндлар билан жанг қилаётганини кўрди.

— Тўхтанглар, Муҳаммад, нима гап?

Олишаётганлар тўхтаб орқага чекиндилар. Кўп қон йўқотган, бир неча еридан яраланган Муҳаммад Озод гандираклаб ҳукмдори олдига яқинлашди.

— Исён, Соҳибқироним!

Шундай дея у гурсиллаб ерга йиқилди. Амир Шоҳ-малик содиқ сафдошини елкасидан йўлламоқчи бўлганида унинг боши чайқалди.

— Соҳибқироним!

Муҳаммад Озод шундай дея кўзларини юмди. У оламдан ўтган эди.

Бу оғир жудолик эди. Соҳибқироннинг қулоқларида брахманнинг огоҳлантирувчи сўзлари эшитилди.

Ҳинд тупроғида яна катта уруш бошланди.

### **Стратегик разведка режаси Боғи Дилкушо. 1399 йил, апрель**

Амир Темур Ҳиндистон зафари шарафига халққа, аёнлари ва оиласига катта базм уюштирди. Тантаналарнинг каттаси Кониғилдаги Боғи Дилкушода бошланди.

Самарқанднинг кунчиқиш тарафида ундан бир фарсах масофада жойлашган бу оромгоҳ катта-кичик чодирлар билан тўлди. Улар турли мамлакатлардан келган элчилар, уламо ва фузало шаҳзодалар, аркони давлат ва соҳибқирон хотинлари учун тикилди.

Биринчи куни халқ олдида Ҳиндистондан олиб келинган ўлжалар намоёиш этилди. Бир юз йигирма филга ортилган бойликлар халқ олдида очиқ кўрсатилди. Бу билан Соҳибқирон улусга “Топганим ҳамманики” демоқчи эди.

Амир Темур имоси билан хазинадор қимматбаҳо дуру жавоҳирлар билан тўла тўққиз сандиқни хотинлар ўтирган тўртбурчакли ўн иккита сирланган устунларга ўрнатилган қуббалик айвонга мулозимлари билан олиб чиқди. Хотинлар ўз улушларини ола бошладилар. Аммо Сароймулк хоним сандиқларга қиё ҳам боқмади. Завқланиб ўтирган Соҳибқирон сергак тортди. Унинг ишораси билан хазинадор фил суягидан ишланган олтин қутичани олиб келиб Сароймулк хоним олдига қўйди. Сўнг таъзим ичра қутининг қопқоғини очди. Атрофга қуёшдек нур товланди. Ўн икки мисқол вазнидаги жавоҳиру руммоний лаъл тошлар ярқираб барча

маликалар кўзларини ёндир-ди. Улар салтанатнинг бир йиллик хирожига тенг бойлик эди. Аммо Сароймулк хоним унга қиё ҳам боқмади.

Соҳибқирон ҳайрат ичра ўрнидан туриб унга яқин келди.

— Совғамиз сизга ёқмадимиз, биби?

— Нега ундай дейсиз, ҳазратим. Совғангизни аллақачон олганман.

— Нима, қани у?

— Мана! — Сароймулк хоним фахр ва гурур ила товланиб турган кўзларини унга тикиб ўнг қўлини Соҳибқирон елкасига ташлади.

Улардан кўз узмай турган саркардаю амирлардан тортиб оддий халққача ҳайратдан лол қолишди.

Катта малика катта совға Амир Темурнинг ўзи, соғ-саломат қайтгани эканлигини англади. Бу Мовароуннаҳр аҳли учун ҳам бебаҳо тухфалигини рўй-рост намоёиш этгани эди ҳам.

Соҳибқироннинг не-не кўргиликлар, бало-офатлар, шафқатсиз тақдир зарбалари, мағлубият, жудолик ва мусибатларни кўравериб метинга айланган қалби муздай эриб кетди. Беихтиёр кўзларига ёш қалқди. Нақадар меҳрибон, оқибатли ва зукко бу Катта Малика! Унинг ўттиз йиллик ёстиқдоши, дўсти, ғамхўр Бибиси!

Соҳибқирон шу топда биринчи бор қалбида ҳаётидан, тақдиридан бахтиёрлик ҳиссини туйди. Ана шу мамнунлик туйғуси ичра у чодирига кириб кетди. У ерда уни Амир Азизуддин кутиб турарди, сирдоши ва барча хуфия ишлар сардори, болаликдан ҳамқори ва сафдоши Азиз! Бу ерда уни салтанатнинг энг муҳим ва устувор юмушлари кутарди.

Азизуддин кўрпачада ўтирганча хонтахтага ёйилган қоғозларни кўриб ўтирарди. Ҳамма жойлардан, кабутарлардан ва барча хуфиялардан олинган маълумотномаларга кўмилиб кетган махфий хизмат бошлиғи улардан энг муҳимлари ва тезкор ҳал қилиниши лозим ишларни ажратиб, Амир Темур диққатига ҳавола этади.

Бағдод ҳокими Султон жалойир билан Илончиқдаги иниси Султон Тоҳир Гуржистон подшоси Гурген (Ге-

оргий) билан тил бириктириб исён кўтарган. Гуржилар шаҳзодаси Константин Масковдан кўп миқдорда қурол-яроғ олиб келган. Авниқ қалъаси ҳукмдори Саид Али Шакий гуржилар билан Озарбайжонга ҳужум бошлаб мусулмонларни таламоқда. Султониядан Мироншоҳ юборган кўшин исёни бостиrolмай мағлуб бўлган.

— Мағлуб дейсанми?

Соҳибқироннинг шодон кайфияти бузилди. Кечагина Севинчбека — Хонзода бегимдан эшитган гапларини эслаб авзойи бузилди. Суюкли ўғли марҳум Жаҳонгир Мирзонинг рафиқасини у не-не умидлар билан Мироншоҳга никоҳлатган эди. Хонзода бегим, қачонлардир Хоразмшоҳ саройида вазирлару киборларни ҳам оғзига қаратган, давлат кенгашларида ҳам сўзини ўтказган бу гўзал ва оқила аёл умрида биринчи бор эридан шикоят қилиб атайлаб қайнотаси олдига келибди. Мироншоҳ доимо унинг таъсирида кўп хайрли ва савоб ишлар қилар эди. Султонияни, салтанат кўрфонларидан энг муҳимини яхши идора қилиб келарди. Тўрт йил муқаддам Хой теварагида ов қилаётиб, отдан йиқилиб мияси лат еганидан бери ўзгариб қолгани ҳақида эшитган эди. Табриз ва Султониядан олиб келинган хабарларда Мироншоҳ ҳақида кўп хунук ахборотлар берилган. Кўп ичади, атрофига лаганбардор ва бузуқи одамларни тўплаган. Хазинани бемаъни ишларга ва маишатга сарфламоқда. Хонзода бегимга қаттиқ гапирадиган ва ҳатто ҳақоратлайдиган бўлибди. Мироншоҳ ҳатто вазири Давлатхўжага уни бермоқчи бўлибди. Куни кеча эса Хонзода бегимни урибди. Султонияда вазият нотинч. Бу тартибсизлик ва бошбошдоқлик салтанат учун хавфли. Демак, биринчи навбатда Султонияга бориб Озарбайжонда тартиб ўрнатиш ва Гуржистонга юриш қилмоқ зарур.

Олтин Ўрдадан нохуш хабар. Амир Темурнинг собиқ туманбошиси ва садоқатли амири Темур Қутлуғхон вафот этибди. Энди Олтин Ўрда тахти учун кураш бошланган. Амир лашкар доврўқли амир Эдиқуд тахтга Қутлуғхоннинг ўғли Шодибекни ўтказиш ҳаракатида. Тўхтамишхоннинг ўғли Жалолоддин ҳам тахтга ўтириш учун жанг бошлаган.

Миср султони Сайфиддин Барқуқ тўсатдан ўлиб қолибди. Тахтга унинг ўсмир ўғли Носир Фараж ўтирибди. Мамлуклар уни отаси сиёсатини давом эттиришга ундаб, Амир Темурга қарши қайрамоқда. Турк султони Боязид эса иттифоқдоши Миср ерларини босиб олмоқда. Қора қуюнлилар қабиласи сардори Қора Юсуф унинг паноҳида босқинчилик юришлари қилиб, Соҳибқиронга тегишли вилоятларни таламоқда.

— Қора Юсуфми яна? Қачонгача бу ярамас қароқчи салтанатимиз оёғига тикан бўлиб келади?

Амир Темурнинг кўзларида интиқом ўти ёнди.

— Мўғулистондан хабар. Хизрхўжахон вафот этибди.

Соҳибқирон унинг қизига уйлангач, ўзаро алоқалар дўстона муносабатларга айланган эди.

У юзига фотиҳа тортиб аста қайноғаси руҳига тиловат қилди.

— Мўғул беклари тахт учун кураш бошлаган. Неварангиз Искандар эса фурсатдан фойдаланиб Андижон лашкари билан Мўғулистонга Ўш — Олой — Эргаштом орқали бостириб кирди. Қашқар, Еркент, Сариқ қамиш, Колпин, Олақўлни эгаллади. Ўлжалар орасида Хизрхўжахоннинг ҳарами муҳтарамаси Ҳожи Мулк оғо ва қизи Синан Мулк бор.

— Ўн беш ёшли гўдак нима қилиб қўйди, — ваҳшат ила қичқирди Соҳибқирон, — ёнидаги амиру беклар қаерга қаради? Оталиғи амир Баён Темур Беккичикнинг кўзи қаерда эди? Оталиқ ва амирлар ясоққа етказилсин! Искандар ҳибсга олинсин.

Амир Азизуддин эса ахборотни давом эттирди.

— Бруссадан Муҳаммад Оташий хабар қилади. Султон Боязид Миср элчиси билан суҳбатда шундай дебди: “Кўп вақтлардан бери чўлоқ тулки билан беллашиш ва жанг қилиш орзусидамиз. Унга қарши от суриб, катта лашкар бирлан юриш қилмоқчимиз. Агар у турғон еридан силжишга журъат этмаса, Табриз билан Султонияга ўзимиз боражакмиз...”

Соҳибқирон оғир тин олди. Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас. Бу олам икки подшога тор.

— Хитойдан хабар, — давом этди Азизуддин, — фағфур мусулмонларга кўп жабр-зулм ўтказаётган эмиш. Биз юборган чорвадорлар, деҳқонлар, савдогарлар-у ҳунармандлар қўшин захираси учун барча нарсаларни муҳайё қилибдилар. Дон-дун, чорва, ёғ, эгар-жабдуқлар ва тақалар учун омборхоналар тайёр.

Соҳибқироннинг бу хабардан юзи ёришди. Хитойга юриш учун тайёрланган режага мувофиқ йўл устида жойлашган шаҳарлар ва қишлоқларда икки юз минг лашкар учун озиқ-овқат, кийим, қурол-анжомлар ҳозирлаш учун уч йил муқаддам жўнатилган одамлари чакки ишламабди.

Амир Азизуддин харитани кўрсатиб ундаги белгиларга ишора қилди. Бу бўлғуси юришлар манзиллари ва стратегик режалар баёни эди. Тарихга “етти йиллик уруш” сифатида кирадиган бу режа ижроси ҳижрий 802 йил 8-муҳаррами (1399 йил 10 сентябрь)да бошланиши кўрсатилган эди.

Соҳибқирон обдон ўйланган, текширилган, қайта-қайта тузатиш ва ўзгартиришлар киритилган стратегик режага имзо чекиб, ўз муҳрини босди.

## **Тақдир кулгиси** **Халаб. 1400 йил, сентябрь**

Соҳибқирон чодирдаги бахмал кўрпачада ёнбошлаб ётганида кимнингдир йўтали эшитилди.

— Кирсун!

Бу таниш йўтал. Маъсудбек!

Соҳибқирон унинг ёнида дарвеш либосида ўрта ёшлардаги хушбичим кишини кўрди.

— Соҳибқироннинг умрлари боқий бўлсун, — дея у таъзим қилди. Сўнг асосий мақсадга кўчди.

\* \* \*

Халаб шаҳри марказида жойлашган ички қалъа минораси ҳарбийлар билан гавжум. Муҳим кенгаш бормоқда.



Қалъанинг хуфия хоналаридан бирида саркардалар йиғилишган. Халаб ҳокими, жасорати билан таниқли лашкарбоши амир Темир Тош ахборотидан сўнг саркардалар ўз фикрларини билдира бошлади.

Тасбеҳ ўгириб ўтирган, Сафеддан келган ёши улут саркарда сўз олди.

— Мен икки минг фидойи аскарим билан ёрдамга келдим, жаноблар. Халабни ҳимояси учун жонимни беришга тайёрман. Аммо ҳамма ишни мурсою мадора билан қилса бўлади-ку?

— Бу билан нима демоқчисиз, сардор? Индамай Темурбекка бўйсунайлик, демоқчимисиз?

Дамашқдан келган жангари лашкарбоши Шодан шундай дея атрофдагиларга савол назари билан боқди.

— Қизишма, Шодан, — деди босиқлик билан Темир Тош, — аввал сардорнинг мулоҳазаларини тинглайлик.

— Тўғри, тўғри, — бош ирғади саркарда Ибн Фаррух, — қари билганни пари билмас.

— Темурбекни Аллоҳ шамшири дейишади. Нима учун? Чунки у қаерга борса ўша ерда ғалаба қилади. Эрон, Ҳиндистон, Хуросон, Хоразм ва Сеистон уники. Нега шундай, менинг навқирон касбдошим Шодан? Бағдодга нима бўлди? Қани, бир ўйлаб кўринглар-чи?

Кекса саркарда шундай дея тасбеҳини ўтира бошлади. Ҳамма чуқур ўйга чўмди.

Дамашқдан етти минг жангга ташна аскар олиб келган Шодан бу сукутни бузди. Унинг жарангдор овози саркардаларни сергаклантирди.

— Яхши мудофаа баъзан ҳужумдан ҳам устун дейишади. Шаҳар деворлари тош ва пўлатдан қурилган, гувала ва пахсалардан эмас. Темурбек лашкари бу ерда йиллаб туриб қолиши мумкин. Худди қоққан қозикдек.

Даврада енгил кулги кўтарилди. Кенгашда иштирок этаётган тарихчи олим Низомиддин Шомий эса ёнида ўтирган саркарда Ибн Воҳидга аста шивирлади.

— Фикримча, биз эмас, тақдир бизлардан кулмоқда.

Шодан эса сўзида давом этди.

— Темурбек аскарни билан бизнинг аскарлар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Қиличларимиз ва ўқларимиз Дамашқда, қалқонларимиз эса Мисрда ясалган.

— Ҳали уларга ҳам гал келади, — секин деди Шомий Ибн Воҳидга, — мен Темурбекни яхши биламен.

Дамашқ, Хом, Баалбек, Сафед, Хомс ва Траблусдан ёрдамга келган араб саркардалари эса Шоданнинг гапларини диққат билан тинглашмоқда. Улар ҳали олдинда уларни нималар кутаётганини билишса эди?

Саркарда Ибн Фаррух фикрлари эса кенгаш қатнашчиларини иккилантириб қўйди.

— Аллоҳ шамширига дош бериш учун Аллоҳ қалқонига эга бўлиш даркор. Хўш, шундай қалқон топиладими бизда?

— Темурбек билан келишса бўлади. У комил инсон.

Шодан ўрнидан ирғиб турди.

— Комил инсон? Шундай бўлса у нега Сивасда шафқат кўрсатмади?

Ибн Воҳид тажрибали саркарда сифатида Шоданнинг сўзларини тингларкан, ўзича жилмайиб қўйди. У йигирма йилдан ортиқ умрини жангларда ўтказган. Оддий навкардан мингбоши даражасига кўтарилган. Шодан эса ҳали ўттизга ҳам тўлмаган, лекин етти минг лашкарга кўмондон. Жуда тез кўтарилган. Лекин у каби тажрибаси йўқ.

— Ўйлаб кўрсак, бизда мунтазам қўшин ва мудофаага қодир жангчилар сони олтмиш мингдан ортиқ. Шунча куч билан биз душман билан музокара эмас, балки жанг қиламиз. Гап шу!

Шодан шундай дея ўрнига ўтирди. Энди гал Ибн Воҳидга келди.

— Сивас ҳам тош ва пўлаг деворлари билан Темурбекка бас келолмаган. Уларнинг қиличлари ҳам Дамашқ ва Исфаконда тобланган эди. Хўш, оқибати нима бўлди?

Саркардалар бир-бирларига қараб қўйишди. Улар Сивасда бўлган барча воқеалардан хабардор эдилар. Темурбек турк султони Боязиддан кўрқмай унга қарашли Сивасни қамал қилди. Бу шаҳарда султоннинг ўғли шаҳзода Сулаймон ҳоким бўлиб қўшинларга синалган

қўмондон Мустафобей эди. Қора қуюнли туркманлар қабиласи сардори Қора Юсуф ҳам ўз аскарлари билан унга ёрдамчи бўлди. Сивасда султон Боязиднинг тўрт мингдан зиёд жангчиларига бутун шаҳарнинг ёш-қари эркаклари мадад беришди. Лекин Сивасга на унинг қалин ва пишиқ деворлари, на мудофаачиларининг жасорати ёрдам бера олди.

Темурбек қўшини шаҳарга ёриб кириб мудофаачиларга омонлик бермади. Фақат Мустафобейгина тирик қолди. Шаҳзода Сулаймон биринчи бўлиб шаҳардан қочиб қолган эди.

Темурбек Мустафога кумуш пайса бериб, уни Бруссага — султон Боязид ҳузурига жўнатди.

Мустафонинг ўғли Малатия ҳокими бўлиб у ҳам Қора Юсуф каби Темурбек қаҳридан қутула олмади. Малатия шаҳзода Халил Султон томонидан забт этилди.

— Фикримча, Темурбек билан музокара юритиш лозим. Урушиш ҳеч қачон қочмайди.

Кенгашда мунозаралар қизиб кетди. Охири шаҳарни мудофаага тайёрлаш ва кучларни жамлашга қарор қилинди.

\* \* \*

Соҳибқирон Халабдан келган дарвеш ҳикоясини зўр эътибор билан тинглади.

— Демак, мен Халаб остонасида йиллаб туриб қолар экаиман-да? Бунга нима дейсан Маъсудбек?

Разведка раҳбари унинг кулиб турган чехрасига қараб Соҳибқироннинг саркарда миясида қандайдир режа туғилганини пайқади.

— Сичқоннинг ўлгиси келса, мушук билан ўйнашади, Темурбек.

— Яна бир нақл ҳам бор, Маъсудбек. Синалмаган отнинг сиртидан ўтма.

Халабдаги дарвешлар пири эса Амир Темур оғзига қараб турар эди.

— Халабнинг ажойиботларидан кўп нарсалар эшитганмен. Жумладан, Халаб аҳолисини икки қарвар (икки

миллион) дейишади. У ерда синоат аҳлининг кўплигидан темир моддасидан юпқа ва ялтироқ тунука чиқарар эмишлар, тақсир.

— Халабда, — деди пир, — ипак ишлатиш саноати жуда юқори. Тўқимачилик корхоналарида қизлар ишлайди. Ишлаб чиқилган матони ўн қават қилиб офтобга тутилса ҳам офтоб кўринади. Нафисликда мумтоз матолар кўп. Халаб хотунлари фаттон, чиройи билан машҳур бўлишади. Сарбозларингиз уларни кўрса, девона бўлиб қолади.

Соҳибқирон кулиб жавоб қилди.

— Кўрқманг, тақсир. Гилон хотинларининг ҳам жамолларини жозибадор кўрганам учун сарбозлар бебош бўлиб қолмасин деб тўхтамасдан тезроқ чиқиб кетганмен. Айтинг-чи, Халаб деворини девлар солган, Ҳоло Халаб ҳокими Темир Тош ҳам девлар жинсидан эмиш, унинг бўйи баланд бўлиб, йўғон одам эмишки, мени бир қўли билан ёш болани кўтаргандек кўтарар эмиш. Мабодо қўшин билан Халабга киргудек бўлсам, Темир Тош мени еб қўяр эмиш.

Дарвешлар пири кулди.

— Бу каби сўзлар, муболагалар, афсоналарни эшитиб қулоғим битган. Аммо Халаб шаҳрининг улуғлиги, дев ясаган ҳисори, дев жинсидан бўлган ҳокимини яқиндан кўрганман, биламан.

Соҳибқирон унинг ҳикоясини диққат билан эшитди. Миясида бир ажойиб режа туғилди. Шу вақт қулоғига кимнингдир товуши эшитилгандек бўлди.

“Эй Темур, сендан илгари ҳам бу дунёга кўп кишилар келиб-кетганини билиб қўй. Улардан ҳеч бир асар қолмади. Бу эски дунёда лак-лак одамларнинг ўлими, шу куз фаслида тўкилган дарахтларнинг баргича ҳам аҳамияти йўқдур. Хазон япроғини ҳеч ким ҳисобга олмагани каби ўликларни ҳеч ким ҳисобга олмайди. Ҳатто исмларини ҳам билишмайди. Магар бир одам ҳаётида от қолдирган бўлса, унинг асари боқий бўлиб қолмай. Бу кунгача дунё халқи Чингиз деб билсалар, унинг дунёда от қолдирганлигидандур. Сен ҳам куз фаслидаги дарахт япроғидек тўкилиб, йўқ бўлиб кетмайин десанг, ўз номингни дунёда қолдиришга ҳаракат қил! Ҳозирда

қолган бир неча кунлик умринг ўтиб кетади. Сен ҳам бошқалар каби тупроқда ётасан. Ўша ётганча қанча йиллар тупроқда қолишингни Аллоҳнинг ўзи билади. Шунинг учун ўлгандан кейин истироҳат вақти кўпдир. Бир неча кунлик умрингни уйғоқликда ўтказгил, гафлатдан сақланиб, дунёда ўзингдан кейин из қолдирадиган ном қозонгин. Мана бир минг йил ўтган бўлса ҳам Искандарни азаматлиги билан ёдлагайсан, бошқалар ҳам сени азаматлик билан ёдласинлар!”

Соҳибқирон сергак тортди. Халаб шаҳри фатҳи хусусидаги режаси илоҳий эканлигини тушунди. Аллоҳнинг ўзи унга ишора бермоқда.

Дарвеш эса сўзида давом этар эди.

— Халаб деворининг баландлиги саккиз зироъ (6 метр) келади, гишт, пўлатдан солинган. Сиз каби ботир кишилар учун Халаб ҳисори ўйинчоқдир. Шотуларни ёғочдан қилингани ҳам, арқондан қилингани ҳам ҳисорга отланмоқларингиз учун хизмат қила олади. Ҳисорга чиқиш билан шаҳар дарвозасини очиб, сарбозларнинг кирмоғига йўл очасизлар. Шаҳарга киргандан кейин, шаҳар аҳолисини мол-жони сарбозларга таалуқ топмоғини уларга билдириб қўйинг. Бизнинг улушни ҳам.

Дарвешнинг сўzlари маъноли эди.

## Халабдаги жумбоқ

Шаҳар соқчилари душман пайдо бўлгани ҳақида ноғора қоқди. Темир Тош раҳбарлигидаги араб саркардалари деворга чиқишди.

Амир Темур қўшини секин-аста дашт бўйлаб келмоқда. Отлиқлар ҳовлиқмай, аста отларини йўртиб келишар, пиёдалар эса ортларидан эргашган. Улар унчалик кўп эмас. Наҳотки довруқли Темурбек қўшини шу бўлса? Балки кўраётганлари илғор қисмдир?

Саркардалар ҳайрон. Темир Тош эса тажрибали саркарда сифатида душман ниманидир режалаштирганини қалбан ҳис этди.

Кеч бўлганда ҳам бошқа қўшин келмади. Эрталаб эса шаҳар мудофаачилари яна ҳайрон бўлишди. Душман бутун кечаси хандақлар қазиб кўр ташлаган жойни ўрабди. Мудофаа деворлари вазифасини ўтовчи қалқонлар билан тўсибди. Қизиқ, ким мудофаачи-ю, ким ҳужум-чи? Орадан бир ҳафта ўтди. Лекин бўлак лашкар кўринмади.

Шаҳардаги ҳужум ҳавфи тарқади. Соқчилар ҳам, аҳоли ҳам чўчимай ухлайдиган бўлди. Одамлар ўзларидаги қимматбаҳо нарсаларни қалъа хазинасидан қайтариб ола бошладилар. Душман шаҳарга кира олмайди. Темир Тош ҳайрон бўлди. Душман ҳужумни сира ўйламаяпти. Хандақ қазииш билан овора. Сони ҳам кўп эмас.

Қизиққон Шодан ҳужум қилишга шай. Кекса саркарда Ибн Фаррух эса кутиш тарафдори. Тажрибали лашкарбоши бу ишда қандайдир сир борлигини ўйлаяпти.

Шодан минг отлиқ билан дарвозадан чиқиб жанг қилишга рухсат олди. Халаб суворийлари душман отлиқлари билан тўқнашди. Аммо негадир улар астойдил жанг қилмай орқага қочишди. Иккинчи кун Шодан беш минг отлиқ билан яна жангга чиқди. Жуда кўп душманни ўлдирди.

Энди Темир Тош ҳам Шодан фикрига қўшилиб душманга зарба беришга қарор қилди. Ўттиз минг отлиқ ва минглаб пиедалар душман томон пешвоз чиқишди.

Жанг ниҳоят қонли ва шиддатли бўлди. Халаб жангчилари мардона жанг қилиб ғалабага эришди. Душман чекина бошлади.

Темир Тош ва Шодан отлиқлари уларни қувишга бошлади. Аммо бирдан пайдо бўлган филлар ва қаёқдандир келган отлиқлар уларни чор атрофдан ўрай бошлади. Тўфанглар гумбирлаб ажал селини ёғдира бошлади. Темир Тош душман ҳийласини дарров тушуниб, орқага қайтишга буйруқ берди. Аммо буйруқ кечиккан эди. Халаб қўшини орқага қайталитган йўлда душман отлиқлари пайдо бўлди. Темир Тош билан Шодан зўрға шаҳар дарвозасига ёриб ўтди. Улар билан бир неча юз кишигина қолган эди.

Чекинаётган қўшин билан орқама-орқа келаётган душман шаҳарга кира бошлади.

Темир Тош билан Шодан арк қалъасига кириб олишди. Мудофаа бир ҳафта давом этди. Кўп жанглардан сўнг Темир Тош қаршилик бефойда эканини тушуниб, таслим бўлди.

Амир Темур уларни ҳурмат билан ёнидаги дастурхонга таклиф қилди.

— Сизлар бугун асир эмас, азиз меҳмоним бўлинглар.

Таомларнинг кети узилмас эди. Очiqқан ва толиққан Халаб саркардалари тўйгунча ичиб, ўзларига келгач Соҳибқирон улардан марҳаматли нигоҳини узмай ўз қарорини айтди.

— Сизларни Дамашққа жўнатамен. Ҳокимга айтинглар, менга таслим бўлсин.

### **Сирли табассум** **Дамашқ. Қоҳира. 1400 йил**

Темир Тош Дамашқ ҳокимига қисқа ахборот берди ва унга Амир Темур таклифини етказди.

— Амир Темур ҳозирда Хоразм, Туркистон, Хуросон, Зобулистон ва Ҳиндистондан тортиб то Табаристон, ҳар иккала Ироқ, Форс, Хузистон, Озарбайжон, Диёрбакргача бўлган жамики мамлакатлар устидан ҳукм юритиб турибдур. Шу кунларда Эрону Туронда унга бас келатурғон куч йўқдур. Маслаҳат шулким, оёғимизни итоат ва хизматкорлик ҳалқасига қўяйлик, унинг номига хутба ўқитириб, пул зарб эттирайлик. Сўнг саййидлар, уламо ва бошқа машҳур кишиларимизни васила қилиб, беназир лашкар ва тансуқотлар тортиқ этиб, унинг кўнглини овлайлик. Шу билан ажаб эрмас у уруш-талаш матосини йиғиштириб орқасига қайтиб кетса. Шунда мамлакат ҳам, раият бирлан ҳам омон қолгай.

Дамашқ ҳокимининг авзон ўзгарди.

— Дев наслидан деб сени ким айтади, Темир Тош? Сен тилга олғон мамлакатлар қалъаларининг деворлари ва буржу боралари лой бирлан хом гиштдан

қурилган. Бизнинг ҳисорларимиз эрса тамом тош билан ганчдин бино этилгандур. Уруш-талош асбобларимиз ва захираларимиз эрса беқиёсдир.

Шундай дея ҳоким сирли жилмайди.

— Яна бир чорани ҳам кўриб қўйғонмиз.

\* \* \*

Таймуроз энди Далилага жуда сурбетларча боқди.

— Ўн минг динор берасиз менга, бекам.

Далила хотиржам ҳолда унга ҳамён узатди.

— Тилхат ёзишни унутма.

Ахборот чиндан ҳам муҳим эди. Зиндонда ётган учта қароқчи — ўлимга маҳкум этилган қотиллар озод қилинибди. Уларга қандайдир махсус вазифа юклангани аниқ.

Таймуроз чиқиб кетгач, Далила ўзининг хос махрамини чақирди.

Камгап, лекин сўзида қатъий ва жасур Салим унинг олдида бош эгди.

— Хизматингизга мунтазирман, бекам.

Далила хушсурат ва кўркам бу йигитни қалбан севар эди. Энг муҳими, ўта сирли юмушларни унга ишониб топширар эди. Бунга жавобан Салим ҳам бирон марта унга панд бермаган эди.

Далила бу ўттиз ёшлардаги йигит чиндан ҳам унга содиқ ва вафодор эканлигини яхши биледи. Ҳатто уни пинҳона севишини ҳам. Уни деб ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам бемалол, ўйламасдан отади. Ўлимдан сира кўрқмайди. Бир ишора қилса, бас.

— Таймурозни йўқот. Унинг ўлими табиий бўлсин. Тушундингми?

— Бош устига, бекам.

Салим қуллуқ қилиб чиқиб кетгач Далила чуқур хўрсинди. Энди бу йигитдан ҳам воз кечиш лозим. Чунки у жуда кўп сирларни биледи.

— Нигина!

Далила бир зумда қаршисида ҳозир бўлган жориясига сергак боқди.



— Энди гал Салимга келди. Тушундингми?

Нигина қилт этмади. Бекасининг сирли буйруқларига қўниқиб кетган. Аммо Салимни йўқотиш — ақл бовар қилмайдиган гап. Улар эр-хотиндай эди. Бунга у гувоҳ.

— Гайёргарлигингни кўравер. Мен айтган кунда Салим уйғонмаслиги шарт.

Нигина бекасига қўрқинч ва ҳайрат ила боқди.

— Бош устига, бекам.

— Бу сенинг менга охириги ишинг бўлади, Нигина. Она юртинг Бухорога қайтасан. Бойвучча бўлиб...

Далила у чиқиб кетгач, тахмондаги кўзачани олди. Тўйиб-тўйиб шаробдан ичди. Ичган сари унинг амри билан ўлдирилган одамларнинг қиёфалари кўз олдида гавдаланаверди. Аммо бир кишининг сиймоси уларни тўсади. Ана ўша сиймо деб у ҳеч нарсадан қайтмайди. Далиланинг мастона лабларидан бир сўз отилиб чиқди.

— Соҳибқироним!

## **Тенгизнинг нозик ишораси Кайхон Пу қишлоғи. 1400 йил**

Валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон бошчилигидаги Мовароуннаҳрдан келган қўшин Амир Темурнинг Дамашқ яқинидаги Кайхон Пу қишлоғидаги ўрдутоҳида қўр ташлади. Улар билан ўзбошимчалиги учун ҳибсга олинган Мирзо Искандар ҳам келтирилди.

Соҳибқирон чодирода ҳарбий машварат бормоқда. Саркардалар ўз фикрларини айтишмоқда. Амир Худойдод, Шайх Нуриддин, Шоҳмалик каби Амир Темурнинг кўп йиллик ва синашта сафдошлари лашкарнинг чарчаганини ва янги келган қўшин каби жанговар руҳда эмаслигини очиқдан-очиқ айтишди.

Муҳаммад Султон уларга истехзо ила нигоҳ ташлаб сўз қотди.

— Улар ҳам кўтаринки руҳда бўлиши учун керакли дори олиб келганман.

— Қанақа дори? — ажабланди барча.

Соҳибқирон эса сирли жилмайди.

— Мана ўша дори, — деди валиаҳд қўлидаги ҳамённи силкигиб. Тангаларнинг жиринги ҳаммани маҳлиё қилди. Ҳозиргина зарбхонадан чиққан кумуш тангалар гиламга сочилди.

— Лашкарнинг етти йиллик маоши зарб қилинмоқда. Бугун-эрта тарқатамиз.

Амир Худойдод бошини қашиди. Шоҳмалик эса унинг елкасига қоқди. Шу топда у орадан беш йил ўтгач, Худойдоднинг шу бошини кесиб унинг олдига келтиришларини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бутун лашкар оёққа қалқди. Кўчма зарбхонадан чиқаётган тангалар улашилмоқда. Оддий навкар маоши бир от пули. У нечта кумуш тангага чиқади?

Соҳибқирон амирлар учун катта дастурхон яساتган. Катта зиёфат бошланди. Лашкар учун эса улкан базм. Қозонлар осилган, қўй-қўзилар гўшти пишмоқда.

Лашкар чодирлари олдида савдогарлар бозори очилган. У қизиб бормоқда. Тангалар жиринглайди. Даллоларнинг хитоблари, савдолашаётганларнинг бор-баракалари атрофни тутган. Ошпазлар, кабобпазлар ва сомсапазларнинг ҳам бозори қизиган.

Маъсудбекнинг чодиргоҳида ҳам базм. Дамашқдан келган Миср султони элчилари меҳмон қилинмоқда. Контрразведка раҳбари Қоҳирадан олинган хабардан сўнг сергак тортган. Соҳибқиронга суиқасд тайёрланмоқда. Махсус шароб элчиларни элитмоқда. Махфий хизмат мақсадларида ишлатиладиган гиёҳлар, ҳар қандай хушёрни маст, мастни эса девона қилгувчи бу шароб ўз кучини кўрсатмоқда.

Маъсудбек ишораси билан навкарлар элчиларни қўлтиқлаб улар учун тайёрланган чодирга олиб кетди.

Атрофда базм бормоқда. Одамлар хурсанд ва кўтаринки кайфиятда. Фақат Маъсудбек ва Амир Жалол хушёр. Улар ўз ишлари билан банд.

Элчи эгилган бошини кўтариб Маъсудбекка қаради.

— Қандай мақсадда келгансиз?

— Тенгизнинг махфий топшириғи билан.

— Қандай топшириқ?

— Тенгиз Темурбек хизматига ўтажагини ва унга астойдил содиқ бўлишини айтиш учун келдим. Номада ҳаммаси ёзилган.

— Ҳамроҳларингиз кимлар?

— Фидойилар.

— Вазифалари?

— Менга ёрдам кўрсатиш.

Маъсудбек ханжарларни унга кўрсатди.

— Бу ҳамроҳларингиз ханжарлари. Сиртига нега заҳар суртилган?

— Тил тортмай ўлишлари учун.

— Улар нима қилишади?

— Билмайман. Тенгиз билади. Улар зиндонда ётганларида топшириқ олишган.

Элчи бошқа жавоб бермай бошини қуйи солиб мудроққа кетди.

— Бир соатлардан сўнг ўзига келади. — Амир Жалол савол ичра Маъсудбекка қаради.

— Ханжарларини олиб қўямизми?

— Йўқ. Ҳаммасини жой-жойларига қўйишсин. Улар ҳеч нарса пайқамасликлари лозим. Тенгиз бизга ғалати топишмоқ йўллабди. Демак, бу сохта суиқасд бўлади. Мақсад?

Миср султони элчиси ва унинг мулозимлари Амир Темур чодирига киришганда тахтда ўтирган Соҳибқирон, ёнида ўтирган Маъсудбек ва икки соқчидан бошқа ҳеч кимни кўришмади. Улар тиз чўкиб тахт ёнига эмаклаб боришди. Амир Темур чопонининг пешини юзларига суртдилар, ўринларидан туриб икки газ орқага тисарилиб боришди ва яна эгилиб таъзим бажо келтирдилар. Сўнг элчи қўйнидан номани чиқариб муншийи хос сифатида ўтирган Маъсудбекка узатди. Ҳамроҳлари эса совға-салом солинган, остонада қолдирилган сандиқни тахт пойига олиб бориб қўйдилар ва яна бир эгилиб чуқур таъзим қилишди.

Шу вақт қутилмаган воқеа юз берди. Элчининг ўнг томонида турган ҳамроҳи этиги қўнжидан ханжар чиқарди. Ўзини тахт томон олди. Лекин иккинчи ҳамроҳ

унга ташланиб энгидаги ханжарни юрагига санчди. Сўнг уни чиқариб ўз кўксига урди. Бир зумда иккиси ҳам тил тортмай ўлди.

— Бу не ҳол?

Элчи Соҳибқироннинг нигоҳига дош бериб дадил жавоб қайтарди.

— Улар ўз вазифаларини бажаришди.

Маъсудбек эса унга қўшимча қилди.

— Бу Тенгизнинг бизга ишораси.

Амир Темур номага яна кўз югуртирди.

— Шундайга ўхшайди.

## Соҳибқирон кутган аллома Дамашқ. 1400 йил

Миср султони Носир Фараж билан бирга келган Ибн Халдун ҳамманинг диққат назарига тушди. Бу олимнинг шуҳрати шундай катта эдики, у жойлашган Одилия мадрасаси куну тун одамлар билан гавжум бўларди. Султон ҳузурда вазирлик даражасига кўтарилган аллома яратган китоблар машхур. Зотан унинг таржимаи ҳоли ҳам афсонавий эди.

Валиуддин Абу Зайд Абдураҳмон ибн Муҳаммад ибн Халдун 1332 йилда Тунисда туғилган. У яшаган оила Тунисдаги ўзига тўқ бой-бадавлат хонадон эди. Болалигидан тиришқоқ, илмга ташна ва хушфеъл Ибн Халдун Қуръони карим, тафсир, ҳадис, фикҳ, нотиклик, адабиёт ва фалсафа билан шуғулланди. Илм дея кўп мамлакатларга, ҳатто Кастилияга ҳам борди. Ўша ерда шафқатсиз деб ном олган Педро қирол сифатида унга марҳамат кўрсатди. У Гренадада узоқ йиллар яшаб илм ўрганди. Қирол шафқатсиз Педро у билан кўп суҳбатлар ўтказди. Унга барча шароитларни яратди.

Араб ва маврларга шафқатсиз бўлиб, испан ерларини улардан озод қилишга бутун умрини бағишлаган Педро бу арабга шундай эътибор билан қараши муқаддас инквизиция ва Рим папасини ҳам ғоят ажаблантирган

эди. Мусулмонларнинг ашаддий душмани жангари қирол ҳатто Ибн Халдунга Гренадада абадий яшашга, умрбод қолишга ҳам таклиф қилган эди. Худди шу жойда у умрининг асосий мазмунини ташкил этган “Китоб ал Ибор”ни ёзиб тугатди. Кейин яна кўп йиллар дунё кезди, ҳурмат ва эътибор, қувғин ва зиндонларда, ёввойи берберлар ўтовлари, кўчманчилар ўтовларида яшади.

1381 йилда у Қоҳирага келади. Султон Барқуқ уни яхши кутиб олади. Мадрасада мударрис, кейинчалик Қоҳирада қозикалон вазифаларида ишлади. Барқуқ уни ўз валиаҳди Носир Фарожга мураббий қилиб тайинлайди. Олимга ҳасад билан қарайдиганлар мағлуб бўлишади.

Барқуқ ўлгач, унинг ўғли тахтга ўтиради. Устозини вазир лавозимига ўтказди. Ана шу вазифада ҳам Ибн Халдун ўзини доно олим, бегараз ва олийҳиммат инсон сифатида кўрсатади.

Ибн Халдун ўз шогирди Султон Фаражга доно сиёсат ўтказиш бобида кўп тавсиялар берди. Амир Темур ва турк султони Боязид хусусида ҳам. Отаси йўл қўйган хатоларни кўрсатди.

Мана, бутун ҳам ўн беш ёшли султон ҳар галгидек ундан сабоқ олгани келганида гап Амир Темурга бориб қадалди.

— Устоз, бу одам ҳақида сиз нима биласиз?

Ибн Халдун ўйга чўмди. У бундан қирқ йил муқаддам Фас шаҳрида машҳур мунажжим Абу Али Бадис билан суҳбатини эслади. У Шимоли-шарқий томондан кучли лашкарбоши чиқиб, дунёнинг кўп ерларини забт қилишини айтган эди. У қачон пайдо бўлиши ҳақида ҳам жавоб берган эди. Ибн Халдун ўз устози ал-Обилийдан ҳам сўраганида у “Сенинг ўзинг яқинда бунинг гувоҳи бўласан” деди. Ҳатто Мағрибдаги машҳур авлиё Шайх Абу Ёқуб ал-Бодисий намозини тўхтатиб, Амир Темурнинг қачон пайдо бўлиши ва жаҳонгирлик фаолияти қачондан бошланишини айтиб берган.

Ибн Халдун гапирган сайин ўсмир султоннинг кўзлари катта очилиб борарди.

— Демак, Амир Темур енгилмас жаҳонгир экан-да, устоз?

— Уни Соҳибқирон дейишади, султоним.

— Бўлмаса, нега амирларим у билан жанг қилишни исташмоқда?

— Чунки улар Соҳибқирон қиличи зарбини ўзларида синаб кўришмаган.

Султон бошини қуйи солди. Ибн Халдун бу ўсмирга ачиниш билан қаради. Улкан салтанат тоши унинг нимжон елкаларини эзиб ташламоқда.

— Тенгиз менга бир сирни айтди, устоз. Ишонган амирларимиздан уч киши яширинча Қоҳирага кетибди. Мақсадлари менга қарши фитна тайёрлаш экан.

Ибн Халдун ўйга чўмди. Миср султони хуфий хизмати бошлиғи Тенгиз анойи одамлардан эмас. Ер тагида илон қимирласа билалади.

— Ундоқ бўлса Сиз зудлик билан пойтахтга боришингиз даркор, султоним. Мен эса Дамашқда қолиб шаҳар мудофаасига бош бўламан.

Амир Темур лашкари кўриниши билан Мисрдан келган мамлуклар ва бошқа жангари аскарлар дарвозани очиб ҳужумга чиқишди.

Бундай дадил чиқишни кутмаган Амир Темур лашкари саросимада қолди. Дамашқликлар мардона олишиб душманлари сафларини ёриб киришди. Икки ўртада шиддат ва қонли жанг оқшом тушгунча давом этди. Носир Фараж шаҳардан кетишда қолдирган мамлукларнинг кўпчилиги Халил Султон суворийлари томонидан қириб ташланди. Жуда озчилик мудофаачилар шаҳарга қайтди.

Соҳибқирон лашкари Дамашқни қамал ҳалқасига олди.

Султон Фаражнинг шаҳарда қолган мулозимлари муваффақиятсиз ҳужумнинг асосий айбдори вазир Ибн Халдун дея овозалар тарқатишди.

— Мағриблик Дамашқни Темурга топширмоқчи.

Марҳум султон Барқуқда хазмат қилган черкаслар Ибн Халдуннинг эски айбларини эслашди.

— У доимо султонга Амир Темур билан урушмасликни маслаҳат қиларди.

— Носир Фараж ҳам бекорга Дамашқдан чиқиб кетмаган.

Ибн Халдун ал-Аблоқ қасрини ташлаб ўз қароргоҳини Ал-Адиб мадрасасига кўчирди. Сокин ҳужрада яшай бошлади.

У бугун шаҳардаги Уммовийлар масжидига бомлод намозини ўқиш учун йўл олди. Кимсасиз кўчалардан ўтиб бораркан, аллақандай енгиллик туйди.

Масжидга келганлар қаторидан ўрин олди. Бу даргоҳда қиблага сажда қилаётганларнинг бари чин юракдан Аллоҳ билан мулоқотга киришган. Улар Яратувчига чин ихлос ила ибодат қилишмоқда.

Бир ракатдан сўнг Ибн Халдуннинг назарида Аллоҳ пайдо бўлиб, ундан нима тилак сўраётгандай туюлди. Етмиш ёшга тўлган айни бир чоғда у умрида биринчи бор шундай ҳолатга тушди. У Аллоҳдан нима сўрасин?

Беихтиёр кўз олдида Амир Темурнинг нурли сиймоси ярқ этиб кўринди. У билан учрашиш, унинг суҳбатидан баҳраманд бўлиш ва унинг илтифотига сазовор бўлиш истагини қалби айтди.

Кекса аллома намоз сўнгида шуни астойдил ният қилди. Бу нияти ижобат бўлишига чин юракдан ишонч ҳосил қилди. У ҳужрага қайтаркан, яна Дамашқ қамалга бардош беролмаслигини ҳам англади.

Қанча-қанча мустаҳкам шаҳарларни забт этган Соҳибқирон зарбига Дамашқ дош беролмайди. Аммо у султон амри билан шаҳар мудофаасига жавобгар. Ҳамма шунинг учун ҳам унга бўйсунушига мажбур. Мадраса сукутда. У ҳужрасига кириши билан у ерда уни пойлаб ўтирган Шоданни кўрди.

— Нега сиз лашкарга шаҳардан чиқиб душман билан жанг қилишга рухсат бердингиз?

Ёш саркарданинг важоҳати қаҳрли эди.

— Мамлуқлар шуни иташди, навқирон дўстим. Ахир сиз ҳам шошқалоқлик билан Халабда неча минг кишини қурбон қилган эмасмисиз?

Шодан бошини қуйи солди.

— Темурбек сизнинг ёш жонингизга раҳм қилиб омонлик берганини унутдингизми?

— Бу менга бир умр сабоқ бўлди, тақсир.

Шодан шундай дея чиқиб кетди. Унинг кетидан яна бир арзгўй кириб келди. Қўлида қандайдир китоблар.

— Сизга бир совға келтирдим, ҳазрат.

Ибн Халдун ҳар куни китобфурушларни қабул қилади. Керагини сотиб олади, аммо бу одам келтирган китоблар чиндан ҳам бебаҳо хазина эди. У узоқ йиллар излаб тополмаган Павел Орозийнинг “Тарих” китобини қўлида ушлаб турар эди. Лотинчадан араб тилига ўтирилган китобни кўриб Ибн Халдуннинг юзи мунгли тус олди. Ана шу китобни бундан беш йил муқаддам рафиқаси Ақида ва беш қизи бошқа қўлөзмалар қатори Тунистан Мисрга олиб келаётган эдилар. Улар тушган кема Ливия қирғоқларида довулга учраб чўкиб кетди. Ақида ва унинг беш қизини уммон ўз тубига олиб кетди. Ақида!

Ибн Халдуннинг кўзларида яна ёш қалқди. Ақида! Умрининг бетакрор баҳори! У Мағрибнинг таниқли лашкарбошиси Муҳаммад ибн Ҳакимнинг қизи эди. Улар қирқ йил бирга яшаб икки ўғил ва беш қиз кўришди. Висол қувончлари, ижоднинг гоҳ машаққатли, гоҳ қувончли лаззатлари билан тўлган қирқ йил!

Ақида унинг ҳаётига баҳордек кириб келган эди. Ўша бир инсон умрига тенг қирқ йил баҳордек ўтди-кетди.

Ўша шум хабар етиб келган куни у оиласи учун Искандариядан, денгиз бўйидан олган ҳовлисида уларни бетоқат кутиб ўтирарди. Бу хабарни эшитиб девона бўлаёзди. У бошяланг ҳолда шиппакни ҳам киймай, Қоҳира томон чопди. Саҳрода хушсиз йиқилди. Уни замбилга солиб олиб келишди. Нил дарёсида қайиққа солиб Қоҳирага элтишди. У ерда ҳам узоқ туролмай ўзига совға қилинган Файём қишлоғига кетди. Тамоман тарки дунё бўлиб ўша ерда туриб қолди. Шарқиллаб оқаётган ариқлар ёнида мағрур қад ростлаган пальмаларнинг шамолда оҳиста шивирлашларига қулоқ тутиб жудолик ситамини тутди. Ўша ерда ҳаётининг асосий мазмуни бўлган “Китоб ал-Ибор”ни ёзиб тугаллади.

Китобфурушнинг хитоби уни хаёл гирдобидан чиқарди.

— Соҳибқирон сизга мунтазир.



Ибн Халдун довдираб қолди.

— Эрта тунда тайёр туринг.

Шундай дея у қўлларидаги китобларни унга узатди.

— Бир ўзимми?

— Ҳа, бир ўзингиз. Ёдингизда тутинг, Соҳибқирон айнан сизни кўрмоқчилар.

Ибн Халдун китобфуруш орқасидан қараб қолди. Наҳот унинг тилаги шундай тез ижобат бўлса? Яна бир фикр миясида чақнади. Дамашқнинг тош ва пўлатдан ясалган деворлари ҳам Амир Темур одамларига чўт эмас.

Қандайдир таҳликали ҳам қувончли туйғу қалбини китиклаб ўтди.

Ибн Халдун кун қандай ўтганини ҳам, эрта бошланиб тун чўкканини ҳам сезмади. Ўша китобфуруш уни дарвозагача кузатди. Қандайдир кишилар уни қалъа деворига чиқариб белига арқон бойлашиб пастга авайлаб туширишди. Бу ерда эса уни отлиқлар кутиб турарди. Тун зулматида ҳеч ким Ибн Халдунни шаҳардан чиқиб кетганини билмади.

## Соҳибқирон ёллаган аллома Дамашқ. 1400 йил

Амир Шоҳ Малик уни махсус чодирга таклиф қилди.

— Дам олиб туринг, тақсир.

Ибн Халдуннинг юраги орзиқиб кетди. Қўрқинч, умид яна аллақандай фахрли қувонч қалбини тўлқинлантирди. Қачонлардир Мағриб султони уни ўзхузурига чақирганида, Кастилия қироли Педро, Фас ҳукмдори, Тунис султони, сўнг эса Миср султони қабули олдида у шундай туйғуни кечирган эди. Аммо ҳозир буюк ва афсонавий Амир Темур олдида у қироллар ким бўлибди?

Амир Темур уни билибди, танибди. Шунинг ўзиёқ унга берилган юксак баҳо ва қадр эмасми?

Ибн Халдуннинг олдида дастурхон ёзилди. Тушда ҳам, оқшомда ҳам унинг олдида турли одамлар кириб ҳолаҳвол сўрашар эди. Тансиқ таомлар ва шарбатларнинг кети узилмас эди.

Эртасига бомдод намозидан сўнг Амир Шоҳ Малик чодирга кирди.

— Соҳибқирон сизни кўрмоқчилар.

Лашкар чодирлари ортда қолди. Оқ мрамрдан ишланган рабoт кўзга ташланди. Соҳибқирон қароргоҳи муҳташам безатилган. Чўгдек ял-ял ёниб турган гиламлар осилган, ерларга тўшалган.

Аллома эҳтиром ила бу муқаддас кошонага қадам кўйди.

Амир Темур кўрпачага ёнбошлаб ўтирибди. Олдида эса китоб. Ибн Халдуннинг юраги ҳалқирди. Бу унинг “Китоб ал-Ахбор”и эди.

Кўзлар кўзларга тўқнашди.

— Ассалому алайкум, улуғ амир!

Соҳибқирон ёнида турган таржимон нималарнидир деди. Кейин Ибн Халдунга қаради.

— Соҳибқирон сизни ёнларига ўтиришни таклиф қилмоқдалар. Бу сиз учун жуда катта эҳтиром.

Таржимон унга синовчан боқди. Кўзлари, юзлари таниш. Қаерда кўрган эди уни? Ҳа, бу ўша, бундан етти йил муқаллам Қоҳирага келган одам. Темурбекнинг элчиси ўлдирилганда тирик қолдирилиб, сўнг Самарқандга юборилган одам. Демак, Соҳибқирон ҳеч нарсани унутмайди.

— Китобингизни ўқидим. Аммо унда қандайдир чуқур мунг сезилади, мавлоно.

Ибн Халдуннинг юрагини яна жудолик ситами ўртади. Бу китобни у қай ҳолда ёзган эди! Ақида, жондан азиз қизлари, набираси дардида! Улар ҳозир денгиз тубида ётишибди. Йиллар унинг дардини даволай олмади. Фақат шу китоб уни овутди, холос. Лекин юпанч бермади.

— Жудолик ситами не эканлигини мен яхши биламен, мавлоно.

Ибн Халдун беихтиёр кўзларига қалққан ёш билан Соҳибқиронга қаради. Икки дардкаш нигоҳ бир-бири билан тўқнашди.

— Суҳбатимиз узоқ ва давомли бўлади, мавлоно.

Ибн Халдуннинг бутун вужуди қулоққа айланди.

— Сизнинг қарашларингизга кўра одамлар каби давлат ҳам ўзининг ҳаётий даврларига эга. Инсон умрининг табиий даври 120 йил. Давлатнинг табиий умри ҳам шундайми?

Амир Темурнинг бу саволи олимни ўйга солди. Демак, бу билан Соҳибқирон ўз давлати умрига ишора қиламоқда.

— Мен давлат умрини уч авлод умрига қиёс қиламен. Унда биринчи авлод куч ёрдамида қийинчиликлар билан ҳокимиятни қўлга киритиб, ўзининг ёввойи табиатига кўра ҳаракат қилади. Яъни жидду жаҳд газаб, қатъият ва сабр-тоқат билан иш олиб боради. Шу туфайли ҳокимият тепасида қолади. Иккинчи авлод мерос сифатида қабул қилинган ҳокимиятнинг меваларидан фойдаланиб ялқовланиб қолади, майшатга ва беғамликка берилиб ҳашаматли ҳаётга кўникади, натижада аста-секин заифлаша бошлайди. Учинчи авлодда эса давлатни ташкил этувчи манбалар ҳисобланган хусусиятлар барҳам топади ва шоҳ курашчанлик қобилиятини йўқотиб, давлат учун ортиқча юк бўлиб қолади. Мана шу тариқа давлатнинг инқироз даври бошланади.

Соҳибқирон ўзи билан тенгдош аллома сўзларини тинглар экан, улар замиридаги ҳақиқатни теран аҳли билан англади. Алломанинг фикрлари билан устозлари ва пирлари айтганларини ўзаро таққослади. Унда мудраб ётган тадқиқотчилик руҳи жўш уриб кетди.

— Мавлоно, сиз жамият, уни бошқариш, ҳукмдор ва унинг фазилатлари хусусида бундан беш аср муқаддам ҳазрат Фаробий билдирган фикрларини тўлдирибгина эмас, унга янги жило ва мазмун бахш этибсиз. Янглишмасам, китобингизда ҳукмдор бу жамият аъзоларидан бири бўлиб, бошқалардан баланд туради ва одамлар бир-бирларига зиён-заҳмат етказмасликлари учун уларни бошқаради, шоҳликнинг маъноси ана шу деб ёзгансиз. Янглишмадимми?

— Хотиранингизга тасанно, улуғ амир.

Амир Темур алломанинг чеҳрасида самимий ҳайратни кўриб завқи ошди ва сўзида давом этди.

— Мавлоно, сизнинг давлатга доир яна бир фикрингизга қўшилган ҳолда уни ёдаки айтишга журъат қилурмен. Эшитинг, ёзганларингизни. Ҳукумат халқ манфаатлари учундир, демак, шу боис халқ уни ташкил этишга ҳақлидир. Бу ерда асосийси шуки, жамият ўз манфаатларини таъминлаш, ички фитна ва келишмовчиликлар, низолардан ҳамда четдан бўладиган ҳужумлардан сақланиш учун мувофиқ ва ҳамма нарсадан хабардор ҳукуматга, ташкилий уюшганлик ва тартибга эга бўлиши лозим. Хулосангиз шуки, ҳукумат оқил ва доно, тadbиркор ва ташкилотчи бўлмоғи лозим. Шундайми?

Ибн Халдун Амир Темурнинг чеҳрасидан домлага имтиҳон топшириб, ўз баҳосини кутаётган талабанигоҳини уқди.

— Тасанно Сизга, улуғ амир! Мен ҳали ҳеч қачон ўзим билган ҳукмдорлар орасида Сиздек хотираси кучли одамни учратмаганман.

Амир Темур шодлигини яширмади ва сўзида давом этди.

— Буюк давлатлар маданият билан алоқаси оз бўлганлиги учун софликларини, ҳаракатчанликларини ва фаолиликларини йўқотмаган кўчманчилар томонидан қурилади. Давлатлар қурган миллатларнинг куч-қуввати манбаи танасида мавжуд қувватки уни Сиз, мавлоно, асабият калимаси билан ифода қилгансиз. Бу асабиятни қандай ифода этасиз?

Энди Ибн Халдун ўзини соҳибқирон олдида талабадек ҳис этди. У ҳали ҳеч ким унинг етти жилддан иборат китобини Амир Темурдек синчиклаб ўқиб, чуқур таҳлил қилмаганига иқрор.

— Асабият, улуғ амир, ўзининг энг кўп қавмини бирлаштирган, айни вақтда мафкуравий ва диний бирлаштириш шаклида кўрсатади. Асабият ислом даврида арабларда ҳам бўлганлиги каби анча авваллари ҳам бошқа тажовузкор ғайри муслим қавмларда ҳам юксалиш ва ҳокимиятни қўлда тутиб туришни таъмин этган.

— Офарин, мавлоно, энди сиз дам олинг, сўнг эртага, иншооллоҳ, суҳбатимизни давом эттиргаймиз. Айтганларингизнинг маъзини чақиб, ўз фикримни билдиргаймен. Шоҳ Малик!

Ибн Халдуни қароргоҳига ҳурмат ила кузатиб қўйишди.

Аллома ҳаяжондан узоқ вақт ўзига келмади. У Аллоҳга шундай буюк инсонга рўпара қилганидан шукроналар айтди. Умр бўйи орзу қилган истагини яъни дунёни ўзгартириш, халқларни бир ғоя ва бир эзгу мақсад йўлида бирлаштиришга қодир ягона инсон одамлар адолат шамшири, шариат қалқони дея улуғловчи ана шу суҳбатдошидир. Бундай имкониятни қўлдан бермаслик лозим.

Тўйимли тушлиқдан сўнг у қўлига қаламини олди. Миясида чақнаган фикрлар шиддати ила қўли қоғоз устида ўрмалаб кетди. Сўзлар худди сув каби қўйилиб келар эди. У ҳали ҳеч қачон бундай илҳомбахш дақиқаларни бошидан кечирмаган. Чунки ҳозир ёзаётганлари “Муқаддима” китобининг ғоявий-назарий асосларидирки, улар Амир Темурнинг эртанги фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиши керак. Кўп йиллик меҳнатлари, изланишлари маҳсули бўлган ғояларини фақат угина — Соҳибқирон Амир Темургина ҳаётга татбиқ эта олади. Шунинг учун эртанги суҳбатга жиддий тайёрланиши лозим.

Алломанинг қалами Самарқанд қоғози устида худди майдонга от сурган чавандоздек илдам чопа бошлади. У фикрларини ҳарфларга айлантирар экан, улар келгусида Шарқ ва Ғарб олимлари учун ўзига хос мактаб бўлишини хаёлига келтирмаган. Ибн Халдун энг аввало ҳанузгача фанларнинг фани деб номланиб келаётган фалсафа қаторида тарихнинг ўрни ҳақида ёза бошлади. Инсониятнинг тарихий тажрибаларини диний ва дунёвий тафаккур орқали талқин этиш даркор. Фаннинг икки жиҳати бор. Биринчиси қадимги мамлакатлар ва давлатлар ҳақида ҳикоя этувчи ташқи томони бўлса, иккинчиси тадқиқотларнинг бирининг тарихи ва янги фикрларни кашф этиш бўлган ички томонидир. Тарих дунё асослари сабабини аниқ излайдиган фан. Бу воқеалар ва уларнинг сабаблари ҳақидаги чуқур илм.

Аллома бир зум ёзишдан тўхтади. Косадаги шарбатдан ҳўплаб яна қоғоз узра энгашди. У ҳозир тарихнинг бошқа фанлар қаторидаги ўрни ҳақида ўз фикрларини қоғозга битади. Тарихий тадқиқотнинг умумий ва ички

жиҳатларини унутмаслик даркор. Илмий таҳлилнинг ташқи томонига турли мамлакатлар, давлатлар, халқлар, уларнинг бошидан кечирганлари, тарихий воқеликлар кирса, ички томони бевосита ана шу воқеликларни тафаккур элагидан ўтказиб унинг атрофида фалсафий фикр юритишдир. Мангикий хулосалар чиқаришдир. Тарих бир дарахт бўлса, фалсафа унинг илдизидир.

Ибн Халдун тарихнависликдаги мавжуд анъанавий усулларни қоралади. Чунки уларда ўтмиш сохталаштирилади, воқеликлар, шахслар ҳукмдорлар манфаатига мослаштирилиб берилади. Ҳолбуки, тарих фаннинг асосий мақсади ҳар бир миллат ва қавмнинг келиб чиқиши уларнинг тараққий топиш йўллари, тарихий ривожланиш манбаларини чуқур ўрганиш миллатнинг уйғонишига, ўз қадр-қимматини билишига ва истиқбол режаларини аниқ тузишига ёрдам беради. Тарихда адолат устуворлиги, тарих ҳақиқати ҳамisha бош мезон бўлиши, ҳар қандай воқеа ва ҳодиса таҳлили тўғридан-тўғри муносабатни, одиллик билан ёндашишини тақозо этиши муҳим фазилатдир. Тарихнинг асосий вазифаси ва мақсади инсоният жамияти ва одамлар жамоаси бўлган мустақил фандир, унинг фаолият майдони биринкетин алмашиб келадиган воқеалар сабаби ва вазиятлар хусусиятларини тушунтиришдир.

Аллома бу фикрлари билан ўзи билмаган ҳолда тарихшуносликни фан сифатидаги ўрни ва мақомини, илмий-назарий меъёрларини яратди. Аммо зийрак Амир Темур бунга дарҳол илғади. Туни билан мижжа қоқмаса ҳам тетик ва барлам ҳолда бомдод намозидан сўнг хузурига келган аллома чеҳрасидан ижоддан ҳориган, лекин мамнун тадқиқотчини кўрган Соҳибқирон унга ҳавас билан қаради. Ибн Халдуннинг қоғозга туширган фикрларини эътибор билан тинглади.

— Тарих қанчалик ўтмиш ҳақидаги фан бўлмасин, инсон тафаккури ва ҳаёт тажрибаларининг маҳсули сифатида бугунги кун тафаккурининг таянчи, истиқболни белгиловчи маёқ вазифасини ҳам бажаради.

Амир Темур ёнида ўтирган тарихчи Низомиддин Шомийга савол назари ила боқди.

— Не дейсан, Низомиддин?

— Бағоят тўғри фикр, Соҳибқирон.

— Бўлмаса, менинг тарихимни ёзишда шунга амал қилгил.

Соҳибқирон нигоҳини Ибн Халдунга қаратди.

— Мавлоно, сиз менга китобингизда битилган бир хулосангизни тушунтириб берсангиз.

— Кулогим сизда, Соҳибқирон!

— Дунёда икки миллат ҳоким бўлишга яратилгандир: бири араблар, бошқаси турклар. Бу фикрингизни қандай асослайсиз?

Ибн Халдун босиқлик билан умри давомида пишитган хулосалар, асослар, тарихий ҳодисалар таҳлилини баён қилгач, шундай яқун чиқарди:

— Сиз эмасми, Соҳибқирон, катта китобимдаги барча фикрларимга бир байтда яқун ясаган зот? “Биз ким, мулки Турон, амири Туркистон миллатларнинг энг қадими ва энг буюғи, гуркнинг бош бўғини”, деган.

— Офарин, офарин!

Амир Темур аллома гапларидан ёш боладек қувониб кетди.

— Мавлоно, сизни тушликка чорлайман. Мовароуннаҳр олимлари ҳам бўлишади. Суҳбатимиз узоқ ва давомли бўлади.

Чиндан ҳам бу доимий суҳбатлар бир ойдан ортиқ давом этди. Ибн Халдун шу вақт мобайнида кўрган-билганларининг барини ёзма ва оғзаки тарзда Амир Темурга баён қилди. Бу орада Дамашқ шиддатли ҳужумдан сўнг Соҳибқирон томонидан эгалланди.

Аллома ҳурмат ила унинг илтимосига мувофиқ Қоҳирага жўнаб кетди.

Ўша ерда у Амир Темур шахси, фаолияти ва давлати ҳақида холис ва беғараз тарзда, Ибн Арабшоҳ ва бошқа муаррихларнинг Соҳибқиронга ғараз кўзи билан қараб, унинг ҳақидаги ҳақиқатни сохталаштириб келган ва келгусида ҳам шундай иш тутаётган олимларга қарама-қарши ўлароқ, тарих учун бебаҳо ҳақиқатни ёзиб қолдирди. Ўқинг ва хулоса чиқаринг.

— Темур даври башарият тарихи инкишофининг энг юксак нуқтасидир. Дунё яратилганидан бери бундай бир давлат қурилмагандир. Бобил ва Эрон ҳукмдорлари ва исқандар бу буюк турк ҳукмдорига нисбатан кўлага бўлиб қолади. Зеро, давлат асабия руҳи устига қурилади ва унинг аҳамияти ҳам шу миллий асабиятнинг қудрати даражасида бўлади. Асабия хусусида эса дунёда ҳеч бир миллат туркларга тенг кела олмайди.

## **Франция маршалининг эътирофи.**

**Пера. 1401 йил, август**

Шарқий Рим империясига қарашли Пера шаҳри тарихида қутилмаган воқеа юз берди. Шаҳардаги генуяликлар талаби билан Амир Темур томонидан юборилган элчилик шарафига Соҳибқироннинг катта қизил байроғи Перада кўтарилган. Энг муҳими Темурбек элчиларининг сардори Доминикан тариқати роҳиби авлиё ота Франциск экан.

Шаҳар доруғаси маршал Бусико уларни шахсан қабул қилди. Франциск у билан суҳбатда ўзининг узоқ йиллар давомида Амир Темур разведкаси билан алоқада бўлиб келаётгани ҳақида очиқчасига гапирди.

Маршал Бусико уни диққат билан тинглар экан, кўз олдида 1396 йилдаги Никополь остонасидаги жанг гавдаланди.

Юз минг кишилик салбчилар қўшини ўшанда бутун Европани ларзага солган турк султони Боязидга уруш очиб Дунай дарёсидан кечиб ўтди.

Маршал Бусико ўша машғум 1396 йил сентябрини хаёл кўзгусидан ўтказди. Рим папасининг байроғи остида венгерлар, немислар, французлар, инглизлар бирлашиб, Венгрия қироли Сигизмунд қўмондонлигида Никополь шаҳрини қамал қилди. Бу шаҳар доруғаси султон Боязиднинг тажрибали саркардаси Усмон Чақмоқ бўлиб унинг ихтиёрида анча аскар ва мўл озиқ-овқат бор. Шунинг учун ҳам у салбчиларнинг кундузги ҳужумларини қайтарибгина қолмай, кечалари тўсатдан



хамлалар уюштирди. Беш ҳафта давомида Никополь салбчиларининг қамалига қарши зарбалар бериб турди. Бу орада Византия пойтахти Костантинополни қамал қилган Боязид воқеадан хабар топиб асосий кучлари билан Никополга йўл олди.

Салбчилар қўмондони Сигизмунд лашкар кўригини ўтказди. Европанинг фахри гурури бўлган донгдор рицарлар сафларини кўрган маршал ўшанда бир тарихий гапни айтган эди.

— Агар осмон узилиб тушса ҳам биз уни найзаларимиз билан кўтариб қоламиз.

Француз рицарлари унинг гапларини гулдурас қарсақлар билан олқишлади.

Аммо Тевтон рицарлари унга мазахомуз пичинглар қилишди. Бусико газаб ичра Аутвишдан келган немис рицари Браунни яккама-якка жангга чақириб қўлқопини унинг оёғи тагига ташлади. Аммо Сигизмунд бу олишувга йўл қўймади. У ҳарбий кенгаш ўтказиб, Никополь қамалини тўхтатиш ва яқинлашиб келаётган Боязид кўшинига ҳужум қилиш лозимлигини уқтирди. Кенгашда яна ихтилофлар чиқди. Ким биринчи бўлиб ҳужумга боради? Немисларми ё французлар? Қирол Сигизмунд барча баробар ҳужумга борсин, деганига қарамай, французлар ўз ҳолларича туркларга биринчи бўлиб ҳужум қилишга ва галаба шарафига ўзлари муяссар бўлишга келишишди.

Ўшанда маршал Бусико қандай мудҳиш хатога йўл қўйишаётганини билса эди?! Боязид разведкаси тузоғига тушиб қолишларини улар ўшанда хаёлларига ҳам келтиришмаган.

Дастлаб французлар турк суворийларини тўзитиб уларни чекинишга мажбур қилишди. Чекинаётган туркларни босиб, янчиб олға интилишди.

Дастлабки ютуқдан руҳланиб улар орқа тарафдан ярим ой шаклида турк аскарлари уларни қуршаб олишаётгани ва орқага йўл беркитилганини пайқашмади. Жанг қизиб бораётганда ўрмондан Боязид бошчилигидаги асосий кучлар чиқди. Жанг ниҳоятда шиддатли тус олди. Икки кўшин астойдил жанг қиларди. Туркларнинг ярим ой

шаклидаги байроғи ва насронийларнинг катта хоч тасвири туширилган қизил байроғи қилпираб турар, икки томондан ҳайқириқлар майдонни ларзага солар эди.

— Дранг нах остен!

— Хайл Олмония!

— Худо учун, авлиё Георгий учун!

Шундай хитоблар билан немис рицарлари жонжаҳдлари билан олишишди. Кўзлари қонга тўлган венгерлар, французлар, инглизлар, поляклар турк яничарлари билан жанг қилдилар. Турк лашқари сафида эса маддоҳлар хитоблари ҳам янграрди.

— Аллоҳ учун! Енгса гозий, ўлса шаҳид!

— Ё Або Муслим! Ўзинг қўлла!

Бу жанг чиндан ҳам даҳшатли манзара кашф этган эди. Никопольдарвозалари очилиб Усмон Чақмоқ суворийлари ҳам жангга кириши икки томондаги олишувни аланга олдирди. Айни шу вақтда салбчилар қанотига туркларга ёрдамга келган Боязиднинг қайноғаси Стефан Лазаревич бошчилигидаги беш минг серб отлиғу пиёдалари ҳужум бошлади.

Салбчиларнинг насроний байроғига қарши насроний сербларнинг жанги шиддатли ва ҳайратли эди.

Маршал Бусико чуқур хўрсинди. Никополдаги жангда у, граф Наварский ва Европа қироллари оилаларига мансуб 24 шахзода турклар томонидан асирга олинди. Бу мағлубият ва асирликдаги хўрлик унинг сира ёдидан чиқмайди. Боязиддан интиқом олиш истаги маршал Бусико дилини ўртайди. Буни Амир Темур элчиси архимандрит Франциск яхши англади. У Соҳибқироннинг номасидан ташқари унинг оғзаки тайинлаган гапларини унга етказди. Генуя, Венеция ва Франция Амир Темурга Боязид билан урушда қандай ёрдам кўрсатиши хусусидаги режани баён қилди.

Маршал Бусико эҳтиром ила элчининг гапларини тинглади. Доминикан тариқати роҳибининг шахсий ўғитларига ҳам қулоқ тутди. Лекин бир савол уни ҳам муқаддас черков вакилини ташвишга соларди.

Соҳибқиронга жанговар кемалар фақат Туркия билан уруш учун керакми? Ё яна бошқа яширин мақсад борми?

Бу савол Англияни ҳам, Кастилия ва Леон қироли Генрих III ни ҳам қизиқтирар эди.

Энди суҳбат Темурбекнинг бошқа ҳукмдорлар билан муносабатига кўчди.

— Ўтган йили, — гап бошлади архиепископ Иоанн, — Грузия қироли Георгий Султон Аҳмад билан иттифоқ тузиб, Озарбайжонга юриш қилган эди. Бунда Султон Аҳмаднинг ўғли Тоҳир ҳам бирга эди. Амир Темур бундан газабланиб Грузия томон лашкар сурди. Георгийдан Тоҳирни унга топширишни сўраб элчи юборди. Аммо Георгий бунга кўнмай элчини ҳақоратлаб жўнатди. Шундан сўнг Тифлисга ҳужум бошланди. Шаҳардан қочган Георгийни қувиб орқасидан унга етиб олди. Грузия қироли унга таслим бўлди. Лекин унинг бир қисм аскарлари Зарият қалъасига яширинди. Бу қалъа баланд бир тоғ тепасига жойлашган бўлиб, унга арқонли нарвон воситасида чиқишди. Шу ерда Темурбекнинг амирлари тоққа чиқишнинг яна бир воситасини ўйлаб топишди. Улар аскарларини сандиқларга ўтказиб, арқон билан тортиб чиқариб олишди. Қалъа етти кундан сўнг ишғол этилди. Султон Аҳмаднинг ўғли Тоҳир отаси яшаётган жойга қараб — Боязид паноҳига қочди. Укаси Исмоил эса асир олинди. Темурбекнинг ҳимматини қарангки, у Георгийни ҳам, Тоҳир ва Исмоилни ҳам кечирди. Манқўл деган жойда Грузия устидан қозонилган ғалаба шарафига катта тўй-тантана ўтказилди. Мен ўша тантаналарда қатнашганман. Темурбекнинг тантилиги ва мард инсонлигига тан берганман.

— У чиндан ҳам буюк ҳукмдор ва чинакам рицарь экан.

Маршал Бусико шундай хулосага келди.

— Темурбекка айтинг. Унинг барча илтимосларини бажо этурмен. Ихтиёримдаги кемалар Темурбекка хизмат қилади. Султон Боязид билан урушда нима керак бўлса қилурмен. Зарур бўлса унинг катта қизил байроғи остида оддий рицар сифатида жанг қилишга тайёрмен. Бу менинг Франция маршали Бусико сўзим!

## Амир Темурнинг жосус оталари Лувр. 1401 йил

Франция қироли Карл VI Валуа Парижга келган Амир Темур элчилари хусусида ахборот олди. Уни бу элчиларнинг насроний дини католик мазҳабига мансублиги ғоят ажаблантирди.

Султония ускуфи (архиепископ) Иоанн билан архимандрит Франциск анча йиллардан бери Амир Темурга хизмат қилиши ҳам қиролнинг уларга қизиқишини оширди.

Элчилар билан суҳбат қиролнинг Луврдаги хос хонасида бўлиб ўтди. Доминикан тариқати роҳиблари бўлмиш бу икки элчидан у султон Боязид билан Амир Темур ўртасидаги муносабатга доир қизиқ маълумотлар олди.

— Боязид қандай зўр саркарда бўлмасин, шошқалоқ, газабини жиловлай олмайди, — гап бошлади Франциск, — у Темурбекнинг одилона талабларига жавоб ўрнига ҳақоратлардан ўзини тия олмади.

Франциск бир воқеани тафсилоти билан сўзлаб берди. Қора Юсуф билан Аҳмад жалойир Туркияга қочиб борганда Амир Темур уларни тутиб беришни Боязиддан талаб қилади. Бу мактубни олиб келган элчини султон дағдаға билан ҳақоратлайди. Мактубни унинг юзига отиб юборади.

— Бу уйдирмалар билан у мени қўрқитмоқчими? Ёки бу ёлгон-яшиқлар билан у мени лақиллатмоқчими? Мени Ажам подшоҳларига, гапини тушуниб бўлмайдиган Дашти Қипчоқ татарларига қиёс қилдими? Қўшин йиғишда ҳиндларнинг лашкарлари қатори кўрдими? Ё аскарларимни тарқоқликда Ироқ тўдаларидек ҳисобладими? Ёки ғозийларимни Шом аскарига қиёс этиб, ўзининг қуриган тўдасини менинг аскарларимдай деб билдими?

Қирол Карл ҳайрат ила бош чайқади.

— Темурбек аслида шунақами?

Франциск инкор тариқасида бошини чайқади.

— Унинг кимлигини жавобидан ҳам билса бўлади.

У Боязидга босиқлик билан шундай ёзади: “Мактубда ортиқча лоф уриш ва бежо гурурланиш дуруст эмасдур. Мамлакатларимизнинг эмну омонлиги ва фуқаронинг рифоҳиятини ўйлаб султон ҳазратлари бирлан сулҳ тузиш, дўстлик ва қардошлик риштасини мустаҳкамлашга тайёрмиз. Чунки, мусулмон подшоҳлари ўз ораларида мухолифатчилик қилсалар, бу фарангийлар фойдасига бўлур. Биз буни истамайдурмиз. Бизнинг музаффар ва мансур аскарларимизни бедин ва бадмазҳаб душман деб айтишингизни Аллоҳнинг ҳукмига топширгаймиз. Аксинча, султон ҳозирги аскарларининг кўпчилиги бож тўловчи душманлардин иборатдир. Бизнинг аскарларимиз эрса ҳаммалари мусулмон ва мусулмонзодалардур... Агар бизнинг бу насиҳатларимизга муқойяд бўлмасангиз унда эътиқодимиз шундаки, фатҳу нусрат биз томонда бўлур”.

Қирол бирдан сергак тортди.

— Демак, Темурбек бизнинг яширин мақсадимизни билар экан-да?

Архиепископ Иоанн жилмайиб жавоб қилди.

— Албатта, ахир Темурбек разведкасида архимандрит жаноблари неча йиллардан бери сидқидилдан ишлаганларидан кейин.

Франциск истеҳзоли нигоҳ ташлаб сўзида давом этди.

— Архиепископ жаноблари ҳам бу соҳада мендан сира қолишмайдилар.

Иоанн эса пинагини бузмай жавоб қилди.

— Зарур бўлса, архимандрит жаноблари, муқаддас черков йўлида нафақат Темурбек, балки шайтон билан ҳам келишаман. Муқаддас черков йўлида!

Қирол кулиб уларни тинчлангиришга уринди.

— Кўйинглар, авлиё оталар, баҳсни тўхтатиб, ҳикоянгизни давом эттиринг.

Франциск билан Иоанн бири олиб, бири кўйиб Боязид билан Темурбек ўртасидаги ёзишмалар хусусида ҳикоя қилишди.

— Боязид Темурбекка шундай жавоб қилгон: “Юборган номангиз шахду тўрангиз ва лутфу эътоб эрур. Маълумингиз, турклар шахомат довжураклик ва қахрамонликда ягонаий замон эрурлар. Улуғ бобом Эртўғрил уч юз отлик аскар бирлан ўн минг кишидин иборат бутпараст мўғулни енгган. Отамиз ва ўзимиз ҳам ислом йўлида ғазот қилиб, кўп мамлакат ва қалъаларни кофирлар қўлидин озод этганмиз. Ҳеч бир киши Усмонийлар хонадонидан душманга тамаллик ва фирибгарлик қилгон эрмасдур ва найранг салоҳи бирлан қуролланмагандур... Ҳар қачон ул жаноб курашмоқ учун қадам қўйсалар, биз ҳам худога таваккал қилгон ҳолда тайёрдурмиз.”

Худди шу жойда Темурбек Боязидга шундай нома юборди: “Тангри таоллонинг инояти бирлан рубъи маскун мамлакатларининг катта қисми бизнинг тасарруфимизга ўтмиш. Рўйи замин кенглиги зафар нарин лашкарларимизнинг жавлонгоҳига айланмиш. Олам султонлари, теварак-атрофнинг олий қадар подшоҳлари бизга муте ва тобе бўлдилар, жаҳон гарданкашлари олий остонамизга итоат бошини қўймишлар. Тоғу тошлар зафар туғли лашкаримизнинг бир ҳамласига ҳам тоб беролмадилар. Фарзи шулким, бир-биримизга таарруз, зулм таъдини орттирмайлик, чунки ислом мамлакати эрурмиз. Жиҳод камарини белга боғлаб, ғайри динлар ва фаранглар устига биргалашиб лашкар тортайлик, мусулмон юртларининг чанги чиқиб, мўмин мусулмонларга халал етмасун деб шу ерларда мақом тутиб ўлтирурмиз.”

Бу мактубни ўқиган Боязид элчини ҳақорат қилиб унга шундай жавоб берди: “Кўп вақтлардин бери у бирлан беллашиш ва жанг қилиш орзусидамиз. Унга қарши от суриб катта лашкар бирлан юриш қилмоқчимиз. Агар у тургон еридин силжишга журъат этмаса, Табриз бирлан Султонияга ўзимиз боражакмиз. Ўшанда кўрурмиз, ким кимлигини?”

— Айни муддаомиз шу! — ҳайқириб юборди қирол Карл VI Валуа, — давом этинг, авлиё ота!

Темурбек эса босиқлик ила шундай жавоб қилгон. “Улуғ султоннинг муборак номаси қози Фаридуддин ва Бахши исмлиқ бир ақобирнинг василаси ила бахтли соатда ҳумоюн остонамизга етиштиди... Мисру Шом султонларининг ўзларини султон ул-ҳаранайн ва-л-шарифайн деб аташларига ва сиз жанобнинг аларни фарзанд деб аташлигингизга эътирозимиз бордур. Аларнинг ўзлари қул ва қулзода бўлиб, сиздек аслзода хонадоннинг алар бирлан бирикишингиз тўғри эрмасдур. Алар Султон Аҳмад жалойирнинг яна Бағдодга қайтишига кўмаклашмишлар. Қора Юсуф эрса сизга орқа қилиб, қатоъ ат-тариқ ва ўғирлик бирлан машғулдир. Ҳозирда жиҳод бир-лан машғул бўлиб турғон султонга бундайин одамларга риоят қилиб, аларни тафриқа қилишлари асло муносиб эрмасдур.”

— Хўш, Боязид унга қандай жавоб йўллади?

— Эшитинг, аълоҳазрат. “Султон Аҳмад жалойир билан Қора Юсуф Туркмани тутиб бериш Оли Усмоннинг меҳмоннавозлик ахлоқига зиддур... Энди сиз бу икки қаноти синган пашша ошени вайрон бўлгон қушлар учун хотири муборангизни малул қилманг ва ташвиш чекмангки, биз сизнинг хотирингиз мулоҳазаси учун бу бахтсизларга мадад бермагаймиз. Сиз жаноб ҳам шундай арзимас нарсалардин воз кечинг. Агарда муродингиз мўмин мусулмонларнинг тинчлиги ва ўртада тотувлик бирлан сулҳ тузиш бўлса, Сивосдин қўл тортиб, они бўшатиб берингиз.”

— Темурбек унга қандай жавоб йўллади, авлиё ота?

— Аълоҳазрат, менга шуниси қизиқарлики, Темурбек адолат юзасидан иш тутиб, ўртада уруш чиқармасликка чин дилдан интилоқда. Қаранг, унинг жавобини.

— “Қора Юсуф Туркман бирлан Султон Аҳмад жалойир бир қанча вақтдан бери мўмин-мусулмонлар орасида фиқу фасодга йўл очиб, бизга исён тариқида турибдурлар. Биз аларни итоат ва инқиёдга келтирмоқ мақсадида борғонимизда алар қиличимиз дамидан кўрқиб, сизнинг ҳимоянгиз остига қочиб борғонликлари эшитилди. Аларни қай еридин топилса, тутиб ўлдиринг. Агар хилоф иш тутсангиз, орада кўп қийлу қоллар кўпаюр.”

Боязид эса бу мактубнинг жавобига шундай мактуб юборди:

— Яхши билгилки, бизни тезлашга сўзлагувчининг ўзи тезлануб келсун. Агар келмасанг, хотинларинг уч талоқ бўлсун! Агар сен келсангу, мен сен билан кўришмай қайтсам, менинг хотинларим уч талоқ бўлсун!

Карл яна хандон отиб кулди.

— Бу ахир бизнинг айна муддаомиз-ку! Баракалла, авлиё оталар! Темурбек шохида юрса, сизлар баргида юриб, шундай улуг ишни уддалабсизлар!

Европа ва муқаддас черков сизларнинг бу хизматларингизни зинҳор унутмайди.

— Ватикан ҳам шундай фикрда бўлишини хоҳлардик, аълоҳазрат.

— Буни мен ўз бўйнимга оламан, авлиё, жосус оталар!

## **Европа разведкаларининг улкан ютуғи Анқара. 1402 йил**

Ҳарбий кенгаш бошланмасдан аввал Соҳибқирон олисдан келган Муҳаммад Оташийни қабул қилди. Узоқ йилги айриликдан сўнг икки дўст ва сафдош учрашуви ҳаяжонли бўлди. Оташий Кичик Осиёдаги агентура тармоғи амалга оширган ишлари хусусида ҳисобот берди. Энг қувончлиси Боязид қўшинидаги одамлари олиб бораётган ишлар.

— Боязид қўшинидаги қора татарлар ишорангизни кутиб турибди, Темурбек. Асосий жангда улар Султондан ажраб, бизга қўшилади.

— Қандоқ қилиб бунга эришдинг, Муҳаммад?

— Ҳамма гап урушнинг қон томири пулда, дўстим. Улар Темурбекнинг лашкари етти йиллик маошни олишганини эшитиб гимирлаб қолишди. Улар Боязиддан норозилиklarини яширишмади. Султон уларга бир неча ойлик пулларини бермаяпти.

Соҳибқирон бош ирғади.



— Маошни вақтида бермайдиган давлатнинг келажаги ёмон. У томи ҳам, эшиги ҳам йўқ иморат мисоли.

Муҳаммад Оташий Султон Боязиднинг асосий кучлари, саркардалари ва захиралари хусусидаги ахборотни бериб дарвеш қиёфасида чодирни тарк этди.

Соҳибқирон ҳарбий кенгашда ўз стратегиясини баён қилиб жанг режасини маълум қилди. У ўзи билан узок йиллар от суриб, қилич чопган қадрдон сафдошларига разм солиб, амру фармонини изҳор этди.

— Жавонғорга амирзода Шохрух, Халил Султон бош бўладур. Уларга амирлардан Сулаймоншоҳ, Ёдгор Андхудий, Рустам Тоғой Буқо, Суюнчиқ Баҳодир ва Давлат Темурнинг туманлари берилади. Жавонғорнинг канбулига амирзода Султон Ҳусайн, амирлардан Мусо Тўйбуға туришади. Баронғорга амирзода Мироншоҳ, улуғ амирлардан Шайх Нуриддин, Бурундук Барлос, Али Қавчин, Мубошир, Ҳожи Абдулла Аббос, Султон Санжар, Ҳожи Сайфуддин, Умар Тобон, Ширвоншоҳ Шайх Иброҳим, Арзинжон ҳокими Тахантан тайинланади. Баронғорнинг канбулига амирзода Абу Бакр, амирлардан Жаҳоншоҳ, Қора Усмон Туркман, Таваккал Барлос, Пир Али сулдуз қўйилади. Лашкарнинг марказ қисмида эса амирзода Аҳмад Умаршайх, амир ва баҳодирлардан Жалол Бовурчи, Юсуф Мўғул, Искандар Ҳинду Буқо, Хожа Али Аперди, Давлат Темур бўлади.

Марказ қисмининг сўл қанотида Жалол ул-ислом, Таваккал қирқара, ҳожи Муҳаммад Халил, Луқмон тавочи, Ҳожи Сайфуддин, Сеистон ҳокими Иброҳим кумий бўлади. Марказнинг гулини валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон бошқаради.

Соҳибқирон нигоҳини муҳандислар бўлинмаси бошлиғи Баҳром Марвазийга қаратди.

— Сен жанговар филларга тўфанглар ва ўқчиларни жойлашга масъул бўласен.

Амир Темур иттифоқчиси Фур подшоси Абдол Гилзөийга юзланди.

— Боязид сенинг талворларинг зарбини билмайди. Худди менинг отлиқларимни қачонлардир отлардан қулатган бўлсанг, энди турк яничарларини шундай тузлайсен. Менинг захирадаги кўшинларим қаторида турасен.

Айни шу вақтда Султон Боязид ҳам жанг тартибини тузмоқда эди.

У лашкарнинг олд қисмига ўзининг қайноғаси Стефан Лазаревичнинг зирхли бўлинмасини қўйди. Серблар ва Европа рицарларидан иборат йигирма минг жангчилар бошидан оёғигача темир совутга чулганган, кўздан ўзга аъзолари кўринмас эди. Улар устидаги жавшан бандларига кулф солинган, то кулф очилмагунча совут ва дубулгаларни ечиб бўлмас эди.

Боязид лашкар қалби марказига ўзи раҳбарликни олди. Ўғиллари Мусо, Исо ва Мустафони чағдавулга жойлаштирди. Унинг қўл остида саксон минг отлиқ ва икки юз минг пиёда аскарлар жамланган эди.

Боязид ғалабага комил ишонч билан қарарди. Шунинг учун ҳам у бу жангга уч ўғлини ҳам олиб келди.

Лашкарнинг чап қанотига тўнғич ўғли Сулаймонни, марказга учинчи ўғли Мусони қўйиб, захира қўшин кўмондонлигига иккинчи ўғли Маҳмудни тайинлади. Лашкарнинг ўнг қанотига тажрибали саркардалар Темир Тош ва Ферузбек қўйилиб, уларга Анатолия суворийлари ҳам берилди.

Жанг арафасида Амир Темур Боязидга яна сулҳ қўлини чўзди.

— Боязидхонга айтинглар, — деди Соҳибқирон Султон эл-чиларига, — бизнинг катта лашкаримиз мамлакатларингдан ўтса юртларингга ва улусларингизга катта зарар етади. Яхшиси ёвлашишни бас қилиб, Қора Юсуфни менга топширсин. Ва яна ўғилларидан бирини ҳузуримизга юборсун, токи биз оталарча ғамхўрлик қилиб ўз ўғлимиздек тарбият қилайлик. Рум мамлакатини эрса Боязидхоннинг ўзига иноят қилурмиз. Ўзи ҳам тинч ва саломат бўлади, эл-юрти ҳам.

Бу сулҳпарварлик мурожаати Йилдирим Боязиднинг буюк вазири Али пошшони ўйлантириб қўйди. Ҳарбий разведка бошлиғи Усмон човуш ҳам унга ҳамфикр эди. У Амир Темурнинг тажрибаси ва салоҳиятли лашкари хусусида яхши тасаввурга ва зарур ахборотларга эга эди. Усмон човуш турк кўшинида қандайдир безовталиқ сезилаётгани ва яқдиллик йўқлиги ҳақида ўз одамларидан

ташвишли хабарлар олган эди. Лашкар руҳиятини ўзга куч, ўзга ирода бошқармоқда. Муслмонлар муслмонларга қарши жанг қилиши, айниқса, бир турк қавмидан бўлган саркардалар уруши кимга манзур?

Амир Темурнинг сулҳпарварлиги ҳам шунинг исботи эмасми? Лашкар бундан воқиф. Бу эса шу кунга қадар ислом раҳнамоси бўлиб келаётган Султон Боязид обрўсига жиддий раҳнадир.

Боязид ҳам буни сизди. У қайноғаси Стефан билан суҳбатида шу ҳақида очиқ гапирди.

Князь Стефан ҳеч қачон Боязидни бундай тушкун ҳолда кўрмаган эди.

— Мен ўзимни ёмон сезаяпман, Стефан. Қариб қолдим-ми ё...

Унинг ёдига отаси Султон Мурод сўзлари ва унинг гамгин қиёфаси келди.

— Ҳеч қачон Туронга қилич кўтарма. Биз бола турклар, Турон эса Ота турклар макони.

Боязид жимиб қолди. Қандайдир ғашлик ва хавотир қалбини чулгради.

— Ҳар ҳолда паймонам тўлаётганга ўхшайди. Ё жангда ҳалок бўламан, ё касалликдан ўламан. Ўшанда фарзандларим тахт талашиб қирпичоқ бўлишади. Улар ёрдам сўраб сенга мурожаат қилишлари аниқ. Сен бўлсанг ўз юртингга мустақил ҳоким бўлиб довруқ қозонасан. Мени айтди дерсан ўшанда...

Стефан васиятомуз бу сўзлар нақадар ҳақиқатга яқинлигини тез орада кўришини ўшанда билмаган эди.

\* \* \*

Амир Темурнинг олий ўрдусига тўпланган саркардалар ўз кўмондонларининг тугал фикрини эшитдилар.

— Биз Анқара қалъасини қамал қиламиз. Ва уни захирасиз қолдириш учун ён-атрофдаги қишлоқларни эгаллаймиз. Лекин асосий кучларни Қизил ирмоқнинг сўл соҳили бўйлаб куруқлик ва текисликка олиб ўтамиз. Ёғийнинг мақсади бизни сердарахт ва чангалзор ерларда урушишга мажбур қилиш... Бу унга қулай. Чунки

Боязидда пиёда аскарлар кўп. Бизда эса суворийлар кўп. Яна иккинчи вазифа ичкари туманларга одамларимизни юбориб аҳоли ўртасида овозалар тарқатиш.

Соҳибқирон нигоҳини Амир Жалол ва Маъсудбекка қаратди.

— Бу иш билан сизлар шуғулланинг. Айтганча, Анқара қалъаси кутволи ким?

— Ёқуббей, — деди Амир Жалол, — тажрибали лашкарбоши. Султон Мурод давридаёқ ўзини кўрсатган саркарда.

Соҳибқирон энди диққатни набираси Султон Хусайнга қаратди.

— Амирзода Хусайнни ана шу саркарда билан беллашишга юборурмиз. Ўйлайманки, у Дамашқда қилган гуноҳини ювади.

\* \* \*

Чибиқобод майдонидаги тепаликда Амир Темур қароргоҳи жойлашди. Шу ердан теваарак-атроф ва Анқара қалъаси кафтдек кўриниб турарди.

Соҳибқирон хилватхонасига кириб бомдод намозини ўқиб бўлгач чин дилидан Аллоҳга илтижо қилди:

— Ё парвардигор! Шу муддат ичида мен қанчаки фатху зафарга эришган бўлсам, сенинг қазо ва қадоринг ҳукми ва ёрдами билан эришдим. Агар шундай бўлмаса менинг қўлимдан нима келарди! Ҳозир ҳам сенинг лутфингдан шунга кўз тутаман ва сенинг тўлиқ карамингдан нусрат ва муованат кутаман!

Ё сен, бандаларнинг асрорини билувчи Олим!

Ё сен, бандаларни азиз тутишу хор қилиш қудратига эга бўлмиш Қодир Аллоҳ! Сен ўзинг биласанки, мен Боязидни сенинг ризойинг бўлмиш сулҳга чақирдим. У эса сенинг амрингга хилофан саркашлик қилди. Агар мен рост айтаётганлигимни билсанг, энди менинг додимга етиб, ундан менинг ўчимни ол!

Ё раб, караминг бирла қўлим тут зинҳор,

Гар тутмас эсанг ерга йиқилгум ночор.

Соҳибқирон ташқарига чиққанида тонг юлдузлар тўдасини қочирмоқда эди. У кўкда давлат тонги ўзининг бахти уфқидан балқиб турганини кўргандек бўлди. Ўзини енгил ва бардам сизди. Амир Азизуддин билан бирга нонушта қилар экан, Соҳибқирон ўзининг болаликдаги дўсти ва кўз-қулоғи бўлган сафдошига дилини ёрди.

— Кеча миямни ўлим ҳақидаги фикрлар чулғаган эди. Азиз, ўлсам, мендин кейин салтанатимизни ким бошқаради? Ўғилларимдан қай бири тахтга лойиқроқ деган ташвишлар қалбимни тирнади. Кўзим уйқуга илинганда эса ўзимни бир бепоён саҳрода кўрдим. Атрофимда тумонот одам. Йироқдан ёғду кўринди. Мен у сари интилдим. Йўлда уч тўп кишиларга кўзим тушди ва парво қилмай ўтиб кетдим. Бир вақт олдинда кетаётган беш кишига етиб олдим. Ногоҳ қаттиқ бўрон кўтарилди. Алардан бири бу бўрон Расулulloҳ осмонга меърож қилаётганини англитишини айтди. Мен яқинлашиб келдим ва бахтимга Расулulloҳга рўпара келиб, таъзим қилдим. Беш кишининг бирида гурзи бор эди. Муҳаммад алайҳиссаломнинг амри ила у кишининг қўлидан қуролини олдим. Тушимда Расулulloҳни кўриб, анинг иноятига муяссар бўлғонимдин хурсанд бўлиб уйғондим.

— Ё тавба!

Амир Азизуддин ҳайрат ва эҳтиром ила дўстига боқди.

— Хосиятли туш бу, дўстим! Бу хабарни лашкарга етказиш даркор.

Соҳибқирон бир нимани эслагандек бўлди.

— Лашкарга яна бир гапимни етказ. Ўшанда бу жумбоққа жавоб бермаган эдим. Энди унга жавобимни айтурмен. Ўзинг биласен, мен: “Камар бар миён ва сано бар забон” яъни “Белда камар ва тилда сано” шиорига амал қиламен. Бу ғоя устоз пир Баҳоуддин Нақшбанднинг “Дил ба ёру даст ба кор” шиори таъсирида туғилган. Қўл меҳнатда, Аллоҳ дилда бўлиши кераклигини илгари сурган бу улуғ зот кимлигини, мен учун қандай хизмат қилганини ўзинг яхши биласен.

Ана энди ўшанда мендан ранжиган навкарларим берган саволга жавоб берурмен. Эсингдами, Бухорода бўлган воқеа?

Амир Азизуддин эслади. Бухорода улар бир кўчадан ўтишмоқда. Амир Темур ва у олдинги қаторда боришар эди. Муюлишга келишганида бир неча киши баланд девор устида эски-туски кийимларини қоқиб тозаларди. Устига чанг тушганидан жаҳли чиққан жангчилар тепадагиларга дакки бера бошлади. Аммо Амир Темур кўшинига орқага қайтишга фармон берди, кўшинини чанг остидан олиб ўтди, юқоридагилардан эса ишни давом эттиришни сўради. Уларга яна “устига тушган чангни ҳеч ким қоқиб тозаламасин”, деб буйруқ берди. Бирор кимса бунинг сабабини сўрашга ботина олмади.

— Мен энди шул сабабни айтурмен. Бухорода бизнинг устимизга қоқилган энгил-бошлар оддий латта-путталар эмас, балки Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг муборак жуббалари эди. Аллоҳ наздида эса аллома, авлиёлар авлиёси Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг даражалари баланддир. Ўзига яқинроқ бўлган авлиёлар авлиёсининг табаррук жуббаларидан тушган ҳаттоки бир заррани ҳам Аллоҳ мағлубиятга дучор этмайди. Биз ўшал чанг зарраларини ҳам бошимизга кўтариб шу ерга келдик.

Амир Азизуддин бу гаплардан руҳланиб лашкар чодирлари томон йўл олди. Бир чодир атрофида у мадлоҳ Оташийни кўрди. У гулхан атрофида ўтирган навкарларга қизиқ воқеаларни айтаётган экан.

— Энди азизлар, Соҳибқиронни Тошкентдаги ҳазрати Орифон Шайх Зайниддин бобо мақбараси олдида қилган тиловатларидан сўзлагаймен. Ҳофизни Куръон рутбасидаги Соҳибқирон сўзлари қалбларга ҳузур бағишлади. Аллоҳ каломини инсон учун, фақат инсон учунгина уни ҳақ йўлга бошловчи амалу фазилат учун берилганлиги зиёратчилар дилларида намоён бўлди, уларнинг идрокларида “Эй Аллоҳим, шунчалар улугсан, шунчалар меҳрибонсан”, деган фикрлар ўтди. Темурбек тиловати олийни тугатиб, шайхнинг авлодларидан нуроний мўйсафид ҳазрати Фатхуллоҳ Шайхга дуо қилишни айтдилар. Авлиё дуоси шунчалар ёқимли ва сеҳрли эдики, Аллоҳ севган бандаси, ориф, комил кишигина шундай дуо қила олар эди. Ҳамма “Омин, омин”, — деб шайх-

нинг тилақларини қалбан қабул этар эдилар. Юзларга фотиҳа тортилди. Темурбек қаршиларида бир нур пайдо бўлиб, меҳроб тепасига келиб тўхтади. Нур бир нуқтада йиғилиб, нуқтада “Аллоҳ” сўзи ёзилди. Темурбек ичларида “Субҳаналлоҳ, субҳаналлоҳ, субҳаналлоҳ”, — деб уч карра қайтардилар. Бу мўжизани кўриб шукрлар айтдилар. Шу кечани тил ва қалб илмлари пешвоси Шайх мақбараларида ибодат билан ўтказдилар. Тонгта яқин дам олишга чоғландилар. Туш кўриб, тушларига ўша нур кўринган меҳроб тарафдан оппоқ кийимда нуроний мўйсафид пайдо бўлиб, баланд овозда “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ”, — дебдилар.

Темурбекка бу чехра танишдек туюлибди. Хотираларига Зангиота мақбараларидаги отни етаклаб Темурбекка берган шайхлардан бири келибди. Темурбек дарров бориб, у кишини тавоф этиб, ёнма-ён юришибди. Шайх:

— Ўғлим, исломни қувватлайдиган подшоҳлар жуда кўп ўтган. Лекин сиздек исломга ривож бериб, уни улуглаш ҳам-ма султонларнинг ҳам қўлидан келмаган. Сизга Эгамнинг ўзи мададкор. Сизнинг меҳнатингиз, ибодатингизнинг ҳалоллиги, она юртимизни даҳрийлар зулмидан халос этганингиз, исломни дунё бўйлаб ёйганингиз, авлиёларни эъзозлаганингизни кўрган Роббимизнинг ўзи ярлақади. Сув билан ювилган либос қайтадан оппоқ бўлганидек, ватанимизни ҳам оппоқ қилиб ювиб қўйди. Булар сизнинг оқил идрокингиз ва меҳнатингиз шарофатидир. Темурбек, сизнинг дорул салтанатингиз диният билан қувватликдир. Шу йўлда Ватан учун жонини бахшида қилувчи машойихлар, саййидлар, авлиёлар билан давлатингизни безатинг. Уларни отадек кўринг. Ўтганларини Аллоҳ раҳматига олсин. Уларни эъзозда тутинг. Улар — Аллоҳнинг дўстлари биз инсонлардан Эгамнинг ўзи берган яхшилик ва меҳрни кутадилар.

Атрофингиздаги душманлик қилувчи юртлардан эҳтиёт қилинг. Улар ҳийлагарлар. Сиз Тошкент қалъасида бир неча кун бўлинг, Чиндан элчилар келади. Сиз уларга аскарларингизнинг машқларини кўрсатинг. Шунингдек, Шаввоз қишлоққа олиб бориб, рад тўпини намойиш қилинг. Душманингиз ўзини сизнинг олдингизда заиф эканлигини ана шунда кўради, — деб каромат қилдилар.

Темурбек Шайхга: “Ҳазратим, сизнинг ёнингиздаги шайхлар кимлар эдилар?” — деб сўраганларида, Шайх кулимсираб, шундай жавоб берибдилар: “Мени изладингиз, йигирма кунда топдингиз. Уларни ҳам изласангиз, албатта топасиз. Мен сизни Аллоҳ паноҳига топширдим, болам”, — деб аста кўздан узоқлашибдилар. Темурбек улар томонга қанча интилмасинлар, ета олмабдилар. Яна ўша нур пайдо бўлибди. Унда Аллоҳ сўзи ёзилибди.

Оташийнинг бу ҳикоясидан Азизуддин ҳам ғоят таъсирланди. Демак, эртанги жанг ғалаба билан тугайди. Бунга унинг ҳам, лашкарнинг ҳам имони комил.

\* \* \*

Муҳаммад Оташий хабари тасдиқланди. Боязид лашкарининг ўнг қанотидаги зарбдор куч — ўн мингдан зиёд отлиқ қора татарлар қўмондонлари Мурувват Тиберикни чопиб ташлаб, қуролларини румоликларга қарши қаратдилар. Бу гал одатга хилоф равишда жангга кирмаган Соҳибқирон тепаликдан туриб бу қора татарларнинг Боязид лашкарига қарши чиққани уруш тақдирини кимнинг фойдасига ҳал бўлишига бир ишора эканлигини пайқади.

Ўнг қанотда жанг қизиб борарди. Сўл қанотда эса князь Стефан бошчилигидаги зирҳли серблар қўли баланд келмоқда эди. Улар билан бирга анатолиялик жангчилар ҳам маҳорат билан қилич чопишмоқда.

Соҳибқирон захирасида турган туркман сардори Тахуртанга сўл қанотни кўрсатди.

— Қани энди ўзингни кўрсат!

Сардор бош ирғаб отига қамчи урди.

Анатолияликлар куюндек бостириб келаётган туркманлар ва қачонлардир ўзларига ҳоким бўлган Тахуртанни танидилар. Улар худди қора татарлар каби иш тутдилар. Қиличларини сербларга қарши қаратиб Амир Темур лашкарининг зарбдор кучига айландилар.

Боязиднинг буюк вазири Али пошшо вазиятни чамалаб ўзининг содиқ черкаслари билан жанг майдонини тарк



эта бошлади. Унинг орқасидан Мурод ва Ҳасан пошино ва Ойнабек аскарлари ҳам эргашишди.

Қўлидан яраланган князь Стефан марказда жанг қилаётган Боязид томон от сурди.

— Қўмондонларингиз қочаяпти, султоним! Сиз ҳам чекининг. Мен уларни тўсиб тураман!

Боязиднинг бўғиқ овози майдон узра акс садо берди.

— Йўқ, князь мен ҳеч қачон душманга елкамни кўрсатмаганман.

У йўлбарсдек олишар эди.

— Ё ғалаба, ё ўлим! — дея наъра торгар эди Йилдириим Боязид.

Сафлари сийраклашиб бораётганига қарамай, Султон қўлидаги катта исфахон қиличи билан дуч келган суворийларни чопар эди. Қирқ икки ёшли Боязид чавандозлик ва қиличбозликда ҳам моҳир эди.

Янчарлар ва сипоҳ ўғлонлар ўз султонлари жасоратидан руҳланиб, шердек жанг қилишар эди. Уларнинг орасида рицарлардек совут кийган малласоч йигит алоҳида ажралиб турарди.

— Хайл! Дранг нах остен! — дея ҳайқирганча у рақиблари билан қилич чопишар ва ҳеч ким унинг зарбига дош беролмасди.

Соҳибқирон бу йигитга ҳавас билан боқди. У ёнида амрини кутиб турган юзбошига юзланди.

— Юзбоши Жасур! Мана шу йигитни тириклай тутиб кел!

— Бош устига, Соҳибқироним!

Амир Азизуддин хавотир ила Соҳибқиронни кузатиб турарди. У Амир Темурнинг жўшиб кетаётгани ва шахсан жангда иштирок этишга шайланаётганини сизди. Бунга асло йўл қўйиб бўлмади.

Етмишни қоралаётган бўлса ҳам ғайрати йигитларникидан сира қолишмаслигини у яхши билади. У захирада турган ўн аскар рутбасидаги бўлинмасига қўл силтади. Уларнинг сардорига марказ томон ишора қилди. У ерда князь Стефаннинг серблари Боязидни қуршаб олишга келаётган Амир Темур жангчилари йўлини

тўсиб метиндек девор ҳосил қилган. Жанг тобора қизиб борарди.

Юзбоши Жасур бошчилигидаги отлиқлар малласоч жангчининг бўйнига сиртмоқ солиб отдан судраб туширишди ва тепаликка олиб келишди.

— Исминг не? — сўради Соҳибқирон.

— Юнус, — деди у Амир Темурга тик боқиб.

— Туркмисан?

— Йўқ, мен олмонман.

— Мусулмон бўлган олмон, — деди Маъсудбек, — шаҳзода Мусонинг тан маҳрами. Асли исми Иоаханнес Шильбергер. Олмониянинг Бавария ўлкасидан. Аслзодалар авлодидан.

— Асли ҳам наслига тортар экан, — деди Соҳибқирон, — мен уни ўз хизматимга оламен. Уқдингми?

\* \* \*

Мовароуннаҳр хони Султон Маҳмудхон қўллари боғланган ва бўйнига сиртмоқ солинган Йилдирим Боязидни чодирга олиб кирганида у ерда Амир Темур мавлоно Шамсиддин Олмалиқий, мунажжими хос мавлоно Абдулла, сармунший Зайниддин Кеший, амир Шоҳмалик билан нималарнидир гаплашиб ўтирарди.

Соҳибқирон оқсарикдан ва қотмадан келган барваста Султон Боязид ҳақида эшитган бўлса ҳам уни биринчи бор кўриб турибди.

— Улуғ бир султоннинг қўлларини ечинг, хон ҳазратлари.

Султон Маҳмудхоннинг қисик кўзларида кулги кўринди. У чўпонга, Боязид эса хўкизга ўхшаш ҳолдалиги даврадагиларнинг кулгисини кўзгатса ҳам улар Соҳибқироннинг жиддий чехрасини кўриб ўзларини тийишди.

— Марҳамат, ўтирсинлар.

Европа рицарларининг кушандаси бўлган, қироллар ва императорларни даҳшатга солиб, қанчадан-қанча донгдор ҳукмдорлар бўйнига итоат ҳалқасини осган яшиндек тез ва шиддаткор Йилдирим Боязид ўзи айтгандай душманга

сира елкасини кўрсатмаган, ҳеч қачон мағлубият нималигини кўрмаган музаффар султон худди итоаткор ўқувчидек Амир Темур кўрсатган жойга ўтирди.

— Аллоҳнинг иродаси шундай экан, Султон Соҳиби Каримнинг ишларига ҳайронмен. Буни қарангки, Қодири Расул дунёнинг ярмини мен, оқсоққа, ярмини эса сен, шапқўрга инъом этган эди. Аммо иккимиз ҳам Парвардигори олам олдида қандай ожиз ва нотавон кимсалармиз.

Соҳибқирон бошини куйи солган Боязидга қараб чуқур хўрсинди.

— Мавлоно Шамсуддин! Шаҳидлар ҳақиға тиловат қилинг.

Ҳофизи Куръон рутбасидаги Шамсиддин Олмалиқийнинг ширали овози барчани сеҳрли куйга солди. Бу ўткинчи фоний дунё унутилиб, охират — боқий дунё ҳақида барча чуқур ўйга тушди.

## **Сербия халоскори** **Константинополь. 1402 йил, июль**

Куршовдан чиққан Стефан Лазаревич қолган-қутган аскарлари билан денгиз соҳилига етиб олди. У ерда венециялик кемачилар сербларнинг сардорига ҳурмат кўрсатишди. Ўз кемаларига сербларни жойлаштириб, “подшо шаҳри” Константинополга йўл олишди.

Шарқий Рим империяси — Византия пойтахтида ажиб байрам руҳи кезмоқда. Боязиднинг мағлубияти Константинополни катта хатардан халос қилган эди.

Император ноиб Иоанн Анқара жанги қатнашчилари сербларни катта тантана ила қаршилади.

Князь Стефанга император номидан юксак унвон — герцогга тенг “деспот” рутбаси берилди. Унинг шарафига уюштирилган зиёфатда асосий гап Темурбек ва Боязид жанги ҳақида борди.

— Куч-қудрат бобида Темурбекка тенг келадиган саркарда топилмайди, — деди маршал Бусико.

— Ҳиммат бобида ҳам унинг тенги йўқ, — деди роҳиб Франсуа.

Барча унинг оғзига тикилиб қолди. Франсуа Амир Темурни шахсан кўрганлиги ва суҳбатида бўлганлигидан хабардор. Аммо ҳеч ким унинг Соҳибқирон махфий хизматига дахлдор эканини зинҳор хаёлларига ҳам келтиришмаган.

— Темурбек асирга олинган Султон Боязидга шундай марҳаматлар қилдики, таърифлашга сўз ожизлик қилади. Унга шохона либос кийгазиб шарафига ўн бир кун зиёфат берди. Ўз қўли билан унга шароблар тутди.

Франсуа қадахдан ҳўшлаб сўзида давом этди.

— Темурбек Султонга унинг ўғилларини афв этишини билдириб, рафиқаси Мария Оливерани у билан Оқшаҳарга юборишини айтди. Тахтини ҳам унга қайтаришини билдирди.

— Во ажаб!

Византия зодагонлари ҳайрат бармоғини тишлаб қолишди.

— Энг қизиқарлиси шуки, ўн уч йилдан бери ўз динида собит турган Мария Оливера Темурбекдан миннатдорлик рамзи сифатида ислом динига ўтди.

— Боязиднинг ўғли Сулаймон Темурбекка элчи юбориб итоат билдиргани ҳам ана шу ҳиммат туфайли. Мен унинг номасида нималар деганига эътиборингизни қаратаман:

— Мен Сизнинг камтарин хизматкорингизман. Сиз ўз комил карамингиз тақозоси билан менинг отамни ҳурмат ва иззат мақомида тутдингиз. Олий мажлисдан жой ажратиб ўтиришга имкон бердингиз. Шунинг учун мен ҳам фармонбардорлик ва итоат кўчасига бош қўяман. Агар буюрсангиз, ҳузурингизга бораман, мулозамат ва бандалик маросимини тақдим этаман.

Темурбек шаҳзода элчисига кўп марҳаматлар кўрсатди.

Франсуа сўзларини жон қулоғи билан тинглаётган император ноибига нигоҳини қаратди.

— Темурбек Боязиднинг салтанатини усталик билан парчалаб ташлади. Яъни шаҳзода Сулаймон, Мусо ва Меҳмедларга турли вилоятларга мустақил ҳукмдорлик ёрлигини юборди.

Даврада шодон хитоблар янгради. Энди Византия ва Европага таҳдид солувчи қудратли салтанат йўқ. Шаҳзодалар қирпичоқ бўлиб, ота мерос учун жанг бошлашади.

Иоанн тантанали тарзда тилла қадахни баланд кўтарди.

— Бу қадахни мен, жаноблар, Европа халоскори Темурбек саломатлиги учун кўтараман.

Иоанн нигоҳини Стефанга қаратди.

— Темурбек Сербиянинг ҳам халоскори. Стефан Лазаревич эндиликда мустақил Сербия қироли бўлади. Бу шавкатли саркардага, Темурбек жасоратига тан берган деспотга жияним Еленанинг қўлини бераман. Ура, ура!

— Гип-гип ура!

### **Кутилмаган учрашув**

#### **Эгей денгизи соҳили. 1402 йил, декабрь**

Смирна қалъасида жойлашган Европа салбчилари ўзлари томон келаётган қўшинга беписанд қарашди. Муқаддас Юхани мазҳаби рицарлари ҳимоясидаги бу қалъани турклар ўн йил уришиб ҳам олиша олмаган. Султон Мурод ҳам, Боязид ҳам Смирна (ҳозирги Измир) қалъаси рицарларига кучи етмаган.

Қалъанинг бир томони Эгей денгизи билан туташ бўлиб, унда кемалар ва қайиқлар турибди.

Иоаннитлар тариқатига мансуб Родос рицарлари кўмондони Вилгельм де Мине тажрибали саркарда. Жасурлиги билан барча рицарлар хурматини қозонган.

У хотиржам ҳолда Амир Темур юборган элчилар таклифини эшитди. Қалъада Темурбекнинг байроғи ўрнатилсин. Рицарлар уй-уйларига кетишсин. Бўлмаса қонли уруш бўлади.

— Уришсак уришаверамиз, — деди Вилгельм, — биз, авлиё Иоанн жангчилари ҳеч қачон Муҳаммад умматларига бош эгмаймиз.

Амир Шоҳмалик ёнидаги тилмочи Юнусга қаради.

— Унга айт. Санамай саккиз демасин. Таслим бўлишмаса, Муҳаммад умматларининг қиличлари қанақа эканлигини танасида синаб кўради.

Қалъа комендантининг авзойи ўзгарди. Диққат билан тилмочга қараб қолди. Унинг белидаги кумуш дастали ханжар унга кимнидир эслатди. Қачонлардир бу ханжар унга тегишли бўлиб, уни дўсти Шильтбергернинг ўғли Иоаханнесга совға қилган эди. Бундан олти йил муқаддам...

Рицарь Ходфриднинг Бавариядаги кўҳна қасрида аслзодалар базми қизимоқда. Ертўлаларда узоқ йиллардан бери сақланиб келинаётган шароблар, қуюқ бавар пиволари меҳмонларнинг қулфи дилини очиб юборган. Рицарь Ходфрид салб юришига жўнаш олдидан дўстларига зиёфат уюштириб, бор бисотини тўкиб ташлаган. Тансиқ таомлар, анвойи ноз-неъматлар дастурхонларга кетма-кет тортилиб турибди. Ҳамманинг кайфи чоғ. Олийҳиммат Ходфрид шарафига кўтарилаётган қадаҳларнинг кети узилмайди. Бутун Олмонияда ўзининг моҳир қиличбоз, чавандоз ва мерганлиги билан танилган Ходфридга барча ҳамду санолар айтмоқда. Бу рицарь муқаддас насроний дини душмани турк султони Боязидга қарши салб юришига даъват этган Рим папаси Бонифаций IX нинг улуғ чақиригига биринчилардан бўлиб “лаббай” дея жавоб берди.

— Империя сиз каби рицарлар билан ҳар қанча фахрланса арзийди, азизим Генрих! — дея ўрнидан турди Шильтбергер.

— Мен шу қадаҳни музаффар сафаринг учун ичаман. Яшасин Ходфрид!

— Зиг хайл! — бараварига ҳайқиришди рицарлар.

— Хенрих, — деди қадаҳини бўшатиб Шильтбергер, — сенга бир илтимос.

— Қулоғим сенда Зигфрид.

— Ўғлим Иоаханнес сен билан бирга кетса. Биласан, у балоғатга етди. Жасорат кўрсатиб, қаҳрамон бўлишни истайдур. Куну тун фикри-зикри салб юришида. Мен унинг истагини бажаришни ўйладим.

Ўшанда Вилгельм де Мине отасининг сўзларини жон қулоғи билан тинглаётган ўсмирга разм ташлаган эди.

Иоаханнеснинг тийрак кўзларига ва бақувват гавдасига тикилди.

— Таклифингни қабул қиламан, Зигфрид. Ўғлингнинг кўзларида унинг келажагини кўрмоқдаман. Иоаханнесни ўзимнинг яроқбардорим сифатида ёнимга оламан.

— Раҳмат, Генрих. Ўғлимни сенга, сени эса Парвардигорга топширдим.

Вилгельм эса ўшанда уларнинг ёнига бориб шундай деган эди:

— Қимматли барон, ўғлингизни қўлини сиқиб унга ришарлик фотиҳамни беришга рухсат бергайсиз.

Сўнг эса мана шу кумуш дастали ханжарни унга совға қилган эди.

— Биз шарққа юрамиз! Малъун сарацинларнинг, Муҳаммад умматларининг юрагига даҳшат соламиз. Дранг нах Остен!

— Биз сен билан жанг майдонларида кўп от сурамиз. Шуни унутмаки, сен шавкатли Тевтон рицарлари авлодидансан. У номга зинҳор доғ туширма. Омин!

Кейин эса Никополь жанги бошланди. Вилгельм ўша даҳшатли жангда Ходфрид ҳам, Иоаханнес ҳам ҳалок бўлишганини эшитган эди. Ҳозир эса қаршисида турган тилмоч йигит худди қайта тирилиб келган Иоаханнес Шильтбергерни эслатмоқда. Уни айниқса, тилмочнинг соф баварча лаҳжаси ажаблантирди.

— Сиз кимдурсиз ўзи?

— Соҳибқирон Амир Темурнинг яроқбардори Юнус бўламан.

Комендант Вилгельмнинг ҳайрати тобора ошиб борарди. Қандай қилиб бу ёввойи осиеликлар ичида соф бавария лаҳжасида гапирувчи одам топилиб қолди?

— Дранг нах Остен, Вилли амаки! Танимадингизми?

— Иоаханнес! Наҳотки бу сен!

Вилгельм кучоқ очиб унинг қаршисига югурди.

— Майн гот! Иоаханнес! Биз сенинг руҳингга черковда шам ёққан эдик. Иоаханнес, ўғлим! Наҳот тирик бўлсанг?

Амир Шоҳмалик қизиқиш ила оғиз-бурун ўпишаётган тилмоч ва комендантни кузатар эди.

— Юнус! Бу ватандошларингга олийҳиммат Соҳибқирон кимлигини тушунтириб қўй. Мен кетдим.

Шоҳмалик қулиб, қалъани тарк этди. Қуш тилини қуш биллади. Майли, улар гаплашсин. Бир-бирларининг дийдорига тўйишсин.

— Жаноблар! — деди Вилгельм, — бу одам аслзода барон Шилтъбергер! Унга ҳурмат кўрсатинг!

Рицарлар ажабланиб унинг буйруғини бажаришгандан сўнг Вилгельм уни ўз қароргоҳига бошлади.

Икки ўртада узоқ ва давомли суҳбат бўлди. Юнус унга ўз саргузаштларини баён қилди. Султон Боязиднинг ўғли Мусо қўлида хизмат қилгани ва Анқара жангида асир тушгач, Амир Темур уни ўзининг танмахрами сифатида ўз хизматига олганини гапириб берди.

— Чиндан ҳам сен мусулмон бўлдингми, Иоаханнес?!

— Ҳа, бундан сира ҳам афсусланмайман, Вилли амаки. Ахир Тангри битта-ку! Мусулмонга ҳам, насронийга ҳам!

— Мен тушунмадим, Иоаханнес. Наҳотки сен чиндан ҳам ислом динини қабул қилдинг. Сира ақлим бовар қилмайди.

Вилгельм ҳайрат ичра Юнусга айланган Шилтъбергернинг мароқ ила Амир Темур ва унинг мусулмон дунёси ҳақидаги ҳикояларини эшитди.

— Яхшиси, таслим бўлинг, Вилли амаки. Чин рицарь сўзини бераман. Амир Темур чиндан ҳам буюк зот! У Соҳибқирон! Буюк Рицарь!

Вилгельм ажабланиб унга ўзгача разм солди. Иоаханнес ўзгарибди! Наҳотки, ислом дини шунчалик кучли?

— Султон Боязиднинг рафиқаси Мария Оливера ўн уч йилдан кейин ўз ихтиёри билан ислом динини қабул қилди. Мен бунинг гувоҳиман.

— Майн гот! Қани сенинг номусинг, Иоаханнес! Отанг энди гўрида тик туради.

— Вилли амаки! Сиз Амир Темур лашкарига дош беролмайсиз. У чиндан ҳам буюк ва қудратли саркарда!

— Иоаханнес! Буни мен ҳам яхши тушундим. Лекин



мен ҳам тарихда номим қолишини истайман. Буюк рицарь Темурбек билан олишаман! Сен эса ҳақиқий рицарлар қандоқ ҳалок бўлишини ўз кўзларинг билан кўрасан, кейин буни бутун Олмонияга етказасан. Рицарлик сўзим шу! Алвидо, Иоаханнес!

Юнус хомуш тарзда Амир Темур қароргоҳига қайтди ва барча воқеани Шоҳмаликка баён қилди.

Шундан сўнг жанг бошланди. Соҳибқирон қалъани чор атрофдан ўраб олиш ва денгиздан ажратиб қўйишни буюрди.

Муҳандислар бўлинмаси ишга тушди. Бир ҳафтадан сўнг Смирна қалъаси ҳимоячилари ўзлари учун нажот йўли бўлган денгиз тарафидан тошлардан қад кўтарган тўғонни кўришди. Қамалнинг ўн биринчи куни Вилгельм ўточар мушкетлар, тўфанглар ва рицарларнинг кескир қиличлари ҳам қалъани сақлаб қололмаслигига унинг кўзи етди. Ҳар тарафдан узун осма нарвонлардан кўтарилиб, қалъадаги рицарлар билан жанг қилаётган Муҳаммад умматларининг қўли баланд эди.

Вилгельм жуда оз қолган жангчилари билан қуршовни ёриб ўтиб, гроссмейстр юборган кемага кўтарилди. Смирна — Измирда Амир Темур байроғи ҳилпиради.

### **Генрих учинчининг учинчи кўзи Мадрид. 1402 йил**

Леон ва Кастилия қироли Генрих III дон Энрико саройида Султон Боязид ҳузурига юборилган элчиларини қабул қилди. Қирол ва унинг мулозимлари олис Осиёдан соғ-саломат қайтиб келган элчилар Пайо майор де Сато ва Эрнан Санчес де Паласуелосга ва у билан бирга келган Амир Темур элчиси Муҳаммад ал-Кешийга зўр қизиқиш билан қарадилар. Ўз саройидан бўлак жойни кўрмаган, ҳали ҳеч қандай жангу жадалларда қиличини синамаган қиролнинг бутун вужуди қулоққа айланган.

Эндигина 24 баҳорни қаршилаган ёш ҳукмдор бутун Европани даҳшатга солган яшиндек тез ва шиддаткор Йилдирим Боязиднинг ҳалокати ҳақида эшитган, шунинг учун ҳам Боязид қароргоҳида туриб Анқара жангини ўз кўзлари билан кўрган элчисининг ҳикоясига муштоқ.

— Авваламбор, зоти олийларига, — деди элчилик бошлиғи Пайо майор де Сато, — шавкатли Темурбек элчиси жаноб Муҳаммад ал-Кешийни таништирай.

Темурбек!

Мулозимлар ўртасида шивир-шивир бошланди. Афсонага айланган Темурбек элчиси қандай одам ўзи?

Муҳаммад ал-Кеший виқор ила олдинга бир қадам ташлаб кўлини кўксига қўйди ва бошини эгиб таъзим бажо келтирди. Бошқа элчиларга ўхшаб тиз чўкмади. У кўйнидан шойи қоғозга битилган ёрлиғини олиб қирол томон узатди.

Камергер Руи Гонзалес де Клавихо уни олиб кўздан кечирди ва қиролга узатди.

Генрих III араб имлосидаги ёзувларга назар ташлади. У арабчани яхши билар эди. Олти асрдан бери араблар ҳукмронлиги даврида испанлар араб тилини яхши ўзлаштириб олишган.

— Зоти олийларига, — деди Муҳаммад, — Соҳибқирон Амир Темур ҳазрати олийларининг тухфаларини топшириш шарафига муяссар бўлганимдан бахтиёрман.

Унинг орқасида турган тилмоч Элбек бу сўзларни испан тилида равон етказиб, сарой аҳлини ҳайратга солди. Темурбек юртида испанчани шундай яхши биладиган одамлар бор экан-да! Мулозимлар устига шойи ёпилган аллақандай патнисларни қирол тахти пойгагига қўйишди.

— Соҳибқирон сиз, зоти олийларини ўз фарзандларидек кўрадилар.

Муҳаммад ал-Кеший шундай дея патнислар устидаги шойи пардаларни олди. Атроф гавҳару жавоҳирлар, ёкуту забаржадлар, олтин куймалар жилосидан ёришиб кетди. Тилла тангалар тўлдирилган сандиқчалар, қимматбаҳо заргарлик буюмлари, дасталари олмос ханжарлар ва

гавҳарлар қадалган подшолик тожлари барчани ҳангуманг қилиб қўйди.

Генрих III дон Энрико қаршисида товланиб турган хазинага, айниқса, йигирмадан ортиқ подшоҳлар бошида порлаган тожларга маҳлиё бўлганча элчининг сўзлари маъносини ҳам англамади. Аммо унинг ёнида турган мулозими камергер Руи Гонзалес де Клавихо сергак тортди. Қиролнинг махфий хизмат бошлиғи сифатида у Амир Темурнинг бу сўзлари маъносини яхши англади.

— Бу дегани, зоти олийлари, — дея шипшиди у қиролга, — Темурбек сизни ўзига тобе, вассал ҳукмдор деб билишига ишора.

Генрих ажабланиб, камергерга саволомуз боқди.

— Бундан икки асрча муқаддам татар хони Чингизхон Хоразмшоҳ Муҳаммадни “ўғлим” деб атагани учун икки ўртада уруш чиққан эди.

Пойгакда товланиб турган бойликлардан кўзини узолмаган қирол юзида табассум кўринди.

— Азизим Гонзалес, қани энди сени ҳам Темурбекдай бой ва қудратли ҳукмдор ўғлим деб атаса йўқ деярминдиг. Шундай давлатга эга ҳукмдор отага фарзанд бўлишнинг нимаси ёмон?

Мулозимлар ҳам кулиб юборишди ва Муҳаммад ал-Кешийга ҳурмат ва эҳтиром ила қарашди.

— Башорат этдингиз, зоти олийлари, — деди жонланиб Пайо майор де Сато, — агар камергер жаноблари ўз кўзлари билан Темурбек юртини кўрганларида эди, буткул ўзга тасаввурга эга бўлардилар. Минг бор эшитгандан бир бор кўрган яхши.

Генрих III дон Энрико Трастамар ўзини Темурбекка тобе эканлигини эътироф этиб, Муҳаммад ал-Кеший ва унинг ҳамроҳларини кузатиб қўйишни буюрди. Сўнг эса ўз элчиси Пайога нигоҳини қаратди.

— Қани энди, денгизчи Синдбоднинг ўн икки саёҳатидан ҳам қизиқроқ саргузаштларингизни эшитгайлик, муҳтарам майор!

— Каминангиз Анқара қалъасида туриб бутун жангни кузатди. Қачонлардир Рим императори Помпей Босфор қироли Митридат билан жанг қилган тоғ ёнбағрида

миллионга яқин икки лашкар бир-бирига қарши аёвсиз олишди...

Сарой аҳли зўр диққат билан Анқара жанги ҳақида элчи ҳикоясини тинглашди.

— Демак, император Мануилнинг дуо илтижолари қабул бўлибди-да, — деди Генрих ҳаяжон ичра, — ҳеч ақл бовар қилмайдиган воқеа. Ҳали ҳеч бели ерга тегмаган Йилдирим Боязидни мағлуб этган Темурбекка тасанно! Византия турк балосидан халос бўлди. Халоскор эса осиелик саркарда. Буни қарангки, христиан дунёсига келган мусулмонлар қиёфасидаги балони Темурбек сиймосидаги мусулмонларнинг ўзи даф қилди. Во ажаб!

— Ажабланманг, зоти олийлари, — деди Пайо, — бундан етти йил муқаддам Темурбек кўшини Волга бўйидан Москвага яқинлашганда худди Византия императорига ўхшаб, Москванинг буюк князи Василий черковга беркиниб, муқаддас Биби Марьям хочига сифинган эди. Зодагон боярлардан тортиб оддий фуқарогача — черковларда ибодат қилишган. Темурбекдан қутулишнинг бирдан-бир чораси — ибодат қилиш деган эди ўшанда митрополит Киприан. Москва халқи обдан чин юракдан худого илтижо қилди ва уларнинг ибодати ижобат бўлди.

Генрих ўйга чўмди ва ўзига қараб турган мулозимларига қарата сўз очди.

— Балки, жаноблар, фикри ожизамча, авлиё Иоанн Темурбек қиёфасида оламга келиб, бизларга назар ташлаётгандир. Зотан сирли Осиеда Темурбекдай мард, олийҳиммат ва муруватли ҳукмдор чиққанига сира ақлим бовар қилмайди.

— Каромат қилдингиз, тақсири олам, — деди шу вақтгача жим турган иккинчи элчи Эрнан Санчес, — Темурбек муруватини қарангки, у тутқунликда ётган уч испан қизини озод қилиб, бизларга қўшиб жўнатди.

Қирол ўз мамнунлигини яширмади. Мулозимларига илтифотли нигоҳ ташлади.

— Она Ватанимиз тупроғида олти асрдан зиёд арабу маврлар ҳукмронлиги давом этмоқда. Балки, биз ҳам

авлиё Иоанн июят этса, еримизни улардан халос этурмиз. Бундай муқаддас иш йўлида мен Темурбекнигина эмас ва балки иблисни ҳам ўзимга, талаб этса падари бузруквор этишга тайёрман.

Сарой аҳли қирол ижозати билан жой-жойларига тарқагач, Генрих камергери Руи Гонзалесга юзланди.

— Биласанми, элчимиз башорат қилди. Сен, Руи мени ўғлим деб атаган падари бузрукворимиз Темурбек юртига борасан. У ерда менинг учинчи кўзим бўлиб зарур ахборотларни тўплайсан.

Қирол пойгакда ясланиб ётган хазинадан кўзини узолмай, уларни ертўлага олиб кетишга ҳозирланиб турган давлат хазиначисига имо қилди. Сўнг сўзида давом этди.

— Ҳозир энди ертўлага тушиб Темурбек совғаларини бир кўрайлик-чи...

Ҳар куни одатда давлат хазиначиси билан муҳрдор котиб катта ертўладаги оғир сандиқларнинг пўлат қулфларини кўриб чиқишади. Бу сандиқлар дубдан ишланган, катта ва ҳашаматли. Аммо ичлари бўм-бўш, арзимас матолару эски тангалардан бўлак бойлик йўқ.

Кастилия қиролларининг узоқ вақтлардан бери сақланиб келаётган герблари солинган сандиқлари қулфи очилди. Қирол билан камергер сандиқларга солинаётган жавоҳирлар, ёмби, дуру гавҳарларни синчиклаб ҳисобга тушираётган хазиначининг қўллари қалтираётганини кўришди. У ҳали ҳеч қачон бундай бойликларни кўлида ушламаган.

— Темурбек совғаларида ҳам қандайдир маъно яширинган, зоти олийлари. Қаранг, забт этилган юртлар подшоларининг тожлари, олтин хочлар, Европа элларидан олинган дукатлар, дублонлар, лиралар... Қандайдир рамзлар яширинган уларда...

— Сен ана шуларнинг маъзини чақасан, Руи.

Бу вақтда эса Соҳибқироннинг учинчи кўзи Муҳаммад ал-Кеший Элбек билан испан зодагонларининг куюқ зиёфати даврасида ўтиришар эди. Амир Азизуддиннинг махфий топширигини бажариш учун астойдил ишга киришган Муҳаммад ал-Кеший тажрибали разведкачи

бўлгани учун испан зодагонлари — герцогларидан тортиб маркизу граф, барону майорларнинг қулф калитини нималар билан очишни яхши биларди.

## Қирол Генрихнинг хуфия галлари Лондон. 1403 йил

“Генрих худонинг марҳамати билан Англия ва Франция қироли, шунингдек, Ирландия ҳокими, буюк ва қудратли подшоҳ Темурбекка, Тантрини севувчи дўстга, ҳаммасининг халоскорига салом ва тинчлик бўлсин.”

*Англия қироли Генрих IV нинг Амир Темурга йўллаган мактубидан.*

*Хартфордда 1403 йил февралда имзоланган*

Лондоннинг шимолидаги Хартфорддаги қароргоҳида Англия қироли Генрих IV олис Султониядан ташриф буюрган архиепископ Иоанни тантанали тарзда қабул қилди.

Лорд-канцлер, вазирлар ва бошқа олий насаб инглиз зодагонлари ўз қироллари каби номи афсонага айланган Темурбек элчисига зўр қизиқиш билан қарар эдилар. Бу қандай зотки, у бутун Европага донғи кетган Осие ҳукмдори Темурбек ишончини қозонган бўлса? Ислом ҳомийси, мусулмонлар султони нима учун бундай юксак ваколатли вазифани католик архиепископига топширган. Сира ақл бовар қилмайди.

Иоанн эса виқор ва ғурур ила ўзига кўрсатилаётган юксак эҳтиромни синчиклаб кузатар эди. У буюк Темурбек элчисидир!

Расмий маросим тугагач, қирол уни ўзининг хос қабулхонасига таклиф қилди.

— Ҳикояларингизга жуда муштоқман, авлиё ота.

Юмшоқ ўриндиққа жойлашган қирол кўзларида интизорлик ва иштиёқ ўти ёнар эди.

— Антика мусалласдан баҳраманд бўлсангиз, авлиё ота. Сухбатимиз узоқ ва мароқли бўлишига ишонаман.

Иоанн биллур қадаҳда товланиб турган, ёши бир асрдан зиёд ичимликка разм солди. Монастирда сақланиб обдан етилган бу мусаллас таърифини у эшитган. Ундан тотиб кўриш шарафи ҳар кимга ҳам насиб бўлмаслигини ҳам яхши биледи. У ҳар қандай дил қулфини ечиб юборишга қодир кучга эгаллигини ҳам.

Иоанн ўз ҳикоясини бошлади. Султонияда кўрган-кечирганлари, Амир Темур билан, ўгли Мироншоҳ билан суҳбатларини эслади.

Генрихни ҳаммаси қизиқтирар эди. Темурбек шахси, оиласи, амалдорлар билан муносабатлари ва ҳарбий ишлардаги маҳорати...

Иоанн илҳом ила гапирар, қиролнинг чехрасида эса ҳайрат ва ҳавас барқ урарди. Қиролни Амир Темурнинг амалдорларга ва халққа муносабатига доир ишлари ғоят қизиқтириб қолди. Иоанн ўзи кўрган-билган ва эшитган воқеалар ичида энг эътиборлисини унинг диққатига ҳавола этди. Бу воқеа 1397 йилда Кўксаройда содир бўлган эди. Беш йиллик юришдан қайтган Соҳирқирон эришган ғалабалари шарафига салтанатда тантаналар ўтказилди. Сўнг ўша ўтган йиллар давомида амалдорлар қилган ишлар ҳисоботини кўрди. Махфий хизмат ходимларининг ёзма ахборотларини ўқиб чиқди. Маълум бўлишича, ҳарбий ишларга мутасадди вазир Муҳаммад Желда хазина ва лашкарга тегишли маблағлардан айрим қисмини ўзлаштирган. Бу ишда мамлакат ва раият ишлари вазири Муҳаммад Довуд ҳам аралашган. Улар ўзларича халқдан уч йиллик хирожни ундириб олишган. Амир Темур бу икки вазирни ҳибсга олишни буюрган. Сўнг халқни уч йиллик хирождан озод қилган. Халқ Соҳибқирондан ғоят миннатдор бўлган. Бу воқеа оғиздан-оғизга кўчиб юрибди. Амир Темур сиёсатининг стратегияси “Куч адолатда” эканлиги афкор оммага ошкор бўлди, рўйи-рост тасдиқланди.

— Адолат йўлида у Мироншоҳни ҳам аяб ўтирмади. Қилмишига яраша жазолади. Қонун устуворлигини ҳамма кўрди.

Қирол Генрих ўзи учун ғоят керакли ахборотлар олди. Сўнг архиепископга ўз дардларини баён қилди.

Узоқ йиллардан бери Франция билан бўлган уруш мамлакат тинкасини қуритган. Қирқ йилдан бери давом этиб келаётган ва тарихга “юз йиллик уруш” деб кирган ҳарбий можаролар ҳали бери тўхтамайди. Хазина бўш, уни тўлдириш лозим.

Қирол хомуш гапирар ва “Қизим сенга айтаяпман, келиним сен эшит” дегандек бўларди. Иоанн ундан Амир Темурга шахсан оғзаки етказиши керак бўлган гапларни эшитиб ғоят ҳайратга тушди. У қиролнинг ёзма номасини ҳам шахсан қоғозга туширди. Бу нома тарих учун бебаҳо ёдгорлик бўлиб қолишини у яхши тушунар эди. Генрих IV ўз номасида буюк подшоҳ, католик динининг ҳомийси... бундан кейин ҳам бу қадар тавфиқли ва саодатли ниятлардан воз кечмаслигига умид билдирди.

— Жаноби олийлари ўз хоҳишлари билан, — деди қирол, — худонинг шукри учун давлат ишларига тааллуқли баъзи масалалар хусусида ва шу вақтдан бошлаб сулҳ борасида биз билан дўстона битим тузишга ирода этибдилар, жаноби олийлари билишни лозим топсинларким, биз ана шу битимга бизнинг номимиздан мазкур архиепископ имзо чекишини астойдил истаймиз. У бизнинг ишлардан яхши хабардор. Бизнинг илтимосимизга кўра ҳам, унинг олий мартабасига кўра ҳам (архиепископнинг) сўзларига тўла ишонишингизни сўраймиз, шунингдек, унга бўйсунганларнинг ҳаммасини ва махсус бириктирилган яна бир неча шахсни ҳам қабул қилишингизни сўраймиз, бизга ҳаммасини аниқ тавсиф этингки, биз ҳам ўз тарафимиздин жанобларининг истаklarини бажо келтиргаймиз.

Қирол ўйга чўмди. Сўнг оҳиста қўшимча қилди.

— Бундан кейин ҳам бизга ва фуқароларимизга мудом хайрихоҳлигингиз билан тасарруфингиздаги мулкингизга борсалар ва сизнинг савдогарларингиз ҳам бизнинг мулкимизга келишса, биз шунинг тарафдоримиз.

Иоанн мактубни шундай тутатди. Қирол унга имзо чекди. Лорд-канцлер муҳр босди.



## Денгиз разведкаси Босфор бўғози. 1403 йил

Константинополдан келган Мулла Исҳоқнинг ахбороти Амир Азизуддинни ташвишга солди. Асли миллати яҳудий, асли исми Исаак бўлган бу одам узоқ йиллардан бери Амир Темурга хизмат қилиб келади. Турар жойи — Константинополь. Яҳудийлар жамоасининг раҳбарларидан.

Мулла Исҳоқнинг шахсан ўзининг келиши фавқулодда ҳолат эди. Византиядаги махфий хизмат тармоғининг раҳбари ўзини фош қилиниши хатарига қарамай, Соҳибқирон ҳузурига келишида катта маъно борлиги равшан бўлди.

— Хитойнинг машҳур адмирали Чен Хо бошлиқ кемалар Жануби-шарқий Осиё ва Ҳиндистон атрофларида кезиб юрибди. Адмиралнинг одамлари Константинополда пайдо бўлди.

Мулла Исҳоқ қисқача тарзда адмиралнинг одамларидан аниқлаган маълумотларни баён қилди. Хитой императори ҳарам оғаси адмирал Чен Хо махсус вазифа билан келган. У Форс кўрфази, Қизил денгиз ва Ҳинд давлатларининг Амир Темурга қарши қаратилган ҳарбий иттифоқини тузишга доир режа тузган. Шу мақсадда адмирал тўрт марта денгиз сафарини уюштирди.

— Император Мануил Палеолог Боязиднинг ўғли султон Сулаймон билан битим тузди. Бу битимга Сербия ҳукмдори Стефан Лазаревич ҳам қўшилган. Пойтахтда ўзгаришлар юз бермоқда. Мачит бузилди, турклар шаҳардан ҳайдалди.

Мулла Исҳоқ яна бир хабарни ҳам айтишни лозим кўрди.

— Император ўз яқинларига эндиликда Амир Темурга бож тўлашни тўхтатишни айтибди.

Амир Азизуддиннинг авзойи ўзгарди. Қўллари мушт бўлиб тугилди. Фаранглар ҳаддиларидан ошаяпти.

— Мулла Исҳоқ, — деди у ўзини босишга интилиб, — хабарларинг рост ва аниқлигига кафолат берасанми? Бу жуда катта давлат аҳамиятига молик хабарлар.

— Мен кимга ва нима учун узоқ йиллар хизмат қилиб келганим кафолат эмасми?

— Ҳа, шундай, Азиз.

Чодирга тўсатдан кириб келган Соҳибқирон шундай деди.

— Сен ҳеч ўзгармабсан, мулла Исҳоқ.

— Улуғ амир!

Исҳоқ ўзини унинг оёғи тагига ташлади.

— Тур ўрнингдан, мулла Исҳоқ.

Соҳибқирон унинг елкасига қўл ташлади.

— Хизматларинг юксак мукофотга лойиқ. Яҳудийлар орасида сен каби садоқатли кишини сира кўрмаганмен. Қани ўтир.

Мулла Исҳоқ ёшли кўзларини унга тикди. Бундан йигирма йил муқаддам Соҳибқирон билан илк бор учрашгани ёдига тушди. Қароқчилар яҳудийлар жамоаси қарвонини талаб бор-шудидан айирганда у адолат истаб Амир Темур даргоҳига боргани, у ерда унинг арзини тинглаб сармоясини қайтариб беришгани, кейин эса Соҳибқирон ҳузурига олиб киришгани, зиёфат ва махсус топшириқ билан кетгани кўз олдида бирма-бир жонланди.

Соҳибқирон ҳеч нарсани унутмабди.

— Топширигингизга кўра, — сирли оҳангда ахборотни бошлади Исҳоқ, — мен император аъёнлари ўртасида бўлиб турадиган суҳбатлардан воқиф бўлиб турдим. Англия, Франция, Генуя, Венецияга қатнаб турувчи савдогарлардан мунтазам ахборотлар олдим. Энг зарурларини қоғозга тушириб қўйдим.

— Қандоқ аҳмоқлик! — жаҳл билан деди Соҳибқирон, — ҳеч қачон ёзма далил қолдирма деб таъкидлаган эдим-ку!

Исҳоқ ним табассум ила жавоб қайтарди.

— Хавотир олманг, улуғ амир. Биз, яҳудийлар шундай ёзамизки, уни биздан бўлак ҳеч ким тушунмайди. Махсус белги, ишора, расмлардан иборат алифбо тузганман.

— Давом этавер...

— Христиан давлатларининг олий сиёсий ва ҳарбий доиралари Сизнинг Султон Боязид билан дўстона муносабатингиздан, айниқса, у тутқун бўлса ҳам эркин юриши, тез-тез сиз билан зиёфатларда бирга бўлиши, хуфиёна суҳбатларда қатнашиб туришидан гоят безовтага тушганлар.

Айрим арбоблар ва хусусан, Ватикан Сизни Константинополни забт этишингиз эҳтимолидан хавотирда.

— Улар Сизнинг Боязидга унинг мулкани тахтини қайтариб бериш ниятингиздан воқифдурлар. Ана шундан ҳамма қўрқувда. Икковингиз бирлашсангиз, бутун Европани кишанлашингиздан қўрқишмоқда. Бу ишга йўл қўймаслик чораларини кўришмоқда.

Исҳоқ қўйнидан чарм чиқариб ундаги белгиларга қаради. Сўнг Англия, Франция ва Римдаги вазият, содир бўлаётган воқеалар хусусида ахборотлар бера бошлади.

— Савдо-сотиқ ва бозорларда нима гап?

— Сиз билан савдо қилувчиларга қизиқиш катта. Йирик сармоядорлар Самарқанд бозорини эгаллаш учун ўзаро рақобат қилишмоқда. Уларнинг фикрига кўра Самарқанд дунё бозори марказидир.

Соҳибқироннинг нигоҳида фахр ва гурур учкунни чақнади. Бу яхудий Исҳоқнинг назаридан қочмади.

— Улар Самарқанд бозорида ўз расталарини ташкил қилишни режалаштиришмоқда. Бунда Генуя ва Венеция савдогарлари фаол. Улар ҳинд, хитой, араб савдогарлари дўконларини сотиб олиб улар воситасида бозорни эгаллашмоқчи. Самарқанд 27 давлат бозорини ўзида гавдалантириб уларга таъсир ўтказиб туришини яхши билишади.

Исҳоқ гапирган сари Соҳибқироннинг юзи ёришиб борарди. Қачонлардир кўримсиз, босқинчилар талаган Самарқанд эндиликда дунё пойтахтига айланибди. Она юрти жаҳон наздида буюк салтанат. Ахир ана шу буюк орзу йўлида у ўттиз йил жангу жадалларда, даҳшатли мухораба майдонида от сурмадими?

Амир Темур бахтиёр ҳолда Мулла Исҳоққа нигоҳ ташлади.

— Бугундан эътиборан мулла Исҳоқ элчи рутбасига кўтарилсин.

Исҳоқ ҳайрат ичра Соҳибқиронга қараб лол қолди. Наҳот у, бутун дунёга донғи кетган, етти иқлим сардорининг, бутун Европа номини эшитганда титрайдиган Темурбекнинг элчиси бўлса?

— Хизматларинг шунга лойиқ, мулла Исҳоқ. Мана ваколату кафолатинг!

Соҳибқирон унга олтин пайсани узатди.

— Биз ўз флотимизни тузамиз. Фанимларнинг денгиз иттифоқига қарши тура оладиган денгиз кучларини ташкил қиламиз. Сен эса, мулла Исҳоқ, биз учун зарур кemasozларни фаранг ўлкаларидан келтиришга масъулсен.

### **Келажак разведкаси Самарқанд. 1404 йил**

Амир Темур узоқ айрилиқдан сўнг дийдор кўришган Амир Отламишнинг фаройиб кечмишларини ғоят эътибор билан тинглаб, шундай деди:

— Миср заминида менга жуда яхши деб рост ёзган экансан-да?

Отламиш тасдиқ ишорасида бош ирғади. Кўз олдига Мисрда ўтган куну тунлар, Далила билан амалга оширган ишлари келди. Далила! Жозибадор ва зукко аёл! У уни деб жонини қурбон қилди. Нақадар содиқ ва латофатли хотин эди у. Яширинча никоҳдан ўтишди. Фарзанд ҳам кўришди. Ҳашаматли ҳаёт кечиришди. Қоҳирада ўтган кунларни у сира унутмайди. Қалбида бир умр муҳрланган. Миср султонининг махфий хизмати уларнинг ишларидан воқиф бўлганда Далила ўзини заҳарлаб ўлдирди. Уни сақлаб қолиш учун! Бечора хотин! У чиндан ҳам уни севарди. У махфий хизмат қурбони бўлди. Бу хизматда севги-муҳаббат бўлмас экан. Ишга халал берар экан.

— Демак, Қамчибек ўз ўрнида қолибди-да? Наҳотки ҳеч ким фарқни пайқамеди?

— Йўқ. Бунинг ҳаммаси Далила туфайли.

Соҳибқироннинг кўзларида ёш кўринди.

— Мен ҳозир унинг руҳига тиловат қилгаймен.

Соҳибқирон чуқур мунг ила тиловат қила бошлади. Ҳофизи Қуръон рутбасига эришган Соҳибқироннинг мафтункор овози Амир Отламишни жойига михлаб кўйди.

Отламишнинг хаёл кўзгусидан ўтмиш хотиралари бирма-бир ўта бошлади. Унинг қиёфадоши зиндонда ўтирган йиллари у Миср, Туркия ва Византиядаги одамлари билан алоқада бўлди. Зарур ахборотларни олиб Амир Темурни огоҳ қилиб турди. Туркияда иш кўраётган Муҳаммад Оташий, Франция, Англиядаги ўз одамлари воситасида Соҳибқирон учун фойдали маълумотларни йиғиб, вақтида Амир Жалолга етказиб турди.

Миср султони Фараж Амир Темурнинг Амир Отламишни зиндондан чиқариб ҳузурига юбориш ҳақидаги учинчи бор таклифидан сўнг Далила қамоқдаги сохта Отламишни огоҳлантиришга улгурди. Султон уни ҳузурига чақириб беш минг дирҳам инъом қилганида каллакесар довдираб қолмаслиги учун тегишли чораларни хотини Далила кўрди. Бу каллакесарни унинг олдига олиб келди. Отламиш эса ўз қиёфасини ўзгартириб яна аслига қайтди. Энди ўша каллакесар унинг Қоҳирадаги мулкига эга Қамчибекка айланиб умрбод Амир Темурга хизмат қилади.

Амир Отламиш, Маъсудбек ва амир Азизуддин ўзаро суҳбат қуришди.

— Барчамизнинг тақдиримиз Соҳибқирон ҳаёти билан боғлиқ, — деди Азизуддин сафдошларига қараб, — у билан биз бир ипга боғланганмиз. У кул бўлса биз ҳам кул бўламиз.

— Тўғри, — қувватлади уни Отламиш, — мени кейинги вақтларда Темурбекни тез-тез оғриб туриши хавотирлантирмоқда.

— Мени эса, — деди Маъсудбек чуқур ўйга чўмиб, — Хитой — Чин-Мочин безовта қилмоқда. Элчининг хатти-ҳаракатлари бежо. Ўйлашимча, Соҳибқиронга қандайдир суиқасд тайёрланмоқда.

Разведка раҳбарлари бир-бирларига маъноли қараб қолишди. Чиндан ҳам Амир Темурнинг бутун ҳаёти давомида унга жуда кўп суиқасдлар бўлди. Аммо Аллоҳ Соҳибқиронни доим ўз паноҳида сақлаб келди. Аммо қачонгача?

Амир Отламиш эса яна ўз фикрини давом эттирди.

— Мўғулистон элчисининг гаплари мени гоят ўйлантириб қўйди. Эшитинг ва мулоҳаза қилинг. Соҳибқирон мўғулларнинг хитойлар зулми ҳақидаги шикоятларини эшитиб ғазабланди.

— Наҳотки, сизлар Чингизхон авлодлари шундай аҳволга тушиб қолдингиз? Ор-номус ва бурунги шуҳратингиз қани?

Шунда мўғул элчиси шундай жавоб қилди.

— Биз одамлар билан жанг қилишни биламиз. Инсу жинслар билан эмас. Инсу жинсларни енгиб бўладими?

Отламиш саволомуз сафдошларига тикилди.

— Бунинг маъноси недур? Мўғулистон элчиси хитойлар ва қандайдир маккорона усули жанглари ва номаълум уруш воситалари, сеҳру жодуларга эгалитига шаъма қилмаяптими? Қиссадан ҳисса недур?

Маъсудбек бўғиқ овозда изоҳ берди.

— Чин-Мочин Соҳибқиронга ҳам шундай воситалар билан суиқасд тайёрламапти деб ким кафолат бера олади?

Азизуддин бош ирғади ва кўшимча қилди.

— Ардабилда биз шундай сеҳргарни кўрганмиз. У қандайдир тош ёрдамида ёмғир чақирди. Сўнг уни Соҳибқирон амри билан тўхтатди. Биз бунинг сиру синоатини суриштириб унга жавоб топа олмадик. Чин-Мочин ҳукмдори — Фағфур ана шундай бизга номаълум қуроллар ва сеҳру жодуларга эга эмас деб айта оламизми?

Маъсудбек ҳам ўз навбатида фикру гумонларини ўртага ташлади.

— Ҳиндистон сафарида ҳам бир жодугар брахманни учратганмиз. У Деҳлида сеҳр билан зилзила чақирган эди. Ҳаммани кўрқув босганда Соҳибқирон лашкарни тинчлантирди. Брахманни қўлга олганимизда у

Соҳибқирон Деҳлига киргани учун умри қисқаргани ва етти йил умри қолганини башорат қилган эди. Ўшанга беш йил бўлибди.

— Демак, Соҳибқирон Чин-Мочинга юришни тезлаштираётганига сабаб шу экан-да? — деди Отламиш.

— Ҳа. Энг ёмони шундаки, Соҳибқирон бу башоратга ишонганини менга очиқ айтган эди.

Ўртага мудҳиш жимлик чўкди. Барча келажак ҳақида ўйлаб қолди. Амир Темур билан улар узоқ йиллар бирга от суришди. Чўлу биёбонлар, тоғу тошлар кезишди. Сув келса симириб, тош келса кемириб яшашди. Улар Соҳибқиронсиз дунёни сира тасаввур қила олишмас эди.

### Соҳибқиронга тиз чўккан испанлар

«Мен Темурбекни бир урушдан қайтиб келишига гувоҳ эдим. Кўзим тушган ҳамон бу кишини дунёнинг энг ботир кишиси эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Мен яқин тарихий даврлар орасида Темурбек каби қудратда, саховатда, давлатда мукамал бир подшоҳнинг дунёга келганини тахмин қилолмайман... Испания элчиларига Темурбекнинг қимматбаҳо ҳадялари йигирма хачирга юк бўлди. Ҳадялар орасида жуда гўзал масиҳий қизлар ҳам бор эди».

*Султония епископи Жоан II нинг Париж миллий кутубхонасида сақланаётган хотираномасидан*

Кастилия қироли Генрих III камергери Руи Гонзалес де Клавихо Темурбек юртида кўрган-кечирганларини кундалик дафтарида қайд этиш билан машғул.

Пойтахтга келганидан бери унга кўрсатилаётган иззат-икромдан хурсанд. «Минг бир кеча» эртақларидаги-дек ажойиб дунёда юргандек сезади ўзини. У кўрган Оврупо ҳукмдорлари саройи, Англия, Франция қироллари қошоналарининг биронтаси ҳам Самарқанд ҳашамати олдида ип эшолмайди. Ана шу шаҳарда у зиммасига юкланган масъул вазифани ниҳоят чуқур ҳис этди. У олдий қирол элчиси эмас ва балки бутун христиан ола-

мининг Темурбек юртидаги фавкуллода ва мухтор элчиси, разведкачиси ҳамдир. Темурбек мамлакати иқтисоди, турмуши, маданияти, ҳарбий-сиёсий салоҳияти ҳақида аниқ ва мукамал тасаввурга эга бўлиши лозим. У, Клавиҳо, христиан дунёсини Темурбек қиличида ярқираган ислом қудратидан огоҳ қилмоғи даркор. Бу қудрат боиси нима? Қандай қилиб бу осийлик амирзода оламшумул шон-шухратга эришди? Бу муъжизами ё тасодиф?

Клавиҳо ана шу саволларга жавоб излаб, бари билган-аниқлаганларини қоғозга тушира бошлади.

Темурбек ўз юрти фуқароларини ўн икки тоифага бўлган. Энг юқори табақалардан биринчи ўринда пайғамбар авлодлари саййидлар, шайхлар ва бошқа уламолар.

Иккинчиси эса олимлар, илм-фан намояндалари, мударрис ва мактабдорлар туради. Муаррихлар ва мунажжимлар ҳам шу ўринга мансубдир. Ҳунармандлар, савдо-тижорат аҳли ҳам фахрий тоифага киритилган.

Клавиҳони ҳарбийлар ана шу тоифалардан кейинги ўринга қўйилгани ҳайратга солди. Оврупода саркарда, зобитлар қироллар биринчи ўринга қўйган синфга мансуб. Темурбекдек буюк саркарда эса биринчи ўринга уламолар ва олимларни қўйибди! Демак, фуқароларнинг руҳияти, ахлоқи, эътиқоди ва тафаккур доираси билан машғул уламолар, аҳли илм фозиллари фаолияти муҳим ва улар давлат эътибори марказида бўлиши лозим. Темурбек илм-фан соҳибларига хазина эшигини кенг очганидан ташқари, уларга ғоят марҳаматли. Клавиҳони мулозимлардан эшитган ҳикоя ниҳоятда ҳайратга солди.

Испания элчисини юрtdаги тартиб, осойишталик, фаровонлик ҳайратга солди. Солиқлар деққон ҳосилининг ўн фоизидан сал ошади. Бўш ерни ўзлаштирганлар хирождан икки йилга озод қилинади. Клавиҳо дафтарига Самарқанд таърифини ёза бошлади:

«Бу ер ҳамма нарсага бой: галла ҳам, шароб ҳам, мева-чева ҳам, паррандалар ҳам, ҳар хил гўшт ҳам мўлкўл. Бу ернинг қўйлари йирик-йирик, думбалари катта бўлади. Думбаси 20 фунт келадиган қўйлар бор. Бунчалик оғир юкни одам қўлда зўрға кўтара олади. Қўйлар кўп ва арзондир. Бошқа моллар ҳам арзон. Галла жуда ҳам



арзон, шоли эса ошиб-тошиб ётади. Бу шаҳар ва унинг атрофидаги ерлар шундай тўкин-сочинки, ҳайрон қолмаслик мумкин эмас. Ана шундай бойликлари учун ҳам Самарқанд деб аталади. Унинг ҳақиқий исми Семизкент бўлиб, бадавлат қишлоқ деган маънони беради, негаки уларда семиз дегани катта, бой, тўла деган маънони билдиради, кент эса қишлоқдир. Ана шундан Самарқанд деган ном келиб чиққан».

Клавихо ўйга чўмди: Темурбек юртида ҳунармандларга гамхўрлик катта. Бозорларда нарх-наво, савдо-сотик устидан назорат ўрнатилган. Харидор ҳақиға хиёнат қилганлар, ўғрилар қаттиқ жазога тортилади. Умуман, Темурбек юртида ўғрилик, қароқчилик йўқ. Карвон савдоси бехатар. Карвонсаройлар кўп. Ҳар бир шаҳарда масжид, мадраса, мактаблар давлат ҳимоясида. Гадоичилик шармандали ҳол ҳисобланади. Майиб-мажруҳлар, ногиронлар давлат ҳисобидан таъминланади. Дарвешлар, қаландарлар учун махсус манзилгоҳлар қурилган.

Клавихо Темурбек давлатида мансабдорлар танланиши ва хислатларига эътиборни қаратди.

Темурбек саройида барча ишларни девон ҳал қилади. Девонбеги умумдавлат ишларини бошқаради. Тўрт вазир эса ўзларига белгиланган соҳаларга жавобгар. Вазир ҳаётий тажрибаси бой, руҳан покиза, илтифотли ва инсонпарвар бўлиши лозим. Ҳушомадгўй, лўттибоз, лаганбардор, гийбатчи одамлар бундай мансабга сира яқинлаштирилмайди. Ҳар бир амалдор номзод зотига, насабига қараб эмас, балки ишчанлиги, қобилияти ва истеъдодиға кўра лавозимға тайинланади.

Клавихо алоҳида диққатини Темурбек лашкарига қаратди. Лашкар ҳали Оврупоға номаълум тартиб-қоидалар мажмуаси — “Тузуқлар”ға кўра идора этилади. “Тузуқлар” оврупоча тилға кўра Низом дегани. Шунға кўра қўшин ҳаракат қилади. Бу ҳарбий Низом — “Тузуқлар”ға кўра қўшин уруш вақтида мажбурий ҳарбий хизмат ҳисобидан тўлдирилади, тинчлик вақтида фақат кўнгилчилар олинади. Икки-уч хонадондан тўла қуроолланган отлиқ олинади. Қўшин ўнлик, юзлик, минглик ва ўн мингликларға бўлинади. Қўшинға маош тўлаш тартиби ҳам диққатға

лойиқ. Оддий сипоҳий ёки навқар маоши бир тулпор қийматига тенг. Баҳодир — калрал — уч тулпор, ўнбоши — сержант ўн тулпор қийматига тенг маош олади. Шуниси қизиқки, бу маош миқдори бозордаги нарх-навога, яъни кундалик харид моллари нархига кўра ошиб-пасайиб туради. Юзбоши — капитан ихтиёрида юз отлиқ маоши, мингбоши — полковник минг тулпор қийматига тенг ҳақ олган ҳолда захирасига яна қўшимча маблағ бўлади. Туманбоши — генерал уруш вақтида аҳолидан озиқ-овқат харид қилиши учун катта миқдорда маблағга эгадир.

Темурбек лашкарининг бошланғич бўғини ўнликлар низомга кўра сайлов асосида ўнбошиларни сайлайди. Ўнбошилар эса ўз навбатида зобитларни, яъни юзбошиларни сайлайди. Шу тариқа зобитлар корпуси эркин асосда жасур, аскарлар ўртасида обрўли командирлардан ташкил топади. Ҳолбуки, Оврупо қироллари қўшинида офицерлар асосан насл-насаби, зоти: дворянлигига кўра тайинланади, оддий фуқаро бундай унвонга яқинлаштирилмайди.

Темурбекнинг олий офицерлари — мингбоши, туманбошилар тайинланиши тартиби ҳам Клавихонинг эътиборини ўзига жалб қилди. Бу мансабга шахсан Темурбек ташаббускор, ҳарб илмида ўзини кўрсатган, ҳийла-найранглар ишлатишга уста, душманга пистирма, тузоқ қўйиш, рақиб қўшини сафига парокандалик солишни биладиган, ўрни келганда душман саркардаларини турли йўллар билан ўзига оғдира оладиган тadbиркор ҳарбийлар қўйилади. Оврупода эса олий зот герцог, граф, баронлардан ташқари ҳеч ким бундай катта қўшин қўмондонлигига қўйилмаслигини ўйлаб Клавихонинг фикри тиниқлашди. Мана, гап қаёқда! Низом — мана шу Темурбек зафарларининг калитидир.

\* \* \*

Камергер Руи Гонзалес де Клавихо қоғоздан бош кўтариб, ўзига яқинлашган тилмочни кўрди.

— Соҳибқирон чорляптилар...

Клавихо мулозимларини оёққа турғазди. Демак, Темурбек Самарқандга келибди.

У девонбеги вакили билан ҳукмдор саройига ҳаяжонланиб қадам босди. Вакил унга қабул маросимини яхши тушунтирган бўлса ҳам у тиззаларига югурган қалтироқни боса олмади.

Қудратли Кастилия ва Леон ҳукмдори қирол Генрих III нинг мухтор элчиси, олий насаб дворян авлодига мансуб камергер Руи Гонзалес де Клавихо уч марта ўнг тиззасини букиб, қўлларини кўксига қўйиб, Темурбекка таъзим бажо айлади. Шундан сўнг мулозимлар уни қўлтиғидан олиб, икки тиззасини ерга чўктиришди.

— Ўғлим қиролнинг аҳволлари қандай? — Клавихо мулойим оҳангда гап бошлаган кишига ҳайрат, қўрқув ва қизиқиш аралаш нигоҳини қаратди. Мана шу муҳташам тахтда ўтириб унга гапирган киши бутун Европани ҳайратга солган афсонавий Темурбек!

Клавихо жарангдор оҳангда айтилган сўзлар маъносига етди. Темурбек испан қиролини «ўғлим» деб атади. Бу демак, Генрих III унга тобе, қарам, вассал дегани. Не илож! Буни тан олмай иложи йўқ. Қирол ҳам шунга рози бўлиб унга ваколат берган.

Клавихо жавоб тариқасида қиролнинг саломатлигини айтиб, унинг номаси ва совға-саломларини топширди. Темурбек тахтда виқор билан ўтирганча қаршисида тиз чўкиб турган элчидан нигоҳини узиб, вазирларига шодон хитоб қилди:

— Қаранглар, мана, ўғлим — Испания қиролининг менга юборган элчиларини кўрингиз! У, Испания қироли, дунёнинг энг четида туради ва бутун фаранг подшоҳларининг энг буюғидир. Улар, фаранглар, ҳақиқатан улуг халқдирлар.

Темурбекнинг кўзида поёнсиз фахр ва гурур порлади. Мана, ниҳоят оламнинг энг чеккасидаги эллар ҳам унга тобелик билдирмоқда. Олтинчи иқлим ҳам уники. Шайх Шамсуддин Кулол башорати амалга ошмоқда. У олтинчи иқлим мамлакатларининг ҳукмдори! Демак, жангу жадалларда кечган умри беҳуда эмас. Тўкилган қони, майиб оёқ, қўли, чеккан заҳматлари самараси бу!

— Ўғлим, — деди у мулойим элчига боқиб, — мен ҳам Испания подшоҳига ўзимнинг эҳтиромимни кўрсатмак истаймен.

Бу илтифот испан қироли совғаларини таомилга кўра уч кундан кейин эмас, балки шу заҳотиёқ кўриш ва сарой аҳлига тарқатишдан бошланди. Клавихони Чин хоқони ва Бобил ҳукмдори элчилари ёнига ўтқазинди.

Темурбек Чин хоқони элчисига қаҳрли нигоҳини қаратди.

— Ўзини Само фарзанди деб атаган Чин хоқони элчисини кўринг. Биласизлар, у нима деди?

Мулозимлар Соҳибқироннинг ўзини ғазабдан зўрға босиб турганини сезишди.

— Мен, Тангри кули Темур, олти иқлим ҳукмдори Чин хоқонига ҳар йили хирож тўлашим керак эмиш. Даъвосини кўринг!

Саркардалар ўртасида ғала-ғовурлар кўтарилди. Минг-бошию туман бошлиқлари, амиру беклар юзларида тааж-жуб ўйнади. Сичқоннинг ўлгиси келса мушук билан ўйнашади, деб бекорга айтишмаган.

— Элчига ўлим йўқ, дейдилар. Бўлмаса, бундай бўлмагур гаплари учун бу хитойни дорга тортган бўлардим.

Темурбек элчиларга қараб бирдан чеҳраси ўзгарди. Савол аломати ила девонбегига боқди. У дарҳол мулозимларга шипшиди.

Руи Гонзалес де Клавихо Чин хоқони элчисидан пастда ўтирганидан Темурбекнинг жаҳли чиққанини улар тушунишди.

Клавихони юқори, фахрий ўринга ўтқазинди.

— Ўғлим, Испания подшоҳи элчиларига кимхоб тўн!

Клавихо ўзига кўрсатилган мурувват ва қимматбаҳо либосга эмас, балки яширин мақсадига эришганидан бахтиёр эди. Темурбекнинг жанговар ва зарбдор кучи Оврупога эмас, балки Хитойга от суради.

Бой ҳарбий тажриба, малака ва маҳоратга эга, мукаммал қуролланган ва ҳозир Самарқанд атрофида шай турган бу хавfli қўшин агар Оврупога йўл олса борми? Парвардигорнинг ўзи бу ишни даф қилмоқда.

\* \* \*

Камергер, қиролнинг махфий хизмати бошлиғи Руи Гонзалес де Клавихо ўз вазифасини аъло даражада

бажарди. У қарийб икки йил давом этган сафари давомида Темурбек юртини яқиндан билди ва тушунди. Разведкачи нигоҳи билан Амир Темур салтанати арбоблари, халқи ва маданиятини кўриб, таниб, барчасини қоғозга туширди. Унинг кундалиги жаҳон адабиёти ва тарихининг бебаҳо мулкига айланди.

Замондош гувоҳлар ёзишича, Клавихога Амир Темур йигирма хачирга юк бўлган қимматбаҳо совғалар — жавоҳирлар, олтинлар ва бошқа нодир буюмлар тортиқ қилган. Бу бойликлар Леон ва Кастилия қиролига араблар ҳукмронлигига қарши курашда жуда асқотди. Шу тариқа дадил айтиш мумкинки, Соҳибқирон Испаниянинг мустақил ва кучли давлатга айланишида тутинган ўғлига падари бузруквор сифатида беқиёс хизмат кўрсатди.

### **Хитой элчисининг сирли нигоҳи Самарқанд. 1404 йил**

“Амир Темур ўша даврдаги ҳарбий техника янгиликларига алоҳида эътибор берарди. У ҳарбий куроллар ясайдиган хунармандлик соҳасигагина эмас, балки Хитойга юриш бошланмасидан олдин Мовароуннаҳр сарҳадларида ғалла майдонларини кенгайтиришга ҳам эътибор берган. Ҳарбий харажатлар ҳақида гап борар экан, бу харажатлар ҳисобидан махфий разведкага эътибор кучайганлигини таъкидлаш жоиз.

Амир Темур айбқоччилик маълумотлари фақат ҳарбий вазиятни баҳолашдангина эмас, балки ҳар бир мамлакат иқтисодиётини ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунар эди.”

*“Амир Темур жаҳон тарихида” китобидан*

Маъсудбекнинг таклифи билан Амир Темур томонидан Хитой ва Кастилия элчилари шарафига Янги боғда катта зиёфат уюштирилди.

— Кейинги вақтларда элчилар безовта бўлиб қолишган. Улар тез-тез Соҳибқирон билан учрашувни талаб қилишмоқда. Улар ниманидир пайқашганга ўхшашади.

Маъсудбек элчиларнинг бозорда Хитой савдогарлари билан учрашганлари хусусида гапириб уларнинг юртларига тезда қайтиб боролмасликлари учун кўрган чора-тадбирларини баён қилди.

— Уларни чалғитиш ва хотиржам қилиш даркор, Соҳибқирон.

— Бу ишни мен ўз бўйнимга олурмен, — деди Амир Темур.

Янги боғда ҳали ҳеч ким кўрмаган улкан базм бошланди. Соҳибқирон одатга хилоф равишда Хитой элчиларига ўзи соқий бўлиб, ўткир ичимликлар узатиб турди. Элчилар бундай илтифотдан ҳангу манг. Улар ҳали ҳеч қачон шундай улуғ шарафга лойиқ бўлишмаган эди.

Тўққиз йилдан бери Амир Темур саройида император элчиси вазифасини ўтаб келаётган Фу Анъ Чжи-Дао ўзини кўярга жой тополмай қолди. У дилини тирнаётган шубҳа-гумонларини ҳам унутди. Базм авжида. Таомларнинг кети узилмайди. Раққосалар хироми, созандалар куйлари, хонандаларнинг хонишлари бир-бирига уланмоқда. Фишжак, дутор, танбур, уд ва чанг нолалари дилларни эритади.

Фу Аннинг кайфи ошди. Соҳибқироннинг ўзи, етти иқлим ҳукмдори, шону шавкат, қудрату давлатда тенги йўқ Темурбекнинг ўзи унга кетма-кет қадахларни узатмоқда. У ҳам ҳеч қачон бундай ҳурматни кўрмаган. Хитой императори ҳали ҳеч бир марта унга кулиб боқмаган. Тахтда тошдек ўтиради. Кулмайди ҳам. Фақат бузоради.

Фу Ан ва унинг ҳамроҳлари Амир Темурнинг таклифи билан қасрдан ташқарига чиқишганда мушакбозлик бошланди. Осмону фалакни атиргул, бошоқ ва чинор баргига ўхшаш оловлар қоплади. Рангли фавворалардан отилиб турган сув кишига ажиб бир руҳ бағишлайди.

Элчилар боғ сайридан сўнг олди гулзор айвон олдида тўхташди. Бу ерда ҳам тўкин дастурхон ёзилган. Даврада Амир Отламиш, Маъсудбек ва Амир Азизуддин ўтиришибди. Соҳибқирон ишораси билан улар элчиларни қўлтиқларидан олишди.

— Бу ёғи энди сизларга ҳавола.

Амир Темур шундай дея қасри томон йўл олди. Элчилар маишатни давом эттиришди. Бу гал соқийликни Маъсудбек зиммасига олди.

Фу Ан бир оздан сўнг тегишли паллага етди. Маъсудбекнинг сирли шароби кучга кирди.

— Режангиз қандай? Бозордаги савдогарлар кимлар эди? Уларга қандай хабарлар бердингиз?

Фу Ан худди тўтиқушдек жавоблар қайтара бошлади.

— Темурбек Хитойга қачон юриш қилишини билиш ва тегишли чора кўриш.

— Қандай чора?

— Пекинга етмасданоқ уни йўқ қилиш.

— Қай тариқа?

Фу Аннинг чеҳраси сирли тус олди.

— Буни ҳеч ким билмайди. Фақат ...

Элчининг кўзлари юмилди. Лаблари ниманидир шивирлади.

### Хуфия ишлар маликаси Самарқанд. 1404 йил, сентябрь

Бибихоним билан Улуғбек хос хонага киришганда Соҳибқиронни кўрпачада ўтирганча хонтахтага ёзилган харитага энгашиб нималарнидир белгилаётганини кўришди.

— Келсунлар Биби, келсунлар!

Соҳибқирон катта малика ва севимли набираси ҳурмати учун ўрнидан кўзгалди. Уларни тўрға ўтқазди. Дуои фотиҳадан сўнг ҳол-аҳвол сўрашишди.

Сароймулк хоним бу оқшом эрининг чеҳрасида қандайдир сўлғинликни кўрди. Кечагина Конигилда ҳорижий элчилар шарафига уюштирилган зиёфат чоғида ҳам бу сўлғинлик аломатлари зоҳир эди. Гарчанд меҳмонлар олдида ўзини бахтиёр ва шодон қиёфада кўрсатсада, у ҳозир юзида яққол сезилиб турган паришонлик изларини Сароймулк хонимдан яшира олмади. Ўттиз беш йиллик турмуши давомида у Соҳибқиронни обдан ўрганган. Эрини қандайдир чуқур ташвиш эзаётганини кўнгли сезиб турибди.

— Бир мушкулотга салкам эллик йилдан буён жавоб излайман, Биби. Мана, кеча ўша жумбоққа калит берувчи туш кўрдим.

— Қандай туш эканки, у Сизни паришон қилибдур?

— Биз иккимиз қоронғи бир ғор олдида турган эмишмиз. Сиз сўрадингиз: ким бу ғорда яшайди? Ҳеч кимдан садо чиқмагач, мен зулмат сари қадам ташладим. Шунда қоронғилик йўқолиб ёруғ манзилга чиқибмен. Зилол булоқ атрофида оқ саллали ўн икки кишини кўрдим. Азим чинор соясида эса Юсуфдек хушрўй йигит тахтада ўтирибди. Мен унга таъзим бажо айладим. У эса менга мунгли боқиб кўлимга бир қутича тутқазди. Кейин ҳаммаси йўқолди. Аммо кўлимда қутича турибди. Уни қизиқсиниб очдим. Бир парча қоғоз. Унда қандайдир ёзувни кўрдим. Қулоғимга шундай эшитилди.

— Барчаси барбод бўлади.

Кимдир бу ёзувни менга ўқигандек бўлди. Атрофга қарадим. Баланд осмондан яна товуш янгради.

— Тахтадаги одам бу толе. Ўн икки одам салтанатдаги ўн икки тоифа халқ.

Телага қарасам Улуғбекка ўхшаш хушсурат бола менга қараб турибди. Бошдан-оёқ нурга бурканган.

Соҳибқирон бутун вужуди билан гапларини тинглаётган Улуғбекнинг бошини силаб сўзида давом этди.

— У менга табассум билан қараб турди. Кейин эса зимзиё осмонга юлдузлари сари парвоз қилди. Бу тушнинг таъбири недир, дея сизларни чорладим, Биби.

Бибихоним айғоқчилари келтирган хабарларни эслади. Улардан бирида Хитой элчисининг баланд кайфда айтиб юборган сўзлари битилган эди.

— Темурбек ҳали бизни яхши билмайди. Хитойга бориш учун жуда кўп тўсиқлардан ўтиш керак. Ҳар бир тўсиқда пистирмаларимиз бор. Йўқ, қурол-яроғли кишилар эмас. Улар бизга йўлдош жодулару инсу жинслар. Чексиз, ҳад-худудсиз чўлу биёбонлардан ўтиш керак. Уларда ҳеч ким билиши мумкин бўлмаган тузоқларимиз кўйилган. Юртимизнинг ўн икки минг шаҳридан ҳар



бирида ўн икки минг қўшин шай турибди. Биз, эндиликда Чингизхон давридагидек ночор эмасмиз. Ипак йўли биздан бошланади.

Бибихоним хонтактадаги харитага назар ташлади. Унда шу Ипак йўли ва Хитойга элтувчи манзиллар турибди. Бундан етти йил муқаддам ана шу Хитой юриши учун тўрт юз минг қўшинни боқиб учун таъминотчилар юборилган эди. Улар чорва, дон-дун, қурол-яроғ, аслаҳа захираларини ҳозирлаб туришлари лозим эди.

— Боязид билан жанг бошлаш арафасида, — сўзида давом этди Соҳибқирон, — миямни ўлим ҳақидаги фикрлар чулғай бошлади. Ўлсам мендин кейин салтанатимни ким бошқаради? Ўғилларимдан қай бири салтанатга лойиқ деган ташвиш юрагимни ўртади. Мироншоҳми ё Шохруҳ? Қай бирини валиаҳд қилиш керак? Ёки набираларимдан кимни?

Бибихоним қалбида нимадир узилгандек бўлди. Ўлим! У Темурбексиз ҳаётини ҳеч тасаввур қила олмас эди. Унинг вафот этишини, бир кунмас бир кун жон таслим қилиши мумкинлигини ҳеч қачон ақлига сиғдира олмаган. Соҳибқирон бамисоли улкан чинор. Унинг соясида нафақат у — Сароймулк хоним, балки бутун раият осойишта яшайди.

Бибихоним яна айғоқчи хабарини эслади. Бозор гузарларда юрувчи, аҳоли кайфияти, турли мишмишларни эшитувчи бу айғоқчи халқ безовта бўлаётгани, бўлғуси Хитой юришидан хавотирланаётгани, қандайдир башоратчилар пайдо бўлаётгани хусусида ахборот берган. Унинг ёзишича, бир чақалоқ туғилгач, уч марта “Аллоҳу акбар” деса, ўшанда Соҳибқироннинг паймонаси тўлар эмиш. Яна кимдир аллақандай гўшада бир гўдак шундай қичқирганини эшитганини хабар қилибди..

— Боя айтганимдек кўрган тушим бундан эллик йил аввал кўрган воқеамни тушунишга қалит берди. Баайни кечагидек кўз ўнгимда ўшал воқеа. Шикорга чиққаннимда ёмғир қуйиб қолди. Қаерга паналашни ўйлаганимда кўзимга йироқда ястаниб ётган тепалик кўринди. Отнинг жиловини ўша ёққа бурдим. Яқин борсам, анинг атрофида ўтовлар бор экан. Шу қамиш

Ўтовлардан бирига кирдим. Ўтовда ўтирган мўйсафидга салом бердим. Нуроний бул зот мени кўрпачага таклиф қилди. Дастурхон агрофида анчагача гаплашиб ўтирдик. Ёмғир тингач, кетишга рухсат сўрадим. Мўйсафид фотиҳа ўқиди ва менга шундай деди:

— Келажак пардаси ортидин, эй Муҳаммад Тарағой ўғли, сенга мадад кугилаётир. Пайғамбар авлодлари ҳаётингни ўз муборак паноҳларига олмиш, ул зотнинг ноибларидан бири сенинг ноибинг ва йўлдошинг бўлғай. Бироқ ул зот кимлигини фақат ўлимнинг олдидагина билғайсен.

Уйга келгач, падари бузрукворимга унинг сўзларини етказдим. Эрталаб иккимиз ўша тепалик кўринган жойга борсак на тепалик, на ўтов бор. Иккимиз ҳам ҳайрон бўлиб, ортага қайтдик. Орадан ўтган эллик йил давомида бу жумбоқ ҳаёлимдан кетмади. Мўйсафид пайғамбар ноибини ўлимим олдидагина билишимни қайдин олди? Зоган ўзи ким эди у мўйсафид? Шунини билолмай доғдамен.

Соҳибқирон чуқур хўрсиниб нигоҳини рафиқасига тикди. Оқ шоҳи кўйлаги ёқут ва гавҳарлар билан безатилган, тиллақоши сутдек оқиш юзлари ва тимқора шаҳло кўзлари билан “Минг бир кеча”даги Шаҳризодани эслатувчи бу аёл ақл-фаросатда ҳам Шаҳризодадан сира қолишмайди. Соҳибқирон унинг лабларидан учган ҳар бир сўзни инжу-гавҳар мисоли қадрлаши ҳам шундан.

Махфий хизмат бошлиғи амир Азизуддин ҳам ундан ҳайиқади. Салтанат хавфсизлик хизмати вазири лавозимидаги Азизуддин Сароймулк хонимнинг шахсий разведкаси мавжудлиги ва унинг айбқочилар тармоғи ўзиникидан ҳам кучли эканига иқрор бўлган. Бу тармоқ 27 мамлакатни тасарруф қилувчи салтанатнинг ҳар бир ҳудудида ва ҳатто хориж элларда ҳам бенуқсон ишлайди. Гўзал канизақлар, айёр мастоналар, отинойилар ва тадбиркор савдогарлар унинг хизматида. Турк султони Боязиднинг рафиқаси Мария Оливера ҳам шулар қаторида Бибиҳонимга ихлос ила хизмат қилади. Мария шу катта малика таъсирида насронийликдан воз кечиб муслима

бўлган. Ҳозир Сербия қироли Стефан, акаси саройида яшайди, Бибихоним билан ёзишмалар қилади.

— Ҳазратим, эсингиздами ўзингиз айтган ажойибот, — деди Бибихоним, — жаннатмакон шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободий башорати?

Соҳибқироннинг хаёл кўзгусидан ўша узоқ ва бетакрор ёшлигида шайхдан олган фотиҳаси ва тухфалари ўтди.

Абу Бакр Тайободий унинг белига камар боғлаб, бошига қулоқчин кийгизиб, кўзига “Рости-русти” сўзлари ёзилган узукни тутқазиб шундай деган эди:

— Ер юзида шундай одам борким, жамики ишларингда сени қўллагай, сени пайғамбарнинг ноиби деб атагай. Алҳол сен ани кўра олмоғинг мумкин эмас, лекин шундоғ пайт келадурким, анинг ўзи сенга бахт тўла назар билан қарагай.

Соҳибқирон бутун ҳаётини, кўрган-кечирганларини, пиру шайхлар, саиду уламолар — барча-барчасини кўз ўнгидан ўтказаркан, шайх башорат қилган зотни улар ичидан топишга уринди. Уни доимо қўллаб келган, унга бахт тўла назар билан қараган ким ўзи? Етмиш ёшга қараб кетган умри давомида қанчадан-қанча тақдир синовларидан эсон-омон чиқишида пуштипаноҳ бўлган зотни билолмади. Ҳозир эса ўтовдаги сўзлар ёдига келди. Уни фақат ўлими олдидагина билади.

— Сиз менинг бир мушкулотимга иккинчисини қўшиб, лолу ҳайрон этмоқдадурсиз, хоним?

— Эсламоққа урининг, ҳазратим.

Сароймулк хоним яна қўшимча қилди.

— Сизни ҳамиша қўллаб келган пирларингиз, азиз авлиёлар кўп. Башарти ўшал зотни топа олсангиз, қолғон жамики мушкулоту жумбоқларингиз ўз-ўзидан ечиладур.

Соҳибқирон рафиқасининг теран фикрлаши ва кучли таҳлил қобилиятига яна бир бор тан берди.

— Эсланг, ҳазратим. Пирингиз айтган гапларни ... Шундоғ пайт келадурким, анинг ўзи сенга бахт тўла назар билан қарагай.

Соҳибқироннинг хотинига қадалган нигоҳидаги синчковликни майин табассум эгаллади. Сароймулк

хоним одатда одамларга таҳлика, гоҳида даҳшат, гоҳида эса меҳр-мурувват солгувчи эрининг юзига очиқ чехра ила боқди.

Соҳибқирон бирдан кўзлари чақнаб, қалби товланиб кетди. Унга ўша, башоратгўй сўзлар яна эшитилгандай бўлди. Унга ўша сирли нигоҳ “Бахт тўла назар билан” қараб турар эди. Фақат ўлими олдидагина унга кўринадиган ва борлиғи билан намоён бўладиган сиймо қараб турарди.

Вафодори, садоқатда тенги йўқ, ҳеч қачон юзига тик боқмаган ёстиқдоши қараб турарди.

Соҳибқироннинг юрагидаги губор тарқалиб, ўрнини мунгли таскинлик эгаллади. Ўлим, салтанат тақдири хусусида ортиқча ўйларга не ҳожат? Токи ёнида Катта Малика Бибихоним, қалби Саройи, кўнгли Мулки, дили тўри хоними бор экан, у билан бирга шу ҳаводан нафас олар экан, давлат қуши салтанат тахтидан зинҳор учиб кетмагай! Салтанатнинг барча фуқаролари тилида хусну таровати ила дoston, вазиру беклар, амирлару саркардалар ўртасида ақлу заковати ила донг таратган Сароймулк хоним бор экан, етти иқлимга нур сочиб турган давлат қуёши сира сўнмагай!

Бибихоним севган қалб туйғуси ила эридаги ўзгаришни пайқайди. Ўттиз беш йиллик турмуш давомида уни яхши ўрганган, чехрасидаги ҳар бир жилва, нигоҳидаги ҳар бир ифода унга гоҳ таниш, гарчанд у хоҳ ботиний, хоҳ зоҳирий бўлсин. Чунки унинг дили бунинг дилидан сув ичган. Дилидаги ҳар бир тўлқин, қалбидаги дарду қувонч бир-бирига кўзгудек равшан.

Аёлнинг гўзал кўзлари хомуш тортди. Ҳа, у севимли бегидан фарзанд кўрмади. Оҳ, нақадар оғир, тубсиз, на чеки, на охири бор армон мужассам унда! У ўзидаги бор оналик меҳрини, юрагида тўпланиб қолган улкан аёллик муҳаббатини ўзи севган ва ардоқлаган эрининг фарзанду набираларига бахш этди.

— Нечук хомуш тортди бу гўзал кўзлар?

Соҳибқироннинг сўзлари уни хаёл гирдобидан чиқарди. Қаёқдандир, олис-олислардан бир нидо эшитилгандай бўлди.

— Сен Соҳибқироннинг сўнгги дақиқада ёдлайдиган, кўрадиган, қўлида жон таслим этадиган малагисан!

Ўша сирли овоз, ғойибдан келган хабардан қалби тилка-пора аёл худди ҳозир эридан ажралиб қолаётгандек вужуди қалқиб кетди. Бу тожу тахт, бу давлат, бу шон-шухрат, бу етти иқлим салтанати — ҳамма-ҳаммасини у ҳозир жонидан азиз Амир Темурнинг умрини сақлаш учун қурбон қилишга тайёр эди. Ҳа, тайёр!

— Нимадир айтмоқчига ўхшайсиз, хоним?

Сароймулк хоним фавқулодда ирода кучи, аёллик назокатини ишга солиб жилмайди. Ўзини босиқ ва хотиржам тутишга уринди. Харитага тикилиб сўз қотди.

— Менинг бир ўтинчим борки, уни рад этмасангиз, ҳазратим.

— Қандай ўтинч?

— Мен ҳам ана шу харитадаги жойларга бормоқчиман. Хитой сафарига!

— Бу хатарли сафар, хоним.

— Шунинг учун ҳам ёнингизда бўлмоқчиман. Одамларимдан баъзилари улусда мени Чин-Мочин маликаси деб аташларини ҳам аниқлашган. Хитой маликаси бўлсам ёмонми, ҳазратим?

Соҳибқирон жилмайди. Ҳа, Катта Маликада гап кўп. Унинг махфий хизмати одамлари сафарда ҳам асқотиши мумкин. Бир кун амир Азизуддин ҳазил аралаш Бибихонимни “Хуфия ишлар маликаси” деб атаганида жон бор.

— Розимен, хоним. Тарадудингизни кўраверинг.

\* \* \*

Улуғбек Сароймулк хоним билан ташқарига чиққанида мурғак қалбида бобосининг сўзлари ажиб бир ҳис уйғотган эди. Унга ўхшаган бола самодан туриб бобоси билан гаплашибди. Бу не синоат?

Тун ўз пардасини ёймоқда. “Коинот чексиз”, — ўйлади ўзича Улуғбек. У ҳозир турган қурраи замин эса унинг олдида бир зарра, холос.

Улуғбек миясида бир фикр чақнади. Бобоси Темур Кўрагон ер юзини забт этса, у, Улуғбек Муҳаммад Тарағой чексиз, худудсиз коинотга нигоҳ тикади. Уни забт этишга бор умрини сарф этади. Ҳа, шундай. У коинот Соҳибқирони бўлади.

Худди унинг фикрини тасдиқлагандек, Самарқанд осмонида беҳисоб юлдузлар бирин-кетин чақнай бошлади.

## Қиссадан ҳисса

Амир Темурни ўша 1404 йил куз фаслида қолдириб, қиссамизга нуқта қўйганимизга ажабланманг, азиз ўқувчи! Қиссанинг давоми яна ҳам қизиқарли воқеаларга бой бўладики, уларни қоғозга туширишдан олдин астойдил таҳлил ва яна бир бор таҳлилдан ўтказиш даркор. Чунки Соҳибқирон ҳаёти, фаолияти ва серқирра маданий мероси ҳақида кўплаб тадқиқотлар яратилдики, улардаги фактлар Амир Темур сиймосининг янги-янги қирраларини очиб бермоқда.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов ёзганидек, “Тарихдаги улуғ зотларни маҳобатли тоғ чўққиларига ўхшатиш мумкин. Чўққининг салобати кўз олдимизда доимо намоён бўлиб тургани билан унинг бағрида ва атрофида қанчадан-қанча сиру синоатлар бор. Унинг худудида қўрқинчли горлар ва чечакзор адирлар, турфа жонзотлар, сайроқи қушлар мавжуддир... Биз буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратларини дунёда неки энг кучли, энг жозибали, энг маҳобатли бўлса ўшаларга қиёслашимиз мумкин. Бу улуғ зотнинг ҳаёти ва фаолияти, жўнроқ айтганда, таржимаи ҳоли бизга маълум бўлса-да, бироқ биз эслатган чўққи ёхуд улкан кема янглиғ, бу муҳташам сиймонинг номи билан боғлиқ биз билмаган, эшитмаган ривоятлар, ҳикоятлар ер юзи бўйлаб кезиб юрибди. Одамзоднинг ҳар бир авлоди ёхуд ҳар

бир халқ Соҳибқирон ҳақида ўз тасаввурига эга бўлишга интилади ҳамда бу юлдуз ҳақида афсоналар ҳам тўқий бошлайди”.

Ҳақ гап. Қиссадан ҳисса шуки, ҳарб илмининг даҳиси, буюк давлат арбоби, бетакрор бунёдкор, катта ҳарф билан тарихга ёзилган Амир Темурни ўзбек разведкаси асосчиси, бутун дунё миқёсида иш қўрган махфий хизмат ташкилотчиси — қисқача айтганда, разведка ва контрразведка мутафаккири сифатларини ёритишга интилдик. Йигирма беш йиллик изланишларимиз натижасида ушбу китоб юзага келди.

Муаллиф ана шу асарни яратишда яқиндан ёрдам берган ватанпарвар инсонларга, хусусан, “Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб” халқаро илмий экспедицияси аъзолари Фахриддинхўжа Ашрафхўжаев, Муайё Хабирова, Шухрат Содиқов, Абдуқайом Фаттоҳов, Фахриддин Мусаев, Шавкат Саламуллаев, филология фанлари доктори Нажмиддин Комилов, профессор Нарзулла Жўраев, тарих фанлари доктори, академик, генерал-полковник Рустан Раҳмоналиевга самимий миннатдорчилик билдиради. Аллоҳ уларни ўз паноҳида асрасин.

1985 — 2010 йиллар

## МУНДАРИЖА

Тақризчидан.....	3
------------------	---

### I ҚИСМ

#### *ИЛОҲИЁТГА УЙҒУН РАЗВЕДКА*

Разведкада ҳам беназир.....	6
Устоз ва сипоҳ ўғитлари.....	14
Баҳоуддин Нақшбанд тавсияси.....	18
Махфий хизмат асоси.....	20
Заминлар.....	21
Чин муҳаббат соҳибни.....	22
Ўзингдан чиққан бало.....	24
Хиёнат.....	27
Триумвират.....	30
Амакининг сабоғи.....	31
Кутилмаган хиёнат.....	34
Тузоқ.....	35
Мурасага яширинган тактика.....	40
Ким шоҳида, ким барғида.....	42
Саййидлар ваъдаси.....	47
Халқ ва уламолар фатвоси.....	48
Аҳмоқ дўст.....	54
Фалокат оёқ остида.....	56
Ғойибдан келган мадад.....	60
Махфийликда 48 кун.....	61
Арсиф чўлидаги мўъжиза.....	63
Хон билан юзма-юз.....	67
Изи йўқотилган сотқинлик.....	68
Хон бўлган дарвеш.....	71
“Жанги лой” жумбоғи.....	75
Разведкалар жанги.....	80
Разведкачи Темурбек.....	83
Соҳибқирон.....	86
Илоҳий нур.....	89
Макр ва садоқат.....	95
Махфий хизмат тузоғида.....	96
Махфий хизмат қалқони.....	99



Фитна тўрлари.....	101
Жазо ўрнига марҳамат.....	103
Тўхтамишнинг омад юлдузи.....	107
Муртазо Айтанингни махфий сафари.....	108
Буюк князнинг буюк сири.....	110
Катта қимизхўрлик.....	112
Турон — Эрон беллашуви.....	114
Соҳибқирон икрори.....	117
Хукми ўтмаган ҳоким.....	119
Тўхтамишнинг хонлик сўзи.....	122
Қилич ва кафан.....	125
Душман эътирофи ва Соҳибқирон ҳиммати.....	129
Москванинг махфий жосуси.....	133
Султон Муроднинг сўнгги жанги.....	136

## II ҚИСМ

### *ХАЛҚ ҚўЛЛАГАН РАЗВЕДКА*

Кабутарлар разведка воситаси.....	144
Фош бўлган жосус.....	148
Разведканингни бош хатоси.....	151
Сомонга тушган игна.....	157
Тўйга айланган қурултой.....	159
Тузуқларнинг туғилиши.....	162
Қорасомондаги қурултой.....	165
Соҳибқироннинг катта оши.....	170
Маккор режа.....	173
Жанг билан разведка.....	177
Яширин агент номаси.....	182
Соҳибқирон газаби.....	188
Далиланингни далолати.....	191
Соҳибқирон ҳийласи.....	199
Амир Жалолнинг ёллаш усули.....	201
Қора Юсуфнинг қора иши.....	203
Айгоқчи берган сабоқ.....	209
Эллик аскар Темурбек.....	213

## III ҚИСМ

### *ЖАҲОННИ ҚАМРАГАН РАЗВЕДКА*

Муқаддима.....	218
----------------	-----

Дажладаги дажжоллар.....	231
Бобил султони кибри ва аллома қони.....	245
Разведкачи матонати.....	250
Зиндонбанд резидент.....	252
Турк разведкасининг режаси.....	255
Буюк князга сизинган гуржилар.....	257
Гуржи шоҳининг макри.....	259
Соҳибқиронни чекинтирган гўзалдик.....	261
Луристондаги саргузаштлар.....	267
Куроллар разведкаси.....	287
Дўстга айланган душман.....	289
Кўҳи Қоғдаги разведка.....	310
Контрразведка хатоси ва разведка ютуғи.....	320
Махфий агент иқрори.....	326
Резидентнинг янги қиёфаси.....	331
Макка ва Мадина даъвати.....	334
Хоразмшоҳ изидан.....	336
Соҳибқироннинг янги унвони.....	337
Брахман башорати.....	340
Фафлатда қолган разведка.....	345
Стратегик разведка режаси.....	348
Тақдир кулгиси.....	352
Халабдаги жумбоқ.....	357
Сирли табассум.....	359
Тенгизнинг нозик ишораси.....	361
Соҳибқирон кутган аллома.....	364
Соҳибқирон ёллаган аллома.....	369
Франция маршалининг эътирофи.....	376
Амир Темурнинг жосус оталари.....	380
Европа разведкаларининг улкан ютуғи.....	384
Сербия халоскори.....	395
Кутилмаган учрашув.....	397
Генрих учинчининг учинчи кўзи.....	401
Қирол Генрихнинг хуфия гаплари.....	406
Денгиз разведкаси.....	409
Келажак разведкаси.....	412
Соҳибқиронга тиз чўккан испанлар.....	415
Хитой элчисининг сирли нигоҳи.....	421
Хуфия ишлар маликаси.....	423
Қиссадан ҳисса.....	430

**Ҳамдам Жўраевич Содиқов**

**АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИДА  
ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ  
(тарихий бадиалар)**

Муҳаррир: *Нилуфар Жумаева*

Техник муҳаррир: *Дарья Цыпушкина*

Муқова дизайнери: *Алишер Фозилов*

Компьютерда саҳифаловчи ва

мусахҳиҳ: *Дилором Ҳотамова*

Босишга 10.03.2010 йилда рухсат этилди.  
Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Ҳажми 13,625 босма тобоқ.  
Адади 5000 нусха. Шартнома № 10-142/10-638  
Буюртма № 10-638.

“ART FLEX” нашриёти, 2010 йил.  
100129, Тошкент, А.Навобий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
“O‘zbekiston” нашриёт-матбаа ижодий уйи  
босмахонасида чоп этилди.  
100129, Тошкент, А.Навобий кўчаси, 30-уй.